

Шұхрат Ризаев

МАҢНАВИЯТ МАНЗИЛЛАРИ

Пьесалар ва мақолалар



Фафур Ғулом номидаги нашрист-матбаа ижодий уйи
Тошкент—2008

Ҳамиша қадри баланд инсонлар бўлмиш отам Турсунбой
Ризамат ўғли ва онам Муҳайёхон Раҳматхўжса қизининг ёрқин
хотираларига бағишилайман.

Ю 34658
391

Ризаев, Шуҳрат.

Маънавият манзиллари: Пьесалар ва мақолалар /
Ш.Ризаев. — Тошкент: Faфур Fулом номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйи, 2008. — 336 б.

Таникли адабиётшунос олим ва драматург Шуҳрат Ризаевнинг узбек
адабиёти ва санъати равнақида ўзига хос ўрни борлиги сир эмас. Унинг
узбек адабиёти ва санъатига доир тадқиқотлари — риссола, дарслик, қўлланма,
мажмуалари, тафаккур ва ҳайратлари боиси бўлган мақолалари, эссе ва
битиклари аллақачон адабиёт мулкига айланган.


Муаллифнинг «Искандар», «Она», «Дискотека» пьесалари, қалб ва
тафаккурни ёлқинлантирган адабиёт оламидаги ҳодисалар, илмга, изланишга
рағбат берган устоzlар ҳақидаги адабий-танқидий мақолалари, хотиралари,
ўзбек театри ва киноси дунёсида рўй берадиган ижодий жараёнлар,
янгиликлар таҳлилига бағишиланган кузатишлари, етук режиссрлар ҳаёти
фаолиятига чизгиларни ўз ичига олган ушбу китоби, умид қиласизки, Сиз
азиз ўқувчиларга манзур бўлади, тафаккур дунёнгизни янада бойитади.

ББК 84(5Ў)6


Р 4702620206-39 қатъий буюртма, 2008
M352(04)-2008

© Шуҳрат Ризаев,
Faфур Fулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2008 й.

ISBN 978-9943-03-158-6



КҮНГИЛ ЭПКИНЛАРИ



ИСКАНДАР

(Алишер Навоийнинг “Хамса” асари оҳангларида)
Икки пардали драма

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Навоий
Жомий
Искандар
Файлақус
Арасту
Сукрот
Афлотун
Хурмус
Балинос
Фарфунос
Буқрот
Дарвеш
Биринчи вазир
Иккинчи вазир (элчи)
Аъёнлар, мулозимлар, сипоҳлар

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Саҳнанинг бир томони ёришади. Мир Алишер шайх Нуриддин Абдураҳмон Жомий билан шатранж ўйнамоқда. Ўйин асносида суҳбат кечади.

Жомий. Киши узоқ, машаққатли меҳнатдин эзиладур. Дарҳақиқат, ҳолдан тойганингиз табиий. Бироқ одам табиати бекорликка, танбалликка мойил бўладур. Бино-

барин, беш-үн кун ҳордик олиб, ўйин-кулгудан комрон бўлдингиз.

Н а в о и й. Инчунун баттарроқ мажолсизланиб, бўш қолсам хоб тилагида бўлиб қолдим.

Ж о м и й. Ярим йўлда қолишлик маъқул эмас. Яна ҳаялласантиз, чеккан барча ранжу меҳнатларингиз зое бўлғуси. Шукрлар бўлсинки, ҳақ таоло сизга мададкору, баҳт-иқбол эса мунисингиз. Тангри иноят қўлини чўзиб, қаршиңгизда ҳидоят эшигини очгусидур.

Н а в о и й. Иншооллоҳ! Сўзларим ажабланарлик бўлсада, бошимдан ўтгани учун ҳикоя қилишни маъқул кўрамен. Шукрларким, “Ҳамса” манзилларида панжамга кўп ранж еткурмай, беш ганждин тўртини қўлга киритини насиб бўлди. Қолғон ишни давом эттириш хаёлимга ҳам келмас. Йўлга тушишга қанча азимат қилсан ҳам, барibir минт бир важ-баҳоналар хаёлимни бузиб юборадур. Йўл оғирлиғи ёдимға тушган замон, кўнглим суст кетадур. Шод-масрурликлардин ўзни чеклашга қудратим етмас. Аммо шу тоб, агар занжир билан боғлаб тортсалар ҳам мазкур йўлға бир қадам босмоққа мажолим йўқдек.

Ж о м и й. Жаноблариға толе ёр бўлиб, не ишни ихтиёр айласалар, фолингиз кутлуғ келди-ку! Ахир тиканга кўл чўзсангиз, илкингизга ғунча тутилди. Тупроққа қадам кўйсангиз, у олтинга айланди. Бас, ҳақ бергандин кейин, уни асраб қўймай, тангри ризолиги учун муҳтојларға сарфламоқдин ўзга чора йўқ! Илло:

Рози эрмасмен кўнгил чокини пайванд этсангиз,
Қолғонин ҳам кошки парканд-парканд этсангиз.

Жанобларининг ғазал тарзи била айтмиш сўзлари шу эрди-ку!

Н а в о и й. Биҳамдиллоҳ, шукрки, ғазал тарзи била қалам тебратдим, элу улус номимни атади. Хаёлимда шеърият кишварларини эгаллаш, кўнгил мамлакатларида соҳибқироғлик қилиш муддаоси туғилди. Шу андешада ўтмиш “Ҳамса” водийларини кездим. Кўзимға ҳар байти ичра жаҳон яшуринган дунёлар кўринди. Шуларни фикр этсам, “Ҳамса” ёзмоққа чоғланғонимдин хижолатлар чекамен...

Ажволим шатранж ўйинини ихтиёр этгану, vale на доналарни теришни ва на олиш-беришни билмайдурғон ёш бола ҳолига ўштайдур. Пиёдани шоҳнинг ёнига, филни эса рухнинг ўрнига териб ўйнайверган билан бу ўйин бўлмайдику, ахир. Алалхусус, “Хамса”ни тасарруф қилиб, юзага чиқармоқ менинг ҳаддим эмасдек туюладур.

Фалак еткурмаса ёнимға они,
Не ғам чу чекмишам жонимға они.

Ж о м и й. Наҳот турк лафзида ижод этиб, атрок қа имларини яққалам этмоқ тилагида юрган зот шул андешага борса?! Жаноблариға турк иқлимларини қалам била забт этмоқ азал котибининг инояти-ку! Нечун ғазал водийсида от сурган соҳиби сўз “Хамса” манзилларида сустлик қиласадур?

Н а в о и й. Менга шу чоққача берилган бу файзу футхлар менинг ихтиёrim била бўлмади.

Ж о м и й. Иншооллоҳ, тангри таоло яна ўз карамини дариф тутмағай!

Н а в о и й. Ажаб, шу чоққача ғойибдан келган кучкүдрат кўнглимда шавқ-завқ ўтини яна алангалатади-ю, бироқ ҳаёлда “уддалай биламанми-йўқми” деган қўрқув туғёни чарх ураверади. Баайни шоҳлик тахтидан оёқ тортган Искандар каби...

Эй косагул, каёний қадаҳини келтир!

Эй хонандаю созанда, дўстлик-улфатчилик куйларини куйла. Ҳеч сўз қайтармай, мени маству мустағрақ қил! Зеро, Искандар ҳикоятини сўзламоқ азмимдир.

Эй Навоий, соқий қанчалар шўх, гўзал бўлмасин, созанда қанчалар дилкашу оҳангжў бўлмасин, қутлуғ йўл олдидан ўзни асрамоқ, эртанги буюк амалларга ўзни чофламоқ лозим.

Кейинги ҳар бир кўринишда Навоий кузатувчи ўлароқ иштирок этади. Кўриниш сўнгларида мутаносиб куй оҳангларида Навоий саҳна олдида пайдо бўлиб, ҳиссий хитоблар қиласади.

Иккинчи кўриниш

Саҳна тўла ёришиб, ҳазин куй таралади. Шарқу Farb услубини уйғуналаштирган мэъморий кўринишдаги сарой пайдо бўлади.

Саҳнада Файлақус ва Искандар намоён бўладилар.

Ф а й л а қ у с.

Соқол оқи ўлумға пешравдур,
Тириклиқ сабзаси узра қиравдур.
Қарилик айбини ёшурса бўлмас,
Борур чоги бўлди, боқиб турса бўлмас.

Аҳволимға дам-бадам ақл югуртириб қарасам, ҳолим кундан-кун таназзулға юз тутадур. Кетар чоги ҳам етушди. Одам қаригандин кейин қанчалар макру ҳийла ишлатмасин, йигитлик кўчасига қайтиб кира олмас. Йигитликда айшу фарофат қанчалар бисёр бўлса, қариганда ранжу уқубат шунчалар кўп бўлар экан. Гарчи умрдин шикоят қилаётган эсам-да, лек шикоят билан бирга шукур қиладурғон жоийм ҳам кўп. Мени йўлга бошлаган тангрининг ўзи.

Қариликнинг дарди бедармон бўлгани сабабли, бир гап кўнглимда армон бўлиб келади. Ўлмасимдин бурун тожу тахт, салтанат, қўшин, мол-мулк, мамлакат — барисини сенга топширсам. Ҳалойиқ тепасида туриб, мамлакатни бошқарсанг. Элнинг манфаати нимани тақозо этса, ўша ишни, қилсанг. Менинг истагим шундай.

И с к а н д а р. Шаҳаншоҳ, жонингиз омон бўлсун. Сўзингизни тинглаб, узроҳлик этмоққа ҳам тилим лол. Тузукроқ жавоб беришга эса ҳаддим сифмайди. Аммо бир-икки сўз айтишга журъат этамен. Аввал шуки, умрга ишонч йўқ. Йигитдур, қарицур — ҳаммасига Унинг зулми ҳам, инсофи ҳам тенг. Оламда неки мавжуд — бақосига умид йўқ. Алалхусус, тожу тахтдин не суд.

Ф а й л а қ у с. Сенинг сўзларингдан дарвешлик сиёқи келадур. Шоҳлиф корига неки ҳунар лозим — ақлу тадбир, куч-куват, паҳлавонлиф борини тангри сенинг Искандар зотингда жо этди. Вале кўнглинг юмшоқликка мойил, табиатингда шиддат аломати кам. Салтанат ишига бу зид. Шоҳлик бу қадар табъи тозаликни тиламас. Бирор оламга

шоҳ бўлар экан, у халқнинг бошидаги тангрининг сояси демакдур. Соя бўлмиш одам ўз шахсида неки мартабага эга бўлса, унинг соясидан бу ҳолат кўринмоғи лозим. Дўзаху жаннатни яратмиси Аллоҳ раҳмдил бўлиш била қаҳрлик ҳамдур. Кимгаки шоҳлик оинаси берилган экан, у зоти илөхийга эришган бўлади, унинг зотига эришганлар сифатларини ҳам ўзларига олмоқлари зарур. Илло сифатларидин бирортаси кам бўлса, у шоҳ бўлолмайди. Душман сенинг жонингга қасд қилса-ю, сен бу жонни унга қурбон қилмоқчи бўлсанг, ўлимни душманга эмас, ўзинта право кўрсанг, бу иш дарвешликдагина яхши хусусиятдир. Аммо шоҳлик соҳасинда бу ярамас хосият!

И ск а н д а р. Не билайким таъбимда шу хосса устивор. Сўзларингиз амалидин бу ақли ноқисим боҳабардур. Вале кўнглум ўзга мақсадларни тилайди. Ахир пацшанинг нишини ҳам синдира олмаган ва ё синдиришни истамаган филнинг «зўрлиги» қайга боради?! Оёгининг кучи билан чумолини ҳам босиб, маҳв этолмаган шернинг «кучи»дан не наф?!

Ф а й л а қ у с. Илму камолинг пойдор бўлса-ю, жаҳолат аҳли ани писанд этмаса, не ҳолға тушарсен?

И ск а н д а р. Аҳли дониш «хокисорлик — шоҳлик» демиш.

Ф а й л а қ у с. Жунунлик савдосини қўй. Сенинг бори иллатинг дунё ишларига бепарволиғингдадур. Сенга шоҳликни топширсам, иншооллоҳ, бу сифатларинг кўнглингдин ариғуси. Киши бошиға иш тушса, оғирини ўзи тортали. Юрт, фуқаро ташвиши елкангга ўтгач, сиёсат қилмоқни ҳам ўрганарсен. Шунда табиатинг ўзгарур. Бундан хислат топганингда, ўзинг ҳам сиёсат қилмоққа тез-тез ружу этарсен.

И ск а н д а р. Мушкул савдо, вале ғавғо солмоқдасиз бошимға!

Ф а й л а қ у с. Бас, нола-афғонингни қўй! Магар сен муродим ҳосилини тиласен, илтимосим қабул эт. Васиятимга қулоқ сол: мамлакатимга бегонани қўйма, хонадонимга бўлак кимсани киритма. Бу дунёга хайру хуш қилар чоғи етди, сен менинг ўрнимга қойиммақом бўлгин-у, менинг номус-орим, шон-шуҳратим елларга учмасин!

* * *

Н а в о и й. Эй, соқий! Бодани келтир-у, дунё ташвиши-ни қүй. Менга видолашув қадаҳини түлдириб бер! Ва сен бу майхонани бир нафаслик ғанимат бил! Ҳадемай бевафо фа-лак сен билан бизнинг ҳам паймонамизни түлдириб құяди.

Эй, мұғанний, қүшиқ айтиб, руд созини чал! Вафо-сиз жақон билан видолашув машқини күйла!

Эй, Навоий, бу дунёning иши шу, бундан ҳеч ким вафо курган эмас, уни унұтсанг, мардлик қылған бўла-сан, уни тарқ этсанг, у ҳам сени тарқ этади...

Учинчи кўриниш

Коронғу кеча. Қабристон. Мотам лиbosига бурканган
Искандар пайдо бўлади.

И сканда р (*ўз-ўзича*). Дунё ғамларига чора излай-излай, отам ҳам омонатини топширди. Кимсасиз, мажруҳ бу дилимни не билан юпатай? Тасалли борми? Тож ила таҳт андишаси кўнглимга қайғу соладир. Таҳтга ўлтироқ зулму оғат ишларига шерик бўлмоқдур. Боз устиға қилғон ишинг баробарида фалакдин мукофот оласен. Воз кечмоққа эса... падар васиятлари монеъ... Бу икки ўт орасидан қутулмоқ чораси қани?..

Шу пайт саҳнада бошяланг, оёқяланг, жулдур хирқа кийган дарвеш қўлида иккита бош чаногини қўтарган ҳолда пайдо бўлади.

И сканда р. Тўхта, дарвеш, бир нафас тўхта! Қи-лиқларинг ғалат, ҳолинг афтода. Кимсен? Нечук бу ерларни маскан тутибсен?

Дарвеш. Шоҳмен!

И сканда р. Шоҳсен?..

Дарвеш. Вале тожу таҳтдин йироқ баҳтиёрмен!

И сканда р. Дарвеш, ҳайрат ичра мени забун этма! Не сабабдин кошоналар ичра нашъу намо ҳаёт кечирмак ўрнига бу бузуқ вайроналарни афзал билдинг? Кечми-шингдан огоҳ эт!

Дарвеш. Кечмишим – күнгил узиб, оёқ тортган юмушим. Мен ҳам Аллоҳ иноятидин баҳраманд шоҳ эдим. Мағриб салтанати тасарруфим, айшу ишрат, фатху футух корим эди. Аммо жаҳон аҳлидин вафо кўрмадим. Аларнинг касби молу дунё, зеб-зийнат илинжида бир-бирига фириб бермоқ экан. Мол-дунёга эса рағбатим бўлмади. У ҳам мени ранжу ғамларга гирифтор этмасин, ледим. Ахир бу дунёдан кетар чоги пасткаш фалак шу харобани ҳам менга насиб этмагач, дунёга ҳирс қўймоқдин не наф. Бу жаҳон ғам чекмакка ҳам арзимас экан. Шоҳликдан фақирик афзалроғ-у, жаҳондордин кўра гадо озоду ихтиёрлироқ экан. Шундан дунё ишлариға этак силкиб, шоҳликдин дил узмоқни ихтиёр этдим. Шу ерни маскан билib, руҳларни улфат тутдим. Эл-улуснинг ғавғосини эшитсан, кулфатим ортади. Бу оламдин қўл тортғонимға шукроналар айтиб, саодат сууруини тужен.

Искандар. Илкингдаги суюкларнинг синоати не?

Дарвеш. Ҳаргиз қабристонни кезар эканман, бир муаммо дилимни ўртайди. Бу сўнгакларнинг қай бири шоҳники-ю, қай бири гадоники? Бу икки мато ўлганда-ку бир, нечун тириклиқда низо қиласидар?!

Искандар. Ҳа, ўйларинг адоқсиз, савдоларинг күшойиши гумон экан. Аммо, ҳимматинг баландлиги мени лол этди. Бу ҳиммат улуғ мартабаларга хос. Воқиан сенинг рутбанг шоҳлиғ экан.

Дарвеш. Ҳиммат – менинг ҳамишалик ҳамроҳим. Кимгаки ҳиммат ёр бўлса, у жаҳондорликни эмас, фақирикни тилайди, фақирик билан ўзини жаҳондор этади. Сен фақирикни кўча-кўйда тиланиб юргувчи гадойлик деб билма! Уни худо шоҳларнинг шоҳи қилиб қўйғон. Кимгаки ҳақ хушёр ақл берган бўлса, у шоҳликни эмас, камтарин фақирик йўлини тутгуси. «Ал факри фахрун» – фақирикдин фаҳр этмиш ноиби худо. Шул боис фақирикдек давлатдин кечиб, шоҳлик мартабасини қабул этолмаймен. Менинг ҳимматим тўрт давлатни тилайди: интиҳосиз ҳаёт, боқий йигитлик, абадий бойлик, безавол шодлик.

Искандар. Дарвеш, хижолат қоплайди мени. Гадойлик ҳимматингдин шоҳлик мартабаси пастроқ экан. Аллоҳ менга шоҳлик иноят этётган бўлса-да, фақири ҳимматинг

олдида фарибу ҳақирроқмен. Тангри сенга кўрсатган кара-
мини биздан ҳам дариф тутмасин.

* * *

Н а в о и й. Эй, соқий! Фам ва аламлар юрагимни сиқиб
юборди. Менга бир қадаҳ тўла лола ранг май келтир. Мен
уни бир симириб ичай-да, ўкириб-ўкириб йиглай.

Эй, муғаний! Кел-да, фиғон куйини куйла, бузилган
кўнглимизни янада буз. Зеро, бу мотамхона дунё фироқ дарди
билан бизни мотамга солди ва ғамга гирифтор қилди.

Эй, Навоий! Бу жаҳондин вафо кутма, фақирлик йўли-
ни тут-у, дунёдин умидвор бўлма. Кимки фақирлик ва
камтарлик йўлини тутса, шундай одамгина жаҳоннинг
ғаму кулфатини тортмайди.

Тўртиччи кўриниш

Сарой. Искандар кириб келади.

И ск а н д а р (ўз-ўзича).

Аlam ичра дам урмагил,
эй кўнгил!
Не ғам етса, қайғурмагил,
эй кўнгил!

Мотам лиbosларида сарой аъёнлари кирадилар.

А ф л о т у н. Шаҳзода, билимдонликда замон кишила-
рининг сарваридурсен. Шу боис бизнинг панд-насиҳатимиз,
сабру иродага ундашимизнинг ҳожати йўқ. Ажал шоҳимизга
кўз тиккан экан, қазоға розилиқдан бўлак не чорамиз бор.

С у қ р о т. Қазодан келган нарсаларга розилик бер-
майдиган, билъакс зору нолонлар қилиб дунёни бузади-
ган кимсалар ақлдан баҳрасиз одамлардир. Ақл эгаси танг-
ридан бошига неки етса, рози бўлиб, шукр этади.

Б а л и н о с. Илоҳо бу даҳри дунё сендан маҳрум
бўлмасин. Бори ҳалқ айрилиқ доғининг дарди душвор эка-
нини тан олади, бу дардга кимки сабрсиз эрса, қазоға
розилиги учун оладурғон мукофоти ҳам, мусибатнинг са-
воби ҳам йўқолади.

Б у қ р о т. Ҳаракатда бўлган ҳар бир нарса интиҳосига етгач, албатта, тўхтайди. Одамни ҳам шуларни бири ҳисобла!

Х у р м у с. Боғ ичида гул очилиб бўлгач, ниҳоят боғбоннинг кўнгли ундан совийди. Чироқ қанча жойни ёритмасин, барибир унинг ҳам куни қораяди. Дунёнинг хосияти шу бўлгач, одамлар доим бир мақомда жам бўла олмайдилар.

Ф а р ф у н о с. Аллоҳ яратмиш денгизлар ичида ўз дуридан жудо бўлмаган бирор дengиз йўқ. Бу азалий расму одат тангрининг иродаси ва қоидасидир.

А р а с т у. Қазонинг ҳар қандай ҳукмига тан бермаслик, ҳақ таолонинг лутф-марҳаматига ношукурчиликдур. Менинг сўзларимдан мурод панду насиҳат сўйламоқ эмас, зеро, ҳәёлимни ғам асир этмиш. Сенинг дарду ғамингта даво топай дейман-у, аммо тилим лол, дилим ошуфтаҳол. Аллоҳнинг ўзи кўнглимиздан ғамларни аритсин.

И с к а н д а р. Аҳли фузало! Муборак нафасларингиз билан қалбимда ниҳон яраларга малҳам босмоқдасиз. Сизлардин аён бўлган ҳамдардлик танимга умрдан қувват бағишлайдур.

А р а с т у. Шаҳзода, ҳеч кимнинг ўлмаган ва тупроққа кўмилмаган кишиси йўқ. Бу дунё шундай тузилган экан, бундан ўзинита хулоса ясагин-у, ғам-аламни бас қил! Тириклик ташвишини қил! Тана бошсиз бўлмагани каби, эл-улус шоҳсиз яшамоги мумкин эмас. Салтанат тожи сени кутмоқда.

И с к а н д а р. Рум кишварининг фузалою фуқаролари. Мартабангиз хоҳ улуғ, хоҳ қуий бўлсин, барчангиз мен каби тангрига бандасиз. Шу боис сизга ўз ожизлигимдан кўнгил озорини баён этмоқчиман. Отамни Аллоҳ лутф-иноят билан бу мамлакатта подшоҳ этди. Тангри ота-боболаримга шоҳлик рутбасини насиб қилибдики, ҳаммаси тахт кўрки, бахту соодат соҳиблари бўлдилар. Мен бир эътиборсиз кимсамен, боз устига салтанат иши ҳаддин зиёд хатарлидур. Шер юкини тортмоққа чумоли қодирму?! Алалхусус, шоҳлик мен каби нотавонларнинг кори эмас. Шоҳликка на рафбатим ва на ниятим бор. Сизлар бу мамлакатни идора қилмоққа лойиқ бир ҳукмрон ахтаринг. Ҳар ишда замон аҳлининг талабу истагидан воқиф, адлу ҳақда вожиб кимса бўлсун.

А р а с т у. Шаҳзода, бошлаб, тангри йўқлиқдан сенга вужуд берди. Гўдаклигингдан ўспирин ёшингтacha бошинг-

та ҳеч бир ғаму ғусса солмади. Мушкулингда балолардан ҳимоят қилди. Бошингдан оёғингача гўзалигу, оёғингдан бошингача маҳбублик намоёндур. Булардан бўлак яна ақлу идрок ато этиб, сени кўпга раҳбар айлади. Шулар эвази Аллоҳга шукрона этмоғинг жоиздур. Аммо сен эса тангри-нинг марҳаматидан бош буриб, гуноҳга ботасен.

И с к а н д а р. Гавҳарфуруп Арасту, жаҳонда ҳеч кимса йўқки, унинг ўз феъли-хўйи замирада бир хосияти-ю, вужудида бир ҳолати ва қайфияти бўлмаса. Ақли салим ва тани соғ одам ҳаётга тафаккур ҳам мулоҳаза билан боқсагина, рост йўлини топади.

А ф л о т у н. Шаҳзода, жамолингда жаҳондорлик намоён бўлган чоғида не боис бу андиша кўнглингта тушди? Эл-улус адлинг, ақлу донишингга муҳтож. Бу каби зулмни унга раво кўрмоқдин не суд? Наҳот ўз уйингга бегонани киритасен? Ота-бобонгдан мерос бу юрга меҳринг, муҳаббатинг йўқму?

И с к а н д а р. Ватанни севиш имон нишонаси, дейдилар. Имоним тазиикуда айтаманки, юрга мұхаббатим ҳаққи шоҳлик хотиримға малол келадур. Хаёлимни ақлу ҳикмат банд этмиш. Шоҳлик менга нораво. Кўнгил ҳаволарни истайди. Сайру саёҳат, дунё тамошонасидаги ҳангомалар ғарази дилимға ғулув солади.

С у қ р о т. Кўнглингда Ватан иштиёқи бор экан, уни тарқ этмоққа ошиқма! Сафар мангулик азобдир. У дунёға бўладиган сафарингнинг ўзи кифоя эмасми? Мен кетиб, бу одамлар қолади деб ўйлама. Дунё ғанимат. Биз барчамиз бир-биrimizга меҳмонмиз. Агар кўнглинг сайру саёҳат тилар экан, сафарнинг фойда-зиёнига талабгор эсанг, Ватан ичра мусоғир бўл. Улфату анжуман даврасига кир. Алалхусус, вужудингда иймон нишонаси бор экан, Ватан жаннатининг гулистонида туллар сарала. Шоядки, басират кўзларинг ёришгай.

И с к а н д а р. Басират кўзлари? Бу не синоат?

А р а с т у. Маъни аҳли ичра бор шундайин ҳаводис. Алар наздида ҳақ таоло инсонга маҳлуқотдин айру қалб, ибрат, ақл-идрок ва тафаккур кўзларини, яъниким басират кўзларини ҳам бермиш. Кимнинг басират кўзини тангри ёриттан бўлса, унинг кўзи қаёнга тушар экан, у ердаги гаройибот-

ларни бор бўйи кўради ва кўнгли изтиробга тўлади. Ул кимса астойдил назар солса, дунёдағи барча нарсадин ўзи ажаброқ чиқадур. Зеро, ҳар ким гаройиблар тамошасиға ишқибоз бўлса, истагани ўз вужудида пинҳон ва яшириндур.

Ривоят қиласидиларки, денгизда бир гуруҳ балиқлар бўлиб, улар сувда юзганлари ҳолда, ҳамиша қандай қилиб сув топишнинг хаёлинин қилас эканлар. Иттифоқо баҳайбат бир наҳанг аларнинг барини ютиб, ўз қорнида жамлади. Шунда булар аввал сувда эканлар-у, энди сувдан айрилганларини ҳис этдилар. Ҳиссаким, барча ажойиботлар инсоннинг ўзида жо, бироқ уни билмоққа таъби нодонлик қиласиди. Ҳар кўринган қизиқ нарсанинг ортидан югуради. Ўз улуғлигидан, ўз ганжинасидан эса огоҳ эмас. Кимки шу ганжинани топмоққа мұяссар бўлса, жаҳон аҳлиниң шоҳи худди шунинг ўзири.

И скандар. Сиз менга вужуд тилсимотларидан сўзлайсиз. Зеро, камина шу «вужуди инсон» аталмиш либос ортидаги тилсимотлар тилагидамен. Билдимки, у бир интиҳосиз маъво. Инчунун, жаҳон аҳлиға шоҳлиқ пуч хаёл кўринадур. Сониян, қалб ганжиналарининг шоҳлиғи тутгул, раиятга раҳбар бўлмоқ ташвишу тадорикларидин бехабармен. Шоҳлиқ не, салтанатни не тадбир била тутмоқ лозим — шууримда ҳали бу сўрголар жавобсиз.

Арасту. Шаҳзода, падари бузругим сенинг толено-мангни битганида, юлдузларнинг бутун бахту оғат мақомларини аниклаб, тақдирингни тожу таҳт шавкати муҳаввар этажагини башорат қилиб эди. Тақдирдан қочиб бўлмас. Ҳақ таоло сени ҳалқдан мумтоз қилиб яратди, уларга муҳтоҷ айламади. Сенинг мартабанг ўшанинг лутф-марҳамати туфайлидир. Агар унинг амрига итоат этмас эсанг, сенинг ҳам мушкулинг осон бўлмас. Модомики рутбаи олийға етушганинг муқаррар экан, биз — илм аҳли, сени шоҳлиқ тузукларидин огоҳ этмоғимиз фарзди. Илло, сўнгра не тадбир тутарсен ихтиёр ўзингда.

Шу пайтда мулозимлардан бири кириб келади.

Мулозим. Шаҳзода, Эрон юртининг ҳукмдори Доро қошидан элчи келибди. Ҳузурингизга кирмоққа ижозат сўрайдур.

* * *

Н а в о и й. Эй, соқый! Фам тарқатувчи шаробингдан бер, фам тарқатувчигина эмас, мотам тарқатувчи жомингни тут. Уни симирай-да, фамим қолмасин, отам таъзиясидан фориғ бўлай.

Эй чолғучи, навони ёқимли туз-да, менга муттасил навосозлик қил. Кулогимға дилкаш садоларни еткур. Мен бенавоға оромбахш наволар еткур!

Эй Навоий! Агар сен доно кишиларға мақбул бўлишни истасанг, ўзингни ўрталиқда сақла, эл қатори бўл!

ИККИНЧИ ПАРДА

Биринчи куриниш

Каёний шоҳ Доронинг саройи. Саҳна тўрида, тахтда Доро ўтирибди. Атрофида вазиру вузаролари, аъёнлар. Доро мuloқотида асосан иккита вазир иштирок этади.

Б и р и н ч и в а з и р. Румға юборилган элчи қайтди. Ҳузурингизга кирмоққа ижозат сўрайди.

Ижозат ишораси бўлгач, элчи — иккинчи вазир кириб,
таъзим қиласди.

Д о р о. Сўйла, шаҳзодаи навжуwon сенга не илтифотлар кўрсатди? Болалик ҳаволари кўнглидан кетиб, шоҳлик шавкату корига нойил бўлубдурму?

Э л ч и. Шоҳим, шаҳзода бағоят ақлли, сўзлари мазмундор ва ўзи олижаноб зот кўринди. Шунингдек, у илму ҳикмат ишини қўлладиган забардаст ва диловарсифат йигит бўлибдур. У шундай шавкат ва салобат эгаси эканким, унинг ҳузурида бирон одам бир оғиз сўз дейишга журъат этолмас...

Д о р о. Бир гўдак болани хўб мақтадинг. Дуруст! Ақли баркамол бўлса, мен-ла дўстлик ривожини тилар? Падари йўлини тутиб, бож-хирожни унутмас?!

Э л ч и. Марҳаматли шоҳ, Искандар Эрону Румнинг осойишини тилайди, бироқ Файлақус тўлагувчи бож — мингта олтин тухумни беришга ҳоҳиши йўқ. Бинобарин,

Доро бу беҳуда савдони хаёлидан чиқарсин демиш. Эрон лашкарини ўз тиги билан забун этажагига ишончи зўр.

Д о р о . Бу не афсона! Искандар сен айтганча ақл соҳиби эмас, девонаға ўхшайдир-ку! Ёки бу сўзларни айтган чоғида, у ўзини билмайдиган даражада маст эдими? Ва ёхуд ҳали эс-хуши кирмаган бола эканки, сўзларида ақл раҳнамолиги сезилмайди?

Э л ч и . Уни на телба ва на маст деб фаҳмламадим. Назаримда, у фафлатпараст ҳам, гўдак ҳам эмас...

Д о р о . Бас! У гўдак менинг қулбаччам, отим жиловини ушлаб юргувчи мулоғимим бўлмоғи жоиздир. Отабоболари менинг хонадонимнинг қули, аждодлари аждодларимнинг хизматкори бўлғанлиги туфайли, ақли улғаяр, ўзи ҳам киши сонига кириб қолар, деб унинг сўзларини сўз ҳисобига қўшиб юрсан, у ўзини гўё бир денгиз фаҳмлаб, мени дарёчалик назар-писанд қилмабди. Бундай беандиша муомала унинг бадниятлигидан далолатдир. Мен унга шундай таъзир берайким, эслаганида ҳар қандай бадкирдорнинг кўзлари очилсин.

Э л ч и . Эй шаҳриёр, сенга баҳт доимо ёр бўлсин. Мен фақат ўзим эшиштган, кўрган ва билғанларимнигина айтдим, зотан буларни айтишга мажбур эдим. Инонсанг, бу аҳволнинг бир чорасини қил, инонмасанг, яна ўзинг суриштириб бил.

Доро ўйланиб қолади. Шу аснода элчи чиқиб кетади. Шоҳ қолган атьёнларга ҳам жавоб бериб, биринчи вазирни олиб қолади.

Д о р о . Ўрда атрофида бўлган одамларни узоқлаштирип, бу яқинда бирон кимса қолмасин. Ўзинг эшик олдидан ҳеч қаёнга жилма. «Бугун шоҳ ҳеч кимни қабул қилмайди!» деб жар сол. Агар эрта оқшомга қадар келмай қолсан, ўз тадбирингни кўр, хаёлингга неки келса, шуни қил. Лекин бир кечаю кундуз бу сирдан ҳеч ким воқиф бўлмасин. Ва мендан бу каби ҳаракатнинг боисини ҳам сўрама. Энди боргоҳ олдига бир от келтир!

Вазир жадал чиқиб кетади. Доро ичкарига кириб кетади.
Саҳна қоронғилашади.

* * *

Н а в о и й. Эй, соқий, менга дўстона май келтир, май каёнийлар қадаҳида бўлсин. Бу давроннинг одати жафокорлик, у на Файлакусга ва на Дорога вафо қилди.

Муғаний! Паҳлавий куйларини нағма-оҳангга солиб, бир маънолик фифон чек, менинг лафзим била баён қилинган шоҳларни, сен ҳам ўз қўшиғингда ёд эт.

Эй Навоий! Адаб била шоҳона қалаҳ кўтариб, ҳордигингни ёз-да, бода кайфияти ила афсонангни давом эттири.

Иккинчи қўриниш

Искандар саройи. Шаҳзода А р а с т у ва бошқа илм аҳдлари билан сұхбат қурмоқда.

А р а с т у. Одамларнинг қилмишлари алловат бўлиб қолди, гина-кудрат ҳануз тугамайди. Жаҳонда неча миллат бўлса, барининг табиати гина қилмоққа мойил. Наинки миллат, ҳатто ҳамкаслар ўртасида бир-бирига оқибатлик, аҳд одамларни тополмайсан. Бирори бир ишда маҳорат кўрсатса-ю, ўзгаси ҳам шу ишга моҳир бўлса, бу иккови ўртасида низо чиқиб, «сен эмас мен» дейди, жанжал бошланади. Гўё бунинг бири тупроққа кўмилса, иккинчисига ер кенгаядигандек. Нечукки бу аҳли давлат ҳам ружу қилмиш ҳодисот.

И с к а н д а р. Эй, ҳикмат аҳдининг ҳакамлари. Бир иш юзасидин икки кимса ўртасида юз берган низони йўқотмоқ мумкинми?.. Кимки низо деса, ақл уни маънэтмоққа буйруқ берар. Аммо шундай бир йўл-йўриқ бўлсанки, бу қоидага биноан низо чиқариш айни замонда фойда ёки зиён келтириши аён бўлса.

А р а с т у. Нозик савол... Айрим низоларни ақл рад этгани каби, баъзиларини мақбул ҳам кўради. Низодин фойда ҳам, зиён ҳам етмоғи мумкин. Модомики бир ишнинг жанжалсиз ҳал бўлиш имкони йўқ экан, кимса шундай шартта риоя қилмоғи лозим, яъни душман билан олишмоққа ўзи қодирму йўқму? Ғалаба қозонмоққа ақли етса, у пайтда олишмоққа бел боғласа дуруст. Агар қувватини баробар ҳисобласа, можаро чиқармоқнинг ҳожати

йўқ. Насиҳат билан кифояланиб қолган маъқулдур. Насиҳат ҳам ётиғи билан бўлса, рақибнинг жаҳл отини жиловладиди. Воқиан ҳар бир ишда ақл йўлбошчилик қилса, кимса ночор аҳволга тушмайдур.

С у қ р о т. Ўз феъл-авторига ақл-идрок билан боққан одам ҳар бир ишнинг қайси фойдали, қайси заарли эканини англаб олиши мушкул эмас. Бинобарин, тама кишини хор қиласди, қаноат эса одамга шараф бағишладиди.

А ф л о т у н. Бале! Киши ақл ҳакамлигига иш тутса, яхшилик ва ёмонликни озми-кўпми фарқ этади. Унинг таъби яхшиликни маъқуллайдиган бўлгани учун, қилган ишлари ҳам фойдали бўлиб чиқаверади. Бироқ, бажарилиши машаққатли бўлган ишга кишининг нафси осонликча мойил бўлмайди. Нафс кишини ўз йўлига солган тақдирда, кўпгина фойдадан бебаҳра қолади. Шоҳлик ҳам шунга ўхшайдур. Яъни элни рози қилган шоҳ халойиқнинг дуоси билан муродига этади. Ўз нафси фойдасини кўзлаган шоҳ эса савобли фикрларни тарқ этиб, ёқимсиз феълларни амалга оширади. Оқибат аларнинг обрўларига путур этиб, қарамогидаги одамларга ўзи қарам бўлиб қолади.

Мулозим киради.

М у л о з и м. Доро ҳузуридан муборак чеҳрали, басавлат бир элчи келди.

И с к а н д а р. Яна элти!.. Унга хурмат кўрсатиб, ёнимга келтириб ўтқазинг! Буқун кечаси гаройиб бир туш кўриб эдим, ажаб эмаски, бу ўшал тушимнинг таъбири бўлса... Нужум аҳти ҳукмича шу кунлар ажаб ҳодисалар бўлмоғи лозим.

Элчи қиёфасидаги Д о р о қўлида учи эгри узун таёқ-чавгон, ёғочдан ясалган тўп-гўй ҳамда идишда кунжут кўтариб киради. Элчилик удуми бўйича таъзим бажо қилиб, Искандар қаршиисига ўлтиради.

И с к а н д а р. Давру даврон-ла давруқли шоҳ Доро ҳушвақтми? Мамлакат ишларидин шодми?

Э л ч и (Д о р о). Шукр. Тангрининг марҳамати билан.

И с к а н д а р. Ҳузуримизга келмоғингдин мурод не? Ҳамонки хирож борасинда бўлса, аввал келмиш элчига

айтғон сўзимиз сўз: тилло тухум бергувчи қуш аллақачонлар учеб кетган. Доро тўрт-беш кунлик умр чун ранжу машаққат чекиб, хазина устига хазина йиққан билан, у беҳисоб хазиналардин не наф — ғаму кулфатми? Магар аввал топқонидин фойда кўрдими? Бир ишнинг зарари фойдасидан кўп бўлса, уни давом этдурмак оқилларнинг кори эмас. Илло биздан тилло тухумлар сўраб, бизга ҳам, ўзига ҳам машаққат етказмасун. Дўстлигимиз рахна топмасун. Бу пандимиз кўнглига оғир ботган эрса, унинг сўзи ҳам биз учун аҳамиятсиз. Хаёлидан хирож таманносини чиқарсун! Ўзга неки сўзинг бўлса сўзла, сирру розинтга бизни ҳамроҳ эт!

Э л ч и (Д о р о). Жонингта тангридан дуолар бўлсин, шаҳзода. Эрон шоҳи Доро менга бир қанча мўътабар сўзлар айтмишки, уни эшигтмак шарафига ҳар ким ҳам нойил эмас. Агар бу анжуманда ўлтирган жамоа тарқаса-ю, мен билан фақат баҳодир шаҳзоданинг ўзлари қолса, шаҳаншоҳнинг барча сўзларини баён қилмоққа менда имкон яратур эди.

А р а с т у (*шубҳа билан*). Фалат таклиф. Бу элчи «фидойи»лик қасдида бўлмасин?

Элчи (Доро). Пок фикрли шаҳриёр демишларки, агар хилватда суҳбат қилмоқ иложи бўлса, яъни шаҳзода бўлса-ю, сир айтувчининг ўзи бўлса, сен бизнинг сўзларимиз барини баён эт. Агар ундан бўлмаса, ўрнингдан туру қайтиб келавер. Агар улар сени ҳибс этиб қамаб қўйсалар ҳам, дамингни чиқарма. Дарҳақиқат, мендин гумонингиз бўлса, қўлимни ҳам, оёғимни ҳам боғлатингиз!

И сканда (*тутақиб аўёлларига*). Барчангизга рұхсат. Бизни холи қолдириңг. Сени эса боғлашга ҳеч зарурат йўқ. Ҳудхуднинг* кори шунқорни чўчитмас.

А р а с т у. Шаҳзода, сизларни холи қолдирмоқдин аввал, икки оғиз сўзимга кулоқ бер. Ҳар ким ҳам кўринишида одамга ўшагани билан, бир-биридан ер билан осмонча фарқ қўлададур. Эл сарвари жавоҳиршунос мисол ҳар кимнинг феъл-авторига қараб муомала қилмоғи лозим. Илло, шоҳда фаросат нури бўлса, ёшу қари, катта-кичик, дўсту душман барига зийраклик билан муносабат кўрсатур.

* Ҳудхуд – сассиқлопишак.

Аъёнлар чиқиб кетадилар. Искандар элчи билан ёлғиз қолади.

Искандар. Мақсудинг ҳосил ўлгандир? Қани энди айт! Махфий сўзинг не?

Элчи (Доро). Жаҳонға адолат нурини сочган Доро сенга салом айтиб, дедики, бож-хирож қадимий русумдир. Бизнинг уни олмоққа эҳтиёжимиз бўлмаса-да, лек бизга тобе шоҳлар нени ҳукм қилсан, ҳукмимизга итоат этмаклари, қудратимизга тан бермаклари жоиз. Сен бизга итоат йўлини тутиб, ўзга шоҳлар каби банда бўлмадинг, отанг ишини давом эттирмадинг. Хирожни юбормаганинг тегру, ҳузуримизга бирон кимса жўнатиб, узроҳлик қилмадинг. Элчи юборсан, ҳаддингни унугиб, саркашлиқ қилибсен...

Искандар. Даврон шоҳи покзод Доро ўз сўзларига бениҳоя зеб берибдур. Сўз машшотасига берилиб, ғалат гуфторлар ҳам қилибдур. Алалхусус, шоҳларни бандам деб, улуғ мартабали зотларни хизматкорим дебдур. «Бандам» деб хитоб этмак, одам учун нораво-ку?! Таомилга кўра одамизд Ҳаққагина ибодат ва қуллук қиласадур. Зеро, «бандам» демоқ, тангрига ярашиглик. Доронинг бундай сўз айтиши тантрига «шериклик» даъво этмак билан баробар. Инчунун Доро мазкур иштибоҳи ила куфр йўлига кирибдур...

Элчи (Доро). Ўз даражасини билган одам бундай сўзларни айтмайдур. Сенинг ишларингни тадбир билан ислоҳ этиб, тузатмак душвор. Муомалангдан тентаклик мубиби келадур. Не бўлса ҳам ҳали гўдаксен, бошинг тошга тегмаган...

Искандар. Доро шу сўзларни ҳам айтган бўлса, яна куфрга кетибдур. Яъни мени маст, гўдак, телба-тентак деб тухмат қилибдур. Ҳар кимки бу уч иш била тухмат қиласа, куфру гуноҳ байробини кўтарган чиқар. Фараз қилки, икки ҳимматли шоҳ мамлакат талашиб, можаро бошласалар, бири катта-ю, бири кичик бўлса, улуғи тушунчалик бўла туриб, кичигига «Мен каттамен!» демас.

Лайлакнинг улуғ қуш аро сони бор,
Вале шунқор оллида не жони бор.

Элчи (Доро). Қизил тилинг бошингга оғат келтирмаса деб қўрқамен.

И сканда р. Билимдон ва ҳүшёр кишилар учун ўзининг қаршисида турган кимсанинг қандай одамлигини билмоқ улуф ишдир. Шу пайтта қадар Доро кучсизлар билан урушиб келди, мендайларга эса ҳали иши тушмаган. Унга ҳар йили хирож бергувчи бечораларга биттадан эски тож сотибди. Тож бериб, тож олуячидан хирож талаб қилмайдилар. Ақл билан иш кўриш — хурсандлик келтиргани каби ноўрин тамагирлик ақлсизликдин ўзга нарса эмас. Тама билан орамизга хусумат солмасин. Шавкатли салтанати, беҳисоб лашкари билан қанчалар мағурланмасин, улар менинг тигим олдида дош беролмайди. Озга ҳам, кўпга ҳам зафар бергувчи Аллоҳнинг ўзи.

Э л ч и (Д о р о). Сенда жаҳолат кўп экан-у, ақл оз экан. Ҳар нечук ёшсен, биссавоб Доро айбларингдан кечгуси. Каму кустларингни бутлаб, анинг ҳузурига борғайсен, баланд оstonамизни тавоғ қилғайсен. Шунда юзингдаги хижолат арийди. Шоҳдан беҳисоб лутфу иноятлар кўрасен. Магар шу амримиздин бўйин товласант, жаҳту фуруринг түғён қилиб, Доро сўзини рад қилсант, нодонлиғ қўчасига кирган бўлурсен. Билғеъл, бу гўдаклигинг нишонаси бўлғай. У ҳолда шахриёр сенга гўю чавгонни муносиб билиб, ушбуни савғо қилғуси.

И сканда р (ўйланиб). Шоҳ менга эҳсон қилиб, гўй била чавгон юборибдур. Бунда ҳам бир яшурин маъно кўрамен. Илм аҳли жустужў қилиб, ер юзини гўйдек юмaloқ демишлилар. Шоҳнинг ушбу ер каби юмaloқ тўпни савғо қилиши тангрининг менга «олам сеникидур», дегани. Чавгон эса Доронинг ўз майдонини менга топширгонидур. Энди мен от суриб, майдоннинг ҳар томонига гўй — тўп ургаймен. Билло шоҳнинг илтифотидин хушбахтиқ туюмэн.

Элчи иргиб ўрнидан туради.

Э л ч и (Доро). Шаҳзода, жонинита раҳминг келсин, жаҳолотидан туш, кўнглингдаги ихтилоф ва ноаҳилчиликка чек кўй! Ожизлигингни эътироф қилмай, низо чиқармоқ учун азм эттан бўлсант, мана кунжут доналариға назар сол. Доро лашкарларининг саногини шу кунжут доналарича бил.

Элчи идишдаги кунжутни олиб, Искандар пойига сочиб юборади.

И ск а н д а р (кулимсираб). Магар Доронинг қүшини шу кунжут доналаридан кўп бўлганда ҳам кунжут қушларга ем бўлгани каби, улар ҳам менинг лашкарларимга арзимас ем бўлмоғи тайин. (*Искандар ўрнидан туради.*) Элчи, мендан эшитганларингни Дорога етказ, мендан неки сўраб, қандай жавоб олган бўлсанг, ўз шохингта борича сўйлаб бер!

Элчи ғазаб билан чиқиб кетади.

* * *

Н а в о и й. Эй, соқий! Май келтир. Шундай ичайки, маст бўлиб, худди шердай ўкирай. Ва душман сари маст шердай ҳамла қилиб, ҳаммасига бир дамда шикаст етказай.

Эй, хонанда! Соз чалиб, жанг ҳантомасини тараннум эт. Ашулангда «Шоҳнома» оҳангини куйла. Зеро, шоҳу шаҳзода кин-адоват оҳангини бошладилар. Сенинг нағмаларинг садоси билан лашкарлар шижиоати янада ошсин.

Эй, Навоий! Жаҳонда уруп фавфоси қўзғалди. Фитна қуюни осойишталикни супуриб ташлади. Агар сен бу мажародан омон қолай десанг, бир нафас ҳам май машгулотидин тўхтама. Замон аҳлига минг хил балолар келса ҳам май кайфига қонган кимса ҳеч нарсани сезмайди.

Учинчи кўриниши

Уруш ноғоралари гумбурлайди. Жанг-сурон садолари эшитилади. Саҳна ёришиб, яrim сипоҳий кийимларда Искандар ва унинг аъёнлари пайдо бўладилар.

И ск а н д а р. Қай тарафга боқмай, халқдин ўзгани кўзим илғамас. Оломоннинг ҳад-ҳисоби йўқ. Эс-хушимни ҳайрат қопладир, кўнглимга ҳадик андишаси келадир.

А р а с т у. Шаҳзода, сен шоҳлик рутбасининг бир мақоми тадорикидасен. Султонлар ўртасига тушган можаро жаҳон ичига тушган тўфончадур, зеро, бундин аҳли жаҳон вайрон бўлур. Уруш бу тўfonгина эмас, бало дengизининг чайқалмоғи, олам аҳлиниң қонли сув остида қолмоғи демакдир. Бу пайтда жаҳондаги бори мамлакатлардин осойишталик йўқолади. Уруш бу бало селининг мавжланмоғи демакдир. Бу фитна мавжлари халқни ўз

офатиға ғарқ этадир. Уруш, бу — довул! Довулгина эмас, ғам ва андухнинг селидур. Ундан бутун дунё халқлариға күлфат ва алам етади. Уруш кунлари ошнолар бегоналашади, бир хонадонда яшаган одамлардин ҳамхоналиқ йўқолади. Халойиқ кўзини фитна гарди қоплаб олса, бечора халқ ур-йиқит орасида ўзини йўқотади. Уруш балоси улус бошига Қирғинлик, ватангандолик солади. Ноаҳлчилик, мурасасизлик авж олаверса, халқ бу кўргуликлар остида топталаверади. Урушни сен халққа офат куни, офат эмас, қиёмат куни деб билавер.

И с к а н д а р. Арасту, сўзларинг аччиқ ҳақиқат! Мен илму ҳикмат даъвоси билан ҳовлиқиб, бевақт жанг майдонига кириб қолмадимми?! Наздимда, шикаст ейишдин ўзгаси насиб этмайдиганга ўхшайди. Ахир икки қўшиннинг бири душманидин икки-уч ҳисса ортиқ бўлса, жанг зарбаси оз тарафни эзмоғи муқаррар-ку! Шу ҳолда уруш қўлмоқ — ўз бошини ўз қўли билан қундага қўймоқдин бошқа нарса эмас. Таассуфки, энди жанг майдонидан қайтмоқнинг иложи йўқ.

А ф л о т у н. Эй, юксак мартабали зот! Бутун умидингни фақат аскару лашкарга боғлама, тақдирни тангрига ҳавола қил. Ер юзини лак-лак лашкар бостиранг-у, аммо ҳақ таоло сенга зафар бермаса, не наф? Аскару сипоҳни ҳам ҳаддин ортиқ қийнами, уларни офату фалокатларга гирифтор қилма. Агар шоҳдин аскарларга азият етадурғон бўлса, аскар ва сипоҳдин ҳам шоҳфа шикасту зарар етиш хавфи бор. Аларнинг эркини буткул қўлиға бериб қўймаганинг каби, ноумид ҳам қилма, яъни улар бир тарафдин сенинг сиёсатингдан қўрқса, сониян, марҳаматингдин умидвор бўлиб юрсинлар. Сипоҳ қўнглини лутфу марҳаматинг билан шоду, раиятни ўз адолатинг билан обод айла. Шу икки гуруҳ сендин рози ва хурсанд бўлса, сенинг салтанатинг равнақ топғуси.

С у қ р о т. Билҳақиқат, сен фатху ғалабани ва иқбалингни тангридан умид қил. Қачонки Аллоҳ олдида қилимишларинг тўғри бўлса, эл-улус, лашкардин ортиқ ташвиш чекмоққа ҳожат йўқ. Модомики, Тангри сени ўзининг ердаги сояси қилиб белгилаган экан, шубҳасиз, бу соянинг мартабаси улуғдир. Лекин у соя элу юртға осо-

Йишталик бағишиламоги, уни обод ва маъмур этмоғи лозим. Эл-улуснинг азиятга тушувига сабабчи бўлиб, яхши номингни ёмонга чиқарма. Фуқарони ўз адолатинг билан эркин яшамогини таъмин эт, у хотиржам бўлсин. Фуқаро тинч ва осойишта бўлса, сенинг барча муддаоларинг ҳосил бўлаверади. Агар фуқаро паришон ва пароканда бўлса, шоҳлик дараҳтининг илдизи бўшашиберади.

А р а с т у. Шаҳзода, ҳикмат аҳлиниңг сўзларини дилингга жо эт-у, билиттифоқ йўлингда давом эт. Кўнгилдан гумонларни қув! Агар шоҳ қийинчиликни енгиш йўлида шижоатли бўлмас экан, у ҳеч бир ишда ғалабага эришолмайди. У ўзига тобе одамлар ва аскарларнинг тартиб-интизомини тиласа, аввало ўзи тўғри сиёсат юргазмоги зарур. Ҳалойиқ адолатга суюнган интизом билан яшаса, шоҳ икки дунёда азизу мукаррам бўлгуси.

И с к а н д а р. Интиҳосиз ўйлардин озурда кўнгилга тасалли бердингиз. Ташаккур! Тонгла даврон бизга не ҳунарлар қўрсатадур, якка Аллоҳга аён. Энди хос хонага ўтиб ором олинг, талотўлда қақраган дилларни май селоби билан қондиринг... (*Аъёлларга ишора қиласди.*) Устоз Арасту, бир нафас...

Барча аъёнлар чиқиб кетгач, Арасту билан ёлғиз қолиб сўзлашади.

Кўнглимда осойиш йўқолди. Бир тарафда журъат ва умид ҳукмрон бўлса, иккинчи томонда хавф-хатар талваса солмоқда.

А р а с т у. Шаҳзода, кимгаки поклик руҳи мадад берар экан, унинг кўнглига ақл шами нур сочиб туради. Ақлли одамлар ҳар нарсанинг кетини ўйлаб, риоя-андиши билан иш тутадилар, уларнинг ўйлаганлари ҳамиша тўғри ва эл-улус учун нафлик бўлади. Зоро, сен денгиз қаршисида сузишни билмай, мустағрақ бўламан деган ўйда ўтирган гўдак эмассанки, бу жанг жадаллар ақлингни шоширган бўлса. Ё ўзга андишанг борми? Сўйла!

И с к а н д а р. Бу кун хилватда харсанг узра бир ҳол кўрдим. Анинг андешаси фикратимга ғулу солди. Тош узра икки каклик бир-бирила бениҳоя қаттиқ, чапдастлик билан уруш қиласар эдилар. Какликларнинг бири катта, қувватли, иккинчиси эса билъакс кичик ва заифроқ эди. Алар

омонсиз жанг қылмоқда әдиларким, шу замон осмонда бургут пайдо бўлиб, какликлар сайди учун пастга инди ва туйқус катта какликка чанг солиб, уни кўтариб кетди. Кичик каклик эса ерда жавлон уриб қолди.

Арасту (*ўйланиб, сўнг хушхол*). Тангрига қилган илтижоларинг мустажоб бўлубдур, шаҳзода, фолинг кутлуғ. Хушдилу хушбахт бўл! Агар беҳисоб кўшин соҳиби Доро қувватлиқ какликка қиёс бўлса-ю, сен ўзингни тайрнинг заифи деб билсанг, душманнинг бисёрлигин писанд этма, тангри гумонингга чора қилибдур. Аллоҳ амри ила у ўзга бир қувватдин шикаст топфуси.

Шу аснода шошиб мулозим киради.

Мулозим Шаҳзода, душман томондан маҳфий нома билан чопар келибдур.

* * *

Навоий. Эй, косагул! Менга шундай май келтиргилки, у руҳнинг сармояси бўлсин. Мен уни ичиш билан ақлнинг фазилатларини унугтай. Зеро, ақл-идрок мени қўлламади, балки ҳайрат менинг жонимға қасд этди.

Эй, муғаний! Бизни қувонтирувчи созларни чалиб, шодлик қўшиқларини қўйла!

Эй, Навоий! Бошингга қайғу ўз тигини тортмасдин бурун, шу нафасда шодлик базмини қизитиб юбор!

Тўртинчи кўриниш

Олислардан тиловат этаётган хушсадо келади. Искандар хилват бир гўшада ибодат, тавба-тазарру билан машғул.

Искандар (*ўз-ўзича*). Фурсат ўтмай, яна ғалавовур, яна уруш карнайлари янграйди. Яна омонсиз жанг бошланиб, яна кўкни қиёмат-қойим қўпади.

Аллоҳ-Аллоҳ, дунё деган нарса бир аждаҳо экан. Аждаҳо эмас, бир бало экан. Унинг шиори ҳам, одати ҳам ҳалқни ютмоқдин иборат. Бирор аждаҳодан азоб ва ўлим топса, бирорвлар ганжу казина илинжида. Оқибат эса дунёда вайроналиқдан ўзга нарса йўқ, ҳеч ким ундан тирик кутулган эмас.

У жонни олиб кўя қолмайди, танани ютган билан тўя қолмайди. У жисминг хокини тупроқقا қоради, боз яна унинг гардларини кўкка совуради. Хотирот аталмиш гарднинг зарарида бир онда йулиқасан-у, бироқ йиллар бўйи ундан кутуолмайсан. Бировлар бунинг зараридан ўзини четта тортмоқ учун фано тарийқини тутадилар. Аммо қочиб қайга борадилар? Савдолашиб алданган жаллод ўлдирганлари мингта етганда, қиличини ерга кўмар экан. Хоҳ шоҳ, хоҳ шаҳзода бўлсин, иши минглаб одамларни ўлдириш бўлган кимса не қилсин, ўзини қайга яшурсин! Дунё аталмиш аждаҳо комидан қайга беркинай? Вой, юз қатлавой!

Яна тиловат садолари эшитилади. Шу аснода фурсат ўтгач, шовқин-сурон билан Доронинг икки вазири қонга беланганди шоҳни судраб, Искандар ҳузурига олиб келиб ташлайди. Аъёнлар, мулозимлар киради.

И сканда р (элчини таниб). Элчи!..

Б и р и н ч и в а з и р. Элчи эмас, Эрон шоҳи Доро. Сенинг ҳузурингта элчи қиёфасида келиб, ҳоли рафторингни ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлган эди.

И сканда р. Киши ўз ғаними ҳузурига ҳеч бир анжом-яроқсиз келиб, у билан суҳбат қилмоққа журъат этган экан, бу ҳол ул кимсанинг шерюраклиги ва акли фасоҳатидин далолатдур.

Искандар шу сўзларни айта туриб, Доронинг беҳуш бошини тиzzасига олади. Доронинг ҳуши ўзига келиб, кўзларини очади. Искандарни таниб, ҳайратта тушади.

Д о р о. Шаҳзода?... Навқирон баҳодир, мени танидингму? Мен-ла олишмоққа журъат этган телба гўдакмикан, деган хаёлда даргоҳингга бориб эдим. Йўқ, билъакс сенга ҳавасим келди. Фаҳминг, фаросатинг ақлимни шоширди. Сен билан душман бўлиб эмас, оға-ини, ота-бала бўлиб суҳбат қурмоқни орзулаб кетдим. Не иложким, ўртада тамағарази бор эди. Ажал ноумид қилиб турган шу тобда, Тангри мени умидвор этди, муродимга еткурди.

И сканда р. Етти кишварнинг шаҳаншоҳи тирик бўлсинлар, жаҳон сиздан бир нафас холи бўлмасин. Сизга шунчалар беилтифотлик қилганимдин хижолатдамен.

Д о р о . Хижолат чекма! Жуда қалтис фурсатда юзлаш-
дик, Сени жонимдин ўзга бирон нарса билан сийлай ол-
майман. Илло, мен сенинг бир нафаслик меҳмонингман...

Шиоринг дўстлик бўлса, икки дунё тангриси ёринг
бўлғай. Ва гар қатл ниятинг бўлса, мурувват қил, бир на-
фас жонимни омон қўй, икки-уч сўзим бор, айттай.

И с к а н д а р . Шаҳаншоҳ, камина Сизнинг хизматко-
рингиз, шарманда бир хизматкорингиз!.. Кошонангиз муло-
зими бўлиб, хонадонингизни ғанимлардан ҳимоят этиб юр-
моғим жоиз эрди. Таассуф, таассуф! Худо шоҳид, қаршин-
гизда уруши сипоҳини тузганимга иқрорман. Аммо бу фожиани
кутмаган эдим. Икки хиёнаткор ноибингиздан маҳфий нома
келиб эрди, бироқ алар фитнасига шерик бўлмадим. Биллоҳ,
бу ҳодисот олдида ёруғ олам қўзларимга қоронғу!

Д о р о . Шаҳзода, сўзларимга қулоқ тут, шуларни айт-
моққа қўзим мунтазир.

И с к а н д а р . Мени у муродингиз билан сирдош
этинг, неки фармонингиз бўлса, буюриб, бошимни ба-
ланд айланг.

Д о р о . Менинг уч сўзим — уч васиятим бордур. Бири
шуки, бегуноҳ бўлганим ҳолда, менга сунқасд қилган икки
вазирим — у икки душманимни адолат юзасидан қатл эт,
бу билан менинг руҳимни шод этсан. Гарчи бундан ме-
нинг жароҳатим тузалмаса ҳам, аммо бу чора сенинг ке-
лажагинг учун фойдалидур.

Иккинчиси, менинг қавмларимга зулм қилма. Қайси
шоҳ авфу карамни одат билса, унинг мартабаси сарба-
ланд бўлғуси. Жавонмардликни, саховатни касб этган ким-
са жаҳон аҳли ичра мумтоздир. Зеро, қавмларимга карам
қилсанг, улар сенга тоабад садоқат кўрсатгай.

Учинчиси буки, меним Равшанак исмли қизим бор.
У шу кундан бошлаб менинг менсизимдур. У Каёнийлар
тохининг меросхўри. Лозим топсанг, ўз хонадонингни шу
шам бирла ёриттил. Аҳд-никоҳ ила уни ҳарамингта ол!
Шояд, наслу насабимиз завол кўрмагай.

Ушбу васиятларимни қабул этсанг, видолашар чоғда
ёруғ дунёдан ризолик била кўз юмамен.

И с к а н д а р . Шаҳаншоҳ, неки ҳукм этган бўлсан-
гиз, барчасини қабул этдим. Умидим улки, Аллоҳ тавфиқ

бериб, Сизнинг руҳингиз менинг узримни ҳам қабул айлагай!

Д о р о шу сўзларни эшита туриб жон беради. Искандар изтироб ичра Арасту сўзларини эслайди.

Уруш! “Билки ул кундур — офат куни, не офат куни-ким, қиёмат куни”. Доро, сенинг ҳолингға эмас, ўз аҳволимға зор-зор йиғлай! Бошимга беҳад мушкул ишларни солдинг!.. Уруш, ўлдириш тўхтатилсин! Элға амну омон!

Доро жасадини олиб чиқиб кетадилар.

И с к а н д а р (*сотқин вазирларга қарамат*). Фалак зулм чоғида эпчил бўлганидай, зулмнинг жавобини қайтаришда ҳам жуда чаққон. Агар бировдан бировга офат етса, офат етказганға етадурғон жазо бундан қаттиғроқ бўлади. Агар биров жафо қилиб, бир ипни узган бўлса, жазолаш вақтида ўша ип аждарга айланишини кўзда тутмоқ керак. (*Мулоғимларига буюради.*) Уларни ҳибсга олинг!

Б и р и н ч и в а з и р . Шаҳзода, сенинг хизматимиз эвазига кўрсатган марҳаматинг шуми?

И с к а н д а р . Кимки бир учқунни фитна билан беркитиб, кул қилган бўлса, ўша учқуннинг чақини унинг ўзини охирида кул қилади...

И к к и н ч и в а з и р . Қаҳр қилиш касби бўлган шоҳ олдидаги энг гуноҳсиз одам ҳам гуноҳкорроқ саналар экан-да?

И с к а н д а р . Сизлар ўз шоҳингизга хиёнат қилиб, гуноҳга ботдингиз. Энди менга вафо қиласмидингиз?! Хиёнатнинг жазоси ўлим!

Б у қ р о т . Валиаҳд, сенинг ҳукмингта бўйсунишга мажбур бўлмиш ҳар хил ҳалқ гуруҳлари борки, шоҳ авлодидин бўлишингга қарамай, сен ҳам шу гуруҳлардансан. Зоро, яратилишда ҳамма одам бир жинсдандир. Уларнинг кўплари билим ва камолотда сендан мўътабар, қобилиятда сендан юксак турмоқлари мумкин, Худо сени уларга амир-у, уларни эса, сенинг амр-фармонингга бўйин эгуви чи қилиб кўйди. Бордию ўшалардан бирига сенинг марта-бангни берган бўлса, амрига бўйин эгмай нима қилас эдинг? Фарқ шундаки, Ҳақ таоло сенга баҳт ато қилиб, сен ҳам ҳалққа раҳбар бўлиб қолдинг. Гуноҳинг учун танг-

ридан омонлик тилаганингда, ўзингни уларнинг бири деб гумон қил. Ниманики ўзингта нораво деб билсанг, уни халққа ҳам асло раво кўрма. Гуноҳкорни жазолашдан аввал, худо олдида ўз гуноҳларинг борлигини ҳам эслаб қўй. Бирорни қатл этиш лозим бўлса, имкон қадар унинг ўлимини кечиктироққа урин.

Хато айлаганни ҳисоб айлама,
Хатосиға лойиқ азоб айлама.

И с к а н д а р. Эй, аҳли дониш! Фитна-фасод, зулм аҳлини сиёсатда тутмоқни ўзингиз панд бериб эмасмудингиз? Ахир золимни шоҳ қўрқитиб турмаса, бундан золим хурсанд бўлади, мазлумнинг эса боши ғамдан чиқмайди-ку!

Х у р м у с. Ёмонга жазо бермоқ, гарчи қонун ва сиёсат юзасидин тўгри бўлса ҳам, аммо адолатли ҳукмдорнинг асл йўли шафқат-мурувватдур. Авфу қарамни ўзига қасб қилиб олган одам золимлардан интиқом олмасин, демайман, йўқ. Лекин гуноҳкор уятдин бошини солса, мард унинг бошини тиф билан баттар эгмайди.

Ҳар киши осию гунаҳкорроқ,
Авф ила раҳматқа сазоворроқ.

И с к а н д а р. Агар шоҳ ўз сиёсат тифини ўткир қиласа, ҳалқ ўртасида юзлаб тиғлар қон тўкиб, қон оқиза бошлайди. Олам аҳлининг масъулиятини киши ўз устига олгач, у хиёнаткор, ёмон кимсаларга зарба бериб турмоги шарт.

С у қ р о т. Бале! Шоҳ покликни, адолатни шиор қилиб олса, ҳалқ ичиди бўлмиш нопоклик ва ёмонликлар йўқолади. Модомики ёмон одамлар нопок ишларни қилишдан ҳавфхатарда бўлса, ҳалқнинг оиласи тинч ва осойишта яшайди.

А ф л о т у н. Билҳақиқат, золимлар зулм қилса-ю, шоҳ индамаса, унинг мамлакати обод, ҳалқи фаровон бўлолмайди. Бинобарин, шоҳ зулмкор кишиларни хокисор тутиши, уларга ҳеч омонлик бермаслиги лозим.

А р а с т у. Шоҳнинг нияти покликка асосланса, унинг хотири ғараз ила ифодаланмас.

Агар бор эрса поклик нияти,
Анга ёр ўлур поклар химмати.
Керак оғзи поку сўзи доги пок,
Яна кўнгли поку кўзи доги пок.

Шундагина у юртни адолат билан маъмур этади, эл оиласини ўз оиласи билади.

Буюк мақсадларга таваккалчилик билан эришиш мумкин эмас. Мумкин бўлган чоғда эса, эҳтиёткорлик лозим. Зоро, таваккалчиликка берилиб, гафлатда қолмоқ ҳам яхши эмас. Давлат корида мазкур ишларнинг энг муҳими мўътадилидидир. Фитна-фасод билан шуғулланувчи, извогар кимсаларни сиёsat остига олмоқ, уларга қаттиқ жазо бермоқ — хукмдор учун шарт. Ёмонларни ҳаддан ортиқ кўрқинчда сақлаш — яхшиларнинг бениҳоя осойиш яшамоги учун зарур.

Шаҳзода, маъни аҳлларининг мубоҳасалари ақл уйингни ёритгай. Вале не тадбир этарсен, ихтиёр сенингдур. Сенинг тадбиринг борлиқ хукмдорининг хукмидур.

И с к а н д а р. Деҳқон ўз ерига ниманинг уруғини экса, шуни ўриб олади. Ҳар ким яхши қилиқли бўлса, ўзига ҳам яхшилик қайтади. Бирор ёмонликдин завқ олайдурғон бўлса, ўзи ҳам қилмишига яраша ёмонлик кўради. Ҳар бир ишнинг натижаси шу — яхшиликка яхшилик, зулмга зулм. Агар қўлланган чора бу қонунга хилоф бўлса, адолат тариқи бузилади... Ҳукмим шу! Жаллод!..

А ъ ё н л а р (жур бўлиб). Шоҳлик муборак!..

Н а в о и й. Эй, соқий! Май келтир, уни ичиб жон топгандек бўлайин, ғам билан ўлимдан омон қолмайин. Даврон Дорога заҳар берган экан, Искандарга обиҳаёт, умри боқий берармиди?!

Эй, мутриб! Чант нағмасини созла. Лек бу куйингга йиғини жўр эт. Мен дардимга фифон тортиб йиғлайин, шиша янглиғ қон йиғлайин, йиғлайин!...

Эй, Навоий! Бу жаҳоннинг вафоси йўқ. Унинг расми одати нақ жафокашликнинг ўзгинаси. Ўзинг вафодор бўлгину, вале дунёдин вафо кутма! Бу дунёда наво тиласанг, бенаволиғ йўлини тут!

Бешинчи күриниш

Искандар саройи. Шаҳзода, барча аъёнлар,
мулозимлар жам бўлган. Искандарни тахтта ўтказиш
тантанаси.

Арасту. Валиаҳд! Сиёсат асрорини ҳам касб этдинг!
Хаёлингдан сўфиёна ўйлару зоҳидона таважжуҳлар арисин.
Шоҳлик тожини киймогинг учун, Аллоҳ шу кунни азиз
этибдур. Сен ҳам зоҳиран, ҳам маъниян адолат ишларига
шайсен. Алалхусус, бизнинг шоҳлик борасинда айтмиш
тузукларимизни гоҳ фикру ўйингга жо қилдинг, гоҳи қил-
фон амалиётингда бажо этдинг, доги бажо этадурсен. Ижо-
зат эт, ҳотифи худо ҳукмини адо этайлук.

Арасту ва Балинос Искандарни икки қўлидан тутиб тахтга
ўтқазадилар, бошига тож кийгизадилар. Тантаналар асносида
саҳна ярим қоронгилашиб, чироқ бир томонни ёритади. Яна
Жомий ва Навоий пайдо бўлади.

Жомий. Талаб йўлида кўзланган манзилга етмоқ
мушкул иш. Маълумингизким, «илми ийқон»да айтилмиш:
жаҳон аҳли ўзида қанчалар фазилатлар пинҳонлиғин бил-
магани билгандин ҳам афзалроқ ва улуғроқdir. Илло ҳами-
ша англамоқ, билмоқ муродинда ранжу машаққат чек-
моқ анинг такмилига боисдур. Инчунун маъни аҳли
ичра эътибор топмоғига сабабдур.

Навоий. Ихтилофим боиси улки, ўзни англамоқ
мақсадима етушмадим, билъакс ўзгани билмоқ тарадду-
дини қиласменми?

Жомий. Тангри жаноблариға ўзгалар кўнглидағи
муддаоларни инкишоф этмоқ машаққатларида ўзни анг-
ламоқ учун имкон берибдур. Қалам тутмоқдин ғараз шул
экани Сизга аён.

Навоий. Билҳақ шундоғ! «Ҳамса» сафаринда тўрт
манзилни кезиб, инсон аталмиш турфа дунёларни тас-
ниф қилмоқни кўзладим. Ўзни билмоқ таманносида яна
сафар тадорикиламен. Билмон, ҳаргиз ҳадик хуруж қила-
дур, vale саъй шиддатимдин дағи тарқ этадур. Сўнг ман-
зилда эса боз гумонлар...

Эшитдимки, жаноблари ҳам Искандар достонини зебзийнат ила нәзм силкиға чекмишлар.

Ж о м и й. Бизим мақсудимиз тавориху фасоналарга ружуъ этмай, Искандар ирод этмиш дур каби бебаҳо сўзларни битмоқдур.

Н а в о и й. Ул дурларнинг харидс римен! Алҳол, хоти-римни ғамдин озод этдингиз. Камина Искандарнинг ботинида кечмиш турфа ҳолатларини, тахайюрлари, тағай-юрларини, фаною бақо андешасини қаламга олмоқ, адолат тилаги бўлмиш шаҳлик тузукларини баён этмоқ умидидамен. Гарчи таворих губорини тозалаб, мозий кўча-сида йўлчи бўлсам-да, замона корига чора излаймен. Замона Искандарини сўроғлаймен.

Ж о м и й. Иншооллоҳ, Тангри истакларингизни пой-дор этгай. Бу найрангбоз фалак ичра истиқоматгоҳда ҳар бир сеҳргар ҳам бирон нишонга нақш чекмакчи бўлса, хоҳ ул нишоннинг вужуди чиройлик бўлсин, хоҳ хунук, хоҳ макруҳ бўлсин, хоҳ ёқимлик, барибир, бундин аввал сабру қаноат кўрсатиб, кўнгил варактаридан ул борасин-даги хаёлларни бир-бир саҳифалаб олади, vale бусиз анинг иш бошламоги гумондур. Ва яна билингким, Тангри замон атроклари ичра жанобларигагина иноят этиб, ҳидоят қўёшини соғди. «Хамса» битмак Сизнинг учун толедир. Барча файзу футух, марҳаматлар етган замонда гумон кўча-сида кезмоқ Аллоҳ ҳукмига қарши бормоқ ила баробар-дур. Кўнгилдан ваҳималарни билкулли тарқ айлаб, йўл тадорикини кўринг. Камина эса бу ранжу аламлик йўлда Сизга илҳому зафар дуосида бўлғаймиз.

Н а в о и й. Устоз, нотавон жисмимга Исо нафасини бағишлиғандек бўлдингиз. Бамисли тасвиротга жон бағишли-ламоқ асроридин хабар топғондек бўлдим. Қуллуқ! Файб-дин кўнглумга етган иноятларга жаноблари қанот берди-лар. Ҳотиғи соний, фотиҳа берғайсизким, ўз хилватхонам-ға қайтиб, Искандар оламиға азимат айлай...

Ж о м и й (дуога қўл очиб). Ҳақ илкингизга қувват, қаламингизга илҳом бахш этгай, улуғ зотларнинг руҳи ёр бўлғай. Тангри дурлар уммонини насиб этғайким, ул Сизга муборак ўлғай! Омин!

Жомий чиқиб кетади.

Навоий. Эй, соқий! Лаъл рангли сувни олиб кел!
Уни ичайда, кўзимдин дурри нобимни оқизай.

Эй, муғанний! Кўнгилға роҳат бағишлиовчи найни чал,
зеро қаламим ёзмоққа шайланди.

Эй, Навоий! Маҳвашнинг жамолини пардозламоққа
шошил, ҳусниға боқиб, висолидин муродингни ҳосил айла.

Искандарни таҳтга ўтқазиш тантаналари яна олдинги планга
чиқади. Тўй-тантана, куй садоларида аста-секин ҳазин най
куйи тарагиб, саҳна қоронғилашиб боради. Сўнгра саҳнанинг
бир томони ёришиб, Навоий кўринади ва у
томушабинларга мурожаат этади.

Навоий. Искандар таҳтга ўлтиргач, жаҳондорлик жаҳ-
дига тушди. Бори ҳолу қуруқ мамлакатларни фатҳ этиб, бе-
хисоб ҳазиналар орттириди. Охирут-амр қазо соати етганида
айтдики: «Нимани хаёл қилган бўлсанм, ҳаммаси ҳавасфа
ичилган май каби бефойда экан. Аслида, ақлимни танигач,
жаҳон шоҳлигини тиламай, онам остонасининг туфроғи
бўлиб, қул каби хизматини қилсаму, шуни шоҳлик атасам,
тўғри бўлар экан. Умр вафо қилмади, билъакс жафо қилди.

Мени қабрга элтар чоғда, бир қўлимни тобутдан чи-
қариб қўйинг. Токи ҳалойиқ бу ҳолға ҳайрат, vale ибрат
кўзи билан боқсин. Бу қўллар шунча мулку мамлакатни
забт этиб, у дунёга риҳлат чоғида шол кишининг қўлла-
ридай куп-қуруқ кетаётганини кўрсинглар. Алқисса, одам-
лар дунё орттириш машғулотидин қўл тортсинглар».

Эй, аҳли муслим! Бу қайгулик ибрат барчамизнинг ақлу
тафаккур кўзларимизни ёритсинг. Ул ўтмиш гариларни яна
бир бор ёд этиб, дуо бирла руҳларини шод этайлик!

Саҳна қоронғилашиб, куръон тиловати садолари
янграйди.

1990 йил

О Н А

(Жаҳон адабиёти оҳангларида)
Икки пардали драматик ривоят

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Ровийлар {	1-ровий
	2-ровий
	3-ровий
	4-ровий
	5-ровий

Она
Хоқон
Шоир
Искандар
Ўғил
Аёл
Ясовулбоши

Қўриқчилар {	1-қўриқчи
	2-қўриқчи
	3-қўриқчи

Аъёнлар, соқчилар, навкарлар, шаҳар аҳли.

БИРИНЧИ ПАРДА

Саҳнада табиат манзаралари акс этган. Антик театр анъаналари йўсининда, бироқ миллий қиёфа ва либосларда хор — ровийлар саҳнага сокин оҳанглар оғушида сомеъ бўлиб, аста кириб келадилар. Нигоҳларини узоқ-узоқларга қадаб, ҳикоя бошлайдилар.

1 - р о в и й

Тангри таоло еру күкни яратиб,
Уни қүёш нури ила мунаввар этди.
Сув, ҳаво, ўтни пайдо қилди,
Набототу ҳайвонотни бунёд этди.

2 - р о в и й

Махлукотлар ичра инсонни мукаррам билиб,
Унга ақлу қалб бағишлади,
Тилу сүз неъматини берди.

3 - р о в и й

Оlamни безамоқ
Ва дунёни мудом яшартирмоқ учун,
Ҳаётни абадий давом эттирмоқ учун,
Ҳар жонзотни жуфт яратди.

4 - р о в и й

Кабутарни кабутарга,
Жинсни эса жинсга вобаста этди.
Инсон аталмиш мукаррами – Одам Атони,
Момо ҳаво бирла йўлдош қилди,
ёстиқдош қилди.

Авлод деган силсилани пойдор этиб,
Инсонларни бир-бирига қариндош қилди.

5 - р о в и й

Кўрибсизки, олам гўзал, манзара тўлиқ.
Нурли маскан теграсида жужуқлар шодон,
Чаҳ-чаҳ ўйнаб, кулиб, қийқириб,
Бор табиат, бор жонзот ила
Худойимга шукronаю салавот айтар...

Олислардан кушлар чуғури, сўнг салавот айтаётган садолар
ҳамда шодон оҳанглар эшитилиб, гоҳ яқинлаб, гоҳ яна
олислаб кулоққа чалинади. Бу садолар аста “Алла” оҳанглари
билил алмашинади. Саҳнанинг бошқа бир қисми ёришиб,
бешик тебратиб ўтирган она қиёфаси жонланади.

О на (оҳангга солиб)

Болам сени аллалаб,
Тунни тонгга уладим.
Толеиннита авайлаб
Етказмоқни тиладим.
Алла болам, аллаё,
Кўрар кўзим, аллаё,
Ором олгин, ҳийлаё,
Жажжи қўзим, аллаё.

Дунё сени кутадур,
Дунёларга бергум йўқ.
Дунё нотинч турадур,
Жафоларга бергум йўқ.
Алла болам, аллаё,
Кўрар кўзим, аллаё,
Ором олгин, ҳийлаё,
Жажжи қўзим, аллаё.

Оҳанглар аста пасайиб, яна Ровийлар жонланади.

1 - р о в и й

Кошки дунё шундайин турса!

2 - р о в и й

Оналарнинг аллалари мудом сўнмаса!..

3 - р о в и й

Аллоҳ, Аллоҳ, ўзинг меҳрибон!
Ризқ бергувчи, қисмат битгувчи!..

4 - р о в и й

Оналарнинг ёзугини бунча шўр битдинг?!
Боласини тугаркану, суюб опичлаб,
Елкасидан тушурмайин катта қиларкан.
Ва дерканки:
Вақти келиб у ҳам мени ардоқлар...
Бошда тутиб, бошларимга болишлар тутар...

5 - р о в и й

Келин-кеват, ёр-ошно қилиб,
Атрофимни жужуқларга тўлдириб юрар.

Тўйлар бериб элу юртга, ному шон топар.
Инсон деган аъмолин оқлаб,
Насабини шарафга кўмар...

1 - р о в и й

Боласининг жажжи қўлларин ушлаб,
Жажжигина бахт сўрайди Аллоҳдан она.

Х о р

Биҳамдуллоҳ, тилаклари ижобат бўлсин!

1 - р о в и й

Афсус, олам ўзгарувчан, одамлар маккор,
Дунё ичра дунё топиб яшасам дейди.
Ҳар тонг борлиққа қўёш нур сочиб,
Гуллар ипор таратганда,
Кушлар чаҳ-чаҳи билан уйғонса-ю,
Аллоҳ берган насибадан қаноат топиб,
Шукроналиқ таважжуҳин қилиб яшаса одам...

2 - р о в и й

Таассуфки, нафс деган бир юҳо бордир оламда,
Унинг макру ҳийласига дош бермоқ душвор.
Неча-неча салтанатлар емирилмушдир нафс учун,
Қанча-қанча зўр инсонлар шу туфайли хору зор...
Бир кафт туфроқ солса, тўлгувчи кўзлар,
Нега бунча разолатта доя бўлади.

3 - р о в и й

Кенг оламта оч назарин ташларкан одам,
Худбин ҳислар чангалига тушмоғи бешак.
“Нега меникимас”, деган сўроқлар ичра,
Бор борлиққа — ер-сув, ғимирлаган жонзот,
ниш урган майса ~
Бари-барчасига эга чиққиси келар.
Не ҳийлалар, неча макру ёлғон ўйлаб топади...

4 - р о в и й

Эҳе, бу дунёning турфа феълу ҳаводиси кўп,
Сўйлайверсак сўзларимиз адоги бўлмас.
Бироқ мақсад андишаси хаёлни ғашлаб,
Тафаккурни тафтиш этади...

5 - р о в и й

Аё мардум, биз айтмоқчи бўлган афсона,
Муруватга, матонатга ва жонбахшилкка
Ибрат бўлса деймиз сўз олиб мудом...

1 - р о в и й

Ҳикоянинг ибтиносин пок гуҳар билан
Оналарга ҳамд демоқдан бошламоқчимиз.

2 - р о в и й

Ахир у-ку ибтилодан балофат қадар,
Барчамизга ҳаёт бериб, суйиб, эркалаб,
Мехр нури ила ўраб, авайлаб,
Манзилларга йўллагувчи мушфиқ ва мунис.

3 - р о в и й

Келинг уни шарафлайлик, алқаб, улуғлаб,
Сўнмас ҳаёт манбаига менгзаб кўйлайлик.
Чунки унинг қаршисида ўлим тиз чўкар,
Ўлдирмоқни хунар билиб, зулм, ваҳшат сочган,
Неча хукмфармо хоқон бош эгар...

4 - р о в и й

Ана шундай хоқони мутлак,
Яшаганди кўхна бир замон.
Дердиларки унинг қаҳри тўфон мисоли,
Бор жонзотни форат этаркан.

5 - р о в и й

Не манзиллар, не мамлакатлар
Чумолининг ичин босган фил оёғидек,
Хукмдорнинг темир хукми остида
Кўркув, хавотирла яшар экан ғамгин, аламнок.

1 - р о в и й

Қаҳри келса, дарёларда сув ўрнига оқар экан қон,
Ўлим билан баҳслашаркан ёвуз қудрати.

2 - р о в и й

Аммо меҳри жўш урганда касб этиб ҳиммат,
Даҳосига далил бўлгувчи

Обидалар тиклар экан фалакка дохил.
Йүллар қуриб, сувлар чиқариб,
Боғу роғлар бунёд этиб, завқданар экан.

3 - р о в и й

Аллоҳ, Аллоҳ...
Фалат зидликларла сирли бу олам.
Ҳар нарсада недир синоат...
Ҳеч бир нарса тугал бир тусмас.
Оқ дейсан-ку, шубҳа қиласан.
Қора дейсан құрқибгина, ўйга толасан.

4 - р о в и й

Балки сен күрмаган, күролмаётган,
“Оқ”лик бордир “қора” ортида...

5 - р о в и й

Инсон бир мүъжиза, мураккаб мато,
Зоҳирда бир маъни, ботинда бўлак.
Гоҳ қаҳрла қўрқинч, гоҳ меҳрла сахий,
Таърифин бир сўзла айтмоқлик маҳол...

1 - р о в и й

Хулласки, шундайин қаҳру меҳрли,
Довруқли ҳукмдор яшаган экан.
Мехрини ийдирган азиз фарзанди,
Навқирон ёшида жон таслим этиб,
Отасин беадад аламга кўмиб,
Захмини кўнглида қолдирган экан.

2 - р о в и й

Шундан ҳукмдорнинг юрагида ғам,
Кўзларида жаҳл, интиқом ҳисси.
Ўлимдан ўч олмоқ учун ўттиз йил,
Қирғин-барот қилди, ўт сочди, чогди.
Мийигита бир қур кулгу югурмай,
Мотам либосига ўраниб тамом,
Ўттиз йил жангларда ҳаловат топди.
Бош эгмади ҳеч мардумга, ҳеч бир қудратга.

3 - р о в и й

Бироқ... бироқ бир зот борки, таъзим этмаса бўлмас,
Пойига бош эгиб, босган изларин,
Тавоф айламоқлик муқаррар бешак.

Хор

Бу зот онадир, Онадир!...

* * *

4 - р о в и й

Анвойи гулларга бурканган бир водийга,
сўлим масканга,
Ўн беш мингта чодир тикиб, туғ ҳилпиратиб,
Макон этмиш эди лак-лак суворий.

5 - р о в и й

Чодралар теграсида қўр тўкиб яккаш,
Султонлар султонин байт ул-ҳазани.
Ўн икки тилло ранг устунлар узра,
Тикланган ложувард гумбаз остида,
Ҳукмдор ўлтирас тахти-зарида.

Тасвирланаётган манзара жонлантирилади.

1 - р о в и й

Кўзлар хира тортар маҳобатидан.

2 - р о в и й

Ақл шошар қирғий қараш,
синчков,
совуқ нигоҳларидан.

3 - р о в и й

Учмоққа шайланган бир сор мисоли,
Таҳдидла ўлтирас кўриб, кузатиб,
Хузурида жам бўлган жамоа-жонни.

4 - р о в и й

Атрофда вазиру вузаро,
аъёнлар — номдор,
қориндор...

5 - р о в и й

Күйида машшоқлар,
хофизу халфа,
қизиқчи,
полвонлар,
Күзбойлогич афсунгар,
дорбозчи чапдаст...

1 - р о в и й

Барчаси ҳунарин кўрсатсам дейди
Ва кошки илиниб олий назарга,
Нишону мукофот олсайдим дейди.

2 - р о в и й

Хулласки, бир базм, базми жамшидий.
Дастурхон анъвойи неъматга тўлик,
Соқийлар май сузар тилло кўзадан.

3 - р о в и й

Чоғир ҳарорати тоб бериб юзга,
Сурурла ўлтирас шоҳга бақамти,
Гўзал сўз диёрин султони – Шоир.

4 - р о в и й

Ўрни келса, ўйлаб, ўринлаб,
Ҳақ сўзни айтгувчи шу зот муҳтарам.
У ҳақда ҳар қанча сўз десанг арзир,
Чунки кор-аъмоли, бори эзгулик.
Ёруғ андишада қалам суради,
Йўқликми, очликми, зорликми чидаб,
Ҳақиқат машъалин баланд тутади.

5 - р о в и й

Ва лекин ҳақ қолиб, ҳамд хирқасини
Кийганда, бу зотдан малъунроги йўқ.
Бу энди шоирмас, шеърфуруш маддоҳ,
Шоирлик шевасин олис шуъласи...
Ёки... балки шуъла эмас, сўнган сояси...

1 - р о в и й

Демакки, шеъру соз, кую май, турлик томоша,
Музайян бўлган бир фараҳли давра.

2 - р о в и й

Кимки бор, барчаси лолагун, масрур
Шоҳнинг шуҳратига доҳилликдан шод.
Вале суур ғуур ғуур билан чогишса-да бот,
Хавотир ва қўрқув ҳисси бир он йўқолмас.

3 - р о в и й

Чунки хоқон ҳузурида адаб пойдор,
Ўйламай сўз айтмоқ бошингизга дор.
Бодадан ҳар қанча сарафroz бўлманг,
На қўлга, на тилга эрк бера кўрманг!

4 - р о в и й

Ҳамонки сен тобе ўз ўрнингни бил!
Гарчи ақдлисан, тадбиркор, топқир,
Вале айни замон у соҳиби феъл.

5 - р о в и й

Мана шундай ҳадик била шодлик кезиниб,
Базм авжланди ва туйқус...

Ташқаридан гулдираб овоз эшитилади.

А ё л

Хоқон!..

Хоқон (сесканиб)

Бу не қичқириқ?..

Шоир (хушёр тортиб, ҳайрон ҳолда)

Оддий қичқириқмас, ўкирик —
бамисли чақмоқ,
Гулдираб келмоқда аламли фарёд...

А ё л (яна ўша овоз, ўкирик аралаши нола)

Хоқоон!..

Хоқон

Озурда кўнгилга таниш бу нола...

Навкарбоши киради.

Навкарбоши

Шоҳим, бир аёл келибди,
Ялангоёқ, жулдур, афтода.
Юзлари заъфарон, кўзи қаҳрли.
Ақлдан озганми, нуқул бир талаб...

Хоқон

Талаб...

Навкарбоши

Ҳақ рост, шоҳим, талаб қилмоқда,
Хоқон хузурига олиб кир дея.

Хоқон

Олиб кир, бўлмаса!..

Аёл кириб келади ва Хоқон қаршисида тўхтаб, мағрур тикилади.

Аёл

Сенми неча юртни фатҳ этган фотиҳ?

Хоқон

Ҳа, менман, ғолиблар узра ғолиби!
Ғалаба қилмоқдан толикқаним йўқ...
Ўзинг-чи, ожиза, кимсан, не дейсан?
Нега бузмоқ бўлдинг базм кечасин?

Аёл

Не бўлсанг-да, не қилсанг-да, сен бир инсонсан!
Мен эса – Она!

Сен ўлим сочасан, мен эса Ҳаёт!
Гуноҳинг ювгин деб қошинигта келдим,
Бир гуноҳинг бордир менинг қошимда.
Дерларки, шиоринг адолат эмиш,
Магар шундай бўлса, адолат қилгил!
Зоро, мен Онаман, адолатталаб!

Хоқон

Кескир сўзларингнинг шердек шиддати
Тингламоққа ундар, ўтири ва сўйла!

А ё л

Уммон ортидаги түзал водийда,
Маскан тутиб балиқчи отам
Ва суюкли завжим билан
яшар эдик шодумон.

Уммонгамас, баҳтта чўмар эдик,
айтиб шукронга.

Бахтимизни зиёда этган
Ўғлимиз бор эди, түзалликда якто, ягона.

Хоқон (*аста ўз-ўзига*)

Худди менинг ўғлимдек...

А ё л

Чиройда танҳо, ақли ҳам расо!
Ўғлим олти ёшни қоралагандা,
Қора қузгун мисол қаллоб-қароқчи
Галаси талади юртни, элатни.
Отамни ўлдирди, эримни
Ва яна қанча бегуноҳни қонга белади.
Боламни ўғирлаб, зор-зор қақшатиб,
Кунимни тонги йўқ тунга улади.
Тўрт йилдирки, сарсон кезаман,
Мужда бормикан деб кўз қарофимдан.
Охир хабар топдим, сенинг лашкаринг,
Ўша қароқчиларни мавҳ этибди
Ва бори мулкини тортиб олибди.
Англадимки, кўзим қароси,
Сенинг тасарруфинг, сенинг мулкингда.
Сен уни албатта билмоғинг керак
Ва боламни менга бермоғинг керак!

(*Адёнлар кулиб*)

1 - а ъ ё н

Ақлдан озибди...

2 - а ъ ё н

Девона, тентак!

Шоир (*жиддий тикилиб*)

Болам деган барча оналардек ақлдан озган!

Хоқон (ҳайрат билан)

Эй, аёл! Уммон ошиб, денгиз — сув кечиб,
Тоғу тошдан ўтиб, ўрмөнлар кезиб,
Номаълум юртлардан қандайин келдинг?
На бирон ҳайвон, на-да инсон —
ваҳшийдан ваҳший.

Ҳеч нарса дахл этмай келганинг ажаб?
Танда қуввати бор кимса сафар қиларкан,
Ожиз қолсам ишонганим шу деб яроғ тутади.
Кўлда қурол бўлса, кўркувдан холи,
Ҳар жойда ҳадиксиз, шахдам юради.
Сен эса яроғ ҳам тутмабсан мутлоқ,
Азбаройи худо, ишонгим келмас.
Сени англамоғим учун менга айт!
Не хислатинг бордир, қандай синоат?..

Хор

1 - р о в и й

Шон бўлсин Онага, шарафлар бўлсин!

2 - р о в и й

Она меҳри чексиз, чегара билмас!

3 - р о в и й

Унинг сийнасидан жон топган жонзот!

4 - р о в и й

Инсондаги гўзаллик бори,
Сахий қуёш нуридан ва Она сутидан.

5 - р о в и й

Ҳаёт завқи шундандир,
Шудир тирикликнинг нашъу намоси!

Аёл

Денгиз ёқасида ўсган одамга,
Сув кечмоқ қийинмас ва боз устига,
Суюкли дилпоранг васлидир маёқ.
Балиқчи кемалар йўлимни ростлаб,
Оролдан оролга элтди безиён.
Софинчим сезиб ҳатто шамол келди эш,
Тоғу тошлар эса ғов бўлмади ҳеч.

Шоир

Мехринг тошса, тоғу тошлар қир-адирга айланар!

Аёл

Йўлимда ўрмонлар учради албат,
Неча дарранда-ю газанда зоти.
Кўзи қонга тўлган ваҳший йиртқичлар,
Ҳамлага шайланиб чиқди йўлимдан...
Мен уларнинг кўзларига тик боқдим,
Худди сенга тикилгандек тикилдим,
Худди сенла сўйлашгандек сўйлашдим,
Уларнинг ҳам ахир юраклари бор.
На-да юрак, ахир фарзандлари бор,
Улар ҳам шубҳасиз, гўдаги учун
Унинг эрки, ҳаёти учун
Сира тап тортмаслар ўтдан, сувдан,
хавфу хатардан.

Улар мени тушундилар қалб қўри билан,
Неки тушунмоқлик, ҳамдардлик билан
Кузатиб қолдилар ачиниб, куйиб.

Хоқон

Рост айтасан, аёл, ваҳший ҳайвонлар
Одамлардан кўра қаттикроқ олишар
гўдаги учун!

Аёл

Инсонлар ўз онаси учун ҳамиша — бола.
Зеро, ҳар бирининг онаси бордир,
Ҳар бири фарзанддир бир муштипарга.
Сен ҳам бир аёлнинг зурриёдисан,
Неки зурриёди, жигар қонисан.
Барчадан кечишинг мумкиндир, аммо
Онадан тонмассан у-ю, бу дунё!

Шоир

Орий рост, эй аёл, ҳалолинг бўлсин!
Бир уюр айғир от қулун туголмас,
Қуёшсиз таралмас гулнинг ифори,
Севгисиз баҳт бўлмас, аёлсиз севги,
Онасиз яралмас на шоир, на-да жаҳонгир.

Она-чун боламиз ҳаргиз, ҳар ёшда...
Тұқсонга кирса ҳам онам бечора
Соч-соқоли қыров мүйсағид үғлин
Бирон-бир юмушга солмасам дейди,
Жонига ҳеч озор етмаса дейди.
Кузак эди бир күн хизматдан қайтиб,
Онам ҳузурига кирдим күргали.
Хөвлида туп анжир фарқ пишиб роса,
Күзларни қувнатиб дурдек терилган.
Беихтиёр узид олмоқчи бўлдим,
Дараҳта тирмашиб гўдак боладай,
Бетизгин нафсимни қондирмоқчи бўлдим.
Шу пайт буни кўриб турган онам койиди:
“Дараҳтдан туш, эй, сен тентак ҳувари,
Йиқилиб тушасан, лат еб бир сари.
Ўзим сенга анжир узид бераман,
Тўқсонга кирсам-да тетикман ҳали”.

(Енгил кулгу кўтарилиб, барча тасдиқ ишорасида бош чайқайди.)

А ёл

Топиб бер боламни ҳоқони замон!
Оналик бардошим синалди обдон...

Х о р

1 - р о в и й

Жаннат оналарнинг пойида дейди,
Пайғамбари замон, нойиби Ҳудо.

2 - р о в и й

Зеро пайғамбар ҳам она зурёди.

3 - р о в и й

Барча набийларни, валий-авлиё,
Оналар келтирмиш ёруғ жаҳонга.

4 - р о в и й

Ўликка жон берган Исою Масих,
Оlamни фатҳ этган Искандар Мақдун...

5 - р о в и й

Навжувон Искандар номин ёд этдинг,
Унинг қисмати ҳам ибрат бўлгулик.
Онадан туғилиб, ҳаёт шомида,
Яна Онаизорига тазарру қилмиш.

(Искандарнинг ўлим алдида онасига ёзган мактуби ўқилади¹.)

И скан д ар

Бузилган танимнинг жони,
Вужудим бебаҳо лаълиниң кони – онажон!
Мен сени айрилиқларга ташлаб,
Фироқ ўтида қийнадим.
Бошимга беҳуда андиша ва орзулар тушиб,
Оlamни фатҳ этмоқчи бўлдим.
Нимани ўйлаган ва хаёл қилган бўлсам,
Барчаси ҳавасга ичилган май каби бефойда экан.
Аслида эсимни таниган,
Ақл миямга ҳарорат берган кунидан

сенга ўғиллик қилсан,
Кулинг бўлиб хизматингда турсам
бўлмасми эди?!

Аслида остоңанг тупроғига айлансанму,
Унинг отини шоҳлик деб билсан
бўлмасми эди?!

Энди ўлар чоғимда пушаймон бўлиб,
Ўзимни ўзим ўлдирмоғимдан не наф?
Фам билан эзилган болангдан рози бўл!
Гар рози эмассан мен бечоранинг ҳолигавой,
юз қатлавой!

Мен хоҳ яхши, хоҳ ёмон эдим,
фарзандинг эдим.

Умрим омонлик бермай,
Бу дунёдан кўз юммоқдаман.
Гоҳо баҳтиёрлик соатларингда,
Мен гарибингни ёд айлагил,
Дуо бирла руҳимни шод айлагил!

¹ Алишер Навоийнинг «Ҳамса» асари асосида.

1 - р о в и й

Бу мунгли саргузашт афсона эмас.

2 - р о в и й

Гарчи афсонада ҳақиқат бешак.

3 - р о в и й

Эңг мушкул дамларда ҳар қандай инсон,
Она деган сүздан топади најжот.

4 - р о в и й

Хаётми ёки ул арши аълода,
Дафъатан онани йўқлайди, бот-бот.

5 - р о в и й

Дастлабки сезгимиз, туйғу-ҳиссимиз
Она сути билан кирган танага.
Онамиз етаклаб мурғак вужудни,
Оlam меҳварига ўтказиб кўйган.
Шул сабаб онадан фурур ҳам, шон ҳам.

Шоир (чукур ўйга толған шоҳга қаратат)

Теран ўйга толдирди ғамгин ҳикоя,
Шоҳим хаёлингиз не манзилларда?

Хоқон (*хушёр тортиб*)

Мен тангри қули Хоқон, хоқони замон!
Неча йил яшадим кўхна заминда,
Тилагим дунёни титратмоқ бўлди.
Қалбим қуёшини сўндиргани учун,
Ўлимни қўрқитиб, ўтиз йил мудом,
Ўелимининг хунини олмоқчи бўлдим.
Салтанатлар дея, кент-шаҳар дея,
Мен билан савашди не-не султонлар.
Аммо инсон дея бирор мард кимса,
Қаршимга чиқмади жонини тикиб.
Инсон бу бир хаски, назаринги илса,
Олчоқ қиликлари ғашингни қўзгар.
Юмуши кемирмоқ қумурсقا мисол
Ва нафсини қондирмоқ ҳайвон сингари.
Бундай одамларга зарра раҳмим йўқ,

Наздимда уларнинг қилча қадри йўқ,
Ва лекин ўлтирган мана бу аёл...
Гўё барча аёллардек, фарқи йўқ хиёл.
Бироқ, шудир қалбимда галат ҳислар уйғотган...
У мен билан юзлашди
ва тенг туриб сўзлашди.

Тилагин сўрамади,
аксинча ўқтам туриб,
ғуурла талаб этди.

Кўрдим ва тушундимки, Она шунча қудратли.
Унинг журъат-қудрати сўнмас муҳаббатида.
Муҳаббатининг эса тимсоли фарзанд экан.

Ш о и р

Ҳақ рост, шоҳим!
У хоҳ қиздир, ўғилдир, муҳими дилбанд экан.
Гўёки фарзандлар гўдак палласи
мисоли бир учқун,
Учқундан эса гулханлар ёниб,
Неча асрларни ёритмоғи мумкин.
Фикр айланг, валийлар бир гўдак бўлиб,
Фотижлар бола эди ўтовида ғолиб.

Х о қ о н

О, ўғлим, нуридийдам, қалбим пораси,
Балки сен ҳам оламни ёритармидинг?!
Мен алам ўтида қон тўккан бўлсам,
Сен зилол сув бериб яшнатармидинг?!

Хоқон шу сўзларни айтаркан, яна ўйга толиб, узоқ сукут
сақлади. Барча унга тикилган.

Ш о и р

Шоҳим, ноҳуш хотиралар Сизни тарк этсин,
Барчамиз Аллоҳнинг измида банда.
Не келса ризодан ўзга чора йўқ,
Бир бахту тахт бериб, бир кулфат бериб,
Бандасин синаркан Тангри таоло.

Х о қ о н

Шуур бу ҳикматни эътироф этар,
Бироқ кўнгил деган нозик матоҳни,

Қайға беркитайин, қандай яширай?!

Унугтандим уни ўша айрилиқ куни,

Ҳиссиз боқар эдим бори дунёга.

Во дариф, мана бу афтода она

Яна ёдга солди күнгил мулкимни.

Исёнчи галалар каллаларидан

Минора қурганда титрамаган қалб,

Муштипар онанинг шижоатидан

Ларзага келдики, тоқатим етмас...

Мен тангрى қули – Хоқон, хоқони замон,

Машриқдан Мағрибга қадар мулкимда,

Кимки бор, барига султонлик сўзим.

Излангиз, топингиз бу жасур аёлнинг ўғлин!

Топганки мардум бор, толейи кулгай,

Бошидан зар сочгум, тўйдим дегунча!

Ш о и р

Шоҳим фармонингиз муборак бўлсин!..

Аёл чехрасига инди табассум.

Хоқон

Эй аёл, илоҳо тилагинг ижобат бўлсин!

Аллоҳга омонатинг омонда бўлса,

Бағрингга қайтгуси соғу саломат.

Буюк зафарлардан, шону шавкатдан

Фалакка юксалган мўйсафид бошим,

Меҳробдан бошқага эгилган эмас.

Вале Сенга яккаш таъзим этаман,

Азму қарорингга, жасоратингта!

Зеро, Она тукқан мени

ва покиза нур ўғлимни.

Ш о и р (*қувонч билан шеър ўқийди*)

Гулу юлдузлардан гўзалроқ не бор?

Сўрсалар айтгумдир севги шеваси!

Қуёш нур сочганда, ундан фусункор

Ошиқ дер – маъшуқам васлин шўъласи!

Биламан қаро тун юлдузлар чақноқ,

Ёз куни қуёш ҳам ёрқинроқ, нурли.

Севгилим күзлари тундан қорароқ,
Кулгуси қүёшдан тафтли, ёқимли.

Бироқ куйланмаган энг гүзал алёр,
Оlamу одамнинг илк ибтидоси.
Дунёнинг юраги, боқий барқарор
Она деган калом – борлик дуоси.

Хоқон

Аллоҳ ўз құдрату, мұжизаларин
Алқамоғи учун шоир зотини
Дунёга келтирған бўлса, не ажаб!

Шоир

Қуллук тақсир, сўзларингиз рост.
Асли шоир тангримнинг ўзи,
Каломидур бизларга мерос.

Хор:

1 - ровий

Бу кечмиш воқеа бари ҳақиқат!

2 - ровий

Сўзларимиз тасдиқ этар оналаримиз!

3 - ровий

Дарҳақиқат, боқий ҳақиқат!

4 - ровий

Жаҳонга донишу шоирни берган,
Баҳодир фарзандлар, олим уламо,
Инчунун дунёнинг бори корига
Яраган зотларнинг бунёдкори у.

5 - ровий

Абадий яралиш бор экан мудом,
Оналар яшагай ўлимни билмай!

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

Саҳна обод ва гузал шаҳар қиёфасида. Ўша ровийлар чиқиб келадилар.

1 - р о в и й

Онани улуғлаб хўп алёр айтдик,
Оналар ҳақида ҳикоятлар кўп...

2 - р о в и й

Сўйлаганинг сари меҳринг тошади...

3 - р о в и й

Не меҳринг, ҳурматинг тоғдай ошади.

4 - р о в и й

Меҳр ҳам, ҳурмат ҳам бемисл аён,
Вале қудратига ақлинг шошади.

5 - р о в и й

Меҳри, қудратини кўрдик, куйладик.
Шарафлаб битилган қасидалар мўл,
Ва лекин тириклик юки ҳам оғир.
Ҳаёт лавҳалари ҳалқалар каби
Бир-бирига уланиб, охир-оқибат
Умр деган занжирни барпо этади.
Билҳақ, биз сўйлаган ёруғ қасида
Ўша умр деб аталмиш занжирдан ҳалқа.

1 - р о в и й

Демак, ҳикоямиз этади давом?

2 - р о в и й

Наҳот шоҳлар шоҳи чиқариб фармон,
Она фарзандини топмабди омон?

3 - р о в и й

Муҳтарам жамоа, иштибоҳ этманг!
Шап-шакдан муродки пашмак емоқми?!

4 - р о в и й

Сўзни қайирмасдан нақдини сўйла!
Нораста ўғлига етишиб она,

Аллохға беадад айтиб шукронა,
Хоқони замонни қилиб дуолар
Она-Ватанига қайтди-ку, ана...

5 - р о в и й

Ха, ана, худди ўша бола
Күчани чангитиб, кувнаб, қувалаб,
Бутун шаҳар аҳли ардоғида ўсиб унибди.

1 - р о в и й

Қарант, бунчалар чиройли, фаришта монанд,
Кўзлари денгиз ранг, тиниқ ва мовий,
Сочлари қўнғир, тўлқинли, ё раб,
Фалат бир мафтункор, самовий рухсор!

2 - р о в и й

Гўзал қизга таъриф бергандек гўё,
Назокатла тасвир этасиз уни.
Эр ўғлон тавсифи ўзгача бўлар –
Келбати, чопқириу чапдастлигидан,
Бўлғуси паҳлавон шарпаси келар.

3 - р о в и й

Шамшир ясаб калтакдан, қамишдан камон
Ва ўқ-ёй тутиши гумон уйғотар.
Қароқчи қўлида тўрт йил салт юриб,
Савашдан, чопищдан, найза уришдан
Ва ўлжа деб аёвсиз талаш, топташдан
Сабоқ олмадимикан мурғак тасаввур?!

4 - р о в и й

Ёшлиқдаги олган илм бамисли
Тошга ўйилган нақш, абадий ўчмас.
Афсуски боламиз илм истаганда,
Жаҳолатга бошлагувчи ўзимиз.
Албатта тўғрилик бўлар сўзимиз,
Аммо ибратимиз, тутар йўлими
Сўзимиздан кўра ўткирроқ сабоқ.
Ҳар қанча панд бериб, насиҳат айтманг,
Сўзингиз бошқа-ю, ишингиз бошқа,
Билингки, ақлга амал вобаста.

Бола деганимас, құрганин қилар,
Тафаккур ҳарорат бермасдан бошга.

5 - р о в и й

Алқазар, алқазар... ёмон ўйлардан,
Номарғуб қисматдан ўзи асрасин.
Наҳот тоғдай бардош, жасорат учун
Она шүрлик зигирча баҳт күрмаса?!

Тилаги эди-ку луқмаи ҳалол,
Келин-кеват, қувноқ, шүх набиралар.
Ахир хоқони замондан адолат топган,
Наҳот чархи қажрафтordan марҳамат күрмас?!

Қароқчи құлидан дон чүқиласа,
Қароқчи туисига кирмас-ку ҳар кас.
Қўйинг, номатлуб хаёлни супуриб четта,
Она-ю болага нигоҳ қадайлик
Ва меҳр булогидан қониб ичайлик...

Саҳна маркази ёришиб, суҳбатлашаётган Она ва ўспирин намоён бўлади. Суҳбат асносида ўспирин қўлбола қурол-яроғини ўйнаб, қиличини сермаб, найза ва ўқ-ёйни шунчаки бир мўлжалга ўқталиб туради.

О на

Хусну жамолингта тўймай термулиб,
Гоҳо қўзим тегишидан чўчиб кетаман.
Ота-боболаринг қонига тортиб,
Камол топганингдан завққа тўламан.
Куч-қувватга тўлиб, балофат етиб,
Ўша аждодларинг кор-аъмолини
Олармикансан, деб умид қиласман.
Буванг моҳир ва машҳур балиқчи эди,
Отанг ҳам бирордан кам бўлмади шу йўлни тутиб.
Сен ҳам қазноқдаги чор тўрни олиб,
Тенгдошларинг билан денгизга отлан.
Тўрингта мўл балиқ тушиб мабодо,
Овинг юрса билгинки, довинг юргани,
Касбу коринг марғуб хуш келиб Худога.
Ва боболар руҳи қўллабди сени...

Ү ФИЛ

Хўп қизиқ хаёллар сурасан, она.
Майли, фараз қилгил, денгизга чиқиб,
Овим ҳам дов юриб, мўл балиқ билан,
Ҳузурингта яна қайтиб келарман.
Хўш, кейинчи кейин нима бўлади?
Ҳар гал шу ҳол-алҳол бораману,
Тўлқин-тўфонлар-ла олишиб, ҳориб,
Яна анча балиқ тутиб келаман.
Шу бўларми бисот, топган-туттаним?

О на

Нима, бу бир йигит умрига озми?
Ортиқ не қисматни тилассан ўзга?
Тутган балиқларинг сотиб, пул тўплаб,
Ота мерос уйимиз таъмир этамиз.
Қайрилиб боқкунча ой-йиллар ўтар,
Камолот ёшингда тўй тарафдуди...
Э-ҳе, бир тўй қилайлик чорлаб шаҳарни –
Кунимизга яраган барча мардумнинг
Кўнглини олайлик, сийлаб, меҳмонлаб.
Оғир дамда сени йўқотганимда,
Ана шу одамлар оқибат қилди.
Сафар жабдугин созлаб, йўлга элитиб,
Тўсиқ, тўлқинлардан омон сақлади
Ва сўнг сени олиб қайттаним замон,
суюниб шодон,
Барча шаҳар ахли қувнаб тўйлади.
Шундан бери мана йиллар ўтибди,
Бутун шаҳар ота-она, биродар,
Бундаги ҳар бир тош сени билади,
Кечмиш саргузаштинг сўйлаб туради...
Қара, қанча сулув чехра, барно қиз
Ишқингда пинҳона куйиб юрибди.
Бирини танлайсан орастга, оқил,
Уй-жойим дегувчи, меҳнаткаш, маъқул...
У сенга бир этак ўфил-қиз туғиб,
Ука-ю сингиллик қилиб беради.
Мен эса опичлаб набираларим,

Юрт корига, ота-она, яқинларига
Яроқли бир инсон бүлсиналар, дея
Улгу-үгит бериб катта қиласан.
Кенг хонадон бўлиб, шахримиз ичра,
Дўсту ёр олдида обрў топасан.
Давру даврон суреб, ҳалол ризқ билан
Яна уйлар қуриб, юртга тўй бериб,
Шукру толе — орзу-ҳавас қиласан,
Ота-бобонг каби яшаб ўтасан.
Шу-да бир инсонга этуклик қисмат!
Саодат, давлат, шон, етуклик қисмат!
Ортиги не керак, умрингта завол!
Ҳалолидан берсин, ҳалолдан ҳалол!
Ҳар ён ўзни уриб, беадад бойлик
Ва енгилтак умр истаган кимса,
Билгилки, барибир эътибор топмас.
Ҳаёт неъматини сарфлаб бехуда,
Бир ҳунар тутмаса, барака кўрмас.

Ўғил

Она,
Мен бундай умрни қилмайман орзу.
Шону шуҳратлар-ла порлаган ёрқин
Бир тақдирни ўзимга кўраман рано.
Сен айтгандай, авом эл қатори эмас,
Ўзгача шарҳлайман ўз толеимни.
Ахир менга тенгдош шунча гўдакдан
Нега мени сайлаб қодир Худойим,
Кечмишим бу қадар нооддий бўлди?
Бир мени ўғирлаб қароқчи зоти,
Тақдирим номаълум юртларга отди.
Тубсиз йўқлик қаърида йўқолгандим-ку!
Ахир тантри иноят этиб,
Йиллар ўтиб, армонлар йитиб,
Мен яна бағрингга қайтдим-ку омон...

Она

Сени менга қайтарган тантримга ҳамон
Шукрана айтаман, аммо билгилки,
Тун кечалар йиғлаб, ёлвориб, чорлаб,

Қылган тавалло-ю, илтижоларим
Ва яна беадал мاشаққат чекиб,
Хавфу хатар демай, мен бир ожиза
Сени излаганим Аллоҳға етди.
Тинимсиз изиллаб, гирён юрганим
Тилакка еткарди, бўлиб мўъжиза...

УФИЛ

Мүйжиза?.. Ҳа, она, айнан мүйжиза!
Шунинг-чун жүн тақдир истамам ўзга.
Кўрасан, пешанам қўёшлек порлօқ,
Худойим мен учун бўлак тўн бичган.
Кўрасан ва фахр этасан она,
Оналар ичида бўлиб ягона...

9 на

Саволлар қуолиб, ҳаловат кетар,
Наздимда тушларим сароб ва рүё.
Ортингдан тун каби шарпа қоп-қора,
Жонингга жаҳд қилиб, ханжар ўқталар.
Шунда сен алқаган нурли истиқбол
Кум узра қурилган кошона мисол,
Жуда ҳам омонат, чиркин туюлар.

ҮЕИЛ

Кўрқма она, таъбир – тушингга ион!
Фалак бир айланди, энди ўғлингнинг
Манзиллари қутли, йўллари равон.
Ҳеч ким қайтаролмас мени азмимдан,
Лочин парвозимни тўхтатма сен ҳам.

Ва судралгич ҳадсиз қумурсқаларнинг,
Умрини тилама нотавон, мубҳам...
Мен уларни галалаб мана бундай
Аёвсиз ва ҳиссиз янчаман, тамом!

У ёғоч қиличи билан ердаги чумоли инларини ковлаб,
чумолиларни уриб-янчиб кўрсатади.

О на

Эсингни йиғ,
Ўз ташвиши, тирикчилиги билан
Юрган бу жонзотда нима айб, тентак?!

Ўғил (ҳаракатдан тўхтаб, онасини қучиб, эркаланиб)
Ҳали бу тентак... дунёни эгаллаб,
Сени, э-ҳе, бошга кутарар бешак!..

Она ва ўғил манзараси қоронғилашиб, ровийлар чиқиб
келадилар.

1 - р о в и й

Гумону шубҳалар бежизмас, мутлоқ...

2 - р о в и й

Она бечорага яна қўргулик...

3 - р о в и й

Шўрлик, шўрпешана бўлмаса агар,
Шунча меҳр учун қайтарми хўрлик?!

4 - р о в и й

Йиғлоқи ўйлардан турайлик нари,
Наҳот ўғил сўзи келтирса хўрлик?
Ахир у-да инсон, орзу қилмоққа
Барча инсон каби бордир-ку ҳақи?!

5 - р о в и й

Баҳсу мунозара илмда яхши,
Ҳақиқат туғилар, йўллар очилар.
Кори аъмолимиз ривоят айтмоқ,
Касбимиз қилайлик сокин ва ҳалол...

1 - р о в и й

Орий рост... Ва лекин донишгүй тақсир,
Юраклар бир мунгли нолага мойил...

Мунгли қўшиқ таралади.

2 - р о в и й

Муганний бир нафас тин ол, тарки ҳол,
Кўнгиллар йиглайди, тинмоғи маҳол...

3 - р о в и й

Умр тошқин дарё, тинимсиз оқар,
Кувалашниб ўтар ой, йиллар тезкор.
Қани сонияни ушлаб қололсанг,
Агар вақт дегани измимда бўлса,
Онаю боланинг ғамсиз, беғубор
Кучишиб туришин сақлардим мудом.
Онанинг болага интизору зор
Қолишин хаёлдан ўчирап эдим.
Афсус...

4 - р о в и й

Афсусу надомат чекмоқни бас қил,
Тақдир кечмишидан кўз юммоқ мушкул.

5 - р о в и й

Алалхусус, ўғил юртни тарк этди,
Онасин боз фироққа дучор этди.
Бош оққан томонга йўл солди яккаш,
Гоҳи оч, гоҳи ризқ топиб йўлларда,
Иқболига пешвоз юрарди шитоб.
Неча кун дегандা етишди ажиб,
Муazzам бир кентга, гавжум шаҳарга...

1 - р о в и й

Шаҳарки ташвиши ўйину кулги,
Одамлари бир-бирдан олишиб улги,
Эртаю кеч томоша ясогин тузар.
Ажабтовур ҳол – сира англаб бўлмас,
Тирикчилик нима, даромад қайдан,
Қаерда бозору, қаерда гузар?

У ён бир маросим, бу ёнда тадбир,
Қай ерга борманг тўйхона, майдон...

2 - р о в и й

Тадбирлар бошида подшоҳнинг ўзи,
Бош майдонда ҳар кун бир мусобақа:
Гоҳ қиличбоз, гоҳ ўқ-ёй тортишуви,
Гоҳ полвонлар, гоҳ санъаткор олишар –
Ким ўзарга ҳофизлар айтишуви,
Муҳими подшоҳ назарин тортмоқ
Ва бирор мартаба, мукофот олмоқ.

3 - р о в и й

Шуҳратпараст хаёл-чун бу қулай имкон,
Ўғлон сезди, толеи шу юртда аён,
Омади чопиб қолса, баҳт борар қаён?!

4 - р о в и й

Йигит ўзин майдонга – жантга урди,
Қилич, найза баҳсида, камон тортишда
Ундан зўри, унга тенги бўлмади.
Қароқчидан орттирган, ўлжа олиш –
Солишлиқ касбини енгиг бўлмади.

5 - р о в и й

Назаркарда бўлди шоҳга ҳунари, ҳусни билан,
Лашкарига қўшилиб жанг-жадалда иш берди,
Алалжусус, сultonга энг яқин маҳрам бўлди,
Лашкарига йўлбошчи – олий қўмондон бўлди.
Хаёлига қутқу-ю, юрагига ўт солган
Тилақлари ниш урди, фикрат ғалаён бўлди.

1 - р о в и й

Фотихлик фарази кўп оғир юмуш,
Фатҳ этиш, фавт этиш оҳангдош қалом.
Иккисин ораси бир лаҳзалик иш,
Вале шу лаҳзада уммон намоён.

2 - р о в и й

Кесмоқ, саваламоқ моҳият эмас,
У мақсад йўлида восита холос.

Бу иш шунчаки бир жаллодга ҳам хос,
Фотиҳ бўлак хаёлларга қўяди ихлос.
Усулу восита баридан мурод,
Қучиб бўлмас дунё – осмонки қучмоқ.
Нафси амморанинг ҳадду чеки йўқ,
Хаёл “дул-дул”ининг устида учмоқ.

3 - р о в и й

Не-не жаҳонгирлар ишидан огоҳ,
Не пирлар донишу илмидан гумроҳ,
Вале закосига куч-қувват, маёқ,
Ўша учқур тилак, маҳвкор иштиёқ.

4 - р о в и й

Билагида файрат, юрагида қўр,
Бари бос, бари янч, бари ол, дейди.
Эрмакда тўқилган илму ҳикматдан
Нари юр, нари бор, билу қул, дейди.

5 - р о в и й

Агар фатҳ этмаса юртларни фотиҳ,
Шонли миллий тарих, шаън-шукух қайдা?
Восита мақсад-чун кечирилади,
Қолгани тафсилот, қолгани майда...

1 - р о в и й

Алқисса, маккор шоҳ ёвқур ўғлонни
Денгиз юртларини фатҳ этмоқ учун
Омонсиз қирғинга-жангта йуллади.
Дунёни эгаллаш баразидан маст,
Йигит ҳам ўйламай шоҳни қўллади.

2 - р о в и й

Денгиз бўйида бор эли, онаси,
Унинг камолига хайриҳоҳ бўлган
Ватандошларидан зарра қилмай ор,
Ўз она шаҳрига от солди шахдам...

3 - р о в и й

Ана шаҳар ёнар, ҳар ён вайронा,
Дод-фарёд бетиним, кўзларда гирён,

Жанг-жадал ваҳшати, отлар сурони,
Яроғлар жаранги, ўлим даҳшати
Ҳаволарни тутмиш, қиёмат қўпмиш!..

Тасвиirlанаёттан манзара шовқинлари ҳаммаёқдан
эшитилади ва бир оздан сўнг тинади.

3 - р о в и й

Тун оғди...
Ҳар қанча шиддатла урса-да ёғий,
Шаҳар деворларин тагида қотди.
Жонли чамбар қилиб ўради тутал,
Бир жон ҳам чиқолмас, ҳеч зоғ киролмас.

4 - р о в и й

Шаҳар аҳли қалъя туйнукларидан
Гулхан атрофида жам бўлган ёғий
Лашкарин қўркувда кузатар эди.
Емга тўйган аргумоқ мисол кишинаб,
Қиличларин сирмаб ўт атрофида
Сакраб ўйнаётган барзангиларнинг
Қийқириқларини эшитар эди.
Ваҳмдан зада бўлган қалбларга эса
Ўлимнинг шарпаси қадалар эди.

5 - р о в и й

Ўлик босиб кетганди тор кўчаларни,
Ҳар хонаёнда ингроқ, алаҳсираш, алжираш
Ва гўдаклар ноласи қулоқни тешар эди.
Барча гирён, жонсарак, жон деган сим-сим ҳалак,
Гўёки ҳар томондан душман пусиб келарди.

1 - р о в и й

Осмон тўла юлдузу, чақноғида фараҳ йўқ,
Сузиб юрган ойнинг ҳам чарчоғидан даракдек,
Хира тортган шўъласи ғусса юкин оширап.

2 - р о в и й

Ҳеч ердан нажот кутмай,
Толиқиб ғам-андуҳдан
Ва сувсизлик, очликдан

Силла қуриб борарди,
Умид сүниб борарди.
Бутун шаҳар – борлиқни
Үлим ҳиди тутганди.

3 - р о в и й

Ана шу қаро тунда
Кўчаларда саро-сар
Бир кўланка кезарди,
Бошдан-оёқ тим қора
Ридосига ўраниб,
Унсиз аёл юрарди.

4 - р о в и й

Кўркувдан зада бўлган
Мардумки кўргани чоғ
Беркиниб яширинар
Ёки қочган каби моховдан
Югурниб, шошиб кетар...

5 - р о в и й

Каттадан кичиккача, мушукдан кучуккача...

Ровийлар саҳнаси давомида тасвирга монанд шаҳар манзараси намоён бўлиб боради. Аввал она кўринади, сўнг бир неча қўриқчилар билан ясовулбоши чиқиб келади.

Я с о в у л б о ш и (қўриқчилардан)
Бу ўшами?

1 - Қўриқчи

Ха, ўзи!

Я с о в у л б о ш и (аёлга яқинлашиб)
Сиз яна кўчада юрибсиз, хоним?!
Эҳтиёт бўлинг – кўз тикканлар кўп,
Бир кор-ҳол бўлса,
Айб кўёлмас уларга ҳеч ким...
(*Кўриқчиларга қаратма.*)
Юринглар, кетдик!

1 - құриқчи (ғазаб билан)

Она бўлмаганида, ҳисоблаб уни жосус,
Сўнгра нима қилишни ўзим билардим, афсус...

2 - құриқчи

Шундоқ ҳам мурдадек бўлиб қолибди,
Билмасанг, танимасанг арвоҳми дейсан...

3 - құриқчи

Арвоҳ эмас, Азроилга ўхшайди,
Қаерда пайдо бўлса, баҳтсизликдан нишона...

1 - қўриқчи

Ёриб, бола туққан қорнини
Тилка-пора қиласанг бутун танини...

Ясовулбоши

Бўлди, бас!

Шундай ҳам таранг турган тоқатни тоқ қилмаларинг!
Болам дея кўрган азоби қолиб,
Бу шўрпешана яна шунча маломатга чидаб юрибди...
Кетдик, тезроқ қимиrlаларинг!

Кўриқчилар ўтиб кетгач, саҳнанинг бошқа чеккаси ёришиб,
жасад тепасида тиз чўкиб туриб, дуо ўқиётган аёл ва унинг
атрофида бир неча афтодаҳол кишилар қиёфалари кўринади.

Она ўша аёлга яқин келади.

Она

Эринг ўлдими?

Аёл

Йўқ.

Она

Акангми ё уканг?

Аёл

Ўғлим, ўғлимни жон таслим этди.
Эрим уч кун бурун ҳалок бўлганди.

Она

Шўрлик, ёшгина жони савил кетибди...

А ё л (ўрнидан туриб)
Йўқ, ундаймас, Аллоҳга шукур!

О на

Нега шукур дейсан, ахир боланг-ку!
Фарзанд доги она-чун ўлимдан оғир!

А ё л

Ўлимимга розиман мен ҳам...
Аммо шукур қиласманки,
Ўғлим Ватан деб жангда курашиб,
Ҳалол ўлим топди, мана булар гувоҳ.
(Турғанларга ишора қиласди.)

Енгилтак феълидан қўрқардим, рости,
Ўйинқароқ эди, майшатга ўч.
Ёлғон қуткуларга,

Ширин алдовларга берилиб кетиб,
Хиёнат йўлига кирмасми дердим...
Ана ёғийларга йўлбошчи йигит –
Шаҳримиз боласи – оқпадар экан.
Ҳамюрт она түкқандур-ку ўша малъунни,
Яна қанча оналарнинг бағрин тиларкин?!
Лаънат бўлсин унга, түкқан танга ҳам,
Ҳаром сут берганки, иблис тус олмиси.
Эй воҳ, асти розимасман у кўрнамакни
Жазосин бермаса, жонин олмаса!..

Она юзларини қўллари билан яшириб, югуриб кетади.
Кейинги кўриниш. Қалъа дарвозаси. Ўша яссовуллар.

Уларнинг олдига Она яқинлашади.

О на

Эй савоб топгурлар, ўлдиринг мени!
Хиёнаткор ўғил түкқан Она азоби,
Таняна-ю маломат ўлимдан қаттиқ.

Я с о в у л б о ш и

Сиз инсонсиз, шу эл фуқароси,
Бу юртнинг тупроғи сизга ҳам азиз,
Унга душман бўлган ҳар кас
Сизга ҳам душман.

О на

Онаман мен, фарзандим бағрим,
Уни душман қилиб туқдан мемман-ку!
Шафқат тиламайман Сизлардан мутлақ,
Мени ё ўлдириңг
Ва ёки хузурига қўйиб юборинг!

Я с о в у л б о ш и

Биз Сизни ўғлингиз гуноҳи учун ўлдиролмаймиз.

2 - қўриқчи

Ахир унга юртни сотгин деб
Ўгит бермагансиз, иснодга ботиб...

3 - қўриқчи

Бегойим, фарзанд деб Сиз чеккан азоб
Ва тортган машаққат ҳам уқубатлар
Эртак мисол бизга сўйланар эди,
Куй ва қўшиқларда куйланар эди...

1 - қўриқчи

Булбулдан қарқиноқ чиқибди, демак,
Шунча изтиробга солгунча Сизни
Ўша ўлкаларда йўқ бўлиб кетиб,
Худонинг қарғиши урмасми эди?!

2 - қўриқчи

Нега куйинасиз у нобакорга?

3 - қўриқчи

Бўлди, ярага туз сепиб, тилкаламанглар.
Ахир бу шўрликнинг алами ўзига етар.

Я с о в у л б о ш и

Хоним, ўғлингиз Сизга ҳам ачинмас сира,
Демакки, шафқат ҳам қилматай, асло!

1 - қўриқчи

Арзимайди асираликка ҳам демоқчимисиз?
Ундай бўлса бу аёлни тутиб турмоқнинг не ҳожати бор?
Боравермайдими иблис ўғли олдига...

2 - құр и қ чи

Сотқин ўғил билан рүбарў бўлмоқ
Ўзи ҳам ўлимдан баттар ёмонроқ.

О на

Ха, ёмондан ёмон, ададсиз даҳшат!

Я с о в у л б о ш и

Дарвозани очинглар!

Дарвоза очилиб, она чиқиб кетади.

Ровийлар кириб келадилар.

1 - р о в и й

Дарвозамас, бамисли ўлат ғори очилди,
Она юрган она ер қонла бўялган эди.

Қадамида ўликлар –

Шаҳар ҳимоячиларининг пажмурда жасадлари...

2 - р о в и й

Она уларнинг олдидан бепарво ўтолмасди,
Ҳар бирига кўз ташлаб, танирди аллакимни...

3 - р о в и й

Мана, қонга беланиб ётар
Эрининг дўсти, қадрдон биродари.

Ўғлин йўқотган кезлар аёлга ҳамдард эди,
Кема созлаб денгизга, довул тўфонлар узра,
Йўлин ростлаган эди,

“Боланг тирик, топасан!” дея қўллаган эди.

Омон қайтгач Ватанга, дўстим ёдгори сира
Камлик билмасин, дея ҳиммат кўрсатган эди.

4 - р о в и й

Унинг шундоқ ёнида қўшни – ҳамсоя йигит
Кўкка тикилганича, кўз очиқ қотган эди.

Онаси тўй дардида қайлиқ сайлаб юрганди,
Тенгдош эди ўғлига, сирдош эди дўстига,
Уни ҳам Она дерди, гўё қариндош эди.

5 - р о в и й

Анави бошсиз тана аллакимни эслатар,
Эгнидаги кийими муаллимлик жомаси.

Ха, ўша муаллим – “болангиз бебош” деган.
У эса гина қилиб, уни койиган эди,
Үғли қолиб, устозга танбек айлаган эди.
Сезган экан бу зүкко инсон,
Вақти келиб у бебош бола
Қанча бегуноҳни бебош этишин...

1 - р о в и й

Она борар экан ҳар бир шаҳидга
Аста таъзим қилиб, шивирлар эди.
Охират сўрарди Худодан,
Иймон тилаб ҳар биттасига.

2 - р о в и й

Она борар экан фуссага тўлиб,
Туйкус тўхтадию, ортга ўғирди бошин,
Қадрдан шаҳрига узоқ тикилди,
Қарогида шашқатор ёши...

3 - р о в и й

Бирдан яна ростлади йўлин
Ва дадил борди ёғий чодраси томон.

Соқчи

Кимсан, қайга йўл олдинг?

О на

Йўлбошчингни онасиман, мени олиб бор!

Соқчи

Шахти-шиддатингдан сезилиб туар,
Она эканлигинг у мард ўғлонга.

Соқчи онани муҳташам чодрага бошлаб келади ва эшик олдидаги бошқа соқчига топширади. Соқчи кириб айтиши билан ўғил ичкаридан отилиб чиқади ва она-бала қучоқлашиб, узоқ туриб қоладилар. Сўнг икков чодрага кирадилар. Хона ичи шоҳона безатилган.

Ўғил

Келдингми, она!

О на

Келдим, ўғлим, дийдорингни жуда соғинган эдим,
Кўзларингта бир қур тикилай дедим.
Чақнок кўзларингни кўрмаганимга,
Юрак тафтинг туймаганимга,
Неча замон бўлди, қанча сув оқди.

Ўғил

Мен ҳам соғингандим сени онажон,
Кўксингдан иссиғроқ бошқа бир нарса,
Ўзингдан меҳрли бошқа бир кимса
Учраттаним йўқ, зеро теграм тўла жон...
Тоғу тошда, дала-даштда сувсиз, емаксиз
Сарсон юрганимда толеим излаб,
Фақат сенинг ёдинг етказди мадад.
Энг оғир дамларда аламга ботсан,
Сени эслар, излар эдим кўзим жовдираб.

О на

Ҳа, кўзларинг ўша-ўша ёлқинли,
Худди юлдуз мисол порлаб туради.
Фақат, фақат энди самимий, шодон
Қарашлар ўрнини шиддат олибди.

(Сочларини силаб.)

Навжувон ёшингда соchlарингта оқ оралабди,
Нечун ёш бошингга шунча ташвиш ортмоғламасанг?
Пешанангда ажин, юзинг салқибди,
Бу бедор тунларнинг таъсири билсанг.
Оҳ, кўзим, жигарим, азиз дилбандим
Юмушинг бунча қўп, бироз тин олгин.
Ташвишларни унутиб,
Баридан воз кечиб, яйраб қувонгин.

Ўғил

Оҳ, она, онажонгинам-а!
Дунёда ташвишсиз яшаб бўларми?!

Қара, мана бу атрофга...

(Хонадаги бойликлар, шоҳона ҳаётга ишора қилиб.)

Шулардан кечиб бўларми?!

О на (Энди атрофга тикилиб)

Худди шу алпозда күрган эдим тушумда сени.

Ү ф и л

Тушингта ишон, деб айтган эдим-ку!

О на (Үғлига тикилади)

Ҳа, ўша сен, түғилмасингдан түққиз ой аввал
Мен таниган юрак,
Фақат кимхоб-ипакларга ўранган.

Ү ф и л (яна онани қучиб)

Тангрига шукрки, мени тушуниб, ҳузуримга келдинг...
Энди эртагаёқ бу тош шаҳарни ишғол этаман!

О на

Ўз шахрингни-я, шундайми?

Ү ф и л

Ҳа, шундай! Бир шаҳармас, бутун олам меники, она!

О на

Ахир шу шаҳарда түғилгансан-ку!
Бунча шон-шуҳратдан бадмаст бўлмасанг?!
Кечагина қадду бастингга боқиб,
Ота-бобонг хоки ётган шу юртга
Муносиб бир ворис ўстирдим, — дея
Фуурланиб мақтанган эдим —
Ворис бўласан деб эзгуликка, бунёдкорликка.
Шаҳримизнинг ҳар тошида аждодларинг изи бор,
Улар қурган ва яратган сенинг иқболинг ўйлаб.

Ү ф и л

Мен дунёда туғилиб, дунё учун яралдим,
Ҳали уни ҳайратларга кўмаман!
Ҳеч бир нарса шиддатимни тўсолмас,
Аммо бу шаҳар оёғимга кирган зирапча мисол,
Қайтармоқчи бўлар шаштимдан.
Аслида-чи, аслида унда,
Сен бор учун бу уяни бузмай тургандим.

О на

Ахир шу уяда туғилғанмиз отанғ ҳам, мен ҳам!
Унинг ҳар қаричи қадрдан менга.
Отанғ билан кечған баҳтиёр кунлар,
Вужудим оналик ҳиссисидан титраган онлар,
Сени туғиши азоблари, уйқусиз тунлар –
Бари-барчасига шу тош уйлар гувоҳ.
Асли сенинг жажжи оёқларинг ҳам
Кувват олган ўша тошлардан.

Ўғил

Тошлар – соқов,
Агар уни сўзлатмаса инсоннинг иродаси.
Мен уларни сўзлатаман, топиб чорасин,
Керак бўлса ҳатто тоғлар шарафлайди
Менинг отимни!

О на

Одамларчи... улар нима дер?

Ўғил

Одамларми?.. Одамлар пода,
Улар бари етовга муҳтож.
Фақат шамшир – сиёсат билан
Тутиб турмоқ лозим уларни.
Кимнинг сиёсати ўтқирроқ бўлса,
Ўшани алқайди Қўрқани учун
Ва ҳатто қаҳрамон деб кўтарар бошга!

О на

Сўйлаганинг сари бошим ҳам бўлар!
Ёвуз шуҳратингга ҳайкал қўймоқчимисан?
Қиёғанг гўзалу, қалбинг мунча тош қотган?
Ўйнаб туриб, ўлдирмоқлик одатинг бўпти!
Чиқиб қара майдон узра қонга беланиб,
Қанча қадрдонинг ўлиб ётибди.
Мен уларни кўрдим, кўргандан кўра
Кўзим оқиб тушса яхшироқ эди.
Ҳаммаси кунингга яраган қардош,
Мен тўйингга чақирмоқни орзу қилғанлар,
Қиличингдан қирғинбарат бўлиб ётибди.
Қандай чидай бу кўргуликка!
Сен мавҳ этган ҳар битта жоннинг

Нече яқини бор таъзия очган.
Ахир энди улар ҳам тирик ўлик-ку!
Шу инсонлар сени қаҳрамон дерми?!

(Бир оз тин олиб.)

Қаҳрамон, энг аввал яраттuvчи!d
Яхшилик уруғин сепгувчи, ўлимларни енгувчи зот
Мангу қолар эл хотирасида!

Ўғил

Она, беҳуда дийдиё күнглим юмшатмас,
Денгиз эмас, қонлар кечиб еттум мақсадга.
Чунки менга бош эгмаган душмандир бешак!
Қайда кўрдинг ё эшитдинг фотиҳ зотини,
Қон тўкмайин тарихларда изин қолдирган.
Хўш, ўша буюк зотлар номи ўчдими?
Фатҳ этилган қайси шаҳар, эл-улуснинг бирор фуқаросин
Исми битилибди китоб қатига?
Мени айблама, қардошларинг горат этдинг деб!
Ҳамشاҳар бўлгани учун ҳам менга,
Улар авлодлари фаҳр топгуси.

Она

Нақадар даҳшатли фикру ўйларинг!
Наҳот шон топишнинг яккаш йўли шу?!

Муazzам шаҳарлар, ўлмас обидалар бунёдкорлари
Ва яна тириклик, ёруғ завқ учун
Умрини тикканлар боқий эмасми?!

Танлари тупроққа қоришсада гар,
Номлари минг йиллар қатида зарҳал!..
Менга ҳам шараф-шон бегона ҳисмас,
Ҳар қандай юракда ёлқин бор экан,
Шубҳа йўқки, ёнида тилаклар ҳам бор.
Фақат бу андиша ҳасад, зулм биланмас,
Ҳавас-ла ниш урса тотли, пойидор.
Сени дабдабалар ичра кўрсам гар,
Тушумда бўлса-да гуурим бисёр.
Ўғлим-ку дер эдим, боладай сакраб,
Қондириб дил нафсим балойи ғаддор...
Бироқ, бироқ қара, она шаҳрингга бир боқ!

(Чодра эшигидан кўринаётган шаҳарга ишора қиласди.)

Ўғил

Нима кўринарди, ҳар ён тим қора.

Она

Ҳа, қоп-қора, бирор уйда
Йилт этган шуъла йўқ, барча мотамда.

Ўғил

Кўрққанидан улар чироқ ёқмаган,
Лашкарлар нигоҳин тортмасин дея.

Она

Йўқ яхшироқ тикил, қулоқ сол, қара,
Деворлар қуриган қонлардан қора,
Унсиз нолаларга кўмилган шаҳар.

Ўлимнинг шарпаси ҳар уйда кезар,
Кўрган сари юрак зириллар.

Ахир шаҳардаги ҳар гиёҳ, ҳар чўп,
Ҳар битта хонадон, ҳар битта инсон
Шунчалар яқинки, қардош, қадрдон,
Гўё барчасига онаман, ишон!

Наздимда ҳаммаси мендан умидвор,
Худди, худди Она келтиргувчи
Ризқни куттан лолапон мисол.

Билиб қўй, оналар ҳаёт тиргаги,
Ўлим, вайроналар фигон ундаги.

Туғилган шаҳрингдан жовдираб боққан
Фарёл чекиб боққан минг-минг кўз ҳаққи,
Ҳаёт деб аталмиш тансиқ сўз ҳаққи,
Қирғинларни тўхтат, урушни бас қил!
Буни онанг айтган сўнгги сўз деб бил!

Ўғи (ўйланиб туриб)

Баривир оламан, қаттол шаҳарни!

Ўжарлиги учун ўчим оламан...

Балки...

(қиличини ўйнатиб)

Бирдан ёпирилармиз шу қаро тунда,
Қуёш нур соғсанда ўлдирмоқ қийин.
Киличининг тифида нур ўйнаганда,

Кўзни қамаштирап ёрқин жилваси,
Ва урган зарбларинг хато кетгуси.

О на

Сира сесканмасдан, им қоқмай мутлоқ,
Қандай айта оласан бу сўзларни сен!
Эй, қодири худо!
Бардошим синама бунчалар, асло!
Мен ҳам фуқароман юртимга, болам,
Ва сенга онаман, оппоқ сут берган.
Қалбим тарозусин бир палласига
Юртга муҳаббатим қўйилса агар,
Иккинчи паллада ишқинг пойдор,
Қай бирининг тоши босар билолмам сира,
Икки муҳаббатла ёнаман такрор ба такрор!..
Бери кел, ўғлим! Жуда чарчабсан,
Болалик дамларинг эслаб, кўксимга
Бошинг қўй, кўзинг юм, ором ол бир зум!
Худди ўша қувноқ ва беғубор
Барчага суюмли чоғларинг каби...

Ўғил

О, онажон!
Кўксингта бош қўйиб ухлаб қолишни,
Софингандим анчадан бүён...

Онасининг тиззасига бош қўйиб, кўзларини юмади. Она
менҳ билан ўғлининг қўнғир соchlарини сийпалаб ўтиради.

Ўғил (кўзи юмуқ ҳолда)

Бу дунёда фақат шон-шуҳрату
Сени севаман, она,
Мени шундай қилиб туққанинг учун.

О на

Аёллар-чи?
Ишқингда куйганлар кўпдир?

Ўғил

Сон-саноги йўқ.
Ўта ширин нарсадек, тез жонга тегади улар.

О на

Нима, фарзанд кўришни истамайсанми?

Ўғил

Нега керак?

Уларни ҳам ўлдиришлари учунми?

Менга ўхшаган бирорта чиқиб,

Уларни ўлдирса оғир ботади.

Унда мен кексайиб, куч-куват кетиб,

Хунун ололмайман аламда қолиб.

О на (хўрсиниб)

Чиройлисан ўғлим, бироқ, чақмоқдек изсизсан...

Ўғил (ётганча кулиб)

Ҳа, она, худди чақмоқдек...

Ўғил ухлаб қолади. Шу пайтда она ўғлининг юзига қора
рўмолини ёпиб, унинг юрагига ханжар санчади.

О на

Вужудингнинг энг суюк жойига ботирдим ханжар,
Юраккинанг эди мен-чун бебаҳо, буюк.

Хайҳот, билмай қолдим, қора экан ул,

Қора экан – кулоқдан куюк!..

(Бирдан чўчиб кетиб.)

Эй, қодири худо, нималар қилдим?!?

Шайтон вавасаси чулғади мени.

Кимга қўл кўтардим, кимни ўлдирдим?

Ахир ҳар жонзотни яратган ўзинг!

Фунча очилгунча умр бериб кимга,

Кимларга боқий ҳаёт бағишлиш

Сен биттан қисмат-ку!.. Шак келтириб мен,

Осий хирқасига ўранмадимми?!?

Алҳазар, алҳазар!.. Гуноҳим чексиз!

Лаънатларга кўмдим Она номимни.

Яратиш қудрати ато этилган,

Абадий шонимни топтадим, тепдим...

О, иблис хаёллар, кетингиз нари,

Мен ахир юрт дея, шу Ватан дея,

Нече қиз-үғлоннинг тақдири дея,
Бир маълун сотқинни қатл этдим-ку!
Наҳот бу журъатим ювилмас гуноҳ?
Ахир фуқароман она-Ватанга,
Демакки, фарзандлик бурчим бажардим.
Қани бирор мардум мени айблаб кўрсинг?!
Ҳимоямга турар омон қолган эл!
Балки осмон қадар шарафлаб номим,
Ҳайкал тикламоққа боғлардурлар бел?!
Ақлдан озаяпман шекилли, ё раб!
Нима бу – ожиз илинж, тубан истак –
Ўзни оқламоқми ё алдамоқми?!
Маккор хаёл фикримга кутку солмоқда...
Тўхта, тўхта сен эй манфур фикратим!
Асли шонпараст ҳис, ифлос нафс, риё
Менинг ўз қонимда пинҳонмасмиди?!
Ўша тушларимда ўғлимни курсам,
Кимхобу зар ичра бою бадавлат
Ва шон-шараф отлиғ аргумоғида
Ажабланмасдим-ку не иноят деб?!
Гўё худди шундай бўлмоғи шартдек,
Кибрланар эдим ўғлим менинг, деб.
Ҳатто ёғийларга бош бўлиб, келиб,
Ўз элин чопсаю, мард-чапдаст деса,
Нодўстнинг сўзига чиппа ишондим.
Виқорла ўшшайиб фуурландим ҳам...
Алҳазар, алҳазар!..
Эй воҳ, аслида-ку ўғлимга эмас,
Аввало ўзимга ҳукм ўқибман.
Ўз-ўзимга ханжар санчиб, маҳв этибман...
Болам, мени кечир, сўқир онангни!
Ўз ҳолимни билмай, ҳолимга солдим.
Шону шуҳрат отлиғ совуқ жозиба
Қалбни заҳарлашин сезмайин қолдим.
Энди заққум босган жонсиз танамни
Кўтариб юрмоқлик нимага керак?!.

Ўзини ўлдирмоқ учун ханжарни шаҳд билан боши узра
кўтаради ва ханжар чодир туйнугидан тушаётган тонгти күёш
нуридан ялтираб, жилваланиб, она кўзларини қамаштиради.
Ва у шу ҳолатда тўхтаб қолади.

О на

Үғлим, билиб айтган экансан,
Қүёш нурларыда ханжар санчимоқ
Осон эмас экан, ва лекин
Оғриқли юракни топмоқ қийинмас!..
О ҳаёт, бунчалар аччиқ ширинсан?!
Жозиб жилваларинг кўзларни олар.
Мен сендан боламни узган бўлсам-да,
Болаларин қайтардим Она бағрига.
Ватан, ватан...
Фарзанд бўлиб сенга боримни бердим,
Энди фарзандим-ла қоламан, ё раб!

Ханжарни ўз кўксига санчади.

Мунгли қўшиқ таралади. Ҳоргин ва маъюс ҳолда ровийлар
кириб келади.

1 - р о в и й

Нақадар аламли ва мунгли қисса!

2 - р о в и й

Ўғил тушунмади, Онанинг
Яратгувчи эканлигин,
Асрагувчи эканлигини.

3 - р о в и й

Бироқ яраттанига ким дахл қиласкан,
Уни омон қўймас шердай ўкириб.

4 - р о в и й

У ўлимга абадий душман!
Ажал уругини сочгувчиларга
Қаҳри ҳам шафқатсиз ёғар бегумон.

5 - р о в и й

Афсус, ўғил билмади буни,
Қалбни маҳв этгувчи куткуга учди...

Ҳаётбахш куй садолари тарала бошлайди.

1 - р о в и й

Эй, муганний, сурудинг бошла!

2 - р о в и й

Оҳангингда янграсин ҳаётга алёр!

3 - р о в и й

У шундай неъматки, мангу барқарор!

4 - р о в и й

Чунки уни асрагувчи Она зоти бор!

5 - р о в и й

Она ва ҳаётга эш бўлиб мудом,
Барчамизга азиз Ватан аталмиш калом!

1 - р о в и й

Бирини-биридан айириб бўлмас.

2 - р о в и й

Уларга садоқат-саодат абас!

3 - р о в и й

Эзгулик ниш урса инсон дилида.

4 - р о в и й

Ватан обод, ҳаёт боқий, Она тилаги шу-да!

5 - р о в и й

Муғаний, савти соз авжига минсин!
Ҳаёт, Она ва Ватан деганлар муродга етсин!

Куй авжланиб, тантанавор янграйди.

П а р д а .

2005 йил



ДИСКОТЕКА

2 қисм, 7 кўриниши замонавий ёшлар ҳаётидан саҳналар

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Ойбек – Иқтисодиёт колледжининг охирги курсини битириш арафасида турган жисмоний бақувват, кўркам йигит.

Сабоҳат – Ойбекнинг собиқ синфдоши – тиббиёт коллежи битирувчиси.

Дилбархон – 42–43 ёшларда, Ойбекнинг онаси, мактаб муаллимаси.

Шавкат – 46–47 ёшларда, Ойбекнинг отаси, университет доценти, филолог.

Зоир ота – 80 ёшларда, Шавкатнинг отаси.

Мастурахон – 40–42 ёшларда, Сабоҳатнинг онаси.

Малоҳат – 14–15 ёшларда, Сабоҳатнинг синглиси, мактаб ўқувчиси.

Гулнора – 36–38 ёшларда, Сабоҳатнинг холаси, замонавий аёл.

Санжар

Равшан } **Феруза** } Ойбек ва Сабоҳатнинг синфдош дўстлари.

Қундуз

Воқеа шу кунларда, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Театр саҳнаси тўлиқ дискотека шаклида жиҳозланган. Овоз кучайтиргич аппаратлари ўрнатилган. Кичик саҳна – эстрада. Диск-жокей эҳтирос билан бугунги дискотека репертуарини тушунтиради, сўнг навбати билан саҳнада 17–19

ёшлар чамасидаги бир неча йигитлар замонавий эстрада күшиқларини күйлайдилар. Гоҳи машхур чет зәл хонандала-ри ижросидаги эстрада күшиқлари ёзилған дисклар қўйила-ди. Дискотекага келган ёшлар — спектаклга келган олий ўкув-чилари ўйин-кулгу билан машгул.

Ойбек, Сабоҳат, Равшан, Феруза, Санжар атрофдаги тенгқурлари билан рақсга тушмоқда. Ойбек гоҳ ажралиб, ўртоқларига поп ёки рок, данс ва ҳоказо ўйинларини на-мойиш этиб, улар ҳақида айрим маълумотларни ҳам гапи-риб туради, керакли ҳаракатларини аввал ўзи кўрсатиб, қолганларни ҳам шу таҳлит ҳаракатлар қилишга ундаиди. Барча қўшилади. Юқорироқда бар — турли ичимликлар, шарбат қутилари билан безатилган. Куйироқда мўъжазгина стол ва стуллар. Даврага чиқмаганлар сув, кола, турли шар-батлардан ичиб, бутерброд, гамбургерлар еб ўтиришибди. Дискотека ниҳоятда қизгин. Мусиқа ва рақслар авжига чиқ-қанида рақсга тушаётганлар орасидан Сабоҳат ажралиб чи-киб, чеккароқ столда якка ўзи кола ичиб, рақс тушаётган-ларни кузатиб ўтирган Кундузниң олдига яқинлашади.

Сабоҳат. Кундуз, томоша қилиб ўтираверасанми?!
Рақсга тушмайсанми?

Кундуз. Нима халақит беряпманми? Маза қилиб томо-ша қиляпман... Ана, қара, Ойбекни... роса келиштириб ўйнайди-да. Эҳтиёт бўл, йигитингни тортиб олишмасин, атрофи-дан қизлар кетмай қолди.

Сабоҳат. Нима қилибди? Чиройли ўйнаганта ҳамма эътибор қиласи-да. Ойбек ҳам рақсга тушяпти, ҳам бош-қаларга ҳаракатларни ўргатяпти. Диск-жокейниям бир чек-кага чиқариб қўйди.

Кундуз. Рашк қилишниям билмайсан-а, Сабо?!

Сабоҳат. Рашк, шубҳа ишончсизликдан келиб чи-қади. Мен Ойбекка ишонаман...

Кундуз. Жуда соддасан-да! Ҳозирги йигитларга ишо-ниб бўларканми?! Бойваччароқ ликилдоқларни кўрса, оғиб кетаверади ўшаларни кетидан. Ана, биттаси келяпти, бўғриқиб...

Санжар шодон ҳолда, ўйноқлаб келиб, Кундузни яримлаган
“кола”сини олиб, бутилқадан кўтаради.

Қундуз. Бүнча ютоқмасанг, тиқилиб қолмагин, тағин.

Шу тобда Санжар қалқиб кетиб, Кундузга оғзидаги
“кола”сини пуркаб юборади. Сабоҳат кулади.

Қундуз. Э-эй, жиннимисан, Санжар?!

Санжар. Сув ичаёттанды илон ҳам чақмас экан. Сен бўлса, “вишиллаб” турасан. Мана, ўзингта-ўзинг қилдинг. Сабога ўшаб жим ўтирсанг, ҳеч нарса бўлмасди. Юрларинг, рақсга тушамиз. Нимага келгансанлар бу ерга ўзи?

Сабоҳат. Санжар, беодоблик қилиб, кечирим ҳам сўрамайсан-а?

Қундуз. Шу кечирим сўрайдими?! Калламни олиб ташларман...

Санжар (сурларча): Нима ман, парот қилдимми?
Хаммадаям бўлади-ку, тўсатдан.

Қундуз. Ойбек тўсатдан аксаям узр сўрайди.

Санжар (жахъ билан). Ман Ойбек эмасман!

Қундуз. Бўлолмайсан ҳам!

Сабоҳат. Қўйинглар, болалар.

Шу сонияда уларга шодон ҳолда ўйноқлаб Феруза яқинлашади.

Феруза. Эй, ўйнаб олсаларингчи мазза қилиб. Бир-пастдан кейин дискотека ёпилади-ку! Санди, Сабо, Кундуз юрларинг...

Қундуз. Э, сан бормидинг энди. Бор, сакрайвермайсанми?!

Санжар. Бўпти, жириллайверма! Бошқа “кола” олиб берсам қутуламанми?!

Феруза. Ҳаммамизга, гамбургери билан... Ўзи нима муносабат билан бу ерда ўтирибмиз?

Санжар. Кундузни қовоғи очилсин, чакаги ёпилсин деб (бар томонга кетади.)

Қундуз. Ўв, оғзингга қараб гапир! Зормасман ўша сан олиб берадиган “кола”га.

Сабоҳат. Кундуз, қўйсанг-чи, ҳозир бир ишкал чиқарасан!

Кундуз (зарда билан). Ўзини кўрмайсанми, қўполлигини!

Сабоҳат. Сенга эркалик қилди-да. Ҳаммамиз бирмиз-ку! Бир-биrimizga ҳаддимиз сиғтанидан шу ғақа қилди. Ҳафа бўлма!

Феруза. Қизлар, ўйнайлик, юрийлар...

Равшан (*даврадан чиқиб, қизларга қараб келади*). Эй, ҳозир бирпасда тугайди дискотека, мазза қилсаларинг-чи!

Феруза. Мен ҳам шуни айтяпман-да...

Бир қўлида гамбургерлар тахланган тарелка, иккинчи қўлида учта “кола” кўтарган Санжар столга яқинлашади. Феруза қийқириб юборади.

Санди, даҳшат-ку, зўрсанда ўзинг!

Қундуз (*Ферузага зарда билан*). Очингдан ўлиб қоляпсанми, намунча ютоқасан?!

Равшан. Э... э... “Пир” экан-да бугун...

Сабоҳат. Ойбекниям чақирайлик...

Равшан. Ойбексиз ҳеч нарса ўтмайди-а, томогингиздан?!

Феруза: Тўғри-да, ҳаммамиз бирга ўтирайлик дейпти, Сабо.

Ойбекни чақиришиади. Олтovлон стол атрофида жам бўлишади.

Айримлар тик, баъзилари ўтирган ҳолатда.

Равшан. Дискотека деган нарсани чиқарган одамга қойилман-да!

Ойбек. Ҳа, ўзиниям унутмаган, ўзгаларниям.

Феруза. Бу нима деганинг?

Ойбек. Айтмоқчиманки, дискотекани ўйлаб топган одам аввало чўнтагини ўйлаган. Ўзи бошида энди-энди грампластинкалар чиқа бошлаган пайтда пластинкалар сақланадиган жавонни дискотека деб аташган. Ресторан, барларда шунаقا жавонлардан пластинкаларни олиб, қўйиб турадиган маҳсус одамлар бўлган.

Равшан. Чой-чақаси тузуккина бўлган бўлса кепрак-де, а?

Санжар. Албатта, нима сенга текинга қўядими! Кеинин дуч келган музикани қўявермайди-ку! Одамларни хоҳишига, дидига қараб танлаб қўйганда пластинканиям...

Ойбек. Тўппа-тўғри. Худди ўшанақа одамларни дискожекей дейишган. Қараса, одамларга шу нарса ёқяпти. Улар

Бир жойга йиғилиб олиб, ўйнайди-кулади, мазза қиласи.
Мазза қилиш эса пул туради, тушундингми?

Санжар (*маңноли кулиб*). Мазза учун доим пул тұлаш керак, шунақами?

Қундуз. Нима, олган нарсаларингни миннат қиляпсанми?

Санжар. Сасима-ўв, бугун чап томонинг билан турғанмисан?

Сабоҳат. Болалар, уришаверманглар ҳадеб!

Ойбек. Санжар түғри айтты. Мазза учун доим пул тұлаш керак. Ҳеч ким бекорга иш қилмайди.

Қундуз. Нима деяпсан, Ойбек? Ҳовлимиздаги чолкампирларни қандай иши бўлса, югуриб-елиб, бажариб юрасан-ку! Ё улар ҳам бекоргамасми?

Ойбек. Чол-кампирлар бошқа. Улар кекса, қарашадиган кишиси йўқ, раҳмим келади.

Равшан. Ҳамма ҳар куни савоб иш қилиши керак, түғрими?!?

Ойбек. Тўғри, савоб иш қилиши керак... Шиорлар ҳам бекорга эмас. Бир нарсага эътибор қилғанмисизлар? Кўчаларда, кўринадиган жойларга ҳар хил шиорлар осиб ташланган. Шуларни олдидан ҳамма бепарво ўтаверади. Қизиги шундаки, кунига ўн марта ўтсак, ўн марта кўз қиrimизни ташлаб, ўқиб қўянимиз-у, барибир аҳамият бермаймиз. Қачонки ҳаётингда шиорда айтилган гапга мос воқеа юз берса, шунда уни қадрини ҳис қиласан. Шиор шунчаки сўзлар эмас, энди у ҳодисага айланади, сен учун маъно-мазмун касб этади. Шуннинг учун қачон ўша шиорни ўқиб қолсам, бирдан ўзимга савол бераман — «бугун нима савоб иш қилдим?» деб. Кейин ўша ҳовлимиздаги қариялардан бир хабар олиб қўяман.

Феруза. Ана, беминнат, бекорга иш қиларкансан-ку!

Ойбек. Очифи, буниям бекорга деб бўлмайди. Савоб иш қилиб ҳам мазза қилиш мумкин. Муҳтоjlарга ёрдамим тегса, ич-ичимдан ҳузур қиласан.

Сабоҳат. Қанийди, ҳаммаям шунақа ҳузур қиласа?!

Санжар. Муҳтоj одам — қўлидан бир иш келмайдиган, ношуд одам дегани. Бунақаларга ачиниш керакмас...

Қундуз. Эшитдинларми, бу гадойгаям бир тийин бермайди.

Феруза. Жуда оширвординг...

Санжар. Тұғри, бермайман! Нега берарканман?! Гадойларни дастидан күчада бемалол юролмайсан, машинада светафорда тұхтолмайсан.

Равшан. Машинада-ку эшик ойнасими ёпиб олиб, без бўлиб ўтираверасан, охири тоқати-тоқ бўлиб, ўзи кетиб қолади. Катта күчадаги, парклардаги гадойчалар ёмон. Исқирт қулини оёқ-қўлларинги теккизив, хирадик қиласверади.

Ойбек (*Сабоҳатга маъноли кулиб*). Айниқса, қизи билан кетаётганлар бўлса, ёмон ёпишади-а?

Феруза. Уялганидан ҳам бериб юборади, дейди-да. Улар ҳам анойимас. Болачаларни орқасидан оналари ўргатиб туради...

Санжар. Хўш, шулар бечорами?! Шуларга ёрдам бериш керакми?!

Ойбек. Йўқ, булар муҳтоҷ эмас, гирт текинхўр! Уларга садақа берган одам адашади. Биологияда ўқитишган-ку, ҳар қанақа микроб текинхўрлик ҳисобига урчиб кетади. Шулардан кутулай, деб ўшаларга садақа бердингми, тамом, улар текинхўрлигини давом эттираверади. Билиб-бilmay ўзимиз айбдор бўлиб чиқамиз шунақа ишларда.

Кундуз. Қизиқсан-а, Ойбек! Бир муҳтоҷ дейсан, бир текинхўр. Қайси гапингга ишониш керак?

Ойбек. Мени ҳамма гапимга ишонавер.

Феруза. Нима, гадойларни муҳокама қилишга келганимизми?! Бўлди, туринглар, рақсга тушамиз...

Санжарни қўлидан тортиб, иккови рақс тушаётганлар даврасига қўшилишади.

Равшан (*Ойбекка қаратма*). Анаву кунги учрашувда ҳазиллашмадингми, Ойбек?

Ойбек. Ахир қўл ташлашдик-ку!

Равшан. Тўғрику-я, лекин... Уйингдагиларга нима дейсан?

Ойбек (*ўйланиб*). Билмадим, энг қийини – адамлар... Ойим тушунадилар, уларни кўндириса бўлади. Аммо адамга тушунтириш оғир. Бирдан ёниб кетадилар...

Кундуз. Нима ҳақида гаплашыпсизлар? Биз ҳам билсақ бўладими?

Равшан (*ҳазыл билан*). Болатой, ҳар нарсани вақти-соати бор. Күп билсанг, эрта қарийсан.

Кундуз. Вой, савил-эй, жуда доно бўлиб кетибсизларми?!

Сабоҳат. Бир-биримиздан ҳеч нарсани яширмаймиз деб келишувдик-ку!

Ойбек. Йўқ, сир эмас, қизлар. Фақат ҳали хом гап. Шунинг учун очиқ айтмай турибмиз.

Равшан. Тушунмаяпман, Ойбек! Бир қўл ташлашдик дейсан, бир хом гап дейсан?..

Ойбек. Ўртоқ, гап битта, ниятимдан қайтмайман! Фақат уйдагилар билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш керак дедим-ку. Шунинг учун ҳозирча очиқ айтмолмаяпман.

Кундуз. Ҳамонки гап бошладингми, айт!..

Равшан (*кулиб*). Бўлмаса Кундуз “тарс” ёрилиб кетади... .

Сабоҳат. Қўй, Кундуз! Айтиб бўлмайдиган гапдурда... Вақти билан билиб олармиз... .

Кундуз (*Сабоҳатга*). Ҳа, писмиқ. Сени ҳам тилинг бир. Ҳаммасини биласану, сир саклайсан... .

Ойбек. Сир эмас, дедим-ку, Кундуз. Шунчаки пишмаган бир гап — ман мустақил бўлмоқчиман.

Кундуз (*энсаси қотиб*). Қанақа мустақил? Кулогимга лағмон осмоқчимисан?!

Равшан (*истеҳзо билан*). Нега тушунмайсан?! Мустақиллик деган сўзни бир кунда юз марта эшитасан-ку, шу-да!

Кундуз. Сиз кўп алжираланг. Биз ҳам жуда тупой эмасмиз!..

Ойбек (*кулиб*). Прикол! Ясадинг, Кундуз!

Кундуз (*жсаҳл билан*). Борларинг-э, ман сенларни одам десам... (*ўрнидан туриб нари кетади*.)

Сабоҳат. Жуда оширворасанлар-да... (*Кундузни юпатиш учун туриб кетади*).

Равшан. Хафа бўладиган гап қилмадик, шекилли?

Ойбек. Кундузниң жаҳли бурнини учиди туради. Лекин юрагида кири йўқ. Кўнглидагини шартта айтади-кўяди.

Равшан. Шунинг учун уни кўпчилик “ҳазм қилолмайди”да. Биласан-ку, мактабда уришмаган ўқитувчиси қолмаган эди.

Ойбек. Түгри, лекин шу характери учун ҳам хурмат қылса арзыйди. Эсингдами, кураторимиз ҳадеб бўлар-бўлмасга тул йигаверганда, фақат шу қиз: «Сиз ўқитув-чимисиз ё тул йигадиган инкастормисиз?» деб айтганди. Биз бирортамиз журъат қилолмасдик. Фақат норози бўлиб, ўзимизча минфиirlab қўярдик.

Равшан. Нега энди, сен ўшанда унинг ёнини ол-гансан-ку! Лекин эртасига у ҳам, сен ҳам ҳамма қатори тул олиб келиб бергансизлар...

Ойбек. Ор-номус деган гаплар бор-да, ўртоқ, паст-каш деган ном олгим келмасди...

Сабоҳат яқинлашади.

Сабоҳат. Кундузнинг феълини биласизлар-ку! Шунга қараб муомала қилсанглар бўлмайдими?! Болалар мени мазах қиляпти деб, жуда хафа бўляпти.

Равшан. Бўлди, ўзим юпатаман уни. Даврага тортиб, бир ўйнатай (*туриб кетади*).

Ойбек. Сен билан ҳам ёлғиз қоладиган пайт бўлар-кан-ку, Сабо. Бирпас ўтири.

Сабоҳат. Ҳа, нима дейсан, гапинг бормиди?

Ойбек. Сенда қачон гапим бўлмаган?!

Сабоҳат (*қизариб ерга қарайди*). Жуда қизиқсан-да, Ойбек. Яххиси кетайлик. Ойимларга, икки соатда келаман, дегандим. Уч соат бўлиб кетди.

Ойбек. Бироз ўтири! Борасан ўша томи қийшиқ ўйингта..

Сабоҳат. Ўйлаб гапиряпсанми?! Худди ойимни феъларини билмайдигандайсан-а?!

Ойбек (*кулиб*). Биламан, бошингда ёнроқ чақадилар, лекин ойинг менга ишонадилар-ку!

Сабоҳат. Ҳа, ишонадилар... Лекин бу кеч келганим учун, менга индамай қўя қоладилар, дегани эмас-да.

Ойбек. Ҳа, бўлти, кетамиз. Фақат бир саволимга жавоб бер.

Сабоҳат (*ҳайрон бўлиб*). Нима савол экан у?

Ойбек. Нега ўзингни билмасликка оласан?! Кечаги гап-чи?! Ахир ўқишлиар тугашига бир ҳафта қолди-ку!

Сабоҳат (*ерга қараб, ўйлануб қолади*). Тўгри-ку, аммо у гапни ойимдан сўраш, даҳшат... Сен ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан.

Ойбек. Эртаю кеч тиним билмай, қызларини дарди-да ёниб-куйиб юрган ойинг унақа жуда қисти-бастига ол-масалар керак?!

Сабоҳат. Шундай дейсану, лекин сира журъатим ет-маяпти.

Ойбек. Ўзинг, холам бор, шуларни баҳона қиламан, деб жуда пухта режалар тузиб қўйувдинг-ку?!

Сабоҳат. Тўғри, ҳалиям ўша режадан воз кечганим йўқ, бироқ қанақадир бир далда, туртки керак бўляпти-да.

Ойбек. Мана мен далда (*бегараз қувлик билан*). Мени ўйлаб турсанг, журъат ўз-ўзидан келади. Ёки мени ўйласант, тилинг айланмай қоладими-а?

Сабоҳат (*енгил киноя билан*). Жуда ўзингизга ортиқ-ча баҳо бериб юбормаяпсизми?!

Ойбек. Ҳа, нима, ойинг мени яхши кўрадилар...

Сабоҳат (*бегубор истехзо билан*). Яхши кўрадилар эмас, ҳурмат қиладилар. Сени жуда ақдли бола дейдилар. Аслида эса томинг кетганлигини билмайдилар.

Ойбек (*ёлғондан ҳезланиб*). Нима, нима? Умуман ол-ганда тўғри, сизларни уйда мени яхши кўрадиган одам битта, (*жиддийлашиб, ҳаяжон билан*) фақат битта (*маъноли жилмаяди*).

Сабоҳат (*қизариб, кўзини ерга қадайди, бир-икки со-ниядан сўнг*). Бўпти, энди кетайлик.

Ойбек. Савол жавобсиз қолди-ку?!

Сабоҳат (*ташвишланиб ва қизариб*). Бугун-эрта айтишга ҳаракат қиламан, бўлдими, кетдик. Мен болаларни чақирай.

Шу тобда музика тинади. Диск-жокей дискотека тутаганини эълон қилади. Саҳнада пайдо бўлган икки-уч каттароқ ёшли йигитлар дискотека тамом бўлганини эслатиб, болаларни саҳнадан чиқара бошлайдилар.

Парда.

Иккинчи кўриниш

Парда очилади. Кўп қаватли уйнинг ўртача таъмирланган квартиralаридан бири. Тўрда китоб жавони, стол-стуллар, диван, кресло. Бу Шавкатнинг хонадони. Саҳна чекка-

роғида яна бир кичикроқ стол. Пешбанд боғлаб, бошига рўмол танғиган Дилбархон норин хамирини тўғрамоқда. Магнитафондан эстрада хонандасининг “Болажон” қўшиғи таралмоқда.

Умр оқиб кетар экан тез кунда, ҳей,
Фарзанд катта бўлар экан бир зумда, ҳей,
Тушунмас экансиз уларни,
Кунда бир эсланг ёшлиқ даврини,
Сақланг оқибатни...

Эшик қўнғироғи чалинади. Дилбархон магнитафон овозини паствлаб, эшикни очади. Маствурахон кириб келади.

Дилбархон. Келинг, келинг қўшни, бормисиз?
Мастура. Ўзингиз бормисиз? Қачон Маствурахон ҳабар олар экан, деб кутиб ўтирумай, чиқсангиз бўлмайдими? Үзоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал, деган гаплар бор-а, ўргилай.

Дилбархон. “Дом”чилик ҳам бор бўлсин, Маствурахон. Эрта кетасиз, кеч келасиз. Келдиз овқатга уннайсиз, кир-чир, уй юмушлари дегандай.

Мастура. Ҳа, Унсихонни узатиб, уй юмушлари ўзингизга қолиб кетди, шекилли... Бунақа десам, Ойбек ҳам эркакман деб қараб турадиган болалардан эмас-ку. Ошовқат, кир-чирга қарашиб кетаверади, шекилли, барака топкур.

Дилбархон. Ҳа, нимасини айтасиз. Ҳар ишга мөҳир. Бугун ҳам ўқишидан келди-ю, ишларга қарашиб, келиб нориннинг гўштини ўзим тўғрайман, деб чиқиб кетди. Ҳа, айтмоқчи, Сабоҳатлар билан бирга нариги мавzedаги дискотекага бориб-келамиз, деб айтганди-ку.

Мастура. Шундан хавотир олиб чиқдим-да, қўшни. Сабоҳат икки соатларда келамиз деган эди, уч соат бўляпти, дараги йўқ. Сиз билмадизми, келиб қолишармикан?

Дилбархон. Келиб қолишади. Эсли-хушли болалар...

Мастура. Эсли-хушилигү, барибир бола-да. Булар тегмаса, буларга келиб тегинадиганлар бўлар. Бу дискотека деганларида бир кўча ёш-яланг йиғилиб олгандан кейин, худо билади, не шайтонлар ораламас экан. Ўша ажралмас

олтовлон борамиз деганига, қатордан қолмасин, левдимда. Бунақа ҳаяллашларини билсам, сира йўлатмасдим.

Дилбархон. Хавотирланаверманг, тинчлик-омонлиқ, ёшлар бари кўчада, вақтларини хуш ўтказишга не-не шароитлар бор. Ҳаёт яхшики, одамлар иш, ўқишидан кейин кўчаларга чиқади, сайр қиласди, сайлгоҳларга боради. Ҳар даврнинг ўз хислати, ўз фазилати бор-да... Келинг, ундан кўра менга қарашинг. Бир дунё хамирни қачон тўғраб улгураман. (*Мастура ҳам столча олдига келиб, но-рин тўғрашга киришади.*)

Мастура. Бунча кўп? Шу иссиқда бунча норин шартмиди? Ё лозиманда борми?

Дилбархон. Ўзбекчилик ҳам бор бўлсин. Ҳеч лозиманда камаймайди. Қиз узатиб, тинчийман деган одам чучварани хом санаракан. Қудамизнинг ҳали у опаси, ҳали бу яқини “келин салом”га чақириб чарчашмайди. Иш десанг, баҳона қиляпти дейди, бормасанг бўлмас...

Мастура. Ўртоқжон, олмоқни бермоғи бор дейдилар. Чақириб-чаллаб, ўтқазиб қўйгандан кейин қиласизда. Бошқа не иложингиз бор. Қуда-анд, орзу-ҳавас шуда! Тағин ҳам яхши одамлар экан, ҳайит-байрам қилмаймиз десангиз, индамай кўнишиди-ку!

Дилбархон. Вой,вой,вой, нима деганингиз у?! Мана шунақа маломати ёмон-да! Ахир таклиф қудаларнинг ўзи-дан чиқди-ку! Аёл қудамиз кутлуг сафарга бораман дедилар. Келиним уриниб қолади. Битта катта бош бўлиб турмаса, “ҳайит” қилишнинг ўзи бўладими?! Бу ёқда Шавкат акангиз ҳам, ўзим ҳам шу фикрда эдик. Фалонта тогора қилиб, уч-тўрт кун эскитиб, ҳузурини ариғу-зовур кўрадими?! Бу исрофгарчиллик ўрнига, жамғармасини жўяли жойига сарфлаган маъқулмасми?!

Мастура. Удум ўргилай, удум. Урф-одатимиз ота-бобомиздан ўтиб келаяпти. Ахир ўзинглар ҳам мактабингларда қадрият, урф-одат, деб ўқитиб ётасизлар-ку! Шу-да – қадрият. Ўлиб-тирилиб мол-ҳол қилиб, қизни узатсангизу, унинг сепи, зеби-зийнатини дўст-душманга кўз-кўз қилмасанг, қадрият бўладими, оқибат бўладими?!

Дилбархон. Ёлғон дабдаба-ю, кўзбўямачиликдан кимга зиёну, кимга фойда?! Бир сўм пулни пешана тери

билан топсангиз, уни нимага сарфлаяпман деб ўйлаб қоласиз. Мана ўзингиз, ахир туни билан кўйлак тикиб, тонг саҳар касалхонага бориб, супуриб-сидириб, не азобларда топган маблагингизни сувга оқизиш алам қилмайдими?!

Мастура. Нега оқизарканман?! Нуқул исроф дейсиз. Ҳайит-байрам ўтганидан кейин қариндош-уруг, кўни-кўшнига улашиб беради.

Дилбархон. Мастираой, бутун ҳеч ким очидан ўлиб, қорин илинжида эшикма-эшик юргани йўқ. Бирор бирорга зор эмас. Ўзини хурмат қилган одам эскиб бузилган таомни емайди. Шундай экан исрофгарчилик бўлиши аниқ.

Эшик қўнғироги жиринглайди.

Мастура (*чехраси ёришиб*). Болалар келишди, шекилли. Дилбархон бориб эшикни очади. Хонага кириб келаётган Шавкатнинг ҳазил аралаш товуши эшитилади.

Шавкат. Дилбар – давр қизи, қалайсиз? О, бутун жуда очилиб кетибсиз. “Фозадин юзларда тобу, қўллар хинодин лола ранг” (Фузулий сатрини ўқийди шўх-шаън ва туйқус Мастирага қўзи тушиб, ўзи ҳам қизарганча қўшни аёл билан сўрашали). Э-э, Мастирахон, яхшимисиз, болалар дурустми? (*Шошиб, ўз хонасига ўтиб кетади.*)

Мастура. Шавкат ака жуда ажойиблар-да. Гоҳо телевизорларда чиқсалар, суюниб кетаман, шундай одамга қўшнилигимдан. Ишхонада мағтаниб ҳам юраман ҳавасланиб.

Дилбархон. Раҳмат, раҳмат, Мастираой. Акангизнинг топган-орттирғанлари шу қуруқ обрў, озгина шоншұрату, бир уй китоб...

Мастира. Вой, камми бу? Шуларни орқасида дабда-баю асьаса билан тўй қилдилар. Қаёққа борсангиз сизларни тўйингларни овозаси. Ўша Шавкат акани Сиз айтган “қуруқ” обрўю шон-шуҳратларидан шунчалик бўлса, бошқасиники қанақа бўларкин? Орзу-ҳавас ҳам жуда ошиб кетаяптида. (*Чуқур хўрсиниб.*) Илоё, мени қизларимгаям шундоқ тўйлар насиб қилсин.

Дилбархон. Худо хоҳласа, насиб қилади. Қизларингиз попукдай. Хулқи, одоби, меҳнаткаш “лочин” лигини айтмайсизми буларни. Сабоҳатингиз келин бўлиб тушган хонадонини яшнатади, барака топкур.

Мастура. Жуда одамни күнглини кутарворасиз-да, ўргилай...

Шу пайтда хонага аста томогини қириб, уй кийимиде
Шавкат кириб келади.

Шавкат. Ҳорманглар, ҳорманглар! Хирмонга барака. (*Ваннахонага ўтиб бораркан, Мастура салобат босиб, яна салом беради.*) Ваалайкум ассалом.

Мастура. Хўжайнингиз жуда салобатли-да. Одам фалати бўлиб кетади. Олим одамни ўзиям, сўзиям қизик, ҳали шеър ўқилиларми – гоз... ғўза деб? Нима дегани у? Кейин нега Сизни доим “Дилбар – давр қизи” дейдилар?

Дилбарҳон (кулиб). Ғўза эмас, ғоза, қадимгилар упа-элик соладиган қутичани шундай деркан. Акантиз Ойбекшунос олим. Умр бўйи шу ёзувчининг ижодини ўрганадилар. Номзодлик ишлари ҳам Ойбекдан. Ўрганавериб, ҳаммамизга Ойбек асарлари қаҳрамонлари исмими қўйиб олганлар. Мени исмим ҳам адабнинг “Дилбар – давр қизи” достонидан.

Мастура. Ўғлингиз Ойбекнинг исмиям шундан эканда?

Дилбарҳон (кулиб). Қизимиз Унсинхонникиям.

Мастура. “Кутлуг қон”даги Йўлчининг синглисими?

Дилбарҳон (хандон ташлаб кулиб). Топдингиз, топдингиз. Буёгини суриштирсангиз, исмимни эшитиб, ўзими кўрмаслариданоқ, “шу қизга уйланаман”, деб туриб олган эканлар.

Мастура (ҳайратланиб). Ростданми? Шавкат aka шунақами ҳали?

Хонага яна томоқ қириб Шавкат кириб келади.

Шавкат. Шавкат акангларнинг қулоғини қизитяп-сизлар, шекилли. Тинчликми?

Дилбарҳон. Мастурахонга ойбекшунослигингизни гапириб турувдим.

Шавкат. Ҳа, ойбекшунослигим боис Мастурахоннинг синглиси Гулнорга ҳам репититорлик қилганман. Айтиб бермаганми?

Мастура. Айттан! Дастреб шу уйга кўчиб келгани мизда, Сизни учратиб, Шавкат aka мани тил-адабиётдан ўқишига тайёрлаганлар, деганди.

Шавкат. Тұғри, шундай бўлган. Яхши юрибдими Гулнор, ўзидан кўпайиб? Ишлари дурустми? Нима қилаяпти ҳозир, врач эди, шекилли?

Мастура. Дўхтир, тиш дўхтири... Ишини давом эттираяпти. Аммо ҳозир у ҳам бизнесмен бўлиб кетган.

Шавкат. Савдогарчилик қиляптими?

Мастура. Йўғ-э, дўхтирхона очган – “часный”. Ўзи билан ўқиган қашқадарёлик йигитга турмушга чиқиб, бола-чақа, уй-рўзғор қилиб юрибди. Тез-тез қўнғироқ қилиб турди, тирикчилиги яхши. «Сабоҳатни юборинг, бир-икки йил бизга ёрдам бериб юрса, келинлик молҳолини қилиб оласиз», дейди. Бе, қиз бола нарсани чўлу биёбонга юбориб бўларканми, дедим.

Дилбархон. Буни бизнесмен эмас, ишбилармон, тадбиркор дейди, тушундингизми?

Мастура. Ҳа, энди, барибир эмасми? Мақсад пул топиш-да!

Шавкат. Тўғри, пул топишдаям топиш бор. Мехнат билан топса ҳалоли бўлсин.

Дилбархон. Рост-а, Мастурахон, Гулнорой шунаقا ишлар бошлаб юборган бўлса, жўнатинг Сабоҳатни. Сиз ҳам ўзингизни ўтга-чўққа урмай, сал енгиллашармидингиз?! Қачонгача иш-иш деб, ўзингизни қийнайверасиз?!

Шавкат. Ўйлаб гапиряпсанми? Қиз болага чўлда нима бор?

Мастура. Ҳа-я, нариги кўчага ўтганига ўзимни қўярга жой тополмай, ҳаяллаганидан хавотир олиб ўтирибман, бегона жойларга юбораманми қизни.

Шавкат. Нега ҳаяллади? Бориб-кела қолмадингизми ўша ерга?

Мастура. Аниқ жойини билмайман... Кейин, Ойбек билан бирга кетгани учун сал хотиржамроқман.

Шавкат (*Дилбарга қараб*). Нима, Ойбек ҳам кетганми? Қаёққа кетишган ўзи?

Дилбархон. Дискотекага.

Шавкат. Ўзинг жавоб бердингми?

Дилбархон. Ҳа, бесўроқ кетмайди-ку! Бир яйраб келсин дедим, ўртоқлари билан...

Ш а в к а т . Ўйлаб гапирайпсанми, хотин?! Ҳеч иккиланмай болантни жанжалхонага юбордингми? Ўқитувчи, тарбиячи бўла туриб, ўзинг тарбиясизликка бошлайпсанми?!

Д и л б а р х о н . Нега унақа дейсиз? Ойбек эсли йигит. Оқ-қорани танийди. Ўқишидан келиб, менга қараашди, кейин ўртоқлари билан кетди. Нимаси ёмон буни?

Ш а в к а т . Ҳамма бало, “нимаси ёмон?” деб бепарвовлик қилишдан бошланади. Кўчада нима кўп – маза-бемаза бар-клуб, ҳар хил ўйинлар кўп. Буларнинг жозибаси одамни сеҳрлаб кўяди. Ақлини таниб улгурмаган Ойбекка ўҳшаган ўспириналар бунақангидан ўйин-кулгиларга тез берилиб кетади. Қарабсанки, уч-тўртта такасалтангга қўшилиб, енгил-елпи ҳаётта ўрганади-қолади. Оқибатда бола эмас, умрнинг эговига айланади.

М а с т у р а . Худо асрасин, бунақаларни кўпини кўриб, эшитиб юрибмиз.

Ш а в к а т . Ҳа, кўриб-эшитиб юрибсиз. Эрта бир кун ўз оиласизда шундай аҳвол рўй берса-чи? Унда нима қиласиз? Унда кеч бўлади. Шунинг учун ҳозир бепарво бўлмаслик керак.

М а с т у р а (хавотирланиб). Вой, ўла-а-й! Бораман деса, индамай хўп деяверганимни қаранг. Бунақа оқибатлари бўлиши мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмабман.

Д и л б а р х о н . Ҳай, ҳай, ҳай. Жуда оширворманг бунчалик, адаси. Сиз айтган гаплар бир вақтлар бўлган. Ахир замон ўзгарди-ку?! Болаларга ундей қил, бундай қилма, деб ўргатавериш яхши эмасдир энди. Мактабда йигирма йилдан бери ишлаб, не ҳолатларни кўрмадим! Ҳар йилги битирувчилар ҳар хил. Йилдан-йилга қараашлар, муносабатлар ўзгариб, янгиланиб бораяпти. Албатта, ҳаммаси ҳам бизларга маъқул эмас. Лекин маъқул эмас, деб сунъий тўсиқлар яратиб бўлмайди-ку! Балки тушунмаётган нарсаларимизни номаъқул деб қабул қилолмаётгандирмиз?! Асли барча иллат катта ва кичик авлоднинг бир-бирини тушунмаётгани ёки тушунишни истамаётгандирлигига. Ёшлилар бизни тушунмаса, бу улар учун оламшумул муаммо эмас. Ўз йўллари, ўз ўзанларига кетаверадилар. Аммо биз уларни тушунишга интилмасак ё тўсиқ қўйиб, насиҳатбозлил қилсан, мана бу ёмон. Шунинг учун биз диско-

текадан эмас, аксинча, болаларимизни тушунмай қолиб, йүқотиб қўйишдан кўрқишимиз керак.

Шавкат (*овозини сал баландлатиб*). Ваъзхонликни бас қил! Ҳали уйингта қийшайиб кириб келса, шунда тушунасан болангни тушунмаслигингни!

Мастура. Худо асрасина! Ювиб-тараб, катта қилиб, энди орзу-ҳавасини кўраман, деган-да, ёмон йўлларга кириб кетса, буям бир бало. Мен кўчага чиқиб, бир хабар олай... (*Чиқиб кетади*.)

Дилбархон. Кўрқитиб юбордингиз бечорани.

Шавкат. Сенга ўхшаб бепарво ўтиргандан, шуниси ям маъқул. Мен ҳам кетдим кўчага, ўзим топиб келмасам, арзанданг, ҳали-вери келмайди, шекилли. (*Чиқади*.)

Учинчи кўриниш

Мастуранинг уйи. Магнитафондан баланд овозда ёш эстрада хонандасининг қўшиғи янграмоқда. Сабоҳатнинг синглиси Малоҳат китоб-дафтарларини стол устига ёйганча, стулда оёқлари, елкаларини мусиқа оҳангига мос ликиллатиб, алланарсаларни ёзиб ўтирибди. Хонага қувалашиб кетма-кет Сабоҳат ва Мастура кириб келади. Малоҳат магнифон овозини пастлатади. Сабоҳат Малоҳат ўтирган стул ортига ўтиб, гўё онасидан муҳофазаланади.

Сабоҳат. Жуда қизиқсиз-а, ойи. Синфдошларим олдиди шарманда қилдингиз. Қўлингиз ҳам омбурга ўхшайди. Чимчилаган жойингизни узиб оламан дейсиз.

Мастура. Бу ҳам кам. Пишириб қўйибдими сенга шунча ўғил болалар билан тансахонама-тансахона юришга?!

Сабоҳат. Ахир, ахир ўзингиз рухсат бердингиз-ку!

Мастура. Сўрасанг икки соатга деб сўрадинг. Ўғил болалар билан қийшонглашиб юраман, демадинг.

Малоҳат (*масҳараомуз*). Ҳамма ишни менга ташлаб, юрибди кўчада ўйнаб.

Мастура. Сен жим ўтири, тирмизак.

Малоҳат. И-и, менда нима айб?

Сабоҳат. Ойижон, дискотекага борамиз дегандим-ку, тўғри, бир оз кеч қолдик, кечиринг.

Малоҳат (*қизиқиб*). Қаерда экан у дискотека?

Мастура. Мана, синглинг ҳам сендан ўрнак оляпти. Қиз бола деган бўй-басти етдими, уйда ўтириши керак, қозон-товоқ, уй юмушларини қилиб. Ҳуда-бехуда кўчага чиқаверсанг, қўни-қўшнилар келган совчиларга кўча хандон қиз деса, нима бўлишини ўйлайсанми?! Ўзи шундоғ ҳам оталаринг туфайли исноддан бошим чиқмайди.

Икки қиз икки томондан келиб, оналарини қучиб, овутмоқчи бўлишади.

Сабоҳат. Қўйинг, ойижон, шунга шунчами?! Борма десангиз ҳеч қаёққа бормайман. Фақат дугоналаримдан қолиб кетмай, дейман-да.

Малоҳат (*қувлик билан*). Дугоналаримданми ё Ойбекданми?! Қизингиз ўлгудей шайтон-да, ойижон.

Сабоҳат (*қизарib, синглисига ҳезланиб*). Ҳозир кўрасан мендан.

Мастура (*Сабоҳатга маъноли тикилиб*). Тўхта, тўхта... Ростми шу гап?

Сабоҳат. Ойижон, қўйсангизчи... Биласизку, олтита синфдош доим биргамиз. Болаликдаги дўст-дугоналар барабир энг қадрдони бўларкан.

Малоҳат. Ойбек-чи, уям дугонайизми?

Сабоҳат (*енгил жеркиб*). Ўчир овозингни!.. Ойбек энг яқин дўстларимдан. Буни нимаси ёмон?!

Мастура. Эркак билан аёл ўргасида дўстлик бўлмайди, билиб қўй.

Сабоҳат. Нима бўлади, бўлмаса?

Малоҳат. Вой, нима бўлишини билмасмишлар. (*Сингингина*.) Бола бўлади, бола...

Мастура. Юм, оғзингни, тирмизак. Қани чиқ, бу ердан!

Малоҳат. Бўпти, чиқаман, лекин Сабоингиз лағмонни чўзиб, қулогизга осиб қўйса, мани чақириб юрманг...

Сабоҳат. Чиқ, чиқ, бор ошхонага!.. (*Малоҳат чиқиб кетади*.)

Мастура. Кўряпсанми, сендан ўрнак олаётган синглингни.

Сабоҳат. Ойижон, Малоҳатиз ўзи шунақароқ, бирорвларни гапини эшитишни яхши кўради.

Мастура. Синглингни қўй, ўзингдан гапир... Жон қизим, биласан не азобларда сенларни катта қилдим. Отанг бегонага илакишгандан кейин, бетиниям, пулинциям кўрмай, дедим. Бўлмаса, ҳали-ҳануз ёрдам бераман дейди. Ўзингниям неча бор йўлингни пойлаган. Йўқ дедим, мен ёқмас эканман, нега мен туғиб ўстирган болаларим ёқиши керак унга. Мени сўймаса, болаларимният сўймасин. Ўлсам ҳам ўзим боқиб катта қиласман, дедим. Мана, худога шукур, бирордан кам, бирордан кўп, вояга етдинглар. Ўзими ни ўйламадим, нима топсан, сенларга бўлсин, дедим. Менга ҳам оғиз солганлар йўқ эмас эди...

Сабоҳат. Ойижон, дадам ўша аёл билан бирга ўқиган эканлар-ку! Севишиб юришган экан...

Мастура (*бирдан овозини баландлатиб*). Ким айтди сенга? Ким сенларни фикрингни бузяпти? Бу уйда уни номиниям тилга олмаларинг, уқдингми?!

Сабоҳат. Бўлди, ойижон.

Мастура. Ким айтди сенга бу гапни? Каердан эшигдинг?

Сабоҳат. Кичкинагини ҳовлида гап турадими, ойижон.

Мастура. Биламан ким айтганини. (*Йиғламсираб*) Ҳатиба холадан чиққан бу гап. Ўшанақа бекорчи гийбатчилардан чиқади бундай гаплар. Қулоқ солма уларга сира. Эшигингта совчи келса, йўқ ердаги айбларни топиб, ёмонлаб юборишдан ҳам тоймайди булар.

Сабоҳат. Хафа бўлманг, ойижон. Одамларни биласиз-ку...

Мастура. Ҳа, биламан, шунинг учун хафа бўламанда. Бўлса, кўролмайди, йўқ бўлса, беролмайди. Уларга фитна-фасод бўлса. Ойбек билан дўстлигингни ҳам эртага ўзини қаричида ўлчаб, оламга “достон” қиласиганлар ўшалар. Уларни кўзидан нарироқ бўлиш керак. Ҳуда-бехуда кўчага чиқавермай, ўғил болалар билан керак-нокерак гаплашавермаганинг маъқул, қизим. Сенларни баҳтинг, келажагинг мен учун ҳар нарсадан муҳим.

Сабоҳат. Тушундим, ойижон, тушундим.

Мастура. Тушунган бўлсанг, бўлти, билиб ишинги ни қил.

Сабоҳат (*иккиланиб, журъатсизлик билан*). Ойижон, сиз билан яна бир нарса ҳақида гаплашиб олмоқчи эдим...

Телефон тинимсиз жиринглайди.

Малоҳат (*шошиб кириб*). Ойижон, телефонни олинг, Қашқадарёдан, Гулнор холам, шекилли.

Парда.

Тўртингчи кўриним

Шавкатнинг уйи. Хонага Шавкат ва Ойбек кириб келадилар.

Шавкат. Бир-икки ҳафтадан кейин коллежни битирасан. Битириш имтиҳонлари арафасида қандай қилиб кўнгилларингга ўйин-кулгу сиғади!

Ойбек. Дарсларни тайёрлаб бўлганман. Битириш имтиҳонларидан ҳеч хавотирим йўқ.

Шавкат. Жуда ўзингга ишонаверма, сендақаларни кўпини кўриб юрибмиз.

Ойбек. Дада, балки Сиз ўқитаётган болалар шунакадир, бу ерда менинг айбим нима?

Шу пайт хонага Дилбархон кириб келади.

Дилбархон. Ойбек, даданг сени ёмон бўлсин демайдилар-ку, ахир.

Ойбек. Ойижон, мен ортиқча ҳеч нарса деяётганим йўқ. Дарсларимни, ишларни қилиб, кейин ўзингиздан сўраб кетувдим-ку!

Дилбархон. Тўғри, дадаси... Айтдим-ку Сизга.

Шавкат. Айтдинг, айтдинг! Аммо минг сўраб кетганда ҳам, битирув имтиҳонлари арафасида турган ўкувчига ҳозир ўйин-кулги керакми?!

Дилбархон. Ахир, дарсларини тайёрлаб бўлганда!

Шавкат. Дарсларини тайёрлаб бўлган бўлса, инглиз тилини ўқисин.

Ойбек. Инглиз тили репетиторига борадиган куним эртага.

Дилбархон. Ҳа, ҳафтани тоқ кунлари боради, репетиторига.

Шавкат. Бўлмаса бадиий китоб ўқисин. Албатта бўш вақтини дискотекада ўтқазиши шартми?!

Дилбархон. (*Ойбекка қаратма*) Бор ўғлим, қўлингни чайиб чик, овқатланамиз... (*Ойбек чиқади.*)

Шавкат. Ўғлингни ёнини оласан-а...?! Нима, мен ўз боламга душманманми?! Хўш, ўғлинг шунчалик бекорчи бўлиб қолган экан, китоб ўқисин, бўш вақтини кино, театрда ўтказсин. Ҳар қалай у ерда маърифати, маънавияти ошади. Биз ҳам хотиржамроқ бўламиз.

Дилбархон. Гапни гап кавлади-да, қўйинг дадаси, тинчтина овқатланайлик.

Шавкат. Мени мазах қиляпсанми?! Мен тоғдан келсам, сен боғдан келасан. Овқатланайлик эмиш. Вей, боланг эртага бир такасалтангга айланиб, безори бўлиб кетса, ўшандা ҳам овқатни ўйлаб ўтирасанми?! Худо кўрсатмасину, шундай ҳол юз берса, ичганинг кўзёш, еганинг заҳар бўлмайдими?! Ўн беш йилдан бери репетиторлик қиласман. Докторлик ишимниям йифиштириб қўйдим. Нега? Шу болалар бир нарсага зориқмасин, ўксимасин, деб. Кечалари билан кўр бўлиб ҳар хил олди-қочди китобларни таржима қилиб чиқаман, чала муллаларнинг диссертациясини ёзиб бераман, оилам, болаларимни ризқи бутун бўлсин, деб. Охир-оқибат барчаси зое кетса, буғдой экиб, арпа ўрсам, алам қилмайдими?!

Дилбархон (*дастурхон тузашда давом этиб*). Ношукур бўлаверманг! Вақтида дарсини, ишини бажарса, вақтида ўйин-кулгисини қиласверсинг. Бола боладай яшасин-да!

Шавкат. Нима мен ўйнаб кулмасин деяпманми?! Бўш вақтини театр, кинода ўтқазсин.

Дилбархон. Шавкат ака, нуқул кино, театр дейсиз, ўзингиз мени яқин ўртада бирор кино ё театрга олиб бордингизми?

Шавкат. Нега яна гапни бурасан?!

Дилбархон. Йўқ, гапимга жавоб беринг, қачон мени кино ё театрга олиб бордингиз?

Шавкат (*қўлинни силкиб*). Дурустроқ кино ё бирор асар бўлмаса, нимасига борасан!

Дилбархон. Ҳа-а, яшанг! Дурустроқ спектакль бўлмагач, болалар дискотекага чопаётган бўлса, бу бу-

гунни ҳис қилмаёттан сизу мени айбим. Сиз Йўлчвой-
ларга маҳлиё бўлиб, ўн беш йил ичида дераза ортида ни-
малар юз бераётганини тушунолмай қолдингиз. Ҳеч бўлма-
са саксон ёшли отангизчалик ҳам бўлолмаяпсиз.

Шавкат. Нима?

Ойбек киради.

Ойбек. Бугун овқатланамизми ё йўқми?

Дилбархон. Ҳа, ҳозир. Ўтиинглар...

Шавкат. Ўв, бойвачча!

Ойбек. Нима дейсиз, дада?

Шавкат. Қазини шўрвасини ичиб, яна дискотекага
чопасизми? Гапир, нега индамайсан? Дарсингни тайёр-
лаб бўлгансан, қиласиган бошқа юмуш йўқ, тўғрими?!

Ойбек. Дада, мен ҳеч нарса деяёттаним йўқ-ку!

Шавкат. Ҳа, бирон нарса айттолмайсан ҳам. Агар вақ-
тинг мазмунли ўтганида, гапирадиган гапинг, таассурот-
ларинг кўп бўларди.

Ойбек. Таассуротларим оз эмас. Сиз дискотека бу
шунчаки бемальни сакраш деб ўйлайсиз. Балки сизнинг
даврингизда шундай бўлгандир, лекин ҳозир ундан эмас.
Охирги ўттиз-қирқ йил ичида бу соҳа ривожланиб кетди.

Шавкат. Соҳа? Ҳали сен буни касб деб ҳисоблай-
санми?!

Ойбек. Албатта. Касб бўлганда ҳам энг туркираётган
зўр бизнес...

Шавкат. Сакрайвериб миянг суйилиб кетибди.

Ойбек. Йўқ, дада. Айтсан ишонмайсиз. Дискотека оч-
ган ишибилармонлар хориж машиналарида юриб, дан-
гиллаган участкалар қуришибди.

Шавкат. Бўлса бордир. Сенлардақа тентакларнинг бор
пулини шилиб, иморат қураётгандир-да?

Ойбек. Бозор иқтисоди шу-да! Фойда кўриш мум-
кин бўлса, нега фойдаланмаслик керак.

Шавкат. Фойда кўраман деб, ҳар қандай беъмани-
лик, бузукликни касб қилиб олса бўлаверар эканда, се-
нингчалик?

Ойбек. Йўқ, бузукликни ёйишга ҳеч ким йўл қўймай-
ди. Тўғри, маъно-мазмуни йўқ, шунчаки кўнгилхушлик-

лар ҳам кўп. Лекин бу нарса узоққа бормайди. Ҳамма касбда ҳам узоқни кўзлаб иш тутмаса, синиши аниқ.

Шавкат. Яхши гап... Ҳар бир ақли-хуши бор одам эртасини ўйлаб яشاши керак. Бунинг учун аниқ мақсал, тоя керак. Сени ёшингдаги қанча болалар ақидапарастларни таъсирига тушиб, оқибат нима бўлди – сароб, фожия! Маънисиз ўйин, дискотекаларингни охири ҳам яхшилик билан тугамайди. Одамда интиладиган маёқ, ўрнак оладиган идеал бўлиши керак. Бунинг учун китоб ўқиш керак. Инсонга оқ-корани танитадаган нарса – китоб. Мана (жавонлардаги китобларни кўрсатиб) ҳаммаёқ китоб. Нима, мен буни фақат ўзим учун йикқанманми?! Бўш вақting бор экан, нега шуларни ўқимайсан?

Ойбек. Ўқиганман буларни.

Шавкат. Хўш, нима, ибрат бўладигани йўқми? Дискотека булардан кўра қизиқроқми? Наҳотки ўз қаҳрамонингни топмаган бўлсанг!

Ойбек. Топдим, дада. Ойбекни яхши кўрасиз деб, ўша ёзувчининг китобларини ўқидим.

Шавкат. Хўш, ёқдими?

Ойбек. Ёқди, зўр ёзувчи экан, жуда қизиқиб ўқидим. Айниқса, “Кутлуғ қон” романи ёқди.

Шавкат (*шодланиб*). Қизиқ-ку! Демак, қаҳрамонинг Йўлчи экан-да?

Ойбек. Йўқ, Йўлчи умуман ёқмади. Кетмон кўтаришдан бошқа нарсани билмайдиган, ландовур, ҳасадгўй унингиз...

Шавкат. Ўчир овозингни!

Ойбек. Ўзингиз сўрадингиз, мен айтдим.

Шавкат. Тушунмаган нарсангни гапирма! Романинни ўқибсану уқмабсан.

Ойбек. Уқдим, дада. Баъзи жойларини ҳатто икки-уч қайтадан ўқидим.

Шавкат (*таажжуб билан*). Хўш, унда қаҳрамонинг ким? У ерда Йўлчидан ўқтамроқ бошқа ижобий образ йўқ-ку!

Ойбек. Бор! Мирзакаримбой.

Шавкат. Нима, ўйин қиляпсанми?

Ойбек. Йўқ, чиндан ҳам Мирзакаримбой ўрнак олса бўладиган қаҳрамон!

Шавкат. Ё тавба!

Ойбек. Нега ҳайрон бўласиз?

Шавкат. Нега ҳайрон бўлмай, ахир содда Йўлчи асар охирида қаҳрамон бўлиб, халқни зулмга қарши курашга бошлаб, мардларча жонини қурбон қилса-ю, сен эса...

Ойбек. Хўп, бундан кимга фойда? Тўпу милтиқли армияга қарши ўқлов, кетмон кўтариб чиқсан ўша халқ-қами? Ахир уларнинг ҳаммасини Йўлчи ўлимга бошлаб боради-ку! Шунинг учун ҳам Ойбек асар охирида Йўлчининг ўзини ҳам ўлдиради. Катта бир халқни Йўлчига ўшаган илмисиз қарол, мардикорлар озодликка олиб чиқолмас эди. Буни зиёли Абдишукур ҳам айтади...

Шавкат. Сен иқтисодчи бўляпман деб ҳар нарсадан фойда қидираверма. Йўлчи “халқ учун, юрт учун, жамики аламзадалар учун қон тўқади. Бу қон энг қутлуғ қон” эди.

Ойбек. Тўғри, Шокир ота охирида Унсинни шунаقا деб юпатади. Лекин нега булар ўзини аламзадалар дейишади? Маҳалла баққолининг ўғли Карим читтак ақдилилиги, узоқни кўра биладиганлиги, уддабуронлиги учун Мирзакаримбойга айланиб, Йўлчилар ношудлиги, жоҳиллиги учун қароллигича қолиб кетган бўлса, алам қилиб қўзғолон кўтариши керакми?! Шуми аламзадалиги?! Бу тўғриси ҳасадгўйлик эмасми?!

Дилбархон (*натнис кўтариб киради*). Овқат тайёр, қани ҳамма дастурхонга.

Шавкат. Ойбек, сен ноҳақсан. Асарни (*дастурхонга яқинлашиб*) тушунмабсан.

Ойбек. Мен адашимни – ёзувчи (*у ҳам дастурхон атрофига ўтириб*) Ойбекни тушуняпман, дада.

Дилбархон. Бўлди қилинглар! Овқат совийди.

Шу пайтда хонага Шавкатнинг отаси Зоир ота қўлида папка ва елим халта билан кириб келади. Шавкат ва Дилбархон ўринларидан туриб, салом бериб, оталарини кутиб оладилар.

Зоир ота. Бормисизлар, яхши ўтирибсизларми? Чол-кампирни эсдан ҳам чиқариб юбординглар, шекили. Бормайсизлар ҳам...

Шавкат. Тинчмисизлар, дада? Ойим яхшимилар? Ҳар куни ойим билан телефонлашиб турибмиз-ку...

Зоир ота. Ҳа, онанг ҳар куни ҳамманғга бир-бир телефон қилиб, ҳол-ақволларингни билмаса, хотиржам ўтира олмайди.

Дилбархон. Соғлиғингиз яхшими, дада. Ойимлар, Нусратжонлар уй-ичи билан соғ-саломатми?

Зоир ота. Соғлиқ бир нави. Соғлиқни ўйлайверса, одам уйда ўтириб қолар экан. Бирор юмуш билан чалғи-масанг, ҳали у еринг, ҳали бу еринг оғриётгандек туюла-веради.

Шавкат. Ёшингиз бир жойга бориб қолди, юмуш қилиб юрсангиз уят бўлар. Маҳалла-кўй нима дейди?

Дилбархон (чой узатиб). Олинг, дастурхонга қаранг. Норин қылган эдик, шўрвалаб чиқайми?

Зоир ота. Йўқ, раҳмат! Биласиз, олтидан кейин овқат емайман. Бизнинг кечки норма бир пиёла қатиқ. Йигирма йилдан бери шу одат. Худога шукур, қон босим жойида, юрак соатдай ишлаб турибди.

Дилбархон. Ҳа, таниш-билишларимиз сизга ҳавас қилиб юришади. Саксонга бордилар, десак, сира ишонишмайди.

Ойбек. Бувамларни қилаётган ишлариям ёшларникидек. “Ништяқ” ишлар қилиб ташлабсиз-ку маҳаллада, бува!

Зоир ота. Ҳа, тойчоқ. Сен ҳам эшидингми?

Дилбархон. Ойимлар телефонда айтувдилар. Жуда катта ишлар бошлаб юборибсиз?

Шавкат. Тинчликми, дада. Яна нима бошладингиз?

Зоир ота. Э, қариганда биз ҳам қуюлмадик. Биласан, бир неча йилдан бери ҳеч кимни тинчтитмай, маҳаллага янги гузар қурдик. Ҳайҳотдай бинода биргина маҳалла идорасию, беш-ўнта нафақаҳўр бекорчилар чойхўрлик қилиб ўтирадиган чойхонадан бўлак нарса йўқ. Раисга икки-уч айтдим: Ҳой, бу бинодан яхшилаб фойдалансангчи! Тўрт-беш минг аҳоли яшайдиган маҳаллада тайинли новвойхона, дўкон йўқ. Яна маҳалла йўлни устида бўлса. Раиснинг парвойи палак. Кундуз ўзининг хизматига бориб келгач, кечқурун бирпас маҳалланинг у-бу ишини қылган бўлади, вақти-фурсати йўқ. Кел, ўзим шу ишга бир уннай дедим. Қараб турсам, маҳаллада ўн-ўн беш Ойбек қатори ўспирин болалар ҳам бекор қолиб, чойхўр-

ларни қаторига қўшиляпти. Секин-секин карта-қимор деган нарсалар оралаб қолди. Шу болаларниям ишга солай, савоб бўлади дедим. Нусратда машина бор, яна битта машина нимага керак дедиму, шартта ўзим миниб юрган “Жигули”ни сотдим. Гузарни орқа томонидаги учта-тўртта хонани мослаб жиҳозлаб, новвойхона, сартарошхона, дўкон, аптека қилдим. Йўл усти эмасми, ижарага олишни хоҳлаган талабгорлар ҳам дарров топила қолди. Маҳалла болаларини ишлатиш, шогирд қилиш шарти билан ҳалиги жойларни ишга тушириб юбордик. Фойдасидан менга ҳам бўлади, маҳаллага ҳам. Ҳозирча ишлар ёмон эмас. Гузарни ён томонида уч-тўрт сотихча сайҳон ер бор. Шу жойдан ҳам яхшигина фойдаланса бўлади. Укангни курилиш идораси ҳам ўтириб қолган. Тирикчилигининг тайини йўқроқ. Биласан, машина устачилигига унча-мунча қўли келади. Ўша сайҳон ерга машина тузатадиган устахоналар Курсак. Уканг бош бўлади, ҳам маҳаллани яна беш-ён боласи ишлик бўлиб қолади. Шунга ёзув-чизувни биласан, ўша ерни хат-хужжатини қилишга ёрдам берасанми, деб келиб эдим.

Ойбек . Мана замонавий (бувасини орқасидан қучиб олиб) Мирзакаримбой, дада.

Шавкат . Тек ўтири, ҳовлиқаверма! Дада, зарурми шу Сизга, қариган чоғингизда?

Дилбархон . Вой, нима деганингиз бу? Дадам укангизни, жиянларингизни ўйлаяптилар. Яна қанча маҳалла болалари ишлик бўлиб қоляпти. Яхши-ку бу!

Шавкат . Вэй, ўйлайсанларми сенлар?! Маҳалла-кўй, қариндош-уруг айтмайдими, иккита ўғли бор одам қариганда идорама-идора сарсон, дўкон очиб, автосервис куриб, кўчадан бери келмай юради, деб.

Зоир ота . Ҳа, нима қилибди?! Кўролмайдиган бекорчилар гапираверади-да. Агар ўшаларни гапи билан ўтираверсам, ҳалигача соғ-омон юрмасдим.

Шавкат . Дада, ҳар ишни вақти-соати бор. Ёшингизга ярашмайди бу ишлар. Ёшлар қиладиган ишларга уннаб, бирор кор-ҳол юз бермасин дейман. Фарзандларни роҳатини кўриб, дуогўй бўлиб ўтирадиган пайтинглар ҳозир Сизларни...

Зоир ота. Умрингдан бир кун қолса ҳам дарахт эк, деган машойихлар. Ўзинг роҳатини кўрмасанг, бола-чаканг кўради. Ҳар замонани ўзига қараб иш тутиш керак. Буни тушунмаган одам ношуд одам. Нуқул ҳасрат, шикоят қилиб, замона ундоқ бўлиб кетди, одамлар бундоқ, деб вайсашдан нарига ўтмайди.

Шавкат. Шунчалик замонавий экансиз, нега энди ёшлигингида давлат ишида ишлаб, ойликни кутиб, эрта кетиб, кеч келиб юардингиз? Уч-тўртта нон дўконини мудири эдингиз. Кўша-кўша иморатлар солиб, янги-янги машиналар миннадингиз. Нега ўшандা шу тадбиркорлингиз кўринмаган эди?

Зоир ота. Ўв, бола, айтяпман-ку сенга, замонага қараб иш қилиш керак деб. У вакъларда тузукроқ бир нарса орттираман десанг ўғирлик қилишинг, бироннинг ҳаққига хиёнат қилишинг керак бўларди. Чунки ҳамма нарса давлатники эди. Давлат берса ейсан, бермаса йўқ эди. Ҳозир ҳаммаси хусусий мулк. Бойийман десанг ана ҳаракат қил, йўл-йўригини топ, миянгни ишлат. Ана Президентимиз телевизорда ҳар сафар мавриди келганда айтадилар, бекор ётган корхонани текин бўлсаям, укувли тадбиркорнинг қўлига бериш керак, деб. Ҳамма гап интилишда, ғайратда.

Ойбек. Мен дадамга Мирзакаримбой зўр, иш билармонлиги туфайли заводчи бойга айланган экан, десам жаҳллари чиқяпти.

Дилбарҳон. Сизлар гаплашиб ўтиринглар. (*Чиқади.*)

Шавкат. Мана кўрдингизми, дада, ҳозирги замонавий қараашларни. Диёнатли Йўлчи ландавур, ичи қора эканда, “илонни ёғини ялаган” бой яхши эмиш. Мана бу валиқисалангларга ибрат, идеал эмиш.

Ойбек. Ибратлиги рост, лекин жуда идеал деганим йўқ-ку! Ахир “ер сотма” деса, “сандиқда чириб ётган молдан ердаги ахлат аъло”, деб капитал доим «оборот»да бўлиши керак деса, шу ибратмасми?! Ҳа, энди чол Гулнор деб Йўлчини севгилисига осилиб, сал ошириб юборадида. Бир томони уни ҳам тушунса бўлади, одамда барибир...

Шавкат. Ана, Сизга замонавий ёндашув!..

Зоир ота. Жуда ваҳималанаверма, Шавкат! Нима, ўғлинг ўзини фикрига эга бўлса ёмонми?! Мирзакарим-

бойларни жуда фаришта деяётгани йўқ-ку! Ишбилиармон-лигидан ибрат олса бўлади, деяпти. Нафсилембираини айтганда, ўғлинг ҳақ. Шўро замонида бойларни ёмонлайвериб, уларни олабўжи кўрсатиб кўйган. Аслида ўша бойлар бўлмаса, ўтмишдан нима мерос қоларди ҳозир. Мақбараю мадрасаларни ким курган, ким сув олиб келиб, боғ яратиб, кўприк солган. Ҳеч нарсаси йўқ, қаролларми ё сармоялик бойларми? Буни тушуниш учун жуда ақли бўлиш шарт эмас.

Шавкат. Тўғри, дада, бойларни ҳам маърифатлиси бўлган, жоҳиллари бўлган. Хўжа Аҳорор Валий, Алишер Навоийга ўхшаган зиёли зотлар катта-катта мол-мулкарини хайрли ишларга, бунёдкорликка сарфлашган. Лекин Мирзакаримбойларни булар билан бир қаторга қўйиши керакмас-да.

Зоир ота. Э, ўғлим! Ҳеч ким буларни бир деяётгани йўқ. Фақат бойлар ёмон, камбағаллар яхши деган бемаъни замонлар ўтиб кетди. Энди ақл-тафаккур замони. Ёмондан ҳам, яхшидан ҳам бир сабоқ чиқарса бўлади. Ўғлингни шунга ақли еттан экан, суюнмайсанми бунга. Қўй ўз ҳолига уни, замонасига қараб яшасин! Аммо вақти-вақти билан назоратингни бўшаштирма. Нима бўлгандаям ёш, ҳаётни баланд-пастини кўрмаган.

Шавкат. Ҳа, яшант! Мен ҳам шунинг учун Ойбекни бехуда вақт ўтказмасин деяпман. Бу бўлса бемаъни оёқ ўйинлардан бўшамайди.

Зоир ота (*неварасига кўз қисиб*). Тойчоқ бўлгандан кейин сакрайди-да. Нима ўйин экан у ўзи Ойбек?

Ойбек. Дискотека, бува, дискотека. Класний техника, света музикалар билан жиҳозланган ёшлар йифиладиган жой. Энг охирги модадаги музика-ашулаларнинг записларини қўйиб беради. Кимдир рақсга тушади, кимдир бир четта ўтиб шарбат ичиб, қўшиқ эшигади. Албатта ким нимани хоҳласа шунаقا бўлавермайди.

Шавкат. Ҳа, аравани қуруқ олиб қочишга жуда устасанлар...

Ойбек. Дада, балки жанжал бўладиган дискотекалар ҳам бордир. Аммо биз борадиганимиз жуда тартибли, яхши жой. Хоҳласангиз ўзингиз бориб кўришингиз мумкин.

Шавкат (*жахл билан*). Бекорчи вақтим йўқ мени!

Зоир ота. Қани, тойчоқ, дискотеканг яхши ўйинларни ўргатаётган бўлса, биттасини кўрсатиб бер-чи. Магнитафонинг борми?

Ойбек магнитафонни қўяди ва замонавий қўшиқ оҳангига мос ёқимли ҳаракатлар қилади. Ўйнаб туриб, бувасини ҳам тортади ва улар завқ билан ҳар бири ўз билганича рақсга тушадилар. Шавкат ўйин охирлаганда шартта бориб магнитафонни ўчиради. Шу ҳолат устига Дилбархон кириб келади.

Дилбархон (*ҳайратланаб*). Тинчликми?

Шавкат. Бўлди, бас! Дада, ярашадиган иш қилсангиз-чи!

Зоир ота (*кула-кула*). Нима ярашмаяптими? Ўзингизни ёшлигингиз эсингиздан чиқдими? Почаси кенг шимларни кийиб, вечерма-вечер югирадингиз-ку, ярим кечагача сангби.

Шавкат. Ҳа, энди... У пайтларда анча маънилироқ бўларди. Ҳозир нуқул шовқин. Аслида биздаям аҳмоқликлар бўлган. Кейин билдик, вақтни анча фойдалироқ ўтказиш мумкин экан: китоб ўқиб, ўз устимизда ишлаб...

Зоир ота. Йўқ, ундей эмас. Ҳар даврни ўз завқи, таровати бўлади. Баҳор айни қийғоч гуллаган вақтида қор-совуқ бўлиб, қанчалик ноҳуашлик келтирса, инсон умрининг ҳам баҳори кексалик юмушлари ё фақат ташвиши билан ўтиши керак эмас. “Дискотека” дегани ёшларни йифилиб, кўнгилхушлик қиласиган жойи эканда. Шунга шунча ваҳимами? Бунга ортиқча аҳамият қилмаган маъкул. Одам тафтини одам кўтаради, дейишади-ку! Инсон табиатан мулоқотта интилади. Рўзгор, уй, бола-чақа ташвиши ёки куни узоқ ишхонада тер тўккандан кейин бирон жойда ҳордигини ёзиб, ўз тенгурлари билан турунглашишга мойил бўлади.

Ёш ялангни бўлса завқи-шавқи баланд бўлади. Кўним билан ўтириб, бамайлихотир сұхбат қилолмайди. Юраги тошиб туради. Сабри чидамайди. Тизгинлаб бўлмайдиган завқи-шавқини гоҳо қора терга ботгунча сакраб, ўйноқлаб босади. Оёқ ўйинларининг бор мазмунни шунда. Буларнинг бари навбати билан келаверади. Муҳими Худо берган умрни мазмунли, ўзингга ҳам, ўзгаларга ҳам нафли ўтказишда. Гоҳо айрим давра-тадбирларда узоқ умр тилаб, юзга

киринг, юз элилла кириңг, деб хушомад қилиб қолишиңа, әнсам қотади. Эй, бемаъни, бекор ўтган узоқ умрнинг кимга кераги бор. Ҳаётинг шундай мазмунли ўтсинки, ҳар бир кунинг ойларга-йилларга татисин. Шунда умрингни күн санаб, күринганга ўзинг амал қылмаган хислатлардан насиҳат сўқиб ўтирумайсан. Ҳали мени айтди дерсан. Балки ўша дискотекаларда болангни, уни тенгкурларини күнглига катта орзуладар тушаёттандир. Ўша ердаги гурунг-мулоқотларида нималаргадир ҳавасланиб, нималарнидири инкор этиб, ўз келажакларининг суратини чизаёттандирлар. Ажаб маски, бугун сену биз назар-писанд қылмаёттган ё келгусидан хавотирга тушаёттган шу енгилтак, ўйинқароқлар эрта бир күн оламни яшнатувчилар бўлса. Илоҳо, шундай бўлсин!

Дилбархон (*чойнакни ола туриб*). Ойбек, буванглар ҳам жуда романтиклар-а! Чойни янгилаб келай... (Чиқади.)

Ойбек. Рост, бува. Сиз романтиксиз. Доим ёш бўлганга ўхшайсиз.

Зоир ота. Э, тойчоқ. Ўзимизни шунаقا тутиб, овутиб юрганмиз. Бўлмаса, биз кўрган азобу қийинчиликларга темир ҳам дош беролмасди. Илоё Сизлар кўрманглар у азобларни.

Шавкат. Қийинчилик дейсиз, булар қийинчилик нималигини тасаввуринга ҳам келтиролмайди. Жўмракни бураса иссиқ сув, совуқ сув, ош-овқати тайёр, кийим-кечак бисёр, нима ғами бор. Эрта-индин коллежни битирали. Кейин олий мактаб. Ҳаммаси рисоладагидек...

Ойбек. Дада, очиғи мен бу йил институтга ҳужжат топширмайман.

Шавкат. Мана, навбатдаги эркалик. Албатта, сиз топширмайсиз. Сиз учун мана биз топширамиз. Шунга ҳам жонингизни койитасизми?!

Ойбек. Дада, мен чиндан айтяпман. Бир-икки йил ишламоқчиман.

Шавкат. Э-э, йигиштири олифтагарчиликни! Ким сени ишга оламан деб ўлиб турибди!

Зоир ота. Шавкат! Ўғлингни эшитсанг-чи! Униям бир ўйлагани бордир.

Шавкат. Дада, мана ман деган хорижни катта университетларини, ўзимизнинг энг зўр дорилфунунларни

битириб, тайинлик иш тополмаёттандар қанча-ку, коллежни битирган иқтисодчига жой қайда?!

Зоир ота. Ҳа, нега унда институтта кириши керак, Ойбек?

Шавкат. Олий маълумот олса, ҳар қалай касби тайин, ишга жойлашиш имконияти нисбатан кўпроқ. Яна орқадан бир турткى бўлса, у ёғи ўзига боғлиқ.

Ойбек. Дада, мен умуман икки-уч йил бу ердан четроқда ишламоқчиман.

Дилбархон чой кўтариб киради.

Шавкат. Хориждами?

Ойбек. Йўғ-эй, вилоятда, масалан, Қашқадарёда.

Дилбархон. Ўйлаб гапиряпсанми, ўғлим?

Ойбек. Ҳа, ойи, жуда пухта ўйладим.

Зоир ота. Ҳўш-хўш, гапир-чи, ўғлим. Нима режалар тузиб ўтирибсан?

Ойбек. Бува ҳозир нима кўп — банк кўп, фермер хўжаликлари кўп. Вилоятлардан келган кўп болалар ўқиниларини битириб, Тошкентда қолишга ҳаракат қилишади. Балки шунинг учун ҳам иш топиш қийиндир. Тошкент катта шаҳар. Тирикчилигини бир амаллаб ўтқазса бўлади. Лекин қишлоқларда ҳаёт ўзгармаса, жонланиш бўлмаса, тўла ривожланиш ҳам бўлмайди.

Дилбархон. Қишлоқларда ўзгариш йўқ, деб ким айтди сенга? Ўзингча тахмин қиласерма! Ўйлаб, ўлчаб гапиргин.

Ойбек. Майли, ойи. Балки ўзгариш бордир, лекин бир нарса аниқки, қишлоқларга биз керакмиз, жуда керакмиз. Ҳеч бўлмаса, ўзимизни ҳам бир синовдан ўтқазиб олармиз. Одам мустақил бўлиши керак, ахир!

Шавкат. Мана сизга романтика! (*Истеҳзо билан.*) Қани, қишлоққа бориб нима каромат кўрсатмоқчилар?

Ойбек (*ўқтам оҳангда*). Дискотека очаман!

Шавкат (*хезланиб, Дилбархон йўлини тўсади*). Ҳозир шу болани бир нарса қилиб қўяман. Нуқул ўйин қиласи!

Ойбек. Дада, ўйин қилаёттаним йўқ. Жиддий айтаяпман. Бир ҳафта аввал коллежимизда Сангин ака деган қашқадарёлик фермер билан учрашув бўлди. Ҳўжалиги зўр, қишлоқлар

локдаги эллик-отмишта одамни иш билан таъминлабди. Ишларини яна кенгайтирмоқчи. Менга файратли, ёш мута-хассислар керак, ўзимиздаги ёшларни кўпи шаҳарга кетиб қоляпти, дейди. Аслида ёшларни қишлоқда ушлаб турадиган бирор кўнгилтортгар жой йўқ экан. Клуб-маданият уйи бор экан, аммо жуда ташландиқ ҳолда, дейди. Учрашувда унга қандай маблағларни жалб қилиб, ўша клубни ишга тушириш мумкинлиги ҳақида ўзимча таклифларимни айтган эдим, қизиқиб қолди. Ўзинг келиб бирор йил ишлаб берсанг-чи, таклифларингни бирга амалга оширамиз, деди. Кўл ташлашдик... Ўша фермер хўжалигига ўз соҳам бўйича ишга кираман. Мана кўрасизлар, бир йил, узоги билан икки йилда ўз ишимни – дискотекани очаман, ҳаммангларни ча-қираман. Бува биринчи меҳмон Сиз бўласиз.

З о и р ота . Ҳа, ҳа, умрингдан барка топ, албатта бораман, албатта.

Ш а в к а т . Дада, ростдан ҳам буни гапларига ишонаяп-сизми?! Бу, хаёлпараст-ку! Бу – қишлоқни, ўзбек қишлоғини қандайлигини умуман билмайди. Кўрган бўлса, бир-икки Паркент қишлоқларини кўрган, дам олишга чиққанимизда. Қашқадарёнинг чўлларида шароитсиз, яқин кимсасиз ёш бола бир ишни бошини тутиб кета олар эканми?!

З о и р ота . Шавкат ёшинг элликка қараб кетяпти. Айтчи, сўнгти йилларда бирор марта ўз манфаатингдан нарига ўтиб, ўзгалар учун ҳам бир иш қилдингми? Дунёда фақат ўзим бўлай, мендан бошқаси бўлганча бўлар деб яшаб бўлмайди. Ёшлик – асов дарё. Юрагида ўт қайнаган пайтда инсон унча-мунча қийинчиликка қарамайди. Муаммою мушкилотларни осон ҳал қиласи. Муҳими мақсад аниқ бўлсин, танлаган йўли тўғри бўлсин, куч-файратини жўяли сарфлай билсин. Шунда қилган ишидан ўзигаям, ўзга-гаям манфаат тегади. Катта ишлар қилишни замон сўраб турибди. Мана шу тойчоқлар келажак учун ишламаса, интилмаса, бу юртни ким обод қилиб, ким жаҳонга қўшади. Ота-боболарнинг буюк ишларини гапириб мақтанишни яхши кўрамиз. Ўзинг ҳам телевизорга чиқсанг, Имом Бухорий, Нақшбандий, Амир Темур деб оғзингни таноби қочади. Хўш, инсон ўтмиш билангина тирикмас-ку?! Бугунни, эртаниям буюклари чиқиши керак-ку! Токайгача

улуғ тарих, шонли тарих деб ётасанлар! Күй, болангни ўз ҳолига, сен белгилаган йўлдан эмас, ўз йўлидан борсин!

Дилбархон. Дадажон, Ойбек ёш бола, ҳали...

Зоир ота. “Бўлар бола ўн бешида бош бўлади, бўлмакури элликдаям ёш бўлади”, деган экан бурунгилар. Шунақа режалар тузишга ақли етиптими, демак, у ёш бола эмас. Ота-онага бола ҳамиша ёш туюлаверади. Ҳамонки ўз ақлим билан яшаб, ўз меҳнатим билан бир нарсага эришман деяптими, демак, у ўз ҳаёти учун ўзи жавоб бера олади. Фикрлайдиган одам ҳар нарсага ўз ичиди, “нега” деган сўроқни бериши керак. Ҳар ишни англаб, моҳиятига етиб бажариши керак. Ҳар нарсага мустақил ёндашув керак. Шунда фикр ҳам, ҳаёт тарзиям ўзига хос мустақил бўлади. Шунда ўсиш, ўзгариш, тараққиёт бўлади. Фикр ўсмаса, кимнидир дегани ёки қилган иши кўр-кўронга такрорланаверса, ҳаётни не маънисию, не чиройи қолади?! Беринглар ўғлингни эркини ўзига! (*Ойбекка кўз қисиб.*) Тойчоқ далаларда бир яйрасин, иродасини, ақл-заковатини синасин. Агар ўша қишлоқларда набирам йўлини топса, мен фақат хурсанд бўламан, бугинамас, фахрланаман ҳам.

Шавкат. Дада, нималар деяпсиз?! Ўзингиз пул топманинг деб саксонга борганингизда тадбиркор бўлиб юриб-сизу, мени ўзинг учун яшайсан, худбинсан, дейсиз. Яна шу ёш боланинг енгилтак хоҳишларига ён берасиз. Тушуна олмаяпман Сизни.

Зоир ота. Ўғлим, сен ўқидинг, китобга берилдинг, олим бўлдинг, худога шукур, тўғри юриб, тўғри яшадинг. Дунё ўзгариб, баъзи қийинчиликлар пайдо бўлди. Вақт бир жойда қотиб турмас экан. Аммо сен бир жойда туриб қолдинг. Қирққа кириб-кирмай юрагингда олов сўнди. Тинчгина бола ўқитиб, институтга тайёрлаб, бирорларни хат-хужжатини кўриб бериб, топган беш-ўн сўминг қора қозонингни қайнатганига шукр қилиб, четга ўтиб олдинг. Ўғлинг буни хоҳламаяпти. У эл-юрга ҳам нафим тегсин, ўзим ҳам бирордан кам бўлмай деяпти. Яхши еб, яхши киймоқчи. Орзу-ҳавасли дунёда бою-бадавлат бўлиб яшамоқчи. Тўғрими, тойчоқ?! Нимаси ёмон буни?!

Ойбек. «Прикол!» Тўппа-тўғри, бува.

Шавкат. Дада, Сиз айтаёттанингиз ҳомхаёл. Бою-бадавлат яшашни ўзи бўлмайди.

Зоирота. Албатта, ким сенга барчасини тайёр қилиб беради. Шунинг учун ҳам умр берилган. Барини ўзинг, ўз куч-кувватинг, интилишинг билан яратгин деб. Худога шукур, юрганда ҳар қанча интилсанг йўлинг очик. Яна айтаман, катта ишлар замони ҳозир. Мўлжални ҳам катта олиш керак. Ойбек узокни кўзлаётган экан, йўлини тўсма! (*Ҳазил аралаш*.) Қани, тойчоқ, ўзимизни ўзбекчасидан ҳам қўйчи, мен сенга болельщик. Биз даданг билан қоғозларимизни таҳлаб олайлик. Кабинетингта ўтамиزمи, Шавкат?

Шавкат гарангсиб, ўйланиб, отаси билан иш хонасига кириб кетади.

ИККИНЧИ ПАРДА

Бешинчи кўриниш

Мастуранинг квартираси. Радиода сокин қуй тараляпти. Ошхонада “жиз-биз” овозлар. Сабоҳат бир нима пиширияпти. Эшик қўнфироғи қайта-қайта жиринглайди. Уйқудан энди турган Малоҳат эснаб чиқиб, эшик томон йўналади.

Малоҳат. Сабо, эшикни очсанг бўлмайдими? Эшиштмаяпсанми?

Малоҳат эшикни очади. Замонавий аёллардай дид билан сипо кийинган, бир қарашда ёқимли таассурот қолдирадиган қиёфада Гулнора кириб келади. Кўлида чоғроқ чемадан.

Малоҳат (шодон). Вой, Гулнор хола.

Кучоқлашиб кўришадилар. Ошхонадан фартук таққан Сабоҳат ҳам чиқиб келиб, холаси билан кўришади.

Сабоҳат. Гулнор хола, яхшимисиз, поччамлар, Гули, Нигора қизлариз яхшими? Рустам катта йигит бўлиб қолдими?

Гулнора. Ўзингизлар қалайсизлар? Тинч-омон ўтирибсизларми? Ҳалиям ухлаб ётувмидинг, Малоҳат? Ўқиши ўйқуми бугун? Сен дурустмисан, Сабоҳат, ўқишлиар тугаб қолдими? Ойинг қани?

Сабоҳат. Ишдалар, келиб қоладилар... Холажон келинг, ўтиринг. (*Учовлари стол атрофига ўтиришишади. Сабоҳат Малоҳатга.*) Сен мактабга кетиш ҳаракатини қил! Мен, ҳозир... Блинчик пишираётувдим. Сиз ўтира туринг...

Малоҳат дастурхон ёзиб, сервантдан қанд-курслар олиб қўя бошлади.

Гулнора. Малоҳат сен ўқишингдан кеч қолма, кириб кийинавер. Айтмоқчи, Сабоҳат ҳам ўқишига бориши керак-ку?

Малоҳат. Йўқ, Саболарни ўқиши тугаб қолган. Битириш имтиҳонларини топширяпти.

Гулнора. Сен-чи? Мактабни қачон битирасан?

Малоҳат. Бир йил бор ҳали. Бу йил тўққизга ўтаман.

Гулнора. Ҳа-я! Аммо кўрган одам сени мактаб боласи демайди.

Малоҳат (*қуевлик билан*). Тўғри, мактабга бориб, дарс тайёрлайвериб эзилиб кетдим.

Гулнора. Вой қурмагур-эй, жуда аломатсанда Мало. Очилиб кетибсан деяпман. Бўй-бастингни қара, ҳойна-ҳой битта-яримта йигитинг ҳам бордир?

Малоҳат (*ҳазил билан*). Яримтамас, манга бир яримта келадиган “додахўжа” йигитим бор эди. Мактабда бировни яқинлаштирмасди. Олдин синфда ҳамма болалар Мало, Малошка деб атрофимда ўралашиб юради. Бу дерзила ҳаммасини тинчтиди. Қарасам, яккамохов қилиб қўйяпти, рейтингим тушиб кетяпти. Шартта бордимда, “ўв, пацан, дедим, чочиб ташайман, ўт бу ёққа”, дедим. Мани Мало-бало дейдилар, сандақа чурвақаларни копейкага олмайман, ман независимий қизман, “ўч”, дедим. Ўчди. Ўшандан бери рейтинг яна кўтарилган. Ҳамма болалар менга парвона. Так што, битта-яримтамас, целий мактаб йигитим бор. Ҳозир кириб, “шик” кийиниб чиқсам, янайм очилиб кетаман.

Гулнора (*кулиб*). Вой қурмагур-эй...

Сабоҳат бир қўлида блинчик тахланган тарелка, иккинчи қўлида чойнак, суҳбат устига кириб келади.

Сабоҳат (*енгил койиб*). Ҳали шу ердамисан?!

Малоҳат (*йўлакай тарелкадан битта блинчикни илиб алиб*). Бораман-да! Ўқитувчилар барибир мени кутиб турди дарс бошламай.

Гулнора. Ия, бу қанақаси бўлди?! Сенлар ўқитувчини кутиш ўрнига, у сизларни кутадими?

Малоҳат. Ҳамманимас, битта мени кутади. Хола ким билан гаплашаётганингизни биласизми? Мен бориб синфни тинчтиб берганимдан кейин, ўқитувчи дарс бошлайди.

Гулнора. Ростданми?!

Сабоҳат. Қулоққа лағмон илавермай, ўқишингга бор! (*Малоҳат чиқади.*) Сиз ҳам соддасизда, хола, ҳамма гапига ишониб ўтирибсиз-а?! Малони ўнта тапидан биттаси рост бўлса бор, бўлмаса унисигаям ишонч йўқ. Ҳамма билан шунақа ҳазил-хузул қилиб, кулишиб кетаверади. Сизниям бир кулдирай деган-да!

Гулнора. Вой, қурмагур Малоҳат. Жуда шўх қиз бўлибди-да, менга тортиб. Мен ҳам шунақа, ерга урса кўкка сапчирдим. Ойинг ҳалимдеккина бўлиб, уялиб, қизариб ўтиради. Сен ҳам онантга ўхшадинг. Уй иши, майда-чўйда юмушлар билан кўймаланишаверасан. Майли, бу гапларни қўяйлик. Ўқишинг ҳам битиб қолибди, келажагингни ўйлаяпсанми?! Мен сени олиб кеттани келдим. Ойинг айттандир, биз поччанг билан хусусий стоматологик клиника очганмиз. Клиникани кенгайтирмасак, мижозларни йўқотиб қўямиз. Шу келишда яна битта стоматологик стол-комплект олиш масаласини ҳал қилиб кетишим керак. Демак, унда ишлайдиган врачлар, ҳамширалар муаммосиниям ҳал этиш лозим. Сен тайёр ҳамшира бўлсанг, нима қиласман ойликни бировга бериб. Бу ёқда ойингни аҳволини сал енгиллатармидик...

Сабоҳат (*суюниб, сўнг суюнганини яширишга уриниб, сиполик билан*). Ҳолажон, тўғри, мен ҳам ойимга жуда ачинаман. Нима кўрдилар ҳаётда. Дадам билан турмушлари ўхшамади. Улар ёрдам бераман десалар, ёрдам у ёқда турсин, ҳатто номлариниям тилга олдирмайдилар. Ўзлари эса меҳнат-машаққатдан бўшамайдилар...

Гулнора. Нима, дадант билан кўришиб турасанларми?

Сабоҳат. Фақат мен яширинча учрашиб тураман. Гоҳо ўқишимга келиб, аҳволимдан хабар олиб кетадилар. Малоҳат яқинлаштиrmайди. Ойимга ўхшаб мағрур. Ё ойимлардан чўчийдими, ҳар қалай мактабига уч-тўрт борсалар, кўзларига кўринмай, қочиб кетибди. Мен дадамни

ҳам тушунаман. Балки ойим фақат уй, иш-юмут деб юра-вермасалар, ҳаётлари бошқачароқ бўлармиди..

Гулнора. Майли, кўй бу гапларни, вақти қелиб ҳам-малари тушунишар — ким ҳақ, ким ноҳақ... Дипломингни қачон оласан? Мен беш-олти кун шу ерда бўламан. Рози бўлсанг, ўзим билан олиб кетаман.

Сабоҳат (*ер чизиб*). Ўзимга қолса, йўқ демасдим, хола. Аммо, лекин...

Шу пайт ичкаридан башанг кийинган Малоҳат чиқиб келади.

Малоҳат. Ўтирибсизларми, компания бўлиб?

Гулнора (*ҳайрат билан*). Вой, жуда бошқачасанку-а?!
Бу ерда мактабга шунақа аҳволда борса бўладими?

Сабоҳат. Форманг қани, Мало? Мактабга кетяпсанми ё ўйнаганими?

Малоҳат. Сиз кечаси билан дискотекада юрсангиз майли-ю, мен ўтираверайми кўмилиб. Мактабда, чораклар якунланган, эрта-индин таътилга чиқамиз. Синфдош болалар билан бир-икки соат мактабда бўлиб, кейин “Рандеву”га бормоқчимиз.

Гулнора. “Рандеву” деганинг нимаси?

Малоҳат. Билмайсизми, хола? Сайлгоҳ, кечаси-кундузи одам қайнаб ётади, ўйинлар, караоке, хоҳласангиз ашупла айтасиз, хоҳласангиз расмингизни чизиб ташлашади...

Сабоҳат. Ойим биладиларми? Сўраганмисан?

Малоҳат. Ойимларни бугун кўрмадим, қандай сўрайман!?

Сабоҳат. Сўрамаган бўлсанг, мактабга бориб, сўнг тўғри уйга келасан, тушундингми?

Малоҳат. Ақл ўргатаверма, ўзим биламан. Ойим қелиб қолсалар сўрайман деб турибман.

Гулнора. Катта кўчаларда шунақа аҳволда юришга кўрқмайсанми, ёшгина қиз?

Малоҳат. Нимадан қўрқади? Болаларнинг ўзи кўрқади бизлардан. Мен каратэга қатнийман. Уже белбоғим бор. Қани биттаси яқинлашсин, “тўқвораман”, мана бунақа приём қилиб ташлайман (*каратэ машқларини кўрсатиб беради*) тамом, секундда ўчади.

Гулнора. Балосан-да, бало!

Сабоҳат. Бўлди, бас қил совуқ қилиқларингни! Мактабингга бор, кеч қоласан, ойимни кутсанг. Дарсдан кейин келиб, сўраб кетасан.

Малоҳат. Бўпти, мен кетдим бўлмаса, хэлло май френ, хэлло (*инглизча хиргойи қилиб чиқиб кетади*).

Гулнора. Синглинг ҳеч зериктирмайдиган қиз бўлибди-да.

Сабоҳат. Кўнгли жуда тоза, хола. Бир иш қилса, ёпишиб қиласди, охирига етказмагунча қўймайди. Кейин жуда киришимли, ҳамма даврага кириб кетаверади ва бирнасда даврадагиларни ўзига қаратиб олади. Гапга ҳам уста. Шунинг учун синфдошлиари ҳам, кўшнилар ҳам яхши кўришади уни. Ўқишилари ҳам ёмонмас. Яна, ҳали кўрдингиз-ку, каратэга қатнаб, мусобақаларда қатнашяпти. Факат ўйинқароқроқ. Бир жойда кўп ўтиrolмайди.

Гулнора. Ҳа, тегирмонга тушса, бутун чиқади. Бирорвга ҳақини осонликча бериб қўядиганлардан эмас. Ўзи асли ҳаётда шунақа бўлиш керак. Ушлаган жойингни кес. Мақсадни аниқ қўйиб, шунга жадал интилиш керак. Бизни ўзбекчиликда нима кўп, беҳуда, кераксиз урининилар, одамни чалғитадиган майда-чуйда юмуш, ташвишлар кўп. Ҳар хил лозимандалар, латта-путталарга ўралашиб, умрни арзимас нарсаларга сарфлаб юборамиз. Мана, ойинг. Сенларни мол-ҳолингни бут қиласман деб тиними йўқ. Зарурми шунчалик десам, қизларимни бахти тўқис бўлсин дейди. Кошки бахт шу латта-путталарда бўлса?! Майли, нима бўлгандаям онангни оғирини енгил қилиш керак. Ҳўш, кетасанми мен билан?

Сабоҳат (*яна ўйланиб*). Ойимлар кўнмайдилар барабибир.

Гулнора. Ўзинг рози бўлсанг, онангни мен кўндираман!

Эшик қўнғироғи жиринглайди.

Сабоҳат (*эшикка йўналла туриб*). Вой, ана ойимни ўзлари келиб қолдилар, шекишли...

Олтинчи күриниш

Дастлабки саңнадаги дискотека. Ҳали эртароқ бўлгани учун шовқин йўқ, шўх ўйинлар бошланмаган. Сокин куй тараляпти – Лотин Америкаси оҳангларида. Саңнада мўъжаз столстуллар. Томашабинга таниш чеҳралар – олти синфдошдан утгаси “кола” ичib, сұхбатлашиб ўтирибди.

Феруза. Ойбекни кетиши аниқ бўлдими, болалар?

Санжар. Аниқ! Бутун хайрлашув кечаси.

Равшан. Ойбекка қойилман. Дадасини барибир кўндирибди.

Санжар. Бувасига раҳмат дейиш керак.

Феруза. Энди нима бўлади?

Санжар. Нима бўлади, кетади энди!

Феруза. Тўғри, кетади, лекин бу ёғига нима бўлади. Сўппайиб қишлоқда ўтирумайди-ку!

Равшан. Нега сўппайиб ўтирапкан, ишлайди. Фермер хўжалигида иқтисодчи бўлиб ишлайди. Сенга хатлар ёзади, “шаҳардаги дугонамга” деб.

Феруза. Ойбекни ўзини хат ёзадиган дугонаси бор. Зор эмас, менга.

Санжар (*маъноли қилиб*). Сенгаям зорлар топилиб қолар.

Равшан (*бир оз қизариб, ҳаяжонланиб*). Ҳа, ҳа, тўғри.

Санжар (*Равшанга*). Лавлагингиз чиқиб кетди.

Феруза. Жиннимисан, Санди?! Равшанни Ойбекка ҳаваси келяпти.

Равшан. Очиги, ростдан ҳам ҳавасим келяпти.

Санжар. Э, буларни ҳаммаси уч-тўрт кунли кислород. Кислород балонни кўрганмисан. Ойбекниям пари чиққандан кейин, шумшайиб қайтиб келади.

Равшан. Қайтмайди. Ойбек ориятли бола. Ўлса ҳам гурури синадиган иш қилмайди.

Кундуз кириб келади. Ўзига жуда оро берган.

Кундуз. Қалайсизлар!

Ҳамма Кундузни кўриб, бир муддат тикилиб қолади.

Феруза. Даҳшат!

Санжар . Тахта қилиб қўйдинг-ку, в-эй!

Равшан . Эҳтиёт бўл, юрагингдан уриб қолмасин.

Кундуз ўзини кўз-кўз қилгандай бегубор жилмайиб туради.

Санжар . Йиқиламан ҳозир!

Кундуз столда очиқ турган “кола”дан хўплаб, Санжарни юзига пуркайди.

Феруза . Прикол!

Санжар (*ўзига келиб*). Ўв, томинг кетдими?

Кундуз . Мени эмас, сени томинг кетди. Йиқилиб тушмагин дедим. Биру бир.

Равшан, Феруза хандон ташлаб қулиб юборишади.

Равшан . Бопладинг. Аёл кишини макридан қўрқ, деб бекор айтишмаган, оғайни. Барибир ўчини олади. Шунинг учун уларни фақат яхши кўриш керак.

Кундуз . О, донолар доноси. Бу гапларни албатта, ёзиб кўйиш керак. Феруз дафтaringни ол!

Феруза . Ростдан, Кундуз. Жуда очилиб кетибсан.

Кундуз . Ўзинглар хайрлашув куни дединглар-ку! Шунга бироз ўзимга қараб қўйдим-да.

Равшан . Бирозгинаси шунақа бўлса, росманаси қанақа бўлади? Қара, Санжар бечорани ҳалиям тили айтсанмаяпти.

Санжар (*қизарив*). Бўлди, лағмон қиласкерма!

Ойбек кириб келади. Болалар билан ҳавода қўл уришириб сўрашади.

Ойбек . Зўрмисизлар, болалар. О, Кундуз, Кундуз... Санди мени чимчилаб қўй! Даҳшат-ку! Ништяк бўлиб кетибсан. Қойилман... Сабо келмадими?

Феруза . Ойбек Кундузни мақтайсану, Сабоҳатни сўрайсан-а?!

Санжар . Сени ҳам юрагингда “дирка” бўлса, ўша юрагингни тешганни ўйлайсан.

Равшан . Демак, ҳозирдан бошлаб Санжарниям юраги “дирка”.

Санжар . Жим, ўв... Тўкиб қўяман, ҳозир.

Шу пайт Сабоҳат кириб келади.

Сабоқат. Бизниям даврага құшасизларми?

Қундуз. Худди келишиб олғандай-а.

Феруза. Сабо, бормисан! Намунча ҳаялладинг? Вақтлироқ утрашамиз деб келишувдик-ку!

Сабоқат. Эй, ойимларга бир соат тушунтиришга түғри келди. Дискотеканг ёмон жой экан, болалар бузилиб кетар экан, деб сира юборгилари келмади. Борасану хайрлашиб тезда қайтасан, деб бир соатта зўрга жавоб бердилар.

Равшан. Мана, Ойбек, эшигдингми, бўлгуси қайнонангни дискотакага муносабатлари қандай экан. Сен бўлсанг Қашқадарёга бориб дискотека очаман деб юрибсан.

Санжар (*ҳазилга буриб*). Ҳа, нима, жуда аҳдидан қайтмаса, қизларини бермай қўя қоладилар-да.

Сабоқат (*қизарив*). Жиннимисизлар, болалар. Оғизга келган гапни айтавериш экан-да!

Ойбек. Гапирларинг, гапираверларинг, дадамга ўхшаб. Сизлар ҳам барибир тушунмайсизлар.

Қундуз. Тушунтир, биз омиларга! Мактабни битираёттанды бир-бири миздан ҳеч нарсани яшириш йўқ деб, ҳаммамиз келишгандик-ку! Сен бўлса кеча қўришгани мизда ҳам кўнглингдагини очиқ айтмадинг. Орқаваротдан эшишиб юрибмиз. Яна бирдан бутун “хайрлашув куни” дейишиди.

Ойбек. Нега энди? Ахир бир лойиха бор, яхшилаб пишитиб олғандан кейин ўзим айтаман деган эдим-ку!

Равшан. Пишдими, ишқилиб?

Ойбек. Ҳозирча икки киши мен томонда. Дадамни кўндириш қийин бўляпти.

Санжар. Тўғри-да! Ёлғиз ўғил, эрта-индин институтга кирадиган “каллали” бола, ҳаммасини ташлаб, чўлбийёнинг кетаман деса, ким тушунади, оғайни?!

Ойбек. Қашқадарё ҳозир жуда обод бўлиб кетган экан...

Қундуз. Да-а, омиларни лол қолдиришга жуда уста бўлиб кетяпсизлар, жаноби ўғил болалар! Марҳамат қилиб бизларга ҳам тушунтиранглар, бўлмаса биз...

Ойбек. Бўлмаса, биз ақли ноқислар ҳайрон бўлиб ўтираверамиз, демоқчимисан?

Сабоқат. Ойбек, жуда ҳаддингдан ошма!

Ойбек. Ҳазил! Болалар, мен Қашқадарёдаги қишлоқлардан бирида дискотека ташкил қилмоқчиман. У дис-

котека бутунлай бошқача бўлади. Менинг дискотекамда ҳамма учун мусиқа бўлади: ўзбек эстрадаси, классик мусиқа, шашмақом, чет эл, рус эстрадаси, классикаси, кексалар учун ретро мусиқа. Ашула айтмоқчи бўлганларга караоке. Албатта у ерда, рубоб, дутор, фижжак, доира, акардионга ўхшаган асбоблар бўлади. Кимнинг қўлидан келса олиб чалаверади. Хуллас, одамларнинг хоҳишидан келиб чиқадиган дискоклуб бўлади.

Қундуз. Нимага Қашқадарёда, Тошкентда эмас?

Ойбек. Яхши савол. Аввалам бор бундай ишни Тошкентда бошлиш учун менда етарли маблағ йўқ. Кейин эса...

Санжар. Қашқадарёда бошлишинг учун маблағинг борми?

Ойбек. Йўқ. Бир ҳафта аввал коллежимизда қашқадарёлик бир фермер билан учрапув бўлганини айтувдим, эсингдами? Хўжалиги зўр, жуда гуриллаёттган экан. Хуллас, ўша фермер хўжалигига ишга бораман. Кейин маблағ топишга ҳаракат қиласман. Банкдан кредит оламан. Ўша фермер ёрдам беради! Қолаверса, мана сен борсан Санжар, ёрдам бермайсанми?

Санжар. Менми? Мен...

Қундуз. Санжар, йўқ деб кўяқол. Ойбекка катта пул керак.

Санжар (*Қундузга*). Сен даллоллик қиласман. Мен, Ойбекдан ҳеч нарсамни аямайман. Лекин Бек бу ишинг хом иш, реал эмас. Хом хаёл. Романтик хаёлларга эса маблағ сарфлаш бу – аҳмоқлик.

Ойбек. Майли, хомхаёл бўлсин. Мен ўша хомхаёлни ҳақиқатта айлантироқчиман.

Равшан. Нима учун сен?

Ойбек. Яхши савол. Мен яқинда телевизорда бир лавҳани кўриб қолдим. Риштонда бир йигит бор экан – телемастер. У йигитнинг қўллари йўқ.

Сабоҳат. Вой, қандай, қўллари йўқ?

Ойбек. Шундай.

Сабоҳат. Қўллари бўлмаса қандай ишлайди?

Ойбек. Оёқлари билан ишлайди.

Феруза. Вой, мен ҳам кинода кўрганман. Биттаси оёқлари билан бутилка очади, пиво куяди, милтиқ отади, расм чизади. Кулиб қотган эдим.

Қундуз. Майли, буни сенга нима дахли бор? Ахир сен соппа-соғсан-ку!

Ойбек. Ҳамма гап шунда-да. Соппа-соғман, каллам жойида, құл-оғым бутун, лекин ногиронга ўшаб яшайман. Дадам ёрдам беради, онам құлтиқлады, тогам ўрнимни топиб ўтказиб құяды, холам жойлаштириб құяды. Мана шу ногиронлик эмасми?! Ҳамма нарса олдиндан белгиланган, худди трамвай изидагидек бекатлар аник: мактаб, институт, сердаромад жой, ҳашаматли уй, уйланиш, бола-чақа... Бир қадам у ёқ-бу ёққа ўтиш имкони йўқ. Фақат релс бўйича.

Равшан. Сен трамвайдага эмас, таксида юрмоқчисан, шундайми?

Ойбек. Мен ўзимни нимага қодирлигимни билишини истайман. Ўша сизлар айтган хом хаёлни ҳақиқатта айлантира оламанми-йўқми, умуман бирор нарсага ярайманми-йўқми? Шуни билишни истайман.

Санжар (*истеҳзо аралаш*). Болалар, тост! Мен мана шу колани ширин ва гўзал орзулар учун, дўстимиз Ойбек мисолида зўрга жон сақлаётган романтиклар учун ичишини таклиф қиласман. Бек, сен бизнинг фахримизсан, Ойбек учун! Унинг “Дискотека”си учун!

Ҳамма ичади.

Санжар. Ҳонимлар ва жаноблар! Дискотека бу ёшларнинг эркинлик зонаси. Биз бу ерда барча нарсалардан озодмиз. Бугунги кеча дўстимиз Ойбекка бағишлиланган экан, значить гуляем! Соққаси биздан!

Феруза (*ўйноқлаб*). Мана буни сахийлик дейдилар!

Қундуз. Ойбек, яна битта савол берсам, майлими?

Ойбек. Марҳамат!

Қундуз. Қароринг қатый, шекилли? Ота-онангни ҳам кўндиридинг дейлиқ, лекин ундан кейин нима бўлади? Улар ўз ҳолича, сен ўз ҳолингча бошқа-бошқа яшайсизларми?

Равшан. Биз туғилганимиздан то ҳаётимизнинг охиригача ота-онамиз билан боғланганмиз, улардан ажралиб чиқиб кетиб, мустақил яшашимиз қийин.

Ойбек. Бизларнинг ота-оналаримиз – ўз даврларининг одамлари. Улар шундай яшаб келишгандар. Уларнинг тушунчасида болани катта қилиш, уни ўқитиш, уй-жойли қилиш, уйлантириб қўйиш фарзандлари олдидағи бурчлари.

Равшан. Тўғри, биз ҳам бу бурчни бузилмас қонун деб билиб, ота-онамиздан умидвор бўлиб турамиз. Бундан ташқари, ўзимиз ҳам вақти келиб шундай қиласми. Демак, бу бизни қонимизга жуда қаттиқ сингиб кетган. Ундан қутулиш мумкин эмас. Бу – анъана!

Ойбек. Тўғри, лекин шу тарзда яшайверамизми? Ахир дунё ўзгарди! Бизнинг ўз йўлими, ота-оналаримизни издан бошқача, ундан афзалроқ йўлими бўлиши керак эмасми? Оддимизга аниқ мақсадлар қўйиб, уни руёбга чиқариш учун ҳаракат бошлаш зарур.

Кундуз. Ойбек, ниятларинг жуда яхши-ю, гапларинг ниҳоятда баландпарвоз-да, ўртоқ. Қарсак чалиб юборгим келаяпти.

Ойбек. Чал қарсагингни! Ниятлар юксак бўлгандан кейин унга баландпарвозлик ярашади-да!

Кундуз. Ойбек, сен ўша азалий анъаналарни инкор қилиб, ота-онанг хоҳишларини рад этиб, нимага эришмоқчисан? Кимга нимани исбот қилмоқчисан?

Ойбек. Ҳеч кимга, ҳеч нарсани исбот қилмоқчи эмасман. Мен ота-онамни хоҳишларини рад этиб, умуман бош олиб чиқиб кетмоқчи ҳам эмасман. Мен фақат ўзим мустақил, ҳеч кимнинг “поддержка”сисиз, ўз кучим билан ўз “ишим”ни бошламоқчиман. Мен ўзим учун жавобгарликни ўз бўйнимга оладиган пайтим етиб келди, деб ўйлайман.

Равшан. Ҳаёт учун жавобгарлик? Бундай жавобгарлик ҳаммамизнинг зиммамиизда бор. Фақат бу жавобгарликни ота-оналик бурчидан ажратиб, улардан бошқабошқа тушуниш керак эмас.

Ойбек. Худди шундай! Биз ўша жавобгарлик борлигини биламиз, лекин уни ўз вақтида бўйнимизга олишдан кўрқамиз. Ёки уни кераклича ҳис қилмаймиз. Бундай жавобгарлик анчагача ота-оналаримиз елкасида бўлади ва биз шунинг учун ҳам узоқ вақт уларнинг қарамогида яшаймиз.

Санжар. Жуда қизиқ гаплар бўляяпти. Нима, мен ота-онамнинг айтганини қилмаслигим, улардан бўлак яшашим керакми?

Ойбек. Менинг, сенинг ёки унинг мустақил бўламан деганимиз, ота-онасидан буткул бўлак бўлиш дегани эмас, ҳар бир инсон ота-онаси билан умрбод боғланган.

Қундуз (*Сажарга тикилиб, истеңзо билан*). Айниқса, баъзилар...

Санжар. Тушунмадим.

Қундуз. Ўзингни гўлликка солма, Санжар.

Санжар. Гўлликка солаётганим йўқ. Нима демоқчи-сан сен ўзи?

Қундуз. Бу гапларнинг сенга ҳеч қандай дахли йўқ демоқчиман. Сен ота-онангни пинжидан нари кетолмайсан. Бунга ҳожат ҳам йўқ. Улар сен учун ҳамма нарсани тайёр қилиб беришади.

Санжар. Нима, бунинг учун мен айборманми?

Қундуз. Ҳеч ким сени айбдор деяётгани йўқ. Фақат бу ерда сенга дахлдор бўлмаган масала тўғрисида баҳс бораяпти.

Санжар. Сен ҳаддингдан ошаверма, мен...

Сабоҳат. Бўлди қилинглар, нима кераги бор ҳозир бу тортишувни. Баҳс қилишни билмаймиз. Бирпасда мана бунақа уришиб кетамиз. Келинглар, яхшиси...

Санжар. Яхшиси рақсга тушамиш!

Қундуз. Сен биланми?

Санжар. Мен билан, нима қипти?

Қундуз. Сен билан бир усулга тушолмайман-да. Оёғингни босиб оламан!

Феруза. Мен билан тушақол рақсга.

Санжар. Э, борларинг-э!

Ойбек. Қундуз, сенга нима бўлди?

Қундуз. Мени бирор марта рақсга тушганимни кўрганимидиларинг? Рақсга тушмайман дедим, бўлди-да!

Сабоҳат. Бас қилинглар, болалар! Мен бошқа чидаёлмайман! Кетайлик. Ойимдан балога қоламан яна.

Равшан. Шошмай тур, Сабоҳат! Ойинг биладилар, сен бугун Ойбек билансан. Бугун эса Ойбекнинг куни.

Санжар (*бу сафар шампан виноси билан*). Мен яна бир бор Ойбек учун ичишни таклиф қиласман. Бек, сен мард йигитсан, ҳақиқий дўстсан. Мен сен билан фаҳранаман. Сенинг бошлаган ишинг ҳақиқий йигитнинг иши. Бўш келма, дўстим! Билиб қўй, Тошкентда сенинг дўстларинг бор ва улар сени ёлғизлатиб қўйишмайди. Ёрдам керак бўлса – торгин-масдан сўра. Ҳар доим тайёрмиз. Гапим тўғрими, болалар?!

Ҳамма. Тўғри!

Санжар. Бек, сен учун! Сенинг орзуларингни рўёбга чиқиши учун!

Күндүздан бошқа ҳамма ичади.

Равшан. Күндүз, нима шампан виноси ичмайсанми?

Күндүз. Йўқ, ичмайман. Носамимий гапларни эса сира ёқтиримайман.

Санжар. Тушунмадим...

Күндүз. Нега тушунмайсан? Мен сенинг иккинчи маротаба қайтарған қадаң сўзингни назарда тутяпман.

Санжар. Мен Бекни ҳурмат қилишимни айтдим, холос. Буни керак бўлса — учинчи марта ҳам қайтаришим мумкин.

Күндүз. Ўн марта ҳам қайтаришинг мумкин. Бироқ гап билан амалий ёрдам бошқа-бошқа нарсалар.

Санжар. Нима ишонмайсанми?

Күндүз. Очиги, йўқ!

Санжар. Сен бугун мен билан бутунлай юзкўрмас бўймоқчимисан?

Феруза. Күндүз, мен ҳам ҳеч нарсага тушунмаяпман. Нима демоқчисан ўзи?

Күндүз (*Ферузага қарата*). Нимага тушунмайсан? Ойбек қаерга кетаяпти?

Феруза. Қашқадарёга, дискотека очиш учун. Хўш нима қилибди?!

Күндүз. Биз унга нима билан ёрдам беришимиз мумкин?

Феруза. Мен йўлга тухум қайнатиб беришим мумкин. Товуқ қовурибми...

Санжар. Феруза, бор, ўйинга тушиб тур! Оёғинг каллангдан яхшироқ ишлайди сени. Бор!

Феруза. Беҳазил, йўлга эрмак учун бирон нарса олса зўр бўлади. Бек, чипсини яхши кўрасанми?

Санжар (*бақириб*). Феруза!! Бас қил!

Күндүз. Нега ўшиқирансан? Феруза Ойбекни бошқа бегона жойларга бориб, дўстларисиз, ёлғиз қолишини тасаввур қилмаяпти. У ерда яшаши учун, ўз ишини йўлга кўйиши учун анча-мунча пул кераклигини билмаяпти. Ҳар хил чипсилар билан ёрдам бериб бўлмаслигини тушунмаяпти.

Санжар. Бек, сенга пул керакми?

Ойбек. Керакликка керак, лекин мен ҳеч кимдан пул сўраганим йўқ.

Санжар. Сўрашнинг ҳожати йўқ. Пул тўғрисида муаммо йўқ деб ҳисоблайвер, дўстим.

Ойбек. Раҳмат, Санжар. Мен... мен сизлардан...

Санжар. Бўлди, бўлди. Сабо, тезроқ ўйинга таклиф қил, бўлмаса, йиглаб юборади.

Сабоҳат. Мен кетаман.

Ойбек. Тўхта, Сабо! Нимага кетасан? Сенга нима бўлди? Гапирсанг-чи?!

Сабоҳат. Нимани гапирай? Сен гапирайсан-ку, бўладида...

Ойбек. Мендан хафамисан?

Сабоҳат (кесатиб). Йўқ, хурсандман. Сен ўзинг ҳаммадан билағонсан, ҳамма нарсани якка ўзинг ҳал қиласеврасан. Мен билан нима ишинг бор сени...

Ойбек. Бу нима деганинг Сабоҳат? Ахир келишганмиз-ку!

Феруза. Вой писмиқлар-эй!

Сабоҳат. Мени тўғри тушун, мен сен билан кетишни истаганимда ҳам барибир боришим гумонга ўҳшайди...

Ойбек. Нега, ваъдалар ёлғонмиди? Ёки бошқа биронтаси билан...

Сабоҳат. Аҳмоқ!

Ойбек. Бўлмаса, нима бўлди? Гапирсанг-чи!

Сабоҳат. Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Мен ойим билан гаплашиб олдим.

Ойбек. Сабоҳат, сен дунёдаги энг яхши қизсан. Ойинг, сира хавотир бўлмасинлар. Сенинг баҳтили бўлишинг учун ҳамма ишни қиласман. Фақат, ёнимда бўлсанг бас!

Сабоҳат. Мени кечир, Ойбек, ойимни ўйласам..., уларни ташлаб кетишга кўзим қиймаяпти.

Санжар. Қани, Бек, наҳотки сен шундай қизни ташлаб кета олсанг? Наҳотки сени дискотеканг мана шу, сени севгувчи гўзал қалбдан афзалроқ бўлса?

Сабоҳат. Санжар, мен ҳали охирги гапимни айтганим йўқ.

Қундуз (истеҳзо билан). Гапир, Ойбек! Қароринг ўзгармадими?

Санжар. Ҳадисларда, отанинг ўз боласига тарбия бериши, бирор ҳунарни ўргатиши, уйли-жойли қилиб қўйиши, унинг бўйнидаги қарзи деб ёзилган.

Қ, ндуз. Қойилман. Ўзингни манфаатингта бўлса, ҳадисларниям эслаб қоларкансан-а?! Ўша ҳадисларда отанинг бўйнидаги қарзини бажаришини кутиб, боласи оғзини очиб ўтириши керак деб ёзи.маганми?!

Равшан. Мусилмончиликда “сендан ҳаракат, мендан баракат” ҳам дейилган.

Санжар. Бек, сен бир нарсани эсингдан чиқариб қўяяпсан.

Ойбек. Нимани?

Санжар. Оила мустаҳкамлиги унинг бирлигига. Мустаҳкам оиласдан бутун бир эл, миллат, мамлакат пайдо бўлади. Қадимдан маданий давлатларда ҳар бир оила аъзоси унинг бирлиги учун, демак, миллатнинг, давлатнинг бирлиги учун жавобгар бўлган.

Ойбек. Демак, сенингча мен давлат бирлигини бузаёттган эканман-да?

Санжар. Сен давлат бирлигини бузолмайсан. Лекин ўз оиласига бирлигини бузишинг мумкин. Ота-оналаримиз бизни катта қилиб, вояга етказиб, оёққа турғазганларидан, бизга суюнишга ҳақли бўлмайдиларми?

Ойбек. Ҳақли! Фақат мен айнан ўзим оёққа турмоқчиман. Ўзим, тушунасанми, ўзим!

Санжар. Ўзимлайверасанми?! Ҳозир гап сенда эмас. Азалдан ота-она ўз ўғлининг касб ўрганишига, тўғри йўлни топиб олишига ёрдам берган.

Кундуз. Айнан мана шу одат ноёб касбларнинг, нозик ҳунарларнинг сир-синоатлари буткул йўқолиб кетишига ҳам сабабчи бўлган.

Санжар. Бу нима деганинг? Аксинча, ҳунар авлоддан-авлодга ўтиб борган.

Кундуз. Ўзинг айтаяпсан-ку, оталар ўз касб сирларини фақат ўғилларига ўргатишган, холос. Боласи отасига ўхшаб иқтидорли чиқмагандан эса, касбнинг сири ўша бола билан биргаликда кўмилган. Кўпгина ҳунарлар шу тахлит йўқ бўлиб кетган.

Санжар. Нима, сен анъаналарга қаршимисан?

Кундуз. Асло! Мен фақат ҳар бир нарсада маъно бўлиши, ҳар бир нарсага ақл билан англаб ёндашиш керак демоқчиман, холос.

Санжар. О-о-о! Энди мен қолиб урф-одатларимизга хуруж бошланди, шекилли. Қундуз ота-боболардан қолған анъаналаримизни ўзgartирмоқчи! Қундуз, сени ақлли қыз эканлигингга шубҳамиз йўқ, лекин бу ерда ақл ортиқча. Сендан олдин ҳаммаси ўйлаб, аниқлаб бўлинган, энди ундан фақат фойдаланиш керак. Ўйлашнинг кераги йўқ.

Кундуз. Аксинча, ўйлаш, фикр қилиш ҳар доим керак.

Санжар. Ўйласанг-ўйламасанг, ҳеч нарсани ўзгартиrolмайсан.

Ойбек. Йўқ! Ўзgartириш керак!

Санжар. Гапларингни ҳаммаси сафсата!

Ойбек. Тушунмадим. Менга гапирайпсанми?

Санжар. Ҳа, сенга! Умуман ҳаммаларингга.

Равшан. Қани, қани, эшитайликчи.

Кундуз. Керак эмас, Равшан, қўй уни. Ундан яхши гап чиқмайди.

Равшан. Нимага? Санжар айтганидай, бу ер дискотека – эркинлик зонаси. Бугун бу ерда ҳамма нима хоҳласа шуни гапиради. Гапир, Санди.

Санжар. Балки ҳожати йўқдир?

Равшан. Нимага, жуда ҳожати бор-да.

Ойбек. Сўзла!

Санжар. Сўзлаганим билан сен ҳеч нарсани эшитишни хоҳламаяпсан-ку! Ҳали ҳеч бир нарсани уддасидан чиқмай туриб, ўзингни ҳамма ишни қойилмақом қилиб қўйган қаҳрамон қилиб кўрсатаяпсан! Сизлар эса, унинг бурни қонашини кўриш учун бу авантюрага гиж-гижлаяпсизлар.

Равшан. Сенингчча, биз Ойбекни калака қилиб ўтирган эканмиз-да?

Санжар. Бўлмасамчи! Фақат аҳмоқ, калласи йўқ одамгина бундай афсонага ишонади. Одамнинг қилаётган ишида мантиқ бўлиши керак. Сени ўша дискотеканг шунча курбонликка арзийдими?!

Кундуз. Жиддий айтяпсанми?

Санжар. Албатта. Бунинг ҳаммаси – туш, сароб! Хўш, ўша томонларда дискотека барпо бўлди, деб ҳам фараз қиласлик, гарчи бунга мен мутлақо ишонмасам-да. Хўш, нима бўлади? Кимга керак ўша жойларда дискотека? Ҳеч кимга!

Хозир бошқа замон. Максад пул қилишми – буни йўллари жуда кўп. Бозор, савдо-сотиқ... Сенинг дискотеканг, кечи-расану, куруқ гап. Бир ойдаёқ банкрот бўласан қоласан. Янгитдан велосипед ихтиро қилишнинг нима кераги бор?

Равшан. Ҳали жуда оғиз кўпиртириб, “дискотека бу ёшларни эркин зонаси, улар бу ерда ҳамма нарсадан озодлар”, деб катта гаплар қилаётган эдинг, нега энди бирпасда фикринг ўзгариб қолди?

Санжар. Фикрим ўзгаргани йўқ. Ҳамма ишни ўз ўрни бор. Ана кўряпсанми, анаву ёшларни. Бориб сўра-чи, қаерлик эканлар улар. Қашқадарёдан, Намангандан, Бухордан... Булар Тошкентда жойлашиб олганлари. Қолганлари ҳам жойини топиб кеттан. Так что, сени дискотеканга келадиган ёшлар қолган эмас ўша ерларда. Ҳар ернинг тулкисини ўз лочини билан овлайдилар, оғайни. Ҳар жойни ўз қонун-қоидалари бор. Бу ерда ҳазил кетмайди. Шундай экан, Бек, бизнесинг бошланмасдан туриб, энасини кўради деявер!

Ойбек. Бизнес? Ким айтди сенга буни фақат бизнес деб?

Санжар. Нима бўлмаса? Оммавий-маданий тадбирми? Ёки гуманитар ёрдамми? Балки хайриядир?! А?

Ойбек. Сенинг тилингда буларнинг ҳаммаси ҳақоратга ўхшаб эшитилаяпти.

Санжар. Ҳақорат эмас, Бек, бу ҳақиқат. Бундай хайрия ишларни қилишдан аввал, яхшигина маблағ тўплаш керак бўлади.

Ойбек. Қанақа маблағ? Сен ўйлагандай, бирининг дўпписини бошқасига кийдириб, алдаб пул топишми?

Санжар. Кечирасан, дўстим, киноянгни ножӯя ишлатдинг. Мен алдаб деганим йўқ, ишлаб топиш керак, дедим.

Ойбек. Қандай қилиб?

Санжар. Қўлдан келганича. Масалан, бизнес орқали.

Ойбек. Бизнес дегани нима ўзи? Менга тушунтириб берсанг. Бизнес дегани фақат муттаҳамликми?

Санжар. Бизнес – ақлни, каллани ишлатиш дегани. Агар ақл бўлмаса, унда эшакдай ишлайвериш дегани.

Ойбек. Равшан, эшитаяпсанми? Сен гирт аҳмоқ экансан. Курувчи бўлиб ишлаб юрибсан. Курилиш материалларини жойига ишлатдим деб, уни бир қисмини мўмайгина сотиб юборишинг мумкин. Сабоҳат сенинг

онанг ҳам нотўри иш тутадилар. Эртаю кеч ишлаб, мижозлардан кўпроқ материал талаб қилиш, кўпроқ пул ундириш хаёлларига ҳам келмайди. Менинг ота-онам-чи, о-о-о-о! Ўта содда одамлар. Бутун умр ўқувчилару, студентларни қуруқ раҳматига ишлаб келишади. Бир жавон қофоз – раҳматнома, фахрий ёрлиқ, открыткаю телеграммалар.

Санжар. Худо ақл бермаса, шунакада!

Ойбек. Нима дединг?

Санжар. Эшитганинг.

Ойбек Санжарга ташланади. Равшан, Кундуз, Сабоҳат уни ушлаб қолишиади.

Феруза (*чинқириб юборади*). Болалар, уришманлар, илтимос!

Ойбек. Сен, менинг ота-онамга тил теккизма! Сен ҳали бирор тийин ҳам ишлаб топмагансан. Сен меҳнат нима эканлигини биласанми? Отангни пулига керилиб юрибсан.

Санжар. Нега бўлмаса гадойга ўхшаб мендан пул сўраб юрибсан?

Ойбек. Сенданми? Мен пул сўрадимми?! Тупурман сени пулларингта!

Санжар. Пулларимга тупурсанг, дискотеканг нима бўлади?

Ойбек. Бу сенинг ишинг эмас.

Санжар (*Сабоҳатни кўрсатиб, масҳаралаб*). Мана, тикувчи қайнанангдан сўрасанг, ёрдам қиласи.

Равшан Ойбекни қўйиб, Санжарга бир мушт туширади.

Санжар. Айтдим-ку, ақл ишламаганда, қўл ишлайди деб.

Равшан. Яна керакми?!

Кундуз (*Равшанинг йўлини тўсади*). Керак эмас, Равшан. Бу...

Санжар. Ҳозир мен сенга кўрсатиб кўяман. (*Телефон қила бошлиди.*) Алло! Милициями? Мени кўпчилик бўлиб...

Кундуз Санжарнинг қўлидан телефонни тортиб олиб, сим картасини чиқариб олади.

Кундуз. Кечирасан, телефоннинг зарядкаси тугади.

Санжар. Қўрқоқлар! (*Кундузга қараб.*) Нега ишшайсан?

Қундуз. Ниҳоят асл башарангни кўрганимдан қувонаяпман. Яширишга кучинг етмади. Жуда зўр бериб уринг, бўлмади. Чидолмадинг. Ўртага пул аралашгандан сўнг, чидаёлмадинг.

Санжар. Сенлар мен билан фақат пулим борлиги учун дўст тутиниб юрасанлар. Ҳа, менда бор, менда ҳамма нарса бор. Мендаги бор нарса сенларда ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайди ҳам!

Қундуз. Ниманг бор сени? Пулингми? Сенда бир тийин ҳам йўқ. Пул ҳаммаси отангники. Отангнинг чўнтагидаги пул билан гердаясан сен. Бугун ҳам ўзингни кўрсатиш учун Ойбекка пул бермоқчи бўлдинг. Мақтанишга мақтандингу, кейин пулни қаердан оламан, деб қўрқиб кетдинг.

Санжар. Келиб-келиб сенларга бераманми? Пул ҳайф сенларга!

Қундуз. Аввалига Ойбекни табриклиётган, ёлғон вальдалар бериб, унинг дискотекаси учун кетма-кет қадаҳлар кўтараётган эдинг. Масала жиддийлашганини сезгач, шартта касетани ўзгартирдинг. Зўр бериб уни қоралай бошлидинг. Хўш, сен “бизнесменнинг” қайси гапингга ишониш керак? Қайси бири сенинг ҳақиқий башаранг?

Санжар. Сен ўзинг-чи, ўзинг фариштамисан? Зўр бериб ўзингни Ойбекка хайрихоҳ кўрсатмоқчимисан? Аслида Ойбек ҳам, унинг орзулари ҳам сени заррача қизиқтираётгани йўқ. Сени фақат мен қизиқтираман, холос. Пайти келгандা, мендан ўз қасдингни олиш ниятидасан. Шундай эмасми?

Қундуз. Сендан? Қасд олиш? Бу нима деганинг? Очиқроқ гапир!

Санжар. Айтардим-ку, бироқ ўзингта ёмон бўладида...

Қундуз. Йўқ, айтасан! Мард бўлсанг, айтасан!

Санжар. Хафа бўлмайсанми?

Равшан (*чидай олмасдан*). Гапир галирадиганингни, олифтагарчилик қилавермасдан!

Санжар (*Равшанга*). Бўлмаса, қулоқ солинглар! Қундуз, мактабдалигимизда менга ёзган ишқий хатларинг эсингдами? Ҳаммасини сақлаб қўйганман, хоҳласанг қайтариб беришим мумкин. Хўш, бунисига нима дейсан?

Кундуз юзларини қўллари билан тўсиб, йиғлаб юборади.

Феруза. Санжар, шу қадар пасткашмисан-а?

Равшан Санжарга ташланади. Ойбек уни тұхтатиб қолади.
Үзи Санжарга яқынлашиб, күтилмаганда бир зарб билан
уни кулатади.

Ойбек. Аблаң! Йүқол.

Санжар ҳам муштлашишга шайланади. Сабоқат билан
Равшан түсіб қолади, сүңг Кундуз яқынлашади.

Кундуз. Тұғри, мен сенга ишқий хатлар ёзғанман.
Кейин ҳам ёздим. Фақат кейингиларини сенга беришни
лозим топмадым. Шу кунгача ҳам сенга бефарқ әмас здим.
Сени ҳуснинг, қалли-қоматинг, кийинишинг, ўзингни
туғишинг ёқарди менга. Озгина мақтанчоқлигинг, ғуруринг,
жасурлигинг ҳам ўзингта ярашарди. Аммо ана шу фазилат-
ларинг секин-аста худбинлик, гердайиш, манманлик, яса-
малик, шафқатсизлик билан алмашиб бораёттанини ҳам
сезардим. Барибир күнглимнинг қаериададир Санжар жуда
тамом бўлган әмас, у самимишлигини сақлаб қола олади
деб ишонардим, ҳатто умид қиласардим. Ферузага муносаба-
тинг эрмак эканлигини сезсан-да, рашқ қиласардим. Бугун
эса энг тубан аблаңга айланганлигинги тұла ҳис қилдим.

Санжар. Сенлар менга доим ҳасад қилиб келгансанлар. Мени күролмайсанлар. Туптурдим ҳамманға. Туптурдим ўша дискотеканға! Мустақил бўлмоқчимишлар!
Бўлиб бўпсан! Бир умр гадой бўлиб ўтиб кетасан. Менда
эса ҳамма нарса бор! Қолгани ҳам бўлади! Мен қаерда
ўқишимни, қандай қизга уйланиб, қачон қайси “крес-
ло”га ўтиришимни ҳам яхши биламан. Шунинг учун мен-
га ҳасад қиласанлар. Ҳа, ҳаммаси дадам туфайли. Дадам
қилиб беради ҳаммасини! Нима бўпти? Менда бор ўша-
нақа дада, сенларда эса йўқ! Юр, Феруз, кетдик бу ердан.

Феруза. Ўзинг кетавер!

Санжар. Ия, сиззиям тилиз чиқиб қолибдими! Ҳали
кетимдан итдай ялиниб келасан!

Феруза. Ҳеч қачон!

Ойбек. Йўқол!!

Кундуз. Йўқ, тұхта, Санжар! Мана бу хатни ол!
(Чүнтагидан хат олиб узатади.) Бу менинг сенга ёзған
сүнгти ишқий мактубим. Буни кеча ёзған здим... Энди кет!

Санжар каловланиб, бироз туриб қолади.
Сунг чиқиб кетади.

Равшан. Яхши иш бўлмади, болалар.
Феруза. У ҳақда ўйлашни ҳам истамайман.

Равшан. Балки вақти келиб у ҳам тушунар. Мен Санжарни яна даврамизга қайтишини хоҳлардим.

Ойбек. Болалар, тушунинглар! Бирорни қўлига қараб, текин тамоқ бўлиб ўтириш ҳам ёки ҳаммага ўхшаб бир хил ҳаёт кечиришга мажбурлаш ҳам онгли инсонни таҳқирлаш билан баробар. Гёё қандайдир бир куч тажриба ўтқазаёттандек. Тажриба муваффақиятли тугагач, минглаб, миллионлаб нусхалар кўпайтирилгандек, умр тақрорланиб ўтаверади. Менимча, уни фақат кашф этиш, ўзгартириш, ўз ақлинг, ўз қўлларинг билан яратиш иштиёқи завқлантиради. Ўтаётган кунларингга мазмун, ранг беради. Мен, балки ўзим орзулагандек дискотека қуролмасман чекка ерларда. Ундан бир дунё пул топиб, бойиб ҳам кетмасман, балки. Ёки аксинча ҳам бўлар. Ҳар қалай мен ақлим етган ва қўлимдан келадиган ишга уннаб кўрмоқчиман. Мен учун муҳими — натижаси қанақа бўлишидан қатъи назар, ўз йўлимни топиш. Керак бўлса, бирорларни кига ўхшамайдиган ва ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ўз ҳаётимни яратмоқчиман. Мени хаёлпараст дейсизларми, тентак ёки бошқа нарса дейсизларми, ўзларингиз биласизлар. Барибир фикримдан қайтмайман!

Еттинчи кўриниш

Ёпиқ парда олди, гёё вокзал томон йўл. Саҳнадан Мастура, Гулнора чемодани билан, Сабоҳат, йўл сумкаси кўтарган ҳолда, Феруза, Кундуз ўтиб борадилар. Орадан бир ҳафта вақт ўтган.

Гулнора. Бизники купейний. Поездни бошроғида, тезроқ юрайлик қизлар...

Мастура (*ағламсираб*). Гулнор, нақ бағримни шилиб кетяпсанда! Ёши ўн саккизга етиб, бирор кун қўзимдан нари бўлмаган эди. Қандоқ чидарканман-а?! Ишқилиб яхши бўлармикан?!

Сабоҳат. Ойижон, бегона юртга, бегоналарни олдига кетаётганим йўқ-ку! Холамницида яшасам, холам билан ишласам, нимасидан хавотир оласиз?!

Гулнора. Опа, обидийдангни бас қилгин! Мунча ташвиш чекмасанг?! Жуда ичиксанг, уч-түрт ҳафтадан кейин бир борарсан Малоҳатни олиб. Баҳонада ҳаво алмаштириб, уйингдан бошқа жойлар борлигини ҳам билib, куриб келасан.

Ўтиб кетадилар. Улардан кейин Равшан, сумка кутариб олган Ойбек саҳнадан ўтиб борадилар.

Ойбек. Равшан, мана кўрасан, бир йилдан кейин Сизларни Қашқадарёга, дискотекага чақираман.

Равшан. Нима деяпсан? Нима, биз Ойбек қаҷон чақирап экан, деб кутиб ўтирамизми? Бир ойдан сўнг бизни кутавер.

. Ойбек. Бўпти, кутаман...

Йигитларнинг ортидан Шавкат ва Дилбархон ўтиб борадилар.

Дилбархон. Адаси, шошилмайсиз-а! Болалар илтарилаб кетишиди, йўқотиб қўймайлик, тағин.

Шавкат. Йўқотиб бўлдинг ўғлингни, яна нимасини йўқотасан?

Дилбархон. Ахир ўзингиз ҳам розилик бердингиз-ку!

Шавкат. Эртаю кеч минғиллайверганларингдан кейин, хўп дедим-да. Қани кўрамиз, бузоқни юргани сомонхонагача. Бир-икки ҳафтада бурнини оқизиб, “оижон, қийналиб кетдим” деб йиглаб келмаса, отимни бошқа қўяман.

Дилбархон (*ҳазилнамо*). Ҳай-ҳай, адаси, бу гапингиздан қайтинг. Яна сизни Шавкатилла номингиз қолиб, Йўлчивой ака деб юрмай.

Шавкат (*жиддий*). Ҳали кўрасан, “йўлчи” кимлигини! Ўтиб кетадилар. Поезд юриши эълон қилиниб, вагонлар силжиган овозлар эштилади. Саҳнага синфдошларини кузатиб, Феруза, Кундуз ва Равшан кириб келадилар.

Феруза. Болалар, Сабоҳат билан Ойбекка жуда ҳавасим келяпти.

Равшан. Ҳа, улар ҳақиқий романтиклар.

Кундуз. Жуда ичидан пишган экан икковиям. Гапни бир жойга қўйиб, йўлини топганини қаранглар, буларни.

Феруза. Нима, сениям ҳавасинг келяптими? Ың ҳасад қилаяпсанми?

Қундуз. Унисиям, бунисиям...

Равшан. Қызлар, ичинглар қуримасин. Хүп десант-лар, бир-икки ойдан кейин бориб келамиз.

Феруза. Иккаласи бир жойга бормаса керак. Айтган туманлари бошқа-бошқа, вагонлари ҳам бири бу бошда, иккинчиси охирроғида.

Қундуз. Феруз, жуда соддасанда. Вагони бошқа бўлгани билан, поезд битта-ку!

Равшан. Туманлари ҳам бошқа-бошқа бўлгани билан, манзиллари бир. Энг муҳими юраклари яқин, кўнгиллари бир. Мана шуниси муҳим!

Феруза. Болалар, бугун коллеж битирувчилари учун марказдаги дискотекада зўр “хит”лар бўлар экан. Кетдикми?!

Барчалири. Кетдик...

Ҳаммалари югуриб кетадилар. Шўх-шовқинли замонавий мусиқа садолари янграйди.

2005 йил

ТАФАККУР ӘХТИЁЖИ



МИЛЛАТ ФИДОЙИСИ

Замондошлари уни «французларнинг Жан Жак Руссолари, русларнинг Ломоносов, Чернишевский ва Добролюбовлари, кавказ туркларининг Фатхали Охундов ва Нажафбек Вазировлари, татарларнинг Шаҳобиддин Маржоний ва Қаййум Носирийси» билан бир қаторга қўйган эдилар. Ҳатто «Ўзбекистонда Навоий ва Улуғбекдан бошқа учинчи бир илм ва маданият арбобига ҳайкал қўйила-диган бўлса, шубҳасиз у ўша зотнинг ҳайкали бўлғуси-дир», деб ёзгандилар.

Афсуски, замондошлари шу қадар юксак эътирофга сазовор деб билган инсонни қарийб етмиш йиллар Шўро ҳукумати инкор этиб келди, ижоди, фаолияти тутул, ҳатто номини аташни ҳам тақиқлади. Чунки унинг исмени ўзиёқ бир вақтлар сўнгти Бухоро амирини ғазабга соганидек, Шўро мафкурачиларида даҳшат уйғотар эди. Бу зоти шарифнинг исми Маҳмудхўжа Беҳбудийдир.

Файзула Хўжаев ёзади: «Сиёсий, ижтимоий фаолияти, билимининг кенглиги жиҳатидан ўша замонда Туркестондаги жадидлар орасида унга teng кела оладигани бўлмаса керак».

Беҳбудий «ўртоқларим» деб тилга олган Садриддин Айний эса унинг ўлими муносабати билан шундай сатрлар битди:

Сани мундин бўён Турон кўролурму, кўролмасму?
Санинг мислингни Туркистон тополурму, тополмасму?

Дарҳақиқат, Маҳмудхўжа Беҳбудий нафақат Туркистон, балки бутун туркий дунёнинг XX аср ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида энг баланд мавқе тутадиган буюк инсонлардан бири эди.

У 1875 йил 19 январида Самарқанд вилоятининг Бахшитепа қишлоғида туғилган. Отаси Беҳбудхўжа руҳоний уламолардан бўлиб, қишлоқда 'имоматгарчиликда турган. Маҳмудхўжа бошланғич таълимни қисман эски мактабда ва тоғаси муфти мулла Одил қўлида олади. Сўнгроқ Чашмоб бўлисида қозилик қилган катта тоғаси Муҳаммад Сиддик тарбиясида бўлади. 1894 йили отаси вафот этгач, оила ташвишлари зиммасига тушиб, қози тоғаси ҳузурида мирзолик қиласди. Шу кезлар диний илмларини камол топтириб, кейинроқ Кобуд бўлисида муфтилик вазифасига ўтади. Шундан ва яна исломнинг назарий илмларини чуқур билганидан Беҳбудийни умри сўнгтигача муфти Маҳмудхўжа деб атаб келдилар.

Беҳбудий 1900 йиллардан то 1914 йилларга қадар оралатиб бир неча бор узоқ саёҳатларга чиққан. Хусусан, 1900 йилда муборак Ҳаж сафарида бўлиб қайтади. 1903—1904 йилларда Россиянинг Петербург, Қозон, Уфа, Оренбург шаҳарларида бўлади. 1914 йилда эса Арабистон, Миср, Туркия мамлакатлари шаҳарлари бўйлаб саёҳат қиласди. Ана шу саёҳатлар Беҳбудий дунёқарашини кескин ўзгартириб юборади. Унинг шогирдларидан атоқли маърифатчи Ҳожи Муин гувоҳлигича, 1901—1905 йиллар оралиғида Беҳбудий «фикри инқилобга учраб, зътиқодсизланиб юрган бўлса-да, лекин сўнгра кўп мутолаа» туфайли билимлари чуқурлашиб, «диндор ва маҳкам зътиқодли» шахсга айланди. У араб, форс, туркий, рус тилларидаги қадим кўлёзмалардан тортиб Петербург, Истамбул, Қозон, Уфа, Бокуда чиқиб турган энг сўнгти матбуот намуналаригача ўқиб борган. Уларда ўзи ҳам мақола ва хабарлар билан иштирок этган. Айниқса, Кримнинг Богчасаройида чоп этиладиган Исмоилбей Гаспралиниң «Таржумон» газетаси Туркистондаги кўплаб тараққий-парварлар каби Беҳбудийнинг ҳам мунтазам ўқийдиган ва мақолалари чиқиб турадиган энг ардоқли журнал эди. У Исмоилбей билан бир неча бор учрашган. 1907 йили Гаспрали Самарқандга келганида Беҳбудий ва Абдулқодир Шакурий хонадонида меҳмон бўлган. Кейинроқ, 1914 йилда Беҳбудий Шарқ мамлакатларини кезаркан, Истамбулда — Миллат боғида иттифоқо Исмоилбей ҳазратларини кўриб қолади ва шу куни у билан етти соат сұхбат қуради.

Беҳбудий 1900 йиллардан мактаб-маориф ишларига жиддий киришган ва ҳам назарий, ҳам амалий масалалари билан шуғулланган. Чунончи, Ражабамин қишлоғидағи Абдулқодир Шакурийнинг «Усули жадид» мактабини Самарқанд шаҳридаги ҳовлисига күчириб келиб, ўзи ҳам бу ерда жуғрофия, рус тили ва бошқа фанлардан дарс берган. Назарий йўналишда «Алифбо», «Мунтаҳаби жуғрофияи умумий» («Қисқача умумий география»), «Китобат ул-атфол» («Болалар мактублари»), «Тарихи мұхтасар ислом» («Исломнинг қисқача тарихи»), «Амалиёти ислом», «Мадхали жуғрофияи умроний» («Аҳоли географиясига кириш»), «Мұхтасари жуғрофияи русий» («Руссиянинг қисқача географияси») каби дарслер ва қўлланмалар яратган. Турли хариталар ишлаган. Айни пайтда уларни нашр этиш, оммалаштириш мақсадида Беҳбудия номи билан нашриёт ва кутубхона ташкил этган.

Беҳбудий 1913 йилдан матбуот ишларига берилади. Шу йилнинг апрелида Беҳбудий масъул мұхаррирлигига «Самарқанд» номли «туркий ва форсий ўрта шевада» газета чоп этила бошлади. Бу Самарқанд шаҳрида чиққан жадид матбуотининг ilk намунаси эди. Илм-фан, адабиёт, ижтимоиёт, тижорат, қишлоқ хўжалиги ва хорижий дунёда кечеётган ҳодисалардан хабар ҳамда мақолалар чиқариб, халқнинг маърифий савиясини юксалтиришдек улкан мақсадни ўз олдига қўйган бу газета шу йилнинг августига қадар қирқ беш сони чиқиб, тўхтайди, мазкур газетанинг моддий негизида эса 1913 йил 20 августдан «Ойина» журнали чиқа бошлайди. Абдулла Авлоний қайд этишича: «Бу журнал «Ойина» чиққунча чиққан журналларнинг энг биринчи ва энг яхшиси эди». Ҳафтада бир, кейинроқ эса ўн беш кунда бир чиқиб турган журналнинг зиёлилар ўтасидаги нуфузи ғоят баланд бўлиб, унинг ҳатто Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркияда муштариylари бўлгани маълум. «Ойина» 1915 йилнинг июнита қадар чиқиб турди. Жами 68 сон юпқагина китобчалар қатида Самарқанду Тошкент, Бухорою Кўқон, Андижону Фарғона, Хўжанд шаҳарларининг кўзга кўринган барча етакчи тараққий парварлари номларини учратиш мумкин. «Ойина»да Беҳбудий, Фитрат, Мунавварқори,

Васлий, Сиддиқий-Ажзий, Камий, Ашурали Зоҳирий каби танилган ижодкорларнинг публицистик ва бадий асарлари қатори, илк адабий ҳам журналистик фаолиятини бошлиётган Ҳожи Муин – Мехрий, Нусратулла Қурдатулла – Миллий, Абдулҳамид Сулаймоний – Ҷўлтон, Шамсиддин Шарафзода – Хоиб (Хуршид), Садриддий Айний, Холмуҳаммад Охундийга ўхшаш ёш қаламкашларнинг бошлангич машқларигача ўрин берилганини кўрамиз.

Ана шу саноқнинг ўзиёқ журналнинг Туркистон маданий ҳаётида нечоғлиқ буюк аҳамият касб этганидан да-лолатdir.

Беҳбудий фақатгина маориф ва матбуот соҳасидаги хизматлари билан ҳам халқимиз тарихида алоҳида ўрин ишғол этишга ҳақли эди. Аммо у табиатан янгиликка интигувчи, ўта файратли ва шиҷоаткор шахс бўлгани учун ҳам Туркистонда биринчи миллий театр ва драма яратиш ташаббусини-да ўз зиммасига олди.

1911 йили «Падаркуш» номли уч парда, 4 манзарали драма асари ёзади. Асарни чоп этиш хусусидаги қайта-қайта уринишлар икки йилгacha муваффақиятсиз кечади. Пъесани фақатгина 1912 йили рус-француз мұхорабаси-нинг Борадино майдонидаги рус галабаси бидан яқуналиши юз йиллигига бағишиланиб Тифлисдаги цензорга юборилиши нашр учун имкон беради. У 1913 йили Самарқандда алоҳида китоб ҳолида чоп этилган. «Падаркуш»-нинг нашрдан чиқиши том маънода ўзбек миллий театри-нинг туғилишини белгилади. Шу йилнинг ўзидаёқ Самарқандда Беҳбудий, Тошкентда Мунавварқори ва Абдулла Авлоний раҳбарлигида асарни саҳналаштириш ҳаракатлари бошланди. Спектакль илк бор 1914 йилнинг 15 январида самарқандлик ҳаваскорлар томонидан намойиш этилган бўлса, бир ярим ойча вақт ўтиб, аниқроғи, 27 февраль куни Тошкентдаги нисбатан мунтазам «Турон» труппаси томонидан икки минг киши кетадиган коллизей (ҳозирги Республика меҳнат биржаси) театри биносида кўрсатилиди. Шундан сўнг пъеса Кўён, Каттақўрон, Андижон, Наманган, Бухоро шаҳарларида ҳаваскорлар томонидан саҳналаштирилди. Асаддаги бош фоя – маърифатсизлик-нинг фожия эканлигига қаратилган. Шу боис «Падаркуш

ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли» деб номланади. Тошмурод исмли бой боласининг ота жаҳолати туфайли илм олмай, майшатга берилиши, охир оқибатда ўз отасининг қотилига айланиши воқеаси пьеса мазмунини белгилаган. Муаллиф жаҳолатни фақат бой хонадонининг эмас, балки айни чоғда Туркистоннинг, миллатнинг фожиаси деб ҳисоблайди. Буни асардаги жадид зиёлиси тилидан айтиб, ҳалқни ўзини, ўзлигини англашга чақиради, ўтмиши ва келгусини ўйлашга даъват этади. Истиқболни, келажак ҳуррият ва тараққиётни маърифатда кўради.

Мазкур ғояни ҳалқ ичидаги ёйишда театрнинг аҳамияти беқиёс эди. Беҳбудий буни яхши билгани учун ҳам театрни кенг тарғиб этди. Уни «Ибрат мактаби» ёки «Ибратхона» деб атади. Театр томошалари орқали икки муҳим мақсадни амалга оширишга уринди. Биринчидан, томоша орқали маърифат ғоясини таъсирли бир шаклда ҳалқга сингдириш бўлса, иккинчидан, спектакль намойишидан тушадиган маблагни мактаб-маориф ишларига сарфлашни ўйлади.

Маълумки, жадид мактаблари давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватланмас, аксинча, маънавий, баъзан жисмоний тазииклар остида фаолият юритар эдилар. Янги, замонавий талабаларни кўзлаб очилган жадид мактабларига эса замонавий жиҳозлар, дарслик ва қўлланмалар, дафтару қаламдан тортиб, харитау глобусгача керак эди. Моддий тангликтан айрим янги мактаблар ёпилиб қола бошлаган эди. Театр томошаларидан тушадиган маблағлар шу маънода мактабларга катта иқтисодий ёрдам бера оларди. «Ойина» журнали саҳифаларида театр томошалари, хусусан, «Падаркуш» намойиши ҳақида аҳборот бо силар экан, унинг ортидан, албатта, спектаклдан тушган маблағлар тақсимоти ҳақида ҳам ҳисботлар бериларди. Масалан, «Падаркуш» спектакли 1914 йил май ойида иккинчи бор намойиш этилгач, икки юз сўм фойда олинган экан. Шундан бир юз ўн сўми мактаб ислоҳоти учун, 35 сўми Жомбойдаги жадид мактабига, 15 сўми Боғишамол, 15 сўми «Бухорий қишлоқлари» мактабига, 25 сўми «Городской училища»даги мусулмон ўқувчиларига тақсим қилинади. Демак, даромаднинг сўнгги тийинигача маориф ишларига сарфланган. На пьеса муллифи, на актёр-

лар шахсан манфаат күрмаган. Кўринадики, Беҳбудий миллат манфаатини, маърифати ва келажагини ҳамма нарсадан юксак билган.

1916 йилдан то вафотига қадар Беҳбудий қизгин сиёсий фаолиятга берилади. Туркистоннинг келажак тақдири ҳал бўлаётган ғоят таҳликали дамларда у ватанимизнинг большевизмдан ҳам, монархизмдан ҳам холи муҳтор давлатга айланисини истаб сиёсий курашга киради. 1917 йил февраль воқеаларидан кейин ташкил топган «Шурои ислом» ва «Иттиҳоди тараққий» партияларида раҳнамолардан бирига айланади. Октябрь тўнтаришидан сўнг эса Қўқонда таъсис этилган Туркистон муҳторияти ҳукуматининг ғоявий раҳбарлари қаторидан жой олади. Афсуски, «Қизил жаллодлар» мустақил давлат сари илк қадам ташлаган муҳторият ҳукуматини бешикдаёқ бўғизлайдилар. Бу қонли воқеалардан кейин Беҳбудий яширин сиёсий фаолиятни давом эттиргани ҳолда, расман маориф ишларига қайтади. Самарқандда мактаб-маориф соҳасини ривожлантиришдаги амалий ҳаракатларга бошчилик қиласди.

Таъкидлаб ўтганимиздек, Беҳбудий сиёсий маслаклари учун курашни яширин равишда давом эттираётган эди. У хуфия иш юритаётган «Иттиҳод ва тараққий» партиясининг топшириғи билан 1919 йилнинг бошларида икки ҳаммаслак дўстлари ҳамкорлигида Туркияга йўл олади. Самарқанддан чиқиб, яширин тарзда Бухоро амирлигига қарашли Шаҳрисабз шаҳрига келганида, амир айғоқчилари томонидан қўлга олинади. Ва у ердан Қаршига келтирилиб, Қарши беги Тоғайбек зиндонига ҳибс этилади. Икки ойлик азоб ва қийноқлардан сўнг Маҳмудхўжа Беҳбудий 1919 йилнинг 25 марта ҳамроҳлари билан бирга пинҳона қатл қилинади.

Беҳбудий қатл этилишини сезаркан, фарзандлари, шогирдлари ва дўстларига бир васиятнома ёзиб қолдиради. Унда шундай сўзлар бор: «Сизларга васият қиласман: Маориф йўлида ишлайдургон муаллимларнинг бошини силантизлар! Маорифга ёрдам этингиз! Ўргадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймантизлар! Ҳар иш қўлсангиз жамоат ила қилингизлар! Ҳаммага озод йўлни кўрсатингизлар!..

Бизнинг отимизга мактаблар очингизлар! Бизлар ул чоқда қабримизда тинч ётурмиз».

Беҳбудий бутун умрини, умр сўнгидага эса жонини ҳам миллат манфаати йўлида нисор этади. Миллатнинг истиқболи учун амалга ошириладиган ҳар бир иш, ҳаракатни ўз руҳини шод этажаги, шаънига мисоли бир ҳайкал бўлажагини васият қилди. Дарвоҷе, мақоламизни Беҳбудий замондошларининг Навоий ва Улуғбекдан сўнг унга ҳайкал кўйилмоғи керак, деган тилаклари билан бошлаган эдик. Афсуски, Беҳбудий вафотидан бери ўтган 75 йил давомида унга ҳайкал тикламадик. Ҳатто номини қўрқа-писа тилга олдик. Шукрки, Ўзбекистонимиз мустақил давлат деб эълон қилинди. Беҳбудий орзулаган, жонини бағишлаган замон етди. Мана энди Беҳбудий васият қилган маориф тараққиёт йўлида тинмай ишлаш, фидойилик кўрсатиш ҳар қачонгидан ҳам аҳамиятлироқ бўлиб турибди. Чунки бу юртнинг эгалари ўзимиз. Миллат равнақи учун ҳалол тер тўкар эканмиз, Беҳбудийга нафақат маънавий, айни чоғда бўю бастига муносиб муҳташам ҳайкал ҳам тикламоқ бурчимиз. Зоро, миллат ўз буюкларини, фидойи аждодларини ҳамиша кўриб, зиёрат этиб — тавоғ қилиб турмоғи ҳам керак.

1999 йил

МАОРИФ МАФТУНИ

Сиддиқийга замондошлари ҳали ўзи ҳаётлик чоғидаёқ буюклик сифатини беришган эди. Дарҳақиқат, бунга унинг ижоди ва маърифатчилик фаолияти тўла шаҳодат беради.

Саидаҳмад Сиддиқий — Ажзий 1864 йилда Самарқанд вилоятининг ҳозирги Жомбой туманидаги Ҳалвойи қишлоғида таваллуд топди. Барвақт етимлик, муҳтоҷлик Сайд-аҳмадни ҳаёт дорилғунунидан эрта сабоқ олишга мажбур этди. Тириклик ташвишида у дехқончилик, соатсозлик, тикув машиналарини тузатиш, тикувчилик ва тўқувчиликка уннади. Эътиборни тортадиган жиҳат шундаки, Сиддиқий қайси касб билан шуғулланмасин барчасида камолат касб этди. Ҳунарлардан бўшаб, имкон топганида ўқиди. Янгаси қўлида хат-саводини чиқариб, Самарқанд, Бухоро мадрасаларида таҳсилни давом эттирди. Арабу форс, озару ўрис тилларини ўрганди. Мусиқа санъати

билан шуғулланди. Дастрлаб мумтоз Шарқ шеърияти анъана наларида шеърлар машқ қилди. Хуллас, ҳавас ва ғайрати боис замонасинг етук, билимдон зиёлиларидан бири бўлиб элга танилди. Бироқ, Сиддиқийнинг ўз даврининг буюк кишиларидан бири сифатида эътироф этилишига сабаб бўлган омил, таъкидлаганимиздек, унинг маърифатчилик фаолияти ва ижодидир.

1890 йилларнинг охиrlарида Сиддиқий отасидан қолган кичкинагина боғни сотиб, Макка сафарига отланади. Уч йил мобайнода Араб мамлакатларини кезади. Жидда шаҳридаги Россия элчихонасида бир муддат тиљмочлик ҳам қиласди. Ундан сўнг Россиянинг марказий шаҳарларида бўлади. Ниҳоят, Тифлисга келиб, бу ерда машҳур озар жадид зиёлилари Жалил Мамадкулизода ва Алиакбар Тойирзода Собирлар билан танишади. Уч йиллик сафар Сиддиқий дунёқарашининг тубдан ўзгаришига, ижодида ҳам, фаолиятида ҳам кескин бурилиш ясашга сабаб бўлади. Шу давргача ёзган ва тазкира-ю баёзлардан ўрин олган ишқий мавзудаги шеърларини ёқиб ташлайди. Дунёда шунча ноҳақлигу муҳтоjликлар хукм суреб турган, етук зиёлилар ҳуррият фояси билан ёнган бир пайтда Сиддиқий ошикнинг ҳижрон изтиробларини куйлаб ўтиришни номуносиб иш деб билади. Миллат, маърифат, озодлик тантанаси учун курашмоқни ҳаёт маслаги, умр мазмуни деб белгилайди.

Сиддиқий 1903 йилда Ҳалвойига қайтиб, усули жадид мактаби очади. Бу ерда турли миллат ва турли табақа болаларига табиий фанлар, араб ҳам рус тилларидан сабоқ беради. Шу йиллари мактаб учун болаларбоп асарлар ёзади, рус адабиётидан, хусусан, Лев Толстойнинг қатор ҳикояларини, И.А.Крилов масалларини, Гоголнинг “Шинель” қиссасини ўзбек ва тоҷик тилларига таржима қиласди, шулар асосида дарсликлар тузади. 1914 йилда Сиддиқий ўз ташаббуси билан “Зарафшон” номли кутубхона ташкил этади. Бу кутубхонада маҳаллий матбуот намуналари қатори Кавказ ва Туркияда чиқиб турган илғор адабиётларгача жамланган эди. Ана шулар Сиддиқий номи ва мактабини машҳур қилиб юборди. Шоир замондошларининг айтишича, Ҳалвойидаги жадид мактабига теваракатрофдаги ўнлаб қишлоқлардан болалар келиб ўқир экан.

Бу йиллар Сиддиқий ижодининг ҳам айни гуллаган йиллари эди. 10-йилларда шоир “Айнул адаб” (“Одоб кўзи”) ва “Гањкинаи ҳикмат” (“Ҳикматлар хазинаси”) номли ўзбек ҳам тожик тилларидаги икки шеърий тўпламини ҳамда “Миръоти ибрат” (“Ибрат ойнаси”) ва “Анжумани арвоҳ” (“Рӯҳлар йигини”) номли достонларини зълон қиласди. Ҳар икки достон ҳам ўтқир ижтимоий масалаларга қаратилган эди. Бирида икки руҳ – Бухоронинг икки марҳум амири пайдо бўлиб, юртни вайрон, фуқарони хору муҳтож қилгандаридан сўзласалар, “Миръоти ибрат”да шоир түе ўша вайрон юртга қарши қиёс ўлароқ, хаёлий бир мамлакат манзараларини чизади. Илму фани, фазлуга адаби устувор бўлган орзудаги Самарқандни тасвир этади. Самарқанд мисолида эса заҳматкаш Туркистонни назарда тутади. Шу юртнинг бир содиқ фарзанди ўлароқ, элу улусининг равнақини, истиқболини ўйлаб куюнади, ададсиз изтиробларини яширмайди.

На раҳмата қалбимиз муносиб,
На жанната руҳимиз муносиб.
Амома ила либоса мағрур,
Бу тийнату суврат ила масрур.
Кофи биза бўйла шакл марғуб,
Инсон орасинда биз-да маҳсуб!

Шоир бу аҳволдан қутулиш чораларини излайди ва ягона чора маърифатда деган хуносага келади, чунки юртнинг шу ҳолга келишига боис истибодод зулмида эзилган халқнинг жаҳолатта маҳкум этилгани эди. Бироқ, шоир маърифатни фақат илму фанни эгаллашгина деб билмайди. Ҳаммаслак замондошларидан бир қадар илгарилаб, Сиддиқий илму фан орқали сиёсий, ҳуқуқий маслаклар учун курашиш гоясини олға суради. Илм билан бирга, илм орқали “Давлат”ни, “лисон”ни ва “закун”ни эгаллаш, қўлга киритишни тарғиб этади. Истиқболни фақат ана шу “мақсуд”ларнинг амалиётида кўради.

Нуқсони жаҳолат этдим иншо,
Мақсуди бунинг-ла этдим ифшо.
Дўрт иш бана бундан эрди мақсуд,
Бундан ўла халқ баҳти маъсуд.

Илми ала олмоқ ва фунунни,
Давлатни, лисонни ва закунни,
Ҳар қавм булардан ўлди маҳрум,
Истиқболи ҳолидан ўлар шум.

Бу шоирнинг, ўзи айтмоқчи, нафақат насиҳати, балки биринчи навбатда авлодларга васияти эди.

Чор цензураси ҳар икки достонни ҳам чоп этишни тақиқлайди. Сиддиқий асарларини 1912 йилда Жалил Мамадкулизода ва Алиакбар Собир кўмагида Тифлисда бостиради. Фақаттина икки йил ўтиб, “Миръоти ибрат”-нинг ўзбекча нусхасини Самарқандда нашр эттиришга муваффақ бўлади.

Хурфикрлик ҳеч замонда силлиқ кечмаган. 1914 йили Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг жомесида мутассиблар 5–6 минг мусулмонларга қарата жадидларни ва усули жадид мактабларида ўқиётган ҳамда болаларини ўқитаётганларни кофир деб зълон қиласидилар. Бу пайтда Сиддиқий Маҳмудхўжа Беҳбудий билан “Самарқанд жадидларининг бошида” (Вадуд Маҳмуд) турар эди. Бу даврда жадидчилик Туркистон бўйлаб кенг ёйилган катта куч эди. Ўша вазиятда самарқандликларни Тошкент жадидлари, кавказлик тараққийпарвар кучлар ҳимоя қиласидилар.

Февраль инқилоби билан Сиддиқий ҳаётида яна муҳим воқеалар содир бўлди. У “Иттифоқ” номли ишчилар ўюшмасига аъзо булиб, кейинчалик Самарқанд вилояти-нинг адлия ишларига раҳбарлик қилди. 1919–1920 йилларда Туркистонда марказдан юборилган “Турккомиссия” ва “Туркбюро” “фаолияти”нинг бошланиши билан миллий ходимларга, хусусан, раҳбар ходимларга муносабат-нинг ёмонлашуви, ишончсизлик ва аввалги сиёсатнинг маълум маънода давом этиши кўпгина маҳаллий зиёлиларнинг саъӣ-ҳаракатлари сусайиб сўнишига, уларни ижтимоий фаолиятдан бир қадар чекинишга мажбур эта-ди. Бизнингча, аввало, ана шу шароит ва қолаверса, соғлигининг ёмонлашуви боис Сиддиқий 1922 йили яна ўз қишлоғига, ўз мактабига қайтади ва умрининг охирига қадар шу мактабда мудир ҳам ўқитувчи бўлиб ишлайди. Сиддиқий гарчи сиёсий фаолиятдан воз кечган бўлса ҳам

ижодий ишдан тўхтамади. “Машраб”, “Мулла Мушфий” каби ҳажвий журналларда, “Зарафшон” газетасида мақолалари, шеърлари, ҳажвий асарлари билан мунтазам иштирок этиб турди. “Майна”, “Шашпар”, “Тир”, “Гумном”, “Олмос” таҳаллуслари билан матбуот орқали турли иллатларга қарши курашди. Бу асарлар Сиддиқийни янги давр ўзбек ҳажвчилигининг асосчиларидан бири сифатида эътироф этишга тўла ҳукуқ беради.

Саидаҳмад Сиддиқий 1927 йил 15 июня Ҳалвойи қишлоғида вафот этади. У ўзининг долзарб, миллат фами, истиқбол тилаги ёлқинланиб турган шеърларини яланғоч шиорларга, чақириқларга айлантиrmай, образлилик, поэтик тил ва бадииятини сақлаб қолиш чорасини, уддасини қилди. Гарчи ишқий шеърларини ёққан, йирттан бўлсада, шеърий анъаналардан (айниқса Фузулийдан) воз кечмади. Буюк ижодкорлик салоҳиятини намоён қилиб, холу хат, зулфу қад, Лайлию Мажнунисифатликни ҳалқ аҳволига, миллат, ҳуррият, эрк, урфон ишқига ташбех этди. Ишқий шеърнинг рамзу равиш-рафторини сақлагани ҳолда ижтимоийлаштиришнинг факулодда уйғун йўлини топди.

Парирўлар паришон зулфитеқ хотир паришонам,
Паришонам, недан, хотирпаришонлик-ла ҳайронам,
Недан овора дашти ғамда нолон кездуким, билмам,
Магар Мажнуни Лайлой нашоти базми урфонам.

ёки

Маориф турраи мушкини савдоси-ла мафтунам,
На сеҳр этмиш бани холу урфони Лайлоси.

Матойи маърифат бозори савдосиндаям, Ажзий,
Қаму савдо солиб бошимга бу савдони савдоси.

20-йилларнинг зукко танқидчиларидан Турсункул (Рахим Ҳошим) 1928 йил “Маориф ва ўқитувчи” журналида Сиддиқий ижоди хусусида фикр юритиб, “Ул эски адабиёт билан янги жадид адабиёти орасида бир кўприк ташкил қиласи ва эски тилнинг ширин ва ёқимли ҳаволари билан ўзининг янги ҳаволарини эшитдирмакчи бўлади”, деган эди. Ҳақиқатан ҳам, Ажзий мазмун ва шакл мутаносиблигини

ҳар икки адабий унсурга зиён етказмай таъмин эта олгани учун ҳам яна узоқ даврлар ўқиладиган маънавий лерос қолдирди. Унинг шеърияти тарих сифатида эмас, тирик, ҳаракатдаги шеърият сифатида ўрганилади. Зоро, Сиддиқий ҳаётини нисор этган миллиати ўша тахлит ўзлигини танимай, эркини, шаънини, шавкатини қайта тикламай ожиз юрища давом этар экан, фидойи Ажзийнинг сергак руҳи ношод, шеърлари акс-садосиз нидо бўлиб чорлайверади.

1991 йил

ОҚ ТОНГЛАР КУЙЧИСИ

Тошкентнинг Миробод бозорини кўрган бўлсангиз керак. Шу бозорга туаш кўчалардан бири Сапёрлар (ҳозирда Миробод) номи билан аталар эди. У темирийўл вокзали билан Тупроққўрғондаги (ҳозирги Президент девони атрофлари) ҳарбий горнizonни бир-бирига боғлаган. Бу ерларда кўпроқ темирийўл ишчилари ҳамда аскарлар истиқомат қилганлар. XX аср бошларида бу ер инқилобий воқеаларнинг қайнаган жойларидан эди.

Ана шу кўчадаги 74-йда халқимизнинг атоқли фарзанди Абдулла Авлоний яшаган. Сақланиб қолган табаррук дастхатлар, юзлаб китоб ва хужжатлар гувоҳлик беришича, Абдулла Авлоний ўзбек болалар адабиёти, ўзбек миллий театри, драматургияси, педагогика ва матбаачилигининг асосчиларидандир. Авлоний Туркистонда жуда катта ижтимоий-маърифий ишларни амалга оширган жадидлар ҳаракатининг кўзга кўринган намояндаларидан ҳисобланган.

XX аср бошларида Ўрта Осиё ва Кавказнинг марказий шаҳарлари ҳамда Қозонда юзлаб зиёлилар хурофот ва чор Россиясининг истибододидан қолоқ аҳволга тушиб қолган ўз халқларининг ижтимоий-маданий турмушини, онг-савиасини кўтариш, тараққий эттириш мақсадида ниҳоятда катта маърифатчилик ишларини олиб бордилар. Европача усулдаги театр тўғараклари туздилар, турли газета ва журнallлар чиқардилар. Театр томошалари ва матбуотдан тушган маблағларга дунёвий илмларни ўқитадиган “усули жадид”, яъни янгича, илфор усулдаги мактаблар очиб,

бу мактабларда маҳаллий ҳалқ болаларини ўқитдилар. Улар ўз миллатларидан етук олимлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларининг замонавий билимдан мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод, Ватанини озод, фаровон этишларини орзу қилиб, шу йўлда фидойилик кўрсатдилар.

Абдулла Авлоний ҳам шу мақсадда яшади ва фаолият кўрсатди. 1907 йили Мирбоддаги ўша уйида “Шуҳрат” номли газета нашр қилди. Ўз маҳалласида мактаб очди, “усули жадид” мактаблари учун тўрт қисмдан иборат “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” ҳамда “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Мактаб гулистони”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби дарслик ва ўқиш китоблари яратди. Мактаб-маориф ишларига кўмак кўрсатувчи “Жамияти хайрия” ташкил этди. “Нашриёт” ширкати тушиб, Хадрада “Мактаб кутубхонаси” китоб дўконини очди.

Абдулла Авлонийнинг Октябрь тўнташига қадар кўрсатган фаолиятида театрчилик соҳасидаги хизматлари алоҳида аҳамиятга молик. Унинг 1913 йилда ташкил этган “Турон” номли театр тўгараги Туркистондаги биринчи ярим профессионал театр труппаси эди. “Турон” театр тўгараги кейинчалик Ҳамза тузган труппа билан кўшилиб, ҳозирги бош театrimiz – Миллий академик драма театрига асос бўлди. Авлоний труппасида кейинроқ машҳур давлат ва маданият арбоблари бўлиб танилган Низомиддин Хўжаев, Фулом Зафарий, Шокиржон Раҳимий, Шамсиддин Шарағиддинов (Хуршид), Маннон Уйғур каби ёшлар қатнашар эдилар. Улар Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ҳожи Муин, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Бадрий, Абдулла Қодирийларнинг пьесаларини кўйишар, ўзлари оригинал саҳна асарлари ёзиб саҳналаштиришар ва ролларни ҳам ўзлари ижро этар эдилар. 1916 йили озарбайжонлик машҳур актёр Сидқий Рұхилло Тошкентга келиб, “Турон” труппаси билан бирга “Лайли ва Мажнун” спектаклини қўяди. Авлоний бу спектаклда Қайснинг отаси Малуъ ролини ижро этади. Шу даврда Авлоний ўз театри учун “Пинак”, “Адвокатлик осонми?”, “Сиз ва биз” номли пьесалар ҳам ёзиб, саҳнага қўяди, татар ҳамда озарбайжон жадид драматургларининг асарларини ўзбек тилига таржима қиласиди. Труппа аъзолари билан

1914—1916 йиллар давомида Фарғона водийсида гастролларда бўлади.

1917 йил февраль инқилобидан кейин Абдулла Авлоний янада қизғинроқ ижтимоий фаолият билан машғул бўлади. Турли ташкилотлар тадбирларида қатнашади, маҳаллий муаллимлардан иборат “Ўқитувчилар союзи”ни тушиб, ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боради, “Турон” номида газета нашр этиб, унда илгор қарашларни олға суради. Бироқ Авлонийнинг ҳаёти текис кечмади. Миллатнинг тараққиёти йўлида нимаики хайрли ишга бош қўшмасин, қурашларсиз бўлмади. Авлоний нашр этган биринчи газета “Шуҳрат”нинг ўнта сони чиқар-чиқмас ҳукумат томонидан тақиқланди. “Турон” газетасининг тақдидири ҳам шундай кечди. Ҳатто Авлоний “кофир” деб эълон қилиниб, ўлимга маҳкум этилди. Фақат матбуот орқали “тавба-тазарру” уни ўлимдан сақлаб қолди.

Авлоний кўпгина ҳур фикрли кишилар қатори Октябрь инқилобига умид билан қаради, унинг ғалаба қилишига, ғалабалари мустаҳкамланишига имкони қадар ҳисса қўшиди. Биринчилардан бўлиб фирмә аъзолигига ўтди. Туркистон коммунистларининг II съездиде Марказий Комитет аъзолигига сайланди. Биринчи бўлиб К.Маркс ва Ф.Энгельснинг “Коммунистик партия манифести”ни ўзбек тилига ўғирди, “Иштирокиён” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасига муҳаррирлик қилди. Бироқ инқилобнинг, советлар ҳокимиятининг ҳалқ манфаатига тобора эид йўлдан бораётганини ҳам англай олди. 1919 йилда “Хафалик соатда” деган шеър ёзди. Унда шундай сатрлар бор эди:

Дерларки ой(н)инг ярми қаро, ярмиси равшан,
Ўттиз куни ҳам бизга буқун қоп-қародур кўраман.

(“Иштирокиён” газетаси, 13-сон)

1919—1920 йилларда Авлоний Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида Совет элчиҳонасида бош консуль бўлиб ишлади. Ҳалқларимиз ўртасида биродарликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун Афғонистон шоҳи Омонуллохон томонидан кумуш соат билан тақдирланди. Булар Авлоний шахсиятининг тарихимиздаги ўрни қанчалик мухим эканлигидан далолат.

20-йилларда Авлоний турли ижтимоий вазифалар билан бирга муаллимлик касбини ҳам давом эттириди. Ҳарбий мактабда, Ўрта Осиё Давлат университетида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди, илмий-методик ишлар билан машғул бўлди. Авлоний ўзбек зиёлилари орасида биринчилар қатори профессорлик даражасига ва “Мехнат қаҳрамони” унвонига сазовор бўлди.

Абдулла Авлоний 1934 йил августидаги Тошкентда вафот этди.

Мамлакатимизда 30-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган ялпи таъқиб, ҳалол, диёнатли кишиларга ножоиз айблар тақаш оқибатида Авлоний мансуб авлод шафқатсиз қатағонга учради. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Ҳамза, Тавалло, Чўлпон, Фитрат, Сиддиқий – Ажзий, Сидқий Хондайликий, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Мирмулла Шермуҳамедов, Сўфизода, Садриддин Айний ва яна ўнлаб маърифатчи зиёлилар номи билан боғлиқ жадидчилик ҳаракати ноҳақ қораланди, уларнинг на номлари ва на асарлари (айримларини истисно қилганда) узоқ йиллар тилга олинмади. Миллатнинг истиқболи йўлида ҳаётини бағишлаган жадид зиёлилари қаторида Абдулла Авлоний асарлари ҳам узоқ вақт нашр этилмади. Фақат 60-йиллар охири ва 70-йилларга келиб, унинг асарларини чоп этишга муваффақ бўлинди. Бу Авлоний асарларига қизиқишининг йиллар ўтиб сусайганлигидан эмас, балки айрим эҳтиёткор кимсаларнинг журъатсизлиги туфайли амалга оширилмади. Зоро, Авлонийнинг қўйидаги фикрлари, унинг аскарият асарлари каби бугунги кунимизга ғоят ҳамоҳанг:

“Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон оинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур... Ёху, бизга на бўлди? Боболаримиз йўлидан чиқиб кетдук! Яхши қўшнингдан олгунча ёмон уйингни қидир, демишлар. Боболаримизга етуштон ва яраган муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилас. Ўз уйимизни қидирсан ва охтарсан, йўқолгандарини ҳам топармиз. Йўқолса йўқолсун, ўзи бошимга тор эди, деб Еврупо қалпогини киуб, кулгу бўлмак зўр айб ва ўётдур”.

Мазкур сўзлар она тилимиз ва миллий тарихий хотирамиз қайта тикланаётган шу кунларда Абдулла Авлонийни бизга замондош этади ва биз набираларидан авлонийлар даври тарихи ва адабиётига эътиборлироқ, синчковроқ бўлишни тақозо қилади.

1995 йил

“ЎРТАНИБ АЙТГАНИМ СЎЗИМ ҚОЛДИМИ?”

60—70-йилларда мактабда ўқиган йигит-қизлар яхши эслашса керак. “Дил дафттар”лар тузиш расм бўлган эди. Унда турли безак ва синфдошларнинг фотосуратларидан ташқари, ўсмир хаёлларини қитиқлайдиган бир қанча саволлар бўларди: “Бахт нима?”, “Мұҳабbat борми?”, “Қандай касб әгаси бўлишни орзу қиласиз?” ва ҳоказо. Ана шулар қатори, албатта, “Ўқиган китобларингиздан қайси бири сизга кўпроқ ёқади?” деган савол ҳам бўларди. Аксарият ўқувчилар Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”идан кейин Шухратнинг “Олтин зангламас” романини қайд этарди. Қизиқ, мактаб ўқувчиларига у қадар яхши маълум бўлмаган 30-йилларнинг мураккабликлари, иккинчи жаҳон уруши манзаралари акс этган асар нима учун бунчалар машҳур бўлган, севиб ўқилган экан? Бу савол шоир, адаб, таржимон ва драматург Шухрат ижодини атрофлича кузатиш асносидагина ойдинлашса ажаб эмас.

Шухрат ака адабиётизда қарийб эллик беш йилдан бери ҳалол тер тўкиб келаётган ёзувчи. Унинг на ҳаёти ва на ижоди ҳайратга соладиган фавқулодда ҳодисаларга бой эмас. Ўнлаб шеърий тўпламлар, шеърий таржималар, уч роман, бир неча қиссалар ва драматик асарлар — ярим асрлик изтироб ва изланишлар сарҳисоби мана шу. Уларнинг батъилари Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор,Faфур Ғулом, Мақсад Шайхзода ва Миртемирлар назарига тушган. Устозларнинг тоҳи куюниб, тоҳи суюниб айтган холис мулоҳазаларига сазовор бўлган. Ҳусусан, Ҳамид Олимжон уруш бошланишидан бир оз аввал шоирнинг “Орзу ва қасос” деган поэмасини ўз таҳриридаги “Баҳористон” альманахида эълон эттиради. Бунга

қалар ёшлар газеталарида шеърлари билан кўриниб юрган ёш шоир “Дилкаш”, “Кўнгил чашмалари” номли тўпламларини қўлёзмада тайёрлаб қўйган эди. Бироқ урушга қалар у “Мехрол” эртак-поэмасинигина китоб ҳолида кўришга муваффақ бўлди.

Тошкент Давлат педагогика институтини тугаллаб, 1940 йил кузидаги Армия сафларига чақирилган Фулом Олимов – Шуҳрат хизматини яримлай деб қолганида машъум уруш бошланди.

Шуҳрат урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб то Польшада кечган қонли жангларгача иштирок этади. Ҳарбий мухбир бўлиб эмас, жангчи сифатида жангтоҳларга киради. Уруш ҳақиқатини окопларда ётиб, уруш жароҳатларини танасида ҳис этиб, ғалаба кунларига етишади. Шу боис Шуҳратнинг кейинги йиллар ижодида уруш бош мавзуга айланди. Таассуротлар аввал “Шинелли йиллар дафтари” (“Жангчи блокноти”) туркум шеърларига жо бўлди. Уруш воқелигининг тор қамровларга сифмайдиган кенг кўлами, қолаверса, Шуҳратнинг поэтик услубига хос муайян ҳаётий воқеалар тасвири орқали фикрни ифода этишга мойилик кейинчалик уни лиро-эпик жанрда қалам тебратишга ундейди. Интиқом ҳисси билан ёнган казак йигитнинг жасоратини мадҳ этувчи “Фарзанд”, сўлмас чечаклар тимсолида “мардга ўлим йўқ” деган ақидани таъкидлаган “Сўлмас чечаклар” поэмалари шоирнинг насрга, яъни йирик эпик жанрларга ўтиши арафасида ўзига хос босқич эди.

“Шинелли йиллар” романи Шуҳратнинг катта прозадаги илк изланишлари, айни замонда, ўзбек ҳарбий прозасининг илк намуналаридан биридир. Шунинг учун бўлса керак, баъзи танқидчилар қайд этганидек, тафсилотларда чўзиқлик сезилади. Лекин асосий гап шундаки, аксарият воқеалар, характерлар сунъий эмас. Асарнинг биографик материал асосига қурилгани, муаллифнинг ўзи шоҳид бўлган воқеа ва ҳолатлар, ўзи кўрган, таниган, елкама-елка туриб жанг қилган кишиларни қаламга олиши бадиий умумлашмаларнинг ҳаётийлигини, образларнинг жонлилигини таъмин этган. “Табиий, бир кишининг ҳасби ҳоли билан бадиий асар ёзиб бўлмайди, бўлгандага ҳам у бадиий асарга айланмайди. Адиб шунинг учун ижод-

корки, у ўзи танлаган хасби ҳолига ўз фикр-ўйи, орзу-умиди, идеалларини, дард-армонларини, ўқинч ва аф-сусларини бадиий воситалар орқали қўшади, мослаштиради, тўқийди, бойитади. Бунинг ҳаммаси ёзувчининг укувига, маҳоратига, самимиятига ва эътиқодига боғлиқ” (Шуҳрат. “Ўзим ҳақимда икки оғиз сўз”. Танланган асарлар. I-жилд. Тошкент, 1968 йил). Ёзувчининг ана шу эътиқоди романнинг бош қаҳрамони Элмурод образида намоён бўлади. Элмурод қиёфасида уруш туфайли фидойилик, юксак идеалларга садоқат, инсонпарварлик хислатлари янада ёрқинроқ намоён бўлган ўзбек ёшларининг бутун бир авлоди ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли суронлари тинганига қирқ йилдан ошли. Ҳатто урушдан кейин дунёга келган кишиларнинг соchlарига оқ оралаб улгурди. Қирқ йил ичида мамлакатимиз шу қадар ўзгардики, гёё кишиларимиз асрлардан бўён фақат бунёдкорлик билан яшаёттандек. Ҳолбуки, бугунги фаровонликка беадад курбонлар эвазига эришилган. Ана шу фидойилик урушга нафрат ҳиссини, эрк тилагида шаҳид бўлганлар руҳи олдида ҳамиша қарздорлик туйгусини қалбларга муҳрлади. Бу муқаддас туйғунинг авлоддан-авлодга безавол ўтишида адид Шуҳрат ҳам ўзининг камтарона улушини қўшиб келмоқда. Зоро, уруш мавзуси ҳозирги давр адабиётининг етакчи мавзуларидан бири бўлиб қолди. Ҳар қандай урушининг туб моҳиятида инсонийликка, тирикликка тамомила зид бўлган мазмун ётар экан, демак, тирикларнинг тамали — жами тур қирғинларга нафрат уйғотмоқ, хотирага хиёнат қўймаслик, кишилар қалбида маънавиятни камол топтирмоқ, мархумлар руҳини безовта этмаслик, Ватан озодлиги йўлида жисман мавҳ бўлган инсонлар руҳи олдида ҳамиша жавобгарлик ҳиссини унутмасликладир. Нафақат ўтмиш сабоқлари, айни чоғда уруш хавфидан қалқиб турган она замин келажаги шунга даъват этади. Шуҳрат йиллар оша ана шу даъватга қулоқ тутиб яшаётган адид. Бунинг исботи унинг кейинги роман ва қиссаларида, шеър ва поэмаларида, драматик асарларида муайян муносабат билан уруш йилларига мурожаат этишида қўринади.

Ҳар бир адид ижодий фаолияти давомида ўнлаб асарлар яратиши мумкин. Санъаткор ёзувчи учун уларнинг ҳар

бири тинимсиз изланишлар ва машаққатли меҳнат маҳ-
сулидир. Бироқ, шулардан биттасинигина ижодкор ўз
ҳаётининг “асосий китоби” деб билади. Шуҳрат аканинг
эътирофича, “Олтин зангламас” романни – ҳаётининг энг
асосий китоби. Тўғри, адаб мазкур асаридан кейин бир
қанча китоблар эълон қилди. Икки қайта сайланмалари-
ни чоп эттириди. Аммо “Олтин зангламас” романининг илк
саҳифаларидан то сўнгги варакәларигача уфуриб туради-
ган қайноқ меҳр, қалб кўри, кувончли дамлар билан эш
ҳазинлик, дард, инсонийлик, айни пайтда шафқатсиз
ҳаққоният, асарда қайд этилганидек, у икки йиллик муд-
датда эмас, балки икки йилу яна бутун умр давомида ёзил-
ганидан далолат беради. Икки йил – хотира қатларига ўйиб
ёзилган сатрларнинг оқ қофозга кўчирилиши учун кетган
фурсат, холос. Гарчи бу роман учун шахсий таржимаи ҳол
асос бўлса-да, муаллифнинг фикрича, таржимаи ҳол бир
восита бўлиб хизмат қилган, холос.

Яқин йигирма беш-ўттиз йил ичидаги дунёга келганлар
наздида 20–30-йиллар мураккабликлари, соф виждонли ки-
шиларнинг тақдирларида машъум бурилишларга сабаб бўлган
омиллар ножиддий, ҳатто бир оз кулгили тувлади. Аммо кул-
гили тувлган бу фожиалар факт билан муқояса қилинганда
эса ўйлаб топилган ривоят эмаслиги мътум бўлади.

Гражданлар урушида эътиқоди тобланган Содик ўша
бизга ишонарсиздек кўринадиган сабаблар – фисқу фа-
сад, курук тухматларнинг курбони. Адолат ва ҳақиқатга
ишонч эътиқодни сусайтирмайди, аксинча, уни яна бир
карра тоблайди. Муаллиф ўз қаҳрамонини фоят кескин
драматик вазиятларда акс эттиради. Икки ашаддий рақиб-
нинг бир хил шароитда учрашишидан тортиб, жанг май-
донларидағи қонли тўқнашувларда қаҳрамонни синовлар-
дан олиб ўтади. Бир қараашда ноҳақ жабр кўрган Содик
уруш бошланганидан фойдаланиб ўзини панага уриши
мумкин эди. Аммо, муқаддас бурч ва олий идеаллар ҳаётин-
инг мазмунини белгилаган одамлар учун оғир дамларда
иккиланиш, аламзадалик – бегона туйғу. Шундай киши-
лар сирасига мансуб Содик бутун халқ бошига кулфат
тушганда, инсоний эътиқод барқарорлиги учун ҳаёт-ма-
мот жанглари қизиган дамларда ўз жойини олдинги саф-

ларда деб билади ва ҳаётининг энг сўнгти дақиқаларигача юксак маслагига содиқ қолиб, мардларча ҳалок бўлади. Ёзувчи қаҳрамонини ижтимоий ва руҳий зиддиятлар гирдобида, улкан синов жабҳаларида ҳаққоний акс эттирас экан, эътиқодда событлик — ёргулар, саодат ва авлодлар хотирасига элтувчи йўлдири, деган ғояни илгари суради. Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, йиллар имтиҳонидан муваффақиятли ўтиб келаётган “Олтин зангламас” романни ҳанузгача танқидчиликда холис ва ҳаққоний баҳосини ололгани йўқ. Бундан йигирма йиллар аввалги ижтимоий-маданий ҳаётда шундай асарнинг пайдо бўлиши, салмоғи ва аҳамияти ҳозиргача адабиётшунослик илмимиз томонидан ҳам етарлича англангани йўқ. Ваҳоланки, адаб жамоатчилик ҳукмига ҳавола этган масалалар, ҳатто бугунги кун нуқтаи назаридан олиб қаралганда ҳам, жуда катта журъат, ижодий жасорат эди.

“Олтин зангламас” романидан кўзланган бош мақсад, аксарият наздида, эътиқодли, ҳалол кишиларни турли ҳаётий синовларда, жумладан, ноҳақлик ва уруш жабҳаларида тасвирлаб, ўқувчига ижобий ибрат намунасини кўрсатишдангина иборат бўлиб туюлади. Бироқ, ёзувчи ана шу мақсадни ҳам назарда тутгани ҳолда, асосий диққатниadolatcizlik, arzimagan tuxmatlar vajididan ҳалол, isteъoddoli, ҳамиятли кишилар ҳаётида машъум фожеликлар рўй берганига, ҳамиятда баъзи калтабин, шубҳакор шахслар туфайлиadolat мезонларидан чекинишлар бўлганига қаратади. Ўқувчини аввало оқилликка, ижтимоий ҳушёрликка чақиради. Аммо ана шу, бугунги кунда ҳам эскирмаган улкан ҳақиқатни рўй-рост айтишга етарли имкон ва ижтимоий шароит тополмайди. Асосий мақсадни фаол китобхон эътиборига, унинг синчков назарига қолдириб, қаҳрамонини ғоят драматик, кескин ва ҳаётий тасвирланган воқеалар гирдобига тортади, ҳаёт имтиҳонларига рўбарў қиласи ва характер мантиқини тўла сақлагани ҳолда асар сарлавҳасидаёқ ишора этган мазмунни кенг бадиий инкишоф этади. Адабнинг ижодий тамойили фалсафий мушоҳадакорлик ва бадиий тадқиқдан кўра кўпроқ бадиий тавсифийликка мойил бўлгани учун ва яна қатор ижтимоий мулоҳазалар туфайли воқеа-

лар тасвири, қизиқарли, саргузаштнамо сюжет, равон, ширали тил китобхон диққатини тортиб кетади. Шунга қарамай, романда мураккаб даврларнинг кенг ва конкрет бадиий ифодаланиши, муаллифнинг самимияти ва журъатидан ташқари, асарни кейинги чорак аср оралиғидаги адабиётимиз тарихида тутган ўрнини мавжуд тасаввурларимиздагидан кўра салмоқлироқ этади. Ҳолбуки, 60-йилларда яратилган романнинг биринчи ва иккинчи қисмларида қаламга олинган ўша ҳодисалар ҳозирги адабиётимизда катта шов-шувларга сабаб бўлаётган асарларнинг асосий мавзусидир. Албатта, маҳорат, фалсафий умумлашмалар, ҳатто публицистик баён усулидаги кескин ошкоралик хусусиятларига кўра бу асарлар билан “Олтин зангламас” романи ўртасида катта фарқ бор. Аммо биргина масалада, яъни Шухратнинг ҳақгўй ижодкор сифатидаги жасорати борасида ҳақиқатни тан олиш ва айтиш зарур.

Олтмишинчи йиллар ёзувчининг ҳақиқатан ҳам ижодий етуклик палласи бўлди. Адабиётимизнинг мавзу рангбаранглигига яна бир саҳифа ўлароқ “Жаннат қидиргандар” романни майдонга келди. Романда акс этган воқеалар нафақат ўзбек адабиёти, айни чоғда, Иттифоқ адабиётида ҳам муайян маънода янгилик эди. Ватангандолар қисмати, ватанфурушлиқ фожиаси, инсонларнинг туғилиб ўстган юртига муҳаббати ва садоқати мавзуси асарнинг мазмунини белгилаган. Албатта, ватанжудолик мавзуси Иттифоқ адабиёти тарихида бирмунча ишланган. Бироқ у асарларда ватангандолик жамият ҳаётидаги маълум тарихий ҳодисалар, хусусан, Октябрь инқилоби ва иккинчи жаҳон уруши воқеалари муносабати билан юз беради. “Жаннат қидиргандар”да эса воқеа мутлақо бошқа даврда, 60-йилларда рўй беради.

Романнинг марказий персонажларидан бири – Аъзам. У шону шавкат, молу дунё, амалпарастлик каби худбин хаёллар васвасасига берилиган. Ўз мақсадларини қай йўл билан бўлмасин амалга оширишни ўйлаган йигит, бирин-кетин ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатига тўқнаш келади. Ўзи яшаётган жамиятда ниятларини жўнгина амалга оширомаслигига кўзи етгач, хорижга қочиш режаларини тузади, узоқ тайёргарликдан сўнг мақсадига зришади ҳам. Аммо

унинг “орзулари” саробга айланади. Ватанфурушлик ниҳояси фожиа билан якунланади.

Аъзам ҳеч бир машаққатсиз вояга етган, олий таълим олиб, муҳандис бўлган оддийгина йигит. Дабдурустдан унинг маънан тубанлашуви учун ҳеч бир сабаб йўқдек. Унга қарама-қарши ўлароқ, Умматали ҳаётда ноҳақ таҳқирларга учрайди. Қачонлардир хўжайини ортидан адашиб хорижга кетиб қолган отаси туфайли жавобгарликка тортилиб қамалади. Бинобарин, Умматали ўзига нисбатан ноҳақ муносабат учун четдан паноҳ излашга асосли эди. Бироқ та момила акс ҳол юз беради. Айни мана шу маҳсус қарама-қаршиликда муаллиф ғояси ойдинлашади. “Олтин зангламас” романидаги каби, эътиқод, агар у бўлса, синовларда тобланади, эътиқодсизлик эса қачон ва қаерда илдиз отар экан, ҳам руҳий, ҳам жисмоний фожиага юз тутади, деган фикрни илгари суради. Бу фикр мазкур икки образдан ташқари яна қатор персонажлар тақдирни, ўй-кечинмалари, хатти-ҳаракатлари мисолида чуқурлашиб боради. Ёзувчи зоҳиран романнинг ғоявий концепцияси сифатида белгилаган ватанжудолик ва ватангадолик тушунчалари моҳиятн билвосита эътиқод ва эътиқодсизлик масалаларига бориб боғланади. Романда ҳар бирининг кечмиши ва бугуни батафсил тасвириланган деярли барча образларни ана шу мезон асосида таҳдил этиш мумкин. Тафсилотларга берилмасдан, романга бўлган муносабатлар билан чекланайлик. Зоро, бугун ана шу масала муҳим ва изоҳга, аниқроғи, тафтишга муҳтоҷ.

“Жаннат қидирганилар” романи эълон қилингач, танқидчиликда холис мулоҳазалардан кўра кўпроқ нообъектив, маълум маънода вулгар социалогизм иси келадиган муносабат билдирилди. Гёё роман, хусусан, Аъзам образи нотипик, совет турмуш тарзига туҳмат, ҳатто миллатчилик сифатида талқин этилган дегувчилар бўлди. Балки, асоссизлиги кейинчалик қисман инкор этилган ана шундай эгри қарашлар оқибатими, ўзбек адабиёти учун мавзу жиҳатидан фоят янгилик бўлган ўзига хос роман на адабиётшунослигимизда ва на танқидчилигимизда жиддий, сезиларли воқеа сифатида илмий таҳдилга сазовор бўлмади. Ҳатто асар китобхонлар томонидан жуда яхши қабул қилингани-

га қарамай, кенг тарғиб этилмади, бошқа тилларга таржи-ма қилинмади. Ҳелбуки, адебнинг сўнгти икки романи Иттифоқ миқёсида оммалаштиришига арзигулик эди.

Мана шундай мисолларда адабий танқидчиликнинг ҳар бир бадиий асар тақдири учун нақалар маъсуллиги яққол билинади.

“Жаннат қидирғанлар” романидаги ҳодисанинг ноти-пиклиги масаласига келсак, гап шундаки, реалистик адабиётнинг асосий белгиларидан бири бўлган типиклик категорияси ҳар бир асарда ҳар бир образ муайян социал грух ёки табақанинг умумлашма тажассуми бўлиши керак, деган тушунча билан чегараланмайди. Айниқса, ҳозирги илфор адабиётимиз тажрибалари бундай тушунчани ислоҳ этишни тақозо қиласди. Типиклик умуман жамият ҳаётида содир бўлаётган ёки мавжуд воқеа-ҳодисаларнингина конкрет кўринишларда бадиий ифода этиш дегани эмас, акс ҳолда, бутун реалистик адабиётнинг вазифаси фақат бадиий солномалар яратишдан иборат бўлиб қолар эди. Балки, шу билан бирга, воқелик қатламларида, жамиятнинг бъзи кишилари фаолияти, кечинмаларида ёки дастлаб хусусий ҳолларда шаклланётган, илк куртак ёзаётган ҳодиса, қараш, нуқтаи назар, тушунча ва хатти-ҳаракатларни ҳам ўзгалардан кўра аввалроқ илғай билишни, унинг моҳиятига етиш, сабабу оқибатларини аниқлаш, бадиий тадқиқ ва таҳлил этишни ҳам тақозо қиласди. Айни чорда, ана шу ҳодиса – хусусиятлардан жамиятни огоҳ этиш, бадиий асар воситасида ижтимоий муносабатни шакллантириш ҳам демаклир. Азал-абаддан ёзувчининг – ижодкор шахснинг жамиядаги ўрни, мавқеи шу билан белгиланган.

“Жаннат қидирғанлар” романининг барча ютуқ ва камчиликларини эътироф қилган ҳолда шуни айтиш лозимки, муаллиф, маълум маънода, типиклик тушунчасининг ана шу томонларига жавоб бера оладиган йўлдан боради. Ватан туйғусининг муқаддаслигини ялов қилгани ҳолда, ватанфурӯшилик, худбинлик, тубанлик каби иллатларда намоён бўладиган эътиқодсизлик хавфидан ҳам огоҳ этмоқчи бўлади. “Жаннат қидирғанлар” романи ана шу томонлари билан ҳам бугунги кунларимизга ҳамоҳанг. Асар ёргуғ ззгу-туйғуларни тараннум этгани учун ҳам қимматли ва қадрли.

Шуҳрат асарларининг, хусусан, романларининг китобхонлар орасида маълум ва машҳурлиги, назаримда, энди ойдинлашди. Ёзувчи адабиётимизга “теша тегмаган”, оҳорли, янги мавзуларни дадил олиб кирди ва уларни ўқувчи қалбига ҳаяжон сола оладиган даражада тасвирлай билди. Шу боис унинг қарийб чорак аср имтиҳонидан ўтган романлари ҳамда етмиш йиллик ҳаёти ва ижоди давомида қоғозга тушган шеърлари ижтимоий тараққиётнинг буткул янги босқичига кирган, истиғфор-ла покланиб, маънавий баркамоллик сари интилаётган дидли, мулоҳазакор китобхонга ҳам маъқул бўлади, деб ўйлайман.

1988 йил

УМР КАРВОНИ...

Йигирма йиллар муқаддам мен бу хонадонга илк марта кириб борганимда, Шуҳрат ака нуронийлик бахш этувчи қордай оппоқ соchlарига қарамай foят ўқтам, мағрур қиёфада кўринган эдилар. Шунда домла олтмишини қоралайтгандилар. Ўтган йиллар домланинг соchlари каби, юзларига, серсавлат келбатларига соя ташлади, хасталик қўлларига асо тутқазди. Гарчи кейинги йилларда мен домлани кўпроқ кўрган ва узокроқ суҳбатлашиш имконига эга бўлсан-да, Шуҳрат ака кўз олдимда ўша-ўша ўқтам қиёфада жонланиб қолдилар.

Одатда ёзувчи билан унинг асари бош қаҳрамонларининг ташқи кўринишларига умумият, мутаносиблик қўп бўлавермайди. Нақл қиласидиларки, ҳамиша хаёлий, гўзал қиёфаларни тасвирлаган, “Кизил елканлар” асари муаллифи Александр Грин жуда хаста, гариб ва жулдур ҳаёт кечирган экан. Ёки деярли барча Отабек деб тасаввур этадиган улугимиз Абдулла Қодирий қаҳрамонларицек у қадар хушқад бўлмаган эканлар. Хуллас, изласа мисоллар қўп. Аммо Шуҳрат ака Элмурод, Содик, Умматалиларга ташқи портретни ўзлари кабилардан умумлаштирганлари учунми, назаримда муаллиф ҳамиша қаҳрамонлари орқали жонлангандай туюлади. Дарҳақиқат, ҳар жиҳатдан шундай. Шуҳрат домла – Элмурод, Шуҳрат домла – Содик, Шуҳрат домла –

Умматали. Фақат айрим романий тафсилотларда фарқ бор, холос. Шұхрат аканинг бу дунёдан күз юмғанларига қарийб беш йил бўлди. Мен уларни буюклар қаторига қўшмоқчи эмасман. Зеро, ўзлари ҳам ҳеч қачон бундай даъвода бўлмаганлар. Аммо ижодий ва инсоний заҳматларининг озроққина гувоҳи бўлганим учун баъзи хотираларим, кузатишлирам ва мушоҳдаларимни айтмоққа бурчлиман.

1975 йил 24 август кечагидай эсимда... Мен Тошкент Давлат университетининг филология факультети талабалигига қабул қилиндим. Чамаси беш юздадан ортикроқ абитуриентлардан йитирма бештаси кимё факультети биноси тепасидаги карнай орқали ичкарига таклиф этиляпти. Табриқдан сўнг турли ҳужжатларни тегишили хоналарга топшириш ва гўёки талабаликка қабул қилинганлигимиз эвазига эртасигаёқ шаҳар атрофидаги хўжаликлардан бирига “овош”га – ҳашарга бориб ёрдам беришимиз кераклиги хусусида йўриқ олиш учун қатор тизилишиб турибмиз. Ёнимдаги соchlари ҳурпайган, калладоргина, балогатга ўтиш палласи барча йигитларда табиий бўлганидек, қовушимсиз (камина ҳам истисно эмасди) ўспирин йигит билан бир-икки сўз алмашдик. Сўнг таниша бошладик. Йигит Бобир дея исмини айтди. Яқиндан танишиб билсан, шоир Шұхратнинг ўғли экан. Талабалик баҳтидан гангиб турганимда бу маълумот янада ҳаяжонлантирди. Ахир кимсан “Олтин зангламас”, “Жаннат қидирганлар”, “Беш кунлик куёв”ни ёзган ёзувчи Шұхратнинг ўғли-я...

Ўша йиллардаги талабалик умрининг teng ярми “овош” у “пахта”да ўтарди, десам муболага эмас. 30 августда Ҳасанбойдаги “овош”дан қайтиб, бир ҳафта ўқишни бошлар бошламас, Янгийўлга узум тергани кетдик. Бир ой чамаси ўтгач, қайтиб, уч кунгина уйда бўлиб, Сирдарёга “пахта”га жўнадик. Аниқ куни эсимда йўқ-ку, ҳар қалай янги йилга қадар “Оқ олтин” тумани далаларида “жавлон урдик”. Мана шу паллаларда ўғлидан хабар олгани келган Шұхрат акани яқинроқдан кўрдим ва танишдим. Илк таассуротларим: Шұхрат aka ниҳоятда пурвиқор, савлатли ва мендан жуда узоқда кўринарди.

Биринчи семестр бошланганда, илк бор “дарс тайёрлаш учун” Шұхрат aka хонадонида бўлдим. Домла йўқ экан-

лар. Бобирни қистай-қистай ёзувчининг иш кабинетига кирдим. Кирдиму китобларнинг кўплиги ва зўрлигидан оғзим очилиб қолди. Гёё сим-сим форидаги хазинага кириб қолгандек ҳайратда эдим. Кечроқ домла келдилар. Ва ўша куни илк бор дастхатли китоб олдим: “Ўғлимнинг ўртоғи студент Шуҳратга шоир Шуҳратдан эсдалик”. Бу шоирнинг 1973 йил нашр этилган “Лирика” тўплами эди.

Шу тахлит “дарс тайёрлаш” баҳона Шуҳрат ака хона-донига тез-тез бориб турдим. Деярли ҳар йили янги дастхатли китоб совға қиласидилар. Ҳозир китоб жавонимни кўздан кечирсам, биз танишган 1975 йилдан то умрлари охиригача ўтган 19 йил давомида йигирмага яқин китоб совға қилибдилар. Улар шеърий тўпламлар, сайланмалар, насрый асарларнинг алоҳида нашрлари ва ҳоказо. Бир неча йил аввал Шуҳрат ака ҳақида ёзган мақоламда улар чоп эттирган китобларни хомчўт қилиб, ярим асрлик ижодлари давомида 50 та китоб чиқарганларини аниқлаган эдим. Шунда ёзган эканман: “Бу бир инсон умри давомида қилиши мумкин бўлган ишдан бир неча ҳисса ортиқ бўлса борки, кам эмас”. Дарҳақиқат, шундай! Айни чоғда таъкидлаш жоизки, Шуҳрат аканинг шу қадар ижодий маҳсулдорлигига китобхон эҳтиёжи ҳам бор эди. Мен домланинг бирор китоби дўкон пештахталарида чанг босиб ётганини билмайман. Аксинча, ҳатто у қадар харидоргир бўлмаган шеърий тўпламлар ҳам Шуҳрат қаламига мансуб бўлса, қўлма-қўл бўлиб кеттанига далиллар кўп. Сабаби, бу шеърлар самимияти, равон ва оҳангдорлиги, китобхон қалбига тез етиб бора олиши билан халқимиз ўртасида машхур. Ўзбекнинг тўю томошаси, кую қўшиғи Шуҳрат шеърлари билан ҳам кўркли, файзу футухлидир. Бунга ўзим бир неча бор гувоҳ бўлганим учун ёзяпман.

90-йилларнинг бошларида бир муддат Аброр Ҳидоятов номидаги театрда адабий эмакдош бўлиб ҳамкорлик қилдим. Шу кезлар театрнинг ўш актёrlари аксарият сайёр томошаларга ёки “боиси тирикчилик” тўю тантаналарга бориб туришарди. Деярли барчаси мендан Шуҳрат аканинг шеърларини топиб беришни сўрарди. Шоирнинг менга тақдим қилган бир неча дастхатли шеърий тўпламлари шу тариқа машхур актёrimиз Эркин Комиловда ҳам қолиб кетди.

Шұхрат ақа умр бүйі шеър ёздилар. Ижодий таржимаи ҳол шеър билан бошланиб, шеър билан якун топди. Наздимда домла бошлаб шоир сифатида эътироф топғанлари учунми, ўзларини ҳамиша шоир ҳис этардилар. Шеър Шұхрат аканинг күнгил тилаги, тиргаги эди. 80-йилларнинг бошларида оғир хасталикка дучор бўлғанларидан кейин, қўлларида икки-уч сониядан ортиқ қалам тутолмай қолганларидан ҳам шеър ёзмай туролмадилар. Қийналиб, ҳориб, ҳижжалаб бўлса-да, шеърий сатрлар қофозга тушарди. Шеър том маънода ҳаётий эҳтиёж, мадад ва тиргак эди. Куйидаги сатрлар сўзларимга шоҳидлик берса ажабмас:

Кечаги кунларим шеъримда қолди,
Эртаги куним ҳам унда қолади.
Мен ўзим кетаман! Ўлимим олди,
Энг сўнгти онимни шеърим олади.

Мана шу тўртликни ҳар гал қайта ўқирканман, бир фикр хаёлимдан ўтади. Бу қадар ишонч ва қатъият қаердан?! Хаста ҳолдаги домлада бундай фикрий ўқтамликни қандай изоҳлаш мумкин?! Умуман Шаҳрат домланинг қай бир шеърини олиб кўрманг, шубҳа, иккиланиш кайфиятини сезмайсиз. Аксинча, фикр аниқ ва у ҳамиша ҳукм тарзида ифода этилади. Бу, назаримда, домланинг инсоний табиати, маслак, ишонч ва эътиқодининг мустаҳкамлигидан бўлса керак. Ана шу қатъиятли табиати боис Шұхрат ақа кўп қийинчиликларга дучор бўлди, неча бор тўғрилик ва тўғрисўзликнинг аччиқ меваларини терди. 50-йиллардаги қатағон билан боғлиқ кечмишларини айтмасак ҳам барчага маълум. Бироқ, 60–70-йиллардаги хуружлар ва камситишлардан ҳамма ҳам боҳабар бўлмаса керак. “Олтин зангламас”нинг бир қисми “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилингач, давоми бир неча ой тўхтатиб қўйилди. “Жаннат қидирғанлар” романи эса шўро воқелигига зид, туҳмат дея айрим танқидчилар томонидан қораланди. Бир чеккаси журъатли романлари, яна бири ҳақиқатгўй устози Абдулла Қаҳҳорга садоқати учун расмий доиралар эътиборидан четла юрди.

1978 йил баҳори хотирамдан сира ўчмаса керак. Домланинг 60 йиллик таваллуд саналари нишонланиши ара-

фалари эди. Ўша кезларда шундай саналар тантаналарига яқин “юқори”нинг фахрий унвон ё тақдирлаш ҳақидаги фармони эълон қилинар эди. Шуҳрат акага авлоддош ижодкорлар бирин-кетин орден ва “Халқ шоири” ёки “Халқ ёзувчиси” фахрий унвонлари билан тақдирланаётган эдилар. Бунинг учун, бошлаб, албатта, “катта”нинг қабулига кириб-чиқиш лозим эди. Шуҳрат ака шу ишни ўзларига эп кўрмадилар. Шунча азобу қийинчиликларга дучор бўлиб, ноҳақ тазийикларга учраб ҳам улардаги инсоний туур, иззату андиша зарра йўқолмаган экан. Оқибат бўйсунмаслик звазига “Хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони ҳақида фармон чиқди. Шуҳрат ака хабарни эшитиб, бир жаҳуландилару, аммо бошқа бу мавзуга қайтмадилар. Жаҳулланганда ҳам айтган сўзлари шу бўлди: “Ҳали Мирзакалон Исмоилийлар “Халқ ёзувчиси” бўлмади-ку, бизга қаёқда?! Аммо менинг хизматларимни кутубхоначининг хизматларига тенглаштиргани ғалати?!” Бироқ бу алам кўнгилга харсанг мисол чукур чўккан эди. У қайтиб бошқа ташқарига чиқмади, аммо орадан кўп ўтмай асоратини кўрсатди. Домла “инсульт” деган бир дардга йўлидилар. Узоқ муолажаларга қарамай, бу дарддан батамом фориғланиб кета олмадилар.

Ўша 60 йиллик юбилейдаги яна бир нарса хотирамда жонланади. Тантаналар Муқимий номидаги мусиқали театрда ўтди. Табрик ва кутловлардан сўнг домланинг “Она қизим” номли пьесалари намойиш этилди. Кечанинг тантанали қисми охирида Шуҳрат акага якуний сўз берилди. Шунда домла ўзларига хос виқор билан, қатъий оҳангда айтдилар: “Ўзбек балки қачондир моддий жиҳатдан қашшоқ бўлса бўлгандир, аммо маънан ҳеч қачон қашшоқ бўлмаган. Маданияти, адабиёти ҳамиша бой бўлған. Ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлишига ишонаман!” Ўша кезлар бу гапни айтиш учун ҳам анчагина журъат керак эди.

Умуман Шуҳрат ака адабиётимиздаги энг журъатли адиллардан эдилар, десам хато бўлмайди. “Олтин зангла-мас” ўзбек адабиётида қатағон йиллари ҳақидаги биринчи роман ва яқин-яқинларгача ягона роман бўлиб турди.

Ким билсин, ижтимоий ўзгаришлар бўлмаганда яна қанча вақт “ягона” бўлиб турарди. “Олтин зангламас”ни

ўзга фазилатларидан қатъи назар муаллифининг фақат ижодий жасорати учун ҳам ўзбек романининг мумтоз на-муналари қаторига қўшса арзийди. Чунки қатағон йилла-рини эслаб, ҳанузгача шивирлаб гаплашадиган одамлар бор. Бошидан шунча уқубатларни ўтказиб келиб, танаси-дан Шимол қаҳратонларининг заҳри кетмай, шулар ҳақида ошкора ёзиш бу ҳазилакам гап эмас эди. Тўғри, илмилиқ даври умумиттифоқ адабиётида, хусусан, рус адабиётида шахсга сифиниш йиллари иллатларини фош этган бадиий бақувват асарлар анчагина яратилди ва баъзилари асосан Александр Твардовский раҳнамолигида “Новый мир” журнали саҳифаларида эълон қилинди ҳам. Аммо бу тоза нафас Россиянинг чекка совет мустамлака ўлкаларида бир эпкин бериши мумкин эдию, аммо давомчилари пайдо бўлиб, шундай интилишлар бўлишига йўл қўйилиши дар-гумон эди. Буни жуда яхши билгани учун Абдулла Қаҳ-ҳордек забардаст адиб ҳам қатағон мавзуидаги “Зилзила” асарини тўхтатиб қўйган бўлса эҳтимол. Ана шу шароитда Шуҳрат ака “юрак ютиб” “Олтин зангламас”ни яратди. “Олтин зангламас”даги ҳаётни мен яхши биламан, — деб ёзади адиб ўз “Таржимаи ҳолида”, — улар мен билан бир-га бўлган, менга учраган кишиларнинг ҳаёти. Мен ҳаёт-нинг атрофида эмас, нақ ичида бўлганман. Бу мавзуда бирон нарса яратмасам, кўнглим ўрнига тушмас эди. Буни виждоним тақозо этарди”. Дарҳақиқат, адиб виждон бурчи-ни бажарди. Ҳалол, покиза, фидойи бир инсоннинг қуруқ туҳмат ва бўҳтонлар туфайли чеккан машаққатларини тас-виirlab, ўзи ва ўзи билан тақдирдош бўлган юзлаб, минг-лаб Сталин лагерларида бегуноҳ жабр тортганларнинг эл-юрт ва фарзандлари олдида юзларини ёруғ, қаддини ба-ланд кўтариб юришларига бадиий бир шаҳодатнома берди.

Романин қайта варақлар эканман, Шуҳрат ака билан сўнгти учрашувлар, суҳбатларни эслайман. Охирги йилларда касаллик туфайли юришга, сўзлашишга қийналишларига қарамай кўп ўқирдилар ва менинг қатағон даҳшатлари, тоталитар тузумнинг аввало ленинизм ғоялари билан бош-лангани ҳақидаги янги-янги далиллар асосида гоҳи лол бўлиб, гоҳи ғазбланиб айтган сўзларим ёки сўровларимга “барчаси ўтар экан” дегандек, кўлларини силкиб қўя қолар

эдилар. Шуни ўйлаб, ўз-ўзимга савол бераман: Агар “Олтин зангламас”ни адид ҳозир янгитдан ёсса, қандай бўлар эди? Менимча, домла баъзи жузъий ўзгариш ва таҳрирларни демаса, ўшандай ёзган бўлар эдилар. Негаки, Содик 1936 йилда қабул қилинган Сталин конституциясини “жаҳонда тенги йўқ демократик ва инсонпарвар конституция” деб билгани, “коммунизмни олий ҳаёт” тушунив, фарзандлари унда яшашига умид қилгани, партиядан ўчганини ўқиб, умрида биринчи марта ҳўнграб йиғлагани сингари унга тенгдош авлод ва ҳатто кейинги яна бир неча авлод кишилари ҳам шўро ақидаларига зўр ишонч билан, сира шубҳа билдирамай яшадилар. Романдаги маҳорат билан топиб тасвирланган вазият ва ҳолатларда, яъни Содик фуқаролар уруши йиллари босмачи-душман, деб курашган Диловархўжа қўрбоши билан қамоқда юзма-юз кўришганда ҳам, ноҳақ жазодан гинахонликка берилмай, аксинча, “эл-юртга нафи тегар” деб сургунда вижданан ишлаганида ҳам, болаларча соддалик билан “келажакка хатлар” ёзиб, девор пойдеворига териб юборганида ҳам ва ҳатто иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида жасорат кўрсаттанида ҳам унинг ўша ақидаларга эътиқоди сусаймайди, балки мустаҳкамланади, ишончи барқарорлашади. Содик каби кишилар, эътиқодидан қатъи назар, ҳурматга сазовор шахсдир. Дунёда эзгулик уруги завол топмай яшаётган экан, инсонийлик, меҳр-муруват, олижаноблик бор экан, бу Содик мисол одамларнинг шарофати. Унинг садоқати, содиқлиги аслида коммунизм тушунчаси билан пардаланган инсоний ақидаларга қаратилгандир. Вижданли, диёнатли кишилар шўро ақидаларини шундай тушуниб келдилар.

Йирик романлари ёзилиб турганда ҳам, қатор қисса ва пьесалари чоп этилиб, театр саҳналарида ўйналиб турганда ҳам Шуҳрат домла қалбини шеър, шеърий оҳанг тарк этмади. Матбуотда ёки мўъжаз китобчалар шаклида шоир шеърлари мунтазам босилиб турди.

Адид 80-йилларнинг бошларида беназир шоир, сўфий Бобораҳим Машраб ҳақида роман ёзиш тарафдудига тушдилар. Узоқ ўрганиш ва изланишлардан сўнг ниҳоят асар

устыда иш бошланиб, яримлай деб қолганда, ўтмиш йиллар азоблари, уруш асоратлари ўз ишини қилди. Домла ўша айттанимиз – оғир хасталикка йўлиқдилар. Узоқ муолажалардан бир оз дармонга кирганларида энди йирик асарларга қувватлари келмаслигини сезиб, фақат шеър билан бўлдилар. Оилалари тириклик тиргаги бўлган эса, шеърият маънавий суюнч, ҳамдаму ҳамдард бўлди. Сўнгти ўн йилда бирин-кетин “Кечки нурлар”, “Ҳали тун узоқ”, “Ёшлигимнинг давоми”, “Қалбим жилоси” каби ўнга яқин шаърий тўпламлар дунё юзини кўрди. Уч ва икки жаддик “Сайланмалар” и нашр этилди.

Шуҳрат ака умр охирларида замона “ўйин”ларидан чарчаган нуроний файласуф таассуротини уйғотар эдилар. Сўнгти йилларда ҳақиқатан ҳам аксар фалсафий шеърлар ёздилар, авлодларига беозор, ҳикматли панду ўгитлар бағишладилар.

Бу йўлдан ўтганлар беҳисоб, соңсиз,
Биридан шон қолган, биридан армон.
Сен ўтмоқ истасанг кўз ёш, армонсиз,
Аввал бил нимадир яхшию ёмон!

Қайта қуриш алғов-далғовлари барчанинг кундалик мавзууга айланганда, Шуҳрат домла буюк Саъдий ҳикматини эслаб, “ин ҳам мегузарад” дегандек қўл силтаб қўярдилар. Фақат шу кезлари қатағон ва турғунлик йиллари губоридан форигланган буюк Чўлпон, Фитрат, Элбек, Ботулардан сўз кетса, лоқайдлик ўрнини ҳаяжон эгаллаб, қийналиб бўлса-да, хотиралар сўйлашга тушардилар.

Мен ўша кезлар Ойбек уй-музейида ишлаб турганим учунми ёки авлоддошлари ичida Ойбек домла ижоди ва шахсияти кўпроқ ўзига тортармиди, ҳар қалай Шуҳрат акадан шу мавзуга оид хотираларни сўрайверардим. Улар эса хотираларини, ёдларига келган янги-янги маълумотларни гапириб берар эканлар, ҳамиша бир мулоҳазани таъкидлаб ўтардилар: “Ойбекни шеърларига яхши эътибор қилмаяпсизлар. У прозадаям, поэзиядаям шоир эди. Шеърларини ўқинг, шеърларини...”

Дарҳақиқат, Ойбекнинг шеърият дунёси ниҳоятда ўзига хос, сирли ва жозибали ҳодиса. Шуҳрат аканинг шеър

услуби, йўли, йўналиши бошқачароқ бўлса ҳам, улар ҳақиқий шеъриятни қай шаклда бўлишидан қатъи назар ҳамиша юксак қадрлардилар. Ҳали соғлом пайтлари бир куни нима сабабданdir Бобирни йўқлаб уйларига борсам, ишлаб ўтирганларини айтишиди. Бирор соатлардан сўнг қўлларида кўзойнак, иш хоналаридан чиқиб келдилар. Саломлашиб бўлгач, қандай иш билан банд эканларини сўрадим. Грузинларни ўтган асрдаги классик шоири Николаз Бараташвили шеърларини таржима қилаётганларини айтдилар. Яна ўша ўқтамлик билан: “Бор-йўғи ўттиз еттига шеъри маълум, аммо ҳар бири бир дунё. Шу кичкинагина тўплам бўладиган шеърлари билан жаҳон адабиётiga кирган шоир. Грузинлар ҳам шеърни, шоирни қадрини биладиган халқ. Умуман ҳақиқий шоир бир сатриданоқ билинади. Фақат бир-икки мисраси билангина шуҳрат топган шоирлар ҳам бор”.

Шуҳрат домла айниқса Усмон Носирни суйиб, куйиб хотирлардилар. Гоҳи шоирнинг оташин сатрларини ёддан ўқиб, “ўзбекнинг Лермонтови эди”, деб қўярдилар. Шундай дақиқаларда хаста, заифгина нуроний қария ўрнини яна бир вақтлардагидек виқорли, ўқтам қиёфа эгаллагандек бўларди. Шунда мен домланинг бош китоби қаҳрамони Содиқни кўргандай бўлардим. Эзгулик дея шаҳид бўлган Содиқ ўз муаллифи тимсолида дунёдаги энг барқарор, муқаддас тушунчалардан – ҳақиқат ўлмаслигидан, ҳақ сўз – санъаткор сўзи боқийлигидан, руҳ абадиятидан сўзлаётгандек туюларди.

Бу умр карвони доимо йўлда,
Гоҳида чўққида, гоҳида чўлда.
Манзилга бехато етиб боради,
Эътиқод машъали гар бўлса қўлда...

1998 йил

ДАВРИМИЗНИНГ ВИЖДОНИ

Одатда Шўро даври мафкурачилари, айниқса, адабий идеологларнинг коммунистик партия, Ленин ҳақида турли юбилей ва саналар, съезд ҳамда пленумлар муносабати билан ким ўзарга мақташ, хушомад баҳслари авж ол-

ганида, мамлакат ва иттифоқдош республикаларнинг бош расмий газеталарида катта-катта ҳарфлар билан босила-диган бош мақолалар шундай сарлавҳалар билан бошла-нар эди. Бу сарлавҳалар вақтида керак-нокерак ишлати-лаверганидан, сийқаланиб кетиб, кейинчалик барча ҳәқиқатлар аён бўлгач, риёкор моҳиятдек жаранг берар-дики, бора-бора моҳовдан қочгандек, бундай иборалар-дан ҳам нарироқ бўлишга одатланиб қолдик. Ваҳоланки, бундай тушунчалардан воз кечиш эмас, балки моҳият-эътибори билан шунга муносиб шахс ва ҳодисаларнинг борлигидан суюниб, унинг мана шундай аниқ сифатини баралла айтиш керак.

Мен умрининг охирларида икки оёғидан ажралиб, озур-да танаси икки ойлик чақалоқнинг вужудидай бўлиб қол-ган домлам – Озод Шарафиддинов ҳақидаги мақолани шундай ибора билан сарлавҳалашга эътиrozсиз бир эҳтиёж сезаман. Йўқ, бу кечаги мафкуравий “ҳўрозқандлар” би-лан заҳарланган онгнинг увадаси чиққан тушунчалардан халос бўлолмаётган ожиз шуъласи ёки ўз топилмасини фавқулодда жасоратдек кўрсатиб, ўткинчи қарсакларга мойил тасаввурнинг хомтамаларини қондириш истаги эмас. Йўқ, бу нафақат соч-соқолига, ҳатто қарашларига ҳам, балки оқ оралаётган шогирднинг ярашмаган сатанглиги ҳам эмас (Худо асрасин!). Бу онгли умрининг қарийб ўттиз йили давомида домлани гоҳи яқин, гоҳи узоқдан кўриб, кузатиб, “жўқича” шеърлар ёзиб, ҳаёт, адабиёт, инсон ҳақида жўн тасаввурлар билан юрган, Озод домланинг илк дарси – биринчи сабоғиданоқ руҳиятида, фикратида талотўп қўпиб, ўз тушунчаларининг шунчалар саёзлигидан изтиробга туш-ган талабанинг вақтида тан олмаган иқори – истиғфори-дир, балки. Бинобарин, ўша домланинг ёлқинли фикрла-ри сабаб пайдо бўлган изтироб ўспирин қалбда уйғонган виждоннинг илк садоси ҳам бўлгандир?! Бу садо Озод домла сабоқ берган мендан олдин, менга тенгдош ва мендан ке-йинги яна неча авлодларнинг мен каби басират кўзларини очгандир. Балки шунинг учун ҳам мазкур мақолага ўшан-дай сарлавҳа қўйса бўлар...

“Чўққидан узоқлашганинг сари унинг қанчалар юк-саклиги яққолроқ кўринади”, деб ёзган эди бундан бир

неча йиллар аввал устоз Озод Шарафиддинов. Ойлар, йиллар қувалашиб ўтгани сари домлани ёдга олар эканман, шу ташбек беихтиёр хаёлга келаверади. Билмадим, балки бир пайтлар талабалик завқини суриб, домла атрофика ҳуда-бехуда үралашиб юриб, бор салобати билан ҳис қилмаганимиз – Озод Шарафиддинов отлиқ чўққининг улуғворлигини, залворини энди теранроқ англай бошляяпмиз, шекилли...

Озод ака бир пайтлар домлаларининг эрка шогирди эдилар (Ф.Каримов, С.Долимов, Ҳ.Ёкубов, Қ.Аҳмедовларнинг). Кейинроқ шогирдларининг эрка домласига айландилар. Аникроғи, домла бор инсоний ва олимлик фазилатлари билан бизларнинг самимий ардоғимизни, эътиборимизни қозонган эдилар. Очиги, ҳар қандай домлага нисбатан муайян устоз-шогирдлик масофаси, чегаралари сақданиши мумкин. Биргина Озод акага тадбиқан бу нисбий тушунча эди. Дўст, биродар, яқин кимсанг каби дилингни ёриб, баробар бўлиб гаплаша олар эдинг. Чунки домланинг самимияти қаршисидаги ҳамсуҳбатини ҳам ҳамиша самимиятга ундан турарди. Виждонинг билан гаплашгандек гаплашар эдинг. Бу муносабат ҳар кимга нисбатан ҳам пайдо бўлавермайди, албатта.

Талабалик кезларимиз гоҳи дарслардан бўшаганимиздан кейин домла машинага ўтқазиб, Янгибозоргами ё Чирчиқ томонларга ва ё Тошкент атрофидаги яна аллақайси чеккалардаги китоб дўконларига олиб борарадилар. Онам раҳматлиқ степендијамга китоб олаверишимдан хавотирга тушиб, “ошқозонни касал қилиб кўйма” деб ҳар куни берадиган бир сўм пулни ҳам ўзимга сарфлашни эп кўрмай, сақлаб юрган кезларимиз, бу “сафарлар” айни муддао эди. Чекка дўконларда эса ўша пайтлар марказдан юборилиб, йиллар давомида пештахталарда чанг босиб ёттан ноёб китоблар кўп бўларди. Ютоқиб, устоз-шогирдликни ҳам унугиб, китоб жавонларига ёпишиб кетардик. Домла имкон қадар ҳар бир китобдан икки нусхадан олардилар. Бири шахсий кутубхонага, иккинчиси ё совға қилишга ёки бошқа бирор китоб шайдоси билан ўзларида йўғига айирбошлиш учун. Бизнинг эса табиийки танлаб, сараланган барча китобларни ҳам сотиб олишга талабалик бюджетимиз имкон беради.

вермас эди. Шундай кезлар фильтилаб домлага тикилардик. Домла эса норози, аммо ўта бегубор, кишига ботмайдиган оҳантда “ҳа китоб дўконига бораман деган одамни чўнгаги-ла пули бўлиши керак-да, қайтариб жойига кўйинг”, дердилар. Йиғламоқдан бери бўлиб, китобни қайтариб қўйсан, уни ўзлари олиб, номи ва муаллифига бир қараб, таърифлашга тушиб кетардилар. Сўнг “бу китобни филолог одам албатта ўқиши керак”, дея етмаган пулни тўлаб юборар эдилар... Бу ҳол кейинроқ, ўзимиз ҳам “домла”лик қила бошлиганда, вақти-вақти билан давом этди. Қизик, мароқли хариддан сўнг шаҳарга қайтар эканмиз, домла йўлакай деярли барча олган китобларимизнинг мазмунини айтиб берар эдилар. Уларни ўша пайтда рус тилида чоп этиладиган “Иностранный литература”, “Новый мир”, “Дружба народов”, “Вопросы литературы” ва ҳоказо журналларда ўқиганларини эслатиб кўярдилар. Ҳайрон бўлиб, “домла, ўқиган бўлсангиз, яна нега сотиб олдингиз?” деб сўрасак, “Чўрт побери, ким билсин, китоб шаклида балки яна тўлароқ чиққандир, ҳам фойдаланишга қулай”, дердилар. Асарларни китоб шаклида қайта ўқиш домла учун ўта жиддий машгулот эди. Ва ҳеч бир китоб кўз-кўз қилиш учунгина китоб жавонига кўйилмас эди. Билмадим, домланинг ўқиган ва йиқсан китобларининг ҳисоби қилинса, китобхон бир шаҳар кутубхонасидан кам чиқмаса керак. Албатта китоб йигиш ва ҳатто туну кун ўқишининг ўзи зиёлиликнинг тутал белгиси эмас. Уни ўқиш, идрок этиш ва ўзида жам этган зиёни ўзгalarга тарқата билиш том маънодаги зиёлилик далолати. Бу жиҳатдан домла ибраттина эмас, балки бутун ҳаёт тарзи шундан иборат шахс эди.

Озод ака маъруза қилган ё суҳбатлашган, сўз айтган аудиторияни бир тасаввур қилиб кўрайлик – эҳе... – лекин уни бир сўз билан ҳам ифода этиш мумкин – Ўзбекистон! Албатта, домла юртимиздан ташқарида ҳам ниҳоятда кўп ва улуг минбарларда сўз айтганлар. Бироқ ўз халқимизчалик домланинг сўзига муштоқ, дил тўридан жой бера олган ўзга бир аудитория йўқ эди. Қизик, домла ҳеч қачон эшитувчиларнинг ёши, жинсу насабига қараб сўзларига салмоқ белгиламасдилар. Ўсмир, ўспириналар даврасида ҳам бирдек жиддий ҳаётий ё эстетик муаммо-

лардан баҳс очардилар. Ўз сўзларининг жиддияти ва мантиғи билан дилдошлиқка, самимиятга даъват этардилар. Шу сабабли каттаю-кичик домлага бирдай маҳлиё, жон қулоқ бўлиб тингларди.

90-йилларнинг бошлари, истиқлол шарофати билан XX аср тонгида миллий маърифатчиликнинг тамал тошларини қўйиб, сўнг Шўро мағкурасининг манфур тамғалари остида маҳв этилган фидойи аждодларимизнинг номлари тикланиб, улуғланаётган кезлар. Булар қаторида самарқандлик машҳур шоир ва зиёкор Саидаҳмад Сиддиқий – Ажзийнинг ҳам табаррук таваллуд санасини нишонлаб, эсланса,adolat яна бир бор қарор топган бўларди дея, устоз Бегали Қосимов билан Ёзувчилар уюшмасига мурожаат этдик. Озод домланинг қўллаб-қувватлашлари ва қўмаги билан таклифимиз ижобий ечим топиб, Тошкент Давлат университетида, Самарқандла ҳамда шоир туғилиб ўсган Жомбой туманининг Ҳалвойи қишлоғида илмий-адабий анжуман ва тантаналар ўтадиган бўлди. Домла ўzlари бош бўлиб, ўнгга яқин шоир, ёзувчи ва олимлар эски “пазик” автобусига ўтириб, Самарқандга йўл олдик. Сафарларда Озод акачалик “давра гули” бўладиган одам кам топилса керак. Дильтортар сұхбатлар, “классик”-ларимиз ҳақидаги қизиқ-қизиқ хотиралар, ичак узди ҳангомалар ҳар қанча масофани яқин қиласди. Ҳалвойига келиб, 1903 йили Сиддиқий ўзи ўз маблағи ҳисобига қуриб, ҳозирда ҳам фаолият кўрсатаётган мактабда адабий кечакетказдик. Ўқувчилар газета-журнал, китоблар ва, айниқса, телевидение орқали таниб қолган машҳур шоир ва олимларни ўз ҳузурларида бевосита кўриб турганларидан қаттиқ завқланиб, уларнинг чиқишларини жон қулоқ бўлиб эшиштар, қайта-қайта саволлар берар, даврадан сира қўйиб юборгилари келмасди. Озод ака ҳам, бошқа иштирокчилар ҳам жуда таъсирланиб, болаларнинг турли саволларига эринмай жавоб беришар, гоҳи ҳазил, гоҳи ўта жиддий мавзуларда сўз очиб, давра янада қизғинроқ тус оларди. Озод ака бадиий ижод табиати, китобхонлик, халқ, Ватан олдицаги маънавий бурч, қадриятлар ҳақида ҳаяжон билан, тўлқинланиб сўзлар эдилар. Иштирокчилар аксарият қишлоқ мактаби болалари бўлишларига қарамай,

домланинг чиқишилари ҳам жуда жонли қабул қилинар эди. Худди шундай кеча Самарқандда ҳам ўтиши режалаштирилиб, тадбирга мутасадди бўлган масъуллар бетоқат бўла бошлашди. Шунда мен “тугатмаймизми”, деб мурожаат қилган эдим, домладан бир умр хотирамда қолган танбех эшиздим: “Қишлоқ болалари учун таниқли шоир ва олимлар билан учрашиш камдан-кам бўладиган воқеа. Кўплари балки биринчи маротаба кўришиб тургандир, Худо билсин, яна қачон бу ерларга шундай одамлар келади. Шошилаверманг! Болалар бир мириқишин”.

Домла мутлақо ҳақ эдилар. Ҳар қандай ишу юмушни ҳалол бажаришга одатланган домла, бундай учрашувларни виждан бурчидек қабул қиласар эдилар. Дарҳақиқат, Сиддиқийлар ҳузур-ҳаловатидан кечиб, молу-жонини тикиб мактаб очсаю, биз унинг авлодларидан бир-икки соат вақтни аясак, бу қайси ақлга тўғри келар эдию, қайси виждан билан халқ, миллат ҳақида гапира олар эдик. Мана ишу ҳақиқатни Озод ака ҳаммамиздан кўра теранроқ англар ва ҳеч қачон виждонига хилоф иш тутмас эди.

Нафақат бу, айни чоғда баландпарвоз шиорлар билан ниқобланиб, аслида ўз манфаатларидан ўзга нарсани ўйламайдиган қанчадан-қанча риёкорлар, таги пуч кўзбўяма-чиликларга қарши унча-мунча одам юрак ютиб, бир сўз демаган пайтларда Озод Шарафиддиновнинг ёлқинли фикри, эҳтиросли сўзлари бутун ижтимоий ҳаётимизда қандай акс-садо берар эди?!

Бир пайтлар бирга ишлаган ҳамкасб ошнам қизиқ бир ҳодисани айтиб берган эди. Хоразмнинг чекка бир туманида яшовчи жияни – ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси – Озод ака билан бирор марта рўбарў келмаган, бирон соат жонли маърузасини эшифтмаган, мулоқотида бўлмаган аёл ягона устози сифатида факат Озод Шарафиддиновни эътироф этар экан. Эътироф этадигина эмас, айни замонда пир деб билар экан. Умрида саноқли марта пойтахтга келган бўлса, факат домла билан танишиб, гойибона шогирд тушганини икror эттиси келар, ё у сабаб ё яна бошқа нарса боис кўришолмай кетар экан. Бу домланинг ҳаётлигига ёк ўз умридан ташқари яна ўзга умрларда ҳам яшаганига ва яшаёттанига бир далил. Бундай саодат эса ҳар кимсага ҳам насиб этавермайди.

Истиқолимизнинг дастлабки йиллари эди. Тошдудан қайтаётib, метронинг «Беруний» бекатида Озод ака билан учрашиб қолдик. Домла бир оз сархуш эдилар. Аммо ич-ичларидан изтиробланиб, эзилиб келаётган эканлар. Мен ҳам сезиб-сезмай, яраларини қўзғаб қўйган бир савол ташладим, шекилли. Домла бирдан “ёниб” кетдилар: “Мен аҳмоқ, мен тентак неча йиллардан бери доҳийга, партияга ишониб келибман. Ҳатто шахсга сифиниш йиллари қатағонларини фақат Сталин номи билан боғлаб, уни доҳий ва партия ғояларидан чекиниш, уларга хиёнат деб қабул қилиб юрибман. Аслида бутун қатағонлар, қонкурбонларнинг бошида доҳийнинг ўзи турганини, ҳамма қабоҳатлар партия номидан қилинганини билмаган эканман...”

Очиги ҳайрон бўлиб қолдим. Йўқ, домланинг ўз эътиқодларидан қайтганларига эмас, асло. Ҳайронлигимнинг боиси шунда эдики, Озод ака партияга аъзо бўлсалар-да, шуро йиллари расмий доираларда сира “косалари оқармай” ўтди. Сиёsat тилида айтсан, домла ўша тузум учун инцедент эди. Чунки виждон билан яшарди, адабиётта ҳам, атрофидаги ижтимоий ҳодисаларга, муҳитта ҳам муносабат мезони фақат виждон ва ҳалоллик эди. Шу боис талабчан, шафқатсиз, тўғрисўз эди. Шунинг учун амалдорлар домлани кўпда хушламас эдилар. Домла эса айни чоғда букилмас, қайсар эдилар. Тўғри деб ҳисоблаган ишларинигина қиласдилар. Ленин ва партия ғояларига дилдан ишонгандари учун, булар ҳақидаги минглаб ёлғон-яшиқ, саёз асарлар орасидан С. Антоновнинг доҳий ҳақидаги асари, К. Паустовскийнинг “Жулдур шинелли чол” каби бадиий бақувват, самимий асарларини ўзбек тилига ўтирган, “Ленин ва адабиёт” деган илиқ, юракдан, бегараз мақолалар ёзган эдилар. Нажотки вижданан яшаб, на бир имтиёз, на бир амалу расман эътибор топмаган одам ёзғириб, тавба-тазарру қилиб ўтиrsa-ю, бутун умр ёлғон ҳамду сано айтиб, шон-шуҳрат, амалу бойлик ортириб юрган адабий “идеологлар” истиқол бўлиши билан бир юмалаб, истиқолчига айланниб олсалар?! Улар тавба-тазарру тугул, кечаги қилмишлари, ёзганлари учун ҳатто хижолат бўлишга, ҳеч курса ўша ғоя ва қарашлардан қайтганларини очиқ эътироф этишга ярамасалар?! Ахир бу қандай ҳолатки, Озод ака ўз авлоди-

нинг қаттиқ алданганидан ўрганиб, азобланиб юрсаю, айрим авлоддошлари бўлаётган жараёнларни юрагига ҳам яқин йўлатмай, бепарво турса?! Ҳатто мувофиқроқ вазият етилиш билан мавзуни “истиқлол ва адабиёт” дея ўзгартириб олиб, яна ҳеч нарса юз бермагандай, ўша дағдағаю, асьасдан бўшамаса?! Менинг ҳайронлигим боиси мана шунда эди. Ва Озод акани шу ҳолатида инсон, шахс сифатида яна бир карра кашф этдим.

Домла кейинроқ ўша ҳолатларини мушоҳада этиб, ниҳоятда самимий, фалсафий умумлашмаларга бой мақола ёзиб, “Тафаккур” журналида эълон қилдилар. Ва ҳеч бир ёлғон андишаларга бормай, мақолани баралла “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” деб атадилар. Бу ўзига хос жасорат эди. Бу домланинг биз каби шогирдлари, ўзи билан учрашмаёқ ғойибона пир тутган мухлислари, фарзанду набиралари, қолаверса, ўз авлоддошларига ҳам бир ибратлари эди. Домла илму дониши, одамийлиги қаторида журъату жасоратлари билан ҳам бизга ҳамиша сабоқ бериб келгандар. Энг муҳими бир дақиқа бўлса-да, виждан деган ақидадан чекинмаганлар. Вижданан яшаш, тўғри сўз айтиш, ҳалоллик домланинг ҳаёт шиорлари эди.

2004 йили олдинма кейин домланинг “Ижодни англаш бахти” ва “Довондаги ўйлар” номли иккита салмоқли тўпламлари чоп этилди. Озод домлага хос қиммат ва тантлилк билан уларнинг хонадонларида ҳар икки китобнинг тақдимоти бўлди. Аникроғи, домланинг ўз жайдарича иборалари билан “ювиш” зиёфати ўтказилди. Ўттиз-ўттиз беш ҷоғли зиёли давра тузилиб, адабий-ижтимоий гурунг бўлди. Домла одатдагидек, “давранинг гули” бўлиб ўтирилар. Адабиёт, санъат, истиқлол даври хусусиятлари, мезонлари, ҳозирги адабиётшуносликнинг ривожи ҳақидаги теран мулоҳазалар ўртага тушди. Зиёфатдан эмас, кишини ўз ҳаётидан, қилиб юрган ишларидан, ўтаётган умрнинг мазмунни, ҳою-ҳавасларга сарфланаётган вақтнинг зоелиги, тоҳи майдада-чўйда ташвишлар олдида ожизланиб қолаёттаганингдан, бефарқлик, лоқайдлик касалига дучор бўлиб қолаёттаганингдан огоҳ этгувчи, мушоҳадага, ички, маънавий тафтишга ундовчи гурунгдан юкланиб уйга қайтдим. Қайтиб, домланинг совға қилган китбларини варақларкан-

ман, ўша кайфият, ўша тафтиш ҳисси янада кучайиб, оғриққа айлана бошлади... Даврада ўтирганимизда дилсүз айтиб, беихтиёр домла бизнинг уйғоқ виждонимиз, деб айтган эдим. Шу гаплар яна хаёлимдан ўтди. Аслида бу тарьиф беихтиёр эмас, реал ҳолат бўлгани учун тилимга келган эди. Китобларни вараклаш асносида ўша фикр бот-бот қуишлиб келаверди: Домла – давримизнинг виждони! Виждон инсон руҳиятининг ҳодисаси экан, руҳ эса абадиятга дохил экан, демак, у яшаяпти!..

* * *

Домла вафотларидан бир-икки сана аввал бош набиралари Шаҳноза каминага шогирд тушди. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романининг бадиияти, услугига оид илмий тадқиқотта киришли. Мавзу бўйича аввало домланинг ўзлари ва улардан ташқари бир қатор чўлпоншунослар махсус бўлмаса-да, анча жиддий тадқиқотлар зълон қилган эдилар. Демак, диссертантнинг вазифаси оламшумул қашфиёт бўлмаса ҳам, янги, ўз сўзини айтиш эди. Қолаверса, Шаҳноза бир чеккаси Шарафиддиновнинг қони. Аксарият аспирантларда бўлганидек, у ҳам диссертацияни муддатида битириш талаби туфайлими ёки домла кўриб қолсинлар деган мулоҳазадами, ишни якунлаб, тезроқ ҳимояяга чиқишига ошиқди. Очиги иш ҳали ҳом, фикрлар тўла асосланмаган, хуласалар қатъий, ишонарли эмас эди. Энг муҳими илмий таҳлилдан кўра, публицистик ҳайрату хитоблар кучлироқ эди. Табиийки бундай диссертация билан илмий жамоатчиликка чиқиш ҳеч кимга обрў келтирмас эди. Шунга қарамай, тезроқ олимлик шаҳодатини қўлга киритиш иштиёқи зўр келар ва ҳатто бир сафар домланинг ўзлари ҳам ортиқча тафсилотларга берилмай, шу ишнинг юзага чиққанини кўриб қолармиканман деб, айтган эдилар. Бироқ нима бўлганда ҳам тадқиқот Озод Шарафиддинов номи ва нуфузига ярашиғлик бўлиши керак эди. Шаҳноза билан навбатдаги учрашувимиз ёқимсизроқ бўлди. Барча эътирозларни бир-бир айтдим. Айниқса, Чўлпонни жаҳон адабиёти контекстида қиёсан таҳлил этиш учун ниҳоятда теран, бақувват илмий асослар кераклигини, бунинг учун малака ва тоқат билан изланиши заруритини кескинроқ шаклда

таъкидладим. Шаҳноза талабнинг тўғрилигини, қолаверса, ўз вазиятини тушунди. Бу унинг кўзлари намланганидан билинган эди. Ва у сабот билан ўрганиш ҳам изланиша давом этди. Афсуски, бу орада домла оламдан ўтдилар. Чамаси бир ярим йиллардан сўнг Шаҳноза диссертациясини жуда муваффақият билан ҳимоя қилди. Махсус Кенгаш аъзолари ишни чўлпоншунослигимизга қўшилган ҳисса деб эътироф этдилар. Шу куни ҳам Шаҳнозанинг кўзлари ёшга тўлди. У домланинг, ўз инсоний идеалига айланган бобосининг руҳи олдидағи бурчини вижданан бажаргани учун йиғлади.

Очиғи бу ҳодисада ҳам бир ибрат, маънавий сабоқ кўргандай бўламан. Агар турли андишалар билан хомроқ ҳолатида иш аввалроқ ҳимояяга қўйилса, домланинг кўнгли тўлармиди? Назаримда виждан туйғуси ҳар қанча синов ва азобларга дучор этган бўлса-да, у домлага баҳшида этилган илоҳий неъмат эди. Ва шунинг учун ҳам бу туйғу домлани умри сўнгигача тарқ этмади. Аксинча, абадий йўлдош бўлиб, Озод Шарафиддинов тимсолида безавол улғайди ва давр ҳодисасига айланди. Не баҳтки, у энди хонадоннинг кейинги авлодларига ҳам ҳамроҳ бўляпти. Умид улки, нафақат хонадон, балки Озод домла истеъдодини, қалб қўрини, бор умрини нисор этган Ватани, миллатининг ҳам келажак йўлини ўша туйғу поклаб, нурлантириб турсин!

2007 йил

СОФИНЧ ВА АРМОНЛАР ҚИССАСИ

Ёзувчи Ўлмас Умарбеков 90-йиллар бошларида оғир хасталикка учраганини, бироқ шунга қарамай фаолиятдан тўхтамаганини мухлислари яхши билишади. Ана шу бир неча йил давом этган хасталик даврида адаб йирик роман, ҳикоялар ва пьесалар билан бир қаторда “Қизимга мактублар” деб номланган ҳажман салмоқли публицистик хотира-қисса ҳам яратди. Бу асарнинг қайси жанрга мансублигини дабдурустдан аниқлаб, фарқлаб бериш бир оз мушкул иш. Чунки унда бир қаҳрамон нигоҳи билан кузатилиб, бир ижодий мақсадга йўналтирилган, бир-бирини тўлдирувчи ҳикоялар-

дан иборат қисса хусусиятларини ҳам, ёки бўлиб ўтган во-
қеаларга, реал хотираларга асосланган эсдаликлар деса бўла-
диган жиҳатларни ҳам кўришимиз мумкин. Энг муҳими, бу
битикларни лоқайд, ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди.

Асарда қаламга олинган воқеаларни тарихан икки давр-
га, икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчиси, қаҳрамон,
яъни ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг касаллик тарихи, аниқ-
роғи, муолажа қилиш учун бўлган ҳаракатларнинг таф-
силотларидан иборат бўлса, иккинчиси, унинг яқинла-
ри, қариндош-уруглари ҳақидаги, иккинчи жаҳон уруши
ва ундан кейинги йиллардаги болалик, ўсмирилик ва ба-
лоғат паллалари хотираларидир.

Муаллиф касалхонадаги тафсилотларни баён қилар
экан, китобхон унинг нақадар ҳаётга чанқоқлигини, азба-
ройи фарзандига бўлган меҳр-муҳаббати туфайли яшашга
интилганини, қизининг камолини, орзу-ҳавасларини
кўриш иштиёқи қанчалик кучли эканлигини англайди.
Ойлаб, йиллаб ўз дардларига даво истаган адаб ҳар қанча
азобу қийинчиликларга қарамай, тузалишига ишонч би-
лан яшайди. Шифокорларнинг ҳар бири сўзини ўз касали-
га шифо бўладиган, қалбida умид уйғотадиган бирон яхши
хабар бўлармикан, дея илҳақ кутади. Операция қилиб, жар-
роҳлик йўли билан касалликни бартараф этиш ҳақидаги
тумонли таклифлар билан узоқ вақт бўлса ҳам нурланиш
орқали даволаниб бориш ҳақидаги фикрлар орасида қан-
чадан-қанча руҳий қийиноқларни, шубҳа ва иккиланишла-
рини баён этади. Ўқувчи худди муаллифнинг ўзига ўхшаб,
қанийди мўъжиза рўй берса-ю, у батамом тузалиб, барча
касалларидан форигланиб, бегона юртлардан қанот чиқа-
риб ўз юртига учиб келса, ўз калити билан уйи дарвозаси-
ни очиб, яккаю-ягона қизи – Умидасини бағрига босса,
пешанасидан ўтиб, юрагидаги соғинч ва армонларидан
халос бўлса, деб орзу қиласди. Гоҳи врачлар операция қилиш
зарур деб, уни омон қолиш-қолмаслигига аниқ ишонч
билдирмай, кўнглини чўқтириб юборгандарида, яратганга
нолалар қиласди. Унинг курдатига иймон келтириб, так-
рор-такрор Аллоҳдан мадад тилайди.

Дарҳақиқат, инсон бу ҳаётга синов учун келади. Бу си-
новларга дош бериб, қалбida одамларга яхшилик, эзгулик

туйғуларини сақлаб қололған кимса жаннат саодатига әришади. Үзидан кейинги авлодларнинг хотирасида барҳаёт бўлиб қолади. Синовларга бардош беролмай, ёвузлик, қабоҳат кўчаларига кириб кетгандар сира яшашга ҳақли эмас. Улар тирик бўлсалар ҳам ўзгалар учун ўлиқдай. Чунки улардан ҳеч кимга наф йўқ. Аксинча, зарар, дилозорлик бор. Үндайлардан инсонлар қочиб юради, кўрса кўрмаганга олиб, ўзини панага яширади. Асар қаҳрамони ана шундай синовларда тобланиб, умр бўйи яхшилик қилишга интилган, покиза ҳаёти, ҳалол меҳнати билан жамиятга ҳам, дўсту қадрдонлари, яқинларига ҳам фойда етказган инсон. У тушкун хаёлларга берилганида, Аллоҳдан умр тиларкан, фақат эзгу мақсадларни ўйлади, оқибатни, меҳри кўзлайди. Ана шу меҳр жўш уриб, ҳам жисмоний, ҳам руҳий қийноқларга қарамай, қизига, қизи орқали авлодларга болалик ўтмишидан, дунёдан ўтиб кетган яқинларининг ибратли ҳаётидан ўйтглар беради. Булар шундай ўйтларки, сира малоллик сезмайсиз. Қуруқ панду насиҳат қилиб, ноҳушилик ўйғотадиган сафсатабозликдан мутглақо йироқ, тафаккурга озук, кўнгилга ёқимли туйғулар берадиган, қизиқиш ва эътиборингизни оширадиган турмуш ибратларидир улар. Асарнинг мазмунан англашиладиган иккинчи қисми ана шу ҳаётий ҳикоялар, умр кечишишмалари сабоқ бўладиган инсонларга бағишлиланади.

“Етти пуштини билиш” бу инсоннинг ўзини танимоқ ҳикматидир. “Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайдургонларни “кул” – “марқуқ” дерлар”, деган эди буюк маърифатчи бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий. Онгидан ажралган, ота-онасини, яқинларини танимай, ҳатто ўлдиришдан ҳам тоймайдиган, хотирасиз, зоти бетайин одамларни “Марқуқ” ёки “Манкурт” деб аташ бугун барчага яхши маълум. Бундай одам маҳлук, ҳайвон билан teng. Ота-боболарини билиб, уларнинг яхши ишларини давом эттирган, ўзи ҳам кейин фарзандларига шундай тарбия бера олган кимса маънавияти юксак инсон. “Кизимга мактублар” асаридағи ёзувчи ёдига олган одамлар, айниқса, унинг отаси, онаси, буви ва холаси, кичик тогаси ҳақидаги ҳикоялар ана шундай ибратли фазилатларга эга бўлган инсонлар ҳақидаги нурли ҳикоялардир.

Муаллиф ота томон қариндошларини айтиб берар экан, амакиларининг анча таниқли полвон бўлгани и, ҳалол меҳнат билан бойиб, ер-сув, мол-ҳол қилиб, ўзига тўқ яшаганини ва Шўро замонида қулоқ қилиниб, бегона юргарга бадарга этилганларини баён қиласди. Бу билан аввалио, ота авлодларининг жўмард, обрўли, жамиятда мавқеи бор инсонлар бўлгани ҳамда ҳар қандай адолатсиз, қийин замонда ҳам эгилмай-букилмай, ўз кучи, куввати билан оёқҳа турганини, тўғри, покиза яшаб ўтганини англатмоқчи бўлади. Ҳакимбек амакининг мол-мулки тортиб олиниб, ўн йилга Украинага сургун қилинганида ўша ерларда ерёнгоқ, қовун, тарвуз, жўхори экиб, дедқончилик билан, ўзини, оиласи рўзгорини эглаб кетганини ёзар экан, бу билан ўзбекларнинг ҳалол меҳнати билан ҳеч қачон ва ҳеч қаерда хор бўлмаганини, машаққатлардан қўрқмай, қийинчиликлар билан курашиб, енгиб яшаган ҳалқ эканини кўрсатиб беради. Полвон акалари каби муаллифнинг отаси Раҳимбек aka ҳам кўриниши, бўй-басти полвонсифат инсон бўлган. Умрининг сўнгигача ўзгаларга яхшилик қилиб, меҳр-оқибат кўрсаттан. Айниқса, урушга кетган оиласаларга ёрдам кўрсатгани, ўзлари етти жон бўлишларига қарамай, жойлари торлигини ўйламай, Россиянинг уруш бўлаётган ерларидан кўчириб келтирилган оиласи бағрига олиши ва улар тўрт йил бир оиласадек бўлиб яшагани Раҳимбек аканинг нақадар бағри кенг, инсонпарвар бўлганини билдирадиган воқеалардир. Раҳимбек аканинг анча зиёли инсон бўлганига доир далиллар келтиради муаллиф. Жумладан, унинг фарзандини ҳамиша “сиз”лаб гапириши, ўз замонасининг машхур шоиру санъаткорлари билан яқин алоқадалиги, борди-келди муносабатлари, ҳатто Ҳамзани кўргани, Абдулла Авлоний билан маҳалладош, ҳамсуҳбат бўлгани кабилар унинг оиласидан ҳам маърифатли инсонлар етишиб чиққанига сабабдир. Асаддаги бир воқеа юқоридаги фикрнинг тўғрилигини исбот этади. Урушдан кейинги йиллар, ҳали қатагонлар замони ўтмаган, виждонли одамлар кўркув ва хавотирда яшаётган кунларда мактабдан қайтган Ўлмас онасининг китоб ўқиб, йифлаб ўтирганини кўради. Маълум бўлишича, онаси Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романини яширинча ўқиётган бўлади.

Қатагон даври, жумладан, Абдулла Қодирийнинг ҳаққоний асарлари, миллатсеварлиги учун Шўро замонасида турли тазийкларга учраб қамалгани ва отиб ўлдирилгани ҳақидаги ҳақиқатлар бугун барчага маълум. “Кизимга мактублар” асаридаги китоб ўқинш билан боғлиқ лавҳалар ана шу қатагон ва тақиқлар замони давом этаётган бир пайтда рўй берган эди. Ёш Ўлмас ва бошқа фарзандларининг ратьини қайтармай, отаси “Ўтган кунлар” романини фарзандларига ўқиттирмоқчи бўлади. Ўзини хавф остига қўйиб бўлса-да, ўша тақиқданган китобни қидиртиради. Бу ҳам Раҳимбек аканинг зиёли инсон эканини кўрсатадиган далиллар.

Худди шундай фикрларни ёзувчининг онаси ва бошқа персонажлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Айниқса, она томонидан бувиси ва холасига оид тафсилотлар ўкувчини жуда қизиқтиради.

Дўсимбой исмли чорвадор бойнинг фарзандларидан бўлган бувиси ақлли, зукко, узоқни кўра билувчи, ҳарачатчан аёллардан эди. Каттагина қўргонни, бутун хўжаликни бошқариб, оиласини тинч, фарононликда яшапни таъминловчи, меҳнаткаш, мурувватли аёл бўлгани учун ҳам ҳурмат-эътибори баланд эди. Отасининг хўжалик юритиш удумларини давом эттириб, бувининг ўзи ҳам оқилалик билан иш юритар, бирорнинг дилини оғритмас, қулидан келган яхшилигини аямас эди. Ана шу бувининг таълимини олган холаси ҳам чевар, пазанда, миришкор аёл эди. Эрининг ношудлигига қарамай, ҳамиша уни озода кийинтириб, оқ тараб, оқ ювиб юрган. Ширин таомлари, қўли очиқлиги, меҳмондўстлиги билан муаллифнинг қалбидан жой олган яқин кишиси эди.

Холанинг бир жойда тиниб ўтираслиги, доим ҳаркатда, питраклиги, бир тутам кичик ҳовлида ноёб гуллар ўстириб, қиши киргунича уйни чамандек қилиб сақлаши бу аёлнинг ҳам жуда кўп фазилатлари билан ибрат эканини англаатади. Муаллиф аёлларимизнинг гўзал хислатларини кўрсатар экан, уларни оиласага, эри ва фарзандларига нақадар садоқатли, жонкуяр, фидойи эканликларига доир ўнлаб мисоллар-эсдаликлар келтиради. Айниқса, ўғиллари, эрлари урушга кетиб, қайтиб келмаган оила-

лардаги аёлларни бир умр садоқат-матонат кўрсатиб яшаганини ҳаётий воқеаларда тасвиirlар экан, ёзувчи ўз ҳайрат ва хурматини яшира олмай, уларнинг шаънига кутаринки сифатларни келтириб, улуғлайди. Фарзандига ҳам шундай сабру бардош, садоқат-вафо тилайди.

Адибнинг ўзбек аёллари ҳақидаги тўлқинланиб ёзган саҳифалари орасида онаси ва вафодор рафиқаси ҳақидаги хотиралари алоҳида эътиборни тортади. Айниқса, онасининг уруш йиллари, ундан кейинги даврлардаги тортган машакқатлари, оиласининг фаровонлиги, фарзандларининг бекаму кўст бўлиши учун ўз ҳаловатидан, соғлиғидан кечиб, фидойилик қилишлари ҳар қанча улуғлашга арзиди.

Хали тонг отмасидан туриб, сут соғиши, нон ёпиши, буларни ортмоғлаб кўчама-кўча сут, бозорда нон сотиб, топган пулiga болаларга бирон егулик топиб келиши, касалванд бўлиб қолган зерини парваришлаши, қариндош-уругларга сахий-мехрибонлиги – барчаси онанинг матонати ва буюк қалбитга битилган қасидадек туюлади. Ҳатто уйлари бузилиб, ҳаммаёқ тўс-тўпалон бўлиб турганда ҳам ширин сўзи, топқирлиги, фаҳму фаросати билан муаммони ҳал этиши онанинг фазилатлари бекиёслигидан даракдир.

Муаллиф онаси ҳақидаги хотираларини ҳикоя қилар экан, ўкувчи кўз ўнгидаги том маънодаги ўзбек аёли, ўзбек оналарининг тимсоли жонланади. Энг оғир, энг қийин дамларда ҳамиша жонга ором бўлгувчи онанинг бир оғиз ширин сўзи, иссиқ, гадир-будир кафтларининг тафти, тансик, ширин таомларининг мазасини соғиниб, муаллиф ўрни-ўрни билан она руҳига мурожаат қилади, унинг арвоҳларини шод бўлсин дея, ўз касал танасига она ҳақидаги хотираларидан малҳам истайди. Инсон энг заиф дақиқаларида, ожиз ҳолатларида ҳамиша яратгандан ва она руҳидан мадад тилайди. Муаллиф ҳам касалидан қаттиқ азобланиб, толиққанидан шундай туйғуни бошидан кечирали – анча йиллар аввал дунёдан кўз юмган онасига хаёлан мурожаат қилади. Яхшики ёнида яна бир меҳрибон аёл – рафиқаси бор. Унинг ҳам фидойи жонкуярлиги туфайли балки умри узаяётганидан сўзлайди ёзувчи. Аёл, она сўзларининг моҳиятидаги бекиёс мазмунни ўз эсдаликлари ва кечмишлари мисолида ёрқин тасвиirlаб, кўрсатиб беради.

Ўлмас Умарбеков мазкур асари қоғозга тушганидан сўнг яна бир йилга яқин умр кечирди. Бу бир йил ҳам муолажа, руҳий ва жисмоний азобларга тўла ойлар бўлди. У севимли, ёлғиз қизининг тўйини, орзу-ҳавасларини кўра олмади. Бироқ қизига мактублари орқали инсоний меҳр, садоқат, онага, Ватанга, яқинларига оқибат, муҳаббат кўрсата олиш фазилатларидан ўтилар қолдириб кетди. Бу унинг фарзанди орқали ўзи севган ўзбек халқига, авлодларига ҳам маънавий васияти бўлди. Инсон бўлиб келган одам дунёда инсондай яшаши кераклигидан ҳаётий сабоқлар бериб кетди.

Ёзувчи асарининг сарлавҳаси тагига яна бир сарлавҳа қўйиб, “Мангу дунё бўсағасида” дея кичик эпиграф ёзив қолдирган. Унда мангу дунё, яъни вафоти олдидан яқин ва узоқ хотираларини эслаб, гўёки ҳар бир инсонни мазмуни умр кечиришга, ўз ҳаёти учун уятли бўлмасликка, одамлар қалбида яхши из қолдиришга даъват этган. “Кизимга мактублар” асари мана шу юксак инсоний ғояларни тараннум этгани учун ҳам замонавий ўзбек адабиётининг сара асарларидан бири бўлиб қолди.

2006 йил

АДАБИЁТШУНОСЛИГИМИЗ ҲАМЛЕТИ

(Устозим, дилдошим...)

Мавлуда опамнинг Матлуба келинойи ҳақида сўз кетса, туйкус қалбига бир эпкин қўйилиб, кўзлари ёниб, ниҳоятда самимий оҳангда Матлуба опам дея сўнгги эгалик қўшимчасига урғу бериб сўзлашини кўп кузатганман. Шу санада опам менга икки-уч марта ўшандай ҳаяжон ва эҳтиром билан Матлуба келийимизнинг сўзларини айнан етказди: “Шуҳратжон домлалари ҳақида хотиралар ёзив берармиканлар? Тўплам тайёрлаётган эдик...” Мен эса ҳар сафар куттилмаганда эслатиладиган бу илтимосни ҳеч шубҳасиз қабул қилиб, “Албатта, албатта, мен ахир бурчлиман-ку...” дея жавоб қайтараману ижросини нуқул пайсалга соламан. Бу – бежиз эмас, албатта. Очифи, мен ҳали-ҳануз Бегали аканинг жисман йўқ эканини ҳис

қилолмаяпман. “Үлим ҳақ” эканини англайману, аммо қандайдир изоҳсиз ишонмагандайман, күниколмаяпман. Шунданмикан домланинг хотираси билан боғлиқ тадбирларга ҳам кўпда интилавермайман. Озод Шарафиддинов домланинг ниҳоятда топиб сарлавҳаланган “Сўнгти жадид қиссаси” мақоласи чиқди. Нурбой Жабборовнинг, Баҳодир Каримнинг хотиранамо мақолаларини ўқидим. Барибир Бегали аканинг “йўқ”лигини ҳис қилолмадим. Ёки кўнглим тўлмадими ёки Нурбойга, Баҳодирга рашиким келдими? Озод аканинг мақоласи бир “видо”дек, шогирди билан хайрлашаётган устознинг “алвидо”силик таассурот қолди хотирамда. Бу кўпроқ шогирддан кўра устознинг ўзларига тегишилдай гўё...

Ҳақиқатан Озод ака Бегали акани яхши кўрадилар. Ҳурмат қиласарлар, десак муносабатлари қадрини тушургандек бўламиз. Орий рост, мендаги таассурот худди шундай эди, шундай бўлиб қолган. Чунки Озод домла яхши кўрган одамларига “эрка”лик қиласарлар. Улар эса буни бегараз, бажонидил қабул қилишар эди. Фулом ака (Каримов), Субутой домла (Долимов)... Ваҳоланки, Бегали акани яхши кўрадиган одам кўп эмасди — уни кўрган, билган, таниган одамлар орасида. Балки, ҳурмат қиласарлар кўп эди — илмини, салоҳиятини, илмий қамровларини, теранлигини... Аммо ёмон кўргувчилар ҳам кам эмас эди — қатъиятлилигини, ўта жиддийлигини, ҳурпайиб тўнг бир қиёфада туриб олишини, ўжарларигини, қайтмаслигини... Ҳасад қиласарлар ҳам оз эмас эди — тушунчаларининг миқёсига, фикрини лўнда ва аниқ ёзма ҳам оғзаки ифода эта билиш маҳоратига, халқаро зътирофига... Сўнгти ярим аср оралигида Бегали Қосимовчалик хориж илмий жамоатчилиги зътиборига тушган бошқа бирор ўзбек адабиётшуносини мен билмайман. Ҳар қалай кўпчилик наздида яхши кўриб бўлмайдиган одамни Озод домла яхши кўрадилар. Қисиниб-қимтиниб, шу орага ўзимни ҳам суқиб, “мен ҳам” дегим келади. Ҳа, мен ҳам шу шовур-шувур кенгфесъ табиатим билан ўз антиподим бўлган ўша жик-как, ўжар, қайтмас, серистехжо одамни яхши кўрар эдим. Баъзиларга рашиким балки шундандир...

Биз домла билан 1975 йилдан бери таниш, устоз-шогирд ва журъат этиб айта оламанки, сирдош дўст эдик.

Балки айрим “гап”дош, юртдош дўстларнинг ғаши келар. Лекин масъулиятни унутмаган ҳолда айтаманки, биз расмий устоз-шогирдликдан кейин муносабатларимизнинг “дилдош”лик палласига ўтган эдик.

Бегали ака ҳар кимга “ёрилавермас” эди. Шикоят, “оҳвоҳ”лардан ҳам фоят йироқ эди. Ҳатто касал бўлганда ҳам оғир, босиқ, жиддий эди. Ўлимидан бир неча кун олдин касалхонага борганимизда, хотиржам, иродаси букилмаган, гуурли бир алпозда кўрдим домлани. “Сўнгти кунлар”-га гувоҳ бўлганлар балки Бегали ака тузалмас дардга дучор бўлганини билмагани учун ўзини шундай тутган, деб ўйлашлари мумкин. Мен эса домлани бундан ҳам оғирроқ ҳолатларда кўриб, кузатганим учун ўшандай ўйларни инкор этаман. У ҳамиша босиқ ва жиддий эди. Қизгин давраларда ҳам кимнингдир ичакузди латифаларидан мириқиб, самимий кулар эдю, аммо бемаъно, мантиқсиз хатти-ҳаракатларга йўл қўймас, атрофидагиларни ҳам ортиқча талтайиб кетишига маънан изн бермас эди. Аксинча, ўша кулгу сабабини ҳам керак ўринда мантиқан изоҳлаб қўярди. Умуман мантиқсизлик одам ва олим Бегали Қосимов табиатига мутлақо ёт эди. Айни чоғда у гўзал шоир эди. Шеърияни шоирона қалб билан тушунар ва таҳлил қиласар эди. Ҳазрат Алишер Навоий ижоди ҳақида маърузалар ўқиб туриб, Шекспир асарларидан ҳамоҳанг иқтибослар келтирас, бетакрор бир саркаш руҳ билан Ҳамлет монологларини ёддан ўқирди. Қалбida ҳазрат шеъриятига идрок этилган беадад ҳайрат ва ҳамлетона руҳ мужассамлашган эди. Таъбир жоиз бўлса, Бегали ака адабиётшунослигимиздаги Ҳамлет эди. Унинг юраги ҳам, фикру ўйи ҳам қолилларга сигмас, эрк-озодлик ҳислари билан лиммо-лим, истиқдолояси билан муazzзам эди. Менинг аксар сирдошлигим шунда эдики, гоҳо ўша саркаш руҳга “қолиллар”ни эслатар, домланинг зоҳирий босиқ ва вазминлигини ботинига ҳам сингдиришга журъат этардим. Асрар керак эди уни, авайлаш керак эди... Бу балки, яна ўша суюшдандир...

Бир палла Бегали акани “ёмон” кўрсатгувчилар то-пилди, шекилли, домланинг номини оммавий нашрларда, бошқа ОАВда кўрсатмасликка хуфия фатво бўлди. Эмишки, жадидлар туркларга сотилган, шу боис туркпа-

растлик ғояларини изчил тарғиб этган шахслар бўлиб, жадидчилик ҳаракати остида Туркистонни Россия истибдодидан халос этиб, Туркия асоратига солиш мақсади яширинган экан. Демак, мазкур ҳаракатни тадқиқ ва тарғиб этаётганлар бугун ҳам туркларнинг ноғорасига ўйнаётган кишилар бўлиб чиқади... Ё, алҳазар! Ёқа ушлапдан бошқа чора йўқ!

Жадидчиликнинг энг ёрқин намояндаси, Туркияда ўқиб, шу ерда қатор китобларини чоп эттирган Абдурауф Фитрат XX асрнинг 20-йилларида Туркистоннинг ўз тараққиёт йўли, ўз мустақил давлатчилиги, мафкураси ва маънавияти учун курашганда, аксарият Туркистонга келиб қолган турк зобитлари ташаббуси билан ташкил топган ва Туркиядаги марказнинг ғояларини ёйган “Турк одам марказияти” аъзолари ёки “Миллий иттиҳод”чиларнинг уни ўлимга маҳкум этиб, муттасил таъқиб қилиб юрганларини қандай тушуниш керак?! Тилни, имлони туркиялашувлashiриш учун ҳаракатлар кечганида, Фитрат домла атрофига ёш ўзбек зиёлиларини жамлаб, “Чигатой гурунги” жамиятини тузиб, ўз миллий қадимиятимиз, Амир Темур, ҳазрат Алишер Навоийлардан келаётган тил ва маданиятимиз соғлиги учун курашганини қандай унутиш мумкин?! Бегали aka айнан мана шу тарихий ҳақиқатни, ҳаракатнинг бор манзарасини объектив тиклашга уринган, жадидизмнинг Туркистон халқлари, жумладан, ўзбек халқининг миллий манфаатлари ғояси билан юзага келган ва фақат шу маслакка барча сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий қарашлари, назарий ва амалий фаолияти йўналтирилганлитини бор миқёси ва аҳамияти билан кўрсатиб беришга ҳаётини бағишилаган эди.

Қисматнинг қаттоллигини қарангки, нафақат ҳаракат намояндалари, ҳатто улар кечмишларини виждоний бурч билиб, ватандошлиқ туйғуси билан холис ўрганган заҳматкаш олимни ҳам жадид аждодларга қисматдош этди. Ана ўша дамларда Бегали aka жуда асабий юрди. Ноҳакликдан ўртанди, куйди, аммо ҳеч кимга ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан нолимади. Дамини ичига ютдию, илми, дарслик дастурлари, дорилфунундаги дарс-машғулотлари билан андармон юраверди. Шу аснода қарийб қирқ йил

“излай-излай топганлари”ни жамлаб, тартиблаб ва таҳрирлаб “Миллий уйғониши: жасорат, маърифат, фидойилик” деб номланган беназир бир китоб яратди. Бу китоб унинг том маънодаги “умр китоби” бўлди.

Вақт етди, барадла айтмоқ керак: 70-йиллардан бошлаб кимки ё у ё бу тарзда жалидчилик масалалари билан шуғулланган бўлса, аксарияти Бегали Қосимов “шинели”дан чиққан. Бу асло муболага эмас. Бегали аканинг ўзи эса домла Фулом Каримов “шинели”даги энг кўркам бе-зак эди. Устозга эҳтиромда Бегали ака ибрат эди, десам янгишмайман. Йўқ, уларнинг устоз-шогирдлик муносабатларида кўзга ташланарлик бирон фавқулодда жиҳат йўқ эди. Оддийгина илмий раҳбар ва аспирант, кейинроқ эса ва бутун ҳаётларининг охирига қадар домла-шогирд маънавий робиталари. Ҳатто Фулом Каримов домланинг “Ўзбек адабиёти тарихи” З-китобидаги XX аср бошлари, хусусан, жадид адабиётига берилган ғоят танқидий баҳолари-га Бегали Қосимовнинг илмий қарашлари деярли буткул зид бўлса-да, муносабатлар бир маромда, самимий, ўза-ро ҳурмат, домлага эҳтиром тарзида давом этаверарди. Зоро, бу давр адабиётини ўрганишни, тадқиқот мавзуларини бошлаб домланинг ўzlари Бегали акага тавсия этган, изланишларини кўллаб-кувватлаб, рағбатлантирган эди. Кейинроқ “Профессор Фулом Каримов илмий макта-би” ҳақида ҳам дастлаб сўз очган Бегали аканинг ўзи эди. Гарчи қарашларда хилма-хиллик, ҳатто зидлик бўлса ҳам. Нафақат Бегали Қосимов, ҳатто Шариф Юсуповнинг Зокиржон Фурқат ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тадқиқотла-рида ҳам F.Каримов домла қарашларидан буткул айрича ёндашувлар илгари сурисса-да, университетда XIX аср иккинчи ярми XX аср бошлари ўзбек адабиётини ўрга-ниш, тадқиқ, тарғиб этишда профессор Фулом Каримов илмий мактаби вужудга келган, деган фикрни Бегали ака ўрни-ўрни билан таъкидлаб туради.

Дарҳақиқат, бу мактаб бор эди. У илмий йўналишдан, давомчиликдан ташқари яна бағрикенглик, илмий ком-петентлик ва холис мураббийлик мактаби ҳам эди. Бугун номлари ўзбек адабиётшунослиги тарихига кирган Субу-той Долимов, Озод Шарафиддинов, Шариф Юсупов,

Умарали Норматов, Лазиз Қаюмов, Бердиали Имомов, Баҳодир Ғуломов, Аҳмад Алиев, Анвар Ҳожиаҳмедов, Муслиҳиддин Муҳитдинов, Муҳаммаднодир Сайдов, Талъат Солиҳов, Аълохон Ашрапов, Раҳматилла Иноғомов, Саида Нарзуллаева, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев, Саттор Ҳайдаров, Абдуғафур Расулов, Улуғбек Долимов, Санжар Содиқов, Норбой Ҳудойберганов, Омонулла Маъдаев, Бегали Қосимов, Матлуба Азимова, Суннатилла Аҳмедов ва яна мен исмларини хаёлдан фаромуш қилган қанчадан-қанча аҳли илм ҳам мударрис ана шу мактабга бевосита мансуб ё даҳидор эдилар.

Дорилфунун филология факультетининг файзи ҳам бир чеккаси шулар билан эди. Мен “абадий сиртқи аспирант”-лик даврим ҳар сафар факультетта яқинлашар эканман, ўша домлаларни кўриш, улар файзини туйишдан ҳаяжонга тушар эдим. Айниқса, ҳафтанинг чоршанба күнлари ўзбек классик адабиёти кафедрасига барча аъзолар йифилар, катта-кичик мажлисдан сўнг илмий-адабий гурунг, шоҳмот ўйинлари авжига чиқарди. Орада “абадий лаборант” Тожихон опа (Собитова)нинг чой ва у-бу енгил егулик тутиб, меҳрибонлик қилишлари бир оз чалғитмаса, гурунгу баҳс ҳам дона суришлар алламаҳалгача давом этарди. Шоҳмот таҳтаси атрофида асосан Ғулом Каримов домла билан Бегали ака ўта жиддий ва беғараз рақиблик қилишар, орада бўлаётган адабий баҳсга ҳам гоҳо аралashiб, ўринли изоҳ ё фикр билдиришар эди. Одатда шоҳмот рақиблари авжи ўйин қизигандага ёши, даражаси, мавқеидан қатъи назар шўх, қалтис ҳазиллар қилишга мойил бўлишади. Масалан, Раҳматилла ака (Инагомов) Озод акани ё Озод домла Эркин Воҳидовни ёки яна аксинча, бир-бirlарини дона сурга туриб, буткул беғараз, беғубор оҳангда “камситиш”ганини, шу билан ўйин завқини оширишганини бир неча бор гувоҳи бўлганман.

Ғулом ака билан Бегали ака “жанг”ларида эса сира бундай ҳазиллар бўлмас, аксинча, Бегали аканинг “кўли баланд”роқ бўлса, хижолатомуз қиёфада домлага кейинги юришини маълум қилар, иззат-хурмат ва лутф ҳамиша пойдор эди. Шундай пайтларда уларнинг муносабати четдан кузатган одамга ота-боланикдай туюлган бўлса ҳам,

ажаб эмас. Дарвоқе, F.Каримов домла Бегали акага “ота”-лик қылғанлари бор гап. Қашқадарёнинг узоқ Касбисидан келган ушоқцина болани билими, ғайрати, интилиши, истеъодини қўллаб-куватлаб, филология факультетига аспирант ё ўқитувчи сифатида жойлашиши фавқулодда бир ҳодисадек бўлиб турган бир замонда, ректорга ва бошқа баланду паст мутасаддиларга мурожаат қилиб, бор обрўйини (профессор Фулом Каримовнинг обрўйи эса ҳазилакам эмас эди) ишга солиб факультетда олиб қолгани ва йигитчанинг тақдирини ўзи орзулаганидай кечишига сабаб бўлгани домланинг росмана “ота”лиги эди. Бегали ака буни сира унутмас, қалбининг туб-тубигача сингиган эҳтиромини домла ҳаётлигига ҳам, вафотидан сўнг ҳам ҳамиша сездириб турар эди.

Фулом Каримов домладан Бегали ака табиатига ўтган ва айтиш жоизки, ҳаёт тарзига айланган хислат бу ҳалоллик эди. Турмушида тугал, муқаррар, илмда эса замон, сиёсат ва мафкура кўтара олган даражада. Домланинг ўз вақтида айрим талқин ва таҳлилларда холис бўлолмагани нопклиги эмас, мутлақо, балки замонасозлиги, маънавий ва жисмоний таҳдид тазиикидаги мажбурияти эди. Бегали Қосимовда эса бу таҳдиду тазиикларга имкон қадар чап бериш, кучли далиллаш ва мантиқ йўли билан, гоҳи “тажоҳили орифона” – билиб билмай қолиш усули билан адолатни тиклаш, ҳақ иш ва ҳақ сўзни юзага чиқариш хусусияти, айтиш ўринлики, жасорати бор эди. У 60–70-йиллардаёқ Мирмуҳсин, Мирмулла Шермуҳамедов, Сидқий Хондайлиқий, Абдулла Авлоний, Нозимахоним, Сиддиқий – Ажзий каби қатор жадид ҳаракати ва адабиёти на民政далари номини ўша усул ва журъат билан, Фулом Каримов домланинг “паноҳи”да жамоатчиликка кенг маълум қилишга муваффақ бўлган эди. Мақолалар, телекўрсатув ва радиоэшилтиришлар тарзида, улар асарларини топиб, тўплаб, изоҳлаб оммавий нашр эттиришлар йўли билан жадид зиёлиларини тарғиб этиш Шўро мафкураси ойболтасини яна ҷархлай бошлаган замонларда шунчаки оддий бир иш эмас эди. Унинг илмдаги ҳалоллиги ҳам, жадидлар ҳақидаги таърифини ўзига нисбат бериб айтганда, жасорати, маърифати ва фидойилиги ҳам аввало шунда эди.

Менинг Бегали ака билан бевосита танишиб, яқинлашувим ҳам шу кезларда рўй берган эди. Ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси қошида “Ўзбек адабиёти гулшани” тўғраги ташкил этилган бўлиб, Бегали Қосимов унга масъул эди. Тўғракда турли курслардан аъзо бўлган талабалар адабиётимиз тарихи бўйича илмий-тадқиқот усул ва йўлларини ўрганар, ўзларини қизиқтирган мавзулар доирасида кичик тадқиқот — мақолалар тайёрлаб, муҳокамага қўяр, қизғин баҳсу мунозаралар асосида олимлик малакаси шакллантириб борилар эди. Шу билан бирга “Гулшан” номи билан деворий газета чиқарилар, таниқли, тажрибали ёки илмда бирон натижага эришган ёш олимлар, адибу шоирлар билан учрашувлар ўтказилар эди.

Биз тўғракка аъзо бўлган 1975 йилда 4-курс талабаси Ҳамидулла Болтабоев талабалардан масъул — “староста” эди. Ҳамидулла ака 5-курсга ўтиб, кўпроқ диплом ишлари билан банд бўлгани учун “староста”лик каминага юклатилиди. Шундан бошлаб Бегали ака билан тез-тез учрашиб, мулоқотлар қилиб турадиган бўлиб қолдик. У гоҳо кафедранинг айрим йиғилишларига мени ҳам таклиф этиб, тўғрак ишлари юзасидан ҳисоботлар беришимни сўпар, бу шунчаки келди-кетди дафтарига қайд этиш учун ташкил этилган тадбир эмаслигини барчага сездириб турар эди.

Бир сафар тўғрак йиғилишига Бегали ака шоир Мұхаммад Алини таклиф этди. Унинг “Боқий дунё” шеърий романидан парчалар журналда зълон қилиниб, асарда Абдулла Авлоний сиймосига кенг ўрин берилган эди. Янглишмасам, романга атоқли жадид маърифатпарвари обrazининг киритилиши ҳам Бегали Қосимовнинг турткиси ва маълумотлари асосида бўлган эди. Тўғракда асарни шоирнинг ўзи иштироқида кенг муҳокама этдик. Университетдаги ўша давр муҳитига хос қизғин фикрлар, ёниқ эҳтирослар қайнади бу йиғилишда ҳам. Айниқса, раислик қилаётган Бегали аканинг ўзи муҳокама якунида жўшиб, аммо ҳар бир фикрини далиллаб, асослаб жадидчилик ҳаракати, Абдулла Авлонийнинг ёрқин сиймоси ҳақида сўзлади. Назаримда шеърий роман баҳона, кўнгилдаги жуда кўп “гап”ларни айтиб олди. Бу “гап”ларнинг аксарияти ҳагто Мұхаммад Али ака учун ҳам янгилик эканини сезиш қийин эмас эди.

Шундан кейин бир-икки сана ўтиб, Бегали аканинг узоқ йиллик саъй-ҳаракати самараси ўлароқ, Абдулла Авлонийнинг “Тошкент тонги” деб номланган ҳажман салмоқли асарлар тўплами чоп этилди. Ёдимда, китоб нашрдан чиқиши билан домла анча-мунча сотиб олган шекилли, дипломатини тұлдириб, факультетта кириб келди. Мени ҳам йўлакда учратиб, ҳали домлалар йигилмагач кафедра хонасига таклиф қилди, қўлимга дастхат битилган қалин қизил муқовали, залворли тўпламни тутқазди. Шу дамда у қанчалар босиқ-вазмин бўлмасин, ич-ичидан қувониб, ҳаяжонда тургани яққол сезилиб турар эди. Ҳакиқатан ҳам унинг қувончига асос бор эди. Неча йиллик меҳнати юзага чиққан, китоб бошланишида Абдулла Авлоний ҳақидаги катта адабий портрети ҳам эълон қилинганд, энг муҳими бу китоб жадид адабиёти ўзбек адабиёти тарихининг муҳим бир даври, янги адабий қарашлар, янгича мазмун ва шакл, янги дунёқарашнинг туғилиши, янги адабий тур ва жанрларнинг кириб келишини яққол намоён этган, муайян дарражада Бегали Қосимов олимлик ақидасига шаҳодат бўлгувчи китоб эди. Бир оз ўтиб домланинг докторлик диссертацияси учун ҳам асос бўлган, қарийб чорак аср изланишлари квитэссенсияси ҳисобланган “Иzlай-излай топганим” ри-соласининг эълон қилиниши Бегали Қосимов илмий феноменининг том маънодаги намойиши бўлди. Қисқа фурсатдан сўнг Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтидаги маҳсус кенгашда ёқланган докторлик диссертацияси ва уни Иззат Султондан тортиб Азиз Қаюмов, Матёкуб Қўшжоновгача бўлган адабиётшунослигимиз корифейлари томонидан тўлиқ эътироф этилиши эса фикримизнинг яна бир тасдиғи эди.

Хотира бисотимни титсам, Бегали ака билан боғлиқ хотиралар жуда кўп. Бу хотираларнинг барчаси унинг сиймосига улуғворлик сифатларини бағишлиайди. Қай бирини айттай – Мирободдаги 74-йда Абдулла Авлоний уй-музейини ташкил этганимизними, Тошкент, Самарқанд мактаб, маҳаллаларида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Тавалло, Сиддиқий – Ажзий, А.Авлонийларга бағишлиб илмий-маърифий учрушувлар, адабий кечалар ўтказганимиз, турли таваллуд саналарини нишонлаганимизними, қадрдон университети-

миздаги талбирлар ва, айниңса, Бегали аканинг киндиқ қони түкилган Денов қишлоғи, Касби тумани кенгликлариға олимнинг 50 йиллик юбилейи баҳонасида қилган сағаримизними, Ойбек уй-музейида улуг адабининг “Куттуғ қон”, “Улуг йўл”, “Болалик” каби асарлари учун йигтан материаллари – XX аср бошлари адабиёти тарихига оид табаррук қўлёзма, тошибосма китоблар, қўлланмалар, даврий матбуот намуналарини ўрганиб, тунлари бирга қоровуллик қилганларимизними ёки гоҳо Чимбойдаги, кейинроқ асосан Тахтапулдаги Нодира кўчасида жойлашган чоғроққина маҳалла чойхонамиздаги кафедрадошлар билан ой сари уюштирилган “ошхўрлик”ларимизними... эҳе, дафтари вараклаганинг сари кўнгилга дафъатан ёруғлик, сўнг эса маҳзунлик бағишладиган воқеалар, сұхбатлар, издиҳомлар... “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” кафедраси очиш учун бўлган курашлар ёдимга келади. Ҳа, бу росмана кураш эди. Янгиликни қарор топтириш, ўша профессор Фулом Каримов илмий мактабини – айнан XIX аср 2-ярми XX аср бошлари ўзбек адабиётини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича илмий жамоатчилик зътироф этган марказни расман тасдиқ этиш, салоҳиятли ёшларни жалб этиб, уларни шу йўналишдаги изланишларга йўллаш, янги фикр, янгича ёндашув учун кураш эди. “Бегали амалидан фойдаланаётпти (шу кезлар Б. Қосимов Тошкент Даълат университетининг гуманитар факультетлари бўйича проректор лавозимида ишларди), кафедраларни майдалаштириб, дорилфунундаги адабиётшуносликни парчалаб ташламоқчи, ўзи мудир бўлмоқчи” каби фийбат, таъна-маломатлар кучайгандан кучайди. Дастрлаб чекка-чеккада шивир-шивир шаклида бўлса, сўнг борган сари авжланиб, йиғилишларда, факультет Илмий Кенгаши мажлисларида очик-ошкора айтила бошлади. Бегали ака ректоратда бўлгани учун янги кафедранинг барча хужкат-қоғозларини тайёрлаб юрган оддий ўқитувчи камина таъна-дашномларга балогардон эдим. Қизиги бу гаплар аксарият тушунгандар, таниқли катта домлаларимиз томонидан айтиларди. Шундай пайтларда аччиғим келиб, Бегали акага хафагарчилигимни сездирсан, домла “тўғри, хайрли мақсад йўлидаги қайси иш силиқ кечган, жадидлар ҳаётининг ўзи ибрат-ку”, дер эди.

Шу тахлит кафедра ташкил бўлди. Бегали ака мудир, Шариф ака (Юсупов), Улуғбек ака (Долимов), Суннат Аҳмедович ва камина йўналиш бўйича асосий соатларни бажарувчи домлалар, бундан ташқари, “Низом” талабларига кўра ҳар бир кафедра камида беш кишидан иборат бўлиши кераклиги ҳақидаги қоидадан келиб чиқиб, араб, форс тилларидан факультет талабаларига дарс берувчи Шуҳрат Кузанбоев, Гўзал Азимовалар кафедранинг дастлабки аъзолари эдилар. Бегали ака асосий штатда проректор, кейинроқ факультет декани бўлишига қарамай, кафедра ишларига ҳамиша вақт ажратар, ҳафтада бир-икки кун тўлиқ бизлар билан бўлар, барча йиғилиш, диплом ҳимоялари ва бошқа турли тадбирларда ўзи бош-қош эди. Кафедра ўрни ва мавқенини мустаҳкамлаш, қолаверса, чекка-чеккадан ҳануз маломатлар ёғилиб тургани учунми, Бегали ака кафедрага юз бўладиган жиддий илмий, илмий-методик ишланма ва чиқишиларга зўр берар, барчамизни шунга даъват қиласарди. Телевидение ва радиодаги чиқишиларимиз, матбуотдаги давра сұхбатлари, жадидчилик ҳаракати ҳақидаги алоҳида илмий-назарий мақолалар, намояндлари ҳаёти, ижодига бағишлиланган адабий портретлар, китоблар ва ниҳоят “Миллий уйғониш” деб номланган илмий тўплам – барчаси қисқа фурсатда “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” кафедрасининг номи ва нуфузини илмий-адабий доирада тасдиқ этди ва у бугун Ўзбекистон Миллий университети, ўзбек филологияси факультетининг етакчи кафедраларидан бири сифатида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

Шу ўринда кафедранинг ташкил топиши ва мустаҳкамланиб, ривожланишига ниҳоятда муҳим ҳисса қўшган бир олижаноб инсонни эсламаслик инсофдан бўлмайди. Атоқли геолог олим, академик Тўрабек Долимов нафақат кафедра, айни чоғда филология факультети домлаларининг жуда кўпчилиги ҳаётида, шу жумладан, Бегали Қосимов ва каминанинг илмий-педагогик тақдиримизда муҳим ўрин туттан сиймодир. Тўрабек Нўймонович Бегали Қосимовни суюб ҳурмат қиласиган ва қадрига етадиган инсонлар сирасидан эди. Ва яна шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Тўрабек Долимов том маънодаги зиёли, ўзбек геоло-

гия илмининг атоқли намояндаси бўлиш билан бирга, барча аниқ фанлар ва, айниқса, гуманитар илмлар соҳасида ҳам кенг тушунчали, бетиним ўқийдиган ва ҳамиша изланадиган шахс. Гоҳо адабий-бадиий дунёда пайдо бўлган янги асарни эълон қилиниши биланоқ топиб ўқиб, биз профессионал асосда шуғулланувчи адабиётчиларни саволларга тутиб, шошириб қўяр ва яна сұхбатдошини хижолатпазликдан қутқариб, ўзи ўша асарни таҳлил қилиб кетар эди. Билмадим, домла Республикада етакчи Миллий университет ректори, Олий Аттестация Комиссияси президиумидан тортиб яна нечта илмий кенгашларнинг фаол ишловчи аъзоси, давлат ва жамоат арбоби сифатидаги қизгин фаолияти, мамлакатимиздаги фан ва олий таълим ташкилотчиси, қанча шогирдларга бош бўлиб туриб, яна қачон янги бадиий асарни ўқиб улгурадар эдилар, ҳайронман. Нанафакат бадиий, айни чорда тарих, фалсафа, тиљшунослик, адабиётшунослик ва адабий-танқидий мақола ва рисолаларгача ўқиб, кузатиб борардилар.

“Ёшлик” журналида Бегали аканинг “Жадидчилик” номли гоят теран ва қамровдор, илмий-назарий бакувват ҳам катта мақоласи эълон қилинганда, Тўрабек ака билан шу мақола хусусида узоқ сұхбатлашган эдик. Т.Долимов домла миллий адабиётимиз тарихи ва адабиётшунослигимизнинг шу даври ва йўналишининг очилмаган қўриқ эканини чуқур англаб, кафедрамизнинг туғилиб, сёёққа туриб олишига барча имкониятларни яратдилар. Университет маблағлари ҳисобидан бир неча йил ички грантлар ажратиб, педагогик фаолият қаторида илмий изланишлар билан ҳам хотиржам шуғуланишимизни таъминладилар. Шу ишларимизнинг дастлабки якуни ўлароқ, илмий мақола ва матнлардан иборат “Миллий уйғониш” тўпламининг ҳам чоп этилишига бевосита ёрдам бердилар. Табиатан янгиликка интилувчи, янгиликни қўллаб-кувватловчи бу инсон кафедрамизни ҳам, Бегали акани ҳам турли таъналардан асрарашга ва энг муҳими оғир дамларда қўллаб-кувватлашга, оғаларча ғамхўрлик қўрсатишга қодир эдилар.

Бегали ака касалхонага ётганида, яхши шароит ва қарор учун дурустгина тўлов лозимлигини билиб, талаб этиладиган барча маблағларни дарҳол ўтказиб бердилар. Бегали

аканинг беморлитини эшишиб, шахсан менга “Бегали сира руҳан тушмасин, уни керак бўлса хориждаги энг нуфузли касалхоналарда даволатамиз, барча маблағларни ўзим топиб бераман, бундай олимлар ҳар куни ҳам туғилавермайди”, деб айтган эдилар. Шу гапларини касалхонада домлана га айттанимда, Бегали ака жуда таъсирланиб кетди, кайфияти кўтарилиб, ўзига хос мушоҳдалакор бир алпозда “мен бу одамга қандай яхшилик қилиб қўйибманки, шунчалар ардоқламаса...” деб жавобга ҳожатсиз савол берди. Тўрабек аканинг бошқа яхшиликларини эслади. Дарҳақиқат, Бегали ака Тўрабек Долимовга шахсан қандай ҳиммат кўрсатганини эслолмайман. Лекин аминманки, Тўрабек Долимов олим, раҳбар, арбоб ва энг аввало катта қалбли инсон сифатида Бегали ака каби олимларни қўллаб-қувватлашни виждан бурчи деб биладиган Шахс. Буни англагани учун ҳам Бегали ака жавобга ҳожатсиз савол ташлаган эди.

Мана бирпасда Бегали ака жисман бу дунёни тарк этганига уч йилдан ошди. Усиз унинг 65 йиллиги ўтди. Фарзандлар камол касб этиб, набиралар улгайяпти. Назаримда сўнгсиз армон билан Матлуба келинойимиз ҳар куни, ҳар соатда домлани эслайди. Яшаса бўларди, яшаши мумкин эди, деган армон ҳамиша кўнглига мунг солади. Чунки унинг ҳаёти ўзининг ҳаёти, унинг ташвишлари келинойининг ташвишларига айланиб кетганига, икки танадаги бир вужудга айланиб кетгандарига қанча замонлар бўлган эди. Худди Ойбек ва Зарифа опадек, Фулом Каримов ва Маърифат аядек, Озод Шарафиддинов ва Шарофат опадек...

Ўзбек аёлига садоқат – бир саодат каби, баҳт каби, ҳаёт каби. Садоқат билан ота-онага, эр-завжига, фарзанду набираларига хизмат қиласи. Ота-она ва, айниқса, эр ўтса, уларнинг хотирасига садоқат билан хизмат қиласи. Номини, руҳини, руҳониятини оиласда пойдор этади, қариндош-урӯғ, дўст-биродарлари наздида хотирасини безавол сақлайди. Эр ижодкор ё олим бўлса, қўлёзма, архивларини сақлайди. Жамлаб саралайди. Лозим топганини эълон қиласи. Шу маънода Матлуба келинойи худди ўшандай ўзбек аёли. Тош-тарозу босиши ўшандай, бир мисқоли кам эмас. Жимгина, ҳаё ва андиша билан ерга қараганича ўша садоқатини сездиради. Бегали аканинг ўзидан бошқа бирор тушу-

навермайдиган ғоят майда дастхатини ўнлаб йиллар давоми ёзув машинкасида кўчиравериб, фақат қуиға қарашга ўрганиб қолганми келинойи, деган ўйларга ҳам борасиз.

Йўқ, бу фикр нотўғри, албатта. Келинининг ер чизиши, ҳеч шубҳасиз ўша ҳаё ва андишанинг тафтидан. Балки, балки Бегали ака ҳам Касби чўлларидан келиб, бу Фарғона келинининг ҳаёю андишасига асир бўлиб, “Сиз” деган тили бир умр “сен”га бормагандир?! Балки яна ўша андиша сабаб Матлуба келинойи каминага ҳам тўғридан-тўғри мурожаат қилмай, Мавруда опам орқали ўз андишасини билдиргандир. Яна ким билсин, ҳар бир оила, ҳар бир инсон ўзича бир дунё. Ҳар қалай ҳозирда менга аён ҳақиқат шуки, келинойи фарзандларни бағрига олиб, Бегали ака чирогини ёқиб ўтирибди. Адива ҳам, Нибуфар ҳам, Беҳзоду Шоҳруҳ ҳам шу чироқ посбонлари. Қайдир матьнода биз ҳам шамчироқ парвонаси бўлгимиз келади. Гарчи қабрига бориб, бир калима тилюват қўлмоққа фурсат топавермасак-да, ўйтларига амал қилиб, босған изларига қадам қўйиб, домланинг хотирасини шод этармиканмиз, деган андишамиз йўқ эмас.

Бирор саҳифа қофоз қоралаб устозга олиб борсак, бир оз ўйланиб, кўздан кўзойнакни олиб, салгина ранжиганнамо оҳангда танбех берардилар: “Ҳар сафар қўлингизга қалам олганда мен ёзган нарсаларни Фулом Каримов ўқийди, Озод Шарафиддинов қўради, деган фикрни унутманг”. Шу мулоҳазаларга бориб, устозим, дилдошим ҳақидаги мазкур ўйларни қофозга туширдим. Балки Бегали ака ўқиганларида яна кўзойнакни олиб, ўшандай ўйтнамо мулоҳазаларга тараддулланарми эдилар. Аммо, бир андишамда событиман – неки ёзган бўлсан самими ёздим. Аллоҳ рози бўлсин!

2007 йил

МАЊНАВИЯТИМ МАНЗИЛЛАРИДАН БИРИ

Менинг сўнгги йилларда кўнгил мулки билиб топганим ҳам, таянганим, тиргагим ҳам шу инсон бўлиб қолди. Йўқ, у билан танишлигим, яқинлигим ва ҳатто қадрдонлигим сўнгги йиллар саодати эмас. Валлоҳки, барча нарса яна ўз аслига қайтаркан. Қарийб ўттиз йил бизни боғла-

ган ришталар бор. Биз гоҳ яқин, гоҳ дийдор узокроқ бўлиб навқиронлик йилларини ўтказдик. Не баҳтки ўрта яшарликда, айнан “бадойи ул-васат”да ўша ришталар мустаҳкамроқ бўлиб бормоқда. Ҳозир энди ёрилгалик, эзилсам жафокашлик қилгучи дўст борлигидан, у доим бўлганидан эмас, айнан ҳозир борлигидан хушбаҳтман. Шунинг учун гоҳ-гоҳи унга “Сиз менга доим кераксиз” деб ёши, мавқеига қарамай бетакаллуфлик қилишга журъат этаман, аниқроғи, ўзимга изн бераман...

Мен бу ёзувчи ҳақида аввал ҳам ёзганман. Аввалки, ўз ёзарлик – таңқидчими ё адабиётшуносми сифатида энди қадам ташлай бошлаганимда ёзганман. Сарлавҳани қаранг, “Бош мезон – маънавият” деб XX асрнинг 80-йиллари бошида ёзган эканман... Кейинроқ XXI асрнинг арафаси “Софинч” деб ёзибман. Алалхусус биз ҳам икки асрга даҳлдор бўлиб қолибмиз...

Гоҳо қўнғироқларини пойлайман. Қизиқ, айнан кутганимда қўнғироқ қилиб қолади. Гоҳо ўзим йўқлайман. Баъзида шунчаки йўқлаш учун, баъзида эса бирор нарсадан, кўпинча шеърдан, санъатдан ёки унинг ўзи марҳамат қиладиган янги битикларидан бағоят мутаассир бўлганимда, ўзимни қўйишга бирор маъво-манзил тополмай ёнганимда, изиллаб излаб қоламан. Топгач эса ичимдан бир тўкиламан. Бақириб-бақириб гапириб тўкиламан, дил ёраман. У тушунади. Ва албатта жўяли фикр, мулоҳаза ва ёки шунчаки гап айтади. Шунинг ўзиёқ менга кифоя. Зоро, унинг шунчаки гапи ҳам олам жаҳон туйғуларга, ўйларга сабаб бўлади. Балки унинг зўрлиги ҳам шундадир. Дарвоқе, у бир пайтлар “Кимнинг дадаси зўр” деган ҳикоя ёзиб эди. Вақти-вақти билан ҳануз ўша ҳикояни эслайман. Ҳа, барчамиз зўрга суюнамиз. Болалиқдан, жинқарча ёшдан ҳимояга мойил бўламиз. Тушуниб-тушунмай, инстуктив ҳолда бўлади бу. Инсоннинг ҳамиша ботинида событ, зоҳирида гоҳ-гоҳ балқийдиган ҳайвоний моҳияти, ҳайвоний сезими шу бўлса керак-да! Дастлаб болалиқда aka ёки дада, сўнгроқ балоғатда “акаҳон”лар, дўст-ёрлар, кексайгандага эса фарзандлар кўнгилга ҳимоя таскини. Ўша ҳикоя шундай фалсафий ўйларга етаклаши билан зўр эди. Балки шуниси туфайли ҳам хотирадан кўтарилмас...

Эркин Аъзамовнинг “Отойининг туғилган йили” китоби ҳақида чорак аср аввал “Бош мезон – маънавият” дея мақола ёзганимда, менинг – шунчаки фикрловчи бир инсоннинг маънавияти манзилларидан бири шу бўлгани аён эди. Ва ўқтам ишонч билан яна айта оламанки, ҳозиргача ҳам барқарор манзилларимдан бири ўша бўлиб қолди. Кейинроқ, бу “манзил”ни соғиниб, яна қандайдир ҳиссий чизгилар қоралагандек бўлдим...

Ҳар иккисини-да ҳукмингизга бермоқдаман...

Бош мезон – маънавият

Фёдор Михайлович Достоевский акасига ёзган хатларидан бирида, мабодо бутун ҳаётимни инсонни тушунишга сарф эта олсан, ўтган умримга заррача афсусланмаган бўлур эдим, деган экан. Дарҳақиқат, инсонни тушуниш – мураккаб ҳам олижаноб фазилат. Гоҳо инсон ўзгалар у ёқда турсин, ўз-ўзини ҳам тушунолмай ўтади. Мана шу охизликни тан олиш эса пировардида даҳшат! Ким билсин, ҳар бир хатти-ҳаракатимизда, айниқса, у ножӯя бўлса, тушунмаслик нишонаси бордир. Умримиз тушунмай ба-жарилган хатти-ҳаракатлар йигиндисидан иборат бўлиб қолса-чи? Гап мавзуи Эркин Аъзамовнинг Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган “Отойининг туғилган йили” қисса ва ҳикоялар тўпламига кўчар экан, бу фикрлар ана шу китобда бевосита акс эттирилган, демоқчи эмасмиз. Аммо бу китобча ҳам, Достоевский ақидасидаги каби, инсон ва унинг мөхиятини тушуниш йўлидаги бир интилиш эканлиги шубҳасизdir. Зоро, китобда қалашиб ташланган “жумбоқ”-ларни тушунишга, чинакамигаadolатли ҳаёт учун қўли етган қўнғироқлардангина бонг ураётган инсонни тушунишга муайян ишоралар мавжуд.

“Отойининг туғилган йили” қиссаси гўё тўсатдан пайдо бўлдию фавқулодда дикқатни жалб этди. Бунинг боиси, аввало адабиётимизга ўзига хос услубнинг (агар Бюффоннинг: “Услуб – одам демакдир”, фикрини назарда тутилса, албаттa) кириб келаётганида, аксарият ёш ҳам тажрибали ёзувчиларимизда етишмаётган дадилликнинг ни-

ҳоят пайдо бўлаётганида эмасмикин? Ёзувчи бош қаҳрамони тимсолида ана шу дадиллик билан бугунги ҳаёти-мизда авж олаёттан салбий ҳодисаларга қарши чиқади.

Қисса қаҳрамони – студент Асқар ҳаётда кўп ҳам учраб туравермайдиган (айниқса, сўнгги пайтларда) беттачоътар, бирон кимса билан мулоқотда бўлган заҳоти унга “кўзгу” тутадиган, яъни унинг қандай одамлиги, у ҳақдаги фикри ва муносабатини шу ондаёқ бетига очиқ айтадиган қизиққон, саркаш йигит. Ноҳақлик, кўзбўямачилик, хушомад каби иллатларнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан ўз нафратини яширмайди, яширолмаи ди. Ноҳақликни кўра-била туриб, индамасликдан, юз хотирдан, андиша қилишдан орланади. Беш боласи билан хотинини уйдан ҳайдаб, бемаврид ёшлик шўхликларини қўмсаб қолган тоғасига, мол-мулкка ҳирс қўйган “севгилиси”га, илм оламида адашиб юриб, қандайдир йўллар билан қўлга киритилган илмий даражалари панасида олимлик даъво қилгувчи чаласавод домласига ҳақиқатни кескин, рўй-рост айтишдан тоймайди. Асарнинг равон, кутаринки кайфиятда ўқилиши, қочириқ ва кинояларга бой юмористик ифода усули, қолаверса, бир-бири билан эгизак турли асарлардаги схематик қаҳрамонлар ҳақида қайта-қайта ўқийвериш меъдасига теккан китобхон учун бу характеристер тамомила янгича бўлиб туюлади. Бироқ, мазкур ҳодиса моҳиятига ўз шахсимиздан келиб чиқиб, ёндашсак-чи? Умуман, биз бундай шахсни тушуна оламиزمи? Ҳаётда шундай кишига дуч келсак, уни беғараз қабул қила олармидик? У танлаган усулга қўшилиш қийин, албатта, чунки инсон табиатига кўра хилма-хилдир, аммо ҳеч бўлмаса қалбдан бундай кишиларга хайриҳоҳмизми? Қийин гап! Ахир, мурғаклигимиздан бошлаб, онгимизга ҳақиқат, адолат тушунчалари муттасил сингдириб борилган-ку?! Бу яна қандай жумбоқ бўлди? Бизнинг олий ақидаларимиз тантанаси бу хилдаги жумбоқларни олтмиш йил муқаддам ечиб ташламаганими?! Нега бугунги кунга келиб, ўша, ҳал қилинган жумбоқларни яна қайта ечишга, бир неча ўн йиллар аввал одатий бўлган характеристлар, шахсларни янгичадек қабул қилишга, ўзига хос характеристер, дея талқин этишга тўғри келмоқда? Биз, ўша

адолатпеша авлодларнинг қонуний меросхўрлари эмас-
мизми?! Нега ўзаро ҳалоллик асосига қурилган меҳр-
оқибат, бир-биrimизнинг тақдиримизга, келажагимизга
холис жонкуярлик туйгуларида сусайиш пайдо бўлаётир
(бу масала, айниқса, “Жиян” ҳикоясида тобора емири-
либ бораётган инсоний муносабатларга нисбатан катта
ташвиш билан қаламга олинган). Нечун бепарволик, ло-
қайдлик касали бемалол томир отмоқда? Нима учун олий
илем даргоҳларида тирговичлilar кўпайиб, шахсий ман-
фаат ғаразида юрганлар унвон зинапояларидан бемалол
кўтарилимоқда? Ёзувчи ўз қаҳрамони ҳаракатлари орқали
ўқувчини ҳаловат тилагида иллатлардан кўз юммаслий-
ка, аксинча, ўз вақтида кўзни каттароқ очиб, қатъий,
муросасиз курашга чорлади.

Балки кимdir, ҳакиқат йўлидаги саркашлиқ, бетга-
чопарлик – бу ҳали нуқсонларга қарши кураш усули эмас,
дэя эътиroz билдириши мумкин. Шу муносабат билан
машхур, “Автомобилдан сақланинг” фильмининг қаҳра-
мони Юрий Деточкин, “Сўроқ” фильми қаҳрамони Сай-
фи кабилар ёдга келади. Улар нуқсонларга, ноҳақликка
қарши курашда файриқонуний йўл тутадилар. Эркин Аъза-
мов қаҳрамони ҳам охирги пайтларда “андишасизлик” деб,
сунъий равишда муомала маданиятидан чиқариб ташла-
наётган, ҳакиқатни кескин, очиқ қилиб бетга айтиш прин-
ципини тутади. Амалий чора кўришдан ожиз экан, тубан
иллатларга қарши ўз нафратини тап тортмай, дадил айта
олиш ҳам бутунги кунда ноёб жасорат, маънавий ахло-
қий поклик учун курашнинг ўзига хос бир тури бўлиб
қолмоқда. Аксинча, ҳар қандай нуқсон ва ноҳақликдан
кўз юмиш охир-оқибатда маънавий қашшоқликка сабаб
бўлади. Бундай беозор душманликдан кўра, жиддий ўзга-
ришлар ясамаса ҳам, ҳаққоний гапни очиқ айтиб, шак-
коклик, саркашлиқ йўли билан курашмоқ афзал. Ҳар қалай,
бу хил одамлар лоқайд бўлмайдилар. Шу ўринда Л.Толс-
тойнинг умр бўйи қатъий амал қилиб, қайта-қайта таъ-
кидлагани – қуйидаги фикрни эсламоқ жоиз: “Ҳалол яша-
моқ учун интилиш, янглишиш, уришиш, хато қилиш,
бошлаш ва инкор этиш, қайтадан бошлаб, яна қайта ин-
кор этиш, мангу курашмоқ ҳамда воз кеча билмоқ керак.

Хотиржамлик ботинан қабиҳликдир". Ана шундай мулодазалардан келиб чиқылса, ёш адид бир персонажи тилидан: "Бунақалар керак, ох, күп керак!", деге ҳайқирганида тамомила ҳақдир. Бу хитобга жавобан минглаб товушлар қўшилишини истайсан. Бинобарин, миллионларнинг эътиқоди ана шундай акс-садони тақозо этади.

Ўз навбатида, мазкур қисса муваффақиятини таъмин этган яна бир жиҳатни айтиб ўтиш зарур. Бу – реалистик методнинг ҳаётйлик асосларини янада чуқурлаштириш ниятида, қаламга олинаётган ҳодисани моҳият эътибори билан бадиий тадқиқ этиш принципига муаллифнинг имкон қадар амал қила билганилигida кўринади. Умуман, яратувчилик фаолиятининг энг муҳим қирраларидан бири шундаки, ёзувчи ҳодисаларнинг ҳамма учун аён бўлган ташқи белгиларини бадиий образли тасвир этиш билан гина чекланиб қолмасдан, балки ҳодиса моҳияти, ички боғланишлари оқибат сабабиятини ҳам синчков, оқилона нигоҳ билан оча боришга интилади. Айиқса, реалист ёзувчи учун ҳар бир асарда тадқиқотчилик табиатини на-моён қила билиш муҳим шартдир. Мана шу хусусиятдан маҳрум асар воқеликнинг бадиий нусхаси, образли ифодасигина бўлиб қолаверади.

Аммо бу "Отойининг туғилган йили" қиссаси ҳар қандай камчиликлардан холи, дегани эмас, албатта. Биринчи навбатда қисса композицион жиҳатдан мукаммал эмаслигини айтиш лозим. Асарнинг проблематик характеристи ва ифода тарзи муаллиф эътиборидан бошқа жиҳатларни бирмунча узоқлаштириб кўйган. Қаҳрамон бошидан кечган воқеалар, тасодифлар ўз ҳолича тарқоқ. Уларни фақат асосий қаҳрамон иштирокигина боғлаб туради. Ички, мантикий боғланишлар заиф. Ёзувчи ўзини ташвишга солаёттан кўпгина масалаларни баъзан ғоят қабариқ образларда ўргага ташлашга эришади, аммо бу муаммоларни кўпинча бир-бирига алоқасиз, алоҳида-алоҳида воқеалар тарзида ифодалаш охир-оқибатда воқеалар ривожидаги изчиликни йўқотади.

Эркин Аъзамов ижодда эпик кўламдан кўра, сиқиқроқ формаларда фикрни ифодалашга, "бутун бошли воқеага teng деталлар" (Вл. Новиков) орқали иш кўришга мойил ёзувчидир. Бош қаҳрамон билан юз беряётган де-

ярли ҳар бир воқеа муайян тугалликка эга. Асардаги персонажлар фақат маълум воқеадагина қатнашадилар. Уларнинг ҳар бири ўз қараашлари, фикрлаш ва яшаш тарзи, ўз характери билан ажратиб гавдалантирилади. Гарчи ҳар бир воқеа, ҳар бир персонаж, маълум даражада асосий қаҳрамон характерини кўрсатишга ҳатто бўрттиришга, унинг бирор қиррасини очиб беришга хизмат қиласа-да, узвий бирлик касб этмайди. Воқеликдан алоҳида-алоҳида олинган ҳаётий парчалардек таассурот уйғотади. Бу хусусият бевосита ҳикоячиликдан орттирилган тажриба ва кўникманинг натижаси, албатта. Ёзувчининг эпик жанрдаги изланишлари эса ҳали давом этади...

Ёш адиднинг кичик жанрдаги энг катта ютуғи шундаки, у ҳикояларида жанр талаби ва имкониятларини ҳар томонлама чукур ўзлаштириб, шу мезон асосида foявийбадиий мақсадни тұла амалга ошира билиш хислатини намоён этган. Тўпламдаги “Совуқ”, “Жиян”, “Остона” каби ҳикоялар фикримиз далилидир. Айниқса, “Совуқ” ҳикояси ўқувчи қалбини титроққа сола оладиган даражада тиниқ ва татьсирли. Муаллиф ҳикояни бошлашдан аввал ёш шоира Кутлибека Раҳимбоева шеъридан икки мисра келтиради ҳамда ана шу танланган эпиграфдаёқ, китобхонга ҳаётий бир лавҳа воситасида ўзи айтажак муҳим фикрга, изтиробли дард изҳорига тайёрлай олади.

Ҳаётда турмуш “кулайлик”ларига эришишнинг уддасидан чиқа олмаган Ўрмонов учун қиши, аёз табиатнинг энг даҳшатли шафқатсизлиги. Совуқ деган сўзни эшитса, бутун вужудида оғриқ туради. Шундай кезларда унинг ягона орзузи иссиққина хона. Нима қылсинки, бўшлиги, кўнгилчанлиги доим панд беради. Шу боис хотини унга “лапашант” деган лақабни тақади. Қизчаси борлигига қарамай, турмушлари бузилади, аникроғи, у оиласини ташлаб чиқиб кетади. Ўша интиқ орзузи – иссиққина хонадан, иссиқликдан маҳрум бўлади. У кўнгилчанлик, раҳмдиллиги эвазига арзимас эса-да, қандайдир рағбатга сазовор бўлишига ишонади. Ўзига ажратилган янги квартирани яқиндагина ишга келган хизматдошига беришларини сўрайди. Ўзи ижарага олинган совуқ уйда ҳар қанча азобланса ҳам, инсоф юзасидан, ўша касбдошига уй зарур-

роқ деб билади, қонуний ҳаққидан воз кечади. Унингча, таклиф этишлари муқаррар деб билгани, ўша хизматдошигининг уй тўйида қаҳратон ташвишидан бир соатта бўлса ҳам кутулиб, яйраб ўтириш хаёли совуқдан жунжиккан баданига илиқлик бахш этаётган ягона илинж, айни замонда улкан олижаноблик эвазига етарли мукофотdir.

Бироқ, ўша хизматдоши “соглом коллектив” иштирок этадиган “уй тўйида” битта сўққабошнинг бўлишини ножоиз деб топади. Худди мана шу лавҳада акс этган юксак инсонийликка жавобан кўрсатилган раҳмсиз муносабат китобхон қалбини ларзага келтириб, ғоя салмоғини, таъсирини кучайтиради. Гарчи ҳикояда воқеа табиатнинг муайян кўриниши билан қаҳрамон ҳолати ўртасидаги муқояса фонида ривожланиб борса-да, пировард мақсад табиий совуқлик эмас, балки инсоний муносабатлар ўртасидаги совуқлик, қалблар совуқлиги ҳақидаги ташвишили ўйларга қаратилган. Гёё муаллиф маълум табиий иқлим билан маънавий муносабатларни чоғиштиради ва табиатнинг аёвсиз таъсиридан кўра, инсонлар ўртасидаги эътиборсиз совуқ муносабат даҳшатли ҳам ҳалокатлироқ, деган хulosага келади. Бу фикр ҳикоя сўнгига, күёш чараклаб турган баҳор иссигида улкан бир шаҳардаги улкан бир бино деразаси олдида... “қалт-қалт титраётган” қаҳрамон тасвири эпизодида яна ҳам ойдинлашади.

Инсонийлик, меҳр, оқибат масалаларига бағишлиланган яна бир ҳикоя – “Жиян”да муаллиф қаҳрамон аҳвол-руҳиятидаги ички қарама-қаршилик, яъни турмуш икирчикирлари билан одамийлик туйғулари ўртасидаги зиддиятни ёритишга интилади.

“Вақтинча ҳар қанча ошна-оғайнигарчилигу майдачуйдаларнинг баҳридан ўтиб”, илмий раҳбарининг қўшимча боб хусусидаги “сертаҳдид ўтилари”ни ўйлаб бораётган аспирант Даврон Бўроновнинг кўзи ногаҳон автобус ойнасидан бекат чеккасида қўлида чамадони билан атрофга ҳайрон ва ғарифона мўлтираб турган қизчага – жиянига тушадию, саросималаниб қолади. Нима қилиш керак – автобусдан тушиб унинг олдига борса, тез орада ёзиб топширилиши лозим бўлган қўшимча боб учун ажратилган вақт жиянини институтга жойлаш ташвишига кетади. Агар

“у эмас” дея ўзига таскин беріб, юзини шартта ўтирганча ўтиб кетса, бу машмашадан қутулади-қүяди, шундай қилади ҳам. Аммо қандайдыр ички бир күч тинчини тамомила ўғирлайды. Шахсий манфаат, худбинлик, ҳаловат ҳисси билан инсонийлик түйгүлари ўртасида кескин кураш бошланади. Ички зиддият “құшимча боб” ҳақида ўйлашга мутлақо имкон бермайды. Ҳар қалай, одамийлик ҳисси устун келиб, жиянини излаб кетишга мажбур эта-ди. Уни тополмай қайттагач эса худбинлиги учун вижданан азобланади, эзилади.

Оддий бир воқеа, табиий бир ҳолат. Лекин шу воқеа орқали ёзувчи айтаётган фикр – турмуш икир-чикирлари кўпинча инсоннинг Энг асосий фазилатларидан, инсонлик моҳиятидан устун келиб қолаётгани, ҳатто баъзан маънавият ва меҳр туйғусининг емирилишига сабаб бўлаётганлиги ҳақидаги ташвишли мулоҳаза бугунги кун учун фоят муҳимdir.

Умуман, Эркин Аъзамов ижодида, ҳар бир истеъодоли адибда бўлганидек, фикр вазни, фоя салмоғи белгиловчи омил. Ёзувчининг бугунги кун муаммолари билан ёниб яшаёттани, жуда муҳим маънавий масалалардан баҳс очиб, эҳтирос билан қалам тебратгаётгани, унинг китобхон эътиборидаги ўринини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.

1982 ишл

Софинч...

Ҳазрат Навоий “Хазойин ул-маоний” чор девонлари-ни тартиблаб, умр фаслларига қиёсан бари ашъорларини тақсим этар эканлар “хазон сипоҳи” хуруж қилгувчи паллани қирқ бешдан олтмиш ва ундан зиёдасига қадар белгилаб, бунинг нисбатини “фавойид”, яъни фойдалар деб атаганларида қанчалар теран бир ҳикмат бор эканини, назаримда, энди-энди англаёттандекман. Англаган нарсангни тўла ҳис қилишинг ёки ҳис этганингни буткул англашинг учун маълум бир тажриба тўпланмоғи, умр ўтмоғи керак экан бандасига. Балки айнан шу англа-нимни юрагимда ҳис этганим боисдир бот-бот қалбимга

соғинч деган түйғу қуйилиб келаверади. Йўқ, бу соғинч-нинг кечаги кунлардаги онгу шууримизга зил-замбил бўлиб, рутубат солган ижтимоий-маънавий тобелик ис-канжасидаги кечмишларга ҳеч бир алоқаси йўқ. Бу соғинч шу кўхна юмалоқ заминда яшаётган ҳар кимсанинг болалик, ўспиринлик ва ёшилик завқу шавқлари билан тўлган энг ёруғ түйғулари соғинчи...

Менинг хаёлпарамст юонон донишмандига ўхшаб, дунёнинг таянч нуқтасини кўрсатинг, мен уни чаппа Қилвораман дея ҳаволаниб юрган чорак асрча аввалги ҳаётимга, унданги ҳозир ҳатто санашга журъатим етавермайдиган адабий қаҳрамонлар қаторига кутгилмагандан Асқар Шодибеков исмли йигитча ҳам келиб қўшилди. Қувноқ, саркаш, шартаки бу йигитча талабалик йилларимизнинг энг замонавий қаҳрамони бўлиб, бадий асаддан тўғри ҳеч бир истиҳоласиз ҳаётимизга кириб келди. Ваҳоланки, ўша кезлар адабий асар учун ҳаётдан қаҳрамон излаш, аникроғи, кўчириш тамойили ижоднинг асоси бўлиши керак, деган ақида етакчи бўлиб турган эди. Бу “замонавий қаҳрамон” Эркин Аъзамовнинг “Отойининг туғилган йили” қиссаси орқали талабалар дунёсига кирган Асқар Шодибеков эди. Билмадим, адабиётда нукул “идеал ижобий образ бўлиши керак” дея миямизга қуйилаверган назарий пўпанакларни парчалаб пайдо бўлган бу “тўпалончи” бола шунчаки бир қувноқ қисса билан умрини тутгаттани йўқдек туюлади менга. Мен уни кейинроқ “Жайдарининг анойи олмаси” ҳикоясида, яна бир оз ўтиб “Пиёда” ҳикоясида кўргандай бўлдим. Эркин Аъзам қиссада бир хайриҳоҳ персонажи тилидан Асқарлар ҳаётда осон яшаб кетмаслигини уқтирас экан, бу билан ўзининг ҳам инсон, ҳам ижодкор сифатида ўз қаҳрамонига бепарво қола билмаслигини таъкидлагандек эди. Ана шу ҳамдард – ҳамнишинлик ҳосиласи бўлиб зикр эттанимиз ҳикоялар майдонга келди. Уларда гоҳ “Чантри-мор-э!” дея ҳайқириб юрган Рамазон, гоҳ бувисининг маънавий бисотини авайлаб, ота-онасию шаҳарлик олифта бўлиб кетган укасига бегона Бердивой қиёфаларида Асқарнинг руҳий тадрижини кузатиш мумкин.

Дунёни меҳру оқибатлик, инсонни маънан тўқис кўтар-миканман дея ўзига хос бир усулларда курашиб юрган

йигитча, назаримда, охир-пировард муродига етолмай, бу дунёлигидан воз кечиб, ўз жонига қасд қылган ўрта ёшли Нуридин Элчиевга айланғандек туюлади. Ҳаёт тадрижига күра, “Отойининг туғилған йили” қиссасидаги Асқардан то “Жавоб” қиссасидаги Элчиевгача мантиқан боғлиқлик-да тасаввур этиладиган жараённи күз олдингизга келтир-сангиз, оддий бир инсоннинг шахс сифатида шакллана бошлаб, дунёнинг, одам зотининг турфа найрангларини кўравериб, охир безган ва руҳий тушкунликка, таназзулга учраган ягона, яхлит тақдирини кўрган, кузатгандек бўла-сиз. Мен дастлаб “Жавоб” қиссасини ўқиб, ундан қаттиқ мутаассир бўлиб юрган кезларимда беихтиёр шундай му-лоҳазаларга борган эдим. Табиати зоҳирان бир-бирига мут-лақ зид бўлган Асқар... ва Элчиевда ниҳоятда яқин ўхшаш-лик ва ҳатто ёш – йиллар ўлчови билан ажратилған яхлит бир инсон – адабий қаҳрамонни кўрган эдим. Шу мулоҳа-залар орадан ўн беш йиллар чамаси вақт ўтиб, яна хаёлда тикланаятики, демак, янглишмаганман, шекилли. Балки бошлаб маъюс эслаганим – кўмсаганим соғинч шудир. Ўша қайноқ палилалар қонимни гоҳ қизитиб, гоҳ совитиб фик-ру мушоҳадага унданған, ҳаловатни унугтиб, руҳимда талотўп ҳукм сурган дамлар соғинчимикан мен ўйлаган ҳодиса. Билмадим, билмадим... бугун ҳаммамиз бир-бириմизга ўхшаб қолаётгандекмиз. Дунё ғарази барчамизни бирдек қилиб қўяётгандек гўё. Балки шу учун ёшлик соғинч бўла-ётгандир, ёшлик армон бўлаётгандир...

Шу мақолача баҳона Эркин Аъзам ҳақида аввал ёзган барча битикларимни излаб, баъзиларини топдим – илк мақолам 1983 йил “Ёшлик” журналининг 1-сонида босил-ған экан. Қизик, ҳаволанибми, ё баландпарвоз гаплар ўша кезларда адабий таомилдамиди ёки... балки самимиятми-кан, мақолани “Бош мезон – маънавият” деб номлаган эканман... Сўнгтисига эса “Соғинч” деб сарлавҳа қўйдим... Кейингиси маънавият соғинчи бўлишини истамаган бўлар-дим. Чунки маънавият ҳамиша воқе бўлиши шарт!

Қизик, яна бир лирик чекиниш. Шу мақолачада айтган гапларни 80-йиллар адогида катта мақола, балки, кўлим-дан келса, рисола қилиб ёзаман деб роса ақдли назарий кўчирмалар тўплаган эканман. Шулардан биринчисини


үқилему, ундағы фикрға амал қилолмай бошқа йўл тутолмадим. Шоир К.Батюшков ёзған әкан: “... Қандай ёссанг, шундай яша ва қандай яшаёттан бўлсанг, шундай ёз. Бўлмаса қалб тўлқинларингни бари садоси соҳта бўлади”.

2000 йил

Шундан бери ўтган йиллар ичи Эркин ака яна қатор ҳикоялар, қиссалар, киноқиссалар, пьеса ва фикралар яратди. Асарлари киноэкранларга, Миллий театр саҳнасига кўчди. Катта ижодкор, катта санъаткор ижодкор бўлиб камол касб этди. Бугун у ҳақида жаҳон адабиётига менгзаб, катта мезонлар билан фикр юритиш, тафаккурнинг не-не хилқатларига кириб, таҳлилу талқинлар қилиш мумкин. Бунга унинг бутун ижоди, қарийб қирқ йиллик битиклари тўла асос беради. Ишонаманки, бу битиклар дунё адабиётига адабнинг ўз сўзи, услуби, ўз кўрими, дарди ўлароқ қўшилиб кетади. Шуни исбот этаман деб бизнинг ҳам жўяли бир сўз айтмоққа чоғимиз келолса бўлгани. Катта санъаткор ижодкорга ярашиғлик катта гаплар олдинда. Ҳозирча борига қаноат...

2008 йил

ХАЙРАТ ТАВАЖЖУХЛАРИ



ҚИСМАТ

(Баҳодир Йўлдошевнинг инсоний ва ижодий портретига чизгилар)

I

Қирра бурун, жингалак соч, йигирма саккиз ёшли жиккак йигит Ўзбекистоннинг бош театри – Ҳамзаномидаги Ўзбек Давлат академик драма театрига бош режиссёр этиб тайинланганида, кўпчилик бу ҳодисани анчайин истеҳзо билан қабул қилган эди. Маннон Уйғур, Етим Бобоҷонов, Аброр Ҳидоятов, Обид Жалилов, Лутфулла Нарзуллаев, Тошхўжа Хўжаевлар ишлаган театрга, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Сайфиқори Олимов, Аминъон Турдиев, Кудрат Хўжаев, Зайнаб Садриева, Тошхон Султонова, Замира Ҳидоятова, Холида Хўжаева, Александр Гинзбурглар ишлаб турган театрга ёш йигитчанинг бош режиссёр бўлиб етакчилик қилиши бу – ўзбек театр оламида фавқулодда бир ҳодиса эди. Аммо бу ҳол ҳар қанча истеҳзо ва ҳайрат уйғотмасин, барибир рўй берган, реал ҳолат эди. Тақдирнинг тасодифини кўрингки, ўша жингалак соч жиккак йигитчанинг номи бежиз Баҳодир деб қўйилмаган экан...

Иккинги жаҳон уруши адодига етмасдан бир неча ой бурун яраланиб, демобилизация қилинган Турсунбой Йўлдошев Каттақўргонга – оиласи бағрига қайтди. Самарқандда туғилиб, тақдир тақозоси билан Бухорога бориб қолган йигит, шу ерда Абдурауф Фитрат, Файзула Хўжаевлар асос солган мусиқа билим юртида ўқиб, яхши со занда бўлиб етишди, театрда ишлади. 20–30- йиллари Республикаизда театрчилик ҳаракатлари ниҳоятда қизғин паллада эди. Ҳатто чекка туман ва маҳаллаларда ҳаваскорлик труппалари тузилар, ҳавасманд ёш йигит-қизларнинг

иштиёқи баланд, истеъдодлилари халқ театрларидан профессионал труппаларга қушилиб кетар эдилар. Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида туғилиб-ўсиб, ҳаваскорлик труппасида кичик роллар ўйнаб юрган Ширинхон Мелиева билан Турсунбой Йўлдошевни тақдир театрда топиштириди. Улар турмуш қургач, биргалашиб Абдулҳамид Мажидий асос солган Каттакўрғон давлат театрида ишлай бошладилар. Ширинхон катта-кичик ролларда ўйнаб, Турсунбой эса асосан труппа созандаларига етакчилик қилиб, аста-секин ўз рўзгорларини йўлга қўйдилар.

Худойим ўғил фарзанд бериб, ёш оиласнинг баҳтини зиёда қилган бир паллада машғум уруш бошланди. Турсунбой ҳам “кўпга келган тўй экан” деб, эл қатори урушга отланди. Урушга кузатар чоғи Ширинхон қўлидаги гўдак касалга чалиниб, кўп ўтмай нобуд бўлди. Эрини урушга, фарзандини қаро ерга берган она аламу андухини иш билан енгди. Уруш даври талабига кўра бадиий ташвиқот бригадасига айлантирилган труппа билан ҳар ерда спектакллар ўйнаб, концертлар қўйиб, атроф-аҳолига руҳий мадад бериб юрди. Фулом Зафарийнинг “Ҳалима”, Ҳамза Ҳакимзоданинг “Майсарапанинг иши”, “Холисхон”, Зиннат Фатхуллиннинг “Фунчалар”, И.Акромовнинг “Адолат” каби пьесалари асосидаги спектаклларда бош ролларни ўйнади, айримларига режиссёрлик ҳам қилди. Урушнинг энг оғир йиллари ортда қолиб, умид ва ишонч ниш ура бошлаган бир паллада Турсунбой урушдан қайтиб, оила бутун бўлди. Вақти-соати етиб, кузнинг дастлабки кунларида худойим бу оиласга яна ўғил фарзанд ато этди. Бу кун 1945 йилнинг 7 сентябри эди. Урушнинг бор даҳшатларини ўз танасида ҳис қилиб, қон кечиб келган Турсунбой ака ғалаба нашидасидан сурурланиб, ўғлига Баҳодир дея исм қўйди.

Бирор адабиёт ёки санъат арбобининг, илм-фан фидойисининг юбилей санаси нишонланса, туғилганига фалон йил, ижоди ёки бошқа фаолиятига йигирма йил олиб ташланиб, фалон йил тўлиши муносабати билан дея таъкидлаш одат тусига кирган. Чунки чиндан ҳам росмана ижодий ёки илмий фаолият инсоннинг балогат палласи – йигирма ўшлардан бошланади. Баҳодир Йўлдошевга эса бундай таъриф бериб бўлмайди. У бу ёруғ дунёда неча

йил яшаётган бўлса, шунча йилдан бери ҳаёти театр билан боғлиқ. Туғилибдики, театрда кўкрак эмиб, театрда тетапоя бўлиб, театрда улғайди. Айниқса, уч ёшга тўлар-тўлмас онаси Ширин Мелиева Каттакўрғон театрига директор этиб тайинлангач, ётари ҳам, турари ҳам театр бўлиб қолди. Секин-аста ёш болалар образи бўлган спектаклларда роллар ижро эта бошлади.

Ўша кезлар Зиннат Фатхуллининг “Фунчалар” пьесаси Ўзбекистоннинг кўпгина театрларида қўйилган эди. Шу асарда персонажлардан бири гўдагини қутига ташлаб кетади. Каттакўрғон театрдаги спектаклда ана шу “ташландик бола” Баҳодир Йўлдошев эди. У саҳнага ўз оёғи билан юриб эмас, қўлда кўтариб олиб чиқилар ва шу алпозда олиб кирилар эди... Тақдир деганлари шу бўлса керак-да!..

Унинг илк “режиссёрги” ҳам болалигига бошланган. Беш-олти ёшларида жажжи томошалар қўйганини Баҳодир аканинг ўзи ҳикоя қилган эди. Аммо унинг росмана режиссура ва актёрлик билан шуғулланиши еттинчи синфларда ўқиб юрган пайтларига тўғри келади. Каттакўрғон шаҳар «Маданият уйи» қошида очилган театр студиясида илк бор Михаил Леръмонтовнинг “Маскарад” шеърий драмасини қўяди. Ўспирин қўнгилни илк муҳаббат туйгулари қитиқлаган паллада бундай фожеий ишқий-романтик асарларга мурожаат этиши табиий ҳол. Аммо аксарият қалб түғёнларига малҳам каби суртадиган бундай асарларни ўқиб ўта таъсирланса, ёдлаб кифояланади. Баҳодир эса уни ҳаваскорлик саҳнасига олиб чиқиб, типик қиёфаларда жонлантириш орқали ўз ҳиссиётлар пўртanasини намойиш этади. Санъаткорга ижодий етукроқ даврида бадиий ифода имкониятларини аён этиши мумкин бўлган бу тажриба гарчи ўспирин ва ҳаваскор паллада бўлса ҳам Баҳодирга журъат бағишлигар экан, демак, айтиш мумкинки, уни келгусида ўзбек театрининг, ўзбек театр режиссёргининг дарфасига айлантирган бу куч-кудрат ҳаками олий пешанасига ибтиододаёқ битган қисмат эди.

Ўша кезлар Баҳодирнинг “Маскарад”дан кейин фикри-хаёлини банд этган ва сўнгра бутун умри давоми тарк этмаган асар бу – Шекспирнинг “Гамлет” трагедияси бўлди. Орадан чамаси қирқ йилча вақт ўтиб, ўспирин Баҳодир

соқоллари мош-гуручга айланиб, Баҳодир Йўлдешев бўлган бир паллада “Гамлет”га садоқатини шундай и фода этган эди: “Ҳамлет – менинг дўстим. Мен ҳар тонг унинг ёди билан уйғонаман, у билан бирга дунёдан нафратланаман ва у билан бирга шу дунёни севаман” (“Дунё наҳот шунчалар гўзал”. Н.Каримов билан сұхбат. “Тафаккур” журнали, 1995 й. №1 62-б.). Ширин Мелиева табиатан ҳукмфармо, иродали, мустақил аёл, Каттақўрғонда ўз ўрни, ўз сўзи бор раҳбарлардан, театрда эса қаҳри билан ҳам, меҳри билан ҳам бутун жамоани бир сафда ушлаган “генерал” эди. Та-бийики, “генерал”нинг ягона ўғли шаҳарчанинг ҳам ягонаси – саркаш, бўйсунмас шаҳзодасидек юрарди. Ақлининг тийраклиги, билим-дунёқарашининг теранлиги, мушоҳадаларининг, хаёлотининг қамровлари ўспирин йигитчага ҳам фурур бағишилаган эди. Чамаси у Шекспирнинг даниялик шаҳзодаси билан шу жиҳатдан ҳам яқин, руҳан муштарак ҳолатда эди. Бироқ... бироқ ҳар қанча абадий дўст бўлмасин, бу дўстликни ҳадик ҳам бир умр тарк этмай келди. Баҳодир умр бўйи “Гамлет”ни саҳналаштиришни орзу қилиди, аммо унга ҳар сафар яқинлашганида, ўша ҳадик, хавотир уни тутиб қолаверди. У ўз шаҳзодалигидан йироқлашгани сари, Дания шаҳзодаси ҳам ундан узоқлашиб борди. Бора-бора юрак тафти сўниб, армонга айланди. Армон эса таскин истайди. Таскин “ақли” баҳоналардан туғилади... Бу ҳақда кейинроқ яна сўз айтилар.

Алалхусус, Гамлет ва шу каби мураккаб образлар дунёсида ўзлигини излаётган йигитча мактабни тугатиб, Тошкентта келади. Театр ва рассомчилик институтига ўқишига киради. Ўзбекистон халқ артисти Тошхўжа Хўжаевнинг қўлида беш йил сабоқ олади. Ўқиши билан бирга режиссёр ёрдамчиси бўлиб Ҳамза номидаги академик театр (ҳозирги Миллий академик театр)да ҳам ишлай бошлайди. Устозларининг “Олтин девор” (Т.Хўжаев), “Бухоро” (А.Гинзбург) спектаклларига асистентлик қиласи. 1970 йилдан эса, ўқишини битиргач, тўлақонли режиссёр бўлиб фаолият юритади. Шу кезлар академик театрнинг бош режиссёри бўлган А.О.Гинзбург “Сенинг завқу файратта тўлиқ ёшлигинг менинг тажрибаларим билан қўшилса, театр учун фойдали нимадир чиқар”, деган ишонч билан

унга мустақил ишлаш учун имконият яратади. Бундай бағри кенгликтан қувватланиб ёш режиссёр кетма-кет “Тарих тилга кирди” (Н.Сафаров, Зиё Сайд), “Нил минораси” (А.Дюма), “Ой тутилган тунда” (М.Карим), “Абу Райхон Беруний” (Уйгун), “Оқшомдан тушгача” (В.Розов) каби спектаклларни сақналаштириб, аста-секин зътироф топа бопплади. Унинг дадиллиги, билим ва салоҳиятини сезиб, 1974 йили не-не улувлар ишлаган ва ишлаб турган отахон театрга бош режиссёр этиб тайинлайдилар. Бу катта ишонч, аммо ҳалол меҳнат ва юксак истеъодод на мойиши билан қозонилган ишонч эди. Унинг дастлабки самараси Фридрих Шиллернинг “Қароқчилар” пьесаси асосидаги спектакль бўлди.

Бу спектакль ҳақида ўз даврида жуда кўп ёзилган, ҳозиргача мутахассис ва ҳатто мутахассис бўлмаган кишилар ҳам эслаб туришади. Чунки бу айни ўтган асрнинг 60-йиллар адоги 70-йиллар бошларида театрга кириб келган ниҳоятда умидли ва фоят талантли бутун бир авлоднинг дастурий спектакли эди.

Ноҳақлик дунёсига қарши исён кўтарган бош қаҳрамон Карл Моор озод бир мамлакат барпо этишни орзу қиласди. Бироқ юксак ниятларни номарғуб йўллар билан, талон-тарож, қароқчилик усуулари билан амалга ошириб бўлмайди. Ўз гуноҳларини инсоний хатти-ҳаракатлари билан ювмоққа чоғланган қаҳрамон охир-оқибат фожиага юз тугади.

Ўша йиллари Шўролар салтанати бутун дунёга таҳдид солиб, эрк ва озодлик фояларини бўғиб турган замонда исён руҳини, эркесварлик фояларини тарғиб этиш бу катта жасорат эди. Инчунун, кечагина бош режиссёр бўлган Баҳодир Йўлдошев ёки Республиkaning бош театрига қабул қилинган унга маслакдош ёш актёрлар учун бундай жасорат кечирилмаслиги ҳам мумкин эди. Ахир ўтган аср бошларида, қизил империя истиқлол фояларини қонга кўмиб турганида, ўз юргининг озодлиги учун, истибдод ҳукмронлигини ағдариб ташлаш учун “Португалия инқилоби”, “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилолчилари” каби рамзий маънодаги асарлари билан ҳалқни уйғотмоққа чоғланган Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат каби миллатпарвар аждодларимизнинг маънавий ва жисмоний тазийиқларга учраб,

маҳв этилгани сир эмас эди-ку! Мана шундай ижтимоий вазиятда “Қароқчилар”нинг саҳналаштирилиши бу катта ҳодиса эди. Қолаверса, Ёдгор Саъдиев, Эркин Комилов, Римма Аҳмедова, Ҳожикбар Нурматов, Сайдкомил Умаров, Дилбар Икромова каби қатор янги номлар илк бор шу спектаклда тўлақонли намоён бўлаётган, ўзларининг нурли истиқболи учун умид уйғотган эдилар.

“Қароқчилар”дан сўнг Баҳодир Йўлдошев ўн йил давомида Ҳамза театри ва хориж театр саҳналарида ўттизга яқин спектакллар кўйди. “Комиссия” (Ў.Умарбеков), “Мен Чилига ишонаман” (В.Чичиков), “Қалби олов” (Н.Мирошниченко), “Фариблар” (В.Дельмар), “Сахро тор” (А. Мухтор), “Ганг қизи” (Р.Тагор), “Тирик мурда” (А.Толстой), “Томоша давом этади” (З.Фатхуллин), “Истеҳком” (И.Султон), “Нодирабегим” (Туроб Тўла), “Абу Али ибн Сино” (Ўйғун), “13-раис” (О.Абдуллаин), “Гурунг” (М.Бобоев), “Бой ила хизматчи” (Ҳамза), “Юлдузли тунлар” (П.Қодиров), “Зебуннисо” (Ўйғун) кабилар узун рўйхатнинг бир қисми. Бу асарлар ўз вақтида турлича талқин ва баҳоларга сабаб бўлди. Эътироф этилди, инкор қилинди. Олқиш ва тазийкларга учради. Бироқ нима бўлганда ҳам ўзбек театр санъатининг, бош академик миллий театримизнинг мавқеи ва нуфузини сақлади. Бошқа театрлар учун ибрат ва ижодий маёқ вазифасини ўгади. Буларнинг ичida Б.Васильев асари асосидаги “Рўйхатларда йўқ” ва Сайд Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” пьесаси асосидаги спектаклларни алоҳида таъкидламоқ лозим.

Ҳозирда Ўзбекистон ҳалқ артисти Элёр Носировнинг актёр сифатида кашф этилиши ва эътироф топишида бу спектаклнинг ўрни бўлакча. Оригинал режиссёрлик талқини ва ижронинг пухталиги билан алоҳида эътибор топган бу спектакль учун Б.Йўлдошев атоқли режиссёр А.Попов номидаги иттифоқ мукофотига сазовор бўлган эди.

“Келинлар қўзғолони” спектакли энг “жанжал”ли, бир-бирига зид талқинлари билан қанча муҳокама-мунозараларга сабаб бўлиб, охир-оқибат ҳалқимизнинг бекиёс муҳаббат ва олқишларини қозониб, ўзбек театри тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллади, десак муболага бўлмас. Баҳодир Йўлдошевнинг ўз ибораси билан айтганда, унинг “беозор

безорилиги” бўлган бу спектакль миллий театр ҳаётида янги саҳифа очди. Беғубор кулгу, қўйма миллий образ ва топилмалар, бири биридан жонли ва пухта мизансаҳналар, бир нафас ҳам томошабинни бефарқ қолдирмайдиган ҳаракат ҳамда актёрлар ижросининг узлуксиз динамикаси “Келинлар қўзғолони” спектаклининг асосий фазилатлари эди. Ва яна энг муҳими барча иштирокчи актёрларнинг юксак ижро маҳорати ҳамда энг аввало, буюк актриса Зайнаб Садриеванинг саҳнадаги беназир етакчилик салоҳияти спектакль муваффақиятининг бош омили эди...

Афсуски, бу энди фақат тарих бўлиб, кишилар хотишасида ва видеотасмаларда қолди, холос.

Собиқ Шўролар тузуми даврида санъат мафкуравий қурол сифатида олий раҳбариятнинг доимий назарида ва исканжасида эди. Цензура ё ҳаёт ё мамот масаласини ҳал эттувчи нозир ва яна бир отряд қўғирчоқ “мутахассислар” – соёлом фикр ва ёруғ интилишларни бўғишга фатво тўқиб бергувчи ҳакамлар бўларди. Баҳодир ўн бир йил академик театрга бош режиссёрлик қилиб, не-не қалтис вазиятларга тушмади, кимлар билан олишиб-талашиб, ўз ҳақиқатларига ишонтиromoқи бўлди. Гоҳи келишиб, ён беришга мажбур бўлди, гоҳи масала ўта принципиал нуқталарга кўтарилганда, ҳеч нарсанинг мулоҳазасига бормай курашади. Унинг ҳар бир спектакли ўзига хос маънавий муҳорабалар учун мавзу эди. 1983 йили Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романни асосида шу номда спектакль қўйганида, темурийзода Заҳириддин Бобур сиймосини саҳнага олиб чиққани учун Марказқўм котибасининг қанчалар жазавага тушиб, спектаклни тақиқлагани ва бу асар Баҳодирнинг отахон театр саҳнасидаги сўнгти спектаклларидан бўлиб қолгани балки бугун кўпчиликка олис тарихдир.

Марказқўм “сопини ҳам ўзидан чиқариш”га одатланган эди. Ҳа-да, Баҳодир аканинг ўзи бир издиҳомда таъкидлаганидек, “60 кишилик театр труппасида доим 15 киши фаол ишлайди. Балога қоладиган ҳам шулар”. Қолганлари эса кузатувчи. Вақт ўтган сари кузатувчилик аламга айланса боради. Ана шунаقا аламзадаларга озгина туртки берилса бас – фийбат билан бошланган норозилик даҳанаки жанг, фитна ва оммавий хатбозликлар билан авж

нуқтасига күтарилади. “Юқори”га ҳам бўйсунмас, саркаш бош режиссердан қутилиш учун шунинг ўзи кифоя. Дарҳол расмий-сиёсий тус бериб, масалани фирмә йигилишига қўйиб, ҳал қилиб ташлайди. Мамлакатнинг бутун бир санъати тақдиди билан боғлиқ масала шу қадар жўн ва ақлсизлик билан ҳал этилаётганини ўйлаб ўтириш йўқ. Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам. Труппадаги тинимсиз зиддиятлар авжланиб, маънавий муҳитнинг кескин бузилиши, фийбату фитна-фасоднинг Республика матбуотига чиқиб театр юзидан парда кўтарилган бир вазиятда Б.Йўлдошевга театрни тарк этишдан бошқа бир имконият берилмади. Ва у фирмә мажлисига тупурганича, театрнинг марказий дарвозаларини бор бўйи очдириб, залвор ва маҳобат билан театрдан чиқиб кетди. Бу кетиш ўзбек санъати тарихидаги энг узоқ кетишлардан бўлди. Қарийб чорак асрлик узилиш эди бу...

1983 йилда Ҳамза театридан Баҳодир Йўлдошевнинг кетиши ва унинг ортидан Г.Бrim ҳам яна 25 таникли актёрларнинг ҳам кетиши бу академик театр труппасининг иккига бўлинишигина эмас эди. Айни чоғда ўзбек театр санъатининг путурдан кетиши, таназзул томон илк қадами эди. Чунки Ҳамза театри Ўзбекистон театрларининг маънавий етакчиси, ижодий барометри эди. Ижодий мезонлар белгиланганда, мазкур театрнинг спектакллар савиёси ва ижро усуллари ҳамда услублари назарда тутилар, уларга тахассусб қилинар, ҳамиша юксак мақомда кўрилар эди. Бирданига шуларнинг барчаси дарз кетди. Дарз кетган нарса эса, уни ҳар қанча чегаламанг, бориб-бориб эътиборсиз бир нарса бўлиб четта чиқиб кетади.

Ўзбек театр санъати шундай қисматга онгли равишда дучор этилди...

Қизиқ, мана шу қисмат учун ҳам Баҳодир масъулиятни ўз зиммасига олади. Ўз-ўзини айбдор ҳис қиласиди. “Бош режиссер бу емиш, парча гўшт. У ўз актёрларини ё енгиб яшashi керак ё емиш бўлиб қолиши керак.

Вақт ўтиб биляпман – Ҳамза театрида мен айбдор эдим. Охиригача бош режиссер бўлиб қололмадим. Кесмадим. Бош режиссернинг оддий режиссердан фарқи – у шафқатсиз бўлиши керак экан.”

Баҳодир бош режиссёрлик рутбаси ва масъулиятини теранроқ англаб, шу мавқеда янгидан иш бошлаганида, яна не-не фитна ва хиёнатларга дуч келишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Аммо энди бу бўлак бир тарих...

II

Баҳодир Йўлдошев 1984 йили Ҳамза номидаги академик театрнинг аввалги биносида фаолият юритаётган «Ёш гвардия» номли театрга бош режиссёр этиб тайинланганида, қарийб йигирма йиллик тарихга эга, ўз йўли ва ўз йўналишини белгилаб олган, дурустгина режиссёrlарни курган ва айни чоғда ёш умидли Наби Абдураҳмонов режиссёрлик қилаётган, Ширин Азизова, Мурод Ражабов, Ноила Тошкенбоева, Тожибой Норматов, Азида Бегматова, Фарҳод Аминов, Доно Бобохонова, Мадина Усмонова, Мухаббат Абдуллаева, Файбулла Ҳожиев, Рустам Каримов, Малика Иброҳимова каби бақувват актёрлар гуруҳи йигилган жамоага етакчи бўлаётганини яхши билар эди. Билар эди-ю, аммо бу унинг театри эмас эканлигини ҳам қалбининг туб-тубида ҳис қиласар, “нима қилмоқ керак?” деган абадий машъум савол яна кўндаланг бўлишини тушунар эди. Бироқ, не бўлмасин, ҳар қандай театрнинг бор-йўқлигини, ҳар қанча қувфинга учраган режиссёрнинг ҳақлигини исботлаш воситаси бу аввало ва асосан спектаклдир. У шуни яхши англағани учун ҳам парда орти “ўйинлари”га қўл силтаб, бирин-кетин А.Иброҳимовнинг “Чакана савдо”, А.Гельманнинг “Зенуля”, “Саркафаг” пьесаларини, Ҳ.Ҳакимзоданинг “Майсарапининг иши” асарини завқу шавқ билан саҳналаштириди. Унинг янги театрга ўтиб, ўзини тўлақонли намоён этган илк спектакли “Майсарапининг иши” бўлди, десак хато бўлмас. Чунки бу спектаклнинг ижодий тақдирни ҳам том маънода “Баҳодирона” кечган эди.

Режиссёр халқ театр анъаналарини Оврўпача профессионал театр талаблари билан узвий уйғунлаштириб, тоғиша санъатининг янгидан ҳаёт касб этиши учун, ўзбек театр эстетикасининг яна бир янги йўналиш кашф этиб, бойиши ва ривожланиши учун замин ҳозирлаган эди. Аслида “Келинлар қўзғолони” спектаклида илк бор бўй

кўрсатган бу тажриба “Майсаранинг иши”да тўлақонли намоён бўлди. Ҳар қандай янгиликнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, яшаб кетиши осон кечмаганидек, “Майсаранинг иши” спектакли ҳам яна расмий доираларнинг тазиёнига, таъқиб-тъяналарига дучор бўлди. Спектакль майдон томошалари каби ҳалқ ичидаги, томошабинни фаол иштирокчи га айлантирган ҳолда бошланади. Ҳалқона куй-қўшиқлар асносида, миллий удумларимизга кўра, ҳар хил бало-қазо, ёмон кўзлардан асрасин дея исириқ тутатилади. Сўнг Майсаранинг қувноқ саргузаштларига ўтилади. Ва томоша бир нафасда, шодон қаҳ-қаҳа ва тинимсиз олқишлир билан давом этади. Томошабинни қамраб олган дастлабки кайфият охиригача сақланиб қолади. Режиссёрнинг мукаммал композицион қурилмаси, актёрларнинг импровизацияга бой ижролари, томошабиннинг фаоллиги – бари омиҳталикда спектаклнинг фавқулодда муваффақиятини таъмин этади. Ана шуни кўролмаган ва Баҳодир Йўлдошевни академик театрдан кувгин қилиб синдиrolмаган мавқедор амалдорлар жўяли асос топа олмагач, исириқни баҳона қилиб, режиссёри диний сарқитларни тарғиб қиласяпти, деган важ-корсонлар билан айблашга уринадилар. Бироқ, шукрки, жамиятда батамом янги қараашлар ва ўзгаришлир шабадаси эса бошлаган эди.

Шу кезлари Олмаота шахрида Ўрта Осиё ва Қозогистон театрларининг анча нуфузга эга бўлган “Наврўз” фестивали ўтказиладиган бўлиб, мустақил эксперталар гуруҳи фестивалга Ўзбекистондан айнан “Майсаранинг иши” спектаклини танлаб тавсия этадилар. Фестивал ташкилотчилари спектаклнинг услуби ва йўналишини тўғри англаб, Мухтор Аvezов номидаги Қозоқ Академик театр биноси олдидағи майдонга декарацияларни куришни таклиф этадилар. Ва натижада кутилгандан кўра аълороқ чиқади. Спектакль росмана майдон томошаси сифатида, замонавий режиссура санъатининг янги изланишлари намойиши сифатида томошабинларнинг ҳам, ҳакамлар ҳайъатининг ҳам якдил эътирофига сазовор бўлади. Минтақа профессионал театрлари орасида энг изланувчан жамоа сифатида “Ёш гвардия” театрининг “Майсаранинг иши” спектакли фестивалнинг бош соврини билан тақдирланади. Ана шу му-

ваффақиятдан кейингина спектакл атрофидаги “икир-чи-кир” гаплар барҳам топади. Баҳодир Йўлдошев замонавий ўзбек театр режиссурасининг дарғаси, “Ёш гвардия” театрининг росмана етакчиси сифатида тан олинади. Худди шу кезлари Ҳамза номидаги академик театрнинг Б. Йўлдошевга маслақдош 25 актёри ёшлар театрига ўтиб, бу театр энди буюк актёр Аброр Ҳидоятов номи билан юритила бошлайди. Ҳар жиҳатдан кувватланиб, кучайган ижодий жамоа XX аср ўзбек театрининг тарихига кирган қатор спектаклларни яратади. “Келинлар кўзголони” (янгитдан тикланган вариант), “Қора камар”, “Фармонбиби аразлади”, “Зиёфат”, “Паранжи сирлари”, “Искандар”, “Маъмурा кампир”, “Малика”, “Фаридун”, “Алвидо, ҳаёт”, “Бир эшак ҳангомаси”, “Қитмир”, “Бухорои Шариф” кабилар фикримизнинг ёрқин исботидир. Бу спектакллар театрни ҳам, Баҳодир Йўлдошевни ҳам шон-шуҳратта кўмди. Турли мукофот ва ёрлиқларга сазовор қилди. Шукур Ҳолмирзаевнинг “Қора камар” пьесаси асосидаги спектакль учун Б. Йўлдошев бошчилигидаги бир гуруҳ иштирокчилар Республика Давлат мукофоти билан тақдирландилар. Дарҳақиқат, бу спектакль шундай юксак эътиборга арзигулик жиддий ижтимоий-маданий ҳодиса бўлиб қолган эди.

Собиқ Шўролар даври тарих фанида босмачилик ҳаракати ҳақида бесаноқ китоблар ёзилгани ва уларнинг бари бу ҳаракатнинг “ёвуз моҳияти”ни очиб, батамом қоралашга урингани барчага яхши маълум. Бироқ, бу ҳаракат оддийгина қароқчилик ё зўравонлик бўлса, нега шу қадар миқёс касб этиб, ўн-ўн беш йил давоми яшади, дея шубҳага борувчи олим ё адид чиқмади. Бу савол ижтимоий ҳаётимизда биринчи бўлиб, бор мураккаблиги ва залвори билан “Қора камар” спектаклида кўтарилди, десак ҳақиқатни айтган бўламиз. Мана шу асар ҳам сабаб бўлиб ўз тарихимизга янгича, ҳаққоний ёндашмоғимиз лозимлигини ҳис эта бошладик. Ҳалқ тарихи ортида инсонлар-шахслар тарихи ётганини, демакки, ўтмиш аждодларимизнинг ҳар бир вакили қисматига, тақдирига алоҳида эътибор қилмоғимиз зарурлигини англай бошладик. Шунинг учун ҳам “Қора камар” спектакли нафақат маданий ҳаётимизда, айни чоғда ижтимоий ҳаётимизда ҳам жиддий воқеа бўлиб қолди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари жамиятимиздаги буюк ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилиниб, тамомила янги сиёсий тузум барпо этиш учун курашлар даври бўлди. Инсониятнинг маданий тарихидан маълумки, буюк ўзгаришлар замонида санъат ва адабиётда ҳам улкан ҳодисалар рўй бериб, юксак санъат намуналари яратилади. Ҳеч шубҳасиз Баҳодир Йўлдошевнинг рассом Георгий Бrim билан бирга 90-йилларда яратган спектакллари ва майдон томошаларини шу сирага киритиш мумкин. “Паранжи сирлари”, “Искандар”, “Фаридун”, “Малика”, “Бир эшак ҳангомаси”, “Нодирабегим” спектакллари, Мирзо Улуғбек, Амир Темур юбилей саналари муносабати билан ҳамда “Шарқ тароналари” Халқаро мусиқа фестивали доирасидаги “Буюк ипак йўли”, “Шашмақом” номли қадимий Самарқанднинг улуғвор Регистон майдонида қўйилган оммавий майдон томошалари ўқоридаги фикрнинг тасдигидир.

“Хамса” асари ҳазрат Алишер Навоий даҳосининг ўлмас обидаси, улуғ мутафаккир ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларининг юксак бадиий ифодасидир. “Ҳайрат ул-аброр” достонида дастлаб адабий эскизлар сифатида учрайдиган воқеа-ҳодисалар, ўй-мушоҳадалар “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” достонларида батафсил бадиий таҳдил ва бағоят теран талқинлар билан ҳикоя қилина бориб, сўнгти “Садди Искандарий” достонида бадиий-фалсафий умумлашмалар асносида мужассамлашади ва яхлитлик касб этади. Шу боис ҳам “Хамса” беш достондан иборат ягона ва яхлит асардир. Мана шу кўпчиликка зоҳиран нозён бўлган ҳақиқат “Искандар” спектаклида ўзининг ажаб рамзий ва ҳаётий ифодаларини топади. Таҳтнинг тобуттга айланиши, ҳукмдорлик рутбасининг мөхиятнан жаллод ва ниҳояси абадият сари бўм-бўш қўллар билан риҳлат қилиш экани фавқулодда таъсирчан лавҳалар ва мизансаҳналарда, сокин ва соҳир оҳанглар жўрлигига, чексиз коинот остида мужассам бўлган будда ва насроний ибодатхоналар, пештоқига “Куръон” оятлари битилган масжидлар тасвирлари фонида намойиш этилади. Ҳазрат Навоий бугунги томошабин кўз ўнгидаги ҳам инсон, ҳам умумбашарий бир сиймо сифатида намоён бўлади. Қа-

дим мумтоз мақомлар билан Иоганн Себастьян Бах орган мусиқа оҳанглари узвийлигига томошабинни илоҳий туйгулар оғушига чорлайдиган сирли маънавий муҳит пайдо қилинади. Бир ярим соат давомида ана шу муҳит муқим сақланади. Бирор кимса томоша залини бетаъсир, ҳиссиз, фикрсиз тарк этолмайди.

Ўзбек томошабини Аброр Ҳидоятов, сўнг Олим Ҳўжаев ва Рассоқ Ҳамраевлар талқинида Алишер Навоий сиймосини етиб бўлмас юксакликда, гўёки бир ҳайкал мисол маънавий бисотига сингдирган эди. Баҳодир Йўлдошев актёр Афзал Рафиқовни ҳар бир инсон юрагида кечадиган туйгулар, изтироблар ҳамда ўй-мушюҳадаларга бегона бўлмаган, қалбан яқин Алишер Навоий образида жонлантириб, анъанавий тасаввурларни бузади. Ҳазратни замона оқилларига ошно этиб, замондошимизга айлантиради. Мана бу миллий санъатимиздаги том маънодаги янгилик ва катта муваффақият эди. Айни чоғда “Искандар” спектаклининг миллий қадриятларимиз тикланаётганинг намойиши ўлароқ кенг байрам қилинаётган “Наврӯз” байрами куни — 21 мартда томошабинга илк бора кўрсатилиши ва бу ҳодисанинг орадан беш ой ўтиб энг улуғ энг азиз воқеа — Мустақиллик эълон қилинажак 1991 йилда рўй бериши ҳам ажиб бир рамзийлик, табиий муштараклик касб этган эди.

1994 йилининг бошларида Франция элчихонасининг ташаббуси билан Ўзбекистонга француз театр актёри Франсуа Шато ташриф буюради. Мақсад — ўзбек театри билан ҳамкорлик қилиш. Бу ҳамкорлик “Искандар” спектакли мисолида ўзининг гўзал ва бетакрор самарасини берди. Франсуа Шато фаранг тилида Алишер Навоий ва Арасту сиймосини, ўзбек актёрлари эса ўз она тилларида Искандар ва бошқа ролларни ижро этдилар. Баҳодир фаранг актёри билан ҳижжалаб, устоз-шогирддек ишлагани йўқ. У актёрни Алишер Навоий даври, асарлари билан таништириди. Навоийшунос олимлар билан учраштириди. Қисқаси, уни Навоий дунёсига олиб кирди. Инсоният бадиий тафаккурининг энг баланд чўққиси Шекспир деб юрган актёр Навоий даҳосини англаб, асарларини ўзлаштира боргани сари, қараашлари ислоҳ топа бошлади. Ва

ана шундай тушунчалар билан роль ижросига киришди. Пировардида томошабинни ҳайратларга эш қилган яна бир кашфиёт рўй берди. Тил тўсиқларини тамомила унтутиб, Навоий сиймосидаги актёрнинг пурвиқор қиёфаси, донишга тўла кўзлари, эҳтиросли ижроси ва саҳна маданияти барчани маҳлиё этди. Баҳодир Франсуанинг юксак профессионал актёр эканлигини, спектаклда актёрлар ансамблига етакчилик қила биладиган салоҳияти борлигини дастлабки танишув ва суҳбатларида ёқанглаган эди. Шундан келиб чиқиб у актёрга асосан интеллектуал юк ва тўла ижодий эркинлик берган эди. Натижа кутилгандан аълороқ бўлди. Бу яна бир карра Баҳодир Йўлдошев режиссурасининг улкан имкониятларини намоён этди.

Баҳодир Йўлдошев Аброр Ҳидоятов номидаги театрда саҳналаштирган ҳар бир спектакль ўзига хос воқеа бўлиб қолди. Театр санъати ривожига, янги изланиш ва тажрибаларга йўл очди. Олимжон Салимов, Наби Абдураҳмонов каби режиссёрларнинг эътироф ва шуҳрат топган қатор спектакллари яратилишига ижодий туртки берди. Шу билан бирга мамлакатимиз ва хориждаги театр жамоаларининг ҳамкорлик қилиш ҳақидаги таклиф ва даъватлари учун ҳам сабаб бўлди.

Б. Йўлдошев Америка Кўшма Штатларида, Лаосда, Францияда, Тожикистонда спектакллар кўйди. Ўз юртимиздаги турли йўналишдаги театрларда, жумладан, Алишер Навоий номидаги академик катта опера ва балет театрида “Алишер Навоий” операсини, Давлат академик рус драма ва А.Мажидий номли Каттақўрон театрларида “Келинлар қўзғолони” спектаклларини, Олим Хўжаев номидаги Сирдарё давлат театрида “Дардимни кимга айттай?”, “Маъмура кампир” спектаклларини саҳналаштиргди. Айниқса, унинг Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида кўйган “Нодирабегим” спектакли ҳамкорликнинг сара намуналаридан бўлиб қолди.

Тарихимизнинг энг кир ва қора даврлари – XIX асрнинг ўрталарида Туркистон ўлкасида воқе бўлган хонликлар орасидаги ўзаро зиддиятлар, майда гина-кудурат ва ер талашишлар оқибатида жаҳолат ғолиб келиб, эзгулик горат этилаётган бир пайтда шоирай даврон, Кўқон ма-

ликаси Нодирабегимнинг мамлакат бирлиги ва давлат мустаҳкамлиги учун курашлари акс этган спектакль мусиқали театр ҳаётида муҳим ҳодиса бўлди. Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхонова талқинида Нодирабегим мамлакат маликаси, демакки, юрт онаси сифатида халқ дарди билан яшаётган, гоҳи ҳукмдор ўғлининг нодўст аъёнлари таъсирига берилиб, хатоларга йўл қўяётганидан бе зовталаниб изтироб чекаётган, эл-улуснинг тинчи ва равнақи ҳақида ўйлаётган оқила бир аёл. Фарзандини хатолардан ва хатарлардан асрайман деб сиёsat ўйинларида ташаббус кўрсатишга мажбур бўлган Нодирабегим, дунё ишларидан безиб чарчаганида, суюкли ёри Амир Умархон хотирасидан қувват олади, нафосат мажлислари-назм-мушоираларидан таскин топади. Спектаклда ана шу ҳолатлар мумтоз мусиқа ва хореографик композициялар билан йўғрилган рамзий-хаёлий, гўзал мизансаҳналарда ўз ифодасини топади. Томошабин давлат юки билан оналик туйгулари ўртасида, сиёsat билан нафосат орасида мувозанат тополмаётган, жафокаш аёлнинг ёзғириш ва азобларидан мутаассир бўлади. Спектакль сўнгидаги қатлсаҳнасида режиссер топган рамзий фожсий лавҳадан ларзага тушади. Ўзига хос катарсис – фориғланиш, тозариш ҳиссини туди. Бу ҳам ўз навбатида, Баҳодир Йўлдошев режиссурасининг мусиқий театр йўналишидаги катта муваффақияти эди. Таъкидлаш жоизки, Баҳодир Йўлдошев томонидан миллатимизнинг атоқли тарихий шахслари ҳақида кўйилган спектаклларда, жумладан, Бобур, Зебуннисо, кейинроқ Алишер Навоий сиймоси акс этган спектакларида ва ниҳоят “Нодирабегим”да яққол намоён бўлган шартли-мажозий кўтаринки услугуб режиссернинг кейинги ижодий фаолиятида устувор хусусият бўлиб қолди.

Баҳодир бир вақтлар устози Тошхўжа Хўжаев суйиб бот-бот тинглаган бир қўшиқни эслаб, хиргойи қилиб юради. Бобораҳим Машраб ғазали билан Толибжон Бадинов қиёмига келтириб айтган бу қўшиқ кейинроқ борабора унинг ҳам севимли қўшиғига айланиб қолди:

Ҳеч кима маълум эмас холи паришоним мени,
Осмонни пора қилди оҳу афғоним мени.

Үтган асрнинг 80—90-йиллари Б.Йўлдошев режиссёрлик санъатининг чўққиси, Аброр Ҳидоятов номидаги театрнинг юксалиш йиллари бўлди. Расмий, норасмий эътирофлар, унвону нишонлар, хориж сафарлари — хуллас, бир инсон орзу қилса, арзигулик қисмат. Аммо бу ютуқлар қанчадан-қанча ички ва ташқи курашлар, зиддиятлар, баҳсу мунозаралар, гап-сўз, гина-кудурат, фийбат-маломатлар билан кечгани фақат унинг ўзигаю атрофидаги яқинларига аён. Театрда “ман-ман”лик муайян ролда маромига келтириб ўйналса ёмон эмас, бироқ “мен зўр, сен пачоқ, мен буюк, сен ўргамиёна” қабилидаги қалондимоғлик, ўзига алоҳида рутба ва мавқеталаблик авж олса, мана бу фожиа. “Санъатдаги ўзингни эмас, ўзингдаги санъатни сев”, деган эди улуғ Станиславский. Мен учун фалон спектаклни қўйиши керак, мен фалон қаҳрамонлар ролини ўйнашим керак, чунки шуни деб академик театрдан кетдим, дея ўз “жасорат”ини писандা қилган актёр у шахс эмас. Ўз ҳаётий ақидалари, ўз “мен”и бўлмаган актёр бу фақат тақлидчи-муқаллид, холос. Баҳодирнинг ўзи айтгандек: “Артистлар — бу доим бирорларнинг гапини, бегона текстларни гапирувчилардир”.

Дарҳақиқат, субутсизлик, бесқарорлик инсонни ҳам, ҳар қандай жамоани ҳам путурдан кетказади. Шу маънода бош режиссёр Баҳодир Йўлдошев ниҳоятда қатъиятли ва бешафқат раҳбар. У ўз труппасидан кимгадир меҳрибонроқ, кимгадир эътиборсизроқ бўлиши, хизмат ва вазифа тақозоси билан кимгадир муруватлироқ, кимгадир аччиқроқ гапириши мумкин. Аммо театрдаги интизомга риоя қилмаса, репитиция ёки спектаклларга кечикиб келса, тамом, ўша кун ва дақиқадан ўша актёр Баҳодир учун бегона, у театрдан кетиши шарт. Ишини, репитиция жараёнини муқаддас деб билмаган актёрни у ҳисобдан чиқаради. 2001 йилга келиб шундай бўлдики, Баҳодир жамоанинг сал кам ярми билан “хайрлашиш”га мажбур бўла бошлади. Театрнинг ўзгармас қатъий Низомлари майший манфаатлар исканжасида емирила бошлаётган эди. Баҳодир курашдан кўра ён беришни, чекинишни афзал билди. Бош режиссёрлик курсисини топширди. Зоро, санъаткорлик ақидалари ва қолаверса, соғлиғи шуни тақозо эт-

моқда эди. У бу билан қай бир маънода, яна театрдан кетди. Бу кетиш энди ихтиёрий-мажбурий кетиш бўлди.

III

Истиқлол йиллари Ўзбекистонда энг ривож топган санъат турларидан бири майдон томоша санъати бўлди. Тинчлик ва бунёдкорлик бош шиори бўлган мамлакатда, шўро пайтларидек, ҳарбий қудратни англатувчи аскарлар ва ўлим ваҳшатини солувчи даҳшатли қуроллар паради эмас, балки аксинча, ҳаёт, гўзаллик, яратувчилик рамзи бўлган санъат тантанасини намойиш этувчи кенг миқёсли театрлаштирилган томошалар қўйиш анъанага айланди.

Вақти келиб мутахассислар мустақилликнинг дастлабки йиллари тажрибаларини сарҳисоб этгандарида, санъатнинг бошқа турларига нисбатан майдон томошаси ижтимоий воқелик тақозосига кўра жуда тез тараққий ва такомил топганини, унда томоша санъатининг жуда кўп жанрлари синкетик бир шаклда мужассамланганини эътироф этарлар. Бироқ, шуни унутмаслик лозимки, майдон томошаси Баҳодир Йўлдошевдек режиссёrlар бадиий тафаккури маҳсули ўлароқ янги, замонавий, айни чоғда foятда миллий юксак эстетик жиҳатлар кашф этди. Б.Йўлдошев ўтган ўн беш йил ичida Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, Амир Темурнинг 660 йиллиги, Бухоро шаҳри 2500 йиллик юбилейлари, “Шарқ тароналари” Халқаро мусиқа фестиваллари бир неча бор Наврӯз ва Мустақиллик байрамлари-тантаналарини саҳнага қўйди. Буларнинг ҳар бири ўзича алоҳида тадқиқот мавзуи. Чунки уларни оддий концерт ё шунчаки бир хореографик композиция деб бўлмайди. Бильякс мусиқа, рақс, кўшиқ санъати жанрлари узвийликда фаол қўлланган, бир foявий мақсад атрофига жамланиб, очиқ осмон остида ижро этилган теран фалсафий мазмундаги театрлаштирилган маҳобатли томоша санъати намунаси деб атасак, ҳодиса мөхиятига яқинлашгандек бўламиз. Мазкур фикрдан келиб чиқиб, Б.Йўлдошев саҳналаштирган айrim томошаларни ёдга олайлик. Даставвал, 1994 йили буюк мунахжим, мутафаккир ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги шарафига ўюштирилган томоша бўлди.

Тўғри, “Майсаранинг иши” спектаклини майдон томошаси шаклида ҳам қўйиб, муваффақият қозонган режиссёр учун бу янгилик эмас эди. Бироқ тадбирнинг нафақат маданий ҳаётимизда, шу билан бирга эндиғина тетапоя бўлаётган мустақил давлатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ҳам муҳим аҳамият касб этганини, ЮНЕСКО ҳомийлигида Истиқлол йиллари ўтаётган дастлабки Халқаро тадбирлардан бўлганини ҳам назарда тутсак, томошани саҳналаштириш масъулияти ҳам нақадар жиддий бўлганини тасаввур этиш қийин эмас. Қолаверса, улуғ аждодларимиз орасида Мирзо Улугбек номи ва асарлари жаҳон илмифан аҳлига бошқалардан кўра яхшироқ маълум ва машҳур эди. Ана шундай ҳолатда барчага маъқул бўладиган, нафақат маъқул, айни чоғда ҳайрат уйғотадиган монументал майдон томошасини яратиш осон иш эмас эди.

Баҳодир рассом Г.Брим билан бамаслаҳат ишга кириши. Улар томоша гояси ва бадиий эскизлари устида анча изландилар. Юртбошимизнинг тавсиялари билан томоша учун саҳна — пурвиқор Регистон майдони белгиланди. Бу табиий саҳна ҳар қандай томоша муваффақиятининг дастлабки омилидир. Бироқ ана шу майдондан оқилона фойдаланиш, уни бор ҳайбати ва бетакрорлиги билан кўрсата олиш ҳам осон эмас эди. Режиссёр рассом билан бунинг уддасидан чиқди. Майдон узра ўрта асрлар Мовароуннаҳр давлатининг бор салобатини англатувчи манзара жонлантирилди. Ҳар тарафда узун залварли чўян фонулар. Фонуларда чор атрофга шуъла ва тафт бериб, гулхан ёнади. Саҳнага асъасаю дабдаба билан сарой маликалари кириб келади. Марказда гўё мурғак Улуғбекни аллалаётган бешик пайдо бўлади ва сокин-соҳир “алла” қўшиғи тарапади. Қўшиқ карнаю ногора, катта издиҳом ва йиғинларга чорлагувчи ҳайбатли литаврлар шовқинларига уланиб кетади. Сокин куйдан кейин бирдан оламни тўлдириб, шовқинли оҳангларнинг тантанавор янграши томошабин вужудини тўла қамраб олади. Уни беихтиёр воқеалар иштирокчисига айлантириб қўяди. Майдонга янги туғилган чақалоқ — набирани муборакбод этгани бобо — Соҳибқирон Амир Темур оқ от миниб кириб келади. У ҳали дубулғасини ҳам ечмаган, катта бир муҳорабадан зафар қучиб келмоқда.

Соҳибқирон набирани қўлга олиб, бир муддат термулади-да, бекларнинг беги, улуғи бўлсин дея, чақалоққа Улуғбек исмини бериб, манглайидан ўпид чиқиб кетади. Шўх тарона-тантаналар янада авжланиб давом этади. Шу тахлит саҳна кўринишлари алмашиниб, оммавий хореографик ҳаракатлар асносида Улуғбекнинг илм олами, шоҳлик шукуҳи, хорижлик элчилар билан мулоқот-муносабатлари ва ниҳоят фарзанди Абдулатиф билан боғлиқ изтироблари, фожиаси кўрсатилади. Бу саҳналар Мақсад Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедиясидан беназир санъаткор Шукур Бурҳонов ижросидаги монологлар, Хуршид Даврон қаламига мансуб Убай Бурҳонов ва Афзал Рафиқов ўқиган матнлар жўрлитигда томошабин қалбida ҳаяжон ва завқ, тафаккурида ҳайрат ва ибрат уйғотади. Ибратки, авлодларга ўзлигини таниш, аждодлар кечмишлиридан сабоқ олиш, ким эдик-у, ким бўлдик деган савонни қўйиш учун зарур бўлган ибрат эди бу. Яқиндагина мустақиллигини қўлга киритган мамлакатда маънавий меҳоналар белгиланаётган дастлабки даврларда шундай ибрат зарур эди. Бу фикрнинг яна бир исботи ўлароқ орадан кўп вақт ўтмай, улуғ аждодимиз, соҳибқирон Амир Темур Кўрагон таваллудининг 660 йиллик санасини нишонлаш тантаналари бўлди. Бу байрамнинг ҳам асосий томошасини Баҳодир Йўлдошев саҳналаштириди.

Амир Темур номи бу зот ҳақида озми-кўпми тасаввурга эга бўлган одам учун бекиёс асьасаю дабдаба, етиб бўлмас маҳобат, даҳшатли жанг муҳорабалар, осмонўпар ложувард гумбазлари или ажиб сир ва салобат касб этган юксак меъморий обидалар билан уйғун тушунчаларни хаёлга келтиради. Баҳодир aka Амир Темур қиёфасини бирор актёрнинг ижросида жонлантиришдан кўра, у ҳақдаги ўша хаёлий тасаввурларни гўзал бадиий-хореографик томоша воситасида мустаҳкамлашга ҳаракат қиласди. Соҳибқирон сиймосини имкон қадар кам кўрсатишни назарда тутиб, уни англатувчи ҳодисаларни пластик ифода йўсинида акс эттиришни асосий мақсад қилиб олади. У ҳатто кейинроқ “Хужра” деган бир спектакль қўйсаму, унда ҳужрадан соҳибқироннинг чиқишини кутиб, бошқа иштирокчилар ўз суҳбат ва хатти-ҳаракатлари билан Амир Темур деб атал-

ган улугвор ҳодисанинг моҳиятини очиб берсалар, қаҳрамоннинг жонли сиймоси умуман кўринмаса, деб ижодий ният қилганди. Шу ният тўла бўлмаса-да, катта томошада бўй кўрсаттан эди. Бу билан Амир Темур салобатини янада юксакроқ тасаввур этиш имконияти яратилди. Айни чоғда Б. Йўлдошев режиссурасининг яна бир қирраси намоён бўлди. Оммавий томоша режиссёrlиги санъатини бойита-диган ўзига хос тажриба амалга оширилди.

Айни муносабат билан яна бир мулоҳаза хаёлга келади. Баҳодир бундан ўн йиллар мұқалдам бир сұхбатида "Ҳамлет" — миллат тимсоли, озодлик тимсоли... агар "Ҳамлет"ни қўядиган бўлсан, миллатимизнинг қайси тимсоли бу ролни ижро этиши мумкин?" деб айтган эди, аникроғи, ўз-ўзига савол берган эди. Бироқ бу саволга жавоб йўқлиги учун оғир сўлиш олиб, мавзуни бошқа ёқقا бурганди. Амир Темур сиймосини жонлантириш масаласида ҳам у шундай савол олдида лол эди. Миллат қаҳрамонини миллат тимсолига айланган актёр ўйнаши керак эди. Келбатига қараб бир актёрни олай деса, у тўйма-тўй юриб, ўша келбати билан нораво қилиқлар қилиб турса, овозининг ўқтам жозибасига қараб сайлай деса, бу овоз қурғур ҳар куни саҳардан тунга қадар гоҳ радио, гоҳ телевизор экранидан ҳар турлук эшиттириш ва кўрсатувларда жаранглайвериб, меъдага теккан бўлса, хўш нима қилиш керак? Бир қарави ёки имоси билан кишини ларзага соладиган қудратта эга Обид Жалиловдай буюк актёрлар ўтиб кетган... Албатта, бундай ҳолатда ягона чора — конкрет қиёфани жонлантиришдан имкон қадар қочиш эди. У шундай йўл тутди. Соҳибқирон қиёфасини умумий кўринишларда хиёл жонлантириб, томошабинда хаёлий тасаввурларнинг тўла сақланиб қолишига эришди...

1997 йилдан мамлакатимиз сиёсий раҳнамосининг ташаббуси билан "Шарқ тароналари" Ҳалқаро мусиқа фестивалини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Ҳозирга қадар 5 маротаба шундай фестиваль ўтказилди. Икки йилда бир бўладиган бу мусиқа байрамининг очилиш маросимида улугвор Регистон майдонида театрлаштирилган катта оммавий томоша қўйиш ҳам урф бўлиб, уни саҳналаштиришга етакчилик қилиш муттасил Баҳодир Йўлдошев зиммасига юкланмоқда. Бу маросимлар шунчаки очи-

лиш тантаналари эмас. Ҳар сафарги томоша бу алоҳида, бири-бирини тақрорламайдиган, бир-биридан рангин, мустақил маҳобатли спектакллардир. Фикрни таъкидлаган ҳолда ана шу спектакллардан иккитасини алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Улардан бири 2001 йили саҳналаштирилган “Буюк ипак йўли” томошаси. Кейингиси эса 2003 йилги “Шашмақом” шартли ном остидаги бадиий хореографик композиция.

“Буюк ипак йўли” қадим-қадимдан Farbu Шарқни бир-бирига боғлаган, моддий неъматлар билан бир қаторда маънавий бойиш, юксалиш учун ҳам ўз даврида беқиёс хизмат қилган ҳаёт йўлидир. Унинг аҳамияти ва тарихини бутун дунё эътироф этади, ўрганади, илмий-амалий анжуманлар, адабий-бадиий тадбирлар ўтказилади. Хуллас, томошা учун бир дунё манба ва адоқсиз мавзулар...

Баҳодир Йўлдошев мана шу манба ва мавзуларни бир тартибга солиш, ижодий тажрибадан ўтказиш мақсадида дастлаб унинг бадиий эскизини Аброр Ҳидоятов театри саҳнасида тайёрлаб олади. Энг муҳим ўқ – бош фояни топади: “Дунё турфа ранг ва мазмундан иборат ягона бир маскан. Инсоният тури тилларда сўзлашса-да, турил ақида ва одатларга суюнса-да, бир ота ва онанинг фарзанди, қалби, ўю-интилишлари муштарак”. Ана шу фоянинг инкишофи ўлароқ “Буюк ипак йўли” билан кетаётган карвон шартли-мажозий образи жонланиб, у гўёки йўлда учраган мамлакатларга қўниб ўтади. Шу аснода турил мамлакатларнинг урф-одати, кийим-безаклари, куй-қўшиқлари акс этган алоҳида хореографик лавҳалар намойиш этиб борилади ва у охир-оқибат ягона композицион бутунликда кўзда тутилган бош фояни ифода этади. Томошабин гоҳ Оврўпа майин-мусиқий оҳанглари оғушида, гоҳ “Кармен” операси учун ёзилган эҳтиросли испан куйлари шиддатида, гоҳ ҳинд сето ва таблалари жаранглаган нафосат оламида, қозоқ, тоҷик, туркман, корейс ва Хитой куй садолари янграган дунёларда тўлқинланиб, сурурланиб ўтиради. Айниқса, ўзбек миллий куй ва рақслари, “Шашмақом”нинг сокин ва сеҳрли наволари тарағач, гўёки узоқ сафардан сўнг ўз юртига кириб келган карвоннинг шодлиги ҳаволарни тутади. Барчанинг қалби-

га, онгига күй ва ранг завқи, ҳаётбахш фалсафаси мухрланади. Тирикликтининг яшамоқнинг нақадар улуғ неъмат эканлигига, дунёнинг шунчалар инжа ва гўзаллигига юракларда алёр янграйди, ҳайратлар уммонила руҳ юксалади. Шундай туйгуларни бағишлаган ижодкорларга, санъаткорларга ич-ичингиздан тасаннолар айтасиз.

Орадан икки йил ўтиб, ана шу майдонда намойиш этилган “Шашмақом” деб шартли номланган томоша аввалги таассуротларни қайта уйғотиб, яна чексиз ҳайратларга чулгади. Миллий қўшиқ, рақс ва либос санъатимизнинг бутун палитрасини намоён этди. “Шашмақом” минглаб йиллар билан белгиланадиган қадим наволаримиз. Унда халқнинг дарди, орзу-умидлари, касби-кори ташвишлари, илму маърифати, урф-одати, ҳунар қадрияти, қувонч-шодликлари бори барчаси мужассам. Ундан хаёлот қамрови-даражотига қараб беадоқ мазмун ва воқеалар ишто этса бўлади. Энг муҳими уни томошабин-тингловчи қалби ва онгига етказа билишда.

Режиссёр миллийлигимиз ва қадим юксак маданиятимиз ифодаси сифатида “Шашмақом”нинг бор жозибаси, моҳият-мазмунини имкон қадар тўлароқ намоён этиш учун жонли ижро усулини таҳлайди. Минглаб санъаткор ва ёрдамчи техник кучлар жалб этилган, очиқ осмон остидаги маҳобатли саҳнада жонли ижро усулини қўллаш катта жасорат ва журъат талаб этади. Унча-мунча эҳтиёткор амалдорларнинг кескин эътиrozларига қарамай Баходир ака ўз фикрида қаттиқ туриб олади. Жоҳилона инжикълик билан эмас, аксинча, топқирлик ва мантиқ билан уларни ишонтиради. Сўнг қайта-қайта тақрорлаб, аниқ хаёлий тарх асосида майдоннинг маркази-ю бор атрофии, асосий саҳна ва мизансаҳналарни пухта ўйлаб, реаллаштира бошлайди. Абдуҳошим Исмоиловнинг мусиқий истеъодига суюниб, “Шашмақом” тартиби, ижро йўллари, ички динамикаси ва ижрочилар имкониятларини зарда тутиб, томошанинг ҳар жиҳатдан мутаносиб, яхлит композициясини шакллантиради. Албатта режиссёрлик кўрими ва у тузган мукаммал конструкция ижрочиларнинг маҳорати билан уйғунлашиб, тўлиқ муваффақиятга сазовор бўлиши мумкин. Шу маънода бу томошада икки

ака-ука бола ҳофизларнинг тиниқ наволаридан ака-ука халқ ҳофизлари Исройлжон ва Исмоилжон Ваҳбовларнинг доирага усул бериб, унга ҳамоҳанг куйлаб майдонга кириб келишларигача, Сойибjon Ниёзовнинг қалб торларини чertгувчи “Дуторим” қўшиғидан беназир созанда Абдуҳошим Исмоиловнинг фижжакдаги “Чўли ироқ” нолаларигача, Тоҳирнинг бухороча ўйноқи мавригисидан тортиб, ниҳоят Матлуба Дадабоеванинг “Самарқанд ушшоғи”даги бетакрор авж пардаларигача бари Б. Йўлдошев режиссерасида бафоят табиий узвийлик касб этди.

Шашмақом хонишларининг ўрни билан Хоразм мақоми ва “Лазги”сига, қорақалпоқ қизларининг нозли ўйинлари, Бойсун фольклор қўшиқ ва рақсларига омиҳта этилиши томошабин руҳиятини дардчил, тушкун ҳиссийтлардан некбин туйғуларга уланиб кетишини таъминлайди. Рақоссаларнинг завқу-шавққа тўлиб, маҳобатли саҳнани тўлдириб хиром этишлари ёруғлик ва ҳаёт тантанасининг муқаррарлигидан мужда беради. Баҳодир ака ана шундай томошаларнинг машқ жараёнида бир фикрни айтган эди: “Ҳар қандай қовушимсиз нарсанинг ё ижронинг жойини топиб, ўз табиий тартибида кўрсата билсанг, уни одамлар қабул қиласи, керакли ё ёқимли нарсага айланади. Бу майдон томошалари режиссерасининг энг асосий хусусиятларидан”.

Дарҳақиқат, уйғунынг якунида яна бир мизансаҳна намоийиш этилди. Саҳнанинг томошабинга яқин ён томонларида турли миллий ҳунармандчилик дов-дастгоҳлари ўрнатилиб, улар шунчаки декорация эмас, балки ўз вазифасига кўра ҳаракатга солинган ашё-ускуналар эди. Қаторда бир қанча тандирлар ҳам қурилган бўлиб, томоша бошланишида уларга ўт қалаб, қизитиб турилган эди. Томоша давомида уларга росмана нонлар ёпилиб, ниҳоясида тандирдан иссиқ-иссиқ узиб, томошабин-меҳмонларга патнис-у ликопчаларда қанд-қурс, писта-бодом, пашмак-парварда, магиз-у туршак, олма-узумларга қўшиб тортиқ этилди. Бу манзара, бу ўзбекона лутфдан томоша таассуротида ҳаприқиб турган ҳалойиқ энди росмана қийқириб юборди. Олқиши-у алёр ҳаволарни узоқ вақт тўлди-

риб турди. Бу ўша Баҳодир ака назарда тутган уйғунлик-нинг мумтоз намунаси эди...

* * *

Баҳодир Йўлдошев ҳам жисмонан, ҳам руҳан ниҳоятда кучли шахс... “Эди” деган сўзни сира қўшгим келмаяпти. Чунки ҳамиши ёнингда, ҳамқадам, қадрдон, азиз инсон ҳақида ўтган замон феълини қўшиб айтиш жуда ёқимсиз ҳолат. Бироқ шундай дейишга ҳақиқат туйғуси мажбур этади...

Бир қараашда бўй-басти, гавдаси бирорлардан фарқ қилмайдиган, ҳатто жиккакроқ йигитнинг жисмонан кучлилигини тасаввур қилиш қийин. Аммо бу рост гап. Баҳодир Йўлдошев спектакларининг репетиция жараёнларини кузатган одамлар буни яхши биладилар. Бир чойнак кўк чой ва бир пачка сигаретани столга қўйиб олиб, 15–16 соатлаб узлуксиз ишлаганини, ҳатто 40 даражага ҳарорат билан учкун давомли “Искандар” спектаклини премьерага тайёрлаганини, гоҳида ўзидан анчагина бақувват, барваста бузғунчи, нокасларни бир зарб билан қулатиб ташлаганини кўрганлар сўзларимизнинг лоф эмаслигини тасдиқларлар. Айни чоғда унинг руҳан нақадар қувватли эканини ҳам юқорида баён этилган кузатиш ва мушоҳадалар, не-не фитна ва маломатларга бас келиб, курашларда голиб бўлгани етарлича исбот этар. Бироқ Баҳодир аканинг куч-кудрати ҳақида ўтган замонда гапиришимизнинг боиси шундаки, у ёши элликдан ўтганида ҳаётининг том маънода тиргаклари бўлган энг азиз кишиларидан бирин-кетин жудо бўла бошлади. Дастлаб, Турсунбой ота, 2001 йили онаси Ширинхон Мелиева оламдан кўз юмдилар. Турсунбой ота ҳам, Ширин ая ҳам ёшларини яшаб, барча орзу-ҳавасларини кўриб, ҳатто ўғилларининг 50 йиллигини ўзларининг 85 ва 75 йиллик кутлугу саналари билан бирга Каттакўргон театрида тантанали нишонлаб, дунёйи охиратта йўл олдилар. Гарчи Баҳодир ака бир-бирларига қаттиқ суюниб қолган икки қариясининг вафотини ниҳоятда оғир қабул қилган бўлса-да, табиат қонунига кўникмай ўзга иложи йўқ эди. Қизиқ, Турсунбой ота феъли мулоим, файласуфис-фат инсон эди. Ширин ая эса, зикр этганимиздек, хукм-фармо аёл бўлиб, сўнгти қунларигача фуурли, ўқтам феъ-

лини ҳам, қиёфасини ҳам сақлаб қолди. Баҳодир ака Каттакўрғонга тез-тез бориб, улардан хабар олиб турса-да, у ердан ҳам тезда қайтиб келарди. Она-бола бир тоифа, бир феъл, табиат қонунларига кўра бир-бири билан чоғишолмайдиган ягона бир кутбдаги инсонлар сирасидан эди. Ўғил соч-соқолига қиров тушса-да, она учун фарзанд, доимий тергаб-текшириб, назоратда тутиладиган ўспириндек эди гўё. Оламшумул маънавий муаммоларнинг саҳнавий инъикоси ташвишлари билан фикри-зикри банд ўғилга гоҳо бу назорат малол келар, ишдан ташқари барча нарсани номуҳим билиб, ҳар қандай майший масалаларга беписиңд қарап эди. Шунинг учун ҳам Баҳодир аканинг Каттакўрғон сафарлари узоқ давом этмасди.

Бироқ, бирор кун йўқ эдики, онасига қўнгироқ қиласа, бирор дақиқа йўқ эдики, онаси хаёлидан ўтмаса... Шу боис ҳам у онаси вафотидан сўнг анчайин чўккандек бўлди. Уни кўриб, билиб юрганлар наздида улғайгансифат таассурот бера бошлади. Йўқ, бу фақат ҳётда шукронасини айтиб, саксон ёшида фоний дунёни тарк этган она учунгина жудолик қайгуси туфайли эмас эди. Баҳодир ака файласуф санъаткор сифатида фаною бақонинг нима эканини теран англаган ва уни ўз бадиий кашфиётлари билан ўзгаларга ҳам англата билган шахс. Аммо афсуски бундан аввалроқ жудоликнинг шу қадар аёвсиз бир зарбаси бўлган эдики, бунисига дош бериш, ўта душвор. 1999 йили Германияда буюк мусаввир Георгий Бrim – Баҳодирнинг Юраси вафот этди. Дунёйи дунда 65 йил яшаб, хасталик нималигини билмай, ҳамиша йигитлардек чапдаст, файратли, меҳнаткаш-заҳматкаш Brim юрт жудолигини кўтара олмади. Туркманистонда туғилиб ўсиб, Тошкентда илдиз отган немис фарзанди қарийб 40 йил ўзбек миллий театри учун ўта ҳалол ва холис хизмат қилди. Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбург ва асосан Баҳодир Йўлдошевнинг деярли барча спектакллари саҳна безакларини яратди. Баҳодир Йўлдошев режиссёрлик феноменининг юзага келишида кашшофлик ва камарбасталик қилди. У миллий хусусиятларимизни идрок этиш ва рангу шаклларда ифода этишда шунчалар камол касб этган эдики, уни ҳамма ўзбекларнинг ўзбеги деб қабул қиласди.

90-йилларнинг адогида Бrim нуроний онаси ва жондан азиз набирасининг ўз тарихий ватанига кўчиб кетишларига монелик қила олмай, уларнинг ортидан боришга мажбур бўлди. Чунки унинг ўзига ҳам кексалик рутубати соя ташлаётган, умр хазонини ҳамхоналарсиз ёлғизликда ўтказиш азобидан хавотирга тушаётган эди. Қанчалар оғир бўлмасин – у кетди. Кетди-ю орадан кўп фурсат ўтмай илдизидан ажралган чинор мисол қулади. Уни соғинч, илдиз отган юрт соғинчи, дўст соғинчи қулатди. Жисмонан бакувват, бўз йигит ҳайбатидек файратли инсоннинг ногоҳ ўлими сабабларини фақат шундай изоҳлаш мумкин.

Шум хабар етган кунлар кўпчилик учун қайгули бўлди, уни билган ва суйған, ҳурматлаган кўпчилик учун... Аммо Баҳодир aka учун бу машъум хабар ҳақиқий мотам бўлди. Аллақачонлар дунёга файласуф кўзи билан қарашга одатланган Баҳодир aka учун бу сўнгсиз армон бўлди. Шу кунлари уни кўрган яқинлари, таъзия изҳор қилиб келган дўст-ёрлари инсоннинг соқол-мўйи кўзёшларидан шунчалар нам тортиши мумкинлигига шоҳид бўлди... У барча имкониятини ишга солиб, олис Германияга отланди. Юртдан бир кафт тупроқ олиб, ўша мамлакатнинг қандайдир байрами туфайли кўмилишга рухсат бермай музлатиб қўйилган қадрдонининг жасадини ерга қўйиб келди. Келди-ю, қайтиб бирор жиддийроқ ижодий иш билан шугулланишга мажол топмади. Орадан бир-икки сана ўтиб онасини ҳам тупроққа берди... Буларни юрак кўтара олмади. Хасталикка йўлиқди. Санъаткор юрагичалик яралангувчи ўзга юрак йўқ! Инсон руҳиятининг, куч-кувватининг сўниши учун бундан-да ортиқроқ дард бўлмас?!

Георгий Бrim Баҳодир билан “Ёш гвардия” театрига ўтгач, “Ҳамлет” спектакли учун декорация ишлай бошлаган эди. Назаримда бир вақтлар Ҳамза театрига бош режисser этиб тайинланганидан кейин Баҳодир Йўлдошев Шекспирнинг “Қароқчилар” трагедиясини қўйиб, гўёки ўз тенгдошлари, ўз авлодининг ҳаётий дастурини эълон қилганидек, ёшлар театрининг ҳам дастурий спектали бўлиши керак деган мулоҳазадан келиб чиқсан бўлса, ажабмас. Ҳамлетнинг “Мени ёнғоқ ичига солиб қўйиб, “Сен озодсан!” десангиз, мен ўзимни бутун дунёнинг хо-

қони деб сезаман” ёки “давр издан чиқди, уни изига солмоқ менинг зиммамга тушди” деган сүзларини Баҳодир ака бот-бот туриши ҳам шундан далолат...

Декорация тайёр бўлди, Бримнинг умумбашарий миқёслардан туриб чизган суратлари ақдларни лол этиб, ҳайратларга чўмди. Энди унга мос спектакль, буюк спектакль яратиш лозим эди. Таассуфки, бу спектакль яратилмади. Ҳануз яратилмаяпти. Ким билсин, миллат тимсоли бўла оладиган актёр туғилмаяптими ёхуд яна бир бошқа баҳонаи сабаб?!

Баҳодирнинг ўспиринлигидәёқ Ҳамлет билан дўст тутиниб, кейинроқ бу дўстлик армонга айлангани, армон эса таскин исташи, таскин эса “ақдли баҳоналар”дан туғилишини айтиб эдик. Ҳақ рост, шундай! Баҳодир аканинг театрдан ташқаридағи ҳаёти, фаолияти ҳар қанча зарур, зўр ва шарафли бўлмасин, катта-катта анжуман ва тадбирлардаги бадиий томошалар — майдон томошалари қанчалар куч-гайрат, топқирлик, юрак қўри талаб этмасин ва улар унча-мунча театр спектаклларидан муҳимроқ ва мураккаброқ бўлмасин, барибир, улар Баҳодир Йўлдошевнинг таскинлари, “ақдли баҳоналар”и. У “театр ҳар хил бўлиши керак — майдон, камер театри ва асосийси ҳалқ учун доим зарур театр бўлиши керак” деб ўз жорий кори-аъмолини бўрттириб, беҳуда умр ўтказмаётганини таъкидласа-да, барибир, умр хилқати театр эканини бир нафас бўлса-да ёдидан чиқармайди.

Театр билан ришталар узилмасин, жараённинг ичида бўлай деб маданият институтидан ўн-ўн беш шогирд олиб, А.Хидоятов театрида нималарнидир ўргатмоқчи бўлади. Улардан ё режиссёр, ё актёр тайёрлайман деган дастлабки фикридан эндиликда воз кечиб, улар ҳеч бўлмаса, яхши томошабин бўлиб шакланишсин дея умид қиласди. Майдон томошаси қўйишга чоғи келадиган беш-олти режиссёр тарбиялаш керак деб, ҳар турлик амалдорга ўз талаблари ни маъқуллатиб, театр студияси, ўкув курслари каби не бир тараддуллар билан яна тақдирдан чалғиб, аникрофи, унга чап бермоқчи бўлади. Тасалли — педагогика билан “жиддий” шуғуланиш, гёё. Аммо бир нарса аниқ — Педагогика бу ҳамиша дидактика, панду ўгит. Баҳодир Йўлдо-

шевнинг эса феъл-атвори ҳам, туриш-турмушни, ўй-кечмиши ҳам, ўзи яраттан театр дунёси ҳам панду ўгитдан йироқ. У ҳамиша фикрни ёндириб, тафаккур ёлқинларини ёқиб яшаган. Ўй-мушоҳададан, бадиият жозибасидан лаззат олган ва ўзгаларни ҳам шунга даъват этган, ёлқинлантирган. Унинг спектакларидан ҳеч бир томошабин насиҳат эшигиб чиққан эмас. Тўлиб-тўлиб йиғлаган, тўйиб-тўйиб кулган, изтиробланиб, азобланиб чиққан ва барини фикратига жо қилиб, хаёлларида ғалаён, қалбида туғён билан томоша залини тарк этган.

Алалхусус, бугун бутун миллат тафаккури ёниқ фикрга, мулоҳаза-мушоҳадага, ўзимизни танидикми, ҳақуноҳақ қаерда, тўғри не-ю, эгри нима, қаердамиз-ку, қаерга кетяпмиз, иймон-эътиқодимизга, диду савиямизга не бўлди, деган оғриқ саволларга муҳтоҷ. Бу саволларни азаллу абад адабиёт ва санъат илгари сурган. Кишиларни гўзалик, ҳайрат ила саодатга йўллаган... Умид улки, шояд, Баҳодир aka яратганинг ўзи битган қисматида қойим бўлса! Бир кетганга, бир қайтиш ҳам бор, дейдилар-ку, машойихлар!..

2007 йил

КУЛГУ ВА ЙИФИ ОРАСИДА

(Режиссёр Олимжон Салимов портретига чизгилар)

I

“Театр – бу жуда қизиқ, жуда содда ва жуда мураккаб организм. Азалдан театрнинг заҳматини тортиб, ўзини баҳшида қилган кишилар уни катта оиласага ўхшатганлар. Бу оиласада ҳамма бир-бирини жуда яхши билади. Ҳамма ҳамма тўгрисида ҳамма нарсани билади. Лекин ҳамма ўзини ҳеч нарса билмайдигандек тутади.

Театрдагилар умрининг қарийб ярмини, балки ундан ҳам кўпроғини театрда ўтказадилар. Бир-бирларини ҳурмат қиласидилар. Мабодо ёмон кўрсалар ҳам ўзига хос жозиба билан ёмон кўрадилар.

Бу оиласада ўзининг ота-онаси, фарзандлари, ҳар бирининг ўз можароси, қувончи-ю ташвиши бор”.

Булар режиссёр Олимжон Салимовнинг қайдларидан парчалар.

Жаҳон театр тарихида саҳнадан ташқари қаламу қоғозга ружу қилган сиймолар кўп бўлган. Улар гоҳи соҳанинг назарий асослари такомилига хизмат қилган қайдлар, пьеса ё спектакль талқинларига оид амалий қўлланмалар, росмана пьесалар, фалсафий трактатлар ва яна саҳнадошлари, замондошлари ҳақида хотиралар ёзib қолдиргандар. Бу ҳол ўзбек театр намояндлари учун ҳам бегона эмас. Шу маънода театр режиссёри Олимжон Салимовнинг ҳам гоҳо назарий қайдларга мойил бўлиши фавқулодда ҳодиса эмас, албатта. Аммо менга унинг – бутун онгли умри театрда ўтган заҳматкашнинг кузатишлари, умумлашма хulosалари жуда қизиқ туолади.

“Актёр ўз табиатига кўра доимо оиласида ўзини бошқалардан юқорироқ қўйишга интилади. “Мен ҳеч кимдан кам эмасман” деган маънода ёнидаги касбдошларидан ўзини паст қўймаслик ҳисси уни бошқаради. Ундаги ана шу ҳисни йўқотишга, “ўрнини кўрсатиб қўйиш”га чоғланган ҳар қандай куч, чунончи режиссёр, ўша заҳотиёқ унинг душманига айланади. У ўзи тўғрисида ўзи белгилаган “погона”дан пастга тушгиси келмайди... Бу ҳис унинг профессионал ҳисси, бу ҳиссиз у яшай олмайди. Шунинг учун у доимо ҳүшёр бўлади, ёнидаги “дўсти”дан пасайиб кетмаслик учун ҳаракат қилади. Бу ҳис унга қанчалик халақит берса, шунчалик стимуллаштиради, яхши натижаларга олиб келади”.

Дарҳақиқат, санъатнинг ўзи каби санъатдаги инсоннинг ҳам табиати фоят қизиқ. Инчунун, “актёрдан чиқдан режиссёр” Олимжон Салимовнинг ҳам. Мен актёр Олимжон Салимовни танимайман. Ижро этган бирорта ролини, ҳатто бирор ролдаги суратини ҳам кўрмаганман. Гарчи у 1969 йилда – 22 ёшида Тошкент театр ва рассомлик санъати институти (ҳозирги Санъат институти)нинг актёрлик факультетини битириб, 1982 йилгача Кўқон шаҳар мусиқали драма театрида қирқقا яқин роллар ижро этган бўлса ҳам. Очиги, унинг актёрлик фаолиятини билишга қизиқмайман ҳам. Ишончим комилки, у яхши актёр бўлган эмас. “Яхши режиссёр ҳеч қачон яхши актёр бўлолмайди”. Бу гапни камина эмас, Останкинода мух-

лислар билан бўлган учрашувида буюк Г.Товтаногов айтган. Йўқ, буюклар айтгани учун эмас. Менинг ҳам кузатишларим давомида келган холосам шу. Чунки режиссёр аввало фикрловчи, интеллектуал даражаси фавқулодда юксак, воқеа-ҳодисаларга муносабати аниқ, уларнинг айни ҳолатию, келажаги қандай бўлишини тўлиқ тасаввур эта оладиган стратег, миқёсли фикрлайдиган ва театр соҳасининг ижодий ва техник компонентларини миридан сиригача мукаммал биладиган сал кам башоратчи, ярим авлиё ва табиатан мутлақ ўзига хос, гоҳи шайтон – гоҳи фаришта, бағоят мураккаб Шахс. У гёй ҳамиша тажриба ўтказаётган тадқиқотчи, кашфиётчи олим, мутафаккир. Фақат унинг тажрибалари обьекти инсон ва жамият устидаги, одамлар қалби ва туйғуларидан иборат бўлади. Бинобарин, унинг кашфиётлари ҳам онгу шуурни карахт этадиган, бутун вужудни ларза, титроққа солиб, хаёлларни ҳайратларга чулғайдиган ҳодисалар бўлади. Актёр эса интеллектга эмас, О.Салимов айтмоқчи, “доимо инди-видуаликка интилувчи” ижрочи. Режиссёрнинг хоҳиш-иродаси бўйича ҳаракат қилиб, ўша кашфиёт ва ўша ҳайратни намойиш этгувчи касб кишиси. Бу касб ҳам маҳсус тайёргарлик, алоҳида истеъдодни тақозо этади. Бу ҳам илоҳий неъмат. Инчунун, фикрлаш ҳам уларнинг айримлари учун бегона хусусият эмас. Агар актёрлик иқтидори, маҳорати бўлмаса, режиссёр уринишларининг бари чала, пала-партиш, бетаъсир, салмоқсиз. Бири иккинчисини тақозо этади, бири иккинчисисиз, бири-бирисиз яшай олмайди. Бироқ бири иккинчисининг ўрнини ҳам эгалтай олмайди. Чунки улар алоҳида соҳа, алоҳида касблар. Бири бирини тақозо этувчи, бири бирисиз яшай олмайдиган икки алоҳида касб. Шу боис ҳам том маънодаги режиссёр яхши актёр бўлолмайди. Шундай режиссёр бўлиб шакланган О.Салимов ҳам, назаримда, истисно эмас. У актёрларига ролни қандай ижро этишни тушуниради, ўргатади, ҳатто кўрсатиб беради. Бироқ, бироқ... Балки бу санъатнинг сир-синоати, мафтункор жозибаси ҳам шундадир.

“Темир хотин” мени Фарғона театрида бош режиссёр сифатида саҳналаштирган биринчи спектаклим эди”, деб давом этади О.Салимов. Дарвоқе, мен ҳам уни айнан шу

пайтдан, унинг бош режиссёрги давридан бошлаб танийман. Бинобарин, айнан шу давр ва шу спектаклдан бошлаб унинг ижодий портретига чизгилар қилишга уриниб кўраман. Аммо тасаввурнинг тўлароқ бўлиши учун О.Салимовнинг бош режиссёрлик рутбасига эришгунича бўлган таржимаи ҳолига оид маълумотларни ҳам қайд этсак, манзара янада қуюкроқ бўлади.

Унинг дастлабки режиссёрлик уринишлари 1982 йили Ҳамза номидаги Кўқон мусиқали драма ва комедия театрида бошланган. М.Ворфоломеевнинг “Гуноҳкор авлиё”, кейинроқ А.Вампиловнинг “Бир хонала кўш ҳангома” спектакларини саҳналаштириб, профессионал режиссёр сифатида фолият юритишга тайёр эканини аён қилгач, 1984 йили у Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театрига таклиф этилади. Бу саҳнада унинг илк иши Чингиз Айтматов қиссаси асосидаги “Соҳил ёқалаб чопаётган олапар” спектакли бўлди.

Орадан йигирма йиллар ўтиб, Олимжон ака ўз спектакли ҳақида, аниқроғи, унда бош роль – Ўрхун бобо образини яраттан нуроний актёр Ўзбекистон ҳалқ артисти Солижон Аҳмедов ҳақида эссе ёзди. “Уч ривоят”дан иборат бу битикларни ўқиб, фикрловчи инсоннинг қалбида, ўйларида кечтган туйғу ва таассуротларни, хотира ҳам кечинмаларни ифодалашга, ўртоқлашишга беҳад иштиёқ уйғонганини, дилдошлик эҳтиёжи қўлига қалам тутқазганини ҳис қиласиз.

“... Ўрхун бобо ажойиб инсон! Денгиз мисол қалбга, денигиз мисол матонатга, ишончга эга бўлган инсон. Ўз қалби тўрида ажиб бир, ақл бовар қўлмайдиган, ҳеч ким ишонмайдиган дунё яратса олган, бу дунёни борлигига ўзи бениҳоя ишониб, бошқаларни ҳам унга ишонтирмоқчи бўлган, бошқаларни ҳам шу дунёга киришларини истаган одам.

Афсуски, Ўрхун бобо дунёсига ҳамма ҳам ишонавермайди, ҳамма ҳам унга киравермайди. Ҳаттоси ўзининг энг яқинлари ҳам унинг бу афсонасига мийигида кулиб, масхараомуз қулоқ соладилар.

Мени Ўрхун бобо билан учрашгим келади, унинг ёнида тургим, у билан гаглашгим, уни ҳис қилгим келади. Унинг ўша “дунё”сига бир назар ташлагим келади.” Чунки эртакка ишонадиган, уни эътиқод даражасида қабул қилиб, шу билан яшайдиган Ўрхун бобо каби Олимжон Салимовнинг

ҳам ўз дунёси бор. Бу дунёning шоҳио гадоси ҳам, хоқонию фуқароси ҳам унинг ўзи. Унинг давлатио баҳти ҳам шу. Шунчаки анойи бир одам кўринган кимсаларда, аксарият қандайдир ғалатиликни сезиб, тамизли кишилар тушунадилар – буюк яратувчиликка, аввало, шундай кимсалар – “ўз дунёси бор инсонлар” ноил ва қодир.

Гоҳи инсон тафаккури ўзга сайёralарни билмоққа интилгани каби, қалб дунёсини ҳам бошқа шундай дунёлар билан чоғиштиromoққа, бирини биридан кувватлантиromoққа мойиллик бўлади. Режиссернинг Ўрхун бобо дунёсини кўрмоққа иштиёқи шундан. У ўзидаги ана шу интилиш-иштиёқни қандай қондириш истагида изланади. Тунлари безовта-бедор, кундузлари эса паришонхаёл, афтодаҳол кезинади. У қалбига чўккан ва моддийлашиш иштиёқида тинимсиз оловланаётган истакни фақат саҳнага олиб чиқибгина таскин топиши мумкин эди. Бунинг учун Ўрхун бобо образини бор моҳияти билан кўрсатиб бера оладиган актёр керак эди.

Фарғонада шундай актёр бор эди. Бугун театрнинг отахони, фидойи инсон Солижон Аҳмедов. О.Салимов ана шу актёр ҳақида сўз юритаркан, бу инсоннинг касбига фидойилигини ортиқча таъриф этиб ўтирумай, унинг репетиция пайтлари киядиган коржомасига диққатни қаратади ва фалсафий-лирик бир чекиниш қиласи. “Актёр коржомаси – у ажойиб нарса. Актёrlар ҳар хил бўлишади. Ҳар хил репетиция қилишади. Бирор галстукда, уйдан қандай кийиниб келган бўлса, шундайлигича саҳнага чиқиб ишлайди. Жуда олифта, саҳнадаги унча-мунча реквизитта қўйл теккизмайди. Театр реквизитчисини “нега буни чангини артиб қўймайсан?!” деб, койиб ҳам қўяди. Уларнинг орасида талантлilari ҳам бор, албатта. Лекин мен айнан ўша – коржома кийган актёр билан ишлашни хуш кўраман. Улар фидойилар. Улар театрга ҳаммадан олдин келиб оладилар ва ҳаммадан кейин кетадилар. Улар репетициядан кейин, худди кун бўйи кетмон чопгандай, тер тўқадилар. Ҳа, улар терлаб-пишиб ишлайдилар. Уларнинг театрга садоқати шундай кучлики, ҳамма куч-кувватларини бугун, ҳозир, шу заҳоти, бир мисқол қолдирмай сарфлайдилар. Афсуски, бундай актёрлар жуда-жуда оз қолди. Ана шундай камёб актёрлардан бири Соли ака Аҳмедов”.

Қизик, шу сатрларни ўқиб туриб, Олимжон аканинг ўзи беихтиёр кўз олдингта келади. Йўқ, у репетициялар жараёнида маҳсус коржома киймайди. Ёки аксинча, олифта кийимда ҳам саҳнада ишлаётганини кўрмаганман. Қандай қулай бўлса, шундай кийинади, қандай қулай бўлса, шундай ишлайди. Фикрлашига, ҳаракатига халақит қилалиган либосни тиллодан бўлса ҳам киймайди – табиийликни ҳеч нарсага алиштиrmайди. Шунинг учунмикан бу ўспирин боладай енгил ва қулай кийинадиган жиккаккина йигитчани бирор дабдурустдан Республикадаги асосий болалар театрининг бош режиссёри сифатида, инчунун, олтмиш ёшли етук инсон сифатида қабул қилиши кийин.

Чалғидик... Гап мавзумиз “Уч ривоят” борасида эди.

“Соҳил ёқалаб чопаётган олапар” қиссасида сув устига уя куриб, ер юзида қуруқлик пайдо қилган, унда эса ҳаёт, инсон ва турли мавжудотлар яралганидан нақл қилгувчи Лувр ўрдаги тўғрисида ҳамда Ўрхун бобо ўз авлодининг ибтидоси деб биладиган она балиқ ҳақидаги икки ривоят келтирилади. Учинчи ривоят Соли Аҳмедовнинг ўзларига тегишли. Спектакль премьерасидан кейин актёр режиссёрига айтиб берган ривоят: “Одамзод Аллоҳ ҳузурига бориб, унга берилган умр озлигидан нолиб, арз қилибди. Аллоҳ унга бор умр мавжудодларга тарқатиб бўлинганини айтиб, “агар сен умрингни узайтирмоқчи бўлсанг, энди мендан фарзанд сўра. Мен сенинг умрингни фарзандинг билан узайтираман. Сен кўролмаган умрни фарзандинг кўради, сенинг умрингни узайтиради. Фарзандингга фарзанд берсам, умринг яна ҳам узаяди. Ва шу тариқа сенинг авлодинг кўпайиб, умринг бекиёс, абадулабадгача узаймоғи мумкин”, деб жавоб берган экан”.

Донишманд актёр ана шу ривоятдан холоса чиқариб, “менимча бизнинг спектаклимиз одамзоднинг узоқ умри ҳақида” дея фикр билдиради (шундан кейин ҳам актёрни интеллектуал демай кўринг-чи?! Аммо бундайлар истисно, айниқса, бугун). Режиссёрнинг хаёлларига кутқу соглан айнан шу фикр. Ўз актёри – отасидек бўлиб қолган ўша инсон ҳақида қандайдир эссе ёзишга даъват этган туйғу, куч ана шу фикрдан. Режиссёрнинг ҳам умрини узоқ қиласиган қувват унинг бедор азобли ўйлари, мушо-

ҳадалари ўлароқ саҳнада жонланган спектаклъи ва уларни англаувчи, тушунувчи инсонларнинг борлиги.

Олимжон ака ҳамиша инсонни тушуниш, уни кашф этиши мақсади билан яшайтган, ишлаётган режиссёр. Унинг ўзини тушуниш эса янада душворроқ. Ҳар кимга ҳам бу тилсимни очмоқ ҳад эмас. Қолаверса, бу тилсимнинг эгаси ҳар кимни ҳам ўз дунёсига – қўнгил хазинасига яқинлаштиравермайди. Билмоқчимисан, ана спектаклларини кўр, англа, идрок эт. Ундан ташқариси дахлсиз, ўз мулки, салтанати. Биз – дунё топмоқ иштиёқида юрган муҳиблар ўша хазинага, кириш осон бўлмаса-да, тез-тез интилиб борамиз. Чунки унда ҳайрат бор, дард бор, ўйлатгувчи, ўйлаганинг сари поклагувчи бир нур бор ва яна бунга кўшимча қувнатгувчи завқ...

II

Режиссёр Олимжон Салимовнинг умуман театр дунёсида ўз номи, ўз ўрнини кашф этишида “Темир хотин” спектакли белгиловчи аҳамият касб этди десам, фикримга барча “... шунос” у муҳлислар қўшилсалар керак. Аслида Шароф Бошбеков номини ҳам адабиёт ва санъатда барқарор қилган асар шу пьеса бўлганини ҳеч ким инкор этмас. Ўтган асрнинг қайта қуриш, ошкоралик эҳтирослари айни жўш урган 80-йиллари адогида вулқондек пайдо бўлган бу пьеса қанчадан-қанча катта-кичик саҳналар юзини кўрмади?! Ҳаммасида аянчли воқеликнинг қувноқ, ҳалқона, дардчил, аламли бир бадиий инъикоси бўлиб жаранглади. Аммо қай биридандир кейин, қай биридандир аввалроқ Фарғона вилояти мусиқали драма ва комедия театрида саҳналаштирилган “Темир хотин” трагедияси ўзбек театр дунёсида фавқулодда бир ҳодиса бўлганини бугун, орадан роппа-роса йигирма йил ўтиб, яна барадла айтса бўлади, деб ўйлайман. Ўша 1988 йилнинг эрта баҳорларида Тошкентда “Наврӯз арафасида” Ўзбекистон театрлари фестивалида илк бор бу спектаклни кўрганимда, дастлаб қулгудан намиқсан кўзларим томошаша охирларига бориб асар қаҳрамони Кўчқор – Мамасоли Юсупов каби алам ва азобдан шашқатор ёш оқизганини бир умр эслаб юрсам керак.

Назаримда спектакль бошланишида даражатта чирмаб боғлаб ташланган Қўчқор финалда ўз турмуш қисматининг қанчалар ночорлигини англаб хўнграб йиглар экан, томоша охирига бориб гўёки кўзёшлар селоби билан қалб аламларини ювиб, ўша ўзи бир умр ихтиёrsиз боғланган маънавий устунларни азот кўтариб, қўпориб, улоқтириб ташлайдиган кувват ва қудрат касб этадигандек таассурот қолдирган эди.

Қандайдир исён руҳи устувордек, ортиқ бундай яшаб бўлмаслигини англатаёттандек эди. Бу ҳалқимиз ҳаётида кўп ўтмай юз берган буюк ўзгаришлар зарурлигини кўра билган ва шуни бадиий тасдиқ этган жуда ёрқин бир спектакль эди. Шунинг учун ҳам мазкур асар “Наврўз арафасида” Республика театр фестивалининг ғолиби деб топилиб, кейинги йил апрелида Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўtkазиладиган Ўрта Осиё ва Қирғизистон республикаларининг “Наврўз-89” фестивалига йўлланма олади ва у ерда ҳам эътироф ва муваффақият қозониб, Ҳалқаро театр анжуманининг “Гран-при”сига сазовор бўлали. Аммо ана шу эътироф олдидан ғалати бир воқеа юз берган эдики, уни Олимжон ака ҳаётининг унутилмас кунлари сифатида эслаб туради...

1989 йил 23 апрель. Баҳорнинг ўрталари бўлишига қарамай кун ниҳоятда қизиган, пешинларга бориб ҳаво худди ёзниг саратонини эслатарди. Қирғиз Давлат театрсида “Темир хотин” спектакли ўйналяпти. Зал тўла томошабин. Асосан Ҳалқаро фестивал иштирокчилари, меҳмонлари, дунёга донғи кетган театр арбоблари, танқидчилар, нуфузли Ҳалқаро ҳайъат. Одатига кўра ўз спектаклларини радиоцеҳдан кузатиб турган режиссёр асабий ҳолда туйнукчадан қараб аччиғланар, спектаклни қайта-қайта ўйнаб, маромига етказган актёrlари нима учундир бу театр саҳнасида қовушимсиз хатти-ҳаракатлар қилаёттандек туюлар, бегона саҳнада жуда кам репетиция қилгани учун ўзини ўзи сўкар эди. Охири чидолмади. Спектакль тугаб-тугамай тез-тез юриб, театрдан чиқиб кетди. Қаёққа кетаяпти, қаерга бормоқчи – буни сира ўйламас, жаҳлда ёнганича боши оқсан томонга жадал кетиб борарди. Бир вақт ёнверига қараса, театрдан тамом узоқлашган, қандайдир кўримсизроқ, аммо жуда гавжум пивохона олдида туриб-

ди. Юраги күйиб, боз устига ҳаво ҳароратининг баландлигидан бетоқат кетаётган одамга бу бир нажотдек эди. Ўйлаб ҳам ўтиrmай тўғри бориб, “пивохўрлар” орасига ўзини урди. Базур иккита банка топиб, навбат билан пиво олди-да, ташқаридаги тош-фишт бўлакларидан ясалган қўлбола ўриндиққа олиб бориб қўйди. Пивобон бирон газак илинжида сотувчи олдига бориб қайтса, барваста бир нотаниш одам битта банкадаги пивосини бамайлихотир симириб ўтирибди. Адашдим шекилли, деб ён-верига қараса, йўқ, ўша ўзи ҳозиргина банкаларни кўйиб кетган жой. Ажабланиб қаршисидаги одамга сўз қотмоқчи эди, у “ўтириб, ич” деган ишора қилди. Томоги қақраб кетганиданми ёки алам-ҳовурини босиш учунми, иккинчи банкани шартта олдию, бир кўтаришда бўшатди. Қаршисидаги одам жойидан жилмай, пивохона ичкариси томонга ўгирилиб, имлаган эди, бир йигитча югуриб чиқиб, тўрт куружка пиво олиб келиб қўйди-да, қирғизчалаб “хизмат бўлса буюраверинг оға” дея кўлинни кўксига кўйганча ортига қайтди. Барваста одам яна “ол, ич” дея ишора қилди. Олимжон иккинчи кружкани ҳам бир кўтаришда сипқорди. Сўнг қаршисидаги одам кўлини чўэди – “Мен Мар Байжиевман, сен эса Олимжон Салимовсан, ҳозиргина спектаклингни кўрдим. Жуда таъсирландим. Раҳмат сенга”. “Йўқ, спектакль ёмон кетди...” эътироз билдириди Олимжон. “Бекор айтибсан”, дея унинг сўзини кесди бутун Иттифоққа таниқли машҳур драматург. Шу тариқа режиссер ўз спектакли камчиликларини айтиб, ёмонлагани сари, Мар Байжиев уни муросасиз инкор этар, фақат мақтар эди. Баҳс – суҳбат кун қорайгунича давом этди...

1989 йил 24 апрель. Нонуштадан сўнг фестиваль қатнашчилари вакиллари, меҳмонлар, театршунос танқидчилар белгиланган тартибга кўра кеча намойиш этилган “Темир хотин” спектакли муҳокамасига тўпландилар. Ташкilotчилардан бири муҳокамани эндиғина бошлаб турганди ҳамки, эшик очилиб, Мар Байжиев кириб келдию, тўғри йигилиш ҳайъати олдига бориб, фестиваль ташкилий кўмитасининг аъзоси сифатида бугунги муҳокамада раислик қилишни унга топширишларини сўради. Қисқа кириш сўзидан сўнг спектаклнинг ютуқ ва камчиликлари

ҳақида атоқли театр арбоблари мuloҳазаларини билдира бошлади. Жумладан, машхур актёр Кирил Лавров “Ўз миллати дардларини бир спектаклга сифдириб, бу дардлар устидан қаҳ-қаҳ уриб кулиш, ҳақиқий халқчил муаллиф ва режиссёрнинг иши. Шу нуқтаи назардан “Темир хотин” спектаклини, кейинги йилларда Ўрта Осиё театрларида юз берган ёрқин воқеа сифатида қабул қилдим”, деди.

Москвадаги дунёга машхур “Ленком” театрининг бадиий раҳбари, режиссёр Марк Захаров эса “Мен қўлбола майший воқеага шунча маъно сифдириш мумкинлигига ишонмасдим. “Темир хотин” спектакли мени бунга тўла ишонтира олди”, дея ўз эътирофини билдири.

Ҳар қандай спектакль ўнлаб кишиларнинг ижоди, меҳнати маҳсули бўлгани учун ҳам камчиликлардан буткул холи бўлиши қийин. Арбобу танқидчилар дастлаб обдон мақтаб олгандан сўнг энди кўнглилари тўлмаган нуқталар ҳақида мuloҳазалар билдира бошладилар. Лекин Мар Байжиев мақтов тугаб, камчиликлар айтила бошлиши билан нотиқни тўхтатар, тўхтатибгина қолмай, унга асосли эътиroz билдириб, ҳар қандай танқидни инкор этиб қайтариб турарди. “Темир хотин” спектаклидаги фақат бир кўриниш – колхозчи қизларнинг кетмон кўтариб:

“Яна ўйнайлик, яна куйлайлик,
Иқболимиз порлоқ экан, даврон сурайлик, –

деб ашула айтиб, рақсга тушганликларининг ўзи фестивалимизга маъно ва файз киритди...” “Спектаклда кўтарилиган масалаларни Сизлар тушунмайсизлар, ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсизлар. Бу бизнинг, жами ўрта осиёликларнинг умумий дарди, азоби. Мана, Шўро ҳокимияти Шарқ аёлларига қандай “эрк”ни раво кўрди...” Дарҳақиқат, аёлларимизнинг аянчли қисматини, ҳатто заҳматини уни ичдан кўрмаган, кузатмаган одам тушуниши маҳол эди. Гарчи дарду аламнинг саҳна санъати тилидаги юксак бадиий ифодаси, яна аччиқ ҳақиқатнинг кулгу – қаҳ-қаҳа билан йўғрилган бир шаклда тақдим этилиши умумэътирофга сазовор бўлган эса-да, бироқ ўзга тушунча ва ўзга турмуш тарзидаги кимсаларнинг наздida бу бир яхши томоша эди. Мар Байжиев эса спектаклни бутун

минтақа ижтимоий ҳәётидаги воқеа, санъат воситасидаги бонг, ҳайқириқ сифатида қабул қылған зди. Шунинг учун ҳам у спектаклни нафақат хорижлик арбобу мұнаққидлар ва ҳатто ўз актёрлари ижросидан норози бўлган спектакль режиссёридан ҳам қизғанған зди...

Ҳали-ҳануз мазкур спектакль ҳақида ўйлаганды, қандайдир бир оғриқ қалбни сирмаб кетгандек бўлади. Нажотки итоат билан исён ўртасидаги масофа шунчалар узоқ кечса? Беихтиёр бугунни ўйлайсан. Ўша томошадаги бир вақтлар саҳнада пайдо бўлмай, нукул бир қоп туруп ё бодринг ортмоқлаб бозорга кетиб қоладиган ва ўша давр томошабинида енгил кулгу қўзғаттан Бозорвойлар энди тарих саҳнасига чиқиб қолганини мушоҳада этсанг, юракдаги оғриқ янада зирқираб кетади. Айниқса, улар ёнига Кўчкорвойлару, Олимтойларнинг ҳам қўшилиб кетганини кўрсанг, Амир Темур бобомизнинг таъбири билан айтганда, “Миллатнинг дардларига қай биримиз, қачон дармон бўламиз” деб саволлар бергинг келади... Таассуфки, “Осмон йироқ, ер қаттиқ...”

Кейинги йили “Темир хотин” спектаклининг бир гуруҳ ижодкорларига Ўзбекистон Давлат мукофоти берилди. Ўша 1990 йили Олимжон Салимов “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” унвонига ҳам муносиб кўрилди. Орадан бир йил ўтиб режиссёрга яна катта шуҳрат келтирган “Тошкентта сайёҳат” спектакли саҳналаштирилди.

III

Мазкур битиклар қофозга тушаётган күнларнинг бирда иттифоқо сўнгги йилларда урф бўлган сиёсатшунослик илмининг баланд даражаларига эришган собиқ курувчи арбоб билан баҳслашиб қолдик. У зўр бериб, башпоратга ошкора мойил бир алпозда Ҳамза Ҳакимзода яқин келгусида умуман унутилади деган фикрни ўз билим даражасида асослашга уринди.

“Хой, ҳой, отамиз. Тошни кесар болтамиз” дея уруш, зўравонликка чорлаган шоир Мустақил мамлакат фуқаролари маънавий ҳәётида яшашга ҳақли эмас эмиш... Бечора Ҳамза... Қачон бу ёлғон-яшиқ маълумотлар туфайли

маломатта кўмилган буюк шоир ва драматург ватандошимиз тиниқ бир инсоний ҳам ижодий қиёфаси билан ўз миллатдошлари маънавий бисотидан жой олар экан?! Ёмон ишлайпмиз. Адабиёт ва санъат “шунос”лари ҳануз йўлсизликда саросар. XX асрнинг объектив маънавий манзарасини чизгувчи мард йўқ. Ўзича ҳақ қайдгаю, ноҳақ қайдга, дея излангувчи ва билиб, сўнгра сўйлагувчи бетама фуза-ло олимлар эса анқонинг уруғи бўлиб қолди...

Ўтган асрнинг 80—90-йилларида ўзбек театри яна бир сидра Ҳамза драматургиясига қайтди. “Майсарапинг иши”, “Паранжи сирлари” (“Холисхон”), “Жононга бордим бир кечা”, “Заҳарли ҳаёт”, “Тошкентга сайдёҳат” ва ҳоказо. Шунда Баҳодир ака Йўлдошев айтиб эди, “Ҳозиргача бизни Ҳамза боқаяпти” деб. Ҳақиқатан ҳам саксон йилдан ортиқ давр мобайнида ўзбек режиссёрлари, композиторлари Ҳамза ижодига мурожаат этдилар. Шўро замонида унинг асарлари саҳна санъатимизнинг драма ва опера жанрлари ривожи учун асос — озуқа бўлган эса, Истиқлол йиллари кулгу-комедия ва майдон томоша санъатлари тараққиётини белгилаб берди. Бу ўринда мавзумиз “Тошкентга сайдёҳат” спектаклига кўчар экан, сабаби боис Ҳамза Ҳакимзода номини ёд этмаслик мумкин эмас эди. Аммо бу спектакль адабий асосини Ҳамзага тааллукли эмас, ижодий таржима дегувчилар бўлиши аниқ, албатта. Бироқ ҳозирча тайинлик касб этмаган бу фаразу тахминлар қандайлигидан қатъи назар, асар тили, услуби, ифода усули, комик вазият, характерлар яратиш маҳорати... кабиларда Ҳамза руҳининг пойдорлиги яққол намоён. Ҳамзанинг “Тўла асарлар тўпламлари”да илк бор эълон қилинган, тугалланмай қолган бу комедия фарғоналий ижодкор Бобораим Дарвешов ва Олимжон Салимовлар томонидан халқ томоша санъати репертуаридаги “асарча”лар асосида ижодий ишланиб, тугал гротеск комедия сифатида Фарғона театри саҳнасига олиб чиқилади.

70-йилларнинг иккинчи ярмида Ҳамза номидаги академик (ҳозирги Миллий) театрда саҳналаштирилган “Келинлар қўзғалони” комедиясида, кейинроқ Аброр Ҳидоятов театридаги “Майсарапинг иши”да ўзбек миллий чолфуси доира бутун бир спектаклнинг умумоҳангини

белгилаган етакчи бадиий унсурга айланиши мумкинлигининг ажабтовур намунасини кўриб, томошабин завқу шавқдан энтиккан бўлса, бу топилмадан Олимжон Салимов ҳам “Тошкентта сайёҳат”да ўзига хос бир усулда ижодий фойдаланади. Аслида дастлаб ҳалқ анъанавий театрининг “позивнойи” ҳамда ўрни-ўрнида комик воқеа ва лавҳаларни бир-бирига узвийлаштирувчи восита бўлган доира оҳанги “Тошкентта сайёҳат”да бу вазифа билан бирга, ҳар бир лавҳа мазмунини очишга ва ҳар бир характер табиятини англашга хизмат қилувчи мусиқий образ вазифасини ҳам ўтайди. Бу доиранинг шунчаки “тижбата банги” бўлмай, ҳар бир ҳолат ва персонаж учун алоҳида доира куйи ва усулини ишлаб чиқиши, профессионал чолғу ижрочилигини тақозо этар эди.

Бу фикрни машҳур поляк театр режиссёри Кристина Мейснернинг қуйидаги баҳоси ҳам тасдиқлади: “Мен ўзбек чолғу асбоби (доира)ни “Тошкентта сайёҳат” спектаклида ўз овози билан шунча маъно ифода қила олишидан ҳайратга тушдим. Мен ўзбек тилига тушунмаган бўлсан-да, доира ижроси актёrlар ижросига жўр бўла олганида, театрни нима демоқчи бўлганига сўзсиз тушундим. Бу спектакль жаноб Салимовнинг муаллифлик спектаклидир” (“Контакт-94” Ҳалқаро фестивалидаги муҳокамада билдирилган фикр. Польша, Торунь шаҳри, 1994 йил 27 май). Бундан ташқари, спектаклда комедиянинг гротеск шакли жанровий асос этиб белгилангани учун хаёллотга кенг ўрин берилган, яъни реалик билан уйдирма уйғунлигини таъминлаш мақсадида киноретро усули фаол ва табиий қўлланган эди. Пьеса қаҳрамонлари Асомбой ва хизматкорнинг саҳнага кириб келиши, сўнг икки севишганлар – Иброҳим ва Фотимахоним ҳамда бойни турли ҳолатда меҳмонхона хонасидан воз кечишга мажбур этиб, бездирадиган турли қиёфадаги персонажларнинг дастлаб пайдо бўлиши ва ўрни билан гоҳ ортга қайтиб, яна кўриниши кабиларнинг XX аср бошларида машҳур “соков кино” ленталарида ҳаракатланиши томошавийликни ғоят кучайтирган ва томошабинларнинг фавқулодда завқу кулгусини таъминлаган эди. Бу ўзбек театри учун кутилмаган янгилик бўлиб, спектакль бадиий изланишларнинг ғоят

замонавий ёрқин намунаси ўлароқ миллий театр санъати тарихидан жой олди.

Айни чоғда спектаклдаги бош қаҳрамон Асомбой роли ижрочиси Фарғона вилоят театрида анча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган актёр Мамасоли Юсупов ижодий салоҳиятини турли пландаги Кўчкор (“Темир хотин” спектакли) образидан кейин яна бир маротаба бор маҳобати билан намоён этган, шу билан бирга ўзбек актёrlик мактаби ривожини яққол намойиш этган асар сифатида ҳам мутахассислар ва томошабинлар эътирофига сазовор бўлди.

Спектаклнинг ижодий тақдирни ҳам ғоят ҳавас қиларлик: 1991 йили “Наврӯз арафасида” Ўзбекистон театрлари фестивалининг ғолиби, 1992 йилда Тошкентда ўтказилган Ўрта Осиё ва Қозогистон мамлакатларининг “Наврӯз-92” Халқаро театр фестивали Бош совриндори, Халқаро театр уюшмалари Конфедерацияси (Москва)нинг маҳсус мукофоти соҳиби, 1994 йили Польшанинг Торунь шаҳрида бўлган “Контакт-94” Халқаро театр фестивалида “Миллий анъаналарни тиклаганлиги учун” соврини... — бу рўйхатни яна тўлдириш мумкин. Аммо энг юқори баҳони “Наврӯз-92” Халқаро фестивалида ҳайъат раиси, атоқли грузин режиссёри Темур Чхеидзе айтган эди: “Майсарапнинг иши”, “Тошкентта сайёҳат” спектакллари ўзбек театрининг кеийинги йилларда эришган бениҳоя ёрқин ютуқлари. Уларнинг ижодкорлари эса миллатнинг фахридир”.

Ана шу шону шуҳратлар, икки спектаклнинг довруғи Ўзбекистондан ўтиб дунёга юзланиб турган палладарда Олимжон Салимов ўз театрида ва ҳатто ўзга театрларда ҳам яна тўрт-бешта спектакль кўйиб улгурди. Иномжон Турсуновнинг “Қофоз қайиқчалар” (1989), Алп Жамолнинг “Жафога вафо” (1990), Эркин Воҳидовнинг “Олтин девор” (1992) пьесалари асосидаги спектакллар ҳамда Солижон Ҳакимов театр студиясида Шароф Бошбековнинг “Тақдир эшиги” (1992) ва Муқимий номидаги Ўзбекистон Давлат мусиқали драма ва комедия театрида эса “Тошкентта сайёҳат” (1993) спектаклларини саҳналаштириди. Уларни режиссура ва актёrlик санъати нуқтаи назаридан таҳдилга тортилса, барчаси ҳам жиддий мушоҳада ва мулоҳазалар учун асос бўлади. Зоро, режиссёр О.Сали-

мов ижодининг юксалиш палласига кирган, ўз “мен”и, ўз услубини намоён этиб, миллий театримиз “обу ҳавоси”га дадил таъсир ўтказаёттан эди. “Контакт-94” Халқаро фестивалига багишлаб чоп этилган “Контакт” журналида поляк мунаққидлари О.Салимов ижодий майллари хусусида шундай фикр билдирган эдилар: “... Режиссёр Салимов ўзини карнавал ва импровизация унсурлари билан бойитилган ёрқин, серҳаракат театр томошалари қўйишга мойил санъаткор сифатида кўрсатди. Унинг спектаклларида ҳамиша жиддийлик ва кулгу, юксаклик ва тубанлик, ҳажв ва бурттириш ёнма-ён келади”. Дарҳақиқат режиссёрнинг ўша саксонинчи йиллардан ҳозиргача саҳналаштирган қай бир спектаклини олиб қараманг, кулгу билан фожианинг ёки фожеий ҳолат билан абсурд дарражасига келиб қолган кулгули вазиятнинг тасвири табиий омихталалиб кетгани, йифи билан шодлик орасидаги инсоний тақдирларни кўрасиз. Бу унинг услуби, тобора қатъий ва изчил намоён бўлиб борган ижодий ақидаси. Нафақат бир спектакль доирасида бу услуб кўринади. Режиссёрнинг асар танлаш тамойилларини ҳам гўёки ижодий услуби белгилагандек.

Бир гал жиддий муаммоли, фожеий ҳолат ва ечимдаги асарга мурожаат этса, ундан кейин албатта кулгу-комедия жанридаги пьесани олади ёки аксинча. Масалан, 80-йиллар аввалидаётқ Шўро замони қишлоқ ҳаёти фожиаларидан публицистик долзарблик ва кескинликда сўз очган “Пахтамиз оппоқ эди” (И.Турсунов асари) спектакли ёки шўх, қувноқ қаҳрамонлари билан кулгу, қаҳ-қаҳа ташийдиган “Кўнғироқли ёлғончи” (А.Обиджон пьесаси) томошаси, жиддий комедия “Темир хотин” ва дардчил драматик оҳангдаги “Қофоз қайиқчалар” (И.Турсунов)дан кейин “Тошкентга саёҳат” ёки “От ийлаган томонда” (Гофай Мурод асарлари асосида)дан кейин Мольернинг “Учар табиб”и, иккинчи жаҳон урушининг инсон тақдирларидағи даҳшатларини акс эттирган “Уфқ” (Сайд Аҳмад романи асосида) ёки Амир Темур бобомиз маҳобатини намойиш этувчи “Соҳибқирон” (Абдулла Орипов пьесаси)дан кейин яна Мольернинг Ш.Бошбеков талқинидаги “Парижга саёҳат” комедияси ёки мим ва пантомимонинг ёрқин ўзбекча

намунасига айланган “Боз масхарабоз” спектакли кабилар. Шу маънода О.Салимовнингижодий таржимаи ҳолига театр санъатининг йиги ва кулгудан иборат қадимий рамзий белгисини муҳр қилиб қўйса бўлади. Бироқ, афсуски, нафақатижодий таржимаи ҳолига, балки бутун инсоний тақдирига ҳам ўша муҳрни босиш мумкин...

IV

У Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят давлат мусиқали драма театрига бош режиссёр сифатида қарийб ўн йил раҳбарлик қилди. Бунгача Ҳамза номидаги Кўқон шаҳар мусиқали драма театрида ишлаб юрганида ҳам уч йил чамаси директорлик қилиб, бошқарув илмининг ҳаётий сабоқларини олиб улгурган эди. У Фарғона театрининг нима эканини биларди. Унинг тарихи, анъаналари, репертуари, ўтган ва ижод қилаётган актёрлари, бошқа ижодкорлари, мавжуд салоҳияти ва Республиканинг қирққа яқин театрлари орасидаги ўрни, мавқеини тасаввур қиласи эди. Бош режиссёр этиб тайинланганидан сўнг бу театрнинг бутун ижодий, ижтимоий ва майший ҳаётини нафақат билиш ва тасаввур этиш, шу билан бирга ичидан кузатиб, англаб, юракдан ҳис этиш имкониятига эга бўлди. Айни чорга “театрда бош режиссёр алмашуви бу жуда мураккаб жараён. Кўп йиллар ўз етакчиси билан анча-мунча натижаларга эришган жамоани янги “Бош”ни қабул қилиши ўта драматик тарзда рўй беради. Бундан қабул қиласидан томон ҳам, қабул қилинадиган томон ҳам анча азият чекиши мумкин. Тарих бу жараён давомида катта-катта ижодий жамоаларнинг парчаланиб ёки манаман деган улкан ижодий шахсларнинг фожиаси билан тугаганлигининг гувоҳи бўлган”.

Олимжон аканинг битикларидаги бу фикрлар ҳаводан ёки ўзга бир ижодкор қисматидан олинган эмас. Гарчи бу шунчаки хусусий ҳол ҳам эмас. Улар унинг ўз ҳаёти тажрибаларининг акс-садоси, аникрофи, сабоқлари...

Яна ёзувларга мурожаат этамиз: “Мен бир вақтлар чет эллик бир режиссёр хонаси деворида қандайдир суратми, диограммами, шунга ўхшаган нарсани кўриб, ундан бу нима деб сўраганимда:

— Бу мен билан менинг актёрларим ўртамиздаги муно-
сабатларимиз, — деб жавоб берди. — Мана бу ўргадан ҳар
томонга тортилган чизиқлар — бу актёрлар. Улар доимо мар-
каздан қочувчи, индивидуал күчлар. Уларни ҳар бири бир
“дунё”. Мана бу ҳалқасимон чизиқлар бу мен билан сен —
режиссёр. Биз бирлаштирувчи күчлармиз. Биз доимо ўша
“индивидуал дунё”ларни бир-бири билан боғлашга, бир-
лаштиришга ҳаракат қиласыз. Улар эса, ҳа деганда бирла-
шишни хоҳлайвермайдилар. Улар ҳар бир қылған ишлари-
да, аввало, ўзлариникини олдинга суришни хоҳлайдилар.
Иккинчи ёки умумий бўлиб қоришиб кетишни истамайди-
лар. Биз эса бу кучдан фойдаланиб, ўз мақсадимизга эри-
шишимиз керак. Уддасидан чиқа олсак, ишимиз яхши бўла-
ди, чиқа олмасак, улар ўша “дунё”лигича қолаверишади...

— Мана бу ерда актёрларни чизиқлари бир жойга йи-
филиб, ўзлари яна бир “ўргимчак уяси”ни ташкил қили-
шибди-ку?

— Буни энди ижодга дахли йўқ. Бу низолар! Улар ке-
рак бўлса, менга қарши ана шундай бирлаша оладилар.
Бу ерда ҳазил кетмайди...”

“Мен спектаклларимда банд қилмаган актёрлар, ҳар
доим мендан норози бўлишган. Бундай ҳол қайси театрда
йўқ дейсиз. Ишсиз қолган актёр — бу режиссёр чўнтагиди-
ги бомба. У ҳар дақиқада портлаши мумкин. Унда режис-
сёрнинг ҳолигавой...”

(М. Туманишвили. “Режиссёр театрдан кетади”
китобидан)

Назаримда ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Олимжон Сали-
мов отлиқ ижодий индивидуалликни — бош режиссёрни
ҳам шундай қисмат кутар эди. Кутар эдигина эмас, балки
ҳамиша таъкиб қилар эди. Чунки у бошқача бўлолмасди,
умумоқимга қўшила олмасди. Тўғри, у ҳам инсон, ўзгадан
ўзгача шоху бутоғи йўқ. Ҳамма қатори театрга келади,
ҳамма қатори кетади. Кимдан кам, кимдан кўпроқ маош
олади. Ижоддан ташқари, ўзининг ҳаёти, майший турму-
ши бор. Хотини, болалари, қозон-товоқ, рўзғор деган-
дек... Гоҳи-гоҳ ҳамкаслар билан улфатчилик, ишдан бош-
қа мулоқот-муносабатлар. Қўйингки, барча одамларга,

жумладан, ижод аҳлига хос бўлган ҳаёт, турмуш, ташвиш, хоҳишу майллар унга ҳам бегона эмас. Бироқ, бироқ нега айнан унинг, бош режиссёрнинг (мен бу ўринда ижодий “мен”ига эга бўлган ва уни намоён қилолган шахсларни назарда тутаман) қисмати ҳамманики каби эмас? Нега айнан у фитна, таҳдид, тазиқ ҳам жунбишига келган эҳтирослар нишонига айланади?! Жавоб ўша, аллақайси чет эллик режиссёр хонасидаги диаграмма ва М.Туманишвили китобида акс этган ҳақиқат!..

У эрталаб, ҳаммадан олдин театрга келишини одат қилган. Чунки жимжитликда театрни айланиб чиқади, ҳар бир цех, хона, репетиция зали, саҳна ва фойени кўздан кечиради. Камчиликлар, носозликлар бўлса, ўзига қайд қилиб, иш бошлангач, ҳар бир мутасаддига керакли топшириқларни беради. Ижодий жараён — репетицияларга қадар (актёрлар одатда бошқалардан кўра ярим соат, бир соат кечроқ иш бошлайди) ҳамма нарсани таҳт қилдириб қўяди, худди моҳир уста энг аввало дастгоҳини артиб-суртиб, тозалаб, мой қўйгандек. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Яқинда театрнинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан у ер-бу ерларга қаралиб, тартибга келтирилган бўлса ҳам, “тарки одат амри маҳол” дегандек, у эрта келиб ҳаммаёқни айланди. Фойедан ўтиб бораркан, дафъатан юбилейга атаб қўйилган суратлар орасидаги ўз суратига кўзи тушди. Кўрдию жойидан жилолмай қолди. Унинг “кўзлари ўйилган” эди... Шу турганча қимиrlамай, узоқ тикилди. Кўзлари “ўйилган кўзлар”да эдию, хаёллари тамомила бошқа ўйлар билан банд, ўзини-ўзи тафтиш қилар, “қачон”, “қаерда”, “нима учун” деган беадад саволлар гирдобида бутун дарду дунёси фалаёнда эди... Қани энди ҳаммасига қўл силтаб, барчасини ташлаб чиқиб кетса. Боши оққан томонга, “оёқ етганча кетса”...

Шундай бўлди ҳам. Тонг саҳарда мудраб ўтирган қаровулга нарвон топдириб, ўз суратини ечиб олди-да, эшикдан тўғри кўчага чиқиб, кетганича кетди. Бир неча кунгача театрга бормади, боролмади. Чунки у бир нарсани сезган эди. Агар спектаклга келган бирон бир бола фақир шўхлик қилиб, расмларга тегиниб, чизиб-ўйиб кетган-дир деса, бола тугул баскетболчининг ҳам бўйи суратлар-

га етмайди. Кейин яна у “шүрлик” ойна остига жойлаштирилиб илинган. Буни нарвонсиз, бир одамнинг ўзи эплаштира олмайди, ахир. Кимдир нарвон топиб келиши, кимдир суратни жойидан олиб, ойна остидан чиқариши, яна кимдир ва ҳоказо...

Демак, театрда “ўргимчак уяси” пайдо бўлгани аниқ! Эҳе! Энди дардингни кимга айтасан?! Ўн йил... ўн йил-а?! Йўқни бор қилиб, ўз ёғига ўзи қоврилиб, Фарфона музофотидан нарини кўрмай, билмай ўтаётган жамоани ўн йилда дунёга олиб чиққани учун олган мукофотини қаранг-а?! Унинг ҳар бир спектакли, кўчма маънода эмас, ҳаққирост юрагининг бир парчаси. Ҳар бир спектаклни юрак ўйноғида, минг битта мулоҳазада, мушоҳада ва шубҳаю иккиланишлар билан ижодий тўлғоқда саҳнага олиб чиқади. Асар тўғри таңландими, ҳамма ижодий компонентлар бир мақсадга йўналтирилганми, актёрларга вазифалар, оддий ва олий вазифалар тўғри берилганми, ижро, безак, мусиқа, чироқ ва ҳоказолар бари унсуригача эринмай ўйланниб, инжиқлик билан текширилиб борилади. Ўнлаб саҳифалар қораланади. Бинобарин, бир эмас, икки эмас... то қиёмига етди деб ҳисобланмагунча ўнлаб, керак бўлса юзлаб марта ҳар бир ижодий унсур, парча, лавҳа назардан ўтаверади, ўй-мушоҳада, тафаккур бир дам тинмайди. На ўзини, на ўзгани аямайди. Қаро терга ботиб ишлайди, ишлатади. Ҳўш, шундан кейин бундай оғирлик, бундай аёвсиз никтовга қайси юрак дош бера олади?!

У ҳар сафар, деярли ҳар бир спектакль премьерасидан кейин “йиқилади”. Юрак ҳаддан ташқари катта юкни тортиб берганидан кейин чарчаганини, қаттиқ толикқанини сездиради. Яхшики бу юрак соҳибининг меҳрибони – аёли, қизи бор. Ўғли ҳам бор. Аммо у ўғил бола, меҳри ошкора эмас. Аммо хотини шундай паллаларда бошқа барча ҳолатларда бўлганидек муштипар, сассиз, кўнувчан ва кўникувчан феълини йиғишириб, уни бир қур тин олмоқقا, муолажа қилиб, ҳордиқ чиқармоқقا мажбурлашда қатъият кўрсатади. Бир сидра муолажа олиб, қувватга киргач, яна ўша кори аъмол. Яна асаб, яна азоб, яна изтироблар... Бу унинг ҳаёт тарзи, моддий, жисмоний, маънавий, ақлий эҳтиёжи. У бошқача яшашни ҳам, бошқача ишлашни ҳам

билмайди. Асли яратиш, ижод, бунёдкорлик шундай бўла-ди. Руҳнинг юксалиши, илҳом онлари – илоҳий неъмат. Унга эришмоқнинг йўллари эса юракни бўлак-бўлакларга ажратиб, курбонлик келтиришилар. Яна ҳазрат Навоийга салланмолар айтасан:

Рози эрмасмен кўнгил чокини пайванд этсангиз,
Колғонин ҳам кошки парканди-парканд этсангиз.

...Хуллас ана шу фидойилик эвазига эришилган барча шону шараф, алёру олқишилар, унвону имтиёзлар, сафару сайёҳатлар бари учун миннатдорчилик “ўйилган кўзлар”да ўз ифодасини топди. Демак, ортиқ бу даргоҳда қолиш ҳам мумкин эмас. Ўзига ҳар қанча таскин бермасин, нимадир муттасил онг-шуурига қутқу солар, “бўлди, кетиш керак” деган фикрни куяр эди.

Йўқ, фақаттина ўша бетамизлик учунгина бу фикр қатъ-иyllашган эмас эди. Бу анчадан бери сезилаёттан, чекка-чеккада, гримхоналар, саҳна ортида давом этиб келаётган, майда гина-кудурат, гийбат билан бошланган ёқимсиз жараённинг мантиқий якуни эди. “Режиссёрни театрдан “кетказиш” қийин иш эмас. Талантли одамнинг ҳамиятига тегишининг ўзи кифоя. У бирпасда мувозанатини йўқотади, ўзини қўярга жой тополмай саросимага тушади. Ич-ичидан ўзини-ўзи кемиради. Ҳимояланиш йўлини билмайди. У якка-ёлғиз қолади. Энди уни енгиш жуда осон. Яна бир “туртки” билан ўзи йиллар давомида яратган ишларидан воз кечиб, “ўз хоҳиши билан” театрдан кетади” (О.Салимов ёзувларидан). Энг алам қиласиган ери шунда эдики, ўша майда гийбатларга сафар ва унвонлардан бенасиб қолганлар “мой” сепиб оловлантиrsa, бош режиссёр шарофа-тидан етти ухлаб тушига кирмаган мартабаларга эришган ҳамфикр, маслақдош дўстлар, сафдошлар, у меҳр қўйиб тарбиялаган, яратган шогирдлар бефарқ қараб тургани, “баъзилар”ни тўхтатиб, тўғри йўлга солишга уринмагани эди... Орадан кўп ўтмай Олимжон aka бошқа театрга ишга ўтди. Тошкентта, пойтахтдаги ўзбек ёш томошабинлар театрига бадиий раҳбар бўлиб ўтди... Энди бу бўлак тарих.

Аммо шунинг якунига яна бир ҳодисани эслаб ўтмаса бўлмас. Олимжон Салимов марказга янги театрга эндинигина

ўтиб ҳам эдики, Польшадан, Торунь шаҳрида ўтадиган “Контакт-94” Ҳалқаро театр фестивали ташкилий қўмитасидан “Тошкентта сайёҳат” спектаклини таклиф этиб, хат келади. Бу пайтда Олимжон ака “Тошкентта саёҳат”ни Муқимий номидаги мусиқали комедия театрида ҳам бош ролда комик актёр Равшан Солиҳов билан муваффақиятли саҳналаштириб улгурган эди. Шунга қарамай у Ҳалқаро фестивалга Фарғона театри спектакли билан боради. У ерда “Миллий анъаналарни тиклаганлиги учун” маҳсус соврин билан тақдирланиб, ҳалқаро театр жамоатчилиги эътирофига яна бир бор сазовор бўлади. Торунь шаҳрининг марказий кўчаларига ўзбек режиссёри Олимжон Салимовнинг бўй баровар суратлари осиб ташланади (бунисини энди ўша “баъзилар” қандоқ кўтара олди экан, ёлғиз Аллоҳга аён).

V

У табиатан мулоҳазали, ўта таъсирчан одам бўлгани учунми янги театрга, янги жамоага узоқ вақт кўниколмай юрди. Бадиий раҳбар этиб тайинланганига бир йил ўтса ҳамки янги асар кўёлмади. Репертуарни, жамоани узоқ ўрганди. Бу театрнинг нимага қодир эканини чамалади. Уни замонавий театр нуқтаи назаридан тубдан ўзгартириш кераклигини, унга ҳар жиҳатдан янги ҳаво, янги қиёфа бағишлиш зарурлитини тушунди. Ва бу ишни иложи борича беталофат, босқичма-босқич амалга ошириш йўлларини излади. Шу мақсадда анчадан бери хаёлида тайёрланиб юрган лойиҳа – “От йиғлаган томонда” спектаклини саҳналаштиришга киришди.

Ёзувчи Тоғай Муроднинг “От кишинаган оқшом” ва “Ойдинда юрган одамлар” қиссалари ўзбек адабиётида воқеа бўлди. Буткул янги ҳалқона услуб, кўшиқ мисол оҳангдор, жозибали тил, инсон руҳиятининг теран бадиий тадқиқи – жами табиий бир уйғунликда ўқувчи қалбини, онг-шуурини ларзага солди. Зиёдулла калнинг кўнгил меҳварига айланган Тарлон оти ва бир-бирини қаттиқ суюб, биттагина тирноқ – фарзанд илинжида бутун умр армон билан ўтган эру хотиннинг қон-қонигача ҳаё билан йўғрилган бағоят нозик муносабатлари ҳақида ги икки алоҳида мустақил асарни О.Салимов ўз талқини-

да ягона бир сценарий-пьеса ҳолига келтириб, унинг саҳна вариантини тайёлай бошлади. Жуда мураккаб техник конструкция ўйлаб топди, постановкачи рассоми билан. Доира бўйлаб бир неча штанкетларга ўрнатилган эгар-жабдуқлар. Гоҳи кўпкари таассуротини бериш учун қий-чув, қич-қириқ садолари остида эгар-жабдуқлар доира бўйлаб шитоб айланади – дунё чархпалак, ҳамиша ҳаракатда. Ўша эгар-жабдуқларнинг бири Тарлонники – гўёки Тарлоннинг ўзи. Зиёдулла вақти-вақти билан ана шу эгарга бағрини бериб, юракдан сўзлашади. Дарду аламларини, умид-кувончларини айтиб сирлашади, тўкилади. Унинг энг яқин биродари, дилдоши шу тилсиз жонивор. Рост-да, тиллик, икки қўл, икки оёқлик мавжудотлар – одамлардан нима яхшилик кўрди ё кўраяптики, бу ҳам оқибат қилса. Одамларга қўлидан келган яхшилигини аямаса, мол деса мол билан, жон деса жон билан хизматини қилса, бирорга безиён подасини боқиб, ўз дунёси билан юрса-ю, яна маломатдан, фийбат, гап-сўздан хўрланса, камситилса, қаниadolat, қани ҳақиқат?! У ўзининг бир умрлик оҳи, армони бўлиб қолаётган фарзанд неъматига эриша ололмаётгани учун ич-ичидан аламланиб, ўртаниб, ҳаммадан беркиниб, одамови бўлиб юрса-ю, яна ўша бир қарич тиллик, икки қўл, икки оёқлик маҳлуклар яраларини тирнаб, юракларини пора-пора қилиб турсалар... У озурда кўнглини ҳеч кимга ёролмайди. Ҳатто хотинига ҳам. Чунки уни-да ўзидан баттарроқ сиқилаётганини, эзилиб, куйиб юрганини билади, ичидан ҳис қиласди. Шунинг учун ягона дўсти, суюнчи, дил ёрати Тарлон. Шу от уни кўпкариларда ғолиб қилиб, юзини ёруф қилаётган, қалбига қувонч, кунларига нур-умид бағишаётган. Ёмонларнинг ур-калтак, босқинларидан омон сақлаб, жонини асрәётган, хўжасининг кўнглига, фикрига эш бўлиб, тушуниб, орзуларига қанот бўлаётган шу жонивор от – Тарлон. Зиёдулла ундан яқинроқ кўнгил ҳамдардини тополмайди. Йиғлаб унга изҳори дил қиласди. Биладики, Зиёдулла азобланганида у ҳам қўшилиб азоб чекади, қувонганида эркаланиб, суйкалиб пишқириб туради.

Демак, Тарлон унинг биродари – буни Зиёдулла спектакль кульминациясида эътироф этади. Гўёки табиат билан

инсоннинг якталиги, одамзод ўз қавмидан тополмаётган меҳрни табиатнинг бўлак жонзотида кўриб, нажот олаётгани, фориглантирувчи халоскор куч муқаррарлиги ҳақидаги фоя тасдиқ этилади. Режиссёр ана шу некбин ғоянинг жуда салмоқли бадиий ифодасини топишга муваффақ бўлади. Томошабинни Зиёдулла чавандознинг руҳий кечмишларига қалбан яқинлаштириб, ўзининг ҳам тозариши, маънавий покланиши учун туртки, мушоҳада имконини беради. Бефарқ, лоқайд қолдирмайди. Асли юксак санъатнинг бош вазифаси ҳам шу эмасми?! Спектаклнинг энг мухим ютуғи бу бўлса, яна бир ютуғи ўзбек Ёш томошабинлар театри ижодий қиёфасининг буткул ўзгариши, янгиланишига мустаҳкам пойдевор яратилгани эди. Буни ўз вақтида таниқли театршунослар ҳам қайд этган эдилар: “От йиғлаган томонда” спектаклини кўриб, Й.Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театри ижодий фаолиятида катта бурилиш юз берибди, деган холосага келдим. Бу спектакль ўз мазмуни ва ифода воситасига кўра саҳна санъатимизда воқеа бўлди”, деб ёзганди профессор М.Қодиров “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган “Янгиланиш уфқлари” мақоласида.

Дарҳақиқат, бу муваффақият яна расмий эътирофини топиб, спектакль Узбекистон театрлари “Наврўз-95” фестивалининг бош совринига сазовор бўлди. Зиёдулла роли ижрочиси Фарҳод Аминов эса 1996 йилги “Баҳор чорраҳалари” театр фестивалининг “энг яхши эркак роли ижрочиси” номи ва совринига муносиб кўрилди. Дарвоқе, актёр Фарҳод Аминов ҳақида, алалхусус актёр ва режиссёр ижодий нисбаси хусусида баъзи мулоҳазалар.

Зиёдулла кал образининг актёр Фарҳод Аминов ижросида талқин этилгани ҳам “От йиғлаган томонда” спектаклининг ютуқларидан. Очиги образ моҳиятини англаш, характерни ҳис этиш ва тушуниш, бош фоя ва фикр салмоғини таъминлашда Ф.Аминов ижроси айнан мос келди. Бу албатта, аввало, режиссёрнинг актёрни ролга тўғри белгилай билгани ва унинг ижодий имкониятларини аниқ тасаввур этиб, вазифа қўйгани туфайлидир. Ф.Аминов ижро усулида оддий вазифадан кўра олий вазифага (“сверхзадача”) эътиборни кўпроқ қаратиш хусусияти етакчи-

лик қиласы. Унинг учун тафсилотдан күра мақсад мұхимроқ. Гарчи тафсилотлар ўша бош мақсад сари йўналтирилган бўлса-да, актёр майший унсурларга иккиласи муносабатда бўлади. Бош вазифани мақсад қилиб олгани ҳолда, бор имконият ва руҳий қувватини шунга йўналтириб, қўпинча пафосли, романтик ижрога мойиллигини сездиради. Қаҳрамонининг ўй-кечинмалари, дард-қийноқларини майший реалиқда эмас, кўтаринки дардчил оҳангда, бир эмас, ўнлаб, кўплаб одамларнинг изтироб ва аламлари сифатида типиклаштириб, умумлаштириб ифодалашга интилади. Назаримда, актёр Фарҳод Аминов ижодий индивидуаллигининг асосий белгиси шу. Гарчи у талайгина роллар ўйнаб, театр ва кинода турлича характерлар яратган бўлса-да, унинг актёrlик ақидаси ана шу хусусият бўлиб туюлади. Бу фикрни ижодининг дастлабки даврларидағи “Биринчи бўса” спектаклидан то “Қора камар” гача ва ниҳоят “От йиглаган томонда” спектаклида яратган образлари мисолида кўриш, кузатиш ва асослаш мумкин.

Олимжон Салимов Зиёдулла образини айнан пафосли фожеий ечимда кўргани ва талқин эттани учун ҳам ўзбек ёш томошибинлар театрига мутлақо алоқаси йўқ, бир неча муддат йирикроқ бир ижодий иш билан машғул бўлмай юрган Фарҳод Аминовни ахтариб топиб, уни театрга, шу ролга таклиф қилди ва бош рол ижрочиси масаласида режиссёрнинг қатыйи қарори қанчалик тўғри бўлганлигини юқорида қайд этилган эътирофлар исботлаб турибди.

Ўта жиддий, трагик пафосдаги спектаклдан сўнг у ўз ижодий тамойилига содик қолиб, енгил жанрга ўтди. Буюк Мольернинг “Учар табиб” пьесасини ҳамфир ҳамкори Шароф Бошбековга миллий хусусиятларимизга мослаштирилган талқинда қайта ёздириб, саҳнага олиб чиқди. Фожиадан, ғамгин ҳодисалар, ғамбода кайфиятдан сўнг сиқилиб, ўрганиб кетган инсон бирдан ёруғликка, кувонч ва шодликка етишса, қанчалар тўлиб, тўлқинланиб қалб губорларидан, кўнгил ғашликларидан фориғланса, мунгли қўшиқ – “От йиглаган томонда”дан кейин режиссёр ҳам, театр жамоаси, актёrlар ҳам шўх-шаън ҳаракатларга, енгил кулгу, хушҳол муносабатлар оламига фарқ бўлдилар. Дилларни завққа тўлдирувчи ўйноқи мусиқа оҳангла-

рида ўйноқ ҳаракатларга, импровизацияга қурилган, рангу-жилоси мўл спектакль яратилди. Бош рол ижрочиси Абдусамат Жўрабоев минг бир найранг ишлатиб бўлсада, яхшилик уругини сепувчи, табиатан шўх, қувноқ, ёқимтой шумликлари билан томошабин кулгусини кўзгайдиган, ўз актёрлик ампуласига мос табиб образини талқин этди. Спектакль ўзбек ёш томошабинлар театрида бошланган ижодий ўзгариш ва янгиланишлар тасодифий ёки вақтингчалик эмас, балки жиддий ва изчил эканлигининг ҳам ўзига хос намойиши бўлди.

VI

О.Салимов бадиий раҳбар сифатида, режиссёр ва ҳатто педагог сифатида, аввалроқ таъкидлаганимиздек, ўзига ҳам, қўл остидагиларга ҳам фоят талабчан. Айниқса, спектакллар саҳналаштираётган пайтида байни деспот, диктаторга айланиб кетади. Бу, албатта, фақат унга хос жиҳат эмас. Жаҳон, шу жумладан, рус ва ўзбек режиссурга санъати вакилларининг кўпчилигига шундай хусусият кузатилади. Ва очиги шу туфайли кўпгина режиссёrlар таъқиб, тазиқ, ниҳоят қувфинга учрайдилар. Соҳибқирон бобомиз айтмоқчи, “салтанат сиёsat била ростдор”. Шу каби режиссёр ҳам ўз “салтанат”ида ёки вақтингча бирор спектакль кўйиш учун ташриф буюрган театрда сиёsatини ўтқазмас экан, муваффақият қозонмоғи фоят душвордир. Назаримда О.Салимовнинг Ҳамза номидаги ўзбек давлат Академик драма театридаги икки спектакль устида ишлаш жараёни фикримизга далил.

Дастлаб 1995 йили иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 50 йиллигига бағишлиб ёзувчи Саид Аҳмад романи асосида “Уфқ” спектакли саҳналаштирилади. Бу лойиҳага ҳам О.Салимов, одатдагидек, муаллиф ортидан эргашувчи эмас, балки у билан тенг ижодкор, мустақил, янги фикр ва талқин берувчи сифатида ишга киришди.

Романнинг марказий мавзуларидан бири – уруш ва шу туфайли ўзбекларнинг ташқи ҳам ички дунёсида кечганд жараёнларни тадқиқ этиш, уларнинг мардона туйғулари, жасорати, фидойилиги, ор-номуси кабилар. Бироқ О.Салимов булар ҳақида саҳна воситасида ҳикоя қилиш-

ни бош мақсад қилиб белгиламади. Зеро, бу “тап”лар ярим аср давомида кўп айтилди, хўп айтилди. Ҳатто сийқалана бошлади. Чунки бир нарсани турли шаклда тақоролайвениш, охир-оқибат акс таъсир қўзғатиши табиий ҳол. Қолаверса, замон ўзгарди, тузум, одамлар, онг, қарашлар ва ҳатто атамалар ўзгарди. Яқин-яқингача “Улуф Ватан уруши” деган мубҳам истилоҳ ўша мавҳум Ватаннинг ўзи йўқолиб, “фашизм устидан қозонилган ғалаба” шаклида айтила бошланди. Демак, талқин ва ёндашувлар ҳам ўзгармоғи зарур эди. Режиссёр шундай йўл тутди. Унинг учун “Улуф Ватан уруши” ва ўзбекнинг шаъни, шарафи эмас, балки айнан шу уруш туфайли инқизотга юз тутган фожей тақдирлар бош мақсад бўлди. У Икромжонни, уруща оёғидан ажраб, не балолар билан юзма-юз бўлиб келган асосий қаҳрамонни сохта ҳаяжон, ясама ватанпарварликнинг образли тажассумига айлантируди. Гарчи баъзи ижрочилар режиссёр иродасидан ташқари шу талқинни маъкул топиб, жонлантирган бўлсалар-да. Йўқ, О.Салимов учун ўғлининг фронтдан қочганини эшигтан Икромжон мисолида инсоний ор-номус билан оталик изтироблари тўқнаш келган, чукур ички зиддиятдаги қаҳрамон муҳим эди. Режиссёрнинг романдан тамом фарқли ўлароқ, Турсунбойни буткул қора бўёқларга чатламай, уни тушунишга, ёшлиқ ва севги сурури билан беташвиш яшаб юрган ўспирин йигитнинг туйқус ўлим даҳшатлари рўпарасида эсанкираб, кўркув исканжасида қишлоғига қочиб келгани учун таҳқирлайвермасликка интилиши ҳам Икромжондаги ўша зиддиятни кўрсатишга йўналтирилган.

Спектаклда академик театрнинг ярмидан ортиқ актёrlари иштирок этар эди. Режиссёр асосий образларни навбатма-навбат дублёрлик гуруҳлари билан тайёрлайди. Ҳар бир гуруҳнинг ўз ижро маданияти, ютуқ ва камчиликлари мавжуд эди. Гарчи режиссёрнинг яхлитлаштирувчи ғоявий ҳам бадиий талқини, кўрим ва ечимлари амал қилса-да, ҳар бир гуруҳ ўз образларининг моҳиятини ўзича тушунади. Масалан, биринчи гуруҳ ижрочилари Ё.Аҳмедов (Икромжон) ва Т.Юсупова (Жаннат) пафосли, публицистик ижрога мойил. Режиссёр кўзда тутган талқин, назаримда, асосан, спектаклнинг иккинчи гуруҳ ижро-

чилари мисолида тўла юзага чиққан эди. Агар Турсунбой образида актёр Тоҳир Сайдов режиссёр талқинини теранроқ англаб, биринчи гуруҳ партнёрлари билан номуво-фиқ муносабатларга киришса, иккинчи гуруҳдаги ижро-чилар Эркин Комилов (Икромжон) ва Римма Аҳмедова (Жаннат)лар билан тўла мутаносибликка эришди, ансамбль сифатидаги ижро яққол сезилди.

Спектаклда фоя инкишофи учун хизмат қиласиган ва муқаддимадан то якуний саҳналаргача қизил ип бўлиб ўтадиган шартли мизансаҳналар бор эди. Бир тўда навқи-рон йигитларни маҳзун кайфиятда жанггоҳларга кузата-ёттан қизлар маҳбублари билан рӯбарӯ маъюс термулган-ча саҳна олдидан унсиз “оқиб” ўтадилар. Бу гёё умр кар-вонида сўнгсиз армон бўлиб кўнгилларга мудом қайфу соладиган туйгулар рамзи бўлиб туюларди. Спектаклнинг ўзига хос поэтикасини белгилаган бу манзара томошабин таассуротларини қуюқлаштирадиган бир топилма сифа-тида эсда қолган. Ана шулар барчаси, ўз навбатида бир бутунликда спектаклга муайян қиймат бағишилаган эди.

Бундан сўнг О.Салимов отахон театрда яна, кетма-кет иккинчи спектаклни саҳналаштиришга киришади. Бу Абдулла Орипов пьесаси асосидаги “Соҳибқирон” спектакли эди.

1996 йили ЮНЕСКО Халқаро ташкилоти буюк бобо-калонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан бу санани дунё миқёсида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Табиийки, улуғ жаҳонгир бобомиз ша-рафига мамлакатимизда ва хорижда кенг миқёсли тадбирлар ўтказиш режалаштирилди. Булар орасида Ўзбек Давлат академик драма театрида “Соҳибқирон” спектаклини саҳналаштириш масаласи ҳам бор эди. Асар гарчи саҳна асари сифатида қофозга тушган бўлса-да, у кўпроқ ўқишига, муайян тайёргарлиги бўлган, бир қадар маърифати бор томошабинга мўлжалланган эди. Унинг саҳнага мослаш, ҳаракатлар билан бойитиш, ички динамика, томошавийлигини кучайтириш зарур эди. Айни чоғда Амир Темур номи узоқ вақт тилга олинмай ёки тарихимиздаги ёвуз сиймо сифатида кўрсатиб келингани туфайлими Мустақиллик шарофати билан бу улкан шахснинг миллий қаҳрамон ўлароқ тақдим этилиши уни буткул қайта-

дан идрок этишни, ўтмишга янги нигоҳ билан қараб, янгича ёндашувни тақозо этарди. Шу сабабли спектакль янгича тарихий талқиндаги дастлабки жиддий бадиий асарлардан бўлгани учун, унга муайян маънода ижтимоий-расмий тус берилди. Натижада беадоқ кўриклар, давлат, жамоат қабуллари авж олиб, катта-кичик амалдорларнинг бўлса-бўлмаса аралашаверишлари, “ол-қўш, қўш-ол”, қабилидаги талаблари ҳаммасидан ошиб тушди. Шуларга қарамай, режиссёр ҳар қанча ёқимсиз бўлса-да чидар, тишини-тишига босиб, ён берарди. Аммо фақат принципiali аҳамиятга молик бўлмаган масалаларда шундай эди.

Юксак қаҳрамонлик, тантанавор рух, маҳобат устувор бўлган спектаклда Амир Темур сиймоси ҳалқ ва мамлакат бирлиги учун курашган, адолатни бош шиор биллиб, ўз юртида улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширган буюк давлат арбоби, ватанпарвар шахс сифатида кўрсатилади. Бош роль ижрочиси Теша Мўминов спектаклни бошдан охиригача асар гояси ва белгиланган олий вазифа тақозосига кўра тантанавор пафосда ижро этади.

Соҳибқирон сиймоси ўтмиш даврлардаги Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий ва бошқа миллий қаҳрамонлар образларини гавдалантиришнинг саҳна анъаналари руҳига тўла мос бўлиб, бу давр талаби, Истиклоннинг дастлабки йиллари маънавий-мағкуравий ислоҳотлар, кишиларимиз дунёқарашини ўзгартириш мақсадларига мутаносиб эди. Гарчи ўтган аср биринчи ярмидаги ота-боболаримиз фикр-қарашлари, психологияси билан аср охирларидағи авлоднинг қараш-тушунчалари, туриш-турмуши, интилишларида кескин фарқ бўлса-да, ижтимоий-сиёсий воқеликнинг муайян даврларида юз берадиган глобал ҳодисалар таъсирида кишиларнинг ҳиссий-ҳаяжон майлларини қўзғаш ва оловлантириш, уни маълум мақсадларга йўналтириш усуслари ва бунда, жумладан, санъатнинг бекёс ролидан максимал фойдаланиш имконияти ўз аҳамияти ҳам долзарблигини сақлаб қолади.

“Соҳибқирон” спектаклини яратиш талаби ва жараёни назаримда, режиссёрни шундай хуносага, демакки, шундай ечим ва талқинга олиб келди. Бинобарин, спектаклни бошқачароқ саҳнавий тадқиқий тамойилларга мо-

йил ижодкор-режиссёр томонидан саҳналаштирилганига шоҳидлик берувчи лавҳа ва талқинлар, ечим ва мизансаҳналар ўрни-ўрни билан сезилиб турса-да, бош ғоя ва мақсадни намоён этишда ижтимоий воқелик талаби белгиловчи омил бўлиб қолди. Бу қай бир маънода ижодий диссонанс, индивидуаллик билан ижтимоийлик нисбатларидаги номувофиқликнинг ўзича бир қўриниши эди. Аммо илмий-назарий хулосаларнинг қандайлигидан ҳатти назар, “Соҳибқирон” спектакли томошабин эътиборини тортадиган, унга маърифий тушунча ва эстетик завқ берадиган монументал асар сифатида Миллий театримиз репертуаридан жой олди. Шу билан бирга О.Салимов режиссурасининг мазкур театрдаги “салб” юришлари ҳам якун топди. Чунки отахон театрда мавжуд ҳукмрон муҳит, ўта эркин муносабатлар ҳатто айтиш ўринлики, “чексиз демократия” О.Салимовнинг ижодий ва инсоний принципларини қабул қиломади. Битта “бош”нинг иродасига бутун жамоанинг батамом бўйсуниши Академик театрда 80-йиллардаёқ барҳам топган эскича иш усули эди.

VII

Одатдагидек “оғир сўлишлан” сўнг кўнгил яна қувноқ садоларга, шодон қаҳ-қаҳаларга майл кўрсатди. Таклиф бўйича Фарфона ва Ўш ўзбек мусиқали театрларида саҳналаштирилган Мольернинг “Парижга сайёҳат” (Ш.Бошбеков талқинида), Ш.Бошбековнинг “Зўрдан зўр чиқса...” комедиялари катта дарёга шўх ирмоқлар мисоли қўйилиб кетди. Шундан кейин Олимжон Салимов энди ўз ижодий изланишларида буткул янгилик бўлган ўзгача бир саҳнавий лойиҳа устида ишлай бошлади.

“Кўнгил ... янгилик қидирадур”, деб ёзган эди беназир шоиrimиз Абдулҳамид Чўлпон. Дарҳақиқат, фикрловчи инсон, тинимсиз ишловчи тафаккур ҳамиша недандир қониқмай, неларнидир излаб-ахтариб ором топади. Яшовчан ижоднинг табиати шу. Чироқ ҳам, маёқ ҳам янгилик истаги. Фикрламайдиган одамнинг эса истаги фикр қат нафс, жисмоний эҳтиёж тилаги. Э-ҳе, бу кўчаларда ҳам не манзилларга бориш, не манзилларни топиш мумкин. Афсуски, бу манзиллар охир-оқибат на ёритади, на

иситади. Ёритиб иситса ҳам фақат битта, яккаш бир мавжудотта асқотади. У ҳам бўлса унинг ўзи, фақат ўзи.

Баъзан қўрқиб кетасан, яккаш ҳузур, якка ҳаловат, фақат “мен” дейиш фалсафаси бу қадар вабо тусини олаёттагидан “Мен ёнмасам, сен ёнмасант, у ёнмаса, ким ёритар бу дунёни” деган шоир ақидаси наҳот шунчалар эскирди?! Бир-биримизга эътиборлироқ, бир-биримизга меҳрибонроқ бўлиш туйфуси наҳот фақат саҳар туриб бориладиган “ош”-ларда, тўй-издиҳомларда қолган, шулардагина сингиб йўқолиб кетаёттан бўлса?! Эй, биродар, келсанг-чи, юрак мөҳварига ўтири, дилингни ёр, мен сенга ҳамдард бўлай, бир-а-бирга дарёларни кечиб, тоғларни ошайлик дегувчи ҳамнишин наҳотки энди, пул тўлаб қорбобо чақиргандек бир тадбир бўлиб қолди?! Тўхта, тўхта, жўра, бу ахир янгилик эмас, эскилилик-соғинч, армон-ку! Бу эски(лик) “янгилик”дан кимга нима наф? Йиғиштир обидийдангни, пистангни чак, ўргилдим сендақа Сукротдан...

Тахминан мана шундай кулиш ва сўлиш берадиган, серистеҳзо, айни чоғда бафоят самимий, гўёки болаларча содда, телбаларча ишонувчан кайфият уйғотадиган, сўзсиз, фақат ҳаракат, мимика, костюм, грим ва мусиқага курилган “Боз масхарабоз” спектакли дунёга келди.

Масхарабозлар хусусида ҳазрат Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида Ҳудҳуднинг Шунқорга жавоби тарзида келадиган шундай ҳикоят-ҳикмат бор:

Ўзин шоҳи кишваройин соғиниб,
Ҳарне қилса ҳазл ила чин соғиниб.
Чунки охир бўлди суру таъбия,
Тутди ул абллаҳ ўзига таъзия.
Чатр ила тожин бошиға урдилар,
Бўрё тўнун бузуб куйдурдилар.
Бўлди бу ҳангомадан огоҳлиғи,
Ким тамасхур эрмиш онинг шоҳлиғи.

(Масхарабоз) ўзини мамлакат шоҳидек ҳисоблаб, ҳар неки қилган ҳазил ишина чин-ростдек кўрсатмоқчи бўлади. Шу ёлғони билан шодлик, кулгу улашади. Ниҳоят шодлик дамлари ўтгач, уни ушлаб олиб, қалбаки шоҳлик соябону тожларини синдириб, кийим-бош, тўнларини йир-

тиб, күйдириб, унга унинг шоҳлиги масхара бўлишдан-гина иборат эканлигини эслатиб қўядилар.

Ҳазратнинг бу воқеий ҳикматини хаёлан яна нималарга нисбат берса бўлади? Балки энг аввало кувонч улашиб, қадр топмаган барча кимсаларга, инчунун режиссёрнинг ўзига.

Тўртта мустақил саҳна кўринишларидан иборат “Боз масхарабоз” спектаклининг “Сехрли тахт” сатирик лавҳаси қай бир жиҳатдан “Лисон ут-тайр”даги ўша ҳикматни эслатади. Бешта масхарабознинг ўзига хос ҳаракатлари орқали тахт-ҳокимият учун кураш жараёни кўрсатилади. Ҳар бир даъвогар мақсадга эришиш истагида не қиликлар қилиб, не ҳолатларга тушмайди. Бири-бирини янчиб, йўқ қилиб юборишга, не имкон бўлса, у тўғрими-йўқми, суриштириб ўтирамай, фойдаланишга тайёр улар. Ана шу “тахт учун кураш”лар мим-масхарабозлар томонидан шундай заҳарханда кулгу остига олинадики, томошабин бир пайтнинг ўзида ҳам бўрттирилган рамзий хатти-ҳаракатлар замиридаги реалликни англаб хандон отиб кулса, иккинчи томондан, ҳокимият учун сиёсий курашларнинг моҳиятида ҳар қандай тубанлиқдан қайтмаслик иллати ёттанини идрок этиб, тегишли муҳим хуласалар чиқаради. Охир-оқибат бешта масхара-даъвогарнинг бутун ҳаракатлари чиппакка чиқиб, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, но маълум бир қуруқ қўғирчоқ тахтга ўтиради. Ҳа, унинг энг муҳим хусусияти – қўлларининг узунилиги. Узатса ҳар ерга етадиган, ўша бешта рақибини битта-битта гирибонидан олиб, итқитиб ташлашга қодир узун қўллар. Шоҳда қўл бор, юрак йўқ. Сатирик фарс сифатида талқин қилинган лавҳанинг “қиссадан ҳисса”си ана шу.

Томошанинг бошланишидаги шартли равища “Фаррош” деб аташ мумкин бўлган лавҳада ҳаёт гўзаллиги, ҳатто оддий супургини ўйин қилиб, кутимаган завқу шавқ олиш, оддий нарсаларда баҳт топиб, шодон умр кечириш foяси енгил, ёргуғ бир хатти-ҳаракатлар орқали кўрсатилса, кейинги лавҳада кимсасиз оролчага тушиб қолган кимсанинг чумоли билан дўстлашиб, шундан ҳам кувонч, баҳт туюши, ёлғизлик домига тортилганда эса баҳтсизлиги, тириклик дўсту ёр, кўнгилга яқин кишиларнинг борлиги билан мазмунли эканлиги foяси илгари суриласди.

Спектаклининг ўзига хос бир шаклда муҳаббат туйғусини улуғлашга бағишлиңган сўнгти лавҳаси ҳаммага таниш эски сюжетни ниҳоятда гўзал, янгича топилма-талқинда намойиш этиб, томошабинга тозарувчи маъюс ва ҳиссиётларга бой лирик кайфият бағишлиши билан аҳамиятлидир. Икки севишган қалбнинг севигига садоқати, фидойилиги, ўлим ҳам муҳаббатдан устун бўла олмаслиги ҳақидаги ҳаётбахш ғоя финалда шундай жаранглайдики, аввалги уч лавҳада беғубор кулгудан “қаҳ-қаҳ” уриб, шавқ-қа тўлган томошабин, сўнгти саҳнада ҳаёт ва муҳаббатнинг ҳамиша тантана қилиши, пойдорлиги, унга ишониб, интилиб яшаш кераклиги борасидаги ўйларга берилиб, мутаассир бўлиб театрни тарк этади.

Бир қарашда шунчаки енгил, беътибор туюладиган ўйин-томуша охирига бориб шунчалар салмоқ ва жиддият касб этадики, ана шундай кулгу ва йиги орасида ҳаётнинг, тириклиknинг улкан фалсафасини идрок этасиз. Худди буюк К.С.Станиславский айтганидек, томошабин театрга кўнгилхушлик учун киради-ю, мушоҳада, ўй билан ундан чиқиб кетади. Демак, О.Салимов театр санъатининг мана шу энг муҳим қоидасини теран ўзлаштирган ва унга сидқидилдан амал қилиб ишламоқда, яшамоқда.

“Боз масхарабоз” спектаклининг шуҳрати ҳам аввалиларидан кам бўлмади. 2000 йили Германиянинг Мюлхайм шаҳрида “Ан де Рур” театрида ўтган Марказий Осиё ва Эрон мамлакатлари театрларининг ҳалқаро фестивалида, 2001 йили Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳрида ўтадиган анъанавий ҳалқаро экспериментал театрлар фестивалида қатнашиб, спектакль “Шарқ ва Фарб анъаналари ҳамкорлиги учун” совринига сазовор бўлди. Шу йили бош роль ижрочиси Муҳаммадисо Абулхаиров “Йилнинг энг яхши актёри”, Олимжон Салимов “Йилнинг энг яхши театр режиссёри” дея эътироф этилиб, “Офарин-2001” ижодкорлар танлови ғолиблари бўлишди.

VIII

Олимжон aka “Боз масхарабоз”дан кейин ўз театрида Абдулла Авлонийнинг “Адвокатлик осонми?”, Дзундзи Киноситонинг машҳур “Турна патлари”, Карло Гоцци-

нинг “Икки мўъжиза” (“Қирол буғу”), Ж.Б.Мольер асарлари асосида Ш.Бошбековнинг “Алихўжа-Хўжаали” ва “Дискотека” пьесалари бўйича ўз талқинида турли спектакллар яратди. Улар ҳақида ҳам матбуотда асосан илиқиссиқ фикрлар бўлди, Ҳалқаро фестиваль ва театр кўриклирига таклифлар тушди. Уларда ҳам О.Салимов режиссёрлик иқтидори қайта-қайта эътироф этилиб, турли мукофот ва совринлар билан тақдирланди. У энди катта миқёсга, ҳалқаро миқёсга чиқди. Тан олиб айтиш ўринлики, Ўзбекистон театр режиссёrlари орасида муносибларидан бўлиб О.Салимов дунёning турли мамлакат театрларида спектакллар кўйиб юрибди.

Ҳозиргача ҳисоб йигирмага борди. Германия, Бельгия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон театрларида унинг спектакллари йиллар давомида репертуарлардан тушмай, уларнинг ўз фестиваль ва ижодий гастролларида муваффақиятли намойиш этиб келинмоқда. Агар Республикаизнинг бошқа театрлари ва майдонларидағи О.Салимов саҳналаштирган спектакллари, байрам томошаларини ҳам кўшиб ҳисобласа, саноқ элликка яқинлашади. Саноқ саноқ билану, аммо осонгина айтиладиган рақамлар ортида қанча ижодий изланиш, изтироб, ўй-мушоҳада, мулоҳаза ва андишалар борлигини, қалб кўри, хаёлот парвози, руҳий пўртганалар, ҳайрат таважжуҳлари борлигини ҳамда булардан сўнг кела-диган жисмоний азобу, юрак хуружлари бўлгани барибир маҳраж остида тасаввур этилса, Олимжон Салимов деган Шахснинг ўрни сўнити чорак асрлик ўзбек миллий театр тарихи ва маънавиятида нечоғлик залворли экани бир оз ойдинлашади, аҳамияти, қадр-қиммати сезилади.

Дарвоқе, яна қадр хусусида. “Киши ўз юртида авлиё” эмас деган учирма ибора бор. Дарҳақиқат, юртдошинг ҳақида ўзга юртда, ўзга бир олимнинг жўяли мақтовлари ни ўқисанг ё эшитсанг қувониб кетасан, киши. Худди бизнинг спортчимиз жаҳон мусобақаларида голиб бўлиб, шоҳсупага кўтарилганида қалбинг беихтиёр фарах ва ифтихорга тўлгани сингари. Шу маънода Германиянинг Нюренберг шаҳри “Мумпец” театрида, Қозоғистоннинг Олмаотадаги Мухтор Ауэзов номли академик драма театрида О.Салимов саҳналаштирган спектакллар ҳақидаги

фикрларни ўқиб, санъат, айни мисолда театр санъати халқларни, мамлакатларни яқинлаштиришда бекиёс роль ўйнаши мумкинлигини амалда ҳис этасан.

“Мумпец” театри О.Салимовнинг “Кумдаги икки мас-харабоз” спектакли билан бир неча ой давомида Америка Кўшма Штатлари шаҳарларида гастролда бўлган. 2001 йил 16 июнь куни премьераси ўйналган бу томоша режиссёри нюренбергликларнинг алоҳида муҳаббатини қозонган шекили, орадан етти йил ўтиб, яна бирор спектакль қўйиб бериш учун Олимжон акани Германияга таклиф этишмоқда. У эса яқиндагина Олмаетадан қайтди. Икки ой давомида М.Ауэзов театрида Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта”си ни саҳнага қўйди. Бундан тўрт йилча аввал айнан шу театрда “Ат жылаган тун” (“От йиғлаган тун”) спектаклини қўйиб, қозоқ театршунослари ва жамоатчилигининг катта олқишига сазовор бўлган эди. Мана ўша спектакль ҳақида қозоқ санъатшуноси нима деб ёзган: Спектакль “бош қаҳрамонлари томошабин дикқатини бошданоқ эгаллаб олиб, воқеалар якунига қадар қўйиб юбормади. Бир лавҳа иккичи лавҳага шундай узвийлашиб кетдики, актёрларнинг бутун изтироб ва туйғулари томошабин қалбига сингиб кетди” (“Экспресс К” газетаси, № 116 19/06.04).

2004 йил июнида премьераси ўйналган бу спектаклнинг ҳануз репертуардан тушмай, аксинча, вақт ўтган сари томошабинни кўпроқ қизиқтириб, жалб этаётгани режиссёр О.Салимовнинг катта таланти, қолаверса, ўзбек режиссура мактабининг салоҳиятидан далолатдир. Шунданми, худди “Мумпец” театри каби М.Ауэзов театри жамоаси ҳам Олимжон aka билан яна бирга ишлаш истагини билдиришди.

Ўзбек ёш томошабинлар театрининг янги биноси иккичи қаватида бадиий раҳбарнинг шинамгина хонаси жойлашган. Хонага киришингиз билан эътиборингизни икки томондаги нарсалар ўзига тортади. Чапдаги жавонларга тахланган китоблару, турли фестиваль ва танловларда олинган совринлар ҳамда ўнг томон деворига осиб ташланган Шекспир даври кийимларининг тасвирий эскиzlари. Бир сафар хонага кирганимда, қизиқиб сўрасам, Олимжон aka ўша эскизларга тикилиб, “бу менинг орзум – “Ромео ва Жульетта”ни саҳналаштиришни анчадан бери

ўйлаб юраман”, деди. Бироқ театрнинг икки-уч сана аввал мослаштириб кўчиб ўтилган янги биноси, янги саҳнаси бу орзуни амалга ошириш имконини бермаётган эди. Нафақат бу, “Ёш томошабинлар” театрининг кўпгина яхши спектакллари, жумладан, “От йифлаган томонда” ҳам шу сабабли репертуардан вақтинча олиб қўйилди. Шукрки, энди-энди саҳна саҳнага ўхшаяпти.

Дарвоқе, янги бино ҳақида 2005 йил бошларида шаҳри азим Тошкентнинг Эски Жува қисмлари реконструкция қилиниши муносабати билан қатор тарихий бинолар билан бирга Ўзбек ёш томошабинлар театрининг ҳам кўхна биноси бузиладиган бўлди. Шу кунлар Олимжон ака бошвонини йўқотган кимсадай паришонхаёл юрди. Бирор юқори идораларга мурожаат қилмоқчи ҳам бўлди. Аммо бефойдалигини сезгач, кўчиш тараффудига тушди. Янги бино – Абай кўчасидаги собиқ “Билимлар уйи”, “Китобхонлар жамияти” жойлашган бинони театрга мослаштиришга киришди. Албатта, даставвал ишни саҳнадан бошлади. Ҳаваскорлик театри учун ҳам ярамайдиган мажлислар зали ва унинг президиум учун мўлжалланган кичкина саҳнасини тубдан ўзгартириш, жилла қуриса у қадар мурракаб бўлмаган декорацияларни жойлаштиrsa бўладиган оддий саҳна яратиш ҳаракатига тушди.

Бироқ, бунинг барчаси учун, аввало, маблағ лозим эди. Ажратилган чақалар театрни янги бинога бутун кўчанжоми билан кўчиб ўтиш харажатларигагина базур етарди. Жамоанинг баҳтига шу кезлар янги вазир тайинланди. “Ман “культур-мультур”ни тушунмайман” дея театрча мазаммат қиласидиган вазири аъзам Ёш томошабинлар театри учун шунчалар файрат ва ҳиммат кўрсатадики, буни кўрган мардум “қани энди “культур-мультур”ни тушунмайдиган шундай раҳбарлардан кўпроқ бўлса”, деб умидланар эди.

“Театр бу энг асосий маънавият ўчоқларидан. Маънавият, гўзаллик туйфуси инсон қалбига, онгига аввало болаликда сингиши лозим. Келажак – маънавий баркамол фарзандлар етишсагина буюк бўлади”, деган ақидани раҳбарлик дастурига айлантирган вазир Олимжон аканинг чўйкан кўнглини тоғдай кўтариб юборди. Саҳнани, томо-

ша залини батамом ўзгартириб, профессионал театр та-лабларига жавоб берадиган ҳолатта келтириш учун нима зарур бўлса, барини қилиб берди. Ва ҳатто бино росмана театрга айлантирилиб, тегишли таъмирдан чиққач, қўй сўйиб, ўзбекона удумларимизга кўра ўтган-кетганлар хотирасига эҳсон дастурхонини ҳам уюштириди.

Мазкур тадбирида “раҳбар янги бир жойга борса, бузиш эмас, яратишни, бунёдкорликни ўйлаши керак. Шу маънода вазирликка оёғим қутлуғ келмади, шекилли, театрнинг бузилиши мен лавозимга тайинланган пайтта тўғри келди, деб хижолат чекаётгандим. Шукрки, театр янги бинода янги ҳаёт бошлайти. Бундан бўён ҳам вазирликнинг театрлар борасидаги сиёсатида болалар театри биринчи ўринда бўлади”, дея ўзига хос узрхоҳлик ҳам қилгани жамоани тўлқинлантириб юборди. Дарҳақиқат, бу ваъданинг тасдифи ўлароқ моддий имконият билан бирга маънавий рағбат, ижодий эътибор ҳам кучайиб, вазир айнан шу театрда ёшлар ва ўсмирлар учун ўзига хос шоу-спектакль саҳналаштириш ташаббусини билдириди. Маълум вақт ўтиб “Дискотека” номли шўх, шовқинли, шу билан бирга жиддий маънавий-ахлоқий муаммолардан баҳс очувчи спектакль яратилди.

Ўтган йили Олимжон aka ана шундай катта-кичик ташвишлар билан юрган кунлари Тошкентда ижодий сафарда бўлган М.Ауэзов театри бадиий раҳбари – эски қадрдони уни йўқлаб келиб қолади. Тасодифан унинг хонасидаги эскизларни кўриб, режиссёрнинг орзуисидан хабар топгач, Олма-тага қайтиб, орадан ўн беш кунлар чамаси вақт ўтгандан сўнг театрга сим қоқди. Орзуини амалга оширишга таклиф этди. Шу тариқа 2007 йил охири ва 2008 йилнинг дастлабки ойларида Мухтор Ауэзов номли Қозоқ давлат академик драма театрида “Ромео ва Жульєтта” спектакли саҳналаштирилди.

Режиссёрнинг жуда пухта ўйлаган концепциясига кўра спектакль бағоят маҳобатли кўримда бўлиб, унда қарийб элликта актёр иштирок этади. Оммавий саҳналар билан кўйса, етмиш киши ҳаракатда. Демак, шунча ижодий вазифа белгилаш, шунча костюм тикириш, грим, парик ва ҳоказо, ва ҳоказо. Яна уларни бир саҳнада жамлаш, ҳар бирининг ўрни, вазифасини кўрсатиш, саҳнавий композиция, ҳаракатлар, мизансаҳналар мутаносиблигини таъминлаш ҳар

бир саҳна кўринишига уйғун мусиқий образ топинг, бизнинг Осиё менталитетига унча мос бўлмаган болалар ўйинлари, қиличбозлик саҳналарини табиийликда намойиш эта билиш барчаси сўзлаганда осон. Бу миқёсли фикрлашга, эпик тафаккурга қодир, саҳна бўшлигини пъеса воқеалари кенгликларига мувофиқ мутаносибликда тўлдира биладиган, айни чоғда саҳнада ҳаракатланувчи ҳар бир персонажда индивидуалликни ҳис этиб, уни намоён эта оладиган режиссёрикни тақозо этарди. Шу билан бирга бундан 400 йил аввал Европанинг қоқ ўртасида яратилган асарни XXI аср руҳи ва ташвишлари билан яшаётган Осиё мамлакатида саҳналаштириш, спектаклни замон дардларига ҳамоҳанг жаранглата билиш foятда мураккаб вазифа эди.

Инсониятнинг энг азалий ва абадий туйгуси муҳаббат. У ҳар замонда, ҳар маконда ва ҳар бир қалба ҳамиша яшайдиган туйфу. Аммо унинг кўриниши, намоён бўлиши ҳар севишган кўнгилларда ҳар хил. Ҳўш, бугуннинг муҳаббати қандай? Унинг рангу тузи, либоси қанақа? Ҳазрат Алишер Навоий таърифларидағи қай ишқ бугун қалбларда намоён – “авом ишқи”ми ёки “хос” муҳаббат. Агар тарихий вақт ва Шекспир тушунчаларидан ёндашилса, Ромео ва Жульєтта ишқи муайян маънода Ҳазрат таърифлагандек, хос ишқ, яъни “пок кўзни пок назар билан пок юзга солмоқ”, “ошиқи покбоз”нинг “маҳбуби ҳақиқий жамолиддин баҳра олмоги”дир. Аммо замонлар ўта бориб бу маъсума ўспирин муҳаббат воқе ишқий муносабатлар чоғишимасида шундай талқин ва таҳrirларга учрадики, уни лирик эҳтирослар пўртanasига ҳам, шаҳроний жунбишга ҳам нисбат бера бошладилар. Ўша тарихий замон ва макондаги самовий туйфулар шаббодаси ҳирсу нафс тўғонининг комига тортилди. Охир-оқибат муҳаббат илоҳий неъмат эмас, замонавий манфаатхўр жамиятнинг емишига, ҳимоясиз қурбонига айланниб қолди.

Олимжон Салимовнинг Қозогистонда саҳналаштирган спектакли ана шу манфаатлар қурбонига айланган муҳаббат ҳақида. “Талқин тўғри ва замонавийдир” дея бу фикрни қозоқ олимаси Г.Абикеева ҳам таъкидлайди: “Назаримда Ромео ва Жульєтта муҳаббати спектаклда асосий мавзу эмас. Режиссёр бизнинг эътиборимизни кўпроқ му-

ҳаббатни мавҳ этадиган ҳодисаларга қаратади. Режиссёр ўз кўримини ўтказишга қаттиқ уринади ва бизга фавкулодда эсда қоладиган усуллар билан таъсир кўрсатади. Энага Ромеонинг Тибалътни ўлдиргани ва Веронадан ҳайдаб юборилгани ҳақидаги хабарни етказиши саҳнасида Жульєттанинг оёқлари остида кичкина қон доги (чирок ёрдамида) пайдо бўлади ва бу дод бутун саҳна бўйлаб катталаша бориб, Жульєттанинг кийимларига ўтади ва қиз ўзини қон кўлобидан қутқара олмай, даҳшат ичра қичқириб юборади. Танасида титроқ туради. Спектаклда ана шундай режиссёрлик ургулари талайгина ва улар режиссёр гоясини юзага чиқаришда кучли хизмат қилияпти”.

Спектакль премьераси куни Қозоғистоннинг ҳозирги пойтахти Остона шаҳридан маданият ва санъат ишларига мутасадди ҳукумат раҳбарлари етиб келиб, ўзбекистонлик режиссёр ва жамоанинг жуда катта ижодий меҳнатига муносиб муносабат билдириллар. Спектаклдан сўнг ўша олий мақомли мутасаддилардан бири оммавий аҳборот воситалари вакилларига дакки бериб, Қозоғистон билан Ўзбекистон чегараларида бирор кўнгилсиз воқеа бўлса, дарҳол аюҳаннос солиб, оламга ёясизлар, мана бундай ўзбек-қозоқ маданий ҳамкорлигини эса ортиқча “шов-шув” қилмайсизлар. Чунки ўзимизникиларни кўлидан келмаганки, Ўзбекистондан ўзбек режиссёрини таклиф қилиб, шундай улугвор спектакль яратилибди. Буни ҳам тан ола билмоқ керак, қабилидаги фикрни айтибди. Назаримда, Олимжон Салимовнинг Халқаро миқёсдаги ижодий фаолиятига бундан ортиқроқ баҳо бериш қийин...

IX

Юқорироқда қадр борасида тўхталиб эдик. Ота-боболаримиз донишмандлиги ёдга келади: “Корнимга эмас, қадримга йиғлайман”. Ҳа, минг йил яшаб, бир айтади, деганларича бор.

Ўтган йили Олимжон Салимов олтмиш ёшга тўлди. Олтмиш!

Унинг унвону мукофотлари, нишону совринлари жуда кўп. Олий, оддий ва ҳоказо. Бирорга ҳавас қилгулик эмас. Бироқ кўнгил кўнгил экан-да.

Мазкур битикларни режиссёрнинг қайдлари билан бошлаган эдик. Ниҳоясини ҳам ўша ёзувлардаги сўнгти фикри билан якунласак тўғри бўлади, менимга.

“... режиссёрни театрдан “кетказиш” жуда қийин “иш” эмас. Уни топиш, уни тарбиялаш, уни театрга олиб келиш, унга имконият яратиб бериш, унинг иқтидоридан фойдаланиш, у билан, унинг ишлари билан фахрланиш, уни ардоқлаш қийин. Уни эҳтиёт қилиш керак! Ҳар бир ўзини хурмат қиласиган миллат бунинг уддасидан чиқа олиши керак!”

2008 йил

МИЛЛИЙ ТЕАТР РЕПЕРТУАРИ...

(Ўйлар ва айрим мулоҳазалар)

I

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг “Энг улуг, энг азиз” байрамимиз арафасидаги сони (ЎзАС, 2007 йил 31 август, №35)ни варақлай туриб, сўнгти саҳифадаги “Ўзбек миллий академик драма театрининг 2007 йил сентябрь ойи режаси”га кўзим тушди. Табиий қизиқиш билан “режа”ни ўқиб, бир ойга мўлжалланган спектаклларни бир-бир хаёл кўзгусида жонлантира бошладим. Очифи бир оз хижолатлик туйдим. Репертуардаги 17 та спектаклдан бештасини кўрмабман. Балки кўп нарса йўқотмабсан, дегувчилар ҳам топилар. Бироқ, шу соҳада ҳам унча-мунча қалам тебратиб юрганим учунмикан, ҳар қалай ўзимдан норози бўлдим. Рост-да, ўн еттита номдаги спектаклдан еттитаси тепасида “Премьера” деган ёзув бўлса, бинобарин, турили кўнгилочар томошалар кўпайгандан кўпайиб, аҳолининг етидан етмишигача уларнинг жозибасидан эсанкираб, қай бирини танлашни билмай довдираб юрган бир замонда Миллий театрдек улкан жамоатинимсиз саъй-ҳаракат кўрсатиб, кетма-кет янги спектакллар кўйиб турса-ю, “зиёлиман” деб юрган биз бандай ғофиллар премьера у ёқда турсин, ҳатто репертуардан муқим жой олган айрим спектаклларни ҳам кўриб кўймаганимиз виждан қаршисидаги хижолатпазликдан

ўзга нарса эмас.. Майли, ўз-ўзимизга гиналарни кейинга қолдиралигы, тапнинг индаллосига кўчайлик.

Нафсиамрини айтганда, Ёкуб Аҳмедовга тан бериш керак. Ижодкор табиатининг минг битта қиёфасию нозу адолари, харашашо инжиқликларига бас келиб, тўқсон йилдан мўлроқ тарихи давомида бунчалар йириклишмаган жамоага бош бўлиб, уни бу санъат тури “менталитети”га хос бўлган гурухбозлик, ички низо ва жанжаллардан омон сақлаб, яхшими, ёмонми ижодий иш билан банд этиб, қизғин фаолиятда ушлаб тура олаётгани ҳазилакам иш эмас. Нафақат бу ҳолат, айни чоғда эътироф этмоқ лозимки, жамоада ижодий авлодларнинг муайян нисбати, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос ворислиги ҳам сақланиб келмоқда. Зикр Муқаммаджонов, Тўйчи Орипов, Яйра Абдуллаева, Турғун Азизов, Рихси Иброҳимова, Тўти Юсупова, Толиб Каримовлар фахрий ёшда бўлсалар ҳам, қарилик гаштини сураётган фахрийлар қаторида эмаслар. Бугунги репертуарда уларнинг у ё бу даражадаги ўз роллари бор.

Турғун aka Миллий театр саҳнасида “классика” беис-тисно ҳамиша мавжуд бўлиши керак деган қатъий ишонч билан Шекспир, Шиллернинг шоҳ асарларини баҳоли кудрат саҳналаштириб турибди. Гарчи “Гамлет” ёки “Макр ва мұхабbat”нинг юксак саҳнавий намуналаридан боҳбар мухлис мазкур талқинларга эътиrozларини қаторлаштириб ташласа-да, икки жиҳат менда қониқиши туйғусини уйғотади. Бирламчи, жаҳон драматургик мұмтозликларидан тобора йироқлашиб бораётган ёш актёрлар ва оз сонли бўлсада, ўзбек томошабини инсоний ҳолат ва эҳтиросларнинг фалсафа ва юксак бадиият билан уйғунликдаги теран намуналаридан баҳраманд бўлса, иккинчидан, ана шу материал асосида Тоҳир Саидов, Лола Элтоева, Шуҳрат Нуралиев каби истеъодли санъаткорлар салоҳият касб этиб, ижодий жиҳатдан қувватланиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Ёки испан драматурги А.Касона пьесаси асосидаги “Дарахтлар тик туриб жон беради” спектаклида саксонни қоралаб бораётган Яйра Абдуллаеванинг бетакрор ижроси хаёлларни ҳайратга чулғайди. Гарчи Яйра опа ярим асрдан мўлроқ ижодида кўп ва хўб роллар ижро этиб, олқишу эътирофларга ноил бўлган эса-да, мазкур спектаклдаги асосий

роли, назаримда, унинг ижодий таржимаи ҳолида Тошхўжа Хўжаевнинг қирқ йилча чамаси илгарироқ шу саҳнада кўйган “Ўғирланган умр” спектаклидаги Кей образидан кейинги юксак чўққи бўлиб туюлади...

Миллий театримизнинг жаҳон классикасига изчил эътибори таҳсинга сазовор, албатта. Сўзимизнинг исботи – бугунги репертуардан хорижий муаллифларнинг олгита асари ўрин олган, яъни мавжуд спектаклларнинг учдан бири. Аввалги мавсумда саҳналаштирилган икки асар – итальян драматурги Эдуардо де Филиппонинг “Тун албатта ўтади” ва поляк адаби Словамир Мрожакнинг “Чегара устидаги уй” пьесалари асосидаги спектакллар томошибинларнинг турли мулоҳазаларига сабаб бўлди.

“Тун албатта ўтади” асли “Неаполь – миллионерлар шаҳри” деб номланган ва жаҳоннинг юзлаб театрларида қайта-қайта саҳналаштирилиб келинаётган пьесанинг Миллий театримиз учун шоир ва драматург Усмон Азим томонидан ўзбекчага ўтирилган варианти. У бевосита Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси шафелигига режиссёр Александр Гамировнинг ташаббуси ва жонбозлиги билан саҳнага олиб чиқилди. Спектакль икки гуруҳ актёrlар билан навбатма-навбат кўйилиб келмоқда. Эътиборли томони шундаки, ҳар икки гуруҳ ҳам бир-бирини такрорламайдиган талқинда ролларни ижро этмоқдалар. Агар Саида Раметова ва Мұхаммадали Абдукундузов фалсафий-психологик талқинга мойил ечимдаги ижрони намойиш этаётган бўлсалар, Зухра Ашуррова ва Қаҳрамон Абдураҳимов майший-психологик драма йўсенинаги талқинда ўз образларига ёндашгандар. Ҳар икки талқин ҳам ўзига хос ва қизиқарли.

Уруш моҳият-эътибори билан мусибат ва йўқчилик ташувчи ҳодиса. Айни чоғда у синов. Ирода, садоқат, матонат ва инсонийлик синовидир. Ўтган асрдаги иккинчи жаҳон уруши ҳам унинг домига тортилган барча мамлакатлар ва ҳалқлар учун даҳшатли фожиавий синов бўлди. Ундан омон чиққанлар, аксарият, тирикликни олий неъмат деб билиб, шукроналик билан яшадилар. Бироқ бу шафқатсиз ўлим ваҳшатининг чангалидан жисмонан соғ чиқишининг ўзи ҳали тўла омонлик белгиси эмас эди. Бинобарин, бу синовларда қалбини, виждонини, инсон-

лик шаънини қурбон бериб чиққанлар ҳам бўладики, уларни асло омон қолганлар қаторига қўшиш мумкин эмас.

Уруш комидаги Италияning беш кишилик кичик бир оиласи ва унинг атрофидаги турли тоифа одамлар мисо-лида жон сақлаш учун ўзини ҳар кўйга солиб, маънавий таназзул томон кетган инсонларнинг кечмишлари, аламу изтироблари “Тун албатта ўтади” спектаклининг мавзуи ва мазмуни. Тўғрилик ва ҳалолликни ҳаёт аъмоли деб билган оила бошлиғи дон Женнаро хотини Амалияning ка-салхоналардан, ногиронлар ризқидан ўғирлаб келинаётган турли озиқ-овқатларни хуфия сотиб, таҳлика ичида яшаётгандаридан ўта норози. Аммо унинг норозилиги кўпроқ оғизда. Чунки очликдан ўлмасликнинг ягона чораси ҳозирча шу. Иstab-истамай ўзи ҳам гоҳи шундай но-пок ишларни яширишга мажбур. Хотинининг найрангла-рига баъзан шерик бўлиб қолади. Бироқ у буни вақтинча-лик ўткинчи бир ҳолат, уруш тугагач яна ҳаёт тўғри изга тушиб кетади деб ўйлайди. Афсуски ўткинчи бир вазият тақозоси билан бўлаётган ишлар бора-бора хотини ва фарзандларининг ҳаёт тарзига айланниб қолганини у ке-йин, тасодифий асирикда бир муддат яшаб қайтгач тушу-ниб етади. Хотини инсоний туйғулари пул, моддий неъмат-лар эвазига бой берилган бой хотинга айланганини, қизи фоҳиша, ўғли эса ўғриликни касб қилиб олаётган кассоб бўлиб бораётганини англайди. Спектакль ана шу маъна-вий таназзулнинг тафсилотларини актёрлик гурухларининг ўзига хос талқинлари билан томошабинни жалб этади.

С.Раметова ижросида донна Амалия дастлаб оиласи-нинг оғир уруш шароитида жон сақлаб қолиши, болала-ри-полапонларининг оёққа туриб олишлари учун ҳар қандай машаққат ва қийинчиликларга дош берувчи заҳмат-каш она сифатида намоён бўлади. Шароит тақозоси билан у аста ўзгариб, дийдаси қотиб, шафқат туйғуларидан йи-роқлаша боради. Ҳаёт ўз ўлжаси учун курашишдан иборат деган худбин тушунчани, шахсий манфаатни мақсадга айлантира боради. Энди унинг учун энг муқаддас нарса оила эмас, ўз ҳаловати, имкониятлари, пул, молу дунё жозибаси муҳим. Қизининг ҳам, ўғлининг ҳам қаерга бо-риб, қаердан келаётгани, ким билан учрашиб, нима иш-

лар билан шуғулданаёттани аввалгидек аҳамиятли эмас. Қолаверса, келишган ёш барно йигит, “бизнес ҳамкори” Эриконинг Амалияга мұхаббати ҳам аёл хаёлларига ғулу солған. Фақат итальянча миллий ахлоқ, удумлар, яъни эри ўлмаган аёлнинг бошқа әркак билан турмуш қуролмаслик мажбурияти уни айрим хатти-ҳаракатлардан тийилишга мажбур этади. Ниҳоят бедарак йўқолған эри – дон Женнаронинг пайдо бўлиши оилани ҳалокат ёқасида тўхтатиб қолади. Пьесадаги сўнгги саҳна кишини ларзага соладиган ғоят теран фалсафий мазмунга эга. Амалия: “Энди нима чора топамиз? Қандай қилиб яна ҳалол одамларга айланамиз? Қачон?” деган изтиробли саволомуз қиёфада эрига тикилади. Хотинининг қарашидан шу маънони уққан дон Женнаронинг “Кутмоқ керак. Тун албатта ўтмоғи керак!” деган сўнгги пурмъино сўzlари билан ёруғ келажакка ишонч оҳангода пьеса яқунланади.

Спектакль муаллифлари эса пьеса мантиғига хилоф иш тутмаган ҳолда драматург матнини бир оз таҳрир этиб, “Тун албатта ўтади” дея ишончни қатъийлаштирадилар. Рамзий маънодаги шу сўzlар билан асарнинг қанчалар замонавий жаранг қасб этишини тасаввур қилиш қийин эмас. Зоро, мустақилликка эришиб, ўтиш даврининг қийинчиликларини бошидан кечирган ёш давлатимиз ва ҳалқимиз ҳам ўзига хос синовларга дуч келди. Бунда ҳам ғалабалар, муваффақиятлар қатори норасоликлар, талофотлар бўлди. Айниқса, маънавий тушкунликка берилиб, ўткинчи машиққатларга дош беролмай, ўзини нопок йўлларга урган, нафс илинжида ҳануз боши берк кўчаларда тентираб юрган инсонлар, оиласлар бор. Шу маънода пьеса қаҳрамонларининг изтиробли саволларини эслатиб туриш, “Тун албатта ўтмоғи керак!” деган хоҳишини “Тун албатта ўтади!” деган қатъий ишончга айлантириб, жамиятни ахлоқий тубанликдан асраш, маънавий юксакликка чорлаш ғояси долзарб бўлиб қолаверади. Бинобарин, Миллий театримизда мазкур асарнинг саҳналаштирилиб, репертуардан мустаҳкам жой олганини фақат табриклаш керак.

Айни чоғда айрим мулоҳазаларни ҳам айтмоқ зарур. Спектаклда банд бўлган ҳар икки ижодий гуруҳда ҳам актёрлар ансамбли бор деб бўлмайди. Шу туфайли тъ-

сирчан сақналар билан бир қаторда, ҳиссиз ўйналган, пъесанинг юксак ғоявий ва бадиий қувватини пасайтирадиган саёз ижро ҳам яққол сезилади. Асосий образлардан бошқа Д.Икромова, М.Иброҳимова, Л.Элтоева, Ф. Маъсудов, А. Узоқов талқинларидағи образлар томошабинда илиқ таассурот қолдирғани ҳолда бошқа актёрларнинг роль устида ишлари қиёмига етмаганини, спектаклнинг замонавий жарангини таъминлайдиган образлардан бўлган бухгалтер Риккардо иштирокидаги лавҳалар, касал бола учун дори топилиши билан боғлиқ кульминацион саҳна режиссёр томонидан ҳам, актёрлар талқинида ҳам зарур ечимини топмаганини, оператор йигитнинг ўйинчиқ камера билан унда-бунда сўёзиз пайдо бўлиши эса мутлақо асосланмаганини, саҳна безаги, либос, грим масалаларидаги нуқсонларни таъкидлаш ўринли.

Модомики гап Миллий театримизнинг бутунги репертуаридаги хорижий асарлар устида борар экан, “Чегара устидаги уй” спектакли борасида ҳам айрим фикрларни ўртоқлашиш фойдадан холи бўлмас.

Бахтиёр Тўраев ҳозирги ўзбек театр рассомлари орасида етакчиларидан. Тан олиб айтиш керакки, унинг айрим спектакллардаги саҳна безаклари гоҳо режиссёр талқинларидан кучлироқ бўлади. Асар гоясини томошабоп шаклда саҳнада акс эттириш, саҳнавий образ, ечим тошиш рассомда ҳам режиссёрдан кам бўлмаган билим, маляка, изланишни тақозо этади. Буюк ўзбек театр рассоми Георгий Бrimнинг ҳайратомуз саҳна безаклари спектаклнинг камида ярим ютуғи эди десак муболага бўлмас. Ана шу устознинг мактабини кўрган рассом Б.Тўраев ҳам гоҳи шундай салоҳият кашф этади. Бироқ у энди домласидан ҳам ўтиб, режиссёрлик ҳавосига берилибди. Ҳадди-ҳаваси муборак бўлсин, албаттга...

Бироқ бир-бири билан ҳар қанча яқин, узвий ҳодиса бўлмасин тасвирий санъат билан режиссура бошқа-бошқа соҳалар. Шу маънода “Чегара устидаги уй” спектаклида фикр салмоғи, ғоя инкишофидан қўра тасвирийлик, ташқи эффект ва турлича эклетик гротескларга мойиллик устуворлик қилган. Шунданми спектаклнинг аниқ жанровий мансублигини белгилаш, яъни – фарсми, трагифарсми ёки

реалистик комедиями, драмами ажратиш мушкул. Мавзуғоятда долзарб, сюжет қизиқарли — ўз оиласи ташвишлиари, кувончлари билан умргузаронлик қилаётган оддий бир фуқаронинг уйи ўртасидан туйкус чегара чизифи ўтади. Шўрлик оила аъзолари энди ошхонадан меҳмонхонага ё ётоқдан ҳожатхонага ўтиш учун божхона назоратидан ўтишлари зарур. Акс ҳолда чегарани бузган жиноятчи ҳисобланадилар. “Абсурд театри”га хос мана шундай гўёки мантиқсиз, бўрттирилган, ўта шартли, фавқулодда ғайритабиий вазият — теран рамзий маънодаги социал уйдирма. Импровизация, эркин ҳаракат, эҳтирос, ўйин ва ҳоказо бадиий ифода воситалари учун ниҳоятда мақбул материал. Қолаверса, жуда замонавий бугунги чегара ҳудудларимиздаги воқеликка бағоят ҳамоҳанг рамзий ҳолат.

Очиғи, Тошкент, Бухоро, Хоразм вилоятларидаги чегара постларида ва айниқса, энг оғриқлиси, Ўзбекистондан Ўзбекистонга ўтиб олишдаги Самарқанд ёки Фарғона йўлларидағи Шўро замонларида сиёсий ношудлик билан ёки миллий низолар қўзғаш мақсадида атайлаб қилинган қисқагина чегара ҳудудларида рўй берәётган шу қадар масхаромуз аҳвол, на кулишни на йиглашингни билиб бўлмайдиган таҳқирловчи вазиятлар, хўрлик ва хорликлар қўзғайдиган муносабатларни аёвсиз сатира тифига олиб, шу спектакль баҳонасида ижтимоий муаммо сифатида, қолаверса, масъул мутасаддиларга дакки ўлароқ кўтарилса, айни муддао бўлар эди.

Зеро, санъат, жумладан, театр санъати азалий ва абадий қадриятлар, инсоний туйғулар, эҳтирос ва турфа ҳолатлар инкишофи билан бир қаторда, муайян жамият ва фуқароларнинг ижтимоий ҳам майший турмушига, ҳаёт тарзига оид долзарб муаммоларни кўтариб чиқишидек ниҳоятда муҳим миссияни ҳам бажариб келган. Тўғридан-тўғри айтилган рост сўз қадр топмаган ва ҳатто қатағон этилган замонларда санъат воситасидан фойдаланиш қанчалар амалий аҳамият касб этганига юзлаб мисоллар бор. “Чегара устидаги уй” спектакли шу маънода жуда қулай имконият бўлиши мумкин эди. Афсуски, мулоҳазаларни истак сифатида билдиришга мажбурмиз. Ваҳолангки, режиссёр ўша ижтимоий долзарб муаммони яхши билади. Билгани учун ҳам, назаримда, жаҳон драматургиясидан

шундай асарни излаб топган. Афсуски, хоҳишни воқеликка айлантириш, осон иш эмас. Бунинг учун хоҳишнинг ўзи етарли эмас...

Спектаклдаги бош ролга режиссёр қизиқчи сифатида танилиб қолган Валижон Шамсиевни таклиф этган. Бу ҳам топилма, албатта, лекин ҳайратомуз эмас. Бундай “топилма”лар ёки “санъаткор”нинг яна бир “кирра”сини “кашф этиш”лар киномиз учун одатий ҳолга айланиб бораётган эди. “Қозонга яқин юрсанг...” дегандек, бу “мода” театрга ҳам юқаётгани назаримда баъзи мутасаддиларни “хушёр боқиши”га ундаса ёмон бўлмасди. Чунки труппада муайян ролни ижро этишга салоҳиятли мос актёр бўлмаса, одатда бошқа театрлардан актёрларни таклиф этиш мавжуд тажриба, албатта. Лекин айни мисолда бунга зарурат бўлмагани сезилиб туради. Чунки бир-иккита арияга қуввати келадиган опера кўшиқчиси билан икки-уч соатлик бутун бир спектаклни тортадиган опера театри хонанда-актёри ўртасида жиддий тафовут бўлганидек, бир ролни бутун спектакль давоми бир нафасда ижро этиш, образ талқинини бошдан-охиригача бир ўқ йўналишида, режиссёр ипидан-игнасигача ўйлаб бир маҳраж остига келтирган мантиқ асосида саҳнага олиб чиқиши қизиқчилик трюклари, қисқа концерт-томуша репризларидан мутлақо фарқ қиласди. Бу ҳам режиссёрнинг фикрдан, психологик терапијадан, мулоҳазага ундовчи таҳлилий (аналитик) ижродан кўра тасвирий эффектга, ўзича бирон юк ташимайдиган шаклбозликка (масалан, дипломатларнинг кириб-чиқиши ва жой алмаштириши каби) ортиқ дараҷада берилиб кетганлиги билан изоҳланади. Албатта бу ўринда “абсурд театри” хусусиятларини рўйкач қилиб, эътиroz билдирилиши мумкин.

Поляк драматурги Славомир Мрожак ҳозирги “Абсурд театри”нинг ёки “анти театр”, “янги театр” деб ном олган замонавий санъат ҳодисасининг энг машҳур намояндаларидан. Абсурд пьесаларида дунё маъносиз, ҳар қандай мантиққа зид мавхум бир тушунча. Унинг мантиқи мантиқсизликда, беқарор кайфиятда... “Абсурд театри” ўтган асрнинг иккинчи жаҳон урушидан кейин оммалашган эстетик оқим бўлиб, унинг Эжен Ионеско, Семюэл

Беккет, Артур Адамов, Эдвард Олби, Вацлов Гавел каби машхур вакиллари бор.

Мазкур оқимнинг етакчиларидан Э.Ионеско ўз драматик асарларини “зиддиятлар театр” (“театр парадокса”) деб ҳам атаган эди. Асли ҳаётнинг ўзи ғайритабиий зиддиятлардан иборат. Ана шу зиддиятлар гирдобига чўкканинг сари борлиқ мавхумот ва мантиқсизликлардан иборатдек туолаверади.

С.Мрожак пъесаларида ҳам таклиф этилган бемаъни вазият қаҳрамонларни ҳам бўрттирилган эҳтирослар тўлқинида зиддиятли ўйларга бориб янада мантиқсиз хатти-ҳаракатлар қилишга, сатира бўёқлари билан тўйинган сафсатабозлик, бекарор ҳолатларга тушишга мажбур этади. Лекин бу бемаъни дунёнинг мантиқсизликларини намойиш этаётган асарнинг ўзи маъно ва мантиқдан холи дегани эмас. Маънисизликда шундай маъно, мантиқсизликда шундай мантиқ борки, у охир-оқибат кишида муайян кайфият ва муайян муносабат пайдо қиласи (Ҳазрат Алишер Навоий ҳам мавхум маъшуқага қаратса “бейхиёрликда менда борму ихтиёр” дея куйлаганларида ана шундай кайфият тақозоси билан муносабат билдирган бўлсалар ажаб эмас). Аммо, “Чегара устидаги уй” спектаклида мавжуд барча мантиқсизликлардан англашиладиган мантиқ, кайфият йўқ. Табиийки, муносабат ҳам шунга яраша.

Аслида саҳналаштирувчи режиссёр, юқорида қайд этганимиздек, бизнинг воқелигимиздаги, яъни чегара ҳудудларидаги реал мантиқсизликларга ишора бериб, беадад хаёлот, шартлилик, истеҳзо, бўрттирма (“гротеск”) каби “абсурд театр”га хос бадиий унсурлардан оқилона фойдаланиш имкониятларини кашф этганида, назаримизда, нима сабабдан шундай янгича оқимдаги асарга қўл урганлиги англашилган ва шубҳасиз, бу тажриба ижобий баҳо олган бўлар эди. Албатта, спектакль билан боғлиқ барча таркибий жиҳатларни инкор этмоқчи эмасмиз. Шубҳасиз, сценография тушунарли ва ҳодиса моҳиятига муносиблигини, мусиқий образ топишга интилиши борлигини, М.Иброҳимова ва айрим лавҳаларда В.Шамсиев актёрлик имкониятларининг намоён бўлганини айтиб ўтмоқ лозим. Шу ўринда ҳали ниҳоятда ёш, эндиғина институт партасидан театр саҳнасига ўтаётган актёр Алишер

Узоқовга мұхтарам мұштарийлар эътиборини қаратишни истар әдик. “Түн албатта ўтади” (Амедио), “Севаман дедимми” (ўғил) спектаклларида ижро хусусияти билан ажралиbroқ күринган бу ёш актёр “Чегара устидаги уй” спектаклида ҳам түрт дипломатнинг бири ёки божхоначи сифатида намоён бўлиб, ўз саҳналарида томошабиннинг жонли муносабатини пайдо қилиб, аста эътиборга тушиб бормоқда. Тилагимиз – саҳна масъулияти ва ижро меърини ҳамиша назарда тутиб, батартиб ижодий умр ке-чирса, ёш санъаткорнинг парвози баланд бўлгуси, шояд.

Миллий театримизнинг хорижий репертуари ҳақида-ги мулоҳазаларни якунлар эканмиз, гарчи танқидий фикрлар кўпайиб кетгандек туюлса-да, аслида улар остида театрнинг бу борадаги сиёсатига хайриҳоҳлик, изланишлар бардавомлигига умид ва рағбат ётганини алоҳида таъкидлагимиз келади. Чунки мустақил ёш давлатимиз умуминсоний қадрият ва фояларни, жаҳон маданиятини миллий тараққиётимизнинг омилларидан этиб белгилаган экан, Миллий театримизнинг интилиш ва изланишлари ҳам шунга ҳамоҳанг ва ҳамқадам бўлмоғи зарур.

II

Миллий репертуар Миллий театрда баҳоли қудрат ҳал этиляпти, десак сўзимизни тасдиқловчилар кам бўлмас. Шукрулло, Жуманиёз Жабборов, Ҳайитмат Расул, Дилбар ва Тилаб Маҳмудовлар, Усмон Азим, Эркин Хушвақтов, Н. Қодиров, Санжарали Имомов, Зулхумор Солиева – жами тўққиз муаллифнинг ўн бир асари ҳозирги репертуарда. Бу номларнинг кўпи таниш, айримлари энди таниляпти, баъзилари эса мутлақо нотаниш. Одатда энди танилиб келаётган ёки нотаниш муаллифлар масаласида ёзилмаган қонунлар бор. Бир муносабат билан Баҳодир aka (Йўлдошев) айтган эди: 70-йиллари “Келинлар кўзғалони”ни саҳналаштираётганида, Саид Аҳмад пьесалари ни Ҳамза театри (ҳозирги Миллий театр)да саҳналаштиришга ҳали эрта, дегувчилар бўлган экан.

Дарҳақиқат, дастлаб кичик саҳналарда синовдан ўтиб, театр оламининг қозонида қайнаб, “қони қўшилгач” сўнгра катта саҳна юзини кўриш азал-абаддан келаётган анъана.

Албатта фавқулодда истеъдодлар бундан мустасно. Катта майдонга ёниб чиқиш, турли тўсиқларни ёриб чиқиш бу унча-мунча қалам тутганинг кори эмас. Инчунун ёниб-у ёриб чиқишга укуви келмаган ижодкор ўз вақти-соатини кутмоғи ва бунгача талай жараёнларни босқичма-босқич босиб ўтмоғи лозим. Назаримда ана шу босиб ўтилмоғи лозим бўлган босқичлар нураб, бузилиб кетгандек ёки беписанд, бекадр, беътибор чеккага сурилгандек... Ваҳоланки театрга эшик қолиб туйнукдан кирилмайди. Чунки у борини бўй-басти билан оламга ошкор қиласидан маскан. Шу боис бу ерда танилмаган ёки чала таниш номларнинг пайдо бўлиб қолиши ўта хавфли...

Бўлмаса гапни танишлардан бошлайлик.

Шукрулло аканинг “Табассум ўғрилари”, “Ўғрини қароқчи урди” пьесалари асосидаги спектаклнинг аввалги Ҳамза номли академик театр саҳнасида узоқ вақт муваффақиятли қўйилганини эслайман. К.Гоццининг “Бахтли гадолар” пьесаси ҳам шоир таржимасида шундай қисмат топгани кўпчиликнинг ёдида демоқчимизки, Шукрулло ака театрнинг ўз муаллифи. Унинг вақт нуқтаи назаридан сўнити пьесаси “Ҳасрат боби” режиссёр Тоживой Истроилов томонидан Миллий театр саҳнасига олиб чиқилди. Мавзу қатагон ва тургунлик йилларининг турли инсонлар тақдирларидаги машъум излари, мудом битмаган қалб жароҳатлари ҳақида. Ўша даврларни бадиий мушоҳада этиш, сабоқ бўларлик, хуносалар чиқариш муаллифларнинг асосий мақсади. Афсуски, ижодий ният билан ижро мутаносиб бўлавермас экан. Щуро мафкураси миллий туйғу ва кайфиятни уйғотмаслик, шахсни шакллантирмай, оломонга қўшиб юбориш мақсадига йўналтирилган эди. Бир миллат вакилларини баррикадаларнинг икки томонига итқитиб, уларнинг бир-бирини маҳв этишини кузатиш бу мафкура асосчила-ри ва давомчиларининг асосий машғулоти. “Ҳасрат боби” даги Холиқулов, Мэлс каби образлар чиркин гоянинг қули ва қурбони. Она, Ашраф, Зиёд каби персонажлар эса баррикадалар иккинчи томонида, аммо ниҳоятда пассив. Ваъзу сафсатадан нари ўтмайди.

Тўғри, ўша замонларда бошқачароқ ҳаракат қилиш имкони йўқ, эди дея эътиroz билдирилиши мумкин. Аммо

гап шундаки, ҳар бир персанажнинг хатти-ҳаракатида мантиқ, асос бўлиши лозим. Томошабин вазият ва характерлар талқинида мантиқ бўлсагина ишонади, таъсиранади ва зарур ҳулоса чиқаради. Айни спектаклда ғоявий ва бадиий асосланмаган воқеалар тизими, қаҳрамонларни шакллантирган шароит ва рўй бераётган ҳодиса тазиқида содир бўлаётган жараён бир-бирини томомила инкор этади. Холиқулов умр бўйи Шўро тузуми сингдирган тушунчаларни ҳақиқат деб билиб, шунга эътиқод қилган минглаб коммунистлар тимсоли. Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ўз образини айнан шундай ғоя кишиси сифатида талқин қиласди. Бироқ фарзанди Афғон урушидан темир тобутда келиб, чексиз ғам-аламда турган Она билан суҳбат Холиқуловни бирдан ўзгартириб юборади – виждан азоби ва ички норозиликни ўйғотади. Ана шу ўринда балки драматург ҳам, режиссер ҳам спектаклнинг ўқ илдизини топишлари мумкин эди, назаримда. Яъни эътиқод таназзули ва ёлғон эътиқодга ишонган инсоннинг руҳий драмасини бадиий тадқиқ этиш мақсадини илгари суришлари мумкин эди. Аслида драматургнинг нияти шундай. Афсуски, асарга тугун бўлиши мумкин бўлган ҳодиса ечимга айланган. Драма бошланган жойда спектакль деярли тутаган. Қолаверса, Холиқулов образи талқинида режиссернинг ўзида аниқлик йўқдек туюлади. Эътиқодида содик тимсол ўзгалар билан муносабатда гоҳи риёкор, гоҳи котибасини ҳирс чангалига тортувчи майший бузук сифатида кўрсатилади.

Тўғри, образнинг жонли одам эканини таъкидлаш учун бундай лавҳалардан фойдаланилган бўлиши мумкин. Бироқ, мақсад коммунистлар кирдикорларини очишми ёки тузум туфайли инсоний тақдирларнинг фожиасини, таназзулини кўрсатишми?! Агар кейинги ижодий ният ёрқинроқ юзага чиқарилганида ва воқеа ҳам тафсилотлар шунга қаратилганида спектакль, шубҳасиз, бугунги маънавий ўзгаришлар жараёнида зарур асарга айланган бўлар эди. Зоро, мустақил давлатимизнинг маънавият соҳасидаги ислоҳотларидан кутилаётган пировард натижа фуқароларнинг дунёқарашини тамомила ўзгартириш, уларни мафкуравий бир ёқламаликлардан холос этиб, мустақил

Фикр ва қарашлар билан яшашга тайёрлашдир. Афсуски ҳали-ҳануз Шўро даври тушунчаларидан кутулолмаётган кишилар борки, маънавий тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган бундай нуқсонларга қарши курашишда “Ҳасрат боғи” спектакли театрнинг ўзига хос муносабати ўлароқ жаранглаши мумкин эди.

Санъат дунёсида ўз барқарор ўрнини топган ижодкорлар сирасида Жуманиёз Жабборов номи ҳамиша ҳурмат билан тилга олинади. Ҳалол ижоди, ошуфта қалби ва ҳассос нигоҳи билан эътибор топган шоир драматургияда ҳам вақти-вақти билан томошабинга завқ ва майин кулгу улашадиган камтарона изланишлар қилиб туради. Пайтида Муқимий номидаги мусиқали театримиз саҳнасида довруқ қозонган “Ўжарлар” комедияси билан бу жанрнинг ўз одами эканини яққол исботлаган Жуманиёз aka ўтган йили Миллий театримиз саҳнасини ҳам безаган пьеса тақдим этди. Шу асар асосида саҳналаштирилган “Нексия” спектакли бир уй (“дом”)да яшовчи одамларнинг турфа характерени, бегараз муносабатларини намойиш этувчи енгил комедия жанрида талқин этилган. Оддийгина, ҳатто айтиш мумкинки, жўнгина майший сюжет асосига Қурилган спектакль ғоясининг инсонийлиги, жамоа туйғуси билан яшовчи халқимизнинг табиатидаги меҳр-оқибат, эзгу ҳисларни ардоқлаш, худбинлик, манфаатпарастлик кайфиятини инкор этиш каби фазилатлари билан ўзбек томошабинлари эътирофига сазовор бўлди. Спектаклда классик комедия жанрига хос фабула, кулгили ҳолат ва муҳими ўзига хос характерлар бор. Ҳар бир кўшни ўзича бир олам. Гоҳо аёл ҳамсоялар, гоҳо эркаклар гурунг қуриб, бир-бирларига нисбатан самимий муносабатларини енгил ҳазил, асқия, бегараз гинаю истеҳзо билан аён этадилар. Ҳатто икки кўшни қуда бўлиш орзусида – фарзандлари бирга ўсиб, бир-бирларига кўнгил қўйган. Ҳар икки томон ҳам бундан хурсанд. Энди уларнинг тўйи ташвиши, орзу-ҳавас масаласи бутун “дом”дагиларнинг мавзуси. Ана шундай шавқли-шодон давра бирданига пароканда бўлиб, самимият ўрнини ғараз, кин-кудурат, аламзадалик, таъна-маломат эгаллайди. Кечаги иноқ, салкам қариндош қўшнилар, бир-бирларига душман, ёвга айланадилар. Сабаб манфаат илин-

жи – намунавий “дом” номини олганлари ва сақтай билганилари учун уларга ҳокимият муроффот тариқасида “Нексия” машинаси тақдим этмоқчи.

Хүш – бу муроффот қандай тақсимланади, унга ким муносиброқ? Мана шу сўроқ қўшилар иттифоқига раВна солган асосий жумбоқ. Мана энди эҳтирослар тамомила бошқача авж олади. Ҳамма бир-бирини ёмонлаган, барча бир-бирига ёв. Кечагина фазилат саналган ё бегидир кулгу қўзғатган хусусиятлар, воқеа-муносабатлар энди таънаю-маломат, кечирилмас гуноҳ, аламли гинахонликка айланади. Орзу-ҳавасли тўй тараффудидаги “қудалар” энди барча муносабатларида нуқсон, иллат кўрадилар. Ширин муномала аччиқ таъна ва ништарли кесатиклар билан алмашинади. Хуллас, бир лаҳзада барча эзгуликлар барбод бўлиб турганида, яна хабар келадики, муроффот намунали “дом”га эмас, “детдом”га, яъни болалар уйига берилар экан. Барчасига сабабчи маҳалла оқсоқолининг қулоги оғирлиги, ҳокимият қарорини тўғри англамагани. Ҳайтовор, ёшлар бир-бирларини чиндан-да севар эканлар. Отаналарининг “машмаша”ларига қарамай, улар аҳдида содиқ. Ҳатто ҳаёт уларни синовдан ўтказиб, меҳр-муҳаббатларини янада тоблади. Аммо ота-оналар-чи, катталар-чи? Улар синовдан, ҳаёт имтиҳонидан ўта оладиларми?

“Нексия” спектакли масалани шундай қўйгани билан, томошабинни ўзига ғоят таниш воқеа ва муносабатлар билан юзма-юз қилиб, ўз-ўзини тафтиш этишга ундалани билан қимматли. Ўзига хос фориглантирувчи пафоси билан аҳамиятли. Унинг классик комедияларга хос айрим жиҳатлари ҳам мана шунида. Албатта, бу спектакль тақлиф қиласётган воқеа ва унинг ечимларида жанрнинг мумтоз намуналари каби фалсафий ё психологик теранликка, оламшумул умумлашма ва хуносаларга даъво йўқ. Шундай асарлар таъсирида шаклланган ё руҳан ва фикран шунга мойил томошабин бу спектаклдан қониқмаслиги мумкин. Жўн майший воқеа асносида оддий турмуш ташвишлари билан яшаётган кишилар моҳиятини, ички дунёсини беихтиёр пайдо бўладиган муваққат ҳолатларда қай даражада намоён бўлишини, характер товланишларини енгил кулгу воситасида кўрсатишга уриниш бор, холос, бу асарда. Ва шу-

нинг ўзи ҳам томошабинни завқлантириш, ҳатто ўзи ва атрофидагилардан айрим ўхшаш хатти-харакатлари учун шунчаки ички хижолатпазлик туйуши учун етарли.

Демак, спектакль ҳам шу маңнода ўз вазифасини бажарғандек... Лекин, истак маңносида бир-икки мuloқазаларни айттимиз келади. Ҳамонки саҳна асарининг қон томири конфликт масаласи экан, ана шу конфликтни тури ва тусидан қатын назар, аста ривожлантириб бориш ҳамда уни ҳаёт ва асар мантиқи күтара оладиган даражада таранглаштириб бориш ва охир-оқибат кутилмаган ечимни муқаррар этиш спектакль ижодкорлари ва ижрочиларидан росмана маҳорат талаб этади. Зиддиятли ҳолатни, муносабатни охирги нұқтасига қадар кучайтира билиш томошавийликнинг муҳим шарти. Шундай мезон амал қылған асарларда кутилмаган ечим томошабинга бомба портлаши каби эсанкиратувчи, бир зум караҳт қилиб, сүнг покловчи мушоҳадаларга мажбур этадиган ҳодиса үлароқ таъсир күрсатади.

“Нексия” спектаклида бари рисоладагидек, комедия қоидаларига оғишимай амал қылингандек. Бироқ ўша конфликт ривожи, муносабатлар таранглашуви авж пардасига күтарила олмай, тезда ечим таклиф этилади. Томошабинда нимадир етишмагандай, қониқмагандай, қандайдир жүнлик таассуроти қолади. Жүнлик ечимнинг ўта оддийлигіда эмас, балки, шунга тайёрлаб бориш жараённининг маромига етмаганидадир. Қолаверса, режиссёрнинг драматург билан тенг муаллифга айлана билмагани, ижодий топқырлыкка қодир эмаслиги, деярли барча актёрларнинг ортиқ даражада майший ижрона мойиллиги, охиз ҳолда бўлса-да, талқинда тафаккур ёлқинининг йўқлиги ўша жўн таассуротни янада қуюқлаштирган.

Очиғи, шундай таассурот анчайин танилиб қолган драматург Эркин Хушвақтовнинг “Андишали келинчак” спектаклида ҳам яққол сезилади. Қайнана келиннинг юлдузини юлдузига түғирлагунча драматург режиссёр билан не-не нораво қилиқлар, ясама саҳналар үйлаб топмайди. Мақсад томошабинни кулдириш. Ҳаммага аён бир гап: табиий кулдириш бор, қитиқлаб мажбураш бор. Биз сўнгти пайтларда майший йўсиндаги ва ҳатто ижтимоий-маънавий йўналишдаги пъесалар талқинида ҳам қитиқ-

лаб күлдиришга ружу қўйдик. Бу бора-бора миллий саҳна санъатимизда нафақат театр, балки кино санъатимизда ҳам бадбин тенденцияга айланиб қолди. Каттами-кичик қай бир театр репертуарига, кичо, айниқса, хусусий киностудиялар фильмларига қараманг, кўнгилни ғаш, дилини хира қилгувчи биқиқ майший ботқоқقا кўзингиз тушади. Беихтиёр, ёниб кетасиз.

Юртбошимиз яқинда “Ўзбекистоннинг ўн олти йиллик тараққиёт йўли” ҳақидаги маъruzalарида куйиниб айтган “оммавий маданият”нинг бузгунчи таъсирига берилиш ҳақидаги теран мушоҳадалари ёдга келади. Наҳотки бизнинг санъатдаги ўз мустақил йўлимиз шу бўлса?! Йўқ, барчамизга намуна бўлган ва айнан отахон театри-миз саҳнасида қўйилган соф майший мавзудаги айrim асарларни эслайлик. “Юрак сирлари”, “Олтин девор”, “Парвона”, “Келинлар қўзғалони”... Ахир булар оддий майший воқеалар, кулгили ҳолатлар асносида турмуши-мизнинг, маънавий дунёмизнинг покиза бўлиши, миллий қадриятларимизнинг софлиги, безаволлиги foясини ташиган, биқиқ майший ишлатлар илдиз отмасидан уни суғуриб ташлашга даъват этган, халқимизнинг ижтимоий муносабатини уйғотиб, кишиларимизни маънан юксакликка ундалган, теран ва гўзал талқин, беназир ижро маданияти уйғунлигига беғараз табиий кулгу билан онгу қалбларни губорлардан фориғ этишга чоғланган спектакл-лар эмасми?! Наҳотки меъёру мезонларимиз, ибрат намуналаримиз бўлгани ҳолда, цензура, мафкуравий тазиيқ ва таҳдидлардан халос бўлиб, эмин-эркин ижодий изланишларга этишган бир даврда бадиий юксакликларга кўтарила олмасак?! Аксинча, мезонлар бузилиб, дид, савия ҳузурталаб ҳавоий томошабин чўнтағига боғланса?!

Эркин “Чимилдиқ” билан Миллий театр саҳнасида пайдо бўлганида, ҳар қанча зиддиятли мулоҳазаларга қарамай, миллий урф-одат, қадриятларимиз софлиги, уларни авайлаб-асраси, ривожлантириш ҳақидаги мамлакатимиздаги ижтимоий-маънавий ўзгаришларга ҳамоҳанг спектакль яратилганидан муайян қониқиш ҳосил қилган эдик. Ва табиийки, истиқболидан умидланган ҳам эдик. Аммо у осон йўлдан юришни маъқул кўрди. Худпараст хоҳишлар

кўчасига кирди. Унинг учун қийқириқ ва ҳуштакка мойил оломон билан тўлган зал мезонга айланди. Қандини урсин! “Андишали келинчак”да ҳамиша анишлаг...

Буюк Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда, “ўзбек боласи кўприкнинг нариги томонига ўта билмас экан”, яъни маиший биқиқлик, турмуш икир-чикирларидан тафаккур ёлқинланган юксакликларга кўтарилишга интилмас экан, “бизнинг одам бўлишимизга аҳли тамизнинг кўзи етмаслиги аниқ”.

Инсоф юзасидан бир кузатишни қайд этмоқ зарур. Актёрлар, хусусан қайнана ролидаги С.Раметова ва келинчак образидаги Д.Кубаевалар спектаклда яйраб, ҳатто таъбир жоиз бўлса, ялпайиб ўйнайдилар. Бу кўпроқ С.Раметовага тегишли. Фармонбиби тимсолидаги беназир қайнана Зайнаб Садриева ижросига яхши маънодаги тақлид ва яна кузатишлари сабабли, Саида ўз ролини халқона импровизацияга бой бир тарзда талқин этиб, томошабиннинг такрор ва такрор олқишиларига сазовор бўлмоқда. Бу, албатта, йиллар давоми касб этилган маҳорат. Дилноза Кубаева эса илк бор шу спектаклда катта роль ўйнаб, хуркак бир оҳудек табиийлиги, самимилиги билан эътиборни тортиб, ўзига хос ижро йўсунинг эришди. Бутун спектаклнинг томошабин олқишидаги муваффақиятини асосан ана шу икки актриса таъмин этган, десак ҳақиқатни айтган бўламиз. Демак, табиийликдан маҳорат сари ўсиб боришнинг ораси бир қадам йўл...

Адабиёт аҳли баланд мақомда тутадиган шоир Усмон Азимнинг театрдаги ижодий фаолияти ҳам бугун барчага яхши таниш. Кетма-кет пьесалар ёзиб, улар саҳналаштирилиб, назаркарда бўлиб қолган драматург Усмон Азимнинг икки асари сентябрь репертуарида зикр этилган. “Бир қадам йўл” ва Faфур Гулом асарлари асосидаги “Ўтган замон ҳангомалари”. Бу спектаклларни репертуарнинг қийматини белгилаётган асарлардан десак янгишмаймиз.

Санъатнинг азалий ва абадий муаммолари – инсон руҳияти, унинг турли ташқи ва ички омиллар таъсиридаги эврилишлари, туйгулар бокиралиги ва ҳоказо турфа маънавий масалалар шоир-драматург пьесаларининг асосий мазмуни. Самарқанддан бир қадам нарида яшаб, му-

аzzам шаҳарни кўриш орзусига етолмай ўтаётган қария, нақдини бахт деб бир кунлик умрини фаровон қилиш ташвишидан хушдил жайдари фалсафа билан умргузаронлик қилаётган Ҳасан кайфий образлари ва шулар билан содир бўладиган воқеалар, улар билан муносабатларга киришадиган персонажлар орқали муаллиф кўпгина долзарб маънавий муаммоларни кўтаради, уларга томошабин билан бирга жавоб излашга ҳаракат қиласди.

Туйғулар бокиралиги бош мавзуга айланган спектакллар ҳақида сўз юритганда мен, аввало, Усмон Азимнинг Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек ва Зарифа Саидносирова ҳақидаги буюк тарихий сиймоларга бағишлиланган асарларини назарда тутаман. Нима учундир бу спектакллар, ҳатто мутахассисларнинг ва зукко томошабинларнинг кенг эътирофига сазовор бўлган, қолаверса, вақт нуқтаи назаридан сўнгги “Адибнинг умри” спектакли ҳам театрнинг ойлик репертуаридан жой олмаган. Тўғри бу спектаклларнинг айримлари саҳналаштирилиши, ижро хусусиятлари, томошабоплиги жиҳатидан анча мунозарали, албатта. Бироқ қандайлигидан қатъи назар, улар миллат улуғларининг мураккаб тақдирларидан ҳикоя қилиб, халқимизнинг ўзлигини англашга, истиклоннинг қадри ҳақида мудом ўйлашга, тарихий хотира туйғусининг сўнмаслигига даъват этади. Шу боис ҳам зикр этилган спектакллар репертуарда ҳамиша бўлмоғи зарур.

Эндиги мулоҳазалар танилиб келаётган, айтиш мумкинки, театр репертуаридағи мавқенини мустаҳкамлаб бораётган ёш драматург Санжарали Имомов ва ҳозирча нотаниш Зулхумор Солиева пьесалари асосидаги спектакллар ҳақида.

Санжарали драматургия масалалари билан умр бўйи шуғулланган олим, профессор Бердиали Имомовнинг фарзанди, касбига кўра амалиётчи ҳуқуқшунос. Бу соҳа вакиларидан умумжаҳон адабиётида из қолдирган сиймолар кам эмас, шу жумладан, ўзбек адабиётида ҳам. Аммо уларнинг аксарияти касб тажрибасини, хизмат юзасидан кўрган-кечирганларини ёзувчилик иқтидори билан уйғунлаштириб, тарихга кирган сиймолар. Санжарали бу йўлда эмас, аниқроғи, у ҳозирча детектив ёзганини билмайман. Аммо била-манки, ёш драматургни соғ руҳий жараёнлар, психолого-гик кечинмалар, фавқулодда намоён бўлувчи ҳолатлар,

шартли-мажозий тасаввурлар күпроқ жалб этади. Ҳар қалай яқин-яқынгача Миллий театр, Мұқимий номидаги мусиқиј театр саңналарида намойиш этилган асарлари шу йүсинде зди. Ўтган мавсум охирларида унинг бир эмас, икки асари “Дадажон демайман” ва “Севаман дедимми” пьесалари отахон театр репертуаридан жой олди. Бирданига қүш премьера – бу ёш драматург учун катта шараф. Юқоририқда эслаттанимиз, саңна санъатига ёниб ва ёриб киришнинг бир исботи эмасмикан, дея умид билан “Севаман дедимми” спектаклини бориб кўрдим. Кўрдиму “тасанно” деган ёқимли алқовни бот-бот такрорладим.

Ҳа, қарийб қирқ йилдан бери отахон театр жамоасида ўз ўрнини топиб, ҳавасланса арзидиган ҳаётий ва ижодий жуфтликда қатор спектакллар яратиб, яна кинода, телевидениеда, маданий ҳаётда эътибор ва эътироф то-пиб келаётган санъаткорлар – Гавҳар ва Жамшид Зокировларга тасанно айтдим. Абдулла Авлонийнинг, Карим Зокирийнинг, Ботир Зокировларнинг чирогини ўчирмай, мудом ёқиб келаётган, айни чоғда қанча-қанча муҳлислиари, дўстларининг қалбига-да ёруғлик баҳшида этаётган бу самимий инсонларга ҳурматимни изҳор этдим. Спектакль учун эмас, улар борлиги, ҳамжиҳатлиги, ҳамиша биргалиги, санъатта девонавор ошуфталиклари учун, санъат ва ҳаётдаги самимиятлари учун суюндим. “Севаман дедимми” спектакли уларнинг ана шу сурату сийратларига мутаносиб, ўзига хос бенифисларига айланмоғини астойдил истаб, спектаклни томоша қилдим. Машхур Бадий Академик театрнинг Бернад Шоу ҳаётининг айrim саҳифалари ҳақида Килтининг “Ёқимтой ёлғончи” спектакли ёки А.Арбузовнинг жаҳондаги жуда кўп театрлар саҳнага қўйган “Эски комедия” пьесасидаги ўрта ёшлардаги эрекак ва аёлнинг шўх-шаън муносабатлари, фоят нозик муҳаббат туйғулари акс этган асарларга ўхшаш беғубор, ёқимли томошани кўрмоқни орзулаган, кутган эдим.

Афсуски, драматургия қонуниятларини биладиган ва буни амалда исботлаган драматург бу пьеса учун драматургик материал топа билмаган. Ўттиз йилдан бери турмуш қуриб, бирга яшаётган баҳтиёр эру хотиннинг бир-бирларига айтадиган жўяли гапи йўқ. Хотин учун театр бу

тириклик тиргаги. Бизнесмен эр эса унинг хоҳишиларини ҳамиша бажариб келган, инжиқликларини тӯғри тушунган. Чунки ўзи ҳам бир пайтлар актёр бўлган, хотини билан бирга роллар ижро этган. Спектаклнинг бутун мазмани шундан нари ўтмайди. Эр-хотин Зокировлар қай бир маънода ўз ҳаётларини бир оз таҳрир қилиб саҳнага олиб чиқмоқчи бўлганлар. Уларга хос турмуш манзаралари, ҳиссий ҳам интеллектуал ижрога мойил муносабатлар барни бордек гўё. Аммо тош босадиган мантиқ, ғоя, оҳорли фикр уқмайсиз томошадан. Шунда беихтиёр ўша юқорида зикр этилган машҳур асарлар ёдга келди. Бу асарларда ҳам гўёки очиқ кўринувчи конфликт, қарашлар тўқнашувлари йўқ. Жуда самимий сұҳбат – диалоглар бор.

“Ёқимли ёлғончи”да эса диалоглар ёзишмалар шаклида, икки катта ёшли инсонларнинг сұҳбатлари бир-бирлашибга хатлари асосида намойиш этилади. Хўш, уларни ушлаб турган асосий нарса нима? Бу ошкор этилмаган, армонга айланган мұҳаббат, ҳар сафар унга яқинлашгандар сари яна икки томонга оттувчи ҳаёт, тақдир, турмуш “муш”лари ёки ўз феъл-атворларидағи норасоликлар. Сұҳбатлар асосида англашиладиган ана шу психологик зиддият бу асарларнинг ҳаётийлигини таъмин этади. “Севаман дедими”да ана шундай ҳаётийлик ўрнини ясамалик ва зўрма зўракилик эгаллаган. Шу боис актёр ва актрисанинг маҳорати, ижодий салоҳиятига ҳар қанча лол бўлманг, драматик асоснинг ноҷорлиги спектаклга қизиқиши сўндиради.

Шунга яқин, балки бундан-да ғариброқ аҳвол “Увайсий” спектаклида ҳам ошкора бўй кўрсатган.

Зулхумор Солиева саҳна санъатига ҳавасманд ижодкор. Афсуски, бу ҳавасмандлик амалда ҳаваскорликдан нарига ўтолмай қолган.

Жаҳон отин – Увайсий ўзбек адабиётидаги бағоят мураккаб сиймолардан. Шоиранинг нафақат илмга аён умр кечмиши, қисмати, айни чоғда юксак бадиий ижоди ҳам якранг эмас. Бинобарин, ижоддаги мураккаблик, дард, ғамбодалик қисматининг акс-садоси бўлса, ҳеч шубҳа йўқ.

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман.

Истадим бу оламни топмадим вафо аҳлин,
Барчадин юмуб кўзни муддао Увайсийман.

Вайсий бериёзат деб саҳл тутма, эй ориф,
Ишқ аро ниҳон дарди бедаво Увайсийман.

Ана шу ҳаёти ва ижоди драматизмга тўлиқ ижодкор ҳақида пъеса ёзиш, фаввос учун денгизга дуч келишдек бир гап. Уқувли фаввос денгиз тубидан дуру гавҳар териб чиққанидек, мавжуд маълумотлардан, дард силқиб эҳтирос ва фалсафа уфуриб турган шеъриятдан, тарихий асарлар, тазкиралар ва замонавий илмий тадқиқотлардан илхом олиб, қолаверса, шу ролни орзулаган актриса имкониятларини ҳам инобатга олиб, саҳнабоп, жўяли бир асар яратиш мумкин эди. Хўш, унда нима етишмади бошловчи драматургимизга, деган савол туғилиши табиий. Жавоб аниқ – билим, малака, изланиш ва хаёлот... Иштиёқ зўр, аммо шунга яраша иқтидор тақчил.

Икки мустақил воқеа – шоира ҳаётига оид баъзи юзаки тафсилотлар ва машҳур “Амир Умархоннинг канизаги” воқеасини бирлаштириб, тўлақонли спектакль яратишга ҳаракат қилинганд. Бу ўринда яққол аёнки, ташабbus режиссёр томонидан бўлган. Дарҳақиқат, Амир Умархон болалигидан ўз ҳузурида тарбиялаб, кейинроқ никоҳига олишни мўлжаллаган қизнинг хон вафотидан сўнг унинг ўғли Маъдалихонга хотин бўлиши туфайли рўй берган фожиалар – Бухоро амири Насрulloхоннинг Кўқонни форат этиши воқеаси ҳар қандай асарга, жумладан, саҳна асарига бағоят мароқли мавзу бўлиши мумкин эди. Увайсий қисмати ҳақидаги тақдим этилган пъесадан тайинли томоша чиқара олишга кўзи етмаган режиссёр ўша “Канизак воқеаси”ни едириб юбормоқчи бўлган. Бироқ икки мустақил мавзуда умумият, узвийлик тополмай, драматизмни таъминлашга зўр бериб, асосий мақсадни, яъни Увайсийнинг саҳнавий сиймосини яратиш ниятини унтиб ёки, камида, ўта хиралаштириб қўйган. Оқибатда воқеа ва тафсилотлар номувофиқлиги, қовушимсиз эклектикага йўл қўйилган. Шундан спектакль foят нотекис, чалкаш, мазмунан пароканда. Инсоф юзасидан айтиш жоиз, ало-

ҳида олинган айрим лавҳалар бадий жиҳатдан кучли, таъсирчан. Режиссёрнинг қули ҳис қилиниб туради. Бироқ яхлит асар – тўлақонли спектакль бўлмагандан кеин, алоҳида кучли парчалардан не наф?! Лахтак ёки ямоқ ҳар қанча тоза матодан қолган бўлак бўлмасин, у ҳеч қачон кўйлак бўлолмайди. Бинобарин, тўлақонли драматургия, демакки, яхлит спектакль йўқ экан, бошқа гоявий-бадиий унсурлар, тарихийлик, талқин, ижро маҳорати, беҳзак, либос ва ҳоказолар ҳақида ҳам сўз юритиш жоиз эмас. Фақат ўша беназир шоира, мушфиқ она, дилпора инсоннинг қўйидаги пурмаъно сатрларини эслатиб қўйиш фойдадан холи бўлмас деб ўйлайман:

Жафосин чекмаса бўлмас мұяссар сенга жононинг,
Юракка дард етмай, таъсир этмас оҳу ағонинг.
Кўнгил, сабр айлагил, бетоқат ўлма ҳажр шомига,
Зулумот ичра кирмай топмагайсан оби ҳайвонинг.

...Ошириб яна бирор йўриқ, панду ўгит айтиш ортиқча... Миллий театр репертуари ҳақида сўз кетар экан, уни ким белгилайди деган мантиқий савол туғилиши табиий. Албатта, Бадий Кенгаш, театр раҳбариятининг ўрни бу масалада жуда муҳим. Лекин ижодий репертуар масаласи аввало ва асосан бош режиссёрнинг бош вазифаси. Чунки репертуар театрнинг юзи, қиёфаси. Ижодий қиёфа эса муайян етакчи – раҳнамонинг аниқ мақсад қўйиб, шуни изчил ва муңтазам рашидда тўлақонли амалга оширишга ҳаракат қилишидан шакланади. Бу, албатта, осон иш эмас. Бироқ, бош режиссёрлик миссияси ҳам шундаки, у жамоани ўзига ишонтириши ва етаклай билиши, ўз иродасига бўйсундириши зарур. Шунинг учун ҳам бош режиссёрлик лавозим ё амалгина эмас. Бош режиссёрлик бу аввало ва асосан касб. Театрнинг барча кучлари – бўгин ва бўлинмаларини мувофиқлаштириб, уларни бир маҳраж остида бирлаштириб, бошқариб борадиган касб. Пировардида бу касб бўлмаса, турли режиссёрлар томонидан спектакллар қўйилавериши, ҳар ким театрга кириб чиқавериши ва ҳатто Бадий Кенгашлар тузилиб, пьеса ва спектакллар тақдири ҳал этилиши мумкин.

Директор эса театрнинг моддий аҳволини фавқулодда кучайтириб юбориши ёки, аксинча, буткул танг аҳволга

солиб қўйиши ҳам мумкин. Интизом, батартиблик ёки турли баҳонаю сабаб актёр ва ходимларнинг ишга муносабати ҳам ҳаминқадар бўлиши мумкин. Кўйингчи, ҳаммаси рисоладагидек давом этиши ҳам мумкин. Бироқ... бироқ бу театрда бир нарсагина, жуда муҳим, ўта зарур бир нарса бўлмаслиги мумкин. Бу, таъкидлаганимиз — театрнинг ижодий қиёфаси, ўз “мени” ва шундан келиб чиқадиган талаб ва мезону меъёрлари. Агар ана шу нарса бўлмаса, бинойидек кун-рўзғори ўтаётган театрнинг ҳамма тоат-ибодати киши кўзи учундек гўё, барчаси ўз ҳолича — борми бор, бўляйтими — бўляйтти қабилида мавжудлик ҳисси билан яшайверади. Гўёки ҳаммаси бор. Аммо бари пароканда, гўёки бари бинойи, лекин қандайдир ўткинчи, изсиз, шамол, қониқмаслик, кўнгил тўлмаслик бор. Руҳ йўқ, инсонни ўз-ўзига кўзгу тутадиган, басират кўзларини очадиган, қалбларни тозартирадиган, юксакликларга ундаидиган эпкин йўқ. Бир маслакка барча-барчани йўналтирадиган, бирлаштирадиган, бир вужуд, бир танга айлантирадиган ирова, файрат, куч йўқ. Ана шу ирова, куч-кудрат бош режиссёр касбининг асос негизи, вазифаси.

Миллий театримизнинг ҳозирги штат бирлигига бош режиссёр лавозими мавжуд, албатта. Гарчи Валижон Умаровга бу иш юклантган бўлса-да, афсуски, у ўз вазифасини касб сифатида тушуниб бажаришга киришолмаяпти. У амалда штатдаги режиссёр, айтиш ўринлики, яхши постановкачи режиссёр сифатида фаолият юритяпти, холос. Шу туфайли театрнинг репертуар сиёсати тўла тасоди-фийлик асосида давом этиб келмоқда. Ижодий қиёфа ва уни белгилаш мезонлари аниқ эмас. Шундан келиб чиқиб, келажакка мўлжалланган дастур йўқ. Ваҳолангки, театрдаги ижодий имкониятлардан ва мавжуд кучлардан тўлақонли ҳам самарали фойдаланиш ҳақида жиҳдий ўйлаб кўриш зарур. Чунки ҳозиргидек сон жиҳатидан катта ижодий жамоани ушлаб туриш, кекса, ўрта яшар ва ёш актёрлар ижодий салоҳиятидан унумли фойдаланиш, ўз навбатида, театрнинг эртанги тақдири учун хотиржам бўлиш, турли объектив ва субъектив хавфу таҳдидларнинг олдини олиш учун ниҳоятда муҳимдир. Албатта, бунинг учун жамоани тўлиқ банд қилиш, янги-янги спектакллар

қўйиш, репертуарни тез-тез ўзгартириб туриш лозим бўла-ди. Бу масалада назаримда, театрда муаммо йўқдек. Чунки янгилишмасам, ўтган мавсумда еттига премьера йўналди. Ташқаридан кузатганда, бу қувонарли ҳол. Аммо сон кўрсаттичи сифат кўрсаттичи билан ҳамиша ҳам мутано-сибликдами, деган андиша ўйлантириб қўяди.

Яна бир андишамиз – актёрлар масаласи. Бугун етук-лик палласига етган айрим актёрларнинг бор ижодий салобатига яраша ўлмас роллари бўлиши зарур. Чунки азалабаддан маълумки, томошабин гоҳи спектакль учун эмгес, актёр учун томошага тушади. Бу ўринда мен классик ғамунага айланган, фақат муайян актёр номи билангина боғлиқ спектаклларни – “Отелло” – Аброр Ҳидоятов, “Алишер Навоий” – Олим Хўжаев, “Келинлар қўзғалони” – Зайнаб Садриева, “Олтин девор” – Фани Аъзамов, “Парвона” – Обид Юнусов каби том маънодаги ижодий ҳодисаларни назарда тутаёттанимни зукко ўқувчи англаб турган бўлса керак. Ана шундай афсонасифат тақдирга муносиб актёрлар бўлгани ҳолда уларнинг улкан салоҳияти юзага чиқмай ўтиши кишини бафоят таассуфга солади. Бугун шундай бор маҳобати билан ўзини тўла ифодалаб улгуролмай, сўнгги қўшигини айттолмай дунёдан ўтган Римма Аҳмедова, Ҳожиакбар Нурматовлар қисмати улар санъатини юксак даражада қадрловчилар учун армон бўлиб қолди. Айни жонли жараёнда мен шахсан ўтган йили таваллуд санасининг олтмиш йиллигини нишонлаган Эркин Комилов, Дилбар Икромова, Сайёра Юнусова каби катта ижодий имкониятга эга санъаткорларни қай бир ягона образи билан ривоятнома тимсолга айланиб кетишига арзигулик ҳодиса деб биламан. Буюк А.П.Чеховнинг Вания тоғасидек “Мен Шопенгауэр, Достоевскийдек бўлишим мумкин эди” деган беадад азобли аламлар билан афсусу надомат селобига фарқ бўлишдек қисматни ҳеч бир ис-теъдод эгасига тиламаган бўлар эдим.

Хозирда Миллий театр труппасида ёшларнинг кўплиги жуда яхши. Умуман саҳнада тез-тез янги қиёфаларнинг кўриниб келаётгани ижобий ҳол. Бироқ уларнинг барчаси ҳам мамлакатнинг биринчи рақамли театрига муносибми? Қандай мезону ўлчовлар билан, ким томонидан са-

раланиб қабул қилинади, бу дипломли касб згалари. Театрга қабул қилинувчи ҳар бир йигит ё қиз ижодкор шахс бўла олишга иқтидор намоён эта олсагина бу мақаддас даргоҳ остонасидан ҳатлашга ҳақли. Акс ҳолда юзу кўз, қадду қомат дегандек “муқова”нинг ўзи кифоя эмас.

Мен ижодий жамоа таркибида С. Отажонов, Д. Кубаева, Ш. Нуралиев каби ижодий индивидуалликка даъвогар ёш актёрлар борлигидан қониқиши туоман. Назаримда улар фаолияти қизиқишига арзигулик. Аммо уларни рангсиз, туссиз умумий оқимга кўшилиб кетишини сира истамас эдим. Шу боис тўғри тушунишар деган умидда бир хавотирни айтгим келади. Ижодкор табиати учун кичкина бир муваффақиятдан ҳаволаниш, кибр бегона туйғу бўлмоғи керак. Янада чуқурроқ тушиб таъкидлаган бўлардим – бу муқаррар ҳалокат. Ҳалокатнинг белгилари кўп. Яна бири – ижодий “мен”ни йўқотиш. Бир гал муваффақиятли тоғилган ҳолат, актёр ижросининг ўрнига тушган ижодий янгилиги томошабинга маъқул экан деб такрорланаверса, у бузилмас андаза, синмас қолипга, стереотипга айланиб қолиши аниқ. Актёр ҳа деганда саҳнада ликиллаб, нораво қилиқлар билан, комик роль экан деб бир хил талқинга ружу қилса, кейин уни драматик ролда ҳам томошабин шундай қабул қилишга мойил бўлади. Уни ҳамиша бир қиёфада кўрадиган бўлиб қолади. Демоқчимизки, актёрнинг ҳар бир роли бошқасидан тамомила фарқ қилмоғи шарт. Гарчи бу роллар бир хил жанр, бир йўналишда бўлса ҳам. Акс ҳолда қиёфа сийқаланиб, йўқолиб кетиши муқаррар. Назаримда С.Отажонов ҳам Ш.Нуралиев ҳам шулар ҳақида жиндек ўйлаб кўрсалар, айни чоғда бошқа ёшларга ҳам эслатиб турилса ёмон бўлмасди.

Хуллас, отахон театримиз жамоасининг, унинг ҳеч шубҳасиз ҳурматга, эътирофга сазовор раҳбари Ёкуб Аҳмедовнинг ўйлаб кўрадиган масалалари оз эмас.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг жараёндаги репертуаридан камина кўриб, мушоҳада этиб, мулоҳаза айтишга имкон қила олганимиз мана шулар. Насиб этса, улгурилмаганларини ҳам кўриб, баҳоли қудрат яна ўрни билан бирор фикр айтилар. Агар айтилмаса-да, отахон театримизнинг бугунги туриш-турмуши, интилиш, изла-

нишлари ҳақида яхлитрок умумлашма қилиш ва холоса чиқариш учун шунинг ўзи-да етиб қолар. Мұхими, театр яшаети, гоҳи озиб, гоҳи семириб дегандек, тирик вұжудлек яшаети. Қариялари файзи, ёшлари давлати бўлиб, рӯзгори бадастир, рисоладагидек сокин умр кечирмоқда. Тўхтаб қолишдан ўзи асрасин!..

2007 йил

БАДИЙ МУШОҲАДА ВА ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ

Машраб ҳақида кўп ёзилган, ҳатто айтиш мумкинки, хўб ёзилган. Кимдир Андижонга, кимдир Наманғангана нисбат бериб ёзган. Ва яна кимдир дунёларга менгзаб, башар фарзанди деб ёзган. Фаҳми ожизимча, шу сўнгтиси ҳақиқат, шу сўнгтиси ҳеч ким баҳс очмайдиган, очолмайдиган ҳақиқат. Гарчи улуғ дарвиш ҳаётини ҳам илмда, ҳам бадиий ижодда турлича шарҳладик, уни кечагина умр дафтари миздан буткул ўчирилган тури “изм”ларга мослашга уриндик, барibir шоирнинг абадий жумбοқ бўлиб қоладиган, ҳали нечаче авлодларни теран ўйларга толдирадиган мана бу сатри хаёлларимизга қутқу солиб тураверади:

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг.

Бу сўзларни кўнглида бир иштибоҳи, шуурида мушоҳадаси бор ҳар бир кимса айтиши мумкин. Бироқ ҳар каснинг ҳам номаътум ҳоли паришони, ўзидан, ўзига яқин бир-икки кишидан ўзгага қизиқ эмас, инчунун, эътиборга молик эмас. Аммо Бобораҳим Машраб каби улуғларнинг кечмишлари, ўй-хаёли, дарду изтироблари жуда кўп аҳли тамиз ва аҳли шеърнинг ҳамиша диққатини жалб этган, ўйга толдирган. Шу боис қанча қофоз қораланиб, қанча олиму санъат аҳлининг тунлари бедор кечган. Мана шундай безовта ўй-андишалар билан драматург Насрулло Қобул, режиссёр Аҳад Фармонов, рассом Баҳтиёр Тўраев, бастакор Фарҳод Олимов, актёр Мирза Азизов, актриса Зулайҳо Бойхонова, қўйингчи, Муқимий номидаги мусиқий театрнинг яна ўнлаб жонкуяр санъат аҳли “На малакман, на фаришта” (Машраб) спектаклини яратиб, томошабин хукмига ҳавола этди.

Асар бундан бир неча йил аввал қофозга тушган эди. Мавзунинг мураккаблиги, Машраб, тасаввуф, қаландарлик бораларида турли қарашлар, турли талқинлар борлиги учунми, пьеса қанча одам томонидан ўқилган бўлса, шунча фикр билдирилди. Ҳатто айримлар томонидан тўлақонли асар ва ўзига хос талқин сифатида эътироф ҳам этилмади. Бундан бир-икки сана аввал саҳнالаштириш тараддуни ҳам кўрилди... Хулласки, деярли ҳар бир истеъод билан ёзилган асарнинг бошида бўладиган “савдо”лар мазкур пъесанинг муаллифи Насрулло Қобулнинг ҳам тинкасини қуритди. Аммо ишончу умидини сўндирамади. Токи ҳозирги биз гувоҳи бўлган саҳна талқини пайдо бўлмагунича асар устидаги ижодий иш, мукаммаллаштириш ҳам тўхтамади. Ва ниҳоят Бобораҳим Машраб ҳаёти чизгиларининг ўзбек театри тарихига Муқимий номидаги театр талқини деб киритишга арзигулик спектакль яратилди.

Балки Машраб шеъриятининг бетизгин эпкинларими ёки теран фалсафаси боисми, тасаввуфшунос Нажмиддин Комиловнинг жиддий ўғитлари сабабми ва балки яна қудрати илоҳиймикин, ҳар қалай мушоҳадага ундирадиган, мавжуд тушунча ва тасаввурларимизни бузиб, узоқ ўйларга толдирадиган спектакль пайдо бўлди. Театр бадиий кенгашида ҳамда жамоатчилик кўригига муҳокамалар бўлди. Бири бирига зид, бири иккинчисининг тамомила акси бўлган фикрлар, муносабатлар билдирилди. Назаримда, озгина бараз, озгина хайриҳоҳлик ва энг муҳими тушуниш ҳам қатъият бўлди. Балки бу ҳам жамоанинг ўзига хос жасоратидир. Шундай деяпман-ку, бироқ шууримда бу сўзни дадилроқ айтиш керак деган таъкид бўлаяпти.

Нега жасорат? Ахир кўпчилик қабул қилган мавжуд қарашларни бузиш жасорат эмасми?! Бузганда ҳам билимдонлик ва фаҳм билан, назокат ва фасоҳат билан ёндашиш осон иш эмас.

Энди ана шу юксак сифатларнинг совуққон таҳлилига ўтсак.

Жанр масаласи. Санъат ҳамиша қолипларни бузгувчидир. Ҳар бир янги юксак санъат асари мавжуд қонун-қоидаларнинг инкоридек туюлади. Олимлар ўша асардан сўнг назарияларини такомиллаштираверадилар. Бу билан ўз

кори аъмолимни камситмоқчи эмасман. Ҳар бир асарнинг ўз жанр мансубияти бўлади. Шу маънода “На малакман, на фаришта” спектаклининг жанрини ўткир коллизияларга бой психологик драма сифатида белгиласа бўлади. Аммо мен спектакль номи остига ҳеч иккиланмай “Машраб мавзусида бадий мушоҳада” деб ёзган бўлар эдим. Чунки спектакль тўлиқ маънода мушоҳада, Машраб ҳаётининг илмга маълум бўлган тафсилотларини, хусусан, унинг Балҳда дорга тортилганлиги ҳақидаги фактнинг бадий таҳлили ҳам муаллифлик талқинидир. Асар ижодкорларининг яна бир бадий ечими, назаримда, янгилик бўлиб туолади. Яъни бутун спектакль бир ғазал шарҳидек таассурот пайдо қиласди. Спектаклинг биринчи кўринишларида Машраб тилида янграган.

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг, — сатридан сўнг шоир тақдирига оид бадий мушоҳада, тафсилотлар жараёни кечади. Сўнгти кўринишида эса шу ғазалнинг охирги мисралари янграйди:

Мавж урсун Карбало даштида бу қоним менинг.

Нега “ҳоли паришони”ни ҳеч ким билмайдиган шоир асар сўнггида қони тўкилиб, дашту саҳроларда мавж урмоғини тилайди. Нима воқеалар, қандай ҳодисалар сабаб бўлдики, бу қадар самовий ташбех.

Машраб ошиқ эди, ишқдан девона бўлиб дунёни саргардон кезди. Қаландарлик кулоҳу жандаси унинг дунё ҳузур-ҳаловатидан кечиб, Аллоҳ жамолига умидвор интилганининг белгилари эди. Шаҳри Намангани, муштипар она ва синглисини ташлаб, илоҳий бир даъватга бўйсуниб, дашту саҳролар ошади, тириклик азобу укубатларини неъмат деб қабул қиласди, ишқи илоҳий йўлидаги ранжу мashaққатни роҳат деб билади.

Бу унинг эътиқоди, ҳаёт ақидаси эди. Ваҳолангки, Машраб дунё севгисидан баҳраманд бўлган, Офоқой исмли тарсо (христиан) қизини суйиб никоҳига олган. Бироқ яна Аллоҳ васли, гўзаллиги, буюклиги ҳам қудрати дея қаландарлик хирқасини эгнига илган. Йиллар ўтиб Балҳга келган шоир шу ерда ўша Офоқойни, энди балҳ ҳукмдо-

ри Маҳмудхоннинг суюклиси — малика қиёфасида учратади. Унинг ҳануз муҳаббати сўнмаганини, та шлаб кетилган аёл хўрлик учун алам-интиқом ҳисси билан ёнса-да, илк муҳаббатининг соҳир туйгуларидан воз кечолмаганинги англайди. Ўз умри мазмунини тафтиш этиб, шундай иштибоҳларга боради:

Гоҳида қалбимни қамрайди гумон,
Умримда мазмун бормиди ёки ёлғон?
Хаёлий маслак билан бўлдим андармон.
Тўғри яшадимми? Жоним чиқар он,
Афсус қилиб бўлмайманни пушаймон?
Бу дунёга келиб нима ҳам қилдим,
Кимга нафим тегди, кимга туз бердим?
Ота дусини олмадим, синглим,
Онамни кунига ярамадим мен.
Бирон ерга ҳатто экмадим дараҳт,
Иморат курмадим, чекмадим заҳмат.
Йўқ менда оила, дўсту ёр, фарзанд,
Тақдиримдан лолман, забунман караҳт,
Аллоҳдан ўзгани севмадим, синглим,
Бугун ҳақиқатни сезгандай бўлдим.
Одамларни севмасанг зинҳор,
Тоат-ибодатлар қилганинг бекор.

Аллоҳ ишқи билан дунё севгисида мувофиқлик кўрмай, фикри ўйларига ғалаён тушган, ички зиддиятларидан түғёнга келган шоир умрининг интиҳоси спектаклда ниҳоятда гўзал ечимини топади. У ички түғёнлар оша барибир ҳаёт маслаги — ишқи илоҳийни ихтиёр этар экан, муҳаббат ва нафратдан аламзода Офоқойнинг санчган тифидан умр якунига келади. Ва шунда ҳам севгиси туфайли қотилга айланган аёлни кечириб, жаҳолат аҳлининг талаби ва инсоний туйгулар курашида чора тополмаётган ҳукмдор Маҳмудхонга илтижолар қилиб, буюк олижаноблик билан ўзини дорга тортиради.

Асар муаллифи бадиий мушоҳада мантиқини ҳам, тарих ҳақиқатини ҳам бузмайдиган гўзал ечим топади. Карбало даштида мавж урган Машрабнинг қизил қони спектакль сўнгидагана шу гўзал ечимнинг рамзий ифодасидай янграйди.

Табиий савол туғиладыки, бадиий мушоҳада билан тарих ҳақиқати бирини бири инкор этувчи тушунчаларми? Йўқ, албатта. Тарих ҳақиқатини бузмай ё унга мувофиқ мушоҳада юритиш мумкин, ҳатто керак ҳам. Бироқ гап шундаки, алабиёт — санъат асари ҳар қандай факт ва тарих ҳақиқатини бадиий идрок этиш экан, ўша фактнинг илмга маълум ё номаътумлигидан қатъи назар мантиқ оқимиға амал қилган ҳолда, ўз кўрими, ўз муносабати ва ҳодисаларнинг ўз ҳиссий таҳлили ҳам ечимини таклиф этади. Тафсилотлар мавжуд фактга тарихан аниқликда бўлмаслиги мумкин. Қолаверса, бу муаррихларнинг кори. Аммо ўша тафсилотларни мантиқ тарозусини бузмаган ҳолда, эркин бадиий идрок этиш ва уни бадиий мушоҳада сифатида таклиф этиш санъаткорнинг ҳақиқидир. Балки унинг қолипларга сифмайдиган стихияси ҳам, инчунун бадииятнинг соҳир жозибаси ҳам шудир. Шундан гўззалик туйиб, шундан ҳайрат топсанк не ажаб?! Ахир тарих илми аён қишлоғмаган қандан-қандан воқеа-ҳодисотлар бадиий мушоҳада туфайли маълум ва машҳур бўлганига ўнлаб далиллар борку?! Худди шу маънода Машрабнинг Балҳда дорга осилиши тарихий фактининг Насрулло Қобул ва театр ижодкорлари таклиф этаётган бадиий версияси ишонарли ва яшашга тўла ҳақлидир. Ана шу ишончни пайдо қилишда драматургдан сўнг режиссёр, рассом ва актёрларнинг хизматларини алоҳида тилга олиш, таъкидлаш жоиз.

Режиссёр Аҳад Фармонов Муқимий номидаги театрда узоқ йиллардан бери ишлаб келади. Унинг ўнлаб саҳналаштирган спектаклларини санаш мумкин. Аксарияти комедия жанридаги томошалар. Лекин “На малакман, на фаришта” спектакли унинг ижодий таржимаи ҳолида алоҳида бир ҳодиса, балки ҳозирча ягона ҳодисадир. Пьеса билан унинг саҳна вариантида анчагина фарқ бор десам, буни драматург ва режиссёр ҳамкорлигининг иш жараёнидаги табиий кўриниши, деб қабул қилиш керак. Чунки саҳнада барибир режиссёр ҳукмфармо. Унинг кўрими, унинг саҳна ва мизансаҳналар ечими спектакль тақдирини белгилайди. Шу маънода А.Фармонов ўқиши учун рафон асарни, кўриш учун жозибали томошага айлантира билган. Ва ҳар икки ижодкор ҳамкорликда мушоҳада учун

асос, томошибиннинг ички муносабатини шакллантириш учун маънавий озуқа берган.

Спектаклда муваффақиятли жиҳатлар, топилмалар анчагина бор. Бу асарнинг яхлит ҳолдаги саҳна талқинидан тортиб, образлар, мусиқа, сценография, мизансаҳналар, актёрлар танланиши ва ҳоказолардаги мутаносибликда яққол кўзга ташланади. Режиссер кўп ўринларда шартли усууларга, рамзийликка ургу беради. Хусусан, Офоқой илк бор кўринадиган саҳнада “Тушди савдойи муҳаббат бошима” ариясини куйлар экан, унинг вужудидан гўё бир руҳ (раққоса қиёфасида) чиқиб, аёлнинг адоксиз ҳижрон азобларини янада теранроқ ҳис қилишга ёрдам берадиган рақс ижро этади. Бу рамзий топилма аёлнинг қалбида кечётган зиддиятли туйғуларнинг ҳам яққол ифодаси бўлиб туюлади. Офоқой адолатли ва ўзини суйгувчи завжи Маҳмудхонни ҳурматлагани ҳолда, қалбининг туб-тубига сингиган муҳаббати – Машрабни ҳам ҳамиша хаёлида тутади. У қай бир маънода бурч ва муҳаббат ўртасида юраги пора-пора бўлиб ўртанаётган аёл. Шу маънода Офоқой пайдо бўладиган илк саҳнада гўёки унинг танасидан чиқиб, хореографик ҳаракатлар қилаётган раққоса аламу изтиробларда пора-пора бўлиб ётган қалбининг ифодаси, шахс “мени”нинг бўлинишидир. Бундай ҳолат спектаклнинг Машраб, Маҳмудхон каби барча етакчи қаҳрамонларига ҳам хосдир.

Машраб – актёр Мирза Азизов талқинида “ҳоли паришони”ни бирор тушуниши душвор бўлган, ниҳоятда мураккаб шахс. У гўёки реал ҳаётни – тирикликни менсимай, руҳан ҳамиша илоҳий-хаёлий дунёларда яшайдиган инсон. Унинг девоналиги, саркашлиги шундан. Спектаклнинг дастлабки саҳналаридан то Офоқой билан учрашадиган кульминацион саҳнагача Машраб шундай қиёфада намоён бўлади. Гоҳо Зокирхўжа (Тоҳир Раҳимов, Меҳмонали Салимов) ва Мирражаб (Дилмурод Узоқов) билан қул (Суръат Пўлатов)ни ҳимоя этиб, тўқнашадиган саҳнада дунё кишиларига беписандлигини ошкора кўрсатса, гоҳ жаллод (Турсунбой Пиржонов) билан учрашадиган фалсафий мушоҳадага қурилган кўринишида ёки Балх ҳукмдори Маҳмудхон билан мулоқот саҳнасида қаландарлик насаби билан мағур, ажални “танбал танада дими-

қиб, чирқиллаётган рухни кўкларга элтувчи лаҳза” деб биладиган, “ўз отини Худой” деб таништирадиган телба бўлиб гавдаланади. Айниқса, ана шу Машраб ва Маҳмудхон саҳнаси фалсафий-психологик талқин яққол намоён бўладиган, ҳар икки образни англашга имкон берадиган тоят зарур саҳна. Мазкур кўринишида Маҳмуд Қатағон сиймоси драматург талқинида мавжуд илмий-таҳрихий ёндашувлардаги жоҳил, қаттол ҳукмдор тимсолига зид ҳолда шоҳлик, ўзини ўраган муҳит тазиёки билан маърифат, оддий инсоний туйғулар тўқнашувида чора излаётган шахс сифатида намоён бўлади. Муаллифнинг ана шу ёндашувини актёр Боир Ҳолмирзаев англаб, ўз образининг бадиий моҳиятини психологик аниқликда, маҳорат билан очиб берали. Бу образни Боир Ҳолмирзаев ижодий таржимаи ҳолидаги энг муваффақиятли роллардан дейиш мумкин.

Бироқ шу ўринда асар муаллифи ва актёр муваффақиятини таъкидлаган ҳолда, режиссурадаги ноизчилликни қайд этмоқ керак. Мазкур саҳнанинг режиссёрлик ечими тўлақонли бўлган эмас. Айнан шу кўринишидаги фалсафий мушоҳадалар мизансаҳналар билан янада ифодалироқ бўлган бадиий ечимни тақозо этар эди. Бунда мусиқий образ, чироқ каби унсурларни фаол кўллаш мумкин эди. Адабий материал юкининг залвори бу саҳнани чукурроқ ўйлашга, Машраб ҳаётий ақидасига айланган тушенчаларнинг томошабин қалби ва онгига теран сингшини таъминловчи рамзий ечимларга даъват этади. Шундагина кейинги саҳналар, хусусан Машрабнинг Офоқой билан учрашуви ва унинг аввалроқ қизни нега ташлаб кетганию ва айни чоғда нега унинг севгисини сужи турли инкор этаётгани янада тушунарлироқ бўлар эди. Аммо шунга қарамай, спектакль давомида девона шоирнинг юксак эътиқоди ҳеч бир шахс ё воқеа таъсирида дахл топмайдиган, мустаҳкам ҳаётий маслак эканлиги очиб берилади. Мана ўша маслакнинг асл моҳият ифодаси:

Ҳамма нарса юлдуз, ой, қуёш, одам
Аллоҳ зухуридан иборат олам.
Гўё Аллоҳ – қуёш, жамийки жонзор
Унинг нурларининг зарраси “ҳаёт –

Зарранинг қүёшдан узилган пайти,
Үлим – гүёки зарра аслига қайтди,
Худо құдратини этиб намойиш
Дунёни мұкаммал қилиб яратмиш”.
Демак, олам Аллоқ жилvasи экан,
Мен ҳам худонинг заррасидурман.

Яна бир бор эътироф этиш жоизки, адабий асоснинг бақувватлиги режиссура учун ҳам, сценография, мусиқа ва айниқса, актёрлар талқини учун ҳам баракали маънавий озуқа берган. Фикримизнинг исботи учун спектаклдаги учта аёл образларига алоҳида эътибор қаратишни истардик.

Маҳмудхоннинг энагаси ролини ижро этган Мұҳаббат Сотоволдиева бир қараашда анчайин эпизодик характердати персонажни спектаклда салмоқли образга айлантира билган. У умр бўйи полапонини хавфу балолардан асровчи она қушдек Маҳмудхон атрофидан нари кетмайди. Балки унга меҳр, вафо, адолат туйғуларини ҳам сингдирган шу зот. Мазкур образнинг иштироки, Балх ҳукмдорининг ички қиёфаси, сийрати ҳақида тўлароқ тасаввур пайдо қилишга хизмат этади.

Энагани спектаклда содда, жўн бир муштипар аёл деб қабул қилиб бўлмагани каби, канизак образи ҳам томошабин тасаввурида ўрнашиб қолади. Бу образни саҳнага олиб чиққан Гулчехра Носированинг актёрлик таржимаи ҳоли анчагина бой. У Муқимий театрида бир неча йиллардан бери каттаю кичик роллар ижро этиб келади. Бироқ бу ролнинг актрисамиз ижодий тақдиридаги ўрни аввалгиларидан салмоқлироқ десак, муболага бўлмас. Канизак спектаклда бутун сиру асрори ошкора, соддадил қиз эмас. Лекин у дастлаб пайдо бўлган саҳнада самимияти, хайриҳоҳлиги, садоқати билан Офоқойнинг энг ишончли кишиси, сирдоши, дугонасидек таассурот уйғотади. Маликасининг қалб яраларига даво излаётган фамхўридек туюлади. Томошабин Офоқой каби унинг самимиятига ишонади, қабул қиласи. Бироқ канизакнинг асл мақсади ўз бекасини бадном қилиб, хоннинг муҳаббатини қозониб, малика бўлиш. У хоннинг маҳрами Зоҳид билан пинҳона учрашаркан, ўз ниятини ошкор этади. Шундагина

томушабин канизакнинг иккинчи қиёфасини кўради, гўё-
ки самимий ҳаракатларининг замиридаги маккорликни
англайди. Г.Носирова қаҳрамонининг ана шу икки қиёфасини
ҳаётий деталлар билан ишонарли очиб берадики, бу
актрисанинг ўзига хос маҳоратидан далолатдир.

Спектаклдаги аёллар роллари ҳақида фикр юритганда, аввало Зулайҳо Бойхонова яратган Офоқой образининг серқирра талқини ёдга келади. Актрисамизнинг қарийб йигирма йиллик фаолиятида улуғвор роллар саноғи анчагина. Унинг вокал имкониятлари билан драматик ижро салоҳияти мутаносиблиқда мусиқий театр санъатимизнинг том маънодаги катта санъаткори ҳақида сўз юритиш ваколатини беради. У “Нурхон”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Фарҳод ва Ширин” каби мумтоз репертуардаги етакчи ролларда шаклланиб, сўнг Нодирабегим ва мавзуимиз бўлган Офоқойим образларига етиб келди. Афсуски, Зулайҳонинг “Нодирабегим”и ҳозир репертуарда эмас. Ваҳолангки, бу спектакль мусиқий театрларимиз учун бадиий намуна бўлиб, Муқимий номидаги театр ижодий репертуарида мустаҳкам туриши керак эди. Назаримда хатони ҳали ҳам тўғрилаш имкони бор. Бинобарин, мусиқий театrimизда ҳозир бошланган соғлом ижодий эпкин некбин ўйлар учун асос беради.

Бевосита Офоқой образига тўхталадиган бўлсак, шубҳасиз бу ролни З.Бойхонова ижодидаги яна бир катта муваффақият сифатида эътироф этмоғимиз жоиз. Актриса ёрқин психологик ижроси билан муаллиф ва режиссёр ижодий ниятларини тўла ифода эта билган. Бу ижодий ният аввало Офоқойнинг инсонийлик қадри, аёллик фурурининг юксаклигига кўринади. Севиб, суйиб, садоқат кўрсатган, яъники азбаройи ўша юксак туйгулар таъсирида дини, ўз дунёсидан кечиб, иймон келтириб, муҳаббат маслагига интилгани учун жавобан топган хўрлигига қарши унсиз исён кўтарганида ўша ният зоҳир бўлади. У бурч ва муҳаббат тўқнаш келганида, муҳаббатни танлаган эди. Ҳар қандай аёл каби, инсоний муносабатни, ардоқ ва вафони кутган эди. Машрабнинг оташнафас ғазалларига мафтун бўлиб, ўз қисматини шоирга боғлаган эди. У дунёнинг бор кору аъмолини аёл бўлиб қабул қилас, тирик-

лик дунёсини аёл эҳтиёжларининг ижобатидан иборат деб тушунар эди. Шу боис, у Машрабни нақадар севмасин, шоирнинг қаландар қалбини, паришон ўйларини ва энг муҳими безавол ақидаларини тушуна олмас эди. Тушуна олмаса-да, воз ҳам кечолмас эди. Ўзи-да кўнглининг ҳамиша ҳам тушунтириб бера билмайдиган йўлларида паришон, сарсон кезарди. Жисман шоҳнинг суюкли рафиқаси, юрт маликаси эдию, қалбан Машрабнинг маҳбубаси бўлиб қолган ва шу хаёлларига ожизгина ишониб яшар эди. Шунинг учун у сиртдан интиқом ҳисси билан бадном этиб, дорга тортишларини истагани Машрабни ҳузурида кўргани ҳамон кўнгил тубидаги эпкинлар асирасига айланади. Яна ақл-андишадан бегона бўлиб, шоир билан бирга бўлиш илинжига ёпишади. Ана шу эҳтирослар исканжасида ўзини яна бир бора инкор этган суюкли кишиси танасига ханжар уради. Бор алами, севги, нафратини, аёллик моҳиятини шу ҳаракатига жо этади. Бу инкор этилган аёл мантиқининг қонуний интиҳоси эди.

Зулайҳо Бойхонова ижросинининг бутун жозибаси, жилоси шуурингизни шундай мушоҳадаларга ундаиди. Уни ҳиссиз, лоқайд кузата олмайсиз. Уни англайсиз, тушунасиз ва оқлайсиз. Офоқой образининг спектаклда таклиф этилган драматург, режиссер ва актёр талқинлари мутносибликда ана шу холосага олиб келади. Ва бу холоса эътироф ҳам таҳсинга арзигулиkdir.

Назаримда спектакль ҳақидаги сўнгти холосани ҳам айтиш фурсати етди чоги. Хўш, қиссадан қандай ҳисса, не ўғиту сабоқлар чиқариш мумкин?

Менимча, сабоқнинг энг муҳими – томошабин ҳукмига маълум ҳам номаълум Машраб ҳақида янгича бадиий талқин, янги ёндашув таклиф этилаётганидир. Бунда балки Машраб бир баҳона, воситадир, холос. Чунки бадиий мушоҳада ва тафаккур устувор бўлган асарларда воситанинг ўзи, яъни унинг ўрни қуйироқда бўлади. Ижодкорни идрок ва ҳалқасимон уланиб кетгувчи фикр бошқарди. Фикрни озиқлантирувчи манба эса воситанинг нималиги эмас, қандайлигидир.

Машраб таржимаи ҳолининг фожеийлиги яқин-яқингача аксарият мафкуралашган санъат аҳлига синфий ту-

шунгчаларнинг тайёр қолигларига мос келиши билан қизиқарли эди. Яъники халқпарвар, бечораҳол Машраб боюмллаларга қарши курашиб, дорга тортилган йўқсил исёнкор шоир сиймосига айлантирилган. Демак, сиёсийлаштирилган бадиий ижод учун ким ё нима қаҳрамон сифатида танланиши муҳим эди. Шундан келиб чиқиб унинг түни бичиларди. Очиқ конфликтга қурилган воқеа-ҳодисалар тасвири мақсад бўлиб, унинг бадиий баёни ё ифодаси қизиқарли ҳам тарбиявий аҳамият касб этса, кифоя эди. Аксар шўро даври адабиётимиз ва театр санъатимиз шундай эди, ё шу йўсинга солинарли.

Мушоҳада, бадиий идрок устувор санъатда воқеа-ҳодисанинг фикр оқимиға туртки берувчи мантиқи муҳим. Ҳодиса тафсилотлари учун мезон тарихий реаллик эмас, балки мантиқ ривожи аҳамиятлидир. Томошабин ё китобхон воқеадан эмас, фикрдан ва мантиқ ривожидан таъсиrlаниши, икки томонлама мушоҳада қилиши керак. Бундай санъат жаҳон адабиёти ва санъати мисолида аллақачонлар етук намуна ва анъаналарига эга. Фақат биз энди-энди ана шу тажрибага етиб келаяпмиз. Унинг ўзбек саҳна санъатидаги тажрибаларидан бири “На малакман, на фаришта” (Машраб) спектаклидир.

Халқимиз ўз мустақиллигининг янги босқичига, тараққиётнинг янги палласига кириб бормоқда. Маънавий жабҳада ўзликни англашдек ғоят муҳим жараённи кечирган онгли кишиларимизга энди янги йўсингдаги бадиий изланишлар, янги бадиий тафаккур лозим. Биз тарихимиздаги кўпгина улуғларимизни асосан маърифий-тарбиявий йўналишда ўрганиб ва ўргатиб келмоқдамиз. Энди уларни ва уларнинг асарларини жаҳоний фалсафий тафаккур ҳам тафаккур оқими билан йўғрилган бадиий тушунчалар силсиласида қайта идрок этмоғимиз лозим. Уларни ана шундай идрок этиш натижасида тафаккурнинг, юксак бадииятнинг абадий ҳаракатда ва ҳамиша замонавий эканлигини исбот этмоғимиз ва кўрсатмоғимиз лозим. Акс ҳолда фикр ибтидоийлигида давом этаверамиз. Спектакль муаллифлари Машраб мисолида ўз қисмати билан муттасил курашларда умр кечиргувчи буюк шахс деган ҳодисанинг нима эканини англаш йўлида бадиий бир изланиш олиб бори-

шибди. Демак, ўзбек театр санъатида фикр, савия қай бир даражада ўсиш палласига кирибди. Спектакль ҳақидаги яна бир муҳим хуносамиз ана шу.

Бир саҳна асари баҳона айрим пароканда ўйларимизни ҳам жамлаб олишга ҳаракат қилдик. Балки спектаклнинг мусиқа, саҳна безаги, чироқ, овоз, оркестр каби қатор таркибий унсурлари ҳақида ҳам тўхталиш лозим эди. Чунки бу масалаларда талайгина маромига етмаган жиҳатлар, нуқсон ва камчиликлар бор. Бинобарин, улар ҳақида ўйлаш, такомиллаштириш даркор. Чунки спектакль Муқимий номидаги театр саҳнасида молиявий сарфу тушидан қатъи назар жуда узоқ йиллар яшаши зарур.

Хулласки иш, фикрлаш давом этсин. Давом этсину, айни чоғда янги изланишларга, янги кашфиётларга, инсон деган абадий жумбоқ бўлган мўъжизанинг сиру синоатларини янада теранроқ англашга, бадиий йўсингидаги мушоҳадаларга туртки берсин. Фикр ўссин, дид юксалсин!

2002 йил

МИЛЛИЙ КИНО: ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА...

(Сўнгти йиллар ўзбек киносига бир назар)

Маънавият жабҳасида сўнгти йилларда энг самарали кечган соҳалардан бири кино бўлди десак, янглишмаймиз. Тўғри, сон жиҳатидан бадиий киномиз маҳсулоти санъатимизнинг бошқа турларига нисбатан анчагина кам чиқар. Бироқ салмоғига, жамиятимиз маънавий дунёсида ишғол этиб бораёттан ўрнига кўра ўзбек киноси пешқадамликка даъвогарлардан бири бўлиб бормоқда. Биргина қиёс: яқин ўн йиллар чамаси то 1997 йилгача миллий кино соҳасида икки-учтагина фильмлар яратилган ва ҳатто умуман бадиий фильм ишлаб чиқарилмаган йиллар бўлди.

Айрим адилларимиз “Адабиёт ўладими?” деган таҳликали саволлар қўйганда, “кино ўлди” дегувчилар ҳам бўлди. Шукурки, миллатимизнинг ўтмиш маънавий маҳобати бор бўйу бости билан қад тиклагани сари, бутунги кунимизнинг қадри ва қадриятларини бадиий идрок этиб, санъатнинг турли соҳаларида, жумладан, кинода ҳам ўзига хос

изланишлар содир бўлди ва бу жараён мустақил давлатимиз одимларига ҳамоҳанг равищда ўсиб бормоқда. 1996 йили 29 апрелда Юртбошимизнинг “Ўзбеккино” Давлат акционерлик компаниясини ташкил этиш ҳақида”ги фармони ёа шунга мувофиқ ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбек-кичо” Давлат акционерлик компаниясининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилиши миллий кино соҳасидаги ислоҳотларни таъминлаш борасида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Ана шу қарорга мувофиқ йилига олтитадан бадиий фильм ва бир неча мультфильм, ҳужжалии фильмлар яратиш учун ҳамда хориждан фильмлар се гиб олиб, ўзбек тилига ўтириш учун давлат маблағи ажратиладиган бўлди. Демак, давлат бозор иқтисодига ўтиш даврида миллий киномизнинг қад ростлагунига қадар бош ҳомийси ва ҳимоячиси бўлди. Энди ана шу ишонч ва маблағларнинг илк сарҳисоби учун фурсат етди.

Олтита бадиий фильм кўпми ё оз? Йилига юзлаб, ҳатто мингта яқин фильм ишлаб чиқарадиган Америка, Хиндистон киносига қиёсан бу заррадек гап. Аммо собиқ Иттифоқдаги урушу талашдан, фуқароларининг маош талаб қилиб, иш ташлашларидан ортолмаётган қатор давлатларга нисбатан бу рақам жуда катта ҳиммат. Шу боис борига барака тилаб, сўнгти йиллар экран юзини кўрган бадиий фильмларимизнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқдир.

Сўнгти йилларда “Ўзбеккино” компанияси миллий кинога интиқ томошабинларимизга “Ўтган кунлар” янги фильмини, “Отамдан қолган далалар”, “Пиёда”, “Тилсимой”, “Севги”, “Воиз”, “Ёлғиз ёдгорим”, “Кичкина табиб”, “Алпомиш”, “Аёллар салтанати”, “Феллини”, “Учишга рухсат” фильмларини тақдим этди.

“Ўтган кунлар” фильмни атрофида бўлган-бўлмаган, салкам ривоят, салкам латифанамо гаплар талайгина эди. Гарчанд улуғ адидимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллик санаси муносабати билан фильм яратиш ишлари бошланиб, анчагина давлат маблағи сарфлаб қўйилган эса-да, орадан тўрт йил чамаси вақт ўтиб, “Ўзбеккино” компаниясигина фильмни бутқул янгитдан ишга тушириб якунлашга муваффақ бўлди. Фильм Наврўз байрами

арафаларида катта экранларга чиқди. Очиги, фильм премьераси муносабати билан “Киночилар уйи”да рўй берган манзара ҳали-бери кўпчиликнинг ёдидан кўтарилимаса керак. Намойиш зали ўриндиқлариға нисбатан икки-уч баробар қўп томошабинлар билан тўлган. Уч соатдан ортиқроқ намойиш этилган фильмни тик оёқда турганча ва ҳатто кўлларида гўдакларини кўтарганча, зални тарқ этмай томоша қилган томошабинлар бўлди. Мана шу манзаранинг ўзиёқ ўзбек миллий киносига бўлган маънавий эҳтиёж қанчалар юксаклигини англатади. Шукурки, тасмаларда аввалги ниҳоятда севимли “Ўтган кунлар”дан кўра анчагина тўлароқ жонланган буюк роман янги талқин ва янги ижрова томошабин иштиёқини сўндирамади, умидларини алдамади.

Постановкачи режиссёрлар Мэлс Абзалов ва Ҳотам Файзиев романнинг ilk талқинидаги муҳаббат ва ҳижрон, ёрга садоқат ва хиёнат туйғулари ёнида миллат ва Ватан тақдиридек Абдулла Қодирий роман чокларига фоят нуктадонлик билан сингдирган сиёсий маслакларни ҳам инкишоф этишга муваффақ бўлдилар.

Юсуфбекхожи Ёкуб Аҳмедов талқинида энди элпарвар, зиёли арбобгина эмас, айни чоғда Ватан бирлиги, дин муқаддаслиги ва миллат эркини майда гиналардан, ўткинчи ҳою ҳаваслардан, ўз тинчи ва манфаатидан баланд туттувчи, миллатпарвар инсон бўлиб ҳам гавдаланади. Отабек эса (Б.Муҳаммадкаримов) аввалгидек хушсурат бўлмаса-да, ўқтам ва мард, фикри теран шахс сифатида намоён бўлади. Фильмда, ҳеч шубҳасиз, эътиборни кўпроқ михлайдиган образлар Кумуш ва Зайнаб талқинларидир. Романнинг бутун бобларини ёддан биладиган айрим муҳлислар китобхоннинг диққатини кўпда жалб этавермайдиган баъзи лавҳаларни мисол келтириб, Кумушнинг ёқимли маккоралиги-ю, Зайнабнинг жавобсиз муҳаббатдан дилпоралигини таҳлил этадилар. Ва табиийки, “Зайнабни тушуниш мумкин” дея, унинг ҳатти-ҳаракатларини оқлашга уринадилар. Алалхусус айбни на замонга ва на ота-она орзуларига йўймай, кўпроқ инсоний туйғуларнинг мураккаблиги-ю, тақдирлар чигаллигига, ҳаёт ва хаёл номутаносиблигига боғламоққа мойил бўла-

дилар. Янги фильм ана шу тасаввурларга ҳам имкон бергани билан қимматлидири. Ана шу талқинни экранда кўрсата билган Шахризода Дилмурод қизи (Кумуш) ва Лола Элтоева (Зайнаб)лар эса бетакрор ижролари билан кенг зътирофга сазовордирлар.

Асрлар давомида бутун бир миллат тақдирида кечган кечмишларни биргина оила авлодлари мисолида мужасасам этиб, давр, Ватан ва халқ турмуши, тарихи ҳақида тасаввур пайдо қилиш санъаттагина хос мўъжизадир. Жумладан, бадиий кинода муайян мамлакат ҳаёти ва тақдири бир инсон ёки оила мисолида ўз тажассумини тогган фильmlар талайгина. Ёзувчи Тоғай Мурод “Отамдан қолган далалар” романида, кинорежиссёр Шухрат Аббосов эса шу номли эпик бадиий фильмидан санъатнинг ана ўша азалий ва жозиб тажрибаларига мурожаат этадилар ҳамда Жамолиддин кетмон, Ақраб, Деконбой, Деконқул образлари орқали жафокаш Туркистоннинг истибодд остидаги сўнгти 130 йиллик ҳаётини бадиий идрок этадилар. Очигини айтмоқ керакки, сўз санъати билан кино қанчалик яқин ва алоқадор бўлмасин, адабий асар бошқа санъат тилига кўчганда ўша санъат қонун-қоидаларга кўра яшайди, ўзгаради. Шу маънода Шухрат Аббосов романга анча эркин, ижодий муносабатда бўлган. Янги образлар (Деконбой, Нишон Рафиқович каби), янги сюжет чизиклари қўшган. Ўз навбатида романнинг фақат бадиий сўз воситасида етказа билиш мумкин бўлган айрим тасвири ва тафсилотларидан чекинган. Бу табиий ҳол. Аммо ҳамма гап шундаки, бу жараён нечоғли муваффақиятли кечган, янгилик ва чекинишлар истеъод билан амалга оширилганми ё йўқ? Айни мисолда ҳеч иккilonmай ижобий фикр айтиш мумкин. Муҳими “Отамдан қолган далалар” фильмни воқеликнинг кенг қамрови, тақдирлар тасвири тутгаллиги, ғоявий мушоҳадаларга ҳамда бадиий умумлашмаларга бойлиги билан сўнгти йиллар ўзбек киносида жиддий ҳодисадир.

Фильм бир-бирини мантиқан ҳам, мазмунан ҳам давом эттирувчи уч мустақил қисмдан иборат. Аввал чор Россияси асоратига тушган Жамолиддин кетмон кечмишлари, унинг даласи, ер-суви булғаниши, инсоний ҳақ-хукуқининг пой-

мол этилиши тасвирланса, фильмнинг иккинчи қисмидаги ўғли Ақраб бошига тушган воқеалар – далаю ҳосилини тортиб олиб, большевистик истибоддик исканжасига солиниши, оиласи, хотинига қилингандай тажовузга қарши исёни, ўз эркинчун курашини босмачилик деб атаб, қатл қилиниши акс эттирилади. Ақраб қисмати бошқачароқ шаклда, унинг фарзанди Деконбой тақдирида намоён бўлади. Хаста, заиф муаллим Деконбой ўз атрофига, ота-боболари ўтмишига ўйғоқ оңг билан назар солади ва адолатсизликдан ўзга нарсанни кўрмайди. Ўзи яшаб турган мұхит – Сталин давом эттираётган тоталитар тузум миллатни ўзлигидан айришга қаратилган ёвуз куч эканини, бўғик, қашшоқ қисмат фарзандлари пешанасига ҳам битилганини айтписи келади, чорасизлигидан янада оғирроқ изтиробларга тушади ва охирокибат у ҳам қатагон курбонига айланади.

Фильмнинг учинчи – асосий қисми марказида авлоднинг давомчиси Деконқул ва унинг оиласи кечмишлари туради.

Ўн-ўн беш йил кечаги яқин ўтмишимиз ҳақида гўё кўп нарсани биладигандекмиз. Чунки яқиндагина, ҳали навқиронлик палласида турган барчамизнинг кўз ўнгимизда “тургунлик даври”, “пахта иши”, “Москва десантчилари” деган ҳодисалар рўй берди. Аксариятимиз нохолис, бир ёқла ма ахборотларга кўр-кўрона ишониб, миш-миш гаплар билан ҳайрону лол эдик. Аслида эса ўша аксариятимизнинг ақлимизни шошириб қўяётган маълумотлардан бошқасини билмай, нарисини кўролмай, энг мұхими, ҳақиқатдан огоҳ бўлмай, гафлатда эдик. Миллатни, унинг жуда кўп навқирон кучларини юз йигирма йил давомида вақти-вақти билан форат этганиларидек, навбатдаги қатли ом учун фурсат еттан экан. Истибоднинг яна ўша каллакесар машинасини ҳаракатга солиш учун “пахта иши” ёки “ўзбеклар иши” деган ёрлиқ лозим экан. Бу Шўро империясининг ўлим олдидаги сўнгти талвасаси эканини англаш учун Мустақиллик шу қадар интиқ неъмат – иноят бўлди. Ўзбекнинг пахта билан тантглайи кўтарилган дехонидан тортиб арбобларигача юзлаб, минглаб кишилар ноҳақ жабр кўрдилар.

“Отамдан қолган далалар” фильмнинг учинчи қисми шу ҳақда. Бош қаҳрамон Деконқул, унинг аёли, онаси, фарзандлари бари пахта деб ётади, пахта деб туради,

пахта деб яшайди. Истиблод Дехқонқулнинг эрк-озодлик тилаган уч аждодини маҳв этгандан сўнг, энди кейинги авлодини онгсиз мавжудотга айлантириб, ўз манфаатла-рига хизмат қилдириш чорасини топган эди. Уни ўйлаш-дан, фикрдан, озод сўздан маҳрум этиб, ички “мен”ини ўлдириб, далага, меҳнатга қул қилган эди. Дехқонқул айни шу ёвуз мақсад билан мунтазам жорий этилган тузумнинг маҳсули эди. Ўлиб қолмаслиги учун энг оддий биологик эҳтиёжлари қондириларди, холос. Фильмда Дехқонқул об-рази худди шундай талқин этилган. Аммо бу образни қора-лаш ва ё оқлаш учун топилган хусусий ечим эмас. Муал-лифлар таклиф этган ғоя ниҳоятда кенг қамровли, яъни юқорироқда таъкидлаганимиздек, тузум, мамлакатдаги мавжуд система умуминсоний адолатни, шахс “мен”ини инкор этар эди. Жамиятни синфларга ажратилганидаёқ инсонни ўзлигидан маҳрум этган, уни синф мансубияти-га қараб ҳаётдаги ўрнини белгилаган эди. Бу тузум, тарти-бот ҳеч қачон Дехқонқулларга, унингдек минглаб оила-ларга инсоний баҳт, фаровонлик келтира олмайди. Фильм мана шу ғоянинг очиқ-ошкора бадиий ифодасидир. Фильм-нинг пахта меҳнати, оила аҳволи, қамоқ қийноқлари ва бошқа персонажлар билан боғлиқ тафсилотларига ортиқ-ча тўхталмай, айрим ижро муваффақиятлари ва нуқсон-лар ҳақида баъзи мулоҳазаларни айтмоқ жоиздир.

Фильмда театр актрисаси Назира Абдувоҳидова (Дех-қонқулнинг хотини ролида)нинг дебюти энг катта му-ваффақиятлардан бири эканини эътироф этмоқ керак. Актриса ташқи қиёфасининг ўзи изтироб тажассуми. Бу хусусият унинг руҳий қийноқларни аниқ ифода этувчи ижро маҳорати билан уйғунлашиб, фильмдаги образ сал-моғини ниҳоятда кучайтирган. Унинг таппи ёпиш лавҳа-сидаги “портлаш”и, исёни фильмнинг кульминациясини белгилаган ва аёлнинг ўз-ўзини ёқиши билан боғлиқ фо-жиасини мантиқан тўла далиллаган. Таъкидлаш лозимки, Н.Абдувоҳидова миллий киномизнинг сўнгги йиллардаги энг муваффақиятли кашфиётларидандир.

Фильмда режиссёр топилмалари жуда кўп. Сув образи билан боғлиқ рамзий лавҳалар, партия кичик раҳбари (С.Раметова ижросида)нинг пировардида фожиавий ечим

касб этувчи инсоний драмаси, Иванов образини яратган актёрнинг ижро маҳорати, Н.Тұлахұжаев талқинидаги шаҳарлик кинорежиссёргөнгө ички зиддиятлардаги хижолатомуз ҳолати ва ҳоказо күплаб ёрғын сақналар ва деталларни қайд этиш мүмкін. Бирок эпик характердаги фильмни тұла бир текисда, Ш.Аббосовнинг юксак профессионал маҳорати даражасыда суратта олинган дейишидан йироқдамиз. Асосий әзтиrozлар фильмнинг биринчи ва иккінчи қисмларига тегишли. Очигини айтиш керакки, Чор күшинларининг ҳужуми билан боғлиқ қамровдор уруш сақналари ниҳоятда жүн, ишонарсыз, сунъий бир алпозда тасвирга олинган. Фильм иккінчи қисмидаги большевиклар, құрбошилар лавҳалари, ижрочилари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мүмкін. Миллат, озодлик, Ватан ҳақида ҳар қанча гапирилмасын, воқелик, ҳолат ва деталлар ҳаққонийлиги таъминланмас экан, ўша ўринда бадий саёзлик ва ҳатто ижодий ночорлик яққол билиниб қолади. Оқибатда, алоҳида сақналар ва деталлар ноҳаётийлиги, сунъийлиги фильм ҳақида яхлит тасаввурға птур етказади. Тоши тозаланмаган гуручдек тишға тегади.

Умуман, фильмнинг аввалғи қисмларидаги аксарият образлар учун актёрлар танлови муваффақиятли деб бўлмайди. Шу ўринда бадий киномиздаги умумий нуқсонни қайд этиш лозим — кўпгина режиссёрларимиз янги қиёфалар, янги истеъодлар излашдан кўра, барчанинг назаридаги ёки атрофларида ўралашиб юрган актёр ва ҳатто тасодифий кишиларни суратта тушириб юбораверадилар. Қай бир жиҳати мос келса, бас — олинаверади. Бундай тажриба фақаттинга саёзликка, сохталикка йўл очади, холос.

Ҳамонки, мавзу адабий асарларнинг кинотасмаларга кўчирилган намуналари борасыда бошланган экан, кинохирмонида ёзувчи Эркин Аъзамовнинг “Пиёда” ҳикояси асосида ёш кинорежиссёр Рашид Маликовнинг шу номли фильмни борлигини, Исамат Эргашев шоир Усмон Азимнинг “Севги” ҳикояси, Музроб Боймуҳамедов шоир ва адаб Анвар Обиджоннинг “Олтин юракли автобола” қиссаси асосида “Тилсимой — гаройиб қизалоқ” номли, Собир Назармуҳамедов эса ёзувчи Хайридин Султоновнинг “Ёзниңг ёлғиз ёдгори” қиссаси асосида “Ёлғиз ёдгорим”,

Юсуф Розиқов Омон Мухтор романи оҳангларида “Аёллар салтанати” фильмларини суратта олганини айтиб ўтиш лозим. Очиги, мазкур фильмлар орасида режиссёр кўрими, тояниң бадиий инкишофи, актёр топилмалари, бадиий унсурларнинг мўллиги ва энг муҳими мушоҳадаларнинг теранлиги ҳам залвори билан назаримда алоҳида ажралиб кўрингани Собир Назармуҳамедовнинг “Ёлғиз ёдгорим” ва Ю.Розиқовнинг “Аёллар салтанати” фильмларидир. Мен юқорида номлари зикр этилган бошқа фильмларни бу хусусиятлардан маҳрум демокчи эмасман. Улар қай бир жиҳатлари билан эътиборга молик. Хусусан, “Севги” фильмни ҳақида анча илиқ фикрларни айтиш мумкин. Аммо афсуски, улар адабий асоснинг бор бадиий тароватини, кувватини тўла юзага чиқара олмагандек, айрим ҳолларда сюжет йўлларига тўла садоқат сақлаган ҳолда моҳиятдаги ботиний туйғуларни, фикрий рангинликни англамагандек туоладилар. Масалан, “Пиёда”, “Тилсимой – ғаройиб қизалоқ” фильмларида бу ҳол жуда сезиларли.

Х.Султоновнинг “Ёзниң ёлғиз ёдгори” қиссаси илк бор эълон қилинганида “Бу қадар руҳий тушкунликни, забунликни қандай тушуниш мумкин?” – дея иддао қилганлар кўп бўлган эди. Аммо инсон руҳиятининг чексиз хилқатларига йўл топиб, унинг турли ҳолатлардаги турфа тобланишларини бадиий инкишоф эта билган бу асарнинг адабиётимизда жиддий воқеа эканини утган давр, йиллар тўла тасдиқлади. Гарчи муаллиф йиглоқиликда айбланаверишдан безиб, баъзи чекинишларга борган эса-да, асар илк матнида тафаккурга мойил китобхоннинг маънавий хазинасидан жой олиб улгурган эди. Айнан шу асар йиллар ўтиб кинотасмаларга кўчди. Кўчганда ҳам бағоят истеъдод билан, матн қатламларида таг маъноларни англаб ва яна энг қадрлиси, бадиий сўз оҳангига оҳангдош жонли бадиий тасвир оҳангини топа билиб экранга кўчди.

Адаш карвон ўз номи билан қисмати адаш, тақдири чигал, бироқ ўзи, ўйи тўғри, ўйлагани, маслаги тўғрилик бўлган хокисор бир одам. Замона неча-неча эврилишларга юз тутиб, инсон қадри неча бор забун этилган бўлса-да, у эътиқоди буюрган йўлни тутди. Ноҳақ қамалганида, хўрлаб-хақоратланганларида ҳам мослашишни, замонга

қараб турланиш-тусланишни ор билди. Ўзи каби эътиқоди событ аёл ҳаёт йўлида рўбарў бўлгач, умр шу экан дея яна олий шукронга билан умргузароныликда давом этди. Худо ўғил берди. Шукронаси зиёда бўлиб, ўзидан из, чироқ қолишига мамнун, заҳмату меҳнатда ҳаёти ўтаверди. Тақдир Адашни яна синовларга солди: тилаб олгани — ягонаси Насиббек йигит ёшига етганда раشك алами билан отилган ўқса учиб ўлди. Бу айрилиққа чидолмай, ғамбода аёли Ойниса ҳам бандаликни бажо қилди. Адаш карвон бу қайгуларга ҳам дош берди. Энди сўнгти илинжи йиққан-тутганини сарфлаб, боласи ва аёли қабрига бир мармар тош ўрнатса, ҳеч курса қабри ному нишонсиз ўчиб кетмаса дейди. Фильм, қиссадагидек ана шу ниятини амалга ошириш режасида хаёлга боттан Адаш карвон сиймоси билан бошланади. Зикр этилган воқеалар, аёли, ўғли — бари чолнинг бедор тунлардаги адоқсиз ўйлари-хотиралари бўлиб, бирин-кетин экранда жонланиб боради. Зоро, Адаш карвоннинг ёлғиз ёдгори — хотиралари.

Ёзувчи Адаш карвон кечмишлари, тақдирни мисолида умрини зое ўтказган, инсонлик шаънини хокисорликда билиб, охир-оқибат уни хок-тупроқ билан тенг қилган, ижтимоий фаолиятсиз, муте бир кимсани кўрсатади. Миллатнинг психологиясида илдиз отган бу кайфият, бу тахлит ҳаёт тарзи инсонни у ҳар қанча тўғри, ҳалол, пок яшамасин, юксакликка, буюк амалларга, ҳурликка олиб боролмайди. Бу фикр “Ёзинг ёлғиз ёдгори” қиссаси учун концептуал фоя. “Ёлғиз ёдгорим” фильмни режиссёри эса айнан ўша қисса сюjetи ва қаҳрамонлари орқали бошқа бир фояни илгари суради. Яъни инсон ўз эътиқодига ҳамиша ҳар қандай шароитда хиёнат қилмаслиги лозим. Агар у синову қийноқларда ҳам эътиқодидан қайтмаса, ўз ақидаларини юксак билса, руҳий камолотга эришади. Фильм пировардида Насиббекнинг қотили Сатторни кечириши Адаш карвоннинг маънавий юксаклиги, руҳий баркамоллиги далолатидир.

Албатта, бу фоя аввалги қаращдан фарқ қиласа-да, яшашга ҳақли. Кинорежиссёр мустақил шахс ҳам ижодкор сифатида қисса сюjetи ва образларини тўла сақлаган ҳолда, ўз фоявий талқини, ўз кўримини таклиф этади. Бу, назарим-

да, истеъдод билан амалга оширилгани учун, нафақат ҳақли ва балки айни чоғда жозибали ҳам қимматлиди. Шубҳасиз, киносанъатимизнинг адабий асарларни кино тилида қайта идрок этиши йўлидаги ютуғидир. Қолаверса, киновариант адабий манбанинг яна бир янги талқини сифатида адаб X. Султонов бадиий тафаккур дунёсининг нечоғли теран ва серқирралигига шаҳодат ҳамдир.

Фильмдаги роллар ижроси ҳақида ҳам тўлқинланиб, узоқ сўз юритиш мумкин. Адаш карвон образини яратган театр актёри Тоживой Норматов кинодаги илк йирик роли билан ўз ижодий имкониятлари қанчалар кенг эканини намоён қила билган. Унинг аёли образидаги Дилбар Икромова эса драматик, ҳатто фожеий йўналишдаги ролларда ҳам юксак маҳоратга эга эканини кўрсата олган.

Фильмдаги ижро маҳорати билан эътиборни ўзига жалб этадиган яна бир актёр Саттор образини яратган Улуғбек Музаффаровдир. Бу актёр янглишмасам, ўнгга яқин фильмларда катта-кичик роллар ўйнаган. Бироқ унинг ижро маҳорати, назаримда, асосан Собир Назармуҳамедов фильмларида яққол кўринади. Аввалги “Тушларимда аччиқ йиғлардим” фильмида У. Музаффаров ички дунёси ниҳоятда бой, руҳий ҳолатларни аниқ ифода эта биладиган санъаткор сифатида назарга тушган эди. “Ёлғиз ёдгорим” фильмида эса ички изтиробларини жўшқин эҳтирослар билан уйғунликда намоён эта билиб, фильмда образ саломгини ниҳоятда оширган. Айни мисолда яна шуни таъкидлаш жоизки, адабий асосдан фарқли ўлароқ фильмда Саттор образи жуда кенгайтирилган. Бу, аввало, фильмғояси, янги талқин билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, актёр У. Музаффаров ижодий имкониятлари ҳисобга олинган. Яъни актёр маҳорати тақозосига кўра Саттор образи учун тўлақонли маҳсус ижодий кенглик яратилган. Тўғри, Саттор қиёфаси Насиббек билан қиёсан йирик планларда кўрсатилганда, 17–18 яшарлик ўспирин йигитча таассуротини бермайди. Яна айрим ўринларда, хусусан, Саттор изтиробларининг сабабчиси бўлган севгилиси Гулнор билан учрашув саҳналарида эҳтирослари, ҳолат ифодалари зўракилик таассуротини беради, меъёр бузилади. Бироқ булар жузъий нуқсонлар. Яхлит олганда У. Музаффаров

ижодий потенциали ниҳоятда бой, серқирра санъаткор эканини яна бир карра тасдиқлаган.

Фильмда мушоҳадага ундейдиган, хаёлотни ҳазин ўйларга етаклайдиган кузатишлар, топилмалар кўп. Режиссёр ўз foяси инкишофи учун бадиий рамзлардан жуда унумли фойдаланади. Айниқса, экранда бир неча бор на-мойиш бўладиган ёнаётган дараҳт рамзи Адаш карвон умрига қиёсан таассуротларни қуюқлаштиради, образ моҳиятини теранроқ англашга туртки беради. Айни чоғда кино тилидаги гўзал бир бадиий унсур, топилма сифати-да томошабинни завқлантиради.

1998–1999 йилларда ўзбек кино ижодкорлари яна икки фильм устидаги ишни ниҳоясига етказдилар. Булар ёш кинорежиссёrlар Юсуф Розиқовнинг “Воиз” ҳамда Зул-фиқор Мусоқовнинг “Кичкина табиб” фильмларидир. Ҳар иккала фильмнинг ҳам сценарийлари постановкачи ре-жиссёrlари қаламига мансуб.

Юсуф Розиқов бугунги ва эртанги бадиий киномиз-нинг энг умидли намояндаси. Мустақил фикрга, ўз ижодий услубини топишга интилаётган серғайрат истеъодод. “Домла” видеофильми билан ўз изланишларига нисбатан қизиқиши уйғота билди. Ва ниҳоят анча жиддий тайёргар-лик, оритинал сценарийни узоқ сайқаллашлардан сўнг “Воиз” фильмни дунёга келди. Бир қарашда фильм моҳиятини илғаш мушкул. Инқилобий йиллар, кўпхотинлик, “Хужум” компанияси, саводсизликни тутатиш, қатағон-лар, хулас, воқеалар силсиласи тизилиб, бир учи бугун-гача келади. Тақдир тақозоси билан бир кунда уч хотин-лик бўлиб қолган қаҳрамон, тасодифан эл-юрт олдида нутқ ирод этиб, ўзининг воизлик истеъодини сезиб қолади. Давр, воқелик тақозоси билан Шўро ҳаётининг қиз-гин ташвиқотчиси бўла бориб, сўнг беҳис маддоҳга ва охир-оқибат абллаҳга айланади. Режиссёр мана шу жараён-ни бутун тафсилотлари билан ҳаққонийликда таҳлил этиб боради. Ҳар бир персонажнинг андазаларга сифавермай-диган ўзига хос кечмишларини, ўй-фикrlари, дунёқара-шини кузатиш асносида инқилоб аталмиш ҳодиса шахс эркига, хурлигига зўравонлик билан даҳл қилиб, инсо-ний тақдирларни нақадар ўзгартириб юбориши мумкин-

лиги ҳақидағи ижтимоий-фалсафий мушоҳадаларга үндайди. Бу ҳам воқеликка эстетик ёндашишнинг, инсонни санъат орқали тадқиқ этишнинг ўзига хос бир шакли.

Фильм шуниси билан қимматли, шуниси билан янгиликдир. Кўз ўнгингизда жонланган тасвирлар хаёлларингизни беихтиёр 20–30-йилларга олиб кетади. Қандайдир бир тарзда ўзини сездириб турган кинематографик ретро услуби, ақл гоҳо ишониб, гоҳ ишонмай қабул қиласидиган кўпхотинлик манзаралари, хуллас, бари фильм табиатига ниҳоятда мутаносиб ёзилган композитор Д.Янов – Яновский мусиқалари билан уйғунлашиб, жозиб туйғуларни қўзғайди. Гоҳ енгил жилмайиб, гоҳ жиддий тортиб, хаёлий ва ҳаётий лавҳалар остидаги нозик истеҳзони англа бўласан. Инсон ҳурлини яралган-ку! Нега бу ҳурлик барқарор бўйлумайди. Кимсаларнинг дунёқарашига, кимларнинг дир тушунчаларига тазийқ остида мослашишинг керак. Тазийқ остига олинган фикр эса ё муте бўлади, ёки маҳв этилади. Ўзга йўл йўқ. “Воиз” фильмни ана шундай мулоҳазалар учун майдон. Үндаги актёрлик ютуқлари, камчиликлар ҳақида баязи фикрларни айтиш мумкин. Лекин мазкур фильмда олд қаторда кўзга ташланадиган, фикрга туртки берадиган бирламчи унсур бу режиссура. Шунга кўра фильмни аввало ва асосан режиссёрлик фильмни, том маънодаги муаллифлик фильмни дея баҳолаш лозим.

“Абдуллажон”, “Бомба” фильмлари билан довруғ топған Зулфиқор Мусоқов ўз сценарийси асосида “Кичкина табиб” номли болаларбоп фильм яратди. Зулфиқорнинг ижодий фаллиги ҳавас қилгулик. У Япония киночилари буюртмасига кура “Худога шукур” номли тўла метражли бадиий фильм, Ўзбекистон телевидениясида “Аёл зоти” деб номланган кўп серияли видеофильм ва ниҳоят “Кичкина табиб” фильмларини суратта олди. Бир қараашда бу ҳол ёмон эмас. Бироқ ижод табиати куч-куvvват парокандалигида эмас, балки яхлитлигидан, бир нуқтага йўналтирилганида ўз мўъжизакорлигини на-моён этади. Албаттa, бу ўринда даҳолар мустасно.

Бевосита мавзумиз бўлган “Кичкина табиб” фильмига тўхталар эканмиз, З.Мусоқовнинг истеъодиди бу миссолда анчайин ғариб бир қиёфа касб этганини айтиш жоиз. Сабаб – фильм томошасидан сўнг “Нега?”, “Нима уғун?”

деган саволларнинг адоқсиз кўплиги-ю, афсуски, уларга жавобларнинг камлиги, ҳаттоқи йўқлигидир Мен ҳам сценарий, ҳам фильм постановкаси бир муаллиф томонидан амалга оширилишига қарши эмасман. Жаҳон кино тарихи, қолаверса “Воиз” фильм мисолида бу тажрибанинг ижобий томони кўплигини биламиз. Лекин бунда конъюнктура, ижод техникасини ўзлаштириб олдим, деб бир қолипга тушиб қолиш жуда хавфли. “Кичкина табиб”да шу хавф соя ташлагандек туюлади.

Тўғри, мақсад, ижодий ният яхши. Инсон кўпинча хаёл оғушида, жўнроқ айтсак, эртаклар дунёсида яшайди. Фавқулодда мўъжизалар юз берадигандек туюлаверади. Ана шу беғубор тасаввурлар тасвири З.Мусоқов ижодида мунтазамлик касб этмоқда. Агар бу услубий йўналиш ҳар гал ҳам муваффақиятли қўлланганида, буни фақат табриклаш мумкин эди. Афсуски, бундай эмас. “Кичкина табиб”да услугуб мунтазамлигидан кўра, уни ҳуда-бехуда сунистеъмол қилиш нуқсони сезилиб қолган. Шундан, таъкидлаганимиздек, адоқсиз саволлар қўйилиб келаверади – ўрта ёшлардаги она нима сабабдан касал? Юриб турган аёл нима учун бирдан ўладиган бўлиб ётиб қолади? Болада бир чақмоқ чақиб, ёмғир ёфиши билан мўъжизавий қудрат пайдо бўлиши нега ишонарли чиқмаган? Тоживой деган тадбиркор қайдан пайдо бўлади? Бу образнинг боши, охири, жиши курса фильмдаги тайинли ўрни борми? Нукул “кўк”ида гаплашадиган, бойвачча буванинг касб-кори нима? Унинг овсарроқ хатти-ҳаракатига қараб, бу қадар шоҳона ҳаёт ва уй-жойларга қайдан эришди экан, қабилидаги мантиқли саволлар туғилаверади. Бундай саволларни фильмнинг деярли ҳар бир лавҳасини кўриб туриб сўраш мумкин. Томошабин сифатида менга маъқул бўлган нарса фильмдаги “Нола” гуруҳи томонидан ижро этилган “Хоҳ инон, хоҳ инонма” номли Лутфий ғазали билан айтиладиган кўшиқ бўлди. Балки режиссёр кўшиқ матнидан ҳам фильм гоясими таъкидлаш учун фойдаланишини кўзда туттгандир. Бироқ булар сира боғланмайди. Аксинча, кўшиқнинг ўзи алоҳида ҳолда кўпроқ ёқимли туюлади. Ҳамда ҳар бир байт сўнгтидаги шоир таъкиди севгилида ҳам, тингловчida ҳам, иккиланиш туйғусини яратмайди.

Режиссёр фильм мұваффақиятида жалб этилган актёрларнинг нечоғли машхурлығи мұхим омил, деган түшүнчә билан ёндашкан шекиілли, ролнинг залвори, салмоғи, ички моҳиятига қараб ўтирмай, түғридан-түғри “юлдузлар”ни “бенарвои уради”. Мурод Ражабов, Ҳожиакбар Нурматов, Теша Мұмінов, Ўлмас Алихұжаев, Афзал Рағиқов, Ҳусан Шарипов, Карим Мирходиев, Нозим Тұлахұжаев, Дилшод Каттабеков, қўйингки, раққоса Саида Мансурхұжаевадан тортиб, тележурналист Ойбек Вейсал ўғлигача бор.

Түғри, “машхур”лар фильмнинг бирламчи рекламаси. Бош роллар ижрочилари Мурод Ражабов, Дилшод Каттабековларни, гарчи эътиrozларим кўп бўлса-да, айтмоқчи эмасман. Нима қылсаям бош роллар. Бироқ номи зикр этилган бошқа актёрларнинг нархи нега бу қадар арzon — писта баҳоси. Ўзларини ҳурмат қилишмаса, касбу корларини — санъатни ҳурмат қилишлари керак эмасми?! Улар ижро этилган роллар учун (агар уни роль деб ҳисобласак ва ижро этиш мумкин деб ўйласак) ҳеч бир профессионал актёрга эҳтиёж ҳам, ижодий материал ҳам йўқ-ку! Мисқоллаб йигилалигидан томошабин ҳурмати ва муҳаббатини суиистеъмол қилиш, исроф этиш кимга фойда-ю, кимга зарар?! Мен бу аччиқ таъналарни суйганимдан ва куйганимдан айтиётганимни тушунишар... Бинобарин, бу ҳол фақат зикр этилган актёрларгагина тегишли эмас. Ролнинг катта-кичиги бўлмайди деган улуғ ҳикматни ниқоб қилиб, санъатни, санъаткорлик қадр-қимматини арzon баҳолаётгандар ҳозир оз эмас. Түғри, ролнинг катта-кичиги йўқ. Аммо у роль бўлсагина, ижодий ёндашув, маҳорат намоён этиш учун “ҳаво” беролсагина катта-кичикка ажралмайди. Акс ҳолда кўнгил ранжитадиган енгилтакликтан ўзга нарса бўлмай қолади.

Шундай қилиб, сўнгги йиллар киноҳосилининг бадиий намуналарига оид баъзи кузатишлар, бошланғич мулоҳаза, мушоҳадаларнигина баҳоли қудрат баён этдик. Ҳар бир фильм ҳақида, уларнинг ютуқ ва камчиликлари, актёр кашфиётлари ва мұваффақиятсизликлари ҳақида яна талай фикрларни айтиш мумкин. Бироқ ҳазрати Алишер Навоий айтганларидек, сўзнинг мухтасар-у, фикрнинг мўътабар бўлгани яхши.

Мушоҳадаларни жамлаб, сўнгти йиллар ўзбек киносиning умумий тенденциялари ҳақида сўзлайди ган бўлсак, назаримизда уч жиҳат, уч йўналиш бўртиб кўринадигандек бўлади.

Биринчиси, киносанъатимизнинг миллий адабиёти-миз билан яқинлашуви, мумтоз ва замонавий юксак адабий асарларнинг экран тилига кўчаётгани.

Иккинчиси, тарихий мавзуларга, айниқса, яқин тарихимизга мурожаат қилиб, уни қайта бадиий идрок этиш эҳтиёжининг кучаяётгани.

Учинчиси, замондошимиз маънавий ақидаларини таҳлил этиш, янги давр маънавиятига монанд баркамол инсон тарбияси йўлида фильmlар яратиш тамойилидир.

Булар ҳозирча яққол кўзга ташланган жиҳатлар. Уларнинг ёнида яна кинорежиссурадаги ворислик, яъни катта авлод ижодкорлари қаторида ўрта ва навқирон бўғинга мансуб режиссёrlар кино жараёнда яқиндан, фаол иштирок этаётганлари, кинодраматургиянинг янгиланаётгани ва шу каби бошқа ижобий ўзгаришларни ҳам қайд этиш мумкин. Муҳими, теранлик ва бадиий рангинлик касб этиш йўлида киномизда изланишлар, интилишлар тобора кучаймоқда. Бинобарин, биз қайд этган тамойиллар кенгайиб, теран томирлар отиб бораверади. Чунки бунга ҳаётда ҳам, жамиятда ҳам эҳтиёж, зарурат бор. Аммо, афсуски, бу эҳтиёжни тўла қондириш имкониятлари чекланган. Сабаби — кинонинг фақат санъаттина эмас, айни чоғда катта маблағлар, иқтисодий курдат талаб этадиган саноат эканлиги ҳамdir.

Бозор шароити шафқатни билмайди. Шундай экан фильмларимизни жавонларга тахламай, сотиш, ташқи бозор талаблари, рақобатга дош берадиган мезонларни аниқ ҳис этиш ва амалда тадбиқ этиш, ижодий ҳамкорлик имкониятларини излаш лозим бўлади. Бу йўлдаги ҳаракатларни ҳозирча ижобий баҳолаш қийин. Муҳими жадал кетаётганди ижодий жараёнга иқтисодий мустақиллик йўлидаги интилишларнинг мутаносиб кечиши, монанд келишидир. Шундагина киномизнинг ҳам келажаги буюк бўлишига ишонч барқарор бўлади.

1999 йил

МИЛЛИЙ КИНО: ЯНГИЛАНИШ ВА ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Инсон табиати қизиқ. Гоҳида борига шукр қиласди, йўғига қаноат. Гоҳида эса бир нарсаси кўтрайиб, ҳаддан зиёда бўлса, бирданига буни кўтаролмай, ҳаприқиб ё ҳаволаниб қолади. Довдираб эсанкирайди. Мен нима учундир ҳозирги миллий киномизда кечётган жараёнлар ҳакида йўлаб туриб, шундай хәёлларга бордим. Бундан бир неча йил аввал киномизда давлат миқёсидаги эътибор туфайли ўзгариш, янгиланишлар бўлаётганини кузатиб, ўз мулоҳазаларимизни матбуотда эълон қилган эдик. Дарҳақиқат, истиқтолимизнинг ilk йиллари киножараёнларида ҳам муайян ўзгаришлар арафасида иккиланишлар, турли йўл ва йўналишлар излаш палласи бўлди. Шунда йўғига сабр қилиб, хориждан тўлқиндек кириб келган ҳинд-у, америка фильмлари билан кифояланиб турдик. Сўнг истиқтолимиз қад ростлай бошлагач, Юртбошимизнинг маҳсус фармони, Ҳукуматнинг қарори қабул қилиниб, “Ўзбеккино” акционерлик компанияси ташкил бўлди. Давлат маблағлари ҳисобига ҳар йили олтита бадиий фильм ва яна мультипликация, дубляж, хужжатли кинолар суратта олиниши белгиланди. Энди борига шукр қилиб, янги жараённи шакллантириш ва изга қўйиш ишлари бошланди. Албатта бу текис, силлиқ кечгани йўқ. Акционерлашув бизлар учун янги тушунча ва янги ҳодиса бўлгани учун, муайян тушунмовчиликлар, адашиш ва йўқотишлар бўлди. Аммо барибир жараён маълум ўзанга тушиб, илгарилаш учун туртки олиб, қувват йиғаётган эди. Мана энди уч йил тўляптики, “Ўзбеккино” компанияси Миллий кино агентлигига айланиб, ўн бешта бадиий фильм ва бошқа кино йўналишлари учун Давлат томонидан маблағ ажратиляпти. Булар бари Миллий киномиз ривожи учун узоқни кўзлаб, боқичма-босқич амалга оширилган сиёsat на мунаси. Шу туфайли бутун киномизда том мъянода мўл-кўлчилик бўляптики, бундан унча-мунча одамнинг карахтлашуви, эсанкираши табиий ҳол. Хўш, ана шу қарийб уч йиллик даврда изланишлар қандай кечди? Мўл-кўлчилик нимада? Очиги бутунги мўъжизавий коммуни-

кациялар асрида киностудияларимиздаги техникавий жиҳозланиш аҳволини кўрган одам сира бундай фикрга бормайди. Аксинча, шу алмисоқдан қолган техника билан йил оша ўнлаб фильмлар суратта олинаётганига қойил қолиб, сабру қаноатимиизга тан бериб кетади. Хўш, унда фаровонликни қандай тушуниш керак?

Гап шундаки, халқимизнинг маънавий такомилини, ёш авлоднинг маданий-маърифий савиасини ўйлаб, бир томондан давлат миллий кино учун – ғоявий-бадиий юксак кино учун маблагни аямаёттани бўлса ва бундан соҳа ривожланиб, фильмлар сон-салмоғи ошаётган бўлса, иккинчи томондан кинонинг дурустгина бизнес-даромад манбаи эканини сезиб, ўнлаб кинотадбиркорлар пайдо бўлиб, кинобозоримизни муттасил тўлдириб, тошириб турибди. Бунинг устига яна Миллий телерадиокомпания-мизнинг ҳам кино фаолиятининг фаоллашуви ва унинг ҳам мустақил ҳолда кинобозорига киришга интилиши, ҳозирги даврга келиб миллий кинонинг маънавий жабҳада том маънода етакчи – байроқдор бўлиб қолганини намойиш этмоқда. Гоҳи Алишер Навоий номли киносаройимизнинг олдидан ўтганда мавжуд манзарани кўриб, хурсанд бўлиб кетади, киши.

Афишаларнинг барчаси миллий кино намуналари ҳақида. Биттасининг намойиши тугаб улгурмай, иккинчи, учинчи... ўнинчилари навбат кутиб турибди. Қисқа даврда, ўн беш йилгина фурсат ичиде миллий киномизнинг хоҳ у давлат йўли билан, хоҳ хусусий йўсинда олинган бўлсин, қатъи назар, мамлакатимиз кинобозорини тўла эгаллагани, саёз ё жангари ҳинд, америка фильмларини ўз бозоримиз ва ўз халқимиз онгидан сиқиб чиқараёттани жуда қувонарли ҳол ва буни ҳеч шубҳасиз табриклаш керак. Нафақат Ўзбекистон кинобозори, айни чоғда деярли бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон кинобозорларида ўзбек фильмларининг тобора талабгир бўлиб, қўшни давлатлар фуқароларининг маънавий дунёсига дадил кириб бораётгани ҳам қониқиши туйғусини янада кучайтиради. Айни чоғда муайян мулоҳаза уйғотадиган ва мушоҳдаларга ундейдиган масала ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Бинобарин, кино фаровонлигидан эсанкирашларни бир сидра ақл тарозусидан

ўтказиб, жуда хавфли бўлган маънавий караҳтилик рўй беришининг олдини олиш бутун долзарб масалалардан бўлиб турибди. Чунки аксарият чучмал майший ҳаёт манзаралари, сохта ўлдим-куйдимлар, сунъий муҳаббат изтиробла-ри, ҳинд киноларининг жуда зарарли маънавий оқавала-рини эслатувчи ёлғон эҳтирослар авж олиб кетяпти. Ўзбек киноактёрлик мактаби инчунун таназзулга юз тутиб, про-фессионал ижро ўрнига шаҳвоний майлларга озуқа берадиган, чиройли, аммо тамомила ўлик кўз ва қиёфалар, ширин башаралар кинокалларини тўлдириб бораяпти.

Бугунги кунда эстрада қўшиқчисиман деган қизу жувон, болаю бача, йигит зоти борки, барчасининг “ижодий” таржимаи ҳолида камида иккита-учтадан “бадиий фильм” бор. Ҳисоб-китоб шунчалик чалкашиб кетдики, ёшлар аввал эстрада қўшиқчиси бўлиб, сўнг киноактёрга айланяптими ёки аввал кинода ўйнаб, сўнг қўшиқчи бўляптими, аниқлаш жуда мушкул. Бинобарин, бунга зарурат ҳам йўқ – Хўжаали – Алихўжа. Бу, табиийки, гурос-гурос бўлиб кинозалларига кириб келаётган милионлаб ўспи-рин ва ёшларимизнинг дидини ўлдириб, савиясини тушу-риб юбормоқда. Худбинлик, манманлик ва безбетлик каби иллатларининг кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу, албатта, аввало ва асосан, хусусий кино намуналарига тегишли ҳолат. Чикора, бозор муносабатлари. Пул тиккан одам, аввало харидорни ўйлайди. Лекин инсоф билан таъкидлаш лозим-ки, хусусий студияларда ишлаб чиқарилаётган фильмларни ҳам бир қолипда кўриш тўғри эмас. Сўнгги йилларда бу йўналишда фаол ишлайтган Рустам Саъдиев ва Баҳром Ёкубовларнинг изланишлари дикқатга арзигулик.

“Муҳаббат синовлари” номли иккита фильм билан оммавий томошабин ҳоҳишларига ўша кезлар айни мос картиналар яраттан Р.Саъдиев ҳозиргача асосан хусусий йўл билан 6-7 та фильмни суратга олиб улгурди. Унинг сўнгти икки йил оралиғида яраттан “Келгинди куёв”, “Келгинди келин” фильмлари ҳам аввалгилари каби минг-минглаб ёшларнинг эътиборини тортди. Сермаҳсулликда Б.Ёкубов ҳам ўзининг кичик касбдошидан қолишмайди. Нафақат саноқ-да, айни чоғда машҳурлик, оммабопликда ҳам бошқалардан қолар жойи йўқ. Бу режиссерлар омма дидига ҳар қанча

мослашишни мўлжал қиласинлар, шу билан бирга ўзлари ҳам фильмдан-фильмга ўтишда малака ва муайян ўсиш-ўзгаришга мойилликларини сездиришмоқда. Аммо тан олиб айтиш жоизки, бугунги миллий кино об-ҳавосини, унинг ҳалқаро нуфузи ва эътирофини давлат маблағлари ҳисобига тайёрланаётган ва юксак талаб ҳамда мезонлар асосида сараланаётган фильmlар таъминлаб бермоқда.

Зулфиқор Мусоқовнинг “Ватан” фильмни сўнгти йиллар миллий киномизда ҳалқимиз ҳаётининг мураккаб даврларини эпик қамровларда, миқёсли тасвирлашга уриниш эканлиги билан эътиборни тортади. Атоқли режиссёри миз Шухрат Аббосовнинг мустақилик йилларида яратилган “Отамдан қолган далалар” фильмидан кейин “Ватан” фильмни ҳалқимизнинг Шўролар ҳукмронлигига бошидан кечган воқеалар, ўтган асрнинг 30-йиллари, уруш даври кечмишлари, урушдан кейинги қатағон тўлқинлари, совуқ ўлкаларнинг қўрқинч манзаралари бир оддий ўзбек йигити тақдирни орқали қамраб олиниб, ўша давр воқелигининг даҳшатларини анчайин таъсирчан бир шаклда кўз олдимизда гавдалантиради.

Курбон севиб, севилиб, умрининг навжувон палласини ёруғ орзуладар билан ўтказиб, шодликдан балқиб юрган бир паллада уруш бошланиб, тақдир уни буткул бошқа қўчаларга солиб, адаштириб юборади. Асрликка тушади, фашистлар концлагерларида хўрлик ва хорликларни кўради. “Туркистон легиони” ҳақидаги ҳаракатларга кўшилиб, ўз мақсади – ўзимизниkilар томонга қочиб ўтиб, яна курашларни давом эттириш учун чора излайди. Чора топгандек бўлади ҳам. Бироқ энди ўз юритидаги мавжуд тоталитар тузум миллионлаб қурбонлар қатори фильм қаҳрамонини ҳам совуқ саҳроларнинг қаърига итқитиб, зўравонлик салтанатини мустаҳкамлаш учун қурбонликка маҳкум этади (балки шу нуқтаи назардан ҳам қаҳрамоннинг исми Курбон деб белгиланган бўлиши мумкин). Яхши инсонларнинг кўмаги билан уммон ортига қочиб ўтиб, шу ерда паноҳ топади, бола-чақа қилиб, рўзгор тиклади. Аммо уни муттасил безовта қилаётган интиқом ҳисси бор эдики, соч-соқолига батамом қиров тушган эсада, шу истак билан она юртига отланади. У ўша қатағон

даврлари узоқ ўлкаларда абадий азобга маҳкум маҳбус ўлароқ кун кечирап экан, аёллар лагерида қамоқ жазосини ўтаётган хотини Гунафшани тасодифан учратиб қолади. Ҳаётига нур киргандек кўнгли ёришган Курбон не умидлар билан энтикиб, аёлини излаб боради. Бироқ у кечиккан эди. Бир кунгина аввал азобларга дош беролмай ёки балки, эрининг тирик эканини кўриб, армони ушалганидан таскин топиб, Гунафша дунёдан кўз юмган эди. Хотинининг совуқ жасади устида кўзёш тўкар экан, Курбон ич-ичидан ҳайқириб келган аламу фарёдларни, бор изтиробини ўзбекона бир самимият билан уч-тўрт оғиз сўзда ифода этади: “Мени бир оз кутиб турмабсан-да, Гунафша. Юзингдаги сепкилларингни жуда соғинган эдим”. Фильмдаги ана шу лавҳа томошабинни мутаасир қиласди. Фильм қаҳрамонлари тақдирига бефарқ қолдирмайди. Ва Курбонни айнан ана шу аламу армонлар бир умр тарк этмай, орадан эллик йил вақт ўтиб, уни, оиласини шу азобларга солган душманидан ўч олишга даъват этганини тушунади ҳамда қабул қиласди.

Беихтиёр мана шу тафсилотлар акс этган фильм нега кенг ва теран маъно англатувчи тушунча билан, яъни “Ватан” деб номланган экан, деб ўйланиб қоласиз. Балки Курбоннинг кечмишлари орқали юртимизнинг сўнгги 70–80 йиллик тарихига бадий саёҳат қилингани учунмикан ёки биргина инсон изтироблари мисолида неча минглаб, миллионлаб ватандошларимизнинг қисмати ҳақидаги оғриқли ўйларни бугунги ёшларимизга етказиш мақсади назарда тутилганмикан, каби турли мулоҳазалар хаёлга келади. Албатта, бу гоявий ниятларни ҳам истисно этмаган ҳолда, мен кўпроқ Курбоннинг хотини жасади устидаги жуда оддий, тўпори бир тарзда ифода этилган аламу армонларда ва фильм сўнгидаги американлик ўзбекнинг қароги ёшта тўлиб “Мен ўзбекман” деган чукур маъноли бир жумласида “Ватан” сўзининг бекорга фильм сарлавҳасига кўйилмаганига ўзимча изоҳ топгандай бўлдим. Дарҳақиқат, Ватанни англамоқ учун уни бутун оғриқлари билан қалбидан ўтказган оддий бир инсоннинг ички туйғуларини ҳис қилмоқ керак. “Ватан” фильмининг бош ютуғи бизнингча ана шунда.

Албатта, юқоридаги фикрлар фильмни ҳар томонла-
ма мукаммал дейишга асос бермайды. Очиғи фильмда
жавобсиз саволлар, танқидбоп ўринлар кўп. Айниқса, конц-
лагер саҳналари, тарихий шахслар билан боғлик лавҳалар
ва ҳатто узоқ шимолдаги Сталин ўлимхоналарига оид ай-
рим тафсилотлар жуда саёз, айтиш мумкинки, ўрни би-
лан карикатуранамо бир ечимда кўрсатилади. Бунга фильм-
нинг молиявий имкониятлари бир оз чеклангани, техни-
канинг ночорлиги ҳам таъсир кўрсатмай қолмаган, албатта.
Лекин асосий нуқсон режиссёрнинг ўз foяси ва топилма-
ларига берилиб кетиб, асарни бошдан-оёқ бир маромда
давом эттиrolмагани, воқеа ва тафсилотларнинг ҳаётий
ва бадиий мантиқини тўлиқ сақлай олмаганлигига дейиш
тўғри бўлади. Шунга қарамай фильм сўнғи йиллар ўзбек
миллий киносининг воқеликни эпик кўламдорликда акс
эттириш йўналишидаги ўзига хос изланишларидан бири
сифатида, айни чоғда Зулфиқор Мусоқовнинг ижодида-
ги силжиш, янги мавзу ва бадиий талқинлар топиш, жид-
дий киноуслубини касб этиш йўлидаги самарали тажри-
баси сифатида эътироф этишга арзиди.

Ўтган йили миллий киномизнинг услубий ранг-баранг-
лик борасида муваффақиятли изланишларини намойиш
этган яна бир фильм бу таникли ва тажрибали режиссёр
Қамара Камолованинг “Йўл бўлсин” фильмидир.

Билимдон ва эҳтиросли фольклоршунос олим Шомир-
за Турдимов билан ҳамкорликда режиссёр кўпчиликка
яхши таниш бўлган сюжет – қиз боланинг топталган но-
муси ва унга қишлоқдошларининг муносабати, муҳаббат
ва хиёнат, гийбат ва бўхтонлар туфайли бўладиган мало-
матлар, хўрлик ҳам камситишлар ҳақидаги воқеани сўзсиз,
фақат оҳанг ва ранглар, пластика ва турли ҳаракатлар
орқали ифодаланишини тасвирга олиб, томошабинда завқ
ва мушоҳада уйғотадиган, рамзий-шартли усулдаги по-
этик бир киноасар яратишга муваффақ бўлганлар. Албат-
та, жаҳон киносида бундай талқиндаги фильмлар мавжуд.
Айниқса, машҳур С. Параджанов фильмлари, хусусан,
“Ошиқ Фариб” ҳақидаги афсоналар асосида яратилган
сўзсиз, оҳанг ва рамзлар тилида ифода этилган фильм
киномухлисларга яхши маълум. “Йўл бўлсин” фильми

ижодкорлари шу усулни мишлий манбалар асосида қўллаб, ўзига хос санъат асари яратганлар.

Кўхна асрлар қаъридан келадиган садолар “Йўл бўлсин” қўшиғи мунгларида қалбингизни забт этади. Азалий урф-одатларга қатъий амал қилиб яшайдиган тоғли қишлоқлардан бирида бўлиб ўтадиган воқеалар – ўспирин қиз билан йигитнинг матьсум учрашувлари, висол лаззати, лафэсизлик, хиёнат, ота-она, қариндош-уругларнинг низою тортишувлари, бадном этилган қизнинг қалб түғёнлари, ўзга бир инсоннинг олижаноблиги, турмуш юмушларининг машаққатли юкини судраш манзаралари ва илк бор ҳарир оқликларда намоён бўлган тириклик жозибасининг шу тариқа аста-секин поэтик лавҳалардан рўзгор, кундалик ташвишлар искаңжасига ўтиб бориши – ҳаёт фалсафаси, инсон умри ҳақидаги азалий ва абадий мушоҳадаларга унҷайди. “Йўл бўлсин-эй” қўшиғининг аллаловчи соҳир оҳангларида гўёки бутун бир умрни яшаб ўтгандай ҳис қиласди ўзини фаол томошабин. Беихтиёр руҳ тозарганини, руҳ юксалганини ҳис этади. Айрим майда ташвишлар, ўткинчли ҳою-ҳавасларга исроф бўлаётган ўз умри ҳақида ўйлашта маҷбур этади уни фильм. Фильмнинг ҳам foявий, ҳам бадий қиммати ана шунда.

Фильмдаги умумий романтик-поэтик оҳангни картина бошидан охирига қадар изчил сақланганини эътироф этган ҳолда, айрим ўринларда мусиқий образлар маромига етмаганини, актёрлар ижросидаги пластик ҳаракатлар у қандай характернинг рамзий ифодаси бўлмасин, эстетик меъёрларга мувофиқ келавермаганини, ижро профессионализмининг оқсаганини қайд этиш лозим. Яна бир мулоҳаза “Йўл бўлсин” фильмига оммавий томошабин эҳтиёжидан келиб чиқиб ёндашиш мумкин эмас. Бу табиий ҳолат. Ҳақиқий санъатнинг табиати ҳамиша ҳам оммабоплик ўлчовларига сигавермайди. Шундай экан уни ўз томошабинига етказиш, яъни муайян интеллектуал тайёргарликка эга бўлган аудиторияларда намойиш қилиш масаласи ўйлаб кўрилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2006 йили давлат маблаглари ҳисобига суратга олиниб, Халқаро кинофестивалларда юксак баҳоланган яна бир фильм бу ёш ижодкор Ёлқин Тўйчиевнинг “Чашма” номли асаридир.

Юсуф Розиқов, Собир Назармұхамедов, Зулфиқор Мусоқов, Жаңонгир Қосимов, Баһодир Одиловлар автодидан кейин миңлий киномизга кириб келаётган кам сонли ёш ижодкорлар орасыда Ёлқин Түйчиев ёрқин истеъоди билан назарға тушиб бормоқда. Унинг ижодий таржи-маи ҳолида сүнгти беш-олти йил ичидә зытиборга молик бир неча киноценәрий ва бадиий фильмлар пайдо бўлди. Жумладан, “Орзу ортида” фильмни инсон руҳий ҳолатларини ўзига хос воқеалар орқали бадиий таҳлил этишга қаратилган яхши киноасарлардан эканини таъкидламоқ жоиз. Унинг вақт жиҳатидан сүнгти “Чашма” фильмни ҳам қай бир маънода ўша йўл ва йўналишнинг давоми. Шу маънода дадил айтиш мумкинки, Ё.Түйчиев ўзбек киносида инсон қалбини тадқиқ этиш орқали ўзлигини топишга уринаётган бадиий образлар яратиш борасидаги зытиборли тажрибаларни ривожлантираётган ижодкорлардан.

“Чашма” поклик ва тозариш рамзи. Унга интилишнинг ўзи инсоннинг шунчаки мавжудлик тушунчаси, нафс етовори билан яшамаётганлигидан далолат. Фильм қаҳрамони – эндигина ҳаётининг балофат даврига, умрнинг мураккаб хилқатларига журъатсизгина илк қадамларини ташлаётган ўқимишли, хориж ҳаётини ҳам кўриб ултурган ёш қиз. Шаҳардан қишлоғига қайтиб, қизининг тўйи тараффудида кўймаланиб юрган онаси, қариндош ва қўшни аёллар даврасида у илк бор ўзини ёлғиз ҳис қиласи. Тогоранинг тарақтуриқига ҳам сел бўлиб, шоҳ ташлаб ўйнашга шай турган аёллардан қочишга баҳона истаб, нариги қишлоқдаги кимсасиз адирда яшаётган аммасиникига тутунини элтиш мақсадида йўлга тушади. Йўл давомида рўй берган воқеалар, турли тоифа ва турли тақдирли одамлар билан учрашувлар, ўзи беихтиёр иштирокчиси бўлиб қоладиган вазиятлар асносида қизнинг ҳаёт ва инсонлар ҳақидаги ўй-түшунчалари чархланиб, янгиланиб боради. Дўстининг сўйган қизини тортиб олиб, хотинига бегона бўлиб яшаётган милиционер йигит, ўзида ижодкорлик, яратувчилик истеъоди бор дея алданиб, ношуд ҳунарманд эканини зытироф этишга ожиз, аламзада тандирчи уста, шаҳар ҳаётидан безиб, қишлоқда ёлғизлиқда қўним ва таскин топган профессор, тўқис ҳаётида мазмун кўрмай, бир фарзандга

зор вокзалдаги номаълум аёл каби бири кам дунёнинг дилгир фуқаролари билан рўбарў бўлиб, қалб ҳаловатини то-полмаётган қаҳрамон охири чашма бўйига келиб, унинг зилолида қалбига илакишган маънавий губорларни ювади гўё. Бесаранжом, безовта ички дунёсини тинчтишга, тартиблашга чора топгандай бўлади. Ҳар бир учрашган одамидан олган арзимас ёдгорликлардан маънавий бисоти учун асқотадиганларини саралаб, сақлаб қолади. Қолганини оқизиб юборади. Мана шу жуда гўзал топилган бадиий деталда фильм муаллифи қизнинг руҳан осон кечмайдиган қисматига қандайдир рамзий ишоралар беради, томошибинни мантиқ мезонлари билан фикрлашга, фильмнинг, аниқроғи, қаҳрамонининг келажак ҳаётини тасаввур этишга имкон қолдиради. Ёш актриса Н.Каримбоева ижро этган асосий қаҳрамон образи мана шу талқинда эсда қолади. Актрисанинг серқирра, руҳий олами мураккаб бадиий образлар яратишга иқтидори бор эканлигини ҳам намоён этади. Умуман фильмда эсда қоладиган лавҳалар, актёрлик топилмалари анчагина бор эканини айтмоқ ўринли. Айникса, Фарҳод Абдуллаев ижро этган тандирлар териб ташланган ҳовлидаги лавҳа – тандирчининг ўзида катта ижодкор ўлиб бораётганидан ёзгириб, ҳали ҳаммани ўз истеъдоди билан лол қолдиришига қаттиқ ишониб, ичкарида ясаб чиқадиган “ноёб” асари яна тандирдан нари ўтолмаганини акс эттирган лавҳа фильмнинг шохлавҳаси эканини таъкидламоқ лозим. Биргина шу лавҳанинг ўзиёқ хилма-хил тасаввур, таҳлил ва талқинларга имкон беради.

“Чашма” фильмни Ёлқиннинг жиддий ютуғи, аммо жўяли хulosалар чиқариши учун ҳам яна бир имконият. Ёш режиссёр реалик билан шартлилик, ҳаёт билан рӯё ўртасидаги нисбатларни тўғри белгилаб олишга интилиши, кўп масалаларни йўл-йўлакай, ҳиссиётта берилган тарзда ҳал этиб кетавериш хусусиятидан воз кечиши керак. Хаёлдан ўтган ҳар бир нарса кино материалига айланавермаслигини англаш, ҳар бир ҳолат, ҳар бир ҳаракат режиссёрнинг тўлиқ идрок этилган бадиий мантиқига бўйсуниши лозим. Бунда ижодий эпкин, илҳом, завқни пайдо этадиган ва уни тутиб турадиган ҳодисаларнинг ясамалик ва сунъийликни инкор этувчи табиатини тушунмоқ, англамоқ ва зарур ўзанга сола билмоқ керак. Шунда ҳар қандай асар,

жумладан, киноасар ҳаётбахш хусусият касб этади. “Чашма” фильмни ўрни билан ясамаликдан холи бўлолмагани, қаҳрамон дуч келадиган айрим вазият ва характерлар зўра-килиқ натижаси эканини қайд этмоқ керак.

Ўтган бир йилнинг ичida давлат ва хусусий йўл билан элликка яқин бадиий фильмлар, яна қанча телевидение учун ҳамда ҳужжатли, мультикликацион фильмлар ишланган. Киновидеоклипларнинг эса сону саноғи йўқ. Бу рақам ва саноқлар йилдан-йилга ошиб боришини, талаб ва эҳтиёж замон шитобига яраша тобора ўсиб бораётганни эътиборга олсак, хавотир янада кучаяди. Чунки ҳар бир соҳани ўз профессионал малакали ходимлари бошқариши ва юритиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Агар кино соҳасидек улкан санъат ва саноат тасодифий кишилар қўлига ўтиб қолса ёки турли фильмлар шулар томонидан ишлаб чиқарилса, унда фуқароларимизнинг, жумладан, ёш авлоднинг диду савияси ҳақидаги юқорида билдирган ташвишили ўй-мулоҳазаларимиз ҳолва бўлиб қолади.

Яна бир мулоҳаза – бу киношунослик ва кинотанқидчиликнинг аҳволи масаласи. Эл таниган кино олимлари ва танқидчиларининг ўртача ёши етмиш атрофига. Борлари ҳам ҳозирда фаол эмас. Бозорларимизни тўлдириб бораётган, маънавий дунёмизни ишғол этаётган кино-видеофильмларни холис, асосли баҳосини бериб, уларнинг ривожланиш хусусиятларини ўрганадиган, томошабиннинг диду савиясини йўналтирадиган, хавфли маънавий бухроnlардан огоҳ этадиган илм ва танқидни безътибор четта сурib кўйиш, унинг келажаги ҳақида ҳам қайғурмаслик мумкин эмас. Ҳар қандай жамиятда фикр ўсмоги, тафаккур ривожи учун таҳдил, танқид, одил баҳсу мунозара мұхити бўлиши шарт. Маданий мамлакатлар қаторида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораётган Ўзбекистонда бадиий танқид, жумладан, кинотанқидчилигига эътибор жуда зарур. Бу вазифа ҳам “Ўзбеккино” Миллий агентлиги зиммасига Юртбoshимиз томонидан қўйилган мұхим вазифалардан бири.

Биз 2006 йили давлат маблағлари ҳисобига яратилган ва киноэкранларида намойиш этилаётган учта фильм ҳақида ҳамда шу билан боғлиқ тарзда бошқа масалаларга оид айрим мулоҳазаларни баён этдик. Асосий хулоса шуки, миллий киномизда ўзгариш ва янгиланишлар, ғоявий ва

услуғий изланишлар борасида қувонарли жараёнлар кечмоқда. Муддао уни янада түкисроқ, қизғинроқ ва мамлақатимизда юз берәёттән буюк ҳодисаларга ҳамоханг, ҳамқадам бўлмогини куриш.

Тўғри, балки катта минбарларда айтилган замонамиз қаҳрамонлари қиёфаларини акс эттириш борасидаги фикрлар ҳали тўла ижросини топмаётгандир. Лекин шу мақсадда изланишлар кечаётгани аниқ. Биз юқорида баҳоли қулрат таҳлилга тортган фильмлар дабдурустдан қараганда юксак ижобий қаҳрамон ҳақидаги мавҳум тасаввурларга жавоб беравермас. Мұхими бу фильмлар ўз қаҳрамонлари билан инсоний қадриятларни, юртимизнинг рангу таровати, гўзаллиги, одамларимизнинг маънавияти бой ва төранлигини, бу кўхна заминнинг ҳамиша истеъодли инсонлари бор бўлганини акс эттиришга урингани, эзгуликни, нафосатни, садоқатни тасдиқ этиб, пасткашлик, ёвузлик ва тубанликларни инкор этаётгани билан зътиборлидир. Зоро, Юртбошимиз Олий Мажлиснинг 2001 йил V сессиясида журналистлар билан мулоқотда замонавий, ижобий қаҳрамон хусусида шундай фикрни илгари сурган эдилар: “Биз совет даврида бир нарсага ўрганганмиз. Агарки қаҳрамон бўлса, юз фоиз қаҳрамон, унинг юриш-туриши ҳам қаҳрамон, оғзидан чиқадиган гапларнинг ҳам ҳаммаси ибратли бўлади. Мен бунга мутлақо қаршиман. Замонавий, ижобий қаҳрамон ҳақида гапирганимизда, кимни тасаввур қиласиз? Оддий одам, оддий инсонни! У ҳаётда хато қилиши мумкин, ҳаётни нотўғри тушуниши мумкин, ҳаётта муносабати ҳар хил бўлиши мумкин. Айтайлик, турили тоифаларга номаъкул бўлиши мумкин. Лекин мен нимани хоҳлардим? Ижобий қаҳрамон, аввало юрт тараққиёти, эл-юрт тақдиди, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, дунёда ўзбек миллияти, ўзбек халқи, умуман, юртимиз ҳеч кимдан кам бўлмасдан ящаши учун жонбозлик, керак бўлса фидойилик кўрсатиши керак. Инсон ҳеч қачон юз фоиз ижобий бўлмайди. Замонавий қаҳрамон қиёфаси орамизда юрган, орамизда бутун ҳаёт кечираёттән ёш йигит-қизларнинг ибрати орқали кўрсатилади, мана шундай мураккаб ҳаёт, мураккаб турмуш қаҳрамонларни түғдиради. Бизга афсонавий қаҳрамон эмас, замонавий қаҳрамон керак...”

2007 йил

МУНДАРИЖА

Кўнгил эпкинилари

Искандар	4
Она	34
Дискотека	80

Тафаккур эҳтиёжи

Миллат фидойинси	136
Маориф мафтуни	142
Оқ тонглар кўйчиси	147
“Ўртаниб айтганим сўзим қолдими?”	151
Умр карвони	159
Давримизнинг виждони	167
Софинч ва армонлар қиссаси	176
Адабиётшунослигимиз Ҳамлети	182
Маънавиятим манзилларидан бири	195

Ҳайрат таважжуҳлари

Қисмат	208
Кулгу ва йиги орасида	235
Миллий театр репертуари	273
Бадиий мушоҳада ва тарих ҳақиқати	298
Миллий кино: изланишлар йўлида	309
Миллий кино: изланиш ва янгиланишлар давом этади	324

Адабий-бадиий нашр

Шуҳрат Ризаев

МАЊНАВИЯТ МАНЗИЛЛАРИ

Пъесалар ва мақолалар

Муҳаррир *Илҳом Зойир*

Мусаввир *Олег Холодняков*

Бадиий муҳаррир *Anatolij Bobrov*

Техник муҳаррир *Tatjana Smirnova*

Мусаҳҳих *Дона Тўйчиева*

Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Маннолова*

ИБ № 4686

Босишга 20.05.08 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/₃₂.
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 17,64 шартли босма тобоқ.
19,5 нашр тобоғи. Адади 3000 нусха. 209 рақамли буюртма.
46—2008 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Faғур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

100128. Тошкент. Шайхонтохур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзидимиз: www.iptdgulom.uz